



М.Ю. ЛЕРМОНТОВ



**ИЗБРАННЫЕ
ПРОИЗВЕДЕНИЯ**



**ГОСУДАРСТВЕННОЕ ИЗДАТЕЛЬСТВО УЗБЕКСКОЙ
ТАШКЕНТ — 1955**



М.Ю. ЛЕРМОНТОВ



**ТАНЛАНГАН
АСАРЛАР**



М. Ю. Лермонтовнинг II-нчи томи
1953 йил «Правда» нашриёти чиқарган
тўла асарлар тўплами асосида тайёрланди.



ДРАМАЛАР



ИСПАНЛАР
БЕШ ПАРДАЛИ ТРАГЕДИЯ
БАҒИШЛОВ

Бунда ҳароратли юрак тўлқинин
Эҳтиётсиз қилган бўлсам ҳам изҳор,
Кўрсанг-да ис'ёнкор ҳирслар ёлқинин —
Заиф ҳад'ямни рад этма, зинҳор.

Йўқ! Сра ёзмадим киборлар учун—
Илҳом шавқи-завқи улардан йироқ.
Севдим ижодимнинг енгилмас кучин,
Мен ҳад'я этмадим уларга броқ.

Мен яхши биламан: Шод ақлларга
Жўр овоз бўларми ҳаётин торлар,
Жўр овоз бўларми ғамгин дилларга,—
Буни фарқ қилмайди мағрур киборлар.

Мендай жафокашни таҳқирлаб кулмай,
Фақат сен англадинг кўнглимнинг дардин.
Бевақт кексаликнинг изларин қўймай,
Ғамгин пешонамдан қувлаб юбординг:

Шуни эслайман мен, сеvimли нигор,
Тунаро чақмоқлар чақиб турган вақт,
Ҳам мрамар қўйилган қабр ўзра ночор
Шох эгиб турганда ёш қайин дарахт!

КАТНАШУЧИЛАР

Дон Алварец. Испанияли дворян.
Эмилия. Унинг қизи.
Донна Мария. Эмилиянинг ўғай онаси.
Фернандо. Алварец боқиб олган ёш йигит.
Дин бошлиғи Соррини. Италия-иезуит, инквизиция
хизматчиси.
Доминикнинг мухлиси¹. Сорринининг ошнаси.
Моисей. Яхудий
Ноэми. Унинг қизи.
Сора. Қари яхудий хотин.
Испанлар — Сорринига сотилган саёқлар.
Эркак ва аёл яхудийлар.
Инквизиция хизматчилари.
Алварец ва Сорринининг хизматкорлари.
Халқ.
Тобутсозлар.

(Воқиа Кастилияда ўтади.)

БИРИНЧИ ПАРДА

І Қ У Р И Н И Ш.

Алварец уйда бир хона. Стол. Деворда ойна ва портретлар
Донна Мария юмшоқ креслода ўтирипти. Эмилия тикка туриб
тасбиҳ ўғирмоқда.

Д о н н а М а р и я

Ҳа, ҳа, шу бугундан Фернандо блан
Суҳбат қилмоғингни тақиқ этаман.
Чунки у, аввало, зоти паст одам.
Унга тегмагинга эрим рози-мас,
Мен ҳам шу сўзимда қаттиқ тураман.

Э м и л и я

Билинг, олийзотлик қоғозда эмас,
Юракдадир.

Д о н н а М а р и я

Балки бу сўзни ҳам
Уша ўргатгандир сенга.— Жуда сози!..

¹ Доминик Гусман (1170—1221) — испанияли золим ва фанатик руҳонийлардан бири.

Э м и л и я

Ажаб эмас, унинг ёрдамида мен
Кўп гўзал ҳисларни ўрганган бўлсам,
У етимни отам боқиб олганда,
Қўғирчоқ ўйнаб юрар эдим мен,
Уша вақтдан буён, бир уй ичида
Ака сингил каби қувнашиб ўсдик;
Қастил тоғларини сайр этсак ба'зан.
У менга йўлбошчи, тиргак бўларди;
Мен учун деганда тик чўққидан ҳам
У узолмайдиган гул бўлмас эди.

(Донна Мария паришон, у гўё эшитмаган бўлиб кийимларини тузатади)

Бир бор тунга қадар кезиб юрдик биз,
Хушбўй ел ёқимли бўлаборарди,
Ой ҳам сузиб борар зангор осмонда.
Тошқин сой учради; ундан кечишда
Ласт кўтариб олди Фернандо мени,
Сувни кечдик аммо анчага қадар
Унинг қучоғида қолиб кетдим мен.
Ҳали ҳам эсимда, шунда у бирдан:
«Мени севмайсанми, Эмилия?» деди.
«Йўқ! севаман!»— дедим. Ушандан буён
Дун'ёда у менинг танҳо севгилим!..

Д о н н а М а р и я

Ана, у блан ҳеч сўзлашмагин деб
Насиҳат қилишимнинг бойиси шу-да,
Онанг ўрнидаман, мумкин қадар мен
Жиддийроқ назорат қиламан сени:
Менга ҳуқуқ берган отанг бу учун,
Фернандога тегишни хаёл қилмагин.

Э м и л и я

Бундай фолбинликлар ёлғон бўлса-чи?

Донна Мария

Эсим сеникидан паст эмас, ишон.
Чунки, мен учинчи эрдаман ҳозир,
Тажриба ақлнинг ўрнин босади,
Мулки тенг бўлмаган эру хотиннинг
Бахтсиз бўлишини яхши биламан.

Эмилия

Наҳот, ўлган эрлар ўз хотинининг
Ақлини оширса?..

Донна Мария (*худди эшитмагандай*)
Ибодатга юр!

Эмилия

Ибодатга! (*Бир четга*)
У-чи, ҳамон келмайди.

Донна Мария

Ибодат китобин олиб олдингми?

Эмилия

Ийе! Унутибман;
(*Столдан китобни олади*)

О! Мунча ҳаяллади!

(*Фернандо киради, Донна Мария уни кўрмасдан чиқиб кетади. Эмилия ўгай онасининг орқасидан чиқаркан мантильяси¹ остидан хат ташлайди. Унинг орқасидан қараб қолган. Фернандо, ердан хатни олади.*)

Фернандо (*хатни очиб ўқийди*)

«Отам севгимиз ва сенинг менга уйланмоқчи бўлганингдан хабардор эканини эшитдим. У сенга шу тўғрида гапирса керак. Худо ҳақи, у блан гаплашганингда

¹ *Мантилья* — хотин-қизлар елкага ташлаб юрадиган енгсиз калта кийим.

қизишма; агар шундай қилсанг. иккаламиз ҳеч вақт
бахтиёр бўлолмаймиз».

Бу талабинг катта, Эмилия!

(Жимлик)

Ақлга сиғмайди, бир тентак, ҳиссииз...
Қиз эса нақадар латиф ва дилдор.
Ғалати нарсадир бу табиат ҳам!
Эмилия!.. Йўқ, йўқ, унга қиз эмас —
Ташаккур-чи, дерлар, — ташаккур қани!
Нима учун экан, кимга ташаккур?
Қуйи табақадан туғилганимни
Ҳар куни юзимга солиб туришлар,
Руҳан ўзимдан паст одамларга ҳам
Та'зиму итоат қилдирганлари,
Ёки ҳар кун еган бир бурда ноним
Миннат бўлиб, мудам ногинч дилимни,
Тилгани учунми айтай ташаккур?
О, бундай заҳарли та'надан кўра
Очдан ўлганим ҳам яхшироқ эди!
Ажабо, у нечук билган аҳдимни!..
Броқ, майли энди не бўлса бўлсин,
Ҳатто Эмилия учун бўлса ҳам.
Энди ҳақоратга тоқатим йўқ, бас! —
Севги голиб чиқар... аммо кейинроқ...

(Алварец аста кириб, юмишоқ креслога ўтиради)

Ф е р н а н д о

Қандай кибри-ҳаво, гўёки бунда
Ўтмиш нарсаларнинг руҳи мужассам.

(Портретларга қараб.)

О, қани, сиз айтинг, буюк одамлар,
Донолик бор сизда, қувват етарлик,
Зах тобутда кўпдан чириган, ҳиссииз,
Сезгисиз мурдалар, наҳотки наҳот...
Мендан тортиб олар Эмилиямни?
Ақлимга сиғмайди, қизиқ! Наҳотки,
Ўлик одамда ҳам хурофат бўлса!..

А л в а р е ц

Фернандо! Сен менга куёв бўлмоқни
Хавас қилибсан деб эшитиб қолдим.
Ақлсиз! Онт ичдим эзгу ном блан,
Менга куёв бўлмоқ фикрингнинг ўзи,
Шуни бил, азизим, ўлимдан оғир
Ҳақоратдай бўлиб тушмоғи керак.

Ф е р н а н д о

Истардимки, менга тушган бу таҳқир
Ювиб ташлай олса сизнинг...

А л в а р е ц

Ўз устимга тушган таҳқирни дейман!
Яхши тингласангчи сўзни, эсипаст!..

Ф е р н а н д о (истехзо блан)

Бировга умрида бир яхшилик қилиб,
Шундан бери уни ҳар кун юз марта
«Эсипаст, аҳмоқ» деб таҳқирлай олса,
Нақадар бахтиёр бундайин одам!

А л в а р е ц

Эслагин ўзингнинг ким бўлганингни,
Шу кунгача боқдим сени ўғлимдай,
Аммо барча ишлар энди ўзгарди —
Бу уйга қаёқдан тушиб қолдинг сен.
Қайта сўзлаб берай аслингни сенга:
Уйланган кунимдан кўп ўтмаганди,
Бургосдан қайтардим хизматкор блан,
Оқшом эди, тоғнинг баланд чўққилари
Қуюқ туман блан қопланган эди.
Гўристон устидан, ойнасиз кўҳна
Унутилган черков ёнидан ўтдик.
Гўдак ингалади пиллапояда —
Заиф бир болани топдик, — сен эдинг.
Уйга олиб келдим, боқдим мен сени,

(истеҳзо блан)

Аmmo нима учун ташлаб кетганлар,
Ота-онанг кимдир — худо билади! —
Зотан менга улар керак ҳам эмас.

Ф е р н а н д о (ҳайратда)

(Ўз-ўзига)

Ҳа, шундай, бутунлай унутилган етим!..
Тангрининг шу қадар кенг оламида
Ўзинга меҳрибон топаолмайсан!..
Сут эммай ўсдим мен она кўксидан,
Тиззасида ухлаб ором олмадим.
Мени ёт бир товуш тилга ўргатган,
Бешигим тебратган аллалар айтиб.

(Жимлик)

(Уёқ-буёққа юради, кейин яна тинчланади.)

А л в а р е ц

Нега ғамгин қолдинг! Бас, ҳол шу экан,
Кизимни олмогинг ма'қул бўлурми?
Олийзот испанлар бу ҳолни кўриб,
Нималарни айтмас менинг ша'нимга?

Ф е р н а н д о

Улар сўзлаб-сўзлаб, яна тинчирлар.

А л в а р е ц

Қадимий олийзот оила блан
Кўчадан топилган одам бирлашса..
Йўқ, йўқ, тинчимаслар, бизнинг томонда
Эшитилмаган бу гап.

Ф е р н а н д о

Рост тинчимаслар,
Чунки у кишининг улардан кўра
Тубан эмаслиги ма'лум бўлажак.
(Алварец портретларга яқинлашади.)

А л в а р е ц

Мана бу ҳам менинг азал аждодим.
Истиқомат қилмиш шоҳ саройида.
Буниси муқаддас инквизицияда
Олийзотлар блан хизматда бўлмиш.
Унинг хизматлари ёзилган бунда:
Гулханда ёндирмиш уч минг динсизни,
Уч юзтасин турли азобга солмиш.

Ф е р н а н д о (изтеҳзо блан)

Буниси муқаддас мард экан, шаксиз,
Эзгулар сафига қирар албатта?

А л в а р е ц (бепарво)

Йўқ ҳали!.. Мана бу ҳарбий кийинган,
Бўрки қизил патли, мўйловдор киши
Денгиз флотини бошқарган бир вақт,
Бадбахт инглизлар жангида ўлди.
Бу ўн беш сиймо ҳам менинг аждодим
(Қўярлар мени ҳам шулар ёнига
Наслим олий бўлар, худо хоҳласа);
Қўшилмоқ бўлибсан шулар сафига —
Қани сенинг отанг, қаерда онанг?
Бирор саёқ-дайди пасткашдир балки,
Балки бирор бахтсиз бузуқидир, ё
Ундан ҳам баттардир, не дейсан, қайсар?
Аслингни кўрсатиб исботлаб берсанг,
Шундагина кўнглим тинчланар, билгин.

Ф е р н а н д о

Агар тинчлатмоқчи бўлсам мен сизни
(қўлини ханжарига яқинлаштириб)
Буни исботсиз ҳам қилаолардим.

А л в а р е ц

Ўзингни унутиб қўйибсан, саёқ!
Қандай тинчитасан мени, кўрсатчи!
Бўлмаса чорчўпга михлаб ташлайман,

Папа пайгамбарнинг ноиби, бу рост,
Худди шундай ростдир менинг сўзларим!...
Қандай қилиб мени тинчитасан, айт!
Ташланди, найрангбоз, шўрлик, унутма,
Испанли дворян дейдилар мени.
Бундай тақдир учун судга бераман,

(депсиниб)

Кўрдингми отам-у бобом ким менинг?
Сенинг отанг қани? Кўҳна мазорга
Сени ташлаб кетган ўша онанг ким?
Христиан она бундай бўлмайди.
Жуҳуд бўлса керак — жуҳуд авлоди,
Ювош бўл яхшиси, сени кечирай!..

Ф е р н а н д о (безовта бўлиб)

Тинглагил, Алварец! Энди, бундан сўнг
Менда заррача ҳам ҳақнинг қолмади!
Ҳурмат, миннатдорлик кутмагин мендан
Соф қон оқар эди бунгача танда;—

(Бир минут жимлик.)

Мана шу ханжарим, кўп билгинг келса,
Мана шу тинчитар сени, Алварец.

А л в а р е ц

Йўқол, йўқол, тезда менинг ҳовлимдан!
Қизим ҳам, ўзим ҳам халос бўлайлик,
Шарпанг кўринмасин атрофимизда,
Агар қизим блан махфий суҳбатни
Хаёл қилакўрсанг, Мадрит ҳурмати.
Бобом ҳурматига онг ичаманки,
Бунга қонинг блан жавоб берасан.

Ф е р н а н д о

Сен қонимни сўнгги томчисигача
Ичсанг ичаоласан, аммо номус-чи...
Номусни олмоққа кучинг етмайди!

А л в а р е ц

Йўқол! Аҳмоқ! Нонсиз қолган чоғингда
Менинг деразамнинг тагига келма.
Қувлаб юбормоққа буйруқ қиламан.

(Четга)

Кўп ярамас бўпти бизнинг Фернандо!..

Ф е р н а н д о

О! Дўзах ва осмон! Майли, яхши қол!..
Лекин бирор ишга қарор қилсам-чи,
Узингга эҳтиёт бўлгин, Алварец!..

*(Ғазаб ичида югуриб чиқиб кетаркан эшик ёнида ру-
ҳоний Соррини блан тўқнашади, лекин уни танимай
ўтади. Соррини бир нафас ҳайратда қолиб, кейин та'-
зим блан уйга киради. Алварец уни қувонч блан кутиб
олади).*

А л в а р е ц

О, салом сизга, тақсир Соррини!

*(У ўз ташвиши блан бўлиб, олдин уни кўрмай турган
эди.)*

Тангрим эзгу-зоти, ҳолингиз қалай?

С о р р и н и *(муғомбирлик блан та'зим қилади, кўзини
кўкка тикади.)*

Кечиринг, мен унга ожиз қул, холос,
Ва сизнинг камтарин хизматкорингиз,
Бунда аллақандай шов-шув эшитдим?
Ҳатто кирганимда та'зим қилмасдан
Қимдир қутургандай югуриб чиқди.

А л в а р е ц

Асранди ўғлимни уйдан ҳайдадим,
Уни аллақачон қувмоқчи эдим.



Испан.
Лермонтов чизган сурат.

Соррини

Мен ҳам буни кўпдан сезган эдим;
Безовта қилмайин дегандим сизни...
У бир хаёлпараст, ўйлари бебош,
Юраги оташин ва ўзи саёқ.
Бу каби одамлар хизматга эмас
Буйруқ бериш учун яратилгандир.
Улар биздек эмас, фақат мана биз
Ҳар куни тупроққа минг бор бош эгиб
Ҳақирлигимизни сезмоқ истаймиз.
Савобли ишларга доим интилиб,
Ўздан гуноҳларни ювмоқ бўламиз.
Нима қилди ўзи, билсам мумкинми?
Балки у черковга, шоҳга қаршидир?
Билсам ёмон бўлмас...

А л в а р е ц

Ўзи бир фақир.

Соррини

Фақирми?

А л в а р е ц

Ҳа, шундай, мен уни, ахир,
Чақалоқ чоғида кўчадан топдим.

С о р р и н и

Ундай одамларни афв этув яхши,
Тангри жазолаган уларни кўпдан.

А л в а р е ц

Иўқ, сизга айтайин унинг қилмишин...

С о р р и н и (бир четга)

Ҳамён тўлдиришга пайт келдику-я,
Афсус, бу одамнинг киссаси қуруқ.
Дунёда ҳар нарса қўлма-қўл экан

А л в а р е ц (сирли бир қиёфада)

Ҳали бола экан, қизим иккисига
Бирга ўйнаш учун рухсат этардим.
Улар ўйнайверди, мен ҳам бу ҳолдан
Ёмон оқибатни кутмаган эдим.
Ба'зан ҳол сўрардим — ўйнаяпмиз дерди.
— Қандай ўйин?— дердим, «Севги ўйини».
Ўйин деб қумридай ўпишардилар.
Улғайганда бундай қилиқлари
Адабсизлик бўлиб туюлди унга.
У шу ўйинларни давом этдириш
Хаёлида бўлди доимо.
Ба'зан сезиб қолдим — ҳатто қизимга
Ўйланиш ҳақида ўйлай бошлади.
Менинг жоним чиқди, тақсир Соррини,
Ўзингиз англайсиз, ўшандан буён
Унга беихтиёр дағал бўлдим мен.
Ахир, нима қилай, гўдаклигидан
Уни паноҳимга олган эдим мен.
Мана йигирма йил мен блан турди;
Худди тўнғичимдек... яқинда яна
Изҳор этмоқчийдим оталик меҳрин,
Броқ хотинимдан унинг Эмилияни —
Сўрамоқ бўлгашини эшитиб қолдим...
Сиз мени биласиз, кексаман, аммо
Жаҳлим жуда ҳам тез, шунга қарамай,
Унга маслаҳатлар бериб кўрдим мен,
Муҳим сабабларни санаб кўрсатдим.
У қўпол гапирди, шунинг учун ҳам
Охири уйимдан қувиб чиқардим.
Энди бирорта ҳам христиан зоти
Кўрмас остонамда унинг оёғин.—
Бундан кўнглим тўқдир...

С о р р и н и

Хўш, қизингиз-чи?

А л в а р е ц

Ибодатхонада хотиним блан,
Балки уни дуо қилаётгандир.
Айтгандай, бебошга нечук йўл бердингиз —
У сизга та'зим ҳам қилмаган бўлса?..
Нега шунда ушлаб, у адабсиздан
Тегишли ҳурматни талаб қилмайсиз?

С о р р и н и

Кўрларга йўл бермак фарздир бизларга!

А л в а р е ц

Нега кўр бўлсин у? Икки кўзи соғ,

С о р р и н и *(нафрат блан жилмайиб)*

Сиз менинг гапимни англамадингиз;
Ҳали соч-соқолга оқ тушмас экан,
Ҳали юзлар гулдай қип-қизил экан,
Кўзлар ёрқин экан манглайда ҳали,
Юрак ҳар нарсадан — шодлик-севинчдан,
Севгидан, умиддан, ғамдан-у рашкдан —
Қалтирай бераркан, одамда ҳамон
Ҳирслар, мудҳиш ҳирслар бўлаверади;
Улар ҳам ҳамавақт одам кўз олдин
Қора булут каби тўсаверади.
Бахтсизнинг дилида ўша булутдан
Чақмоқлар чақади, бу жуда аянч,
Бундайлар кўр бўлур, Фернандонгиз ҳам
Шулар жумласидан — мен тўғри қилдим.
Мен унга йўл бердим, броқ ўйламанг,
Мен қўрққанлигимдан қилмадим буни..
Бойиси бўлмаса баҳслашиб турмоқ
Ному мансабимга тўғри келмайди.
Сизга ма'қулдирки, мана бу крест

(крестни кўрсатиб)

Тавози' қилишга ўргатар мени.—
Крестга михланган ўша эзгу зот

Мен учун бир ибрат бўлмоғи керак.
Бурчим адо этдим мен бақадриҳол!
(Сорринининг хизматкори хат олиб кириб, хўжайинига
беради.)

Х и з м а т к о р

Тақсир Соррини! Манг, фақирадан хат,
Кетишингиз блан уйга келди у.

С о р р и н и

Қимдан экан бу хат,— қандай зарурат?

Х и з м а т к о р

Фақира, сиз уни шу кеча уйдан
Қувиб эдингиз-ку...

С о р р и н и (сўзини бўлиб)

Яна кел девдим.

Х и з м а т к о р

У хотин кўп аянч, тақсири а'зам,
Зорини эшитиб йиғлаб юбордим.
Олти боласи бор, жулдур кийимда,
Бир бурда нонга зор, на бошпана бор.
Уларнинг инграши янграр қулоқда
«Онажон! Нон, нон бер, она, нон!» дерлар.
Рост айтсам юрагим арзиқиб кетди.

С о р р и н и

Бас қил, кўзларимга ёш келаётир!..
Унутилган, қаровсиз фақир оилага
Шафқат қилгил бироз, эй парвардигор.
Ожизнинг дуосин тинглагил зинҳор.

(хизматкорга)

Беш танга пул бергин менинг номимдан..
(Хизматкор унга тикилиб туради. Соррини унга
яқинлашиб, паст овоз блан.)
Бир танга берсанг бас!..

Хизматкор

Раҳмингиз келсин!..

Соррини (*Дебсиниб баланд товуш блан.*)

Нима? Қўп дейсанми? Биз учун ҳеч вақт
Яхшилик қилишнинг ниҳояси йўқ...

(*Хизматкор изза бўлиб чиқиб кетади.*)

Алварец

Сизга қойил қолдим, авлиё ота.

Соррини

Оҳ, бас қилинг энди, эшитмоқ оғир,
Мен энг ночор, шўрлик гуноҳкор.

Алварец (*деразага қараб*)

Ана хотиним ҳам ибодатдан қайтди,
Ана Эмилия, қўлида тасбиҳ.

Соррини (*бир четга*)

Келаётир дилбар! Майли яшнасин,
Қариликдан музлаб қолган кўксимга
Заррача учқунин тушурса ҳам бас,
Сўнгра қўлларимдан тез қутулолмас.
Ниқоб блан юрмоқ менга оғир, лекин,
Мартабам бор менинг, ха-ха-ха-ха-ха!

(*Эмилия блан Донна Мария киради*)

Қандай бахтиёрман мен, о Алварец!—

Гўзал Марияни, ҳамда бегубор

Эмилиянгизни кўраётирман!

Худонинг бу қадар ин'оми сизда!—

Агар бошпаноҳсиз қолсангиз ҳам сиз
Тақдирдан нолишга ҳақингиз йўқдир.

Алварец

Қизим Эмилия, Соррини отага.

Сенинг муҳаббатинг ҳақида айтдим.

Эмилия (*қизариб*)

Отажон!

А л в а р е ц

Сен жим тур, авлиё ота
Севгининг зарарин исбот қилмоқчи.
Сен унга қулоқ сол, яхши диққат қил,
Сўзлари ҳавога бекор кетмасин.
Кўнглинг йўлдан озиб, бебош бўлибсан,
Не истагинг борин ўзинг билмайсан.
Севгининг даҳшатин тингла отадан.

С о р р и н и

Меҳрибон отангиз рухсат бераркан,
Тажрибасиз қизни энг тўғри йўлга
Бошлаб юборишга ҳар вақт ҳозирман.
У йўлда гуллар йўқ, тикан бор, лекин
Бизни шод қилучи манзил шу йўлда,
Одамнинг бир зумлик та'бига қараб
Ё ғамгин туюлар ўтмиш ё хушнуд.
Демак энг муҳими келажак экан;
Яхши оқибатга келишчун ҳар вақт
Усул танлаш керак, — қўрқ Фернадодан,
Ҳийла қуради у, алдайди сени,
Агар уйланмоқчи бўлган бўлса ҳам,
Фақат бойиш учун шундай қилади.

А л в а р е ц

Барча ўликка жон кирса кирарки,
Бу ишнинг бўлиши ҳеч мумкин эмас.

С о р р и н и

Ундай деманг, бўладиган ҳол,
Аммо, Эмилия, сиздан ўтинай,
Оташин севгидан сақланинг ҳар вақт.
Балки муғомбирлик қилар Фернандо?
Бир ҳикоя айтай, ҳали муқаддас —
Инквизиция ҳукмронлик қилган давр эди.
Мадритда юз берди ушбу воқиа.
Бор эди бир қизнинг ошиқ йигити,
Чиройли, ақлли, навқирон эди.

Анча вақтдан бери, ўша гўзални
Севиб юрган эди бу жўшқин йигит,
Қиз бир вақт ёрининг кўп важлар топиб
Четлашаётганин сезабошлабди.
Нозларидан шодлик тополмай йигит
У қиздан тобора безабошлабди.
Қизнинг гулгун бўлиб ясанишлари
Уни ҳеч ўзига тортмай қўйибди,
Қиз нарса бу ҳолни сезмай қоларми?
Унинг бор ҳаёти шунда-ку, ахир!?
Рашк унинг кўксига илондай кириб,
Аламли юрагин тилабошлабди...
Энди кўп чўзмасдан айтақолайин,
Заҳарлаб ўлдирди севганини қиз.
У марҳум бечора испан йигити
Инквизициянинг котиби эди.
Шунинг учун ишлар қонуний бўлди;
Жиноятчи қизга жазо берилди.
Мулклари черковнинг вақфига ўтиб,
Ғамдан ўлиб кетди у бечора қиз!

(Ўтирганлар титраб кетади)

Мана ишқ оқибати!.. Ҳайиқ, Эмилия!
Бизнинг юрагимиз мисоли копток,
Тоққа аста қўйсанг юмаламайди,
Сал туртдингми, ортидан шамолдай учиб
Югурганингда ҳам тутаолмайсан.
Айтганим тўғрими?

А л в а р е ц

Жуда ҳам тўғри.

Ўша бахти қаро гуноҳкор қизга
Мутлақо ҳаққоний жазо берибсиз,
У муқаддас жойнинг котибин заҳарлаш?!
Ўлим азобига лойиқ албатта.

С о р р и н и

Йўқ! Мен сра ундай демоқчимасман.

(Эмилияга қараб қўйиб)

Раҳмдилман, аммо жазо ҳукмини

Имзолашга мени мажбур этдилар.
Имзо чекар экан шу бармоқларим,
Совуқ титроқ босди бор вужудимни!..
Дун'ёда ҳокимнинг ёзмиши шу-да!—
Ҳаммамиз ҳам одам; даволалмасак
Бебош эҳтиросу ҳаяжонларни;
Унда афв этишга мажбурмиз барин.

Д о н н а М а р и я

Мен аввал ҳам шундай ўйлардим.

А л в а р е ц

Бу ҳақиқат, ахир!

С о р р и н и (*қувониб, четга*)

Мендан кўрқдилар!

Э м и л и я

Рухсат этсанг, ота, бир саволим бор:
Нима демоқчисан бу гаплар блан?

А л в а р е ц

Фернандони энди кўраолмасанг,
Йиғлаб-сиқтаб юрма демоқчи эдик.
У кўполлик қилди бугун менга ҳам,
Мен уни уйимдан ҳайдадим буткул.
Яширни кўришмоққа уришиб юрсанг,
Хўрланган отангдан шафқат кутмагил,
Совгингни мен майли афв этайин,
Узинг тузатарсан бу айбингни.

С о р р и н и

Совгинни унутсангиз энгил тортасиз,
Гўзал Эмилия, тинчланақолинг.

Э м и л и я (*кўзига ёш олиб*)

Шунча қилганингиз етиб ортарди,
Нега яна мени маохаралайсиз?

(*Йиғлайди.*)

*(Эмилия кўзини рўмол блан бекитиб чиқиб кетади.
Ҳамма ҳайратда.)*

Соррини

Қаттиқ гапирдингиз, азиз Алварец!
Уйланмаган зарба кўпинча шундай
Емон оқибатга олиб келади.

Алварец

Э! Ҳеч зарари йўқ. Соррини ота,
Барибир бир маҳал очмоқ зарур-да,
Тез бўлгани афзал...

Соррини

Ҳар вақт эмас.
Биласизми, қиз бола — гулдир,
Уни сал эгсангиз синиб кетади.

Донна Мария

Таомга майлингиз борми, азизлар?

Соррини

Илоҳий таомга сазовор одам
Дун'ё таомидан тасалли топмас.
Раҳмат, хайр-хайр, гўзал Мария!
Сизга ҳам хайр энди, ҳурматли дўстим.
Худонинг раҳмати ёғсин бу уйга,
Қизингиз юпаниб қолсин эртароқ.
У юпанса керак, ха, ха! Хайр!

(Та'зим қилиб чиқиб кетади)

Алварец

Истаган маҳалда марҳамат қилинг,
Эшигим дилимдай очиқ сиз учун.

(Та'зим қилади)

(Сорринини эшиккача кузатиб қўядилар)

О худога шукур! Шу қадар мўмин,
Нима дейишингни билмайсан киши.
Тилда ҳар нарсани ма'қул дейберган

Шундай кишилардан ўзим кўрқаман.
Жаҳли келганда ҳам афв сўраб бўлмас?
Афтидан, ҳаммадан рози кўринар,
Аmmo хафалашган ҳар одам блан
Ярашаоламан истаган чоқда!..
(Ҳаммалари кетадилар)

И К У Р И Н И Ш

(Тун. Боғ. Чап томонда болохона ва ундан боққа тушиладиган
зинапой. Эмилия болохонага чиқиб ўтиради. Дарахтлар тепаси-
да ой балқиб турипти.)

Э м и л и я

Ҳаммаёқ жим! Фақат қалбим нотинч:
Қадр билмас экан!— Ундан ўтиниб
Бироз сабр қил!— деб сўраган эдим.
Наҳот, менинг учун шуни қилмаса?
Наҳот, унинг учун отамнинг сўзи
Менинг севгимдан ҳам афзалроқ бўлса?
Ким тасалли берар энди кўнглимга...

(*жимлик*)

Қаҳри қайнаб турар!— Эҳ! Угай она!
Ана бу диндорчи! Мен қаёқдан ҳам
Бундай одамларнинг ичида қолдим!..
Сўнгги учрашувда бўлса ҳам бизга
Нур сепалсайдинг, о, хусндор ой!
Ё Фернандо мени севмай қолдими,
Бўлмаса келарди видо'лашгани.
Унинг тажанглигин кечирар эдим,
Нега келиб мендан афв сўрамас?
Отамдан кўрқди у, шуниси ҳам бор!
Қани боғ ичига тушиб кўрай-чи!

(*Болохонадан тушади.*)

У ерда кимдир бор! Юрагим ўйнар.
Нимадан ҳам кўрқай: мен ёлғизман-ку..
Қим у? Анов ерда титрайди соя,
Оҳ! Ё худо, кутқар! Қаерга борай!..

(*Овоз эшитилади*)

Эмилия!..

Э м и л и я

Оҳ, Доминго, қутқар!

Евуз арвоҳмисан?

(Қўрқанидан нима қилишини билмайди)

Ф е р н а н д о

(қора плашч кийган ҳолда пайдо бўлади)

О, Эмилия!

Товушим даҳшатли туюлар сенга...

Сен қўрқдинг!

Э м и л и я

Йўқ! Қани, кел, ўтирайлик!

Мен титраяпман!..

Ф е р н а н д о

(унинг қўлидан ушлайди)

Ҳа, титраб кетдинг.

Нега мен қўрқитдим сени бу қадар?..

(Скамейкага ўтирадилар.)

Э м и л и я

Қани нима дейсан?

Ф е р н а н д о

Хайрлашгали келдим,

Хайрлашгали келдим! Бу сўз мен учун —

Аламли туюлар биринчи бора...

Хайрлашадиган кимсам бўлмаса,

Мен балки бахтлироқ бўлардим дейман...

Сен ўксиб йиғларсан — менга азоб бу...

Э м и л и я

Ўзинг гуноҳкорсан! Илтимос қилдим,

Сен рози бўлмадинг, ким айбдор, ким?

Ф е р н а н д о

Йўқ! Уддалайолмадим, онт ичаман, йўқ!

Фе'лимни билардинг — нега ҳам ёздинг?

Менга та'на қилма, бўлар иш бўлди...
Та'на қилма, айбимга иқроф бўлишим!..
Менга жуда огир ўзинг биласан!..

Э м и л и я

Қаерда яшайсан энди, Фернандо?

Ф е р н а н д о

Қаерда! Қаерда яшаш?..
Сен жуда даҳшатли сўзни эслатдинг!..
Нега керак эди бундайин савол?
Сенга аён бари, на дўстим бор менинг,
На қардош бир кишим ва на ош'еним.
Гадо ҳам бемалол нон тилай билар,
Менда бу ҳунар ҳам йўқ, Эмилия,
Ўйлаб кўр: дун'ёда фақат бир ўзинг
Мени севганингни айтдинг, Эмилия.
Бутун фикри-ёдим, орзуйим ўзинг.
Туғишганим, дўстим — бари, бари сен!
Биз мағруримиз шу блан жоним,
Бир-биримиз учун туғилганмиз биз.
Сенсан бу қалбимнинг сўнгги умиди,
Наҳот, худо шунча шафқатсиз экан,
Сўнгги умиддан ҳам маҳрум этсая!

(Жимлик.)

Э м и л и я

Кечаси қиз нарсага эр киши блан
Ёмон дейишади ёлғиз ўтириш...

Ф е р н а н д о

Мен блан ўтиришдан, кўрқма ҳечқачон.

Э м и л и я (бўйнидан қучиб).

О! Азизим, кўнглим шунчалар хира!
Юрагим ўрнида кўрғошин бордай!..
Бу сўнг учрашувни эслаган пайтда
Шафасим бўғилар, кўзёшим тинар...
Гоҳо мен отамнинг келиб қолишидан,

Айрилиқ чоғидан жуда қўрқаман...
Даҳшатли фикрлар чулғайди мени,
Шу кеча туш кўрдим, сен гўё мени,
Пичоқлаб ўлдиришга қасд қилганмишсан...

Ф е р н а н д о

Бас! У тинч ойга боқ! Нақадар гўзал!
Булут парчалари ўрабди! Ой! Ой!
Қанча ҳис-туйғулар қўзғайди бу сўз,
Ўтмиш ҳам келажак бари шунда жам!
Ким ўйлагандирки, дилбар Эмилия,
Ёдингдами — тоғда... дар'ё бўйида...
У ширин дамларга гувоҳ-ди шу ой,
Видо'ни кўрар деб ким ўйлаганди!
Яна бир қарагил, гўё Армида!
Туннинг нуқра каби осмони бўйлаб
Сирли қал'асига қайтиб келмоқда.
Севги блан ёнган саркардалардай
Булутлар шошади унинг ортидан.
Дилбарга боққанда юзлари порлар,
Рақибга боқсалар бирдан юзларда
Рашкнинг хиралиги пайдо бўлади;
Аламдан қорайган қалпоқларида
Қуш патлари бирдан қалтираб қолар,
Уша кеч бизда ҳам шундай бўлганди,
Аммо, булут эмас, одамлар эди,
Улар қаторида сен бўлмасанг гар
Ла'нат айтар эдим ҳаммаларига...

Э м и л и я

Ўзингга-чи, сен ҳам одамлардан-ку?

Ф е р н а н д о

О, мен ўзимни ҳам ла'натлар эдим.

Э м и л и я

Нима учун?

¹ Гарбий Европа афсонасида жодугар гўзал аёлнинг исми.

Ф е р н а н д о

Чунки одамларнинг
Ишига нафратсиз қарай олмайман,
Қалбаки софдиллик блан бир-бирига
Ўвузлик қилади бунда одамлар,
Улар йўқлик сари интиладилар,
Олтин деб юраклар парчаланеди.
Мен ўвузман, Эмилия, сенинг олдингда,
Унутолсанг мени, бахтли бўлардинг.
Келгусимга, заҳар ўтмишимга,
Ғамгин ҳаётимга ба'зан қарайман...
Шунда, Эмилия... кўксимга яқин,
Мени англайдиган бир зот тополсам,—
Жоним фидо бўлса шунга майлийди!—
Аmmo! Бундай лаҳза келакўрмасин!
Мени севма, унут, жон Эмилия,
Фе'лимни биласан, унутгин... хўпми?

Э м и л и я

Нима бўлар ҳозир мен «хўп» деб қўйсам...
Уйламай сўзлама иккинчи марта...

Ф е р н а н д о

О, фариштам, севгинг ўтида
Жафо чеккашимни сра билмайсан.
(Фернандо уни қучоғига олади, Эмилия ҳам уни
қучади).

Парвардигор берган бахт изтироби,
Кўп бўлса шу бўсанг изтиробидан,—
Жаннатдан бутунлай воз кечар эдим.
Монастирьга боргин, о, Эмилия!
Ҳаётдан беркин-да, ўшанда жон бер...
Ҳали йўлимизда кўп даҳшатлар бор...
Қошки танимаган бўлсайдим сени!

(Занг урилади)

Ярим тун!.. Алвидо!.. Бу қандай шарпа...
(жимлик)

Хароб бўлдик, югур!... Хато қилибман —
Занжирламай қўйиб боғ дарвозасин!

Э м и л и я

Қутқаз бизни ўзинг, эй парвардигор!
(Болохонага чиқиб, ўзини панага олади)

Ф е р н а н д о (ханжарини суғуриб)

Ким? Ниятинг мени кузатмак бўлса,
Яхшилик кутмагин!

(Ханжар блан ўсимликларни титади, қари яҳудий
қаттиқ қичқириб сакраб чиқади-да, тиз чўқади.)

М о и с е й

Шафқат қил менга!...
Испанда шафқатнинг борлигин кўрсат.

Ф е р н а н д о

Тентаклик... тингладинг — ўлишинг керак.
Ким юборди сени иқрор бўл тезда.

(Ханжарни бўғзига тирайди)

М о и с е й (тиз чўккан ҳолда)

Ҳеч ким.

Ф е р н а н д о

Елғон айтма...

М о и с е й

Шафқат қил менга,
Бир чолни беҳуда ўлдиришдан қўрқ;
(Оёғи остига ташланиб, тиззасини қучоқлайди)

Қутқаз мени... Мени қувишмоқдалар...
Худомиз бир, ахир, иккимизнинг ҳам...
Балки отанг бордир, мен ҳам отаман.
Ота ҳаққи учун қутқаз жазодан...
Инквизиция излайди мени.

Мулкимнинг ярмин ол... зинҳор беҳуда
Сочимнинг оқини қилма ҳақорат.
Савоб бўлар сенга... Бир ёш қизим бор,
Кимга куни қолар шафқат қилмасанг.
О! Шафқат қил! Шафқат!

Ф е р н а н д о

Қизинг ҳам борми?
Нима қилмоқчиман? О... йўқ! Жаҳонда
У қиздан бошқа ҳам етимлар кўп-ку.

(Плашч блан шляпасини Моисейга ирғитади)

Кий!... ва ортимдан юр — ғиқ десанг... ўлим!
Мен сени ўлимдан қутқазмоқчиман.

М о и с е й

Нечук!.. Нечук!.. Ростми?

*(Жимлик; яҳудий ҳайратда. Испан унга таҳқир назари
блан қарайди)*

Қуддус шариф блан онт ичаманки,
Христиан эмас бу одам!

(Плашч ва шляпани кияди)

Ф е р н а н д о

Нима дединг ҳозир... нима дединг, ит?
Менинг динимни сен ҳақорат қилма...
Юр!

*(Узоқда маш'алалар пайдо бўлади, бир четда одамлар
кўринади)*

М о и с е й *(ўзига-ўзи, аста)*

Борди-ю, тутиб берса-чи,
Агар...

Ф е р н а н д о

Маш'алаларни кўрдингми сен! Юр!..

ИККИНЧИ ПАРДА

І К У Р И Н И Ш

(Сорринининг уйида бир хона. Соррини саёқларни ишга солиш мақсадида зиёфат қилаётир. Икки стол атрофида бирнеча испанлар ўтирипти. Улар қичқирадилар, куладилар ва ичадилар, хизматкорлар май ташийдилар.)

І-и с п а н (саёқ)

Агар бу муқаддас инквизиция
Бизни боқиш учун қурилган бўлса,
Худо доим омон асрасин уни.
Мунофиқ бўлса ҳам бу Сорринимиз,
Ўзи анчагина меҳрибон одам,
Йиллар ўтиб, ахир, ақл кирса зора
Мунофиқлиги ҳам тузалиб қолар.

2-и с п а н

Сен кўр бўсан шекилли, ҳамма кўрлардай
Оқ блан қорани ажратолмайсан,
Шундай эмасми, а, ха! ха! ха! ха!

(ичади)

1-и с п а н

Ийбонтириб айтай, дўстларим, сизга
Авлиё отамиз жуда ёш ҳали.
Ўзи чол бўлса ҳам, кўнгли новқирон.
Хотинлар ҳали ҳам севади уни,
Ўзи ҳам севади қонунга хилоф!

3-и с п а н

Хотинлар ҳам уни биздек севар-да!..

1-и с п а н

Ҳа, сен уни ҳеч севмайсанми?

3-и с п а н

Тузук овқат берса яхши кўраман.
Броқ, бундай севги қорин тўйганда,
Чанқов босилганда ўтиб кетаркан!

4-и с п а н

Гаров ўйпайманки, бу Соррини чол
Яна бирор макр тайёрлаётир,
Яхшиликка эмас бу зиёфатлар,
О, эсингда борми: Педрони ўлдир,
Уйига ўт қўй деб, буюрган эди.
Ушандан олдин ҳам тоза боққан-да,
Айтгандай, яна ҳў Бургос гўзалин
Холасиникидан ўғирлаш куни...
Тоza ҳам қиёмат бўлган эди-да;
Ҳозир ҳам бир ҳийла қураётгандир!..

1-и с п а н

Бизга нима экан! Нон керак, ахир,
Бунинг устига у инквизицияда
Бизга ҳимоячи.

3-и с п а н

Ишратхонага ҳам
Бизни шерик қилса ёмон бўлмасди.
Бўлмаса ундаги ҳурлар сўлмоқда,
Сиқилиб қолгандир улар ҳам, ахир.

5-и с п а н *(нариги столдан қичқиради)*

Майнинг қани, келтир.

Х и з м а т к о р

Ҳозир, бирпасда...

5-и с п а н

Яна кутаманми! Э, авлиёнг блан
Ла'натларга йўлиқ икковинг бирга.

Х и з м а т к о р *(стакан узатади)*

Мана, май, марҳамат.

5-и с п а н

Сув қўшилган, қўланса,
Йўқол-майинг блан, йўқол шарманда!..
(*Стаканни ерга уради, май 2-испаннинг устига
тўкилади.*)

2-и с п а н (*қизиққонлик блан*)

Ҳей, эҳтиёт бўл! Кўзингга қара!
Бунинг учун бизда дўппослайдилар.
5-и с п а н (*ўрнидан дик этиб туради*)
Сенга нима керак!

2-и с п а н

Айтаяпманки,
Эҳтиётроқ бўлсанг яхши бўларди.
Бунга унамасанг
(*стулни кўтариб*)

Мана бу блан
Ҳисоб қилишайлик, иштаҳанг қалай?..

5-и с п а н

Қасам'ёд қилайки, тирик қолмайсан,
Тилгиңангни узиб... оч қолган итга
Нонуштага элтиб ташлайман, қара!
(*Ханжарини олади*)

Кўрсатиб қўяман!
(*Унга ташланади.*)

3-и с п а н

Сабр қилнигингиз. (*Бошқалар ажратишади.*)

Ханжарингни қўйгин, столни ташла.
Якка қиличбозлик қилиб қўяқол.
Секундантлар десанг бизда етарлик.
(*Жанжаллашаётганлар қиличларини суғуриб,
юзма-юз турадилар*)

Бошлайверинг, қани!

(бошлайдилар)

Қизишманг фақат,—
Сенинг нега жаҳлинг чиқади?—
Сен бўлсанг кўп яқин келаётирсан...

2-и с п а н (туҳтаб)

Санчдим.

5-и с п а н

Йўқ!..

1-и с п а н

Менга қараңглар,
Қон чиқиши блан иш тамом бўлсин.

5-и с п а н (ҳамла қилиб)

У ҳаёти блан жавоб беражак.

1-и с п а н (4-нчига)

Ҳовлиқма бўлса ҳам, анча довурак.

*(Иккинчи испан чекинади, униси ҳамла қилиб келади
ва бирдан елкасидан яраланади, уларни ажратиб
қўядилар.)*

3-и с п а н

Биродарлар, бўлди — энди ярашинг!

4-и с п а н

Жангдан сўнг албатта сулҳ бўлиши керак.

5-и с п а н

Ҳа, майли, мен тайёр... ютдинг, биродар.

2-и с п а н

Демак, биз қайтадан биродарлармиз.

5-и с п а н

Аммо, агар мени тутмасаларми,
Ва'дамни бажарган бўлар эдим мен.
Балки тилингни ҳам итлар ер эди.

(Соррини киради, ҳаммалари унга та'зим қиладилар.)

Соррини

Бу нима шов-шув?

4-и с п а н

Йўқ, биз жиндаккина
Шўхлик қилиб олдик, ҳурматли ота,
Аммо тинчлик блан тугади бари...

Соррини

Сизга шундай муҳим топшириқ борки,
Бажарган эмассиз бундай муҳимин.
Савол: Алварецни танийсизларми?

Ҳ а м м а

Таниймиз.

Соррини

Хотини бор унинг.

Ҳ а м м а

Хотининими?

Соррини

Йўқ, йўқ. У хотинни алдаш керак фақат,
Қизни ўғирлашга ҳалал бермасин.
У ортиқ қаршилик қилмаса керак,
Чунки эри ўлгач, моли-дун'еси
Қизи йўқ бўлсагина унга қолади.
Хотин ҳам эрининг ўлимин истар,
Аммо ҳозирги гап бунга доир-мас,

Алвареднинг битта дилбар қизи бор.
Мен уни... албатта, бу сизга ма'лум,
Эски гап, такрорнинг ҳожати йўқдир.
Жуда ёқиб қолди менга ўша қиз.
Унинг ишқи блан тун-кун ёнаман.
Бутун хазинамни сизга берай, майли,
Фақат Эмилияни олиб келингиз.
Майли, заҳар қўлланг, даҳшат, ўт очинг,
Угай онасини ўлдириб ташланг,
Майли отасини, хизматкорларини...
Фақат испан қизин менга келтиринг.
Бу ишда энг порлоқ оқибатгача
Сирни пинҳон тутинг, азиз дўстларим,
Кейин умрингизда ҳечвақт кўрмаган
Зиёфатни... брок, ҳуш'ёр бўлинг.
Мен сизга ишониб катта сир айтдим...
Хиёнатдан қўрқинг! Сир берсанг, барингни
Инквизицияга тутиб бераман.

3-и с п а н

Уни мен биламан, қизин, хотинин...
Аммо унда яна Фернандо ҳам бор.
Унинг ўз уйида боқиб олгани...
У новқирон... майдонда кўрганман,—
Даҳшатли ҳўкизни кўтариб урган
У асло сотилмас... бўйсундириш ҳам
Осон бўлмас уни.

4-и с п а н

Ҳа, бу турган гап!
Яна у ошиқ-ку Эмилияга...

С о р р и н и (хотирлаб)

Фернандо ким ўзи!— А-ҳа, Фернандо!
Таниш исм каби туюлди менга.
О!... Қисматни қаранг! Икки кун аввал
Ақлсиз Алварец уни беҳуда
Ҳовлисидан қувлаб чиқарган эди.
Қўрқиш ярамайди... Аммо ростдан ҳам...
У билиб қолиши эҳтимол... мушкул...

У ис'енкор одам ишни бузса... йўқ!
Сиз аввал ўшани топиб, ўлдинг.
Сўнг Эмилияни ўғирлаш мумкин,
Онт ичаман! Жуда яхши йўл топдим!..

Ҳ а м м а (баралла)

Майли, сиз айтгандай бўлади, ота.

С о р р и н и

Хайр!.. Ишонаман мардлингизга.
(Саёқларнинг ярми кетади; Соррини ўз-ўзига)

Бирор ишни бўлсин, ё бўлмасин десанг,
Одамларга шундай ишонч билдиргин,
Иззати нафс учун улар бир зумда
Қийин орзуйингни адо этажак.

(Қолганлар ҳам кетади. Соррини юмшоқ
креслога ўтиради)

Инсондан устундир олтин!.. у блан
Инсонни айблай, оқлай оламиз,
Ҳечқандай қўрқувсиз гуноҳ қилиб, сўнг
Яна жаннатга ҳам кираоламиз.
Қўлимдан чиқолмас энди гўзал қиз,
Кеча кулгани-чун қасос оламан.
Менга инонавер, о мағрур гўзал,
Олдимда тиз чўкиб йиғлайсан роса...
Ҳали кимлигимни билиб оласан...
Чол ҳам ўз ишқини исбот этганда,
Кулмай, беихтиёр иқрор бўларсан;
Ишқ эмиш! Кулгили, бу қанақа сўз,
Нималар деяпман ўзимдан-ўзим.
Аммо ўч оламан мағрур кулгингчун,
Энг сўнгги қурбоним бўлсанг-да менинг...
Нега сўнгги бўлсин? Пулим йўқми ё,
Яна ўн йиллигин ололмайманми?
Бутун гуноҳимни ювомайманми?
Гуноҳ! Ха, ха, ха! У нима ўзи!
Дилдан ишонмагач, менга ҳеч гапмас.
Савоб иш қилмай ҳам яшай оламан.

(Бир тўда испанлар хурсанд бўлиб кириб келади,
улар гитара кўтарган қўшиқчини бошлаб киришади.)

Испанлар

Мана бир қўшиқчи ушладик йўлдан,
Бирозгина майлинг йўқми тинглашга?
Ўтмиш ва боболар ҳақида куйлар,
Бир тингламайсанми, авлиё ота?

Соррини

(қўшиқчини кўздан кечириб)

Ташаккур сизларга, дўстларим менинг,
Дунё сафолари, жўшқин ёшликнинг
Шов-шувлари менга энди ярашмас,
Кекса бошим блан санам олдида
Ерга тиз чўкмагим лозимдир менинг.
Ўзимнинг ҳам сизнинг гуноҳингизни
Кечиришни тилаб йиғлашим керак.
Чунки, подаси-ла яқдилдир чўпон.

(қаддини эгиб чиқиб кетади.)

5-испан (бир четга)

Сен бўлмасанг бизга яна ҳам яхши.

3-испан

Рост айтсам, менингча, бизнинг гуноҳлар
Унинг гуноҳи-ла тенглашаолмас.
Биз яшамоқ учун ёвузлик қилсак,
У фақат ёвузлик учун яшайди!

Қўшиқчи

Нима айтиб берсам мақул сизларга?

2-испан

Бас, биродар, ўтир, куйлай бошлагин!
Қўшиқ ўзи қайнаб чиқаверади.
Қўшиқни севаман; эшитганингда,—
Ёшлик кунларини ёдга тушураар..
Ўтмишнинг мақтови хўб чиройлидир

Кўзга ёш келади тинглашинг блан,
Сувдай тўкилади, қониб тингласанг!..
Қани чал-чи, қуриб қолган кўзёшлар
Ширин куйлар блан эриб кетсинлар.
Аччиқ хотирасиз, ғамсиз оҳангда
Қўшиқ айтган чоқлар ёдимга тушсин.

3-и с п а н

Ҳа! Ҳа! Яна қандай ноз-ишва бу.
Яна ўтиб кетган тентакликларми?
Яна шу жин урган хотираларми?

5-и с п а н

Хотинга ўхшамай ўл-э!

4-и с п а н (қўшиқчини кўрсатиб)

Тсс... Жим, жим.

1-и с п а н

Қани, қулоқ солинг, ҳозир, бошлайдил!

БАЛЛАДА

Гвадьяна оқар ғулзор даладан,
Черков миноралари ялтирар унда:
Аммо ўтмишдаги бедин кофирлар
Отларин суғориб юрарди шунда.
Нариги қирғоқда, жуда баланд ерда
Битта мозор қуриб, қабр ўйганлар,
Унга христианлар ўз қўллари блан
Битта салла блан крест қўйганлар:

Бунга яқин жойда хонақоҳ бор эди,
У ерга монахлар келар эдилар.
Кеч кирганда улар шунда ўтиришиб,
Шодлик базмларин қураар эдилар.
Бир кун мана шундай базм пайтида
Хонақоҳ эшиги очилиб қолди.
Қуролсиз мусулмон кириб келди бирдан,
Ишрат қилучилар шошилиб қолди.

Мусулмон бош эгиб сўзлай бошлади:
«Мен энди салламдан воз кечдим,—деди.
Сиз ўз динингизга қабул қилинг мени,
Шарқнинг ҳурматига онт ичдим,—деди.
Сўзим сохта эмас, менга инонингиз,
Узоқ ўлкалардан келганман ўзим,
Севдим динингизни,— бутун ҳаётимни
Бир худога қурбон қилганман ўзим!»

Аmmo монахлар-чи, бирдан ўраб олиб,
Унинг юрагига пичоқ солдилар...
Унинг бўйнидаги олтин-кумушларни,
Ўлганидан кейин, узиб олдилар.
Бема'ни кулишлар, ҳақоратлар блан
Тонг отганга қадар мазах қилдилар.
Қонли гавдасини тикка жар бўйига
Ёвуз қўллар блан ташлаб келдилар.

Уч кун ўтгандан сўнг мозор пайдо бўлиб,
Унга салла, крест қўйилган эди.
У қабрга, ўша, шарқдан келган киши
Илоҳий куч блан кўмилган эди.
Уша йилдан бери ой чиқмаган тунлар
Уша хонақоҳга мурда қатнайди,
«Динингизга мени олинг» деб қичқириб,
Ўзининг сўзидан ҳамон қайтмайди.
(Бирнечалар қарсак чалади.)

Испан

Жуда соз! Жуда соз!

Ҳамма испанлар

Раҳмат айтамиз.

Балки май истарсан, эй моҳир машшоқ?

(Унга май берадилар, у ичади)

Қўшиқчи

Авлиёнинг... сизнинг соғлигингизга!

3-и с п а н

Биродарлар, қани, энди юринглар,
Гўзал ўлжамизни излаб борайлик...
Муқаддас Домизик шафқат қилади,
Яшаш керак, ахир...: худо кечирар.
(Ҳаммалари хахолашиб чиқиб кетадилар).

И К У Р И Н И Ш

(Яхудийнинг уйида бир хона. Қимматбаҳо гиламлар тўшалган;
ҳар жойда сандиқлар. Устунга чироқ осиглиқ, саҳнанинг узоқ
бурчагида икки яхудий аёл ипга гавҳар тизиш блан машғул,
кўриниш бой. Ноэми чиқиб, столга суялиб ўтиради.)

Н о э м и

Йўқ, иш блан машғул бўлолмайман,
Кўзим кўрмай қолди тўқиганимни.
Игна санчилгандек, бармоғим титрар!
Дуо ўқий десам тилим бормайди,
Бошласам сўзлардан адашиб кетиб,
Совуқ тер босади бор вужудимни
Гоҳо юзларимга ҳарорат қалқар,
Юрак сиқилади, юрак сиқилар!..
Кеча биров менинг азиз отамни
Улимдан қутқазиб келтирди уйга,
Бутун фикр-ёдим ўша йигитнинг
Гўзал сиймоси-ла банд бўлди бугун.
Биздан ноҳақ тортиб олган бахтининг
Барин парвардигор ўшанга берсин.
Насли испанлардан қадим бўлса-да,
Яхудийлар гўё одам эмасмиш,
Ахир, уларнинг ҳам пайгамбарлари
Муқаддас Қудусда тугилган экан.
Қизиқ! Биз уларнинг урф-одатин —
Қабул қилармишмиз, — ажабо, нега?
Е'улар сингари бир-бирларимизни
Ҳалокатга дучор қилмоқ учунми?
Итоаткорликни мадҳ этишади,
Қондошлик, муҳаббат, раҳм дейишади, —

Мана шу уларнинг қонуни эмиш.
Аммо ҳали буни кўрганимиз йўқ.

(Жимлик)

Улар ичида ҳам дхшилари бор!
Жумладан, кечаги нотаниш йигит,
Ҳеч кутмаган эдим мен бу ҳолатни,
Афсус, сра-сра кўрмасман уни.
Отам жонли қилиб тасвирлаб берди!..
Қомати келишган, донишманднамо,
Сақичдай қопқора экан сочлари.
Нигоҳи ўт, товши... менга нима фойда!
Нега болалардай хаёлга чўмдим?!

(Жимлик)

Зерикибман! Кўнглим бузилмоқда,
Худди бир кўнгилсиз мотам кунидай.
Қафасдаги қушдек типирчилар қалб,
Негадир отамдан дарак йўқ ҳамон?
Ёвузлар қўлига тушган бўлмасин...
Ёлғиз кун ўтказиш жуда ҳам оғир.
Ишим фақат қўшиқ, гавҳар саралаш,
Уни — буни ўқиш, кийиш, ечиниш,
Овқатланиш, уйқу... айтгандай шу тун
Ажойиб кўрқинчли туш кўрдим.

(Жимлик)

Фойдаси йўқ, ўйлар!

(Қишқиради)

Бувижон! Сора!
Бери кел-чи, Сора! Келақол тезроқ.

(Кампир киради)

С о р а

Севимли Ноэми, сенга не керак?
Ёки сочилдими дур...
Қариман, кўрмайман, кўзларим ожиз,
Сенга зарар қилса эҳтиётсизлик,
Менга ожизликдан кўп зиён, қизим!

Ноэми

Йўқ, мен гавҳарларни қўйиб қўйганман.

Сора

Нима учун! Бу ҳам ёқмадим!
Ҳарвақт рози эдим мен ёшлигимда.
Ҳозирги ёшларга ҳеч нарса ёқмас.
Нима учун чақирдинг?

Ноэми

Зерикиб кетдим-ку!.. Ўзим! Қасалман!

Сора

Қасал?

Бўлмаса докторга юборай тезроқ,
Жуда уста, таниш доктор бор эди...

Ноэми

Унчалик эмасман... йўқ керак эмас!
Фақат... шундай бироз та'бим хирароқ,
Нима иш бошласам қўлим бормайди,
Ўзим ҳам билмайман бунинг сабабини!..
Жуда зерикибман, ўтмиш ҳақида
Бир эртак айтиб бер! Утир, айтиб бер!..

Сора

Хотирлолмаяпман, оппоғим қизим,
Кўрдингми? Ҳофизам шу қадар заиф.
Шунча эшитганим, кўрган, билганим.—
Бирортасин тўла ёдлай олмайман.

Ноэми

Шу кеча даҳшатли бир туш кўрдим мен,
Тушим та'бирини айтиб берасан.
Тушимда қандайдир қонга бўялган
Одам келган эмиш... У акам эмиш...
Броқ, мен кўрқмасдан қонларин ювдим,
Оғир яра кўрдим унинг кўксиди.
«Қара! Мен акангман» деди у тунда
Акамдан ҳам ортиқ туюлди менга;

Йиғлаб, дуо қилиб, худодан унинг —
Умрин узайтмоқни тиладим.
Аммо ўша йигит қаҳ-қаҳлаб бирдан
«Дуонгни тўхтатгил!— дея қичқирди.—
Мен акангман! Аммо ҳозирги вақтда
Тақдир қиладилар, билсанг, акани,
Яқинлашма менга, гўзал еврей қиз,
Мен аканг эмасман, христианман.
Мен сендан кулмоқчи бўлгандим, холос!»
Шундай деб у шошиб кетабошлади,
Плашчидан маҳкам тутдим, қўймадим...
Аммо қўлларимда қолди оқ кафан,
Мен уйқудан чўчиб уйғониб кетдим...

С о р а

Ростдан у ўзини аканг дедими?

Н о э м и

Бўлмагур гап! Менинг акам йўқ,
Ҳам энди ҳечқачон бўлмас!

С о р а

О, гапирма! Бунинг бўлиши мумкин!..

Н о э м и

Қандай қилиб, нега? Йўқ, мумкин эмас.

С о р а

Тингла қизим! Аканг *бор эди*.
Сенинг отанг шум тақдир блан
Инквизициядан қочаётганда,
Марҳум онанг блан иккиси бирга,
Йўлда ташлаб қайтган эдилар уни.
Қўрқиб акангни ҳам унутган улар,
Балки мендами деб уйлагандирлар,
Шундан бери уни ўлган ҳисоблаб,
Сенга билдирмасдан келар эдилар.
Балки, тирикдир у — билиб бўлмайти.
Худонинг қудрати беҳаддир жуда!

Н о э м и

Ох, Соражон! Йўқ, энди у ўлган!..
Даштда ўсган гулдай танҳо сўлгандир!
Аммо ҳаёт учун, менинг дилим-чун
Туғилган экан-у, афсус, о Сора,
Агар ўлган бўлса қандай бахтиёр,
Ўз қадрига у ҳам йиғламас мендек!
Ҳамон қувғин бўлиб, таҳқир этилиб
Ҳар ерда дайдийди қувғин наслимиз,
Ватан, тинчлик, ош'ён — бари бизга ёт,
Аммо уйғонармиз бирвақт бизлар ҳам!
Китоб шундай дейди, мен ишонаман,
Отам нима қилган христианларга?
Пули бор, қизи бор — бор бойлиги шу.
Аммо ватан топиш умиди бўлса,
Бутун бойлигидан кечар эди-ю
Уни кўролмаган шу қонхўрларга
Бутун пулларини бўлиб берарди,—
Чунки уларда ҳам меҳрибонлар бор.

С о р а

Ҳа, кечаги келган ёш испанличи,
Ўлимдан қутқазди, у Моисейни!
Отанг унга ҳам'ён берган чоғида
Оёқлари блан топтаб ташлади.
«Ит!— деди — ҳаётинг бунга арзимас!
Мен ёлланмаганман!» деди, ё худо,
Кечир унинг бундай жўшқин сўзларин,
Кечир, Исроилнинг заиф бир ўғлин
Ўлимдан қутқазиб қолгани учун!

Н о э м и

Кечир уни, танграм!

С о р а (деразага яқинлашиб)

Қандай гўзал тун!
Худди шундай ажиб, тун эди,
Севгида ёнғандим! О, Иосифим!
Ҳозир мени кўрсанг қўрқардинг, аммо,

У маҳал кўзларим дурдай ялтираб,
Пардай юмшоқ эди анор юзларим!
Оҳ, ким ўйлапти дейсан, Нозми,
Бу юзларни бир кун ажин босар деб...
Умр... Умр...

Н о з м и

Отам нега келмас!..

С о р а

Қўрқинчли овоз! Бойқуш қичқиради.
Мең севмайман уни, бутун танамда —
Қоним тўхтагандай, товшин эшитсам...

(Эшик тақиллайди.)

Отанг бўлса керак! Жуда кеч келди.

О в о з

Тез очинглар! Очинглар тезроқ!

(Кашта тикиб ўтирган хизматкор аёллар эшикка югурадилар, эшикдан Моисей ярадор Фернадони бошлаб киради, Фернандо қийинчилик билан юриб киради.)

М о и с е й

Ёрдам беринглар, ҳай, Нозми, Сора!
Қўрқув, толиқувдан азоб чекдим мен.
Қанча қони кетди... ла'нат ёвузларга!
Урин беринг унга, қон оқаётир!..

(Узун ёстиқни полга тўшаб, Фернадони унга ётқизадилар ва ҳолсиз бошини ушлаб турадилар).

Иброҳим пайғамбар шоҳид бўл, бу тун
Ўғлимни йўқотган тундан қўрқинчроқ.
У ўғилга ҳаёт бағишловдим мен,
Бу ўғил умримни қутқазиб қолди!..
Яҳудий тангриси, ё парвардигор!
Бегона бўлса ҳам, асрагил буни!..

Ф е р н а н д о

Ким? Нега ла'натлар қотилларимни?
Улар яхши ният қилган-ку, ахир?
Улар мени ғамдан қутқазмоқчийди,
Меҳрибон бўлмасми ватандош деган!
Қўйинг...

(Бирдан уйғониб кетгандай)

Қаердаман? Ким бор ёнимда?
(Бошини кўтаради)

Мени қутқазганга ташаккур — ким у?..

М о и с е й

Сен уни яқинда ўзинг қутқаздинг,
У мана шу ерда, қувғин яҳудий,
Сенинг халқинг қувғин қилганди уни,
Гарчи ватанингда хор этилсам-да,
Сен қутқаздинг мени, бурчлиман сенга.
Мана, қизим, менинг нажоткорим шу!

Н о э м и

(Тиз чўкиб, Фернандонинг қўлини ўпади.)

Қўлингни ўпмоқда яҳудий қизи,
О испан йигити...

(Қиз тиз чўкканича унинг қўлини ушлаб туради.)

Ф е р н а н д о *(Моисейга)*

Нима дединг, кофир!

Юрт! Ватан!.. ҳаммаси мен учун пуч сўз.
Сра қиймати йўқ унинг мен учун.
Қардошинг, ош'ёнинг, дўстинг бўлган жой
Фақат шундай жойни ватан дейдилар;
Аммо бу дун'ёда на дўстим бор менинг,
На туғишган юртим, на қардошларим!..

Н о э м и

Ўз халқинг ичида дўстинг бўлмаса,
Бизнинг орамиздан топарсан уни,
Меҳрибон экансан, испан йигити!..

Ф е р н а н д о

Мен меҳрибон эдим!..

М о и с е й *(ўрнидан туради)*

Қон оқаётир.

Ярасини бойланг — ранги ўчмоқда.

Ф е р н а н д о

Бўрининг ҳам ини, қушнинг уяси,
Яҳудийнинг фақир кулбаси бордир.
Қабр топган эдим мен бугун тунда,
Жодугар, қўлимдан тортиб чиқардинг!
Бутун қилмишингиз — ёвузлик экан,
Улимдан қутқазиб, зулм қилдингиз.
Йўқол, ақли наслар, эркин оқсин қон,
Қувонтирсин... афсус, монах йўқ бунда,
Фақир яҳудийлар чулғапти мени.
Ҳаммаси одам-ку, майли, қон эса —
Одамга хуш ёқар! — Йўқол!

(Ярага бойланган латталарни юлиб олади.)

Н о э м и

Отажон!

(Изтиробда)

Ана, юлиб олди, ҳалок бўлади.

(Ҳамма шошиб-пишиб, ярасини яна бойлашга уринади.)

С о р а

Бечора! Жуда ҳам заифлашпти,
Рухсорида зарра қони қолмаган.
Жуда аянч!

Ф е р н а н д о

Сув беринг, куйдим.

Худо ҳақи, тезроқ, сув олиб келинг.

(Сора сувга югуради)

Н о э м и

Тинчлан! Тинчлан! Испан йигити.
Еш бўлсанг ҳам бебахт экансан.
Бебахтсан десалар, заифнинг кўнгли
Енгил тортади деб эшитган эдим.
Соғ бўлсайдинг, шод бўлсанг эдинг
Оҳ, нақадар хурсанд бўлардим!

Ф е р н а н д о

Ҳам шод бўлсам!..

(Инграйди)

Н о э м и

Утинаман сендан,
Сингил бўлай сенга, чол отанг бўлсин,
Шундай фараз қилгин, тинчирсан бир дам,
Шундай пайтларда фойдали фараз,
Испан йигити!

Ф е р н а н д о

Унинг қизимисан?

Н о э м и

Ҳа, топдинг, отамни сен қутқазгансан!
У ҳам сени албат қутқазажакдир.
Ўз имонинг ҳаққи ёлворай сендан,
Қайғу блан мунча эзма ўзингни.
Қайғу соғлигингга зиён келтирар,
Қонингни қизитар.

(Сора стаканда сув олиб келади)

Мана сув ичгил!

Ф е р н а н д о

Раҳмат! Сўзинг шарватдан ширин!
Қизлар шафқат кўрсатса менга,
Енгил тортиб кетади кўнгли.
Жонимга қасд қилганларга мен
Нима қилганимни айтайин, тингла:
Улар қароқчимас, бу тўғри,

Ҳеч нарсамни олмадилар ҳам,
Қонга белаб йўлга ташлашди...
Бунинг бари макр! Сезаяпман!
Бу бошланғич... сўнггин... билмайман!

(Сесканиб кетади)

Сескандимми? Нима бўлса ҳам,
Тақдир шафқат кўрса ҳам мендан,
Одам зоти кўрмас! — ёлғиз қўй!

*(Нозми ўрнидан туриб ўзини четга олади, лекин
узоқдан уни кузатиб туради.)*

С о р а *(Моисейнинг ёнига келиб)*

Айтгин, зинҳор, қандай топдинг уни?
Айтмасанг, ҳаммаси тушдай кўринар!...

М о и с е й

Қарзни ундирмоқчун раввинга бордим;
Тўрт соатча мени куттириб қўйди.
Тун қоронғи эди, ўғридан қўрқиб,
Ҳам ённи қўнжимга жойлаб олгандим.
Ботқоқлик устидан ой балқиб турар,
Тоғлар орасида туман юрарди.
Қуюқ ўрмон бўйлаб шошиб келаркан,
Оёқ шарпасини эшитиб қолдим!
Вужудим титради ва беихтиёр
Дарров чангалзорга урдим ўзимни:
Қалтираб ўтирдим, қаршим — кенг дала,
Шу'ла сепар эди кўкдан тўлин ой;
Олти киши кўрдим шунда қаршимда
Айтган гапларини равшан тингладим:
«Ҳозир у шу йўлдан ўтар, — дер бири, —
Пичоқ зарбимизни татиб кўрсинчи...
Аммо, мен аяйман, ўлдирмасак-чи,
Ўзи кўп ёқимли, фақир бечора.
Илож йўқдир лекин, авлиё амри,
Уни узоқ йўлга йўллаймиз ҳозир!»
Бу сўз битар-битмас, қулоқларимга
Ханжар товушлари эшитилиб кетди,

Олишди кўп вақт ёлғиз бир ўзи,
Ниҳоят йиқилди ноилож қолиб.
Унинг қонга ботган мурдасидан улар
Тирикдан қўрққандай қўрқиб қочдилар!..
Ваҳшийлар қурбони ким экан бу деб,
Ҳамма кетгандан сўнг чангалдан чиқдим,
Қарасам, мана шу нажоткор экан,
Ой нурида уни дарров танидим,
Жароҳати оғир бўлмаса ҳам у,
Шунда мени дарров таний олмади.
Қандайдир куч блан турди ўрнидан,
Мен уни кўтариб олдим елкамга,
Недир пичирлади, тушунолмадим.
Қони оқиб кетди, сездим, устимдан..
Шундай олиб келдим мен бу бахтсизни!..
Бу худонинг му'жизасидир!..

С о р а

Чиндан му'жизадир балки, Моисей,

Н о э м и

(У яна Фернадонинг оёғига бориб ўтирган эди.)

Оғригинг қолдими, ё йўқми ҳали?

Ф е р н а н д о

Қўлингни бер менга! О меҳрибон қиз,
Мунча ўртанмасанг мени деб...

М о и с е й *(Сорага)*

Бор, унга ётар жой ҳозирлаб бергин.
Ҳозир мен ўзим ҳам етиб бораман...

С о р а

Исми нима? Кимдир? Билсак бўларди.

(Кетади)

М о и с е й *(яқинлашиб)*

Бир нарса сўрардим ижозат берсанг,
Исминг нима сенинг, айтгин, ўзинг ким?

Ф е р н а н д о

Сени деб жонимни тиккан чоғимда
Сўраганим эдим исмингни?

(Жимлик)

Исми Фернандодир! — бошқасин айтмай,
Бошқаси кўксимда абад ухласин.
Оталар мурдаси зах ерда ухлар —
Шунингдек кўксимда мангу ухласин.
Аммо, мен на ота, на она кўрдим!..
Бас, асло сўрама мендан бу ҳақда!..
Бу блан сен менга ота ҳам она
Топиб беролмассан!

Н о э м и

Синглинг бўламан.

Ф е р н а н д о

Йўқ, сингил бўлмайсан сен менга асло.

Н о э м и

Кўнглинг дардларини ўртоқлашай мен.
Нега рад этасан арзимни, ишон,
Наҳотки динлар фарқи ўртага тушса?
Яҳудий қиз бўлиб тугилганимга
Афсус қилишни истайсанми сан!..

Ф е р н а н д о

Бундай фикрлардан худо сақласин;
Сен сахро лоласи, сен эрк қизисан.
Севгинг қонунсиздир, аммо испанлар
Муҳаббатни таҳқир қилар қонунсиз!
Жаннат ҳам, дўзах ҳам улар қўлида;
Пул ҳам бир илоҳий қувватга эга.
Одамлар ҳийла ва ёвузлик блан
Ҳатто иблисларни қилар шарманда!
Оталар ўз қизин сотса пул учун,
Хотинлар тан блан савдо қилади,
Ўз халқини сотиб, базм қилса шоҳ,

Халқ ўз эркин сотиб ҳаёт қуради.
Диндор, амалдорга азиз бўлмоқчун
Қонга ботирарлар бегуноҳларни!
Қамбағални крест тақмапти деб,
Оч қолдириб қийнаб ўлдириш.
Бир сўз учун ўтда куйдириш
Қаттакон савоб иш ҳисобланади.
Улар одатини қилгин демайман,
Йўқ, сра айтмайман, худо сақласин.
Худо бор деб инон, шу бас! Менинг ҳам
Мана шундан ортиқ э'тиқодим йўқ!—
Аммо, дилим қолган улар ичида,
Иблислар ичида фариштам яшар...
Аммо бу тўғрида сўзлайолмайман...

Н о э м и

Қизишаётирсан, зарар қилади,
Азобинг, огригинг тобора ортар.
Нима истагинг бор? Уйқу истасанг,
Отам жой солдирган сен учун, ухла.
Тонггача ўлтирай сенинг ёнингда..
Нимаки истасанг топиб берамиз,
Фақат хотиржам бўл, бўлмаса яна
Ярангдан тўхтовсиз қон оқабошлар.

Ф е р н а н д о (бир четга)

Эмилиям менинг, у узоқ мендан,
Қанийди, меҳрибон яҳудий қизи
Менинг Эмилиям бўлиб қолсайди!..
Бир дамда битарди жароҳатларим.
Аммо, жароҳатинг дилга ёқимли!
Эмилиям менинг! Эмилия! Балки —
Сендан узоқларда ўлиб кетарман;
Балки тополмассан менинг қабримни,
Сўнги ишонганим, балки, сен мени
Унутарсан!..

М о и с е й

Ухла! Жойинг ҳам тайёр...
Ҳай Соба! Ердам бер, кел, кўтарайлик.

(Икки яхудий аёл, хизматкор, Сора ва Моисей заиф Фернандони кўтариб олиб чиқадилар. Ноэми ёлғиз қолади.)

Ноэми

Унга жуда кўнглим ачийди,
Ўзим сезмай қолдим бунинг сабабин,
Кўрмоқчи бўлганим шу йигит экан!..
Йўқ! Фақат отамнинг нажоткоримас,
Яна аллакимдай туюлар менга;
Еш испан йигити, мағрур бичимли,
Сарви қомат йигит, кўзлари қора,
Худди шундай қора жингалак сочи.
Шундай хаёлимда жонланар эди;
Енгилмас куч блан бутун кўнглимни
Қизлик тушларимни банд этар эди.
Отам ҳам тасвирлаб берганди уни.

(Жимлик)

Тақдир одам блан ўйнашар экан!
Ким ўйлаган дейсиз, ўтган кечаси
Отамни қутқазган ботир одамнинг
Бегуноҳ қонига буланиб бугун —
Бизнинг кулбамизда бундай ётарин?
Назаримда, фақат меҳр-шафқатмас,
Йўқ, муҳаббат ўсар кўнглимда.
О нақадар жарангдор бу сўз
Уни биринчи бор айтаётганда!..
Меҳр блан сўзлар испан йигити.
Юраги уришдан тўхтаб қолмасин —
Дея титраб турар безовта кўнглим;
Исмин такрор этиб, кўнглимда ўзим,
Ўзим қизаргандай бўлиб кетаман,
Гўё уялгандай ўзимдан-ўзим
Бирдан юрагимга қўрқув тушади.
Нега уяламан ишқ-муҳаббатдан —
Ҳамма севади-ку, гуноҳ эмас-ку,
Севгида гуноҳ йўқ, бас шундай экан,—
Нега ору-номус тўсқинлик қилар.
Огоҳ қилган бўлиб қалбга олдиндан?

Номусга бўйсунмоқ, ишқни тарк этмоқ,
Қандай кўнгилсизлик ўзи, эй тангрим!
Омон асра уни ўз паноҳингда!
Омон асра бизни, севгимни кечир!
Бошқача иложим йўқ, парвардигор!..

(*Хаёл суриб қолади.*)

УЧИНЧИ ПАРДА

І К У Р И Н И Ш

(Алварецнинг уйда Donna Мариянинг ётоқхонаси. Катта кўзгу, стол ва стуллар. Алварец юмшоқ креслода ўтирипти. Мария кўзгу олдида бошига рўмол ўрамоқда).

А л в а р е ц

Билмоқчи эдим, нега қизимиз
Эрталаб саломга чиқмади бугун;
Балки севганини эслаб йиғлар у,
Ёки хаёл сурар болохонада.
Қиз бола шу экан! Бир дунё ташвиш
На наф'и тсгади, на юнатади.

Д о н н а М а р и я (*ўғирлиб*)

Қаши нима дейсан айтчи, азизим,
Маржонларим ярашибдими?
Кўпчилик ичида шундай кўринсам
Майлими. Ростдан ҳам чакки эмас-а!..

А л в а р е ц

Сенга ҳамма нарса ярашар, жоним,
Онг ичай, отамнинг қиличи блан
Жулдур кийимда ҳам келсанг олдимга,
Сени аввалгидай севарман яна.
Ушанда ҳам шундай жуда чиройли,
Гўзал кўринардинг менинг кўзимга.

Д о н н а М а р и я

Наҳот шундай бўлса? Азизим!..

(Четга)

Фақат менинг учун шундай ясаниб,
Пардоз қилади деб ўйласа керак.
Эрларга ўхшаган худбин ва манман,
Эрлар каби тентак борми дун'ёда?
Наҳотки биз фақат бир киши учун
Шундай ҳусн блан яралган бўлсак?

А л в а р е ц

Хотин, сенга ҳали, ўз ниятимни
Айтмадим шекилли?..

Д о н н а М а р и я

Нима экан у?

А л в а р е ц

Мен қизимни узатмоқчиман.
Куёв тайёр: бой ва ақлли.
Хавфим бор Фернандо блан қочмасин.

Д о н н а М а р и я

Оҳ, азизим, ахир, эрта эмасми?
Сабр қилгин бироз, қизимиз ёш-ку.

А л в а р е ц

Ахир, кам учрайли, бундай куёвлар;
Давлатманд, моҳрибон, обрўйли ва мард.

Д о н н а М а р и я

Узин уйлашмоққа майли бормикин?

А л в а р е ц

Унинг мактубини кўрсатай сенга,
Мактуби мапа бу қутида эди.

(Столнинг тортмасини очмоқчи бўлади. Мария хижолат чекиб ваҳима блан унга яқинлашади, Алварец тортмани зўр бериб тортади.)

Бу қулф шекилли — калит сендами?

Донна Мария
Нима керак ўзи?

Алварец

Калитни бер!

Донна Мария

Нима?

Алварец

Калит керак дейман!

Донна Мария

Нимага калит?

Э, худо йўқотиб қўйган бўлсам-а!
Ҳа, кейин топармиз.

Алварец

Нега ҳозир-мас!

Донна Мария (*бир четга*)

Кўриб қолса, иш расво бўлар!

(*унга қараб.*)

Хатингни кейинроқ топиб қўярман!..
Ҳар нарсага жаҳлинг чиқавермасин!..

Алварец

Калит йўқолдими, аттанг! Қарая!..

Хизматкор (*кириб*)

Ҳаммаси тахт бўлди... Отлар қўшилди.

Алварец

Ҳа, ҳа, жўнаш керак, унутай дебман.
Хайр энди, Мария, саломат бўлгин!

(*Уни ўпиб, чиқиб кетади.*)

Донна Мария (ёлғиз)

Оҳ! Хайрият, кўнглим жойига тушди!
Энди Сорринининг совға-саломин
Бошқа бироқ жойга яширсаммикин.

*(Кўйнидан калитни олиб, стол тортмасини очади,
ундан дурри-гавҳар тўла қутини олади.)*

Жуда ҳам чиройли бу дурри-гавҳар,
Узукларнинг олмос кўзи юлдуздай порлар!
Бу совғалар эвазига менинг вазифам,
Қизни ўғирлашга ҳалал бермаслик!
Кекса шаҳватпараст, мунча ҳам бойсан,
Ҳали камлик қилар бу ҳад'яларинг.
Майли, мен хўп дедим, хурсандман сендан,
Жонимга текканди бу Эмилия,
Рост айтсам, унга ҳам чакки бўлмайди,
Қиз болага ширин чолнинг меҳри ҳам.
Бири ҳиссиз бўлса, бири оташин,
Шундай бир-бирининг ўрнини босар,
Уйда Эмилия бўлса кўп маҳал
Меҳмон чақирмоққа қўрқардим;
Жуда соз иш бўлди, авлиё мени —
Қутқазмоқчи бўпти Эмилиядан.
Қани энди эримни ҳам шундай
Бирортаси келиб ўғирлаб кетса!..

(Соррини совға қилган қутига тикилиб)

Шу кичик олмослар инсондаги кўп —
Табий қусурни яшириб турар.
Улар нур сочганда, хираликлару,
Не-не маразлар ҳам кўмилиб кетар!
Нима бўпти, ахир, шунча не'матга
Бир ақлипаст қизни бериб юборсам.
Ўзининг болалик ишқи блан у,
Бошини гангитиб юрипти! Ҳа, ҳа!

(Қутидан Сорринининг хатини олади.)

Эрим анча вақтга кетди шекилли,
Авлиё одамлар юборса керак.
Уларга совғамни элиб топширай!

Уни ўз эримга топширганимдан
Уша Сорринига бѐрган яхшироқ.
Дур блан гавҳарлар ёғар бошимга.
Шаҳарга кетарман кейиң ясаниб —
Унда рақибларни кўзин куйдирай...
Юзлаб кўз тикилсин менинг ҳуснимга...
Ҳечким билмайдики, бу дурри-гавҳар
Ма'сум кўзёшларга харид қилинганин!
Ҳа, ҳа! Топдим, Мадритга жўнайман,
Унда ювсам гуноҳларимни,
Виждоним тасалли топажак бироз...

*(Дурри-гавҳар тўла қутини кроватъга қўяди; Эмилия
киради, ранги кетиб қолган, эғнида қора либос, юзида
қора парда, кўксига кичкина крест.)*

Д о н н а М а р и я

Яхши ухладингми, Эмилиям менинг,
Соғлигинг яхшими?..

Э м и л и я

Ташаккур сизга!
Нега ухламадинг деб сўрсангиз-чи,
Кўпдан кўзларимга уйқу келмайди.
Уша пайтдан...

Д о н н а М а р и я

Биламан жоним:

Сенинг бахтсизлигинг сезиб турибман;
Жонни аямасдим ёрдам беролсам
Худо ҳақи!

Э м и л и я *(юмшоқ ўпкали овоз билан)*

Демак бир сўзингиз
Ҳатто жонингиздан *ортиқ экан-да!*

Д о н н а М а р и я

Сен мени кечиргин, билмаган эдим
Уни бундай қаттиқ севганлигингни.

Эҳтиёт қилмоқчи бўлгандим сени,
Энди бу хатомни тузатмоқчиман...

Э м и л и я

Биров мурдага жон киритган экан.

Д о н н а М а р и я

Бунча рангинг кетган қора кийиниб,
Қора парда тутиб олибсан тагин?

Э м и л и я

Қора — ғам белгиси деб эшитгандим.

Д о н н а М а р и я

(Унинг қўлидан ушлаб.)

Мунча ғам емагин, барин ўнглайман.

Э м и л и я

Худо олган бахтни одам қайтармас.
Одамнинг олганин қабр қайтарар.

Д о н н а М а р и я

Бу сўзни Фернандо айтгандир, балки!
Ҳофизанг яхши!

(Эмилия тескари қарайди)

Тинчлангин бироз!

Хогирлашга арзирлик йигит,
Сенга муносиб. Оғир кун ўтар.
Онг ичиб айтаман, золим отангни
Сенинг айтганингга кўндираман мен.
Қўшақаришинга рухсат берар у.
Яна чеҳранг порлар бахт нури блан.
Йиғлама, умрбод булут бўлмайди,
Қуёш кулиб боқар яна бир маҳал.
Шунда шамол пайҳон айлаган гуллар
Қалларин кўтариб нур эмар қониб.

Э м и л и я

Бахтсизликдан кулманг, худойим сизга
Қаҳр қилмасин,

Донна Мария

Эй парвардигор,
Бундай тухматлардан ўзинг сақлагин,
Мен сенга айтайки, яқин кунларда
Севгили Фернандо эринг бўлажак;
Ешлик ақлинг блан қилган орзуинг
Менинг туфайлимдан ушалажакдир!

Эмилия

*(Йиғлаб, Мариянинг оёғига йиқилади,
тиззаларини қучади.)*

Мен сиздан ҳечнарсга тиламайман, йўқ,
Дун'едан умид йўқ — Фернандо ўлган.
У ўлган, у ўлган, умрбод ўлган.
О, раҳмингиз келсин, одамлар, йиғланг!
Йиғланг, агар сизнинг кўзёшларингиз
Менинг кўзёшимга тенг келаолса;
Нолам қабрни ҳам титратар, йиғланг!
У ўлган, у ўлган, умрбод ўлган.

Донна Мария

Урнингдан тургин, сен алаҳляяпсан.
Турақол, фариштам.

Эмилия

(Тиз чўккан жойида бошини кўтариб.)

Бажо келтир етим ўтинчин.

Донна Мария

Бажараман ҳа, ҳа, фақат тургин сен,
Тинчлан, асабингга ором бер, қизим!

Эмилия *(туради)*

Битга илтимос бор сендан қулоқ сол

(унинг қўлини ўпади.)

Уша сўнгги марта видо'лашган чоғ,
У менга бундай деб ўргатган эди:
«Тезроқ монастырьга, хонақоҳга бор.

Беғубор дилингни ёруғдан яшир», —
Бир гадо сингари ёлворай сенга
Монастирьга кетай, тўсма йўлимни.
Шу бугун... кўмак бер, бошқалар тенги
Савоб бўлар сенга, зинҳор қайтарма.

(Донна Марияга ёлворучан назар ташлайди.)

Фернандо ўлипти... мени севарди...
Мен унинг тилагин ўтамоқчиман...

(Жимлик.)

Донна Мария
Ўлмаган бўлса-чи? Бордию сени —
Бекорчи миш-мишлар алдаган бўлса?..
Черковга, никоҳ ўқитмоқ учун
Олиб борай дея қидирганида,
Сени қора кийган монахлар ичра
Учратса — шўрликнинг ҳоли на кечар?
Наҳот, қизғанмасанг сен шунда уни?
Қўлга кираёзган саодатингга,
Наҳот, ачинмасанг?.. Қандай заифлик!
Қани сенинг тоқатинг?..

Эмилия

Менинг тоқатим?

(Кўзларини кўкка тикади, наст овозда бир четга.)

У тирик чоғида тоқатли эдим.

Донна Мария

Бундай тентакликни миянган чиқар,
Бекорчи миш-мишлар алдапти сени...
Билиб айтаяпман... ҳа ишонавер.

Эмилия. *(ўпкалаб.)*

Тирилтиролмайсиз барибир уни.
Бундай му'жизага қурбингиз етмас.
Бир илтимос қилдим — сиз рад этдингиз
Мендай бир хўрланган қизнинг ўтинчин.

(Кетмоқчи бўлганида Донна Мария уни тўхтатади);

Донна Мария

Тингласангчи: кеча мен боғда эдим,
Кеч эди, дарахтзор оралаб юрдим:
Қарасам, бир одам қаршимдан чиқиб,
Узоқдан мен томон келабошлади.
У Фернандо экан... менга тиз чўкди;
Йиғлади, тизсамни қучди йиқилиб,
Шунга эришдики, унга сўз бердим
Сизларни бахтиёр айламоқ учун.
Отанг икки кунга бир ёққа кетди,
Шу вақтда бемалол учрашаверинг —
Сўнг отанг олдида бирга тиз чўкиб,
Ҳаммамиз сўрармиз ундан ижозат...

Эмилия

Бу жуда ҳам... йўқ мен ишонмайман...

Донна Мария

Онг ичай — кўрасан, у тирик... тезда
Кўриб ҳам қоласан... не бўлди сенга...

Эмилия

Мазам қочди... Танграм!.. Кутмаган эдим!
Бошим айланмоқда.

(Заифланиб стулга йиқилар)

Донна Мария

Не бўлди сенга?
Болалигингни қўй, ўзингни босгин!

(Четга)

Қафасга қамайман бу каптарчани,
Махфий учрашувга бошлаб бораман;
Унда кутса керак уни дайдилар;
Шундаёқ кўтариб учишар елдай,
Ақлимга қойил бўл, кекса Соррини!

Эмилия (ўрнидан туради.)

Иўқ! Ҳечнарсамас, дармонсизландим!
Ахир, мен шу қадар азоб чекдимки,
Бундай бахт мен учун жуда ҳам оғир.
Тангрим, оҳу-зорим кечир, кўнглим бўш,
Ўзим ҳам ўлгундай содда одамман,
Хизматкор қиз айтса ишона қолдим!
Ғам одамга қардош экан, унга,—
Тезроқ ишонамиз шодликдан кўра.

(Марияга)

Раҳмат сизга... бекор ўпкалаб
Сизни хафа қилдим, кечиринг мени.
Мен кўп азоб чекдим! Айтинг қаерда,
Қачон учрашаман у блан, айтинг?

Донна Мария

Уша дарахтзорга борамиз бугун,
Катта дуб тагида бир чим курси бор.
Шунда Фернандони кўрарсан албат.
Фақат умид блан бахтлисан, ахир,
Ўзингни беҳуда шунча қийнабсан!
Ишон, қалбингдаги пок муҳаббатни
Фаришта посбондай асрап омонда!
Болалик-да! Апа ғаминг тарқалди.
Монастирь ҳам чиқди ёдингдан!
Асло ор қилмагин болалигингдан:
Болалик кўп яхши, негаки, барча
Яхшиликлар каби, у ҳам муваққат!...

Эмилия

Демак, у ўлмаган!.. Уни кўраман!

Донна Мария

Кўрарсан, менга ҳам ишонарсан! Ҳа!

(Эмилия Донна Марияга тикилади, бир нима демоқчи бўлади, лекин ҳаяжонда айтаолмайди, у ўгай онасининг кўлини қаттиқ ўпиб, юзини кўли блан яширганича чопиб, чиқиб кетади.)

Донна Мария
(унинг орқасидан қараб.)

Боравер! Кечгача ўлим ўрнига
Висол соатларин шошиб кутавер.
Боравер! Чол сени ўтли севгининг
Алаҳлаш дардидан даволаб қўяр.
Йиғларсан, қўрқарсан, ўзни тортарсан,
Афтинг буриштириб қочарсан, аммо
Ҳирсу эҳтирослар қувлар қўрқувни,
Сўнгра ҳаммаси ҳам ўтиб кетади:
Парвардигор! Ўзим сезиб турибман —
Наҳот, бу қилмишим шу қадар жирканч?
Бунда не гуноҳ бор, бу ердагидан
Соррини қўлида бахтлироқ бўлар;
Агар безиб қолса ундан Соррини
Яна қалин блан эрга беради.
Агар учраб қолса шунда бахтига,
Балки Фернандога тегар шўрлик қиз...
Нима бўлса ҳамки, энди мен уйда
Ортиқча кўзлардан қутулиб қолдим.
Эрим йўқ вақтида севган жазманим
Бемалол қатнайди яна уйимга...
Бор нарса ўнг экан шундай, дун'ёда:
Соррини мендан шод, мен бўлсам ундан...

(Кетади)

И Қ У Р И Н И Ш

(Монсейнинг уйига яқин тоғлар ораси. Аҳоли яшамайдиган жойлар. Унга, азим туп дуб остида скамейка, унинг ёнига оқ қапа қурилган. Қапада яҳудийнинг эр ва аёл хизматкорлари ўтиришибди. Улар ишлаётиб-ҳазин қўшиқ айтадилар.)

ЯХУДИЙ НАВОСИ

Йиғла, о Исроил! Йиғлагин гир'ён!
Ғамгин мамлакатинг хароб этдилар.
Наслинг саҳроларда бежой, беош'ён,
Ўғилларинг ҳар'ён тарқаб кетдилар.

II

Туғишган ватанни унутиш қийин,
 Ҳеч қайтиб келмайди ўтиб кетганлар.
 Қуйланг озодликнинг шодон қўшигин
 Занжир товушларин мағлуб этганлар.

III

Яҳудий ноласин, ўт ичра юриб
 Пайғамбар қошига борган тингласин.
 Қувғин пешонага кул сочгин туриб,
 Ойдин кечаларда дуонг янгрисин.

IV

Сизларни ҳечкиши Сион ерига,
 Ливан қирларига бошлалмас ҳали,
 Уғли ёв қўлида ўлган онанинг
 Кўнгли ҳеч нарсадан топмас тасалли.

Фернандо (секин киради.)

Олтин нима ўзи? Қандай нарса у?
 Наҳот, одамларга бахт бераолса?
 У ҳам бир ма'дан-ку! Ё худо унга —
 Инсонга бермаган кучни берганми?

(Яна қўшиқ эшитилади).

Қандай ҳазин товуш! Узоқда туриб
 Ваган тўғрисида куйлар одамлар...
 Мен эса шу ерда ўз ватанимда
 Бу лаззатли сўздан абад маҳрумман...
 Бу дун'ёда менинг ҳеч нарсам ҳам йўқ,
 Аммо ҳамон недир истайди кўнгил.
 Янги истакларми? Хаёлми яна?
 Йўқ, йўқ, шу ҳолатда қолганим яхши.
 Майли умр бўйи бахтсиз бўлсам ҳам,
 Асло ўзгаларга ўхшамасам бас...
 Ҳаёт азобига кўникканман мен,
 Ҳечкимса ҳам мендан баҳраманд бўлмас.
 Баҳраманд бўлмоқни истаганлар ҳам
 Эришаолмаслар, бу яна, яхши.

(Ноэми киради.)

Отанг кўринмайди?

Ноэми

Ишга кетди...

Нега керак бўлиб қолди у сенга?

Фернандо

Мен унга ташаккур айтмоқчи эдим!
Ҳаётимни сақлаб қолди Моисей,
Унинг туфайлидан яна соғломман...

Ноэми (тез)

Соғмисан, Фернандо!?

Фернандо

Ҳа, мен тузукман.

Эски оғриқларни писанд қилмовчи,
Кўп касални енгган одамдай соғман.

(Скамейкага ўтиради. Ноэми ҳам унинг
ёнига келиб ўтиради)

Ноэми

Сен энди бизларда қолишинг керак!
Яранг ҳали тамом тузалган эмас...
Нимаси ёқмайди сенга бу уйнинг?
Яна бизлар блан бироз қолсанг-чи.
Дун'ёда ош'еним йўқ дединг ўзинг...

Фернандо

Йўқ... мен сизларни кўп безовта қилдим.
Энди кетай бундан...

Ноэми

Мен ишонмайман,

Наҳот, оғир тушса сенга яхшилиқ?...
Отамни ўлимдан қутқазганингда
У сра бундай гап гапирмаганди...

Фернандо

Бир марта онкўр деб таҳқир этилдим!
Яна шундай бўлмасин дейман.
Йўқ, қолаолмайман, ҳеч иложим йўқ.
Қололмайман бунда... мен истамайман!..

Ноэми *(ўрнидан туриб, бир четга)*

Айрилиш шарт экан бизларга демак,
Демак муҳаббатим... о худо, раҳм эт!

(Унга қараб)

Тингла: даволадим жароҳатингни,
Қизил қонинг блан бўялди қўлим.
Ҳаракат қилдим мен азоб чекма деб,
Тунлар мижжа қоқмай турдим ёнингда.
Безовта қилмасин деб тик этган товуш.
Қуллик меҳри блан сенга тикилдим...
Мана шу азоблар эвазига сендан
Фақат бир арзимас совға сўрайман...
Кичик ўтинчимни ерда қолдирма!
Яна бир ҳафта қол, яна бир ҳафта...

Фернандо

Сихрли сўз блан мени аврама:
Айтдим, қолаолмайман, кетишим керак.

(Қаттиқ)

Сабабин айтайми?

(Эмилиянинг суратини кўрсатади.)

Мана, ол, қара!..

(Ноэми суратга кўзи тушигач, тескари ўгирилиб, юзини беркитади).

Узидан гўзалроқ юзни кўрмоққа
Асло рози бўлмас бирорта аёл!

(Жимлик)

Шундай! Шундай! Унга интилаяпман.
Хаёт хавфи блан бирга кўзимга
Яна Эмилиям кўринаётир.

(Ноэмига)

Отанг қани деяпман?

(Яқин келиб, унинг йиғлаётганини кўради.)

Нега йиғлайсан?

Ноэми

Сра йиғларман деб ўйламагандим!

Фернандо

Демак, ўйламасдан йиғлар экансан.
Айт, нега йиғлайсан?.. Айбдор менми?
Кўксимда сақлаган аччиқ ёшлар-ла
Гуноҳимни ювай, айтиб бер, нега?
Ёшликда кўзёшин яширмайдилар...

Ноэми

Йиғлайман тасалли беролмайсан сен,
Кўнгил оромини йўқотганимга...

Фернандо

Сўзларинг рост бўлса, кўнглинг оромин
Эрта йўқотибсан, эрта, бемаҳал...

Ноэми (четга)

Севгимни айтаман, кўксида йиғлаб,
Сен айбдорсан дейман, айтаман дадил;
Балки, ҳалок этмас, у меҳрибондир...
Нима қилмоқчиман? Фернандо кўнглини
Гўзал Эмилия банд қилмиш, ахир...
Аммо, йўқ! Менчалик севолмайди у.
Оғир ярасидан қон юлмаган қиз...
Умрбод уйқуга кетмасин дея
Тунларни қўрқувда ўтказмаган қиз.
Йўқ, менчалик севолмайди, йўқ!

(Моисей киради, Ноэми учи кўриб, пешвоз чиқади, ота қизини бағрига босади).

Моисей *(гамгин.)*

Қизим... сенга яна янгилик айтай!
Бугун...

Фернандо
(Моисейга яқинлашади)

Эҳтироминг учун раҳмат сенга, чол!
(Қўлини узатади, Моисей қўлини бермай туради)

Қўлингни бер; қўрқма, мен жирканмайман,
Мени эсипаст деб ўйлама зинҳор,
Сен одамсан, менинг нажоткоримсан.
Раҳмат сенга... Энди жўнаб кетаман!

Моисей

Айт нега мушча тез?

Фернандо

Йўлдан қўйма, чол!
Мен сендан бир нарса сўрамөқчиман...
Беш червонча қарз бер, унутмайман.
Биламан, жуҳудлар пулни севади,
Христианларга ишонмайди ҳам.
Улар ҳақли — аммо, мени биласан!
Жиноят қиламан, аммо қўрқмагин,
Қайтариб бераман червонларингни...

Моисей

Нега кетмоқчисан? Қаерга, ахир?

Фернандо

Шу яқин орада Алварец яшар,
Сени учратгандим унинг боғида.
Меҳмон бўлмоқчиман бугун уларга,
Гўдакликдан шунда ўйнаб ўсганман.
Аммо қололмайман мен бу ерларда

Бунинг сабаби бор... қасам'ёд қилай,
Червонларинг бари қайтиб келади.
Дун'ёда пул зарур, ўзинг биласан...
Бордию мени у қабул қилмаса...

Моисей (ҳайрон).

Дон Алварец, Алварец! Е худо!
Нақадар кўрқинчдир оташин қаҳринг!
Менинг ҳам қизим бор... барин англайман.
...Бу дардни биламан, жуда ҳам даҳшат!

Фернандо

Яна нима бўлди?

Моисей

Катта бахтсизлик...
Оҳ солимлар! Дўзахдан баттар ёвузлар!..
Ўзи кўрган киши сўзлади менга...

Фернандо

Шум хабарми? Бойқуш.

(Қаттиқ ташвишда)

Моисей

Дўзахда куйсинлар...
Шундай бир парини... ҳозир биласиз...
Айтсам, тикка турар тепа сочингиз;
Ёш эмас, тош ёғар кўзларингиздан.

(Фернандога)

Яна испан эмиш! Муқаддас суд-миш,
Яна пасткаш эмиш биздек яҳудий...

Фернандо

Шум хабарми? Бойқуш! Ростин айт ҳозир!
Қудратли фалакнинг номи блан мен,
Дининг номи блан қасам ичаман:
Айтмасанг мен худди маст бўлган шердек
Гўштингни тилка-пора қилиб ташлайман...

*(Яхудий ҳайратда, Фернандо унинг қўлини ушлайди;
Титроқ овоз блан, секин сўзлайди.)*

Ақлдап озаман!... Кўрдингми, инсон!..
Елвораман, сендан, айт, нима бўлди?

Н о э м и

У қалтираётир! Айт, отажон, тез ...
Қара, қон қолмади ахир юзида!

М о и с с е й

Алварецнинг бир қизи бор эди!

Ф е р н а н д о *(қиққириб.)*

Бор эди!

(Жимлик)

Дадилман. Қўрқма, айтабер.
Нима ҳам ишим бор у қизда менинг.
Дун'ёда қиз деган озми...

(Зўрма-зўраки кулади.)

Ха, ха, ха!..

Мен ҳали дадилман!..

М о и с с е й

Таниш яхудий

Бир бахтсиз ҳодисани ҳикоя қилди.
(Тинглаб олган экан ёвузлар сўзин)
Доминик дерларми, билмадим, сизча,
Бош монах дерларми, исми Соррини...
Қариган бўлса ҳам хотинбоз ўзи,
Бир тўп сотқинларга Алварец қизин
Уғирлаб келмоқни буюрган экан...
Бугун тунда ўша босқинчилар
Шўрликни ўлимга олиб кетганлар.
Мен уларнинг бундай даҳшатли ишига
Қачон улгурганин тушунолмадим!
Уйда отаси йўқ деб эшитгандим.

Қиз ҳалок бўлди, бечора... аянч!
Мумкин бўлса уни қутқазмоққа мен
Чорак мулким берсам рози бўлардим!

*(Фернандо нимадир айтмоқчи бўлади. Қўлини юқорига
кўтарди... Сўнг беихтиёр оғир хўрсиниб қўлини пастга
туширади-да, изтироб блан тез юриб тоққа чиқиб
кетади.)*

Моисей (ҳайратда)

Қаерга? Қаерга... тўхтатинг уни!
Ақлдан озди!..

Ноэми (унинг орқасидан қараб)

У югураётир!
Қаранг тоққа чиқди... яна тўхтади...
Худди жар ёнида... ташлаб юбормасин.
Йўқ! У келаётир.

(Отасининг бўйнига осилади.)

Оҳ ота, нега,
Нега айтдинг унга бу шум хабарни?

Моисей

Ихтиёр худода! Унга биримиз
Қарши туролмаймиз, англагин, қизим!
У ўзи яратган ҳаммамизни ҳам
Бизни нима қилса — ихтиёрида.

Ноэми

Нима учун жон берган бизларга,
Дилнинг алданишин билса тангримиз?
Чексиз укубатлар муқаррар бўлса,
Нега берган бизга худо севгини?
Нега унутгандир инсонни ўзи?
(Кетади, Фернандо қайтиб келади)

Фернандо (яқинлашиб)

Мени йиғлар энди деганмидинг, чол!
Шуни истабмидинг, аммо бу ғамлар
Менинг оромимни бузаолмайди!..
Мен қасос оламан... Мен қилган ишим...
Қандай ишлигини ўзим билмайман...
Аммо қилган ишим ерни титратар...
Йиғлар деганмидинг? Йўқ, асло, асло!
Юрак ёрилару, мен йиғламасман.

Моисей (унинг қўлини ушлайди.)

Энди тинчлан! Укинчингни билдим,
Энди аламингни сўзлаб бер менга...

Фернандо

Сен тинч яшагансан, э қария, қария!
Ҳисларни билмайсан; аммо менда-чи
Дун'ё довулидан кучлидир улар.
Менга жон берганга ла'натлар бўлсин!
Одил эмас экан тангрининг ўзи.
Нега бошқаларга жазолатар у?
Арзимас тентакка жазо бермак-чун
Нега ҳалок этар Эмилиямни!
Чидадим, энди, бас, бардош қолмади,
Тақдирга тан бериб келдим шунча мен.
Эҳтимол, бахтли ҳам бўлардим... бас, бас...
Бахт-саодат йўқдир сра мен учун...
Қасосга отландим шу бугундан мен.
Ер-осмон бирлигин вайрон этаман.
Пул бер менга, қария!.. шу блан, унинг
Уйига бораман...

Моисей (пул беради)

Мана, олақол!

Фернандо

Софми, гуноҳқорми севганим менинг,

Уликми, ҳаётми! Барибир — меники.
О! Қасос оламан, қасос... хайр, ота...

(Чолни маҳкам қучоқлайди.)

Узимнинг отамни билмайман ҳануз.
Оқ йўл тила менга... ўлимга кетдим!..
(Кетади.)

Моисей *(қўлларини кўтаради)*

Яҳудий дуосин тингла, кўмак бер,
Жиноятдан сақла уни, эй худо!..
Ҳислар тошқинини тўхтатоласан,
Исроил худоси, Қуддус худоси,
Тоғлар бўронини босаолгандай
Ёввошлик ва ишонч бахш этгин унга!
(Кетади.)

І І І Қ У Р И Н И Ш

(2-кўринишдагидай, яҳудийнинг уйида бир хона.)

Ноэми

(унинг кетидан Сора киради)

Тасалли бермагил! Юпатма мени!
Ҳалок этди мени ўша ёвуз руҳ!
Унда мен шодлик ҳам севги кўргандим,
Севгимни берди-ю, шодлигимни у
Қайта ёнмас қилиб мангу сўндирди!
Энди мен кўрмайман Фернадони ҳеч,
Қонунлардан қўрқмай йиғлаёламан.
О! Тангрим сингари севардим уни...
У менинг бир тангрим. Ҳатто фалак ҳам
Уни севмагин деб тақиқлайолмас.
Мени англамади, бошқани севди,
Бошқани севади, билдингми, Сора!
Юпатма! Юпатма! Энди ўламан!
(бармоқларини қайиради)

Сора

Тасалли беролмай, сен блан бирга
Уксиб йиғлайвергим келади менинг.

Ноэми

Сен ҳам йиглайсанми мен блан бирга
Сен ҳам менингчалик севолганмидинг?
Гайри динни, мусофирни севиб
Таҳқирланганмидинг сен ҳам мен каби?
Мен учун роҳат йўқ энди! Оҳ, Сора!
Хаёл, ҳаяжонлар, уйқусиз тунлар
Умидлар — барининг оқибати шу!..
О фалак, шафқат қил! Тезроқ ол мени,
Зор блан ақлдан ёзгунимча ол,
Олгин тезроқ мени қора тупроққа...

Сора

Очилиб ўтиргин!.. Сенинг ёшингда
Даҳшатли ғамлар ҳам тарқаб кетади.
Отанг келиб қолар, балки бир ерда
Яна раввин блан суҳбат қургандир.
Янгиликлар айтар у келиб сенга.

Ноэми

Ла'нат ундай чиркин янгиликларга!
Бери мени бахтдан маҳрум этди-ку,
Иккинчиси уни қайтиб беролмас.
Мен тамомман, Сора, мен адо бўлдим!
(*Моисей телбадай шошиб киради.*)

Моисей

Қизим! Қизим! Қизим!... Топдим мен уни,
Нега ҳам мунча кеч топдик экан-а,
Аканг экан... ўғлим... билмай юрганмиз...
Даҳшатли ҳол. Уни қучаолмадим,
Қучолмасман... Топдик — яна йўқотдик.
О тақдир! Ер, осмон! Бўрон! Чақмоқлар!
Қаерларга олиб кетдингиз уни,
Нега бериб уни, яна олдингиз...
У энди христиан... ажабо... ўғлим...
Унда ўз қонимни сезган эдим-а...
Ўз болам эканини сезган эдим-а...
Исроил, Исроил, сен дарбадарсан.

Сени таҳқир этар ҳатто табиат...
Ўз тангринг ҳам воз кечган сендан.
Ўғлим менинг! Ўғлим!

С о р а

Қани? Қим ўзи?
Қаерда?.. Қим айтди.. ўғлинг деб уни?

М о и с е й

О, алам! Изтироб! У шуида эди
Раввин менга ҳужжат берди ишондим...
У мени қутқазди... мен уни... ўғлим!
У ҳалок бўлади... бу гал қутулмас
Ёвуз саёқларнинг ифлос қўлидан..
Бахтсизсан, Ноэми, бахтсизсан, қизим!
Испанли Фернандо — сенинг ўз аканг!
У ҳалок бўлади, шўнга туғилган,
Биз учун ўлмакка яратилгандир.
Христиандир у!.. акангдир сенинг!...

(Ноэми ҳушсиз йиқилади, Сора ёрдамга шошилади.)

Майли, ўлсин қизим... ўзим ҳам ўлай!
Худода шафқат йўқ!.. Ўғлим! О, ўғлим!

(Бармоқларини қайириб, ҳайкалдай ҳаракатсиз туради.)

ТҲРТИНЧИ ПАРДА

І Қ У Р И Н И Ш

(Сорринининг уйи, стол устида қоғоз, китоб ва қумсоат)

С о р р и н и *(киради.)*

Балки гўзалимни кўрарман бугун,
У меники! Ҳа, ҳа, бу рост, бу худди —
Менинг маккорлигим каби ҳақиқат.
Елғиз қолсам шундай сра аямай
Маккор деб, атайман ўзимни ошкор.
Нимага яширай буни ўзимдан,
Ҳа, маккорман, лекин ақлли, маккор.

Ростдан ҳам, ҳечқандай гуноҳ йўқ бунда.
Қайфи-сафо учун яратилганман.
Қўйилган мақсадга эришмоқ учун
Барча чоралардан фойдаланмоқ шарт.
Эришсам — оқилман, йўқ эса — аҳмоқ!
Қўплар мана шундай ўйласа керак.
Маккор ва муғомбир бўлсам чиндан.
Совға ва'да қилган Инквизитор...
Авлиёдан сўраб, ноиб тожи блан
Тақдирлайман сени деб ва'да берган.
Макр бу дун'ёда муҳим бир фандир!
Қўп марта кўрдикки, шу фан орқали —
Папа мансабига эришмоқ мумкин. —

(Жимлик).

Қонга белангандир энди Фернандо...
Ёлғиз Алварец бор... аммо зарарсиз
О!... сен, Эмилия! Сенми айтгандишг
Кулгили деб чолнинг муҳаббатини?
Ана шу фикрингдан қайтасан бугун.

(Ўтиради.)

Бизнинг табақага хотин ёт дерлар,
Қонун шундай эмиш... бу бўлмаган гап.
Шу қалин китобда ёзилган қонун,
Наҳот, табиатдан устунлик қилса?
Қонушларни ўйлаб чиқарган — аҳмоқ,
Инсон табиати қонунни билмас.
Гуноҳ орттирипти аҳмоқ ўзига.
Ортиқ та'на қилиб номусимизга,
Қайтага ҳисларни кучайтирибди!
Монах деб сочимни қирққан эдилар,
(Ёшликда тушунмай рози бўлгандим)
Шулар жавоб берсин қилмишларимга,
Дузах оловида ёнсинлар, майли.
Ахир, ердан чиққан бир ма'дан — олтин
Дузахдан қутқазиб, жаннатга элтса,
Дўзаху жаннати нимаси яна?
Бу чўпчаклар бир вақт кўр оломонни,
Алдаш учунгина тўқилган, холос!

У чўпчак тўқучи воизлар ўзи.
Оллоҳ қудратига, дўзах ўтига,—
Жаннат ин'омига ишонмайдилар.
Ростдан ҳам ақлга сиймайдиган гап:
Одам руҳи мангу ўтда ёнар-миш,
Оёқсиз ҳам қўлсиз одам жонини
Шайтон баланд дорга осиб қийнар-миш...

*(Қўлига китоб, патдан ясалган ручка ва қоғоз
олади)*

Бироз машғул бўлай.
(Яна қўяди).

Хушим келмайди!
Ким ишонар, мендай кекса бир одам
Гўзал қизни кутса қалби ошиқиб,
Уялса, титраса...

Нега ишонмас?
Монах одаммас деб ким айтган ўзи?
Нега севмай экан мен ҳам қизларни?

(Соатига қараб.)

Вақт ҳам ўтаётир, агар у дун'ё
Борлиги рост бўлса, кун ўтган сайин —
У ҳам яқинлашиб келмоқда жуда.
Ҳаёт бир дарахтдай йўлда йўлчининг
Орқасида қолиб борар тобора...
Мен яшадим! Нега? Наҳотки, худо —
Зор бўлса мен каби худобезорга?
Наҳот, бошқасини яратаолмаса?
Кайфи-сафо учун яратилдим,
Сўнгра ўлиш учун кайф-сафо сурдим.
Ўлгач... беном-нишон кетарман буткул...
Бошқа ҳаёт борми? Бошқа ҳаёт йўқ!
Сенинг соҳибингман, ўлсам ҳам майли,
Сенинг қулингдирман, о кайфи-сафо!

(Қўнғироқ чалади, хизматкор киради.)

Эсингдан чиқмасин айтган сўзларим.
Менинг шоввозларим яқинлаб қолса,

Қуроллар тайёрлаб, ҳозир турингиз,
Гўзални улардан гўё қутқазиб,
Менинг даргоҳимга олиб киригиз.
Айтгандай, унутма, баринг тилсиз бўл,
Бўлмаса... ўзларинг яна биласан!
Ма, олдиндан бироз совға олиб тур.
(Ҳам'ён узатади.)

Шерикларинг блан бўлашиб олгин!
(Хизматкор ҳам'ённи олиб, унинг қўлини ўпади.)

Хизматкор

Бажо келтираман.

(Соррини дераза ёнига келади)

Соррини

Чанг кўтарилди,
Наҳот, ҳозирданоқ иш пишган бўлса!
Гавҳарга ўч хотин донна Мария,
Гўзалим ҳалал ҳам берарди унга.
Ортиқ нарса бўлса мулкингда, ахир,
Сўраган кишига бермай, бўлурми?

(деразага қарайди.)

Яқинлаб қолишди, худди ўшалар!
Нажотчиларим ҳам чопишди ана...
Қиличлар яланғоч.. ҳечким ўлмайди,
Утлар сачраётир, гўё чиндан жанг!
Аҳмоқлар ўзаро муштлашганидай
Шовқин-сурон кўпу, бир натижа йўқ...
Совиб қолаёзган кўксимда менинг
Яна қон кўпириб оқабошлади!..

(Тикилади.)

Ана... Эмилияни судраётирлар...
Тантана! Ғалаба, Victoria¹ сенга!
Venі, vici² — дейман энди қўрқмасдан,
Чунки қиз нарсани кўрган эмасман!..

(Дераза ёнидан кетади, хизматкор киради.)

¹ Ғалаба (лотинча).

² Келдим, енгдим (лотинча).

Юзингда тантана ёлқинлари бор,
Олиб кир...

(Хизматкор кетади.)

Ғалаба, бор бўл, Соррини!..

(Қўлларини бир-бирига ишқайди.)

Ииғласин Алварец, қичқирсин бироз,
Оқ сочларин юлсин... аммо қизининг
Қаерда эканин билмас... ха-ха!

*(Эмилиyani олиб кирадилар. Соррини ишора қилиши
блан хизматкорлар чиқиб кетади.)*

Э м и л и я

Нажотчим қаерда? Соррини ота,
Ё сиз қилдингизми бу марҳаматни?
Сизни дуо қилай ўла-ўлгунча,
Худо умр берсин сизга, нажотчим!..

С о р р и н и

Христианлик бурчин бажардим, холос.

(Эшикни қулфлаб қўяди.)

Э м и л и я

Отамнинг уйига тезроқ қайтаринг...
Бу даҳшатли ҳолни эшитса отам,
Қаттиқ ташвишланар, шундан қўрқаман!
Онам блан боғда сайр этар эдик.
Бу ёвузлар келиб, олиб қочишди.
Охирига етсин савоб ишингиз.
Тезроқ ўз уйимга юборинг мени.
Нималарни ўйлар отам, нима дер?..

(Ииғлайди.)

С о р р и н и

Сен титраб турибсан, Эмилиya, ахир,
Қандай ўз уйингга кетишинг мумкин?
Йўқ, чарчабсан... бироз ором ол,
Шу ерда... ёнимда бирпас қолақол!
Мени бундай бахтдан маҳрум қилмагин.

Э м и л и я

Эй худо! Сиз блан қолсам бўлмайди.
Мумкин эмас... бу ҳол...

С о р р и н и

Нега, фариштам?
Бир, икки ё уч кун дам олсанг шунда,
Қим сенга қаршилиқ қилаолади?

Э м и л и я

Бир икки ё уч кун?

С о р р и н и

Ҳа, шундай, уч кун.
Балки кўпроқ вақт қоларсан яна.
Агар ёқса бу жой бир умр шунда
Қолишинг ҳам мумкин... я'ни, масалан...

(Бир четга.)

Юзларинг софлигин, кўзларинг эса
Сихрли ёлқинни йўқотгунича.

Э м и л и я

Соррини ота!..

С о р р и н и

Йўқ, мен рост айтаман.
Уйда бир қул эдинг, бунда — малика,
Уйим ҳам, бор нарсам сеники бўлур.
Сен эса — меники.

Э м и л и я

Қандай ҳаққингиз бор?

С о р р и н и

Куч...
Сени қутқаздим — ҳуқуқим шудир.

Э м и л и я

Сиз унутгандирсиз кимлигингизни,

Бу нима деган гап! Сиздай одам блан,
Ахир, қандай қилиб яшай оламан?

С о р р и н и

Қизишма.

(Қўлини ушлайди.)

Гўзалим! Севги деган нарса,
Ёшин суриштирмас, ўз ўлжасининг.
Қўрдингми, чоллар ҳам севаолар деб
Ҳақни айтган эдим бир вақт мен сенга.

Э м и л и я

Соррини!

(Қўлини тортиб олади.)

Қўй мени; беномус одам!
Бир тасодиф блан қўлингга тушдим,
Сен инсон иззатин булғаётирсан.
Нима керак сенга? Ё тангри, қутқаз!

С о р р и н и

Сенга ростин айтай, кези келганда,
Тангри-пангри деган бўлмайди бунда..
Шу блан...

Э м и л и я

Албатта, бу ерда фақат
Сен каби иблислар яшаркан. Аммо
Бегуноҳ қиз додин тинглайди худо!

С о р р и н и

Тажрибалар бизга қулай пайтларни
Қўлдан бермасликка ўргатадилар.
Қани, аввал бошлаб ўзинг ўпақол.

Э м и л и я *(қалтираб тескари қарайди.)*

О, шўрлик тақдирим!

(Унга)

Йўқол, эй золим!..

Соррини

Малика бўлдингми сен аллақачон?
Бу ҳали кейинроқ насиб бўлажак.
Менинг айтганимнинг бари бажарсанг,
Ўзинг қучоғимга ташлансанг агар...

Эмилия

Сенинг қучоғингга!? Асло!

Соррини

Тинглагин:

Қуруқ сўзлар билан қутулолмайсан.
Е «ҳа» де, ё «йўқ» де, фақат икки сўз,
Менинг юрагимга та'сир этажак.
Агарда ҳа десанг... ўзингнинг фойданг!
«Йўқ» десанг... эҳтиёт бўлишинг керак!
Ҳолинг енгиллатар фақат бўйсуниш..
Яхшилиқ келтирмас бундай қайсарлик!
Бахтсизлик кўрмайман келажагингда!..
Севгимни бахтсизлик деб атаб бўлмас.
Севиш, тақдирлашни яхши биламан.
Кўксим ҳароратли! Ҳеч гўзал йўқки,
Менинг қучоғимдан тортса ўзини.
Менинг тажрибамга ишон, азизим,
Иигитдай севади мен каби чоллар!..

Эмилия (бир минút жимликдан сўнг)

Кўнглил тинчлигини билганмисан ҳеч,
Билганмисан бахтни... умид, қувончни..
Билган, билмаганинг, инонганларинг,
Азоб тортганларинг, шодликларинг-чун,
Кўнглинг бўлса агар, кўнглинг ҳақиқчун,
Елвораман сенга, о... тиз чўкаман..
Елвораман, беор, золим, раҳм қил.

(Тиз чўқади.)

Шафқат қил!.. Кўй мени! Эшитганимдан
Ҳечкимга, ҳечқачон оғиз очмайман..
Иффатимга тегма, булгама зинҳор,

Золим, қилмишингни худо кечирсин.
Соррини! Агар сен... унда ўламан!
Ўлсам соя каби хунук арвоҳим,
Ўйқингдан уйғотар тунлари келиб,
Қизғон... қабримгача бир сўз айтмайман!

Соррини

Хотинлар сўзига ким ишонса аҳмоқ,
Унинг камтарлиги нимаси экан.
Бу ўзи, айиқни қочиб кетмасин деб
Бирор чўпга бойлаб қўйгандай гап-ку?
Тилинг беихтиёр калдираб қўяр!
Ҳозир шундай ҳолга тушиб қолдимки,
Ўлим-у тантана қил устидадир...
Менинг танлаганим албат тантана.
Шунинг учун нолаиғ, додинг беҳуда!

Эмилия

Демак, ҳеч нажот йўқ!

(Ииглар.)

Соррини

Менингча, шундай...

Эмилия

Шу қадар шарманда қилгандан кўра
Ўлим йўлла менга, о парвардигор!

(Курсига йиқилиб, юзини яширади.)

Соррини

Бари муғомбирлик! Ишонмайман мен,
Наҳот, қиз бола ҳам қайсарлик блан —
Ўзини шу қадар ҳимоя қилса...

(Унинг қўлини ўпмоқчи бўлади, қиз эса унинг қулоқ чаккасига шапалоқ тортиб юборади, Соррини бармоғини дўлайиб пўписи қилади ва ярим жаҳл блан яна гапирди.)

Сен жуда баджаҳл қиз экансан-ку!
Уҳў! Тўхтаб тур, йўқ!... Мен ўч оламан...
Бундай қайсарликка чидолмайман ҳеч...
Энди шафқат кутма, нолангни тинглаб
Деворлар йиғларки мен йиғламасман.
Ер ютса ютарки, Испан юртини,
Шафқат ҳисси бўлмас менинг кўнглимда...
Билиб қўй... Соррини узр сўрайди,
Амр ҳам қилади керак бўлганда.

(Қиз юзини очиб, унга даҳшатли назар ташлайди.)

Шундай, хоним, агар амр қилганда
Итоат қилишни истамасалар...
Соррини ханжар ҳам тутабилади.

(Заҳарханда қилиб.)

Ушанда биласан мени, ха! ха!..

*(Қизнинг ёнига келади. Бирдан эшик тақиллайди,
Соррини очади, бир тўда испанлар кириб келадилар)*

Нима керак сизга? Қандай сурбетлик!

Бир испан

Мукофотчуи келувдик, ота!

Соррини

Қандай мукофот?

Иккинчи испан

Қандай бўларди,
Алварец қизининг баҳоси, ахир...
Е эсингдан чиқиб қолдими дарров?
Ие, ажаб, ҳали ҳам ёнинг оғзи —
Ишдан олдингина очиқ экан-да?

Учинчи испан

Гўзални ўғирлаб келтиргандан сўнг,
Дарров фақир бўлиб қолдингми дейман?

Соррини

Ма, ма, ол, нонкўрлар!

(Катта ҳам'ён тўла тиллани уларга улоқтиради)

Тоқат қилмабсан!

Ҳаммаси

Яхши қолинг, раҳмат, Соррини ота!
(Соррини бу гал эшикни қулфламайди)

Соррини

Бир ўйга келсанг-чи, ҳай Эмилия!

Эмилия *(курсидан туради.)*

Демак, мени ўғирлаб олиб келгани
Сен юборган эдинг бу саёқларни?
О, нақадар пасткаш, ёвуз бу одам!
Ҳалок бўлдим, тамом.. энди нажот йўқ.

Соррини *(мазах қилиб.)*

Нажот йўқ!

(Кўлини ушлайди.)

Юр энди мен блан, жоним.

(Упади.)

Бўйсунар экансан, ахир, барибир.
Шунча ҳимоя-ю, йиғлашлар нега?

Эмилия

Бу номусга чидарманми мен?

Йўқ, ўламан, ҳай чол!..

Соррини

Ҳи, чол эмишман!

(Кеккайиб кулади.)

Ҳазил қилиб кўрчи, чол ҳам ўзининг
Оловдек эканин кўрсатиб қўйсин.

Эмилия *(қўлини кўксига қўйиб.)*

Наҳот, қутқазмассан мени, оҳ танграм?

Соррини

Юр дейман, юр... Соррини ҳечвақт,
Бошқалар сўзига кирган эмасдир.
Соррини одамлар кўзига бошқаю,
Ёлғиз бўлса бошқа.

(Қўлидан ушлайди.)

Эмилия

Ҳай, қўйвор мени!
Қўлинг вабо блан заҳарлангандай...

Соррини *(жаҳли чиқиб)*

Буюраман сенга: юр, мен блан юр...

(Бирдан эшик тақиллайди. Иккиси ҳам жим қолади; монахлар бошлиғи ўзини четга олади, зиёратчилар кийимини ёпинган киши кириб келади, шляпасини ечади.)

Номаълум киши

Рухсат этинг кирай, Исо ҳаққи учун!..

(Тез кириб, та'зим қилади.)

Беҳолман! Бурда нон тилайман, холос.
Марҳаматли ота, омон бормисиз?
Худо умр берсин эзгу бандага!..
Мен паноҳсиз, жойсиз, фақир мусофир...

Соррини *(бир четга.)*

Бемаҳалда келди, нега қўйдилар?
(Тишини гижирлатади.)

Бу шубҳали киши.

(Унга)

Хўш... қани, ўғир!
Ҳозир сенинг учун нон, май буюрай,
Қайдан келмоқдасан? Кимсан сен ўзинг?

Номаълум киши

Қуддусдан... фақир бир жаҳонгаштаман!
Юртимга қайтаман... очман, чарчадим
Меҳмондўст экансан, ким бўлсанг ҳамки,
Ҳар ерда мадҳингни сўзлаяжакман.
Ажал тўхтатмаса агар тилимни.

Соррини

Мен фақат бурчимни адо этаман.

Номаълум киши

Бурчни кўплар бундай англамайдилар.
Ташаккурим сенга! Худо хайр берсин.

Соррини (Эмилияга.)

Нон, май келтирсинлар, синглим, бориб айт.

(Зийратчига)

Синглим блан бирга яшаб турибман,

(Эмилиянинг ўрнидан қимирламаганини кўриб, қалти-
раганча унинг олдига келади.)

Мен айтгандан кейин, нега бормайсан!?

Номаълум киши (ўз-ўзига.)

Мени алдолмайсан, маккор алвасти!

Соррини (баланд овоз блан.)

Борсангчи...

Номаълум киши

Йўқ, тўхта!

Соррини (қўрқиб)

Ким?!

Номаълум киши

Мен...

(Чопонини отиб ташлаб, қўлига ханжар олади.)

Эмилия

Фернандо!..

Фернандо

(Тезлик блан Эмилиянинг қўлидан тутиб, саҳнанинг иккинчи четига элтиб қўяди, уни бир қўли блан ушлаб, олдида тик туради.)

Энди сендан жавоб талаб қиламан..

Соррини

Ким ўзинг? Фернандо қайта тирилмас...
Арвоҳми, инсонми?

Фернандо

Шундай инсонки,

Дўзах даҳшатидай макрдан кўрқмас,
Сени ханжар блан жазолайолар.

Қизни қутқазишга яраса ўлим,
Ўлим қаршисида у қалтирамас.
Уни қайтар...

(Сорринининг ҳиқилдоғидан тутди:)

Кўкдан ҳечнарсa кутмайман,
Ерда ҳам ҳечнарсaм қолмаган менинг.
Кўнглимни берганман ҳақли қасосчун,
Ханжарни кўрдингми бошинг устида!
Мен шошаётирман, сени дўзах кутар,
Мен сени йўллайман оллоҳ ҳукмига.
Ихтиёринг блан қайт ниятингдан.

Соррини

Ўлдирсанг ҳам мени агар шу ерда,
Аммо Эмилия қутулолмайди.
Сени хизматкорлар чиқармас бундан,
Қўйиб юбор мени! Ҳозир дод дейман.

Фернандо *(қўйиб юборади.)*

Мен жаллод эмасман, тўғри, ҳақлисан.

(Бир четга.)

Наҳот, қондан қўрқсам шундай пайтда.

(унга.)

Берасанми, йўқми Эмилияни?

Соррини

Бермайман...

(Тобора эшикка яқинлашади.)

Фернандо

Берасан!.. Сен балки ҳозир,
Менинг жур'атимдан чўчигандирсан.
Бу қиз меникидир, қайтар, Соррини!
Унинг иффати ҳам менга тегишли.
Минглаб олам берсанг, менга агарда
Барин тарк этаман шу дилбар учун.
Одам ўлдиришга мажбур қилмагин,
Мажбур қилма дейман!

Соррини

Йўқ қайтармайман.

Фернандо

Тошдай экан кўнглинг сенинг, аммо,
Ғазабим олдида қалтирарсан.

Соррини

Йўқ!...

Фернандо

Соррини! Тиз чўкиш одатим эмас...
Мени тиз чўқтирган одамлар, лекин
Узоқ яшамайди, шунини билиб қўй.

Соррини (кулиб.)

Сўзим бир!

Фернандо

Қайтаргин Эмилияни.
Бунга унамасанг тортиб оламан...
Бўлди, газабимни тоширма дейман,
Ҳар нарса қилишга тайёрман ҳозир.
Ҳаётдан воз кечай, аммо мен уни
Озод этажакман сенинг панжангдан.
Ҳазил деб келмадим бу ерга, тингла!
Сўнгги марта... тингла!.. берасанми ё...

Соррини

Кўрамиз!

(Эшикка отилиб ёрдамга чақиради.)

Қани! Ҳай! Дод! Хизматкорлар!

(Саҳна орқасида шовқин.)

Эмилия *(ма'юс қараб.)*

Фернандо!..

Фернандо

Иш тамом! Хайр, азизим!
Қон тўкишдан чўчиб бекор қилдим мен.
Хайр, балки узоқ кўришаолмасмиз.

(Уни қучади.)

(Орқасига қайрилиб.)

Наҳот, пешонамда қотил бўлиш бор
Аммо бундай қурбон — менга ифтихор...
Менинг ўз қонимдир бу қизнинг қони,
Сачраса ўзимга сачрасин майли...
Қизғонмаса ахир тангрининг ўзи.
Мендан бўлган шафқат қайга борарди!
Пайт етди! Сўнгги йўл, — ё бўлмаса қон!
Йўқ, ифлос тақдирга бўйин эгмайман...
Беихтиёр қилган бу жур'атимга
Майли, иблислар ҳам ҳайратда қолсин.

(Эмилия унга шафқат сўраб тикилади.) (Соррини қуролланган хизматкорлари билан бирга киради.)

Соррини

Ким зўр экан, қани, энди кўрайлик!

Фернандо

Қасамим бор менинг, шуни билиб қўй:
Тангри қаршисида турибмиз икков...
Тирикми, ўликми, мен учун фарқсиз,
Бу қиз меникидир... Буни кўрдингми?

(Ханжарини кўрсатади.)

Эмилия

Оҳ...

(Фернандонинг кўксига бош қўяди.)

Соррини

Сен мени ундай қўрқитолмайсан!
Ўлик керак эмас... ҳай! Хизматкорлар!
Ушланг, уни, уринг бу қабоҳатни!..
(Ўзи хизматкорлар панасига ўтади.)

Фернандо

Кўзғолма жойингдан!
(Ҳаммаси чекинади.)

Соррини

Нега қўрқасиз?

(Хизматкорлар яна ҳужум қилмоқчи бўлишади.)

Фернандо

Кўзғолмангиз, қуллар!... сўнг бор сўрайман.

(Сорринига.)

Фалакни, дўзахни қўйдим ўртага.
Берасанми, йўқми, Эмилияни?

Эмилия *(зўрға эшитиларли товушда.)*

Нажоткор фариштам! О, қутқаз ўзинг!..

Соррини

Ҳечвақт тиригича бермайман уни!..
Нима қилсанг, майли.

Фернандо

О!.. шундайми... қара!

(Эмилиянинг кўксига ханжар уради. Ҳамма ҳайратда қолади. Фернандо қизнинг мурдасини ердан кўтариб олиб, ҳайратда қолган оломоннинг ўртасидан чиқиб кетади, хизматкорлар унинг кетидан югурмоқчи бўлишади.)

Соррини *(бироз жимликдан сўнг хизматкорларни йўлдан қайтаради.)*

Қайтингиз! Бошқа йўл топамиз бунга!
(Қалтирайди). (Ишора блан ҳаммани чиқариб юборади.)

Бу қандай жур'ат-а!.. Қараб турсин-чи...
Мен ўзим хавфдаман... йўқ, бу беҳуда,
Нима ҳам қиларди у йигит менга?
Мен ҳозир иблисдай ғазабланганман.
Қасос оламан мен, ўтга ёқаман,
Терисин шиламан тириклигича.
Темир блан тирноқларин суғуриб,
Уни мих устида роса ўйнатай.
Огзига эриган мис қуйиб, беақл —
Азоб-фар'ёдини тинглаб кайф сурай!
Бас, ташлайман соддалик ниқобин
Ё жаллод болтаси остида, ёки —
Гулханда ўзини кўрсин Фернандо,
Шунда Сорринининг испан эканин
Унинг шодлигидан кўриб билсинлар.
Қанча секин бўлса унинг ўлими
Менинг бахтим шунча очилар.
Тухмат заҳарида барибир унинг —
Заҳмат чекканини қониб кўраман.
Оҳ тухмат! Мен сенга ҳозиргидай ҳеч —
Муҳтож бўлмагандим, кўмак бер энди!
Минг илон тилини бер менга ҳозир.

Совуқ заҳар сочай рақиб устига...

(Икки бармоғи блан пешонасига уриб қўяди.)

Шундай мўлжалларим, ҳа... тайёр, шундай...

О... дил ма'будаси, икки дун'ёда

Мен сенинг эркиннга бердим ўзимни!

(Соррининг ошнаси Доминикчи киради.)

Доминикчи

Омонмисан, Соррини!

Соррини

Салом!

Жуда вақтида келдинг.

Доминикчи

Нимаиди?

Соррини

Айтиб берай сенга...

Доминикчи

Ё бой жуҳуднинг

Беркинган жойидан хабар топдингми?

Юзинг севинч блан порлаб турибди!

Оҳо, диннинг содиқ жонкуяри,

Айтмоқ бўлганингни билиб олдим мен.

Соррини

Топдинг, билармидинг Алварецни сен?

У бир ёш йигитни боқиб олганди...

У бир даҳрий экан, Лютерга ишониб.

Унга ҳурмат блан қараркан, билсам!..

Бугун Алварецнинг ёлғиз қизини

Менинг ўз уйимда ўлдириб кетди!

У қизни қутқаздим босқинчилардан,

Унинг ханжаридан қутқазолмадим!

У даҳрий қотилни ахтариб топиб,

Жазога топшириш бизнинг бурчимиз.

Топаман мен уни... у бахтсиз қизнинг

Мурдасин кўтариб чиқиб кетганди.
Қонли изларидан бориб топаман,
Менга боши блан жавоб беражак..

Д о м и н и к ч и

Албатта, айтгандай мен у қотилни
Кўрдим шекилли-ю, таниёлмадим,
Жуда ҳам қўрқинчли, ўлик кўтарган,
Қаергадир шошар...

С о р р и н и (бироз ўйлаб олиб.)

Қўлингни бер-чи!
Қасам'ёд қил, мен блан бирга бўл...

Д о м и н и к ч и (қўл узатади.)

Қўл берганим сенга сўз берганимдир.

С о р р и н и

Ҳар ерда мен блан бирга бўлмоққа!

Д о м и н и к ч и

(қўрқиб шубҳа блан қарайди.)

Сен ҳам бирор ишда айбдормисан?

С о р р и н и

Узинг биласан-ку биз мангу ҳақмиз.

Д о м и н и к ч и

Ҳазилингни қўй-чи! Айбдормисан?

С о р р и н и

Йўқ! Ҳа, агар айбдор бўлсам-чи?..

Д о м и н и к ч и

Агар-магарни қўй, ўз дўстинг блан
гаплашгандай гапир.

Соррини

Йўқ, дедим, ахир!

Доминикчи

Очиқроқ айтсангчи, айбдормисан?

Соррини

Каптардай покиза!

Доминикчи

(муғомбирона жилмайиб.)

Шундай де! ха! ха!

Қоғоз бер, дўст учун жон фидо бўлсин,
Гўр совуқ, ла'нати динсиз Фернандо
Бизларда исиниб турсин ҳозирча;

(Утириб, қўлига қоғоз ва патдан ясалган ручка олади.)

Худди сен айтгандай ёзабошладим,
Судга узатамиз жиноий ишни.
Хатни топганинг ҳам ақли расо экан,
Қалам минг балодан қутқазар ба'зан,
Хат блан шоҳликни тўнтариш мумкин,
Муқаддас папанинг қалами бўлса,
Сенга жаннатни ҳам топиб беради.
Сен шундай қувватга ишонасанми?

Соррини

Ишонганда қандай!

Доминикчи

Албатта шундай.

Мен ўз хабаримни ёзабошлайман.

(Ёзабошлайди.)

Соррини

(У ёзар экан, Соррини Эмилия йлдирилган жойга келиб ёрга тикилади.)

Бу жойда у қизнинг қони тўкилди.
Ана қон доғлари! Ана, ҳу, ана!

Қондан биринчи бор даҳшатга келдим,
Қалбим типирчилаб титраб уради...
Унинг ўлимини ўйласам бирдан
Сочим беихтиёр тикка туради!..
Эмилияни қизғанмоқ керакми?
Ҳамма ҳам ўлади куни етганда.
Аммо, гар ўликнинг совуқ арвоҳи
Ҳар ерда орқамдан эргашиб юрса...
У қиз айтганидай, жонсиз қўл блан —
Кечалар уйқумни ҳайдаса кўздан,
Ис'ёнкор номусдай, қон доғлари ҳам
Уйқусиз кўзларга кўринса тунлар!..
Нима бало? Қўрқаётирманми?..
Кимдан? Арвоҳданми ё ўзимданми?
Арвоҳлар йўқ, гўр ўз ўлжасини
Заҳда чирисин деб маҳкам асрайди.
Аммо бадном бўлиш катта аҳмоқлик!
Бадном бўлишликдан Соррини қўрқмас!

(Депсинади)

Бу қонни виждондай таҳқирлайман мен.

Доминикчи

Мана хабар тайёр!

Соррини (қўл қўяди.)

Мен имзо қўйдим!

Доминикчи

Мен ҳам қўйдим!

Соррини

Кетдик!

Доминикчи

Титраётирсан!

Хабар етказишдан қўрқдингми, дўстим,

Соррини

Севинчдан бу!

(Шляпа ва ҳассасини олади.)

Кетдик, мана — бор қурол.

Доминикчи

Бизнинг қонунларга хилоф иш қилучи
Шафқат кўролмайди!

Соррини

Асло шафқат йўқи!

У бизнинг қўлимиз, қонунларимиз
Даҳшатини билиб қўйса бўларди!
Бунинг учун биз бу даҳрийга
Қайси хил жазони танласак экан?
У қонунни бузди, уйни булғади,
Ё уни гулханда ёндирсакмикан?

Доминикчи

Тўртга бўлсакмикан?

Соррини

Еки томоғига

Эриган қўрғошин қўйдирсакмикан?

Доминикчи

Ё миҳлар устига ўтқизсакмикан...

Соррини

Оҳ! Агарда унинг юз жони бўлса,
Ҳарқайсисин қийнар, азоблар эдим!..
Аммо мен барибир ниятга етдим!..

(Қўлларини ишқалайди.)

Доминикчи

Муқаддас Доминик ёрдами блан
Гўрга узатамиз ўша динсизни!..
(Қувониб чиқиб кетадилар.)

БЕШИНЧИ ПАРДА

І КҰРИНИШ

(Алварецнинг уйи. Стол. Стол устида шам.)

А л в а р е ц (стол ёнида ўтирибди.)

Шундай қилиб уйдан Фернандо блан,
Бир муттаҳам блан қочибди дегин!

Д о н н а М а р и я

Айтмовдимми сенга, айб ўзингда,
Нима учун ўзинг ўша саёққа
Эрга чиқишига рухсат бермадинг?

А л в а р е ц

Кейин ярамас деб, нонкўр қизим деб,
Оҳ тортиб юришга тоқатим борми!..

Д о н н а М а р и я (истеҳзо блан.)

Оҳ торт энди, йиғла! Шугина қолди!
Йиғламай бўлурми шундай қиз учун!

А л в а р е ц

Жуда ҳам эҳтиром қиларди мени!

Д о н н а М а р и я

Кўришиб турипти...

А л в а р е ц

Ор-номус қани?

Отадан кулиш бу! Унинг оқ сочин
Бешармлик блан масхаралаш бу;
Уй-жойсиз саёққа эргашиб кетиш...
Нималар кўрмадим кекса ёшимда!
Ҳайвон а'ло ундан, йиртқич яхшироқ!

Д о н н а М а р и я

Ўзингни бос!

А л в а р е ц

Майли, Фернандо блан
Деразам тагида гадодай юрсин.
Оқ қиламан уни, менга қиз эмас.
Бошқа ота излаб топсин ўзига.
Беорни қалбимдан юлиб ташладим.
Мурда каби озган, дармонсиз ҳолда.
Қайтиб келар бўлса яна ҳовлимга,
Агарда сўраса мендан бурда нон,
Шуни ҳам бермасман беномус қизга.
Беномуслик блан ўзи булгаб кетган
Мединг остонамда йиқилиб ўлсин!..

Д о н н а М а р и я

Касалсан, азизим! Ором олсанг-чи?

А л в а р е ц

Шундай, бироз ором керакдир менга.
Асабим қақшади, белда дармон йўқ.

Д о н н а М а р и я (четга.)

Бечора чиндан ҳам қийналаётир.

А л в а р е ц

Нега қиз бергансан менга, о худо!
Нега шармандалик ёғди бошимга?
Қаҳрингга йўлиқсин, тилайман, худо!
Ёлвораман сенга, ла'натла уни,
Қадимги олий зот оиладан чикиб
Қочиб кетди ахир Фернандо блан
Уйимда илонлар боққан эканман..

(Кетади)

Д о н н а М а р и я

Не блан машғулдир азиз Соррини?
Ёки у сафо ва иффат чечагин
Узаётганмикан ҳозир авайлаб?!
Кўмакчиси учун яна ин'омлар
Юборарми экан!.. Юборса керак.

Чамамда, сафонинг ожиз қурбонига
Ўзим ачингандай бўлаётирман.
Асосий сабабчи ўзим эмасми?
О! Виждон! Ёдимга тушма бемаҳал.
Энди кечикдинг сен, бўлар иш бўлди.
Ҳатто одамлар ҳам ёрдам қилолмас!

(Стул тортмасини очиб, Сорринининг совғаларини олади, уларга бир қараб, яна жойига қўяди.)

Ўйўқ, қарай олмайман, дур-гавҳарларга,
Қўлларим титрайди тутсам уларни.
Бу қиммат тошларни нома'лум бир куч
Билдирмай кўзёшга айлантирмоқда.
Кўринманг кўзимга!..

(Тортмага солади.)

Бу чиркин тошлар
Мени қандай қилиб сиҳрлай олди?
Виждон юрагимни қийнама, эзма!..
Энди сен кечикдинг! Энди фойдасиз...
О, муқаддас кучлар, кўмак берингиз!
Хайри-эҳсон қилиб, дуолар ўқиб,
Ювиб юбораман гуноҳларимни.
Менга фақат уйқу, тинчлик берингиз!

(Алварец киради, ҳалжонда.)

А л в а р е ц

Кўзга кўринарми... бунга боқ! Хотин!
Бу ерда арвоҳлар санқиб юрибди..
Ҳозир кўрдим ўзим... бир овоз келди.
Менга таниш овоз... Вой, мазам қочди.

(Ўтиради.)

Д о н н а М а р и я

Тинчлангин, азизим, қандай арвоҳ у?
Ҳечқанақа арвоҳ кўрмадим бунда!
Балки оғир қайғу ва хаёлларинг
Шарпа кўрсатгандир хира кўзинга?

А л в а р е ц

Мазам қочди!

(Қўнғироқ чалади.)

Сув бер, хизматкор!

(Хизматкор киради.)

Иложи борича тезроқ сув келтир!..

(Хизматкор кетади.)

Хотин! Уни қара, арвоқлар юрар;
Бўғиқ бир говушни эшитмадингми?
Наҳот, кўрмадинг сен арвоқ шарпасин?

Д о н н а М а р и я

Еш оқизавериб чарчабди кўзинг!

А л в а р е ц

Йиғлаганим йўқ, мен йиғламайман ҳам!
Ўзимнинг қизимни ла'натлайман мен.

(Хизматкор сув келтиради, Алварец ичади, хизматкор қайтиб кетади.)

Д о н н а М а р и я *(четга.)*

Мен кўрқаётирман!.. Доно монахлар
Арвоқ сояларини кўп сўзлайдилар...
Улар ҳақ сўзлайди... чиндан ҳам даҳшат!

А л в а р е ц

Ҳозир Эмилия ўлган бўлса-чи...
Худди шу маҳалда унинг руҳи... жони...
Танасидан чиқиб...

Д о н н а М а р и я

Е парвардигор!

Нималар дейди у!

А л в а р е ц

Йўқ, гўрга кўргач,
Отанинг ла'нати етиб бормайди.
У дун'ёда бошқа ота бор!..
Қизим... ўлган бўлсанг... кечирдим сени.

Мен кечирдим сени, зинҳор, арвоҳинг
Тириклар ичида юрмасин кезиб,
Уйқумни қувмасин кўзимдан, қўрқинч,
Сенинг ҳақоратинг, бешармлигингдан
Оқарган сочларим тикка турмасин.
Йўқ! Кечирдим сени, қабрингга қадар
Огангинг ла'нати етиб бормайди,
Унда бошқа ҳакам... кечирдим, қизим...
Эй фалак! Эй фалак!

(Эшик ланг очилиб Эмилиянинг мурдасини кўтарган Фернандо гулдир-шалдир қилиб кириб келади, чол қичқириб юборади. Юзларда даҳшат.)

Донна Мария

Оҳ! Ҳалок бўлдим!

(Югуриб иккинчи хонага чиқиб кетади.)

Алварец

Бу нима деган гап?

(Фернандо мурдани стол устига қўяди.)

Кимнинг қони бу?

Кимнинг жасади бу? Ким? Узинг кимсан?

Фернандо

Қизингни келтирдим.

Алварец

Эмилия!.. Ҳлик!

Фернандо

Ҳа, Ҳлик!

Алварец

Қотил сенмисан...

Фернандо

Ҳа, мен!

А л в а р е ц

Сен!.. О бироз танымда дармон бўлсаю
Мажақлаб ташласам! Олчоқ! Қотил... яна
Совуққонлик блан олиб келдингми...
О азизим! Қизим! Қонинг оқмоқда,
Мен бўлсам...

Ф е р н а н д о

Чиндан ҳам гўзал эмасми?

А л в а р е ц

Нима кутмоқдасан? Жаҳаннамга бор.
Йўқол кўз олдимдан, э ёвуз қотил!
Сен бунда экансан, бу гуноҳсиз тан
Қонлар оқишидан тўхтамас сра...
О, агар мен заиф бўлмаса эдим...
Иблис, йўқол тезроқ қизим ёнидан.

Ф е р н а н д о

Мен бунда қолишга қарор қилдим...

А л в а р е ц

А?!..

Ф е р н а н д о

Шундай! Тирик эди — сеники эди...
Мана энди менга қарашлидир у.
У меники... бу қонли танага
Мардона жиноят блан эришдим...
Тикил унинг сўлгин, қонсиз юзига,
Воз кечгин қизингдан...

А л в а р е ц

Шошмай тургин сен!
Кўрасан сен! Ёиртқиш, сен маккор илон!
Мен қасос иложин излаб топаман.
Инквизиция додимга етар.

Фернандо

Бунни ўлдиришга ботинган одам

(мурдани кўрсатади.)

Дун'ёда кўрқинчни билмайди асло!

(Алварец югуриб чиқиб, ҳамма эшикларни қулфлайди.)

Эшикни қулфлади! Ҳа-ҳа! Жуда саз!
Кўнглимдаги ишни қилдинг, ҳозир, чол!
Дўст блан қолгандай, мен бу қиз блан
Бир ёлғиз қолмоқни истаган эдим.
Тўйга гувоҳ бўлинг, жимлик парилари...
Мен ёлғиз мана шу қизни севмоққа
Қасам'ёд қиламан худди шу ерда,
Эмилияга қаранг, тилсиз деворлар,
Йиғланг, агар сиз ҳам йиғлай билсангиз!
Қонсиз! Рангсиз! Ўлик!

(Мурданинг оёғига йиқилиб, йиғлайди.) (Жимлик.)

Кечирармисан?

Мен сени қутқаздим! Ростми, фариштам?
Қарангиз: кулмоқда, ўлим кулгиси-ла
Ширин кулги блан чиндан кулмоқда!

(Қўлини олади.)

Қўллари муз каби!

(Қўлини ўпади.)

Рухсат бер ўпай!
Ўликларни ўпиш қандай ёқимли!..

(Туради.)

Бир тутам саз олиб, шу блан ўлсам
Енгил бўлмасмикан ўлим азоби?

(Ханжари блан қизнинг бир тутам сочини кесиб олади.)

Муҳаббат гарови! Нақадар буюкман!
Севгимдан умрбод жудо бўлсам ҳам,
Эмилияни ҳалок этдим мен;

Қурбон қилдим шунга ҳаётим, қалбим,
Аммо халос этдим! Узим ёлғизман!
Ёлғиз яшагансан, ёлғиз ўл, Фернандо!
Тақдир йўл бошлади бундай ишларга,
Худо олдиндан ҳам биларди, ахир,
Нега тўхтатмади бу шум тақдирни?

(Жимлик.)

Эмилня жоним! Илгаригидай
Унутилгансан, менчи сен блан бирга!

(Яқинроқ келади.)

Кўксида қон қотиб тўхтаб қолибди!..
Захкаш ерга элиб кўмарлар уни;
Худди михлангандай кўз тикар эдим
Бу сихрли лаблар, қора кўзларга.
Бу покиза сийна, узун киприklar
Қора тупроқ блан кўмилиб кетар,
Мана бу рангсиз, нам, совуқ манглайдан
Эринчак қурт қўрқмай ўрмалаб ўтар..
Умр бўйи севиб юрганим шунда,
Уша гўр ичида чириб ётганда,
Ҳечким ўйламаски... балки у гўр узра
Менинг исмим айтиб ла'нат ўқирлар.
О! Мангу йўқотдим дилбар мен сени!
Сен каби гулгун бир илоҳий зотни
Жаннат ҳам беролмас менинг қалбимга;
Тақдир энг охирги зарбин урганда,
Сен блан бир умр виро'лашдим мен.
Ўзим вайрон этдим... ўзим тарк этдим,
Мен ўз умидимни ўзим йўқ қилдим.
Алвидо! Алвидо! Ухла, эй пари!
Рангсизсан! Қонсизсан!.. Жонсизсан!..

*(Ташқаридан шовқин-сурон эшитилади, аммо,
Фернандо эшитмай, бош эгиб туради); (арқон ва
бошқа асбоблар кўтариб инквизиция хизматчилари
ва уларнинг бошлиғи киради.)*

Бошлиқ

Ҳа, бунда экан-ку ошиқ йигитча!
Бунда экан кофир! Ушлангиз тезроқ!

(Ушлайдилар. Фернандо ҳаракатсиз, у ҳеч нарса сезмайди.)

Қўлини боғлангиз!

Фернандо *(уйқудан уйғонгандай.)*

Сизга нима керак?

Бошлиқ

Инквизицияга нима кераклигин
Гулҳан ёлқинида ўзинг кўрарсан.

Фернандо

Сабаби ҳам борми?

Бошлиқ

Сабаб изламоқ
Бизда одат эмас, ушлангиз буни!

Фернандо

Мен таслим бўлмайман.

(Ўзини қутқаради.)

Бошлиқ

Қани, кўрайлик!..

Фернандо

Қим ҳаёт истайди?

Бошлиқ

Сен истамайсан!

Худди шунинг учун, тутгани келдик.

Фернандо

Сиздан қўрқади деб ўйламанг мени.
Фақат бу мурдани қолдиргим келмас!..
Кўзимга кўринманг! Сизлар бу ерда.
Иснод келтирасиз бу пок вужудга.

Қаранг, сизлардаги муқаддасларнинг
Баридан муқаддас мана шу жасад!
Қони эвазига олди жаннатни,
Сиздаги муқаддас одамлар эса
Бошқалар қони-ла олмоқчи уни.
Йўқолинг бу ердан!

Б о ш л и қ

Ушлангиз тезроқ!
Қуруқ мулоҳаза ёқмайди менга.

Ф е р н а н д о (*ханжарини суғуради*)

Қани иккинчи бор мадад бер, ханжар,
Қим биринчи, қани?

(*Улар чекинишади*)

Жур'ат етмадими!..

Анча кўпчиликсиз?.. Наҳот, бир мендан
Шу қадар қўрқсангиз!

Б о ш л и қ (*ўз кишиларига*)

Шошилмоқ шарт эмас...

Бизнинг қўлимиздан қутилолмайди.

Соррини отанинг ўзи келсин-чи.

У ўзи юборган... Ўзи гаплашсин.

Бекорга ўлишнинг ҳеч ҳожати йўқ!

(*Эшикни тўсадилар.*)

Ф е р н а н д о

Еки йўлбарс каби ташлаб ўзимни,

Ўз қонига бўяб топтайми барин?..

Аммо... йўқ, буларни бебақо ҳаётдан

Маҳрум қилмоғимдан нима фойда бор!

Барибир уларга ҳаёт қадрсиз,

Елғизман... бир ўзим оламга қарши,

Олам менга қарши: шундай улуғман!

(*Қўлида қоғозлар блан Доминикчи киради.*)

Д о м и н и к ч и

Фернандо!

Фернандо
Хўш?

Доминикчи
Устингдан шикоят бор.

Фернандо
Ажабмас!

Доминикчи
Суд ҳам бугун сени
Қўлга олмоқ учун қарор чиқарди.

Фернандо
Испанияда ҳам суд борми қали?
Қароқчилар бор, холос!..

Доминикчи
Узинг-чи?
Сен ўзинг қароқчи эмасмисан?

Фернандо
Йўқ.
Доминикчи (*мурдани кўрсатиб.*)
Бунга нима дейсан?

Фернандо
Мен қутқаздим уни!..
У мени севарди, қалбдан севарди!..
Муҳаббат деганни биласанми сен?
Йўқ, билмайсан... Мўмдай эрирдинг
Сен бу рангсиз юзни кўрган вақтингда,
У меңи севарди!.. жуда севарди!..

Д о м и н и к ч и

Мен севги баҳси-чун келган эмасман;
Сен бир айбдорсен, сен бир даҳрийсен.
Сен даҳрий Лютерга ишонган динсиз.
Шунинг учун сени тутгани келдик,
Чиндан соҳибингми Лютер?

Ф е р н а н д о

Ажабо.

У мени жазосиз сўроқ қилмоқда!—
Мен худони инкор этмайман!..

Д о м и н и к ч и

Ердаги вакилин-чи?

Ф е р н а н д о

Ким қўйган эди?

Д о м и н и к ч и

Демак, ишонмайсан?

Ф е р н а н д о

Ё худо сизга
Одам куйдиришга рухсат берганми?

Ҳ а м м а (*қичқиради*)

У даҳрий, у даҳрий, у даҳрий экан!

Д о м и н и к ч и

Нега тутмадингиз ўша заҳоти?

Б о ш л и қ

Уни эплолмадик.

Д о м и н и к ч и

Қарши турдимми?

(*Фернандага*)

Сен ўлишинг керак, азиз биродар.

Ф е р н а н д о

Мен буни биламан, кўпдан билардим...
Аммо сен ҳам тирик қолмайсан!..
Бир зумлик ҳукминг-ла мақтанмагил сен!

(Эмилияни кўрсатиб)

Мана буни кўринг, буни аямагач,
Сизларга марҳамат қиларми тақдир?

Д о м и н и к ч и

Ҳукмни эшитдинг — бўйсунуш керак.
*(Соррини киради ва Фернандонинг кўзидан
яширинади.)*

Ф е р н а н д о

А, Соррини, бормисан, салом!
Жафокашнинг сўнгги нафасига
Лаззат қўшмоқ учун келган чиқарсан!
Ваҳмага тушмагин! Сенга тегмайман,
Утган ишлар энди эсимдан чиққан.
Ишимни бажардим, сени топширдим —
Виждон ва таассуф ихтиёрига.
Виждонинг умрбод ухلامас, ахир,
Ҳарбир нарсанинг ҳам ниҳояти бор...
Майли, бас қилайлик бу ҳақда сўзни!

С о р р и н и

Кўрқитмоқчимисан, аҳмоқ!

Ф е р н а н д о

Соррини!

Сен ғолибсан... лекин бир илтимосим бор,
Адо этсанг агар, гулхан ўтида
Сен учун дуолар ўқиб ёнарман.
Шиддатли азоблар ичра исминг атаб
Раҳматлар ўқирман... Адо эт...

Соррини (*Жилмайиб*)
Нима экан ўзи, қани, айт қани,
(*Масхара қилиб.*)
Имконият бўлса... тинглаб кўрайлик...

Фернандо
(*Эмилия сочини қўйнидан олиб*)
Мана бу қора соч, буни кўрдингми!
Бирга ёнсам дейман ўтда шу блан.
Сизга зарар бўлмас, мен кесиб олдим.
Зинҳор шунини олманг жазодан бурун.

Соррини
Мумкин эмас, асло! Йўқ, мумкин эмас.

Фернандо
Сўнг бор ёлвораман!
(*Тишинини фиржирлатади.*)

Ишонгин менга,
Азоб берганинга дод-фар'едимни
Тингларсан, бу сочлар ҳалал бермайди!

Соррини
Мумкин эмас! Йўқ, йўқ, бу сочлар сенинг
Азоб тортишинини енгиллатажак,
Суд буни истамас.

Фернандо
Соррини! Истагинг...

Соррини
Истагим шудирки, итоат қилгин!
(*Хизматкорларга*)

Қани, бу даҳрийни ушлангиз ҳозир!
Сочни тортиб олинг ифлос қўлидан.
Арқон блан маҳкам боғланг қотилни,
Хукмини эшитди, гап ҳожат эмас.

(*Бир четга*)

Бизга бошинг блан товон тўлайсан,
Уч олишда мен ҳам сендан кам эмас.
Рост айтсам, ҳар икков айбдор бўлсак ҳам,
Ғолибларда экан шол блан шараф!

(Шу вақтда ҳамма Фернандога яқинлашади, Фернандо яқинидаги бир хизматкори итариб, четлатади ва Сорринига ташланиб, қўлидан ярадор қилади.)

Фернандо

Сен ҳаром ўл шунда!

Соррини *(Иқилган еридан туриб)*

Ёрдам берингиз!

Фернандо *(секин ва аламли, бўғиқ товуш блан)*

Ҳали ҳамон тирик!

Соррини

Ҳали тирикман.

Лаззатланай чеккан азобларингдан!

Доминикчи

Яраси боғлапсан!

(Боғлайдилар)

Фернандо

Энди мен кўрдим,

Сен ўзингнинг ёвуз тадбирингни,
Ифлос ниятингни бажаролмапсан.
Тангри гувоҳдирки, мен ернинг устин
Покламоқчи эдим сендай йиртқичдан...
Алдаб қўйди темир... у ҳамон тирик..
Қандай пасткаш одам! Менга у ҳозир
Жазо қуролидан жирканчлироқдир.

(Ханжарини ерга ташлайди.)

Кўздан йўқол энди, вафосиз, ма'дан,
Менга одамлардай хиёнат этдинг.

Ҳалок этаолдинг бегуноҳ қизни,
Золим кўкрагига ўтмаслик қилдинг.

(Топтайди)

Янчил, хоин!

*(Қўлида ханжари йўқлигини кўргач, ҳамма унга
ташланади, ушлаб қўлларини боғлайди.)*

Д о м и н и к ч и

Ҳа, ушланг, боғланг
Энди у хавфсиз!

С о р р и н и

Сустлашиб қолдик!
О! Юрагим шошар, худо беҳабарниинг
Ўтда куйганини қачон кўраман!
Худого топширдим! Уғлонлар, боринг!

Б о ш л и қ

Маҳкамроқ ушлаклар! Қочиб кетмасин!

Ф е р н а н д о

Қочмоқ хаёлим йўқ, қалтирамангиз!

(Кулиб)

Бундай фариштага қасд қилган киши

(Сорринини кўрсатади)

Шафқатсиз жазога лойиқ албатта!..

М о и с е й *(эшик ортидан)*

Қўйворинг! Тезроқ!

(Ҳаяжон блан югуриб киради)

О, менинг ўғлим!

Менинг ўғлим қани, Фернандо қани?
Фернандо, ўғлимсан! Ҳозир билдим мен.
Раввин айтиб берди. О, нима қилай?
Мен топдим! У яна умрбод кетар!
Менинг ўғлим! Уғлим! Эй парвардигор!

Фернандо (титраб кетади)
Мен сенинг ўғлингман!

(Жимлик.)

Тўғри эмас! Чол...
Айтгин, тўғри эмас! Шундай бир дамда
Отамни топсам ҳам менга не фойла?
Алдангансан! Кекса... ўғлинг эмасман,
Мендан ҳечким меҳр талаб қилмасин.

Моисей

Қутқазаман сени!

(Сорринининг оёғига йиқилади)

О! Тақсир, тақсир!
Христианларга ёлвориш ўзи
Гуноҳ бўлар бизга, буни биламан,
Аммо, сенга бўлсин бутун хазинам,

(тиззасини қучади)

Мана бу червонлар...

(ҳам'ёнини кўрсатади)

Қутқазгин уни
Рухсат бергин, қочсин! У менинг ўғлим!..
Бор мулкимни берай сенга у учун...

Фернандо

Тур! Мендай магрур бўл, гар отам бўлсанг,
Ўзингни хўрлама пасткаш олдида!
Тур! Нафратлар блан таҳқир этабил!

Моисей (тиз чўккан ҳолда)

Бор мулкимни олгин... яна қизим бор.

Фернандо

Бас қил дейман! Кекса, қўлим бўш бўлса,
Оғзингни ёпардим...

Моисей

Шафқат қил бизга!..
(Тиззасини қучади.)

Соррини
Йўқ, йўқ!

Моисей
Жазогами?

Соррини
Ҳа, нима бўпти?

Бошлиқ (*хизматчилардан бирига*)
Сен олдин бошлаб юр!

Фернандо (*Моисей ва Эмилияга*)
Алвидо' энди!
(*Уни олиб кетадилар*)

Соррини (*Моисейга*)
Хўш!

Моисей
Олиб кетдилар! Қайтариб бўлмас!

Соррини (*ҳам'ённи олади*)
Кўрамиз! Ба'зибир чоралар ҳам бор.
Маҳкамада менинг обрўйим баланд.
Сен яҳудиймисан, аҳа! Нега келдинг?
Сени ҳам бир ёқлик қилишим керак.
(*Кула-кула чиқиб кетади.*)

Моисей
Кетди! Уғлимни ҳам, пулимни ҳам олди.
Номалум таҳдид-ла қолдирди мени!..
Эй улуғ тангри! О! Қуддус тангриси.
Анча бардош бердим — аммо отамен!
Уғлимни ўлимга олиб кетдилар.
Елғиз қизим бўлса ақлдан озди.

Мулкимни йўқотдим... эй худо, худо,
Иброҳим Исҳоққа тир кўтарганда,
У ҳам бундай азоб чеккан эмасдир.
Парчалан, юрагим! Янчил, тилайман.
Яшин уриб кетсин бошимни!

(Сочларини юлади.)

Уғлим! Қизим! Мулким! Пулларим!
(изтиробда)

Йўқ бўлди барчаси, умрбод кетди.
Бало келди менга! Бало! О бало!

(Югуриб чиқиб кетади)

(Икки киши бир четда ҳайрон бўлиб қараб туради.)

1-тобутсоз

Қаерга борсанг ҳам, қазо-ю жазо!
Бу киши ҳам гоятда бахтсиз экан.

(Моисей чиққан эшикни кўрсатади)

2-тобутсоз

Сочларин юлмоқда, эҳҳе бечора!

1-тобутсоз

Раҳмим келиб кетди, жуҳуд бўлса ҳам.

2-тобутсоз

Қиз мурдаси учун юборганида,
Алварец чолнинг ҳам ҳолин сездингми?
Юзида кўзёшлар шашқатор, шўрлик,
Оёқлари титрар!

1-тобутсоз

Уша воқиа
Бутун шаҳар бўйлаб тарқаб кетибди.

2-тобутсоз

*(шеригининг ёрдами блан Эмилиянинг
жасадини замбилга солади)*

Худо раҳмат қилсин бу шўрлик қизни.

1-тобутсоз.

Уни кўмиш учун кўп ташвиш блан
Тайёрлик кўрмоқда эканлар.

2-тобутсоз

Шунга тушунмайман, кимхобга ўра,
Хоҳ сомонга ўра, фарқсиз эмасми?
Чирий беради-да!

1-тобутсоз

Одат шундай-да.

2-тобутсоз (*Замбилдаги жасаднинг уёқ-буёғини
парда блан беркитади.*)

Мана, чимилдининг шудир, гўзал қиз!

(*жимлик.*)

Қандай гўзал эди, аттанг бечора!..
Бу ишга кўниккан бўлсам ҳам ўзим,
Ҳозир юрак-бағрим эзилиб кетди.

(*Замбилни кўтарадилар*)

1-тобутсоз

Бўлар, кўп гапирдик, қани кўтаргин!
Кетдик, қара, маҳкам, текис тут!

(*Ўликни олиб кетадилар.*)

II К У Р И Н И Ш

(*Алварецнинг уйига яқин кўча*)

(*Халқ*)

1-и с п а н

Салом, салом! Фернандо ҳақида —
Ғамгин ҳодисани эшитгандирсан?

2-и с п а н

Шаҳарга келтириб, қамаб қўйганлар,
Суд ҳам ўз ҳукмини чиқарган эмиш.
Ўзим кўрдим, гулхан ҳам тайёр

Бирорта монахни хафа қилинса,
Бизда суд ҳукмини кўп чўзмайдилар.
Айбинг бўлмаса ҳам ёнишинг керак.

3-и с п а н

Аммо у Фернандо айбсиз эмас-да,
Пичоқлаб ташлабди Эмилияни.
Шафқатсиз! Йўқ! Майли ўтда куйсин у.

4-и с п а н

Бундақа шарманда ҳаётдан кўра
Балки ўлимини а'ло кўргандир.
Ёмонлик қилмабди лекин қизга ҳам!

2-и с п а н

Халқ ҳам тамошага ёпирилмоқда,
Одам ўлишини кўрмоқчи бари.

(Оломонни кўрсатади)

Гўёки ўзлари ўлмайди ҳечвақт.

С о р а (саҳна орқасидан)

Ёрдам беринг, ушланг, ушланг бу қизни...

(Сочлари тўзгиган Поэми пайдо бўлади, унинг кетида Сора киради.)

Шу аҳволда чонди шаҳарга қадар...
Жуда азобландим... Поэми. дейман,
Оҳ, ақлдан озди...

Н о э м и

Мени қўйвор!
Менинг акам қани? Акам қаерда?
Мен сени севаман, дилдан севаман.
Қонун золим экан! Қандай хунук ҳол!
Қўлингчи бер! О, йўқ, бу қандай ахир,
Ўлик ҳиди келар бармоқларингдан!
Сирғаларим қани, қайтариб беринг...
Акам менинг! Акам! Мен билдим, Сора,
Акам ўлар экан.

(Сора уни етаклайди.)

Юр кетдик уйга.
Йўқ! Бундай бормайман!

(Тиз чўкади)

Яхши одамлар!
Менинг акам қани, айтиб берингиз!

2-и с п а н

Бу қандай қиз экан?

С о р а

Шафқат қилинглар,
Ақлдан озган у, кўриб турибсиз,
Ҳечким қайтаролмас юрган йўлидан...

2-и с п а н

Бундай қиздан кўра бор жуҳудларнинг
Узлари ақлдан озса бўларди.

Н о э м и

Акам қани менинг?

4-и с п а н

Фақир яҳудий қиз!

Н о э м и (туради)

Фақир дейсиз, аммо менинг отам бор,
Сизлардан юз марта бой ҳам яхшироқ.
Сизлар янглишасиз! Сизга тиз чўкиб,
Мени узоқ турар деб эдингизми!

(кўзёшини артади)

Йўқолинг, кўзёшлар! Сиз ҳам маккорсиз.
Севинаман энди, фар'ёд қилмайман.
Йўқолинг кўзёшлар! Отам бой менинг!...

(Инграйди)

С о р а

Нима дейди ўзи? Алаҳлайди, йўқ!
Не қилай, бечора яҳудийлармиз!..

2-и с п а н (Нозмига қараб)

Қандай аянч!

Ноэми

Қани менинг акам?
Осмон ёлқинланар, одамлар ўлар,
Ер титрайди... ана, алангада —
Утда менинг акам! Нечук бормайин?
Қўйворинг..

С о р а

Қаерга борасан?
Ақл бергин унга, эй парвардигор!

5-и с п а н (югуриб киради)

Ишлар тамом! Ҳозир судда эдим,
Уни қатл этгани олиб кетдилар.
Унга азоб бериб сўроқ қилдилар.
Бирор сўз айтмади! Биронта аблаҳ,
Мағрур Фернадодан сир ололмади.
Ҳозир аланга ҳам кўриниб қолар..

2-и с п а н

Фернандо қатлини кўрайлик, юринг!..
(Ба'зилар кетади, кўчада халқ гужгон ўйнайди)

Ноэми

Қимни қатл этишар!

(Ерга йиқилади)

...Фернандоними?

(Аста)

Менинг акам! Кулинг! Қатл ва ўлим...
Оғир, қийин!

(Унинг атрофига одамлар тўпланади)

С о р а

Худо ҳаққи, ёрдам!
Ёрдам беринг унга! Сув беринг.

(Нозмининг ёнида тиз чўкади)

Ҳали иссиғи бор... иблис одамлар!
Нимага ярайман бемажол — кампир?
Ёрдам беринг унга!

6-и с п а н

Бу жуҳуд қиз-ку?
Ёлғиз ўзи бўлса ўлолмайдими?
Улиб кетсин улар! Фернандоси ҳам
Жуҳуд боласи деб айтишган эди.

С о р а

Шундай бўлса ҳам у инсон боласи,
Сен бўлсанг сезгисиз тошга ўхшайсан.
Ким бўлсанг ҳам, ла'нат, ла'натлар сенга.

(Нозмининг тепасида бош эгиб)

Нозми! Бизлардан кетмоқчимисан!
Кандай бадбахт тақдир; ота бечора
Ҳам ўғлин, ҳам қизин бирдан йўқотди.

Н о з м и *(секин)*

Фернандо!

*(Оломон орасидан бир йигит чиқиб буларга
яқинлашади)*

7-и с п а н

Чиройли! Ғам-ҳасрат блан —
Ажал бу ҳусни йўқотолмабди...
Қатра қон қолмабди юзида, қаранг!

(Сора Нозмининг қўлларини ушлаб титраб кетади).

Қўрғошин сингари кўмкўк лаблари...

МАСКАРАД

ТҮРТ ПАРДАЛИ ШЕҒРИЙ ДРАМА
И ШТИРОК ЭТУЧИЛАР

Арбенин, Евгений Александрович.
Нина, унинг хотини.
Князь Звездич.
Баронесса Штраль.
Казарин, Афанасий Павлович.
Шприх, Адам Петрович.
Маска.
Чиновник.
Қиморбозлар.
Меҳмонлар.
Хизматкорлар ва оқсочлар.

БИРИНЧИ ПАРДА

БИРИНЧИ СЛҲНА

Биринчи чиқиш

Қиморбозлар, князь Звездич, Казарин ва Шприх
(Стол атрофида туриб, қарта сузадилар ва пул тикадилар...)

1-нчи пул тикучи
Иван Ильич, сиз менга рухсат этинг, тикайин.

Банкачи

Буюрингиз.

1-нчи пул тикучи

Юз сўмга.

Банкачи

Яхши.

2-нчи пул тикучи

Бахташ, таваккал,

3-нчи пул тикучи

Толи'ни синаб кўриш керак, сизга лекин,
Қичкина тикиш ёмон...

4-нчи пул тикучи

Қатта тикавер сал-пал.

3-нчи пул тикучи

Қўявер.

2-нчи пул тикучи

Ҳаммасига? йўқ, қўрқитади, ўйна!

4-нчи пул тикучи

Тингла, азиз дўст, кимки қатта тикмаса бугун,
У ҳечқандай муродга етишаолмас бус-бутун.

3-нчи пул тикучи

(биринчига секингина):

Эҳтиёт бўлиб ўйна.

Князь Звездич

Бер банканга.

2-нчи пул тикучи

Эй князь,

Ишни ўнгламас газаб,— ўйнанг дўқсиз, бегараз...

Князь

Кенгашларни лоақал қўятулинг бу сафар.

Банкачи

Қартанг гум.

Князь

Ҳай ла'нати.

Банкачи

Чўзинг марҳамат қилиб.

2-нчи пул тикучи (*заҳарханда блан*).

Бор-йўқни бой беришга тайёрдексиз қизиқиб.
Эполетларингизнинг баҳоси қанча турар?

Князь

Мардлик блан топганман,— харидор бўлолмайсиз.

2-нчи пул тикучи (*кетатуриб, пичинг қилади*).

Шундай фалокат чоғи, ҳам шу ёшингиз,
Қамтарроқ кўринсангиз яхши бўларди агар.

(*Князь бир стакан лимонад ичиб, четга ўтиради ва ўйга толади*).

Шприх (*ачиниб унга яқинлашади*).

Ақча керакми, князь... мен шу топда топаман,
Проценти жуда оз... юз йил кутаоламан.

(*князь совикқина та'зим қилиб, юзини тескари буради, Шприх кайфи бузилиб узоқлашади*).

Иккинчи чиқиш

Арбенин ва бошқалар

(Арбенин киради, салом бериб, стол ёнига келади; кейин имо-
шоралар қилиб, Қазарин блан нарироқ кетади.)

Арбенин

Хўш нега ўйнамайсан энди? Ҳа, айт, Қазарин?

Қазарин

Оғайни, бошқаларга қарайман, холос.

А, сен-чи жонажоним уйландинг, бой сен,— барин,
Ўз ўртоқларингни ҳам унутиб кетдинг, бу рост!

Арбенин

Ҳа, кўп вақтлардая буён сиз блан учрашмадим.

Казарин

Нуқул иш блан бандсан?

Арбенин

Иш қайда... муҳаббатим.

Казарин

Хотин-ла, базмларда.

Арбенин

Йўқ.

Казарин

Қимор?

Арбенин

Йўқ... мен қуюлдим аста!

Бу ерда янги шахслар... кимдир манов олифта?

Казарин

Шприх, Адам Петрович! Дарров таништираман.

(Шприх келиб, та'зим қилади)

Рафиқим Арбенинни сизга тақдим этаман.

Шприх

Танийман сизни.

Арбенин

Уйлашимча, ҳечқачон

Бизлар учрашмаганмиз.

Шприх

Та'риф қилди кўп инсон.

Ҳаққингизда жуда кўп эшитганман ривоят,

Сиз блан танишмоқни кўпдан орзу қиламан.

Арбенин

Афсус, сиз тўғрингизда эшитмадим ҳечнима,
Аммо сиздан албатта кўп нарса ўрганаман.

(Яна та'зим қилишяди. Шприх афтини буриштириб,
кетади).

Бунинг менга ёқмади... кўрганман ҳар нав' одам,
Мундақани атайлаб ясаб олиш ҳам қийин;
Қулиши хунук, кўзи... баайин мунчоқ легин,
Қарасанг, инсон эмас,— ўхшамас шайтонга ҳам.

Казарин

Эҳ, оғайнижон, унинг афтидан нима фойда?
Шайтондан баттар бўлсин! Керак одам, у бой-да.

Бир оғиз гапирдингми — дарров қарз беради у.
Қай миллатдан эканин айтаолмайман дадил:
Лекин ҳамма тилларда сўзлашга моҳир.
У жуҳуд бўлса керак,— тўғри фараз шу.
Ҳамма блан ҳам таниш,— ҳар ерда иши ҳозир,
Билмаган нарсаси йўқ,— ташвишда умри қиш ёз
Кўп нарсани кўргану, худосизга худосиз,
Сўфига — сўфи, бизча ашаддий бир қиморбоз.
Виждонли одамлар-ла — виждонлидир баҳосиз.
Хуллас, севарсан уни, бунга қомилдир имон.

Арбенин

Тасвири яхши — лекин ўзининг турхи ёмон! —

Қани, кимдир анави цовча, мўйловли акам?

Етмагандай, пардозга зеб бермиш

Мода дўконларининг мухлисидир албатта?

Исте'фодаги танһоз, кўрган четэлларни ҳам?

Албатта, у амалда эмас қаҳрамон.

У мергандир, ўқига тоби' ҳар нишон?

Казарин

Шунга яқин... полкдан у дуэль учун ҳайдалган —

Е бўлмаса, дуэльга қатнашмагани учун —

Қотилликдан қўрққандир, — бунинг устига лекин

Онаси зугумлидир, — яна беш йилдан кейин

Қайтадан чақирилган, шунда у ҳақиқатан

Жовбозликни майдонда кўрсатган бутун.

Арбенин

Манав жимит қанақа?
Табассуми беғубор, сочлари ҳам паришон.
Унинг ордени ҳам бор,— қўлида тамакидон?..

Казарин

Трушчов..

О, бу хумпар — бебаҳодир бу расо:
Грузияда етти йилча қилгандир хизмат,
Ё қандайдир генерал блан у юборилган,
Кишилардан аллакимни пусиб гум қилган албат,
Беш йил камарбасталикда юриб, ниҳоят,—
Бўйнидаги орденни олабилган.

Арбенин

Сиз янги ошналарнинг биласиз миридан сирини!

Қиморбозлар (қичқирадилар).

Казарин, Афанасий Павлович, келинг буёни!

Казарин

Бораман

(Сохта ачиниш блан).

Хиёнатнинг ёмон ўрнаги бу чин!

Ха, ха, ха, ха.—

1-нчи пул тикучи

Илдамоқ.

Казарин

Не бало бўлди, сурон?

(Қиморбозлар орасида суҳбат қизиб кетади, кейин улар тинчийдилар. Арбенин князь Звездични кўриб қолади-да, унинг олдига келади).

Арбенин

Князь, бунда нетасиз? Биринчи мартаба-а?

Князь (ёқинқирамасдан)

Худди шу саволни мен бермоқчийдим сизга-да.

Арбенин

Балки жавобингизнинг мен олдини оларман:
Мен бунда кўпдан таниш; бир вақтлар кўп
кўрганман.

Ҳаяжондан юрагим титраб, данг қотиб,
Бахт ғилдирагининг бунда айланишини.
Биров арши-а'лода. Бировни янчар босиб,
Мен билмасдим ҳасадни, билмасдим ачинишни:
Юраги умидларла, ҳисларла тўлиб тошган,
Лекин ҳаёт илмида тамом гумроҳ адашган
Кўп ёш йигитчаларни учратганман бу ерда...
Севгида авжланарди руҳларининг ёлқини;
Кўзим олдида ҳалок бўлишди улар эрта;
Янадан кўрмак насиб бўлибди менга буни.

Князь

(та'сирланиб унинг қўлидан тутди).

Мен бойбердим.

Арбенин

Кўраяпман — Хўш? Сўнгги чора ўлимми?

Князь

О! Алам қилди менга.

Арбенин

Фақат икки чора бор:
Бутунлай ўйнамаслик учун қасам'ёд этмак:
Ё бўлмаса, шу топда яна ўйнамак керак.
Аммо бу ерда ютмоқ учун жазм айласангиз,
Ҳар нарсадан воз кечинг: қариндош, дўст, номус, ор
Сиз совуққонлик блан бутун исти'додингиз,
Руҳингизни синанг-да, салмоқлаб кўринг роса:
Ҳар заррасин, текширинг, ётнинг, танишнинг бутун
Ҳисларин, фикрларин юзларида ҳар даф'а
Жуда равшан сезишга одатланинг — бу мумкин.

Қўлларни машққа солинг йилларча; ҳарнимадан
Жирканинг: майли, инсон ё табиат қонуни.
Кундуз ўйланг, тун ўйнанг, ёзғирманг қийналаркан,
Токи дардларингизнинг билинмасин тутуни.
Маҳоратда сиз блан тенг келучи бир одам
Ёнингизда бўлганда, омаднинг хижолатманд
Оқибатин ҳар онда кутиб қалтираманг ҳам,
Қизорманг бетингизга айтсаларки: «олчоқсан!»
(*Сукут. Князь унинг сўзини базўр эшитади ва безовта
бўлади.*)

Князь

Билмайман, бу аҳволда мен нима қилсам экан?

Арбенин
Нима истайсиз?

Князь

Балки бахт.

Арбенин
О, бунда йўқ бахт!

Князь

Ютқиздим бор-йўғимни!.. Кенгаш беринг менга
шахт.

Арбенин

Мен маслаҳат бермайман.

Князь

Хўп, мен ўлай...

Арбенин (*бирдан унинг қўлидан ушлайди*).

Тўхтангиз
Менга беринг ўрнингиз. Сиз ёшсиз,— мен бир замои
Ёш эдим, сиз сингари йўқ эди ҳеч тажрибам,
Яна сиздек гердайган эдим, диққатсиз беғам,

Ва агар меним...

(Тўхтаб қолади.)

Биров йўлим тўсса эди...

У он...

(Князьга қаттиқ тикилиб қарайди)

(Товушини ўзгартириб)

Сиз дадил бўлиб қўлни беринг — яхши фол,
Бошқасила ишингиз бўлмаса ҳам бемалол!

(Стол олдига келади, унга жой берадилар.)

Бу мискинга беринг йўл:

Синамоқчимап, тақдир менга қандай боқаркин,

Бугунги ошиқлари учун тақдир бериб қўл,

Тингламасмикан эски қулининг зорин!

К а з а р и н

Чидамадинг... туташди эски ўт, ғайрат

(Секингина)

Ишқилиб расво бўлиб қолма уятга,

Эски қиморбоз блан ўйнамоқ ғоят

Қийин эканини яхши исботла.

Қ и м о р б о з л а р

Марҳамат, жойининг тўри сизники, — сиз хўжайин.

Бизлар меҳмон

1-нчи пул тикучи *(иккинчининг қулоғига)*

Эҳтиёт бўл — катта оч энди кўзни!...

Бу Ванька — валадни ҳеч та'бим ёқтирмас локин,

Туз блан уриб қўяр мендаги тузни.

(Уйин бошланади; ҳамма одам столга ёпирилади,

ба'зан ҳархил садолар эшитилади, бундан кейинги

суҳбат давомида кўп кишилар хафаланган ҳолда

столдан узоқлашадилар).

(Шприх Казаринни сахнанинг олдига олиб чиқади).

Ш п р и х *(қувлик блан)*

Иш каттами, ҳаммаси ғуч бўлишди бир жойга,

К а з а р и н

Та'зирларин берар у, эсдан чиқмас бир ойча!—

Ш п р и х

Уста экан-да!

К а з а р и н

Уста эди.

Ш п р и х

Эди? А ҳозир...

К а з а р и н

Ҳозирми?

Бой, уйланди, бўлиб қолди улуғвор;
Қўзичоқдай ювош боқар,— ҳали ҳам бўриботир...
Менга дерларки: инсон табиатин ўзгартар,
Ва тарки одат қилар.— Буни дегучи аҳмоқ;
Борсин, фаришта бўлиб кўринсин — жуда дилдэр,
Лекин дилида шайтон маскан қуради ҳар чоқ.
Дўстим сен гарчи

(елкасига қоқиб)

Унинг олдида чақалоқсан

А сенинг ҳам ичингда шайтонча қур-
миш маскан.

(Икки қиморбоз ўзаро қизгин сўзлашиб, яқинлашади)

1-нчи қиморбоз

Ахир, сенга айтдим-ку.

2-нчи қиморбоз

Нетмак керак, биродар,

Юз бермади шекилли омади қурғур.

Ишлатмадимми ҳийла — йўқ, ҳаммасин баравар

Уйлаш ҳам уят бўлур...

К а з а р и н *(яқин келади)*.

Жаноблар, қалай, ёки кучингиз етмади? а?

1-нчи қиморбоз
Бизнинг Арбенин моҳир,

Казарин
Ҳа, жаноблар, сиз нима!
(*Стол атрофида қиморбозлар орасида ҳаяжон.*)

3-нчи пул тикучи
Шундай қилиб, юз мингни қамрар у нокас.

4-нчи пул тикучи (*четга*).
Юлиниб қолар ҳали...

5-нчи пул тикучи
Кўрармиз.

Арбенин (*ўрнидан туради*)
Етар, бас!
(*Олтинларни олиб нари кетади. Бошқалар стол олдида қоладилар. Казарин ва Шприх ҳам стол олдида. Арбенин индамасдан князьни қўлтиқлайди ва пулларни беради; Арбениннинг ранги ўчган.*)

Князь
Аҳ, мен унутмасман буни ҳечқачон...
Қутқордингиз ҳаётимни.

Арбенин
Ақчангизни ҳам.

(*Ачиқ киноя блан*).
Тўғриси, ҳал этиш эмасдир осон.—
Булардан қай бириси азиз ва кўркем.

Князь
Сиз мен учун жуда зўр хизмат қилдингиз.

Арбенин

Ҳечбир.

Тасодифан шод бўлиб, отилдим ҳаяжонга,
Яна суронла тўлди ақлим, кўкрагим ҳозир;
Мен ўйинга ўтирдим — сиз кирган каби жангга.

Князь

Ютқизаолардингиз...

Арбенин

Мен... йўқ!.. Ўтиб кетгандир у тотли кунлар
изсиз —
Бари ҳам менга равшан... барча нозик йўллариин
Биламан... шу сабабдан тарх этдим ўйинни чин.

Князь

Миннатдорчилигимдан нечундир тортинасиз.

Арбенин

Чин сўз шуки, мен бунга тоқат қилмайман ҳаргиз.
Ҳечкимга бурчлимасман ҳеч жиҳатдан ҳаётда.
Мен бировга яхшилик кўрсатган бўлсам агар,
Унга мухлис бўлганим учун эмас албатта;
А анчайин бу ишни билмаганман бир зарар.

Князь

Мен сизга ишонмайман.

Арбенин

Ишонинг деб айтар ким!

Аллақачондан буён бу бўлмиш менга одат.
Ҳавсала бўлса эди риёкорлик қилардим...

Қўйинг бу гапни чўзиш учун сра йўқ ҳожат...

(Бироз сукут қилиб)

Ёмон бўлмас айрилсак, сизга ҳам ва менга ҳам.
Бугун байрам экан-ку, ростданам маскарад бор.
Энгельгардтнинг уйида...

Князь

Бор — ҳа.

Арбенин

Борамизми?

Князь

Мен тайёр.

Арбенин (четга қараб).

Дувурда ором олғум.

Князь

Унда аёллар... ажойиб...
Айтарларки, у ерда бўлармиш ҳатто...

Арбенин

Айтаверсинлар бизга нима даҳли бор, аммо?
Ниқоб остида барча амал — мансаб баравар,
Ниқобда на руҳ, на-да унвон бор — ёлғиз бир тан.
Чехраларни ниқоблар яширган бўлса агар,
Ҳисларнинг ниқобини дадил кўтарадилар...

(Кетишади)

Учинчи чиқиш

Арбенин ва князь Звездичдан ташқари, ҳалигилар.

1-нчи қиморбоз

Ҳайтовур йиғиштирди ўйинни... у жуда бало...

2-нчи қиморбоз

Эс-ҳушингни йиғгунча вақт берса-чи лоақал.

Хизматкор (киради)

Тайёрдир кечки таом...

Х ў ж а й и н

Афандилар, борайлик,
Ютқизиқ дардин босар шампанское сал-пал.
(Кетадилар)

Ш п р и х (ёлғиз).

Мен учрашмоқ истайман Арбенин блан..
Кечки таомни текин тушириш ҳам бир орзу.

(Бармоғини пешонасига қўйиб.)

Бунда овқатланаман... у-буни ўрганаман.
Кейин орқаларидан маскарадга тез учув.

(Ўз-ўзича фикр қилиб чиқиб кетади.)

И Қ Қ И Н Ч И С А Х Н А

Маскарад

Б и р и н ч и ч и қ и ш

Маска, Арбенин, сўнгра князь Звездич
(Оломон сахнада уёқ-буёққа юриб туради; сўл ёқда канапе-
курси.)

А р б е н и н (киради)

Қидираман бекорга ҳарвақт ўйин-тамошо,
Қаршимда чувиллайди турли оломон..
Юракни муз қоплаган, хаёл ухлар доимо:
Булар бари менга ёт, мен ҳам уларга ётман!

(Князь эснаб яқин келади.)

Мана бу кунги насл,
Мен бўлсам шундай ёшда кезардим хомушона?
Хўш, князь? Рост келмабсиз бирорта можарога?

К н я з ь

Нима қилай, юраман бир соатдир муттасил!

А р б е н и н

А! Сиз истайсизки бахт келсин-да, бошга кўнсин!
Янги қилиқ.. тарқатиш керак дунёга шитоб.

Князь

Ҳамма ниқоб бема'ни...

Арбенци

Йўқдир бема'ни ниқоб:

Сўзламаса у сирли, тилга кирса... дилбар чин.
Ниқобнинг сўзларига дадил бераоласиз —
Табассум, нигоҳ — майли нима хаёл яратав.

Мана, сизга бир мисол, уён бир зум боқинги:
Сарв қад турк хотини... у қандай асл виқор
Блан жилваланади... гавдаси қандай тўлғун!
Кўкраги қандай эркин, ҳирс блан олар нафас!
Сиз биласизми уким бўлиши мумкин?
Балки, мағрур графиня, ё князь хоними — бас,
Улфатчилик париси... маскараднинг юлдузи.
Яна бу эҳтимолки, шу гўзал нақ эртага
Оқшомда қошингизга келар ярм соатга.
Ҳарҳолда сиз кўрмайсиз бундан ҳеч зарар сўзи.

(Кетади).

Иккинчи чиқиш

Князь на маска кийган аёл.

(Бир домино¹ яқин келиб тухтайди; князь уйга ботган ҳолда туради.)

Князь

Бу гаплар тўғри, — лекин айтиб бермоқ кўп осон...
Броқ, мен ҳали ҳам эснаб тураман...
Лекин ана биттаси келмоқда... тангри, раҳм эт!
(Бир маска айрилиб, князьнинг елкасига уриб.)

Маска

Биламан...

Сени!

¹ Домино — маскарада кийиладиган махсус кенг кийим.

Князь

Афтидан, кўп оз биласан, жонон!

Маска

Нотўғри ўйладинг — маълумдир менга бу ҳам.

Князь

Бу ҳолда мендан кўра, сен бахтлироқ экансан...

(Масканинг тагидан қарайди.)

Лекин хато қилмасам агар,
Бунинг оғзи гунчадай нафис ва дилбар,

Маска

Сенга ёқсам яхшилик чиқмас чамаси.

Князь

Кимчун?

Маска

Биздан биримиз учун.

Князь

Очиқ эмас сабаби.

Сен кароматинг блан мени кўрқитолмайсан,
Гарчи мен бўлмасам-да, жиллаям айёр,
Биламан кимлигингни...

Маска

Демакки сен биласан,
Бизнинг суҳбатимизнинг оқибати не бўлар.

Князь

Бироз сўзлашамиз-да айриламиз.

Маска

Чин гап-а?

Князь

Мен ўннга-ю, сен чапга...

М а с к а

Лекин сен-ла атайлаб учрашиш, сўзлашишчун
Бу ерга келган бўлсам — шу вақт сўзларинг урин:
Аммо сенга айтсам-ки, нақ бир соатдан кейин,
Умрбод унутмайман — деб қасам ичасан чин;
Менинг оғзимдан фақат биргина «хайр!» деган
Сўзни эшитмоқ учун ҳаётингни бутунлай
Менга бағишламоққа хурсандлигинг айтасан.
Вақтики, мен нишонсиз учарканман шарпадай!

К н я з ь

Ақлли маскасан-ку — жуда эзмасан аммо!
Мени танисанг агар, айтчи кимман, ажабо?

М а с к а

Сен! Тутуриқсиз, даҳрий, худком, ахлоқи бузуқ,
Худбинг ёвуз — шу блан ожиз бир инсон;
Сендагина акс этмиш бутун бир замон,—
Бу кунги асрки, у порлоқ, лекин бўш, қуруқ.
Тўлғун ҳаёт қидириб эҳтиросдан қочасан.
Ҳаммани қамрамоқчи, бўлолмасдан фидойи;
Ғурурсиз, қалбсизлардан нафрат қиласан чоғи.
Броқ, ўзинг шуларнинг қўлида ўйинчоқсан.
О! Мен биламан сени...

К н я з ь

Бу менга жуда мақбул.

М а с к а

Қилгансан кўп ёмонлик.

К н я з ь

Эҳтимол, беихтиёр.

М а с к а

Қим билади! Аёл ҳеч сенга қўймаса кўнги —
Яхши эди мен кўпдан бу нарсадан хабардор.

К н я з ь

Ахтармайман муҳаббат.

М а с к а

Ахтаришни билмайсан.

К н я з ь

Ахтариб зерикдим фақат.

М а с к а

Агар қаршингда жонон
Пайдо бўлса: сен меним! — деса агар ногихон,
Сен шунда ҳам парвосиз, ҳиссиз қолабиласан?

К н я з ь

Лекин у кимдир, ахир? Бир гоё, албатта, ул.

М а с к а

Йўқ, аёл у... Хўш, кейин иш қалай бўлур дегил.

К н я з ь

Хўп, қани кўрсат уни, келсин қошимга ладил.

М а с к а

Каттароқ кетдинг — сўзни ўзинг ўйлаб кўр буткул!

(Бирмунча вақт сукут)

У талаб қилмайди ҳеч на оху воҳ, на карам,
На кўзёши, на ўтинч, на ёлқинли арзиҳол...

Лекин у кимдир... — буни суриштирмаслик учун,
Ҳар бобда чурқ этмаслик учун ичасан қасам.

К н я з ь

Мен қасам'ёд этаман икки дун'ё ҳақиға,
Виждоним гувоҳ бутун.

М а с к а

Қара, борамиз энди!
Унутма, орамизда ҳазил-ҳузил йўқ сра...

(Кўлтиқлашиб кетадилар.)

Учинчи чиқиш

Арбенин ва икки маска
(Арбенин эркак маскани қўлидан судраб келади.)

Арбенин

Жаноб, менга дедингиз шундай нарсалар,
Ки уларга тоб бериш учун ҳеч виждон
Рози бўлмайти бир он....
Сиз биласизми, мен ким?..

Маска

Ким бўлгансиз — биламан.

Арбенин

Олинг ниқобни — олинг шу тезда!
Ҳар номусдан ҳолидир ҳаракатингиз!

Маска

Нима бўпти! — маскадек юзим сизга белгисиз,
Узим ҳам кўрмоқдаман сизни биринчи даф'а.

Арбенин

Ишонмайман! Пешундир мендан жуда кўрқасиз.
Аччигланиш уятдир. Кўрқоқсиз, тез йўқолинг.

Маска

Хайр, лекин кўрарсиз,
Шу кечаси офатга йўлиқасиз, шайланинг.

(Оломон орасига кириб йўқолади.)

Арбенин

Тўхта... йўқолди... ким у? Манов ташвишнй худо
юборибди. — Қандайдир қуён юракли душман,
Менда бунақаларнинг ҳисоби йўқдир асло,
Ха, ха, ха, ха! Яхши бор, дўстим, оқ йўл тилайман...

Тўртинчи чиқиш

Шприх ва Арбенин
(Шприх пайдо бўлади). (Қанпеда маскали икки аёл ўти-
ради, кимдир келиб, безовта қилади; қўлидан ушлайди... Бир
аёл куч блан ажралиб кетади, билагузуги тушиб қолади.)

Шприх

Евгений Александрич, кимни судрагандингиз,
Сра раҳм қилмасдан?..

Арбенин

Мен дўстим блан
Ҳазиллашдим анчайин.

Шприх

Албатта, ҳазилингиз —
Ҳазил бўлиб тушмади. — У сўкиб кетди кейин.

Арбенин

Кимга? /

Шприх

Ҳа, бир маскага.

Арбенин

Қулофингиз кўп сезгир.

Шприх

Эшитмаган нарсам йўқ, аммо сукут қиламан,
Узгаларнинг ишига сра тикмайман тумшуқ.

Арбенин

Бу — аён:

Демак билмас экансиз... қандай ёмон!
У ҳақда...

Шприх

Қай тўғрида?

Арбенин

Ҳазиллашаяпман, йўқ, йўқ...

Шприх

Айтингчи...

Арбенин

Дейдиларки хотинингиз таннозмиш...

Шприх

Хўш нима бўпти?

Арбенин *(Товушини ўзгартиб).*

Сизга борарми у мўйловдор?
(Бир қўшиқни ҳиргойи қилиб жўнайди.)

Шприх *(ёлғиз).*

Нафасинг қурсин сенинг, шошмай тур йўлдан

озмиш,

Мендан куласан... ўзинг бўлурсан гўсхўр номдор.

(Оломон орасига кириб йўқолади.)

Бешинчи чиқиш

1-нчи маска *(ёлғиз)*

(1-нчи маска ҳаяжонланган ҳолда тез киради ва канифга ташланади.)

1-нчи маска

Аҳ!.. нафасим бўғилди... кўп югурди орқамдан,

Нима бўларди агар маскани олса... йўқ, у

Мени танимади ҳеч... гумон қиларми зотан —

Киборлар оламида ҳарким диққат ва туйғу

Блан боқиб, танг қолган бир аёл шавқ ичида

Унга қаттиқ ёпишсин. бир-икки лаззатли он

Бахш этишлиги учун унга ёлворсин; сра

Муҳаббат талаб қилмай, истасин шафқатгина,

Дангал десин: мен сенинг! — бўлмас бундақа гумон.

Бу сирдан абадиян у воқиф бўлмас.

Майли... мен истайман... лекин шундай бир ҳавас

Бордир унда: эслалик учун қандай бўлмасин
Бир нарса... узук тилар... жуда хатарли ложин!

(Ерда ётган билагузукни кўриб, олади.)

Бахтни қара. Худойим — олтин билагузукни
Кимдир йўқотган... унга бераман — кўп саз! буни...
Билагузук блан мени қидирақолсин.

Олтинчи чиқиш

1-чи маска ҳам князь Звездич
(Лорнет тутган князь шошиб-пишиб келади.)

Князь

Худди ўша аёл.
Минглаб хотин ичида энди уни танийман,
(Канапега ўтиради ва унинг қўлини ушлайди.)
О! энди қочолмайсан.

Маска

Сиздан қочмоқлик маҳол,
Не истайсиз?

Князь

Сизни кўрсам...

Маска

Қизиқ фикр айтасиз!
Мен сизнинг қаршингизда.

Князь

Бу жуда ёмон ҳазил!
Сенинг мақсадинг ҳазил, меники бошқадир, бил...
Бенуқсон жамолингни очмасанг менга ҳозир,—
Бу алдамчи ниқобни юлиб оламан, ахир;
Мен куч блан...

М а с к а

Тушунинг, эркалар надир...
Кўнглингиз қониқмайди... сизни севганим
Кифоя қилмас сизга! бўлсангиз менга ҳоқим;
Хўрламоқ учун сизга меним номусим керак,
Балда, ёки сайлда менга дуч келган чоғда,
Дўстларингизга қизиқ бир можаро, бир эртақ
Айтиб берурсиз шунда уриб қаҳқаҳа;
Уларда қолдирмаслик учун асло бир гумон
Секин дейсиз: ана у... кўрсатасиз ўшал он.

К н я з ь

Товшинг эсимда қолар.

М а с к а

Бу қизиқ гап ҳаммадан!
Шундай товуш-ла сўзлар юзларча хотин;
Уларга айтиб кўринг — уялтиришар локин;
Шундай қилсалар ёмон бўлмасди зотан!

К н я з ь

Лекин бахтим тўқисмас.

М а с к а

Бу тўғримикан, қайдам...
Мен ниқобни юзимдан олмаганимга
Балки, худога шукур қилажаксиз дамба-дам.
Эҳтимол, кампирдирман, ҳунукдирман... афтимга
Қараб жуда жирканган бўлар эдингиз.

К н я з ь

Қўрқитмоқ бўласан ҳам.
Аммо гўзаллигининг билдим бир четин ёлғиз,
Қолган жиҳатларини билмасдан борми илож.

М а с к а (кетмоқчи бўлади).

Мангуликка алвидо!

Князь

О, бир нафас тур яна!
Бермайсанми ҳечнима менга ёдгорлик учун?
Сенда ҳеч раҳму-шафқат йўқ бу телбага?

Маска (икки қадам чекиниб).

Ҳақлисиз, ачинаман — билагузугимни олинг!
(Билагузукни ерга ташлайди, уни князь ердан олгунча, маска оломон орасида ғойиб бўлади.)

Еттинчи чиқиш
Князь, ундан сўнг Арбенин.

Князь
(кўзлари блан маскани беҳуда қидиради).

Тоза ўсал бўлибман... ақлдан озиш мумкин...
(Арбенинни кўриб қолиб.)

А!

Арбенин (ўйга ботган ҳолда келади)

Ким экан у ачкиқ сўзли пайғамбар...
Мени таниб қўйсин у... бу эмас ҳазил-ўйин...

Князь (яқин келиб).

Сизнинг у эски сабоқ иш берди ушбу сафар.

Арбенин

Қалбдан хурсандман.

Князь

Броқ бахт ўз қаноти блан
Учиб желди қошимга

Арбенин

Бахт ҳамиша шундайдир.

Князь

Мен энди ушлаб олиб, иш битди, деганимла
Тўсатдан...

(Кафтига пуфлайди)

Буларнинг бари бир туш бўлмаса — нетай,
У чоқ аҳмоқлигимни бўйнимга олай.

Арбенин

Мен ҳечнарсга билмайман, баҳслашмайман
шунингчун.

Князь

Сиз қўймайсиз ҳазилни, дардга дармон йўқ бутун?
Барин сизга айтаман.

(қулоғига бирнеча сўз шивирлайди.)

Очилиб қолди оғзим!

Қув хотин чиқди қочди — маъна бу

(Билагузукни кўрсатади)

Тушдир гўёким.

Охири жуда ночор.

Арбенин *(кулиб).*

Бошлашингиз чаккимас!

Қани бир кўрсатингчи... яхши билагузук экан,

Қаердадир шундайин кўрганман... сабр эт биров.

Йўғе, бу — мумкин эмас... мен унутган эканман.

Князь

Қайдан топаман уни...

Арбенин

Истаганингга ёпиш;

Бу ерда ундайлар кўп — мушкул эмас қидирмоқ!

Князь

У бўлмаса-чи агар?

Арбенин

Балки бұлур қулайроқ,
Аммо нимаси ёмон? Хаёл қилинг, муқаррар...

Қнязь

Йўқ қидириб топамаи денгиз қа'ридин уни,
Менда билагузуги.

Арбенин

Бир-икки айланамиз —
У агарда бұлмаса тамом аҳмоқ, бетамиз,
Изини олиб қочган бұлур кўпдан бир йўли.

УЧИНЧИ САХНА

Биринчи чиқиш

Евгений Арбенин (киради); хизматкор.

Арбенин

Мана оқшом базми ҳам ўтди — кўп суюнаман.
Жила бұлмаса ўзни упутиш керак бирон он.
Бутун шу қурама халқ, ва шу маскарад деган
Нарса менинг миямда ҳали ғувуллар ёмон.
Нималар қилдим унда, кулунч эмасмидир бу!
Мен кўп кенгашлар бердим жазман хушторга.
Билагузукларни қиёс қилдим, гумонсирадим...
Шоирлар каби хаёл сурибман бошқаларга...
Худо ҳақи, бундай роль: энди шу ёшим
Блан тўғри келмас-ку!

(Хизматкорга)

Қалай, уйга қайтмади бека ҳали ҳам?

Хизматкор

Йўқ-а.

Арбенин

Қачон келади?

Хизматкор

Соат ўн иккиларда
Қайтмоқчи эдилар.

Арбенин

Бирдан ошибди бир дам,—
Унда тунаб қолмасди — кечикарми шунчаям!

Хизматкор

Билмас камина.

Арбенин

Гуё билмайсан? — боравер — шамни
Столга қўй, чақирғум керак бўлганда сени.

(Хизматкор кетади; у курсига ўтиради.)

Иккинчи чиқиш

Арбенин (ёлғиз).

Тангри адолатлидир! Менинг ул ўтиб кетган
Кунларим гуноҳига жазо фурсати етган

Бўлмасин тағин, — балки бу кун мен бунга
маҳкум.

Бир вақтлар, бошқаларнинг хотинлари — бир
туркум —

Кутарди мени. Энди ўз хотиним кутамаи...

Гўзал маккораларнинг улфатида мен бекор —

Аблаҳона маҳв этдим ёшлигимни бир замон;

Кўп чоқлар мен севилдим, — ёлқинли эҳтироскор.

Мен ўзим бирини ҳам севмаган эдим бир ои.

Оқибатин билардим бошламай можарони,

Ўзгаларнинг қалбига уқдирар эдим мудом

Энага эртагидай муҳаббатнинг розини.

Бу ҳам бездирди қаттиқ, ҳаётдан олмадим ком!

Севмасликчун дунёда ҳатто бирон кимсани, —

Муқаддас ҳуқуқ фақат уйлашмак деган

Кўп ғалати кенгашии берган эди биттаси;

Ва мен бир хотин олдим, итоаткор, камсухан,

Ҳам гўзал эди, ҳамда назокатли бир дилбар,

Гуё бўғизлаш учун келтирганман алтарга —

У қўзичоқ сингари ювош эди — нақадар...
Унутилган туйғулар ичда уйғонди бирдан:
Улик қалбимга у чоқ мен назар солдим...
Кўрдимки, юрагимга унинг севгиси кирган,
Тилга ҳам олиш уят... даҳшатда қолдим!
Яна хаёлларим, яна муҳаббат
Бўш кўкрак фазосида тўлқинланади қаттиқ.
Мен қайтадан денгизга отилган синиқ қайиқ:
Қирғоқларга яна мен қайтаманми саломат?
(Уйга чўмади.)

У ч и н ч и ч и қ и ш

Арбенин ҳам Нина.
(Нина оёқ учида юриб киради ва орқадан келиб
эрининг пешонасидан ўпади.)

А р б е н и н

Аҳ, салом, Нина... Қалай, келдинг, ниҳоят!
Кўпдан келиш керакди.

Н и н а

Наҳот вақт шунча ўзган?

А р б е н и н

Мен бир соатдан буён кутаман сени,—

Н и н а

Жиддан?

Аҳ, мунча ёқимтойсан?

А р б е н и н

Уйлайсанки... аҳмоқ деб?

Уйда кутаверар у... а мен...

Н и н а

Оҳ, эгам! — нетай, менга ишқилиб
Ҳамиша зуғумлисан, зарда блан боқасан,
Ҳеч йўл блан кўнглингни олабилмайди ҳечким.
Менсиз бўлган чоқларда зерикасан қоласан,

Учрашдикми — войсайсан ҳарвақт бетиним!
Менга данггал айт буни: Нина, кибор ўчоғин
Тарк этгин, мен сен блан, ҳамда сен учун, —
Яшайман; нима учун бир эркак, қандай бўлмасин
Бўш, ма'носиз ва руҳан тамоман юпун,
Ва корсетга чўлганган бульварлар олифтаси,
Эртадан то кечгача сенга ҳамроҳ бўлади,
А мен эса бир кунда сенга бир нафасгина
Икки оғиз сўз айтишдан ўзга ҳаққим йўқ сра?
Бу саволга жавоб бер... мен ҳамиша

тайёрман —
Мен ўз ёшлигимни-да бир қишлоқда ёқарман,
Тарк эгарман балларни, ҳашаматни, модани —
Ва шу зериктиручи эркини, ўзгани.
Менга очиқ айтақол дўстга айтгандек... лекин
Нималарга учириб кетибди хаёл мени...
Фараз қилайлик сен мени севган ҳам бўл, шундайин,
Оз севасанки, ҳатто билмайсан рашик ҳисси не!

А р б е н и н (кулиб).

Нима қилай? Бепарво яшаш кирмиш одатга,
Рашик қилмоқлик ҳам кулунч бўлурди..

Н и н а

Албатта.

А р б е н и н

Жаҳлинг чиқаётирми?

Н и н а

Йўқ, ташаккур эгаман.

А р б е н и н

Сен қайғу чекмоқдасан.

Н и н а

Йўқ, мен фақат дейманки,
Мени унча севмайсан.

Арбенин

Нина?

Нина

Хўш, яна нима?

Арбенин

Қулоқ сол... бир тақдирнинг бизлар занжири била
Абадий-боғланганмиз... Эҳтимол, бу хатодир;
Бу тўғрида сен ва мен ўйласак бема'нодир.

(Тиззасига ўтқазиб, ўнади).

Сен ҳали ёшсан, жисман ва руҳан-да жувонсан.
Ҳаётнинг зўр китобин очиб ўқийсан ёлғиз.
Биринчи — бош варағин, қаршингда ётар чексиз
Бахт, қабоҳат денгизи.

Истаган йўлга ёнсан,

Умидвор бўл, орзу қил — кўп умидлар узоқда,
А кечмишда ҳаётинг эди покиза, оппоқ!

На ўз қалбингни ва на менинг қалбимни ҳеч чоқ
Билмасдан менга тушдинг — ишонаман севасан,
Лекин бола сингари, ҳислар блан иноқда,

Шўхлик қилиб, чуқур севасан, инонаман.
Аммо мен бошқачароқ севаман — кўп нарсани
Кўрганман, синаганман, ҳамма нарсани таниб,
Ҳамма нарсани билиб, англаганман, аксари
Севганман — лекин кўпроқ юрганман

нафратланиб.

Броқ, энг кўп тотганим — изтироб зарби!

Дастлаб орзу бепоён, сўнг баридан жиркандим.

Гоҳо мен ўз-ўзимни англамай ёндим,

Гоҳо англамади мени бу олам.

Танидим ҳаётимда ла'нат разолатини,

Ёпдим мен қучоғимнинг совуқ марҳаматини

Туйғулар учун, дунё бахт саодати учун...

Жуда кўп йиллар ўтиб кетди шу йўсин.

Меним бузуқ ва қабиҳ ёшлигим ҳаяжони

Блан оғуланган у кечмиш кунлар ҳақида,

Оғушингда ётаркан, учиб ул диёр сари

Қандай чуқур нафрат-ла қиламан муҳокама.

Қадрингни билмагандим — мен бахти шўр илгарил!
Лекин руҳни қоплаган муз қатламлари бутун,
Тезгина тушди кетди, гўзал олам кўкклами.
Кўзларимга очилди, мен қайта яшагали
Тирилдим — юрагимда яхшиликка кенг ўрин.
Лекин ба'зан қандайдир бир ёвуз руҳ янадан
Мени суриб кетади кечмишнинг гирдобига,
Сенинг сиркор товушинг ва юзинг офтобига
Тўсиқ бўлиб, ҳушимни учиради даф'атан.
Ўз ўзим-ла олишиб, оғир ўйларнинг юки
Остида қаҳрлиман, хафақонман тун-қуни.
Сенга тўқиниш блан чиркинлашдан кўрқаман,
Кўрқаман токи сени чўчитмагай нолалар,
Азоб блан юракдан юлинган оҳ-садолар,
Уша вақтда дейсанки: у мени севмас экан!
(Нина унга меҳр блан қараб, сочларини силайди).

Н и н а

Сен ғалати одамсан!.. Сен ўз ишқинг ҳақида
Ҳикоя қиларкансан сўзларни чертиб — моҳир.
Бошинг ҳам оловланар,
Фикринг жонли порларкан кўзларингда жимгина,
Шунда ҳарнима десанг ишониш эмас қийин;
Аммо кўпинча...

А р б е н и н

Кўпинча?

Н и н а

Йўқ, ба'зи вақтда лекин!

А р б е н и н

Юрагим жуда қари, сен эса жуда ёшсан,
Ҳисларимиз ҳамоҳанг бўлиши мумкин, аммо —
Эсимда бор, мен сенинг ёшингда экан
Ҳарнарсанга ишонар эдим мутлақо.

Н и н а

Сен бугун ҳам норози кўринасан... худойим!

Арбенин

О, йўқ... мен бахтиёрман, бахтиёрман... мен золим,
Ва тентак бўҳтончиман; ҳасадхўр, ўсал ёвуз
Оломондан узоқман, ва жуда узоқ,
Бахтиёрман... сен блан ҳозир — юзма-юз!
Қўл силтайлик ўтмишга! зулматли, оғир
У эски замон бизга абадий ясоқ!
Кўриб турибман, сени юбормиш менга халлоқ,
Самонинг мукофоти — қиймат баҳодир.

*(Нинанинг қўлини ўпади, нагиҳон бир қўлида
билагузукни кўрмайди, тўхтаб қолади, ранги ўчади.)*

Нина

Рангинг оқариб кетди, титрайсан... о, худойим

Арбенин *(ўрнидан сакраб туради)*.

Мен? ҳечқиси йўқ! қани иккинчи билагузук?

Нина

Йўқолган.

Арбенин

А! Йўқолган.

Нина

Нима бўлибди, жоним?

Бу бир фалокат эмас, қиймат бўлсайди тузук...
У йигирма беш сўмдан ортиқ турмаса керак.

Арбенин *(ўз-ўзича)*.

Йўқолган... Нега бу ҳол эсанкиратди мени,
Зимдан сўзлайди менга қандайдир шубҳа — гумон!
Наҳотки, у фақат бир туш бўлсаю, буниси
Менга десаки: уйғон!

Нина

Тўғриси айтсам, сенга тушунолмаймаман.

Арбенин

(қўлларини чалиштириб, қаттиқ тикилади).

Билагузук йўқолган?

Нина *(ранжиб).*

Йўқ, мен сизни алдайман!

Арбенин *(ўз-ўзича).*

Ўхшашлик-чи — ўхшашлик!

Нина

Тушурдим — тўғри гап шу

Мен уни каретада — қидирсинлар; буюринг;
Албатта мен тақмаган бўлардим агарда шу
Ҳодисани ўйлаган бўлсайдим бурун...

Тўртинчи чиқиш

Аввалгилар ҳам хизматкор

Арбенин *(чақиради, хизматкор киради).*
(Хизматкорга.)

Билагузук йўқолган.. сен дарров каретани
Ағдариш-тўнтариш қил.. тополмай қайтсанг сени
Шўрингни қайнатаман!..

(Нинага)

Меним номусим, бахтим

Устида сўз боради — билиб қўй буни

(Хизматкор кетади).

(Паузадан кейин, Нинага).

Агарда каретада топмаса уни?

Нина

Демак, у ҳолда, бошқа жойда йўқолган балким.

Арбенин

Бошқа жойда? Қаерда — биласанми?

Н и н а

Илк марта

Шундай хасис ва шундай қаҳрли кўринасиз;
Сизни тездан тинчитиш учун худди эртага
Буюртаман ўшандай яп-янгисин шубҳасиз.

(Хизматкор киради)

А р б е н и н

Хўш, нима? Тез жавоб бер...

Х и з м а т к о р

Бугун каретани роса титдим-да...

А р б е н и н

У ерда тополмадинг!

Х и з м а т к о р

Топилмади-я.

А р б е н и н

Билардим буни... жўнайвер...

(Нинага ма'нодор қарайди).

Х и з м а т к о р

Маскарадда йўқолган чиқар, албатта.

А р б е н и н

А! Маскарадда! Сиз ҳам бўлдингиз маскарадда?

Б е ш и н ч и ч и қ и ш

Аввалгилар, хизматкорлардан бошқа

А р б е н и н *(хизматкорга).*

Жўна!

(Нинага)

Буни илгарироқ айтсангиз нима
Бўлур эди сиз учун — у ҳолда сизни олиб
Борар эдим, қайтишда келардик биргаллашиб,
Бу иш шарафимизга лойиқ бўларди пича.
Мен на қаттиқ терговим, на сохта назокатим
Блан сизга мони'лик қилмас эдим ҳечқачон...
Сиз ким блан бўлдингиз?

Н и н а

Сўрангиз одамлардан;
Улар айтишар барин, ҳатто қўшиб чатишар.
Улар тушунтиришар барчасини бирма-бир;
У ерда кимлар бўлди, ва сўзлашдим ким блан,
Мен кимга эсдалик деб билагузук берибман.
Маскарадга ўзингиз бормасангиз-да, ахир,
Юз мартаба яхшироқ билажаксиз — қолмас сир.

(Кулади)

Худо ҳаққи — кулгили, жуда кулгили!
Арзимаган нарсага жанжал ва сурон —
Уят эмасми, гуноҳ эмасмикин бу.

А р б е н и н

Ишқилиб, сўнгги кулги бўлмасайди бу ханданг!..

Н и н а

О, агар талвасангиз давом этаркан яна,
Бу нарса сўнгги кулги бўлмас албатта.

А р б е н и н

Эҳтимол, ким билади...
Кулоқ сол, Нина! Сени шундай поёнсиз, қизгин
Ва инсонга хос севги кучи блан ёниб, чин
Севаман — бу, албатта, мени кулги қилади.
Ажабланарликми бу? ўзгаларнинг дун'ёда
Миллионлаб мақсадлари, умидлари бор экан,
Бир кўпларининг эса бойликлари зиёда,
Ба'зилар илму-фанга шўнғиб кетган тамоман.

Бири мансаб, орденлар ёки шуҳрат қозонар,
Бири улфатчиликка, ҳангомаларга учар,
Бири саёҳат қилар, бири завқёб қимордан...
Кездим қимор ўйнадим, бебош эдим чалишдим,
Дўстлар ортдирдим, тотдим ишқнинг макрини ёрдан,
Мансабпараст бўлмадим, шуҳрат блан олишдим.
Бой ҳам бўлсам, йўқсул ҳам эзарди хафақонлик.
Қайга борсам у ерда кўрдим фақат ёмонлик,

Гурурим зўр ҳеч ерда унга эгмадим гардан.
Ҳаётдан менга қолган бутун бойлик ёлғиз сан:
Ожиз ниҳол бўлсанг-да, гўзалсан фариштадан:
Ишқинг ва табассуминг, кўзинг, нафасинг бари
Мен инсонман, уларнинг бўлсам ёлғиз соҳиби.
Улар бўлмаса, менда қолар, на бахт, на юрак,

На туйғулар қолади, на борлиқ ва на истак!
Аmmo алданган бўлсам... алдаган бўлсанг агар...
Агар меним кўксимда бир илон шунча кунлар

Исиниб ётган бўлса,— ишнинг ҳақиқатини
Аниқ пайқасам агар... нозинг блан алданиб,

Бошқа бири орқадан қолса ҳақорат отиб!

Нина, менга қулоқ сол... руҳим азалдан локин
Қайноқдир нақ худди зўр лава сингари,
Ёрилмас экан ҳали — у қаттиқдир тош каби...
Лекин унинг тошқини блан дуч келмоқ ёмон!

У вақтда афв кутмагил, кутмагил сра —
Ўз кекямчун қонуннинг тушунмайман гапига.

Мен ўзим кўзёшисиз, ачинишсиз, бегумон,
Узаман ҳаётимиз — кўз юмамиз иковлон.

*(Нинанинг қўлидан тутмоқчи бўлади, у четга
сачийди.)*

Н и н а

Яқин келма... о, мунча даҳшатлисан!

А р б е н и н

Шундайми?

Даҳшатли? Йўқ, ҳазилинг, мен бўлганман масхара!
Ҳа, кулинг, кулинг... нечун мақсадга етиб, яна
Рангингизни ўчириб, қалтирайсиз? қани у
Қизгин хуштор, қаерда маскарад ўйинчиги,—

Қани, марҳамат қилиб, буёққа келсин.
Жаҳаннам азобини тотдирдингиз бир йўли —
Ёлғиз у етишмасдан турибди лекин.

Н и н а

Ҳа, ҳа, шундай экан-да ундаги гумон!
Биргина билагузук сабабли шунча ғавғо;
Ишонингки, сизнинг бу ҳаракатингиз — ёмон,
Бунга менгина эмас, кулади бутун дунё.

А р б е н и н

Ҳа! Кулинг, масхараланг, ер юзи аҳмоқлари,
Беғам, беташвиш лекин аянчли эрлар, мен ҳам
Бир вақтлар алдар эдим сизни дамба-дам,
Ҳолбуки яшайсизлар, авлиёлар сингари,
Жаҳнатда... ҳайҳот! Лекин меним жаннатим инон
Ҳам кўк, ҳам ер жаҳнатим эдинг, алвидо!
Хайр, ҳаммаси аён.

(Шинага)

Кет, йўқол, йиртқич ҳайвон!
Мен аҳмоқ ўйладимки, қайғудан та'сирланар,
Меним қаршимда дарҳол сирларни бир-бир очар,
Тавба қилар... яна тиз чўкиб бўлар пушаймон?
Тўғри, мен юшар эдим кўрсам агар.
Бир қатра... бир қатра кўзёши... йўқ! кулги бўлди
жавоби.

Н и н а

Билмайман, ким қасд этди менга бўҳтон этмоққа,
Мен афв этаман сизни, қалбимнинг йўқ гуноҳи;
Ачинаман, мен ожиз гарчи сизга ёрдамдан,
Сизни юпатиш учун ёлғон сўзлайолмайман.

А р б е н и н

О, сўзлама... мен сендан ўтинаман... бас етар...

Н и н а

Лекин қулоқ сол менга... мен гуноҳсиз, соф
Майли мени жазолар тангри — тингла...

Арбенин

Бу жавоб
Қандай бўлишлигини мен ёддан ҳам биламан.

Нина

Пичингла —
Кинояларни тинглаш оғир... Севаман.
Сени, Евгений.

Арбенин

Хўп, тан бермасдан бўлмас.
Э'тирофнинг вақти-я...

Нина

Сен тингла, ёлвораман;
О, тангрим, ахир, ўзинг нима истайсан?

Арбенин

Қасос!

Нина

Кимдан қасос олмоқчи бўлдинг?

Арбенин

О, келар фурсат.
Тўғриси, менга у чоқ ҳайрон қоласиз.

Нина

Менданми қасос... ахир, нечун имирсилайсан?

Арбенин

Қаҳрамонлик сизга ярашмас фақат.

Нина (*жирканиш блан*).

Ахир, кимга?

Арбенин

Сиз кимчун ташвиш тортасиз?

Н и н а

Яна кўпми кўраман шундай дақиқаларни?
О бас қил, сен ўзининг бу рашкчилигинг билан
Мени ўлдиражаксан... мен ўтинчии билмайман,
Сен ўжар, инодчисан... аммо шунда ҳам албат
Мен сени кечираман.

А р б е н и н

Беҳуда ғайрат!

Н и н а

Броқ, тангри мавжуд... у кечмас.

А р б е н и н

Ачинаман!

(Нина йиглаб чиқиб кетади).

(Арбенин ёлғиз)

Аёл деган мана шу! Сизнинг ҳаммангизни ҳам
Барча ноз-итобингиз биламан кўпдан буён,
Ожиз бир идрок менинг бўлмиш экан насибам,
Олган сабоқлар учун ҳақ тўлайман каттакон!
Уйлаб қарасанг, меним нимами севиш мумкин?—
Важоҳатим, товушим серзарда бўлган учун!..

(Хотинининг эшигига келиб қулоқ солади.)

У нима қилаётир:— кулмоқдадир, эҳтимол!

Ўўқ, йиглайди. *(Кетатуриб.)* Афсуски,

кечикди йиғи-малол!..

ИККИНЧИ ПАРДА

Б и р и н ч и с а ҳ н а

Б и р и н ч и ч и қ и ш

(Баронесса чарчоқ ҳолда креслода ўтиради.)

(Китобни ташлайди)

Б а р о н е с с а

Уйлаб қара: яшашнинг ма'носи борми? Ҳарчоқ
Бошқаларнинг хулқиға яхши кўриниш, кейин
Ҳамиша қул бўлиш-чун! Жорж Зандга берайлик ҳақ!

Бу кунги аёл нима? Эркисиз махлуқ, а нечун
Орзу-ҳавас, ҳирсларнинг фақат бир ўйинчиғи!
Кибор ҳукмига тоби' ва шунда ҳимоясиз,
Ҳисларнинг ёлқинини яшириш, ёки уни
Кўркам гуллаган пайтда бўғиш керакдир ожиз.
Аёл нима? Уни ёш чоғидан назр каби
Четга чиқарадилар манфаат — фойда учун,
Айблашади ўзига бино қўйган деб,
Узгаларни севмакка йўл беришмайди бутун.
Унинг кўксига ба'зан эҳтирос тошар-қайнар,
Қўрқувни ва идрокни, фикрларни қувади.
Кибор ҳоқимиятин унутиб бири агар
Орзуларнинг ниқобин тушуриб, майли сари
Берилмак истар экан бутун юраги блан —
У вақт — алвидо' бахтга, оромга — кеч баридан!
Киборлар бор... уларда сир билиш одат эмас!
Афтга — либосга қараб, виждон, айбини ўлчар,
Ташқи назокатларни хўрлашга у чидамас,
Ва энг қаттиқ жазолар!..

(Уқимоқ истайди.)

Йўқ, мен ўқийолмайман... бутун шу мулоҳаза,
Андишалар мени зўр тўлқинлатди — қўрқаман.
Ундан бир душман каби... бўлиб ўтган воқиа
Эсга тушса, ўзимга ҳайрон қоламан.

(Нина киради.)

Иккинчи чиқиш

Нина

Ченада сайр этаркан, ҳузурингга
Кирсам деган фикр келди, топ amour¹.

Баронесса

C'est une idée charmante, vous en avez toujours².

¹ Дилбарим.

² Ҳамма вақт сизнинг фикрингиз гўзал бўлади.

(Ўтирадилар.)

Шамол ва қаттиқ совуқ бўлишига қарамай,
Аввалгидан кўра тусинг бугун синиққан
Ва кўзларинг қизарган — бу йиғидан бўлмагай?

Н и н а

Кечаси уйқум қочди — ҳам мен бугун хаста ҳол.

Б а р о н е с с а

Докторинг яхши эмас — сен бошқа бир доктор ол.

У ч и н ч и ч и қ и ш

Князь Звездич киради

Б а р о н е с с а (*совуққина*).

Аҳ, князь.

К н я з ь

Бизнинг дала сайлимиз бузилган — бу тўғрида мен
Кеча бўлган эдим хабардор.

Б а р о н е с с а

Князь, ўтиришинг сўрайман.

К н я з ь

Бу сизни, қайғуртирар
Деб ҳозир баҳслашгандим, — та'сир қилмабди бир
оз.

Б а р о н е с с а

Тўғри, афсусланаман.

К н я з ь

А мен хурсандман беҳад,
Йигирма боғ сайлидан яхшидир бир маскарад.

Н и н а

Маскарадда иштирок қилдингизми сиз кеча?

Князь

Бўлдим.

Баронесса
Қандай кийимда?

Нина

У ерда кўп эди...

Князь

Ҳа, мен ниқоб орқали
У ерда хонимлардан танидим анчасини.
Албатта, ясанишга сизлар ҳар вақт ҳаваскор.

(Кулади.)

Баронесса (қизгин ҳолда).

Князь, сизга билдириб қўйишим керак экан —
Бу бўхтоннинг ҳечқандай жойи йўқ куладиган.
Ўз қадрини билган хотин у ерга қандай борар,
Маълумки, унда бўлур ҳархил қурама авом,
Шилқимлар ундагина қутирар тамом
Таниш хавфи ҳам бор,— сизга уялмак даркор.
Бунга ўхшаш сўзлардан воз кечмак керак.

Князь

Сўздан қайтолмасам-да, лекин мумкин уялмак.
(Чинovníк киради.)

Тўртинчи чиқиш
Аввалгилар ҳам чинovníк

Баронесса

Қаердан келасиз?

Чинovníк

Чиқдим ҳозир мен идорадан,
Ишингиз тўғрисида сўзлашай деб келаман.

Баронесса

Ҳал қилдингизми уни?

Чиновник

Йўқ, аммо тез! Балки мен халақит бердим...

Баронесса

Ҳечбир...

(Дераза томонга бориб гаплашади.)

Князь *(четга).*

Арзи ҳол пайти етган!

(Нинага)

Мен бугун кўрган эдим сизни бир магазинда.

Нина

Қайсинда?

Князь

Инглизда.

Нина

Кўп бўлди?

Князь

Ҳозиргина.

Нина

Шуниси таажжубки, сизни унда танимапман.

Князь

Банд эдингиз...

Нина

Билагузук таплаш блан эдим банд.

(Редикюлидан билагузук чиқаради.)

Мана бунга мос қилиб...

Князь

Чиройлик билагузук.—
Бунинг бошқаси қани?

Нина

Йўқолган!

Князь

Чинданми-а?

Нина

Хўш, нима қизиғи бор?

Князь

Яширмайсизми,—

Қачон?

Нина

Уч кун бўлди, йўқ кеча, йўқ, ўтган ҳафтада.
Қачон йўқолганлигин билиб нетасиз.

Князь

Бир фикрим бор эди-да,
Анчагина ғалати фикр эҳтимол,

(Четга)

Хижолат чекмакда у — қалтисроқ тушди савол!
Уҳ, бу ойимчаларей!

(Нинага)

Уз ёрдамимни дарҳол
Сизга таклиф қилардим... балки топилиб қолар.

Нина

Марҳамат қилинг... Қайда?

Князь

Қаерда йўқолган у?

Н и н а

Эсимда йўқ.

К н я з ь

Биронта балдами?

Н и н а

Бўлиши мумкин.

К н я з ь

Е совға қилингандир бировга эсдалик-чун?

Н и н а

Қасрдап чиқардингиз сиз бундай хулосати?

Уни мен кимга ҳам қилардим совға?

Эримгамасми?

К н я з ь

Гўё фақат эр бор дун'ёда —

Сизда рафиқалар кўп, — бу равшандир кун каби

Майли йўқолган бўлсин, —

Топган кишига лекин,

Сиздай бўлурми бирон мукофотнинг ва'даси,

Н и н а (*табассум қилиб*).

Ҳархил бўлур мукофот.

К н я з ь

Сизни у киши агар,

Севса ва сизни кўриб: мана йўқолган, дилбар,

Топилди деса — сизнинг табассумингиз учун,

Сўзингиз-чун дун'ени аямас эса бутун!

Қачондир сиз ўзингиз бўлгуси бахт-саодат

Ҳақида унга қилган бўлсангиз бир ишорат!

Агарда ниқоб кийиб, ўзни танитмай ёлғиз

Муҳаббат сўзлари-ла эркалаган бўлсангиз...

Оҳ! Бир тушунсангиз-чи.

Н и н а

Мен бу сўзлардан фақат
Шуни англадимки, сиз унутгансиз хижолат...
Ҳозирда сиздан қаттиқ илтимос: бундан буён
Мен блан сўзлашмангиз ҳеч ерда ва ҳечқачон.

К н я з ь

О, танграм? хаёлларим... аччиғлансангиз наҳот?

(Уз ичида)

Бўйин товладинг — яхши... фурсат келар, у замон
Етарман мақсадимга...

(Нина Баронесса ёнига боради).

(Чиновник таъзим қилиб чиқиб кетади).

Н и н а

Adieu, ma chère¹ то эртагача хайр.

Б а р о н е с с а

Ҳа, бир оз тур, топ аниге² бир икки оғизгина.
Сўзлашабилмадик ҳам

(Упишадилар)

Н и н а *(кетаркан).*

Мен эрта эрталабдан кутаман сени, ахир:
(Кетади)

Б а р о н е с с а

Менга бир кун ҳафтадан асло кўринмайди кам.

¹ Хайр, азизим.

² Фариштам.

Бешипчи чиқиш
Аввалгилар, Нина ва Чиновникдан бошқа.

Князь (четга).

Сендан қастим оламан! Отинчани қара-я!
Ё мен аҳмоқман,— ёки у воз кечар.
Мен лекин танидим билагузукни.

Баронесса

Князь, чўмдингиз ўйга?

Князь

Ҳа, кўп шарсани яхши ўйлашга тўғри келар.

Баронесса

Суҳбатларингиз қизгин бўлди шекилли,
Айтинг, нима тўғрида баҳслар қилинди?

Князь

Унга дедимки, сизга дуч келдим маскарадда?

Баронесса

Кимга?

Князь

Унга.

Баронесса

Нинага?

Князь

Ҳа!..

Этдим унга исбот.

Баронесса

Уялмай сра,

Одамларнинг кўзида қилаверасиз гийбат.

Князь

Тентакликдан ба'зи вақт қиламан бунга жур'ат.

Баронесса

Жилла бўлмаса, ўзи йўқда аямоқ керак!
Сизда ҳечқандай далил йўқ экан яна.

Князь

Йўқ... Менга билагузук берилди худди кеча!
Нинадаги ҳам худди шунинг ўзидак.

Баронесса

Ана исбот... Мантиқий жавобга қара!
Ҳарбир магазинда ҳам бор худди шундайлари!

Князь

Ҳамма магазинларни мен кезиб чиқдим бугун,
Шундайи фақат бир жуфт экан — инондим бугун.
(Сукутдан сўна)

Баронесса

Эртагаёқ Нинага кенгаш бергум фойдали!
Маҳмаданаларга ҳеч ишонма дейман.

Князь

Менга қанақа кенгаш?

Баронесса

А сизгами?

Бошлаган ишни дадил давом этдириш зарур,
Ҳам хонимлар номусин лозим кўпроқ қадирлаш.

Князь

Шу икки кенгаш учун, икки қатла ташаккур.
(кетеди)

Олтинчи чиқиш

Баронесса

Шундай енгил бир эрмак бўлур аёл номуси?
Унга ростини айтсам, қолар эдим балога!
Хайр, князь хатодан сизни тиючи
Мен эмасман: эвоҳ, йўқ, ёлвораман худога.

Менга шу нарса қизиқ — Нинанинг билагузугин
Мен қандай топақолдим — демак у ерда Нина
Бўлган экан-да.— Мана муаммо энди ойдин...
Мен севаман князьни билмасам-да сабабин,
Балки анчайин зерикиш, дилгирлик, рашкдангина...
Сабабини билмайман... Қайгураман, ёнаман
Ва на бирон нарсада дилга ором топаман!
Қулоғимга киргандай оломоннинг кулиши
Ачинишлар билдирган заҳарли ивир-шивир!
Йўқ, бу шармандалиқдан номусим тўкилиши
Керак — жаддимга қолсин бошқа аёл, барибир;—
Майли виждон азоби блан юрак қийналсин,
Лекин бу гуноҳимни бошқа бир одам олсин!...

(Уйлаб қолади)

Уҳ-ҳў қанча даҳшатли ишлар саф тортиб ўтар.

Еттипти чикиш

Баронесса ҳам Шприх

Шприх

(киради ва эгилиб салом беради)

Баронесса

Аҳ, Шприх ҳамиша сен вақтида тайёр.

Шприх

Раҳм этасиз — мен сизга фойдали бўлсам агар,

Узимни бахтиёр деб ҳисоблаб эдим фоят,
Сизнинг марҳум эрингиз...

Баронесса

Сен ҳар вақт шундай дилбар?

Шприх

Тагри ярлақагур барон.

Баронесса

Эсимда бор, бегалат,
Бундан беш йил илгари.

Ш п р и х

Неча минг қарз...

Б а р о н е с с а

Биламан, бугун сенга тўлайман беш йиллик фоиз...

Ш п р и х

Ақчага эҳтиёж сезмайман ҳаргиз.
Раҳм этасиз, анчайин, эсладим тасодифан.

Б а р о н е с с а

Айт, қандай янгилик бор?

Ш п р и х

Бир графдан бемиқдор
Гап эшитдим — у ердан мен чиқдим ҳозиргина
Киборларда воқианинг сон-саногии йўқ сра.

Б а р о н е с с а

Эшитмадинг ҳечнима?
Князь Звездич била Арбенин ҳақида?

Ш п р и х (*эсанкираб қолиб*).

Йўқ... эшитдим... эшитмасдан албатта илож
борми...
Бу ҳақда сўзлаб, сукут этди киборлар бари...

(*Четга*)

Шўрим қурсин, эсда йўқ, аҳволим жуда чатоқ!

Б а р о н е с с а

О, воқиа тарқалган бўлса ҳаммага шучоқ,
Ўтибди иш ҳаддидан.

Ш п р и х

Лекин сиз бу тўғрида нима ўйлайсиз дея —
Сизга югурдим зотан.

Баронесса

Уларни қоралабди кибор олами;
Мен уларга маслаҳат берар эдим — мисоли,
Князьга шундай дердим; аёл севар ҳар замон
Эркакдаги инодни,

Аёл истарки, эркак минглаб ғовларни яксон —
Қилиб, интилсин ёлғиз ўз маҳбубаси сари.

А мен Нинадан эса тилардимки, бир мунча
Ташлаб димоғдорликни, камтар бўлса ярашур!
Хайр, жаноб Шприх, сизлар зерикмагунча
Ўтирардим-ку, аммо синглим кутиб қолади.

(Кетатуриб.) (Четга.)

Энди мен қутилибман — бу менга яхши сабоқ.

Саккизинчи чўқиш

Шприх (ёлғиз)

Хотиржам бўлинг: ма'лум киноянгиз, мен броқ
Буни такрор эшитиш учун кутмайман сра!
Ақл, зеҳн, фаросат қандай тез ишлайди-я!
Бу ерда фитнес бор.. ҳа, чигалга аралашади,—
Князь мендан албатта, миннатдор бўлар талай.
Мен унинг агентлари қаторига кираман.
Учиб келаман рапорт билан бу ерга кейин.
Ҳийли қурса у вақтда беш йилнинг процентин
Мен қўлчамга иламан.

Иккинчи сахна

Биринчи чиқиш

(Арбенин кабинети.)

Арбенин ёлғиз, кейин хизматкор киради.

Арбенин

Бари рашкдан, бу равшан,— лекин йўқ далил-исбот!
Мен хатодан қўрқаман — лекин қолмади тоқат,—
Қўл силтамак, бир зумлик талваса деб буни бот!
Унутай? бундай ҳаёт қабрдан ҳам зўр даҳшат!

Кўрганман, руҳи совиган, ғайратсиз одамлар бор,
Улар бахтли ва хуррам, тинч ухлашар бўронда —
Бу ҳаёт суққа арзир!

Хизматкор (*киради*)

Биров кутар тубанда.
Бекага хат келтирмиш княгинядан.

Арбенин

А қайсиндан?

Хизматкор

Билолмадим.

Арбенин

Хат? Нинага! Туравер!

(*кетади; хизматкор қолади.*)

Иккинчи чиқиш

Афанасий Павлович Казарин блан хизматкор

Хизматкор

Барин чиқиб кетдилар, нақ ҳозир,
Жаноб бирдам шунда турсалар...

Казарин

Яхши.

Хизматкор

Мен ҳозир билдираман.

(*Чиқиб кетади.*)

Казарин

Мен бу ерда кутаман, майли, бир йил бўлсаям.
Мосъё Арбенин, уни охиргача кутаман,—
Ишларим жуда расво, шундай мен аламзада!

Менга жудаям, моҳир ўртоқ керак шу дамда.

Чакки бўлмасди, бунинг устига агар
Ҳамиша олийжаноб ва жўмард бўлса кейин —
Уч минг деҳқон соҳиби бўлса аслзодалар
Ичида ҳомийларга эга бўлса соз тагин.—
Арбенини қиморга мен жалб этмагим керак;
У эски замонларга содиқ қолади бешак,
Уз дўстини ҳимоя қилишни билади у,
Тирмизаклар олдида сезмайди қўрқув.
Ҳозирги ёш-яланглар!
Мени пичоқдек ганглар!
Истаганингча уқтир,
На бошлашни, на чоғи келса тўхташни билмас,
Номус, виждон дегани у писанд қилмас,
Олийжаноблик блан ўйнашга тоби йўқдир!
Сиз бир назар солингки, кексалардан анчаси
Қимор блан эришди мансабларга, қанчаси
Бу разолатда бутун
Зодагонлар-ла тезда ўпишди оғиз-бурун,
Бунинг сабаби қайда?— улар ҳарбир бобнинг ҳам
Уз қонун ва расмини — роса бажараолган.
Қоидадан чиқмаган... қара-чи бирдам
Шараф, миллионлаб ақча уларга ўтақолган!

У ч и н ч и ч и қ и ш

Казарин ҳам Шприх

(Шприх киради).

Ш п р и х

Аҳ! Афанасий Павлович,— мана бу му'жиза
Аҳ, хурсандман эсда йўқди дуч келишимиз.

К а з а р и н

Мен ҳам шундай.— Кўргали келдингми?

Ш п р и х

Ҳа — ҳа. А сиз?

К а з а р и н

Мен ҳам шундай.

Ш п р и х

Чинданми? Ёмон бўлмади бизга,
Буерда қамти келмак,— менга сиз блан бир иш —
Тўғрисида сўзлашув керак эди — мен хурсанд.

Қ а з а р и н

Сен ҳарвақт кўп ишлар блан бўлар эдинг банд,
Бир иш блан илк даф'а.

Ш п р и х

Осон аския соғиш,
Чиндан, зарур иш.

Қ а з а р и н

Истар эдим сен блан гаплашмакни мен гоят.

Ш п р и х

Хўп, бўпти, биз эплаймиз иккимиз баҳамжиҳат.—

Қ а з а р и н

Билмайман... қани, гапир!

Ш п р и х

Елғиз сўрайман шуни:
Эшитдингизми сра, сизнинг қадрдонингиз
Арбенин...

(Бармоқларини бошига шох қилиб кўрсатади)

Қ а з а р и н

Нима дейсан?.. Мумкин эмас, сен буни
Биласанми аниқ, чин...

Ш п р и х

Яратган эгам!
Мен ўзим бош-қош бўлдим — беш минут олдин,
Мен билмасдан ким билсин? ахир,

Қ а з а р и н

Шайтон ҳар ерда ҳозир.

Ш п р и х

Воқиа бундай: унинг хотини шу орада,
Эсимда йўқ, балдами ёки ибодатхонада,
Еки бир маскарадда битта князьча блан
Учрашган — князьга у кўринибди кўп илиқ.
Ҳаш-паш дегунча князь бахтга еткан, севилган.

Лекин унинг қошида танноз бирдан тийилган,
Аввалгидан озгина кўрсатган совуқ қилиқ.
Князьнинг фе'ли айнаб, югурган ҳамма ёққа
Гап тарқатган — зўр бало бошга тушгуси паққа!
Бости-бости қилишни мендан кўплар сўрашди...
Мен ҳам белни боғладим — бир зумда иш жўнашди:
Князь сирни сақлашга сўз берди... ёзди кейин
Бир хат, бу қулбаччангиз уни бир оз тузатди,
Ўз ерига ўшал он келтирди-да, узатди.

К а з а р и н

Ҳазир бўл, эри тагин қулоғингни узмасин.

Ш п р и х

Бундай ишларни энди кўраяпманми, лекин
Дуэльсиз кечди бари...

К а з а р и н

Шапалоқ ҳам смадинг?

Ш п р и х

Сиз ҳар вақт ҳазил, кулги...
Ҳамиша айтаманки, умрни беҳудага
Хавфга отиш ярамас жуда.

К а з а р и н

Бу тўғри гап-ку!
Ҳамма учун бебаҳо шундай умрни ногоҳ
Бефойда побуд қилиш, албатта, катта гуноҳ.

Ш п р и х

Бунни йигиштирайлик — муҳим нарса устида
Сиз блан гаплашайин.

К а з а р и н

Хўш у нима?

Ш п р и х

Анекдот!

Иш мановдан иборат.

К а з а р и н

Ҳа, ишларинг қурсин-а,
Арбенин келаётир шекилли, тугат.

Ш п р и х

Ҳечким йўқ — менга граф Врутидан яқинда
Бешта зотлик кучукни олиб келишган эди.

К а з а р и н

Худо ҳақи, сенинг бу анекдотинг жойида!

Ш п р и х

Ўзлари яхши овчи, сотиб олсалар олтин-да.

К а з а р и н

Шундай қилиб, Арбенин — аҳмоқ бўлиб...

Ш п р и х

Тинглангиз.

К а з а р и н

Расво бўпти дечи,
Алданди ва масхара бўлди эл орасида!
Бундан сўнг, уйланақўр.

Ш п р и х

Тақсирим хурсанд бўлар эди бу казинадан.

К а з а р и н

Уйланишда бахт, вафо ҳаммаси бир сафсата!
Ҳай, сен уйланма, Шприх!

Ш п р и х

Ҳа, кўпдан уйланганман...
Тингланг энг соз хазина шугина экан.

К а з а р и н

Хотинми?

Ш п р и х

Кучук.

К а з а р и н

Кучук — оғзидан тушмайди аста!
Менинг қадрдон дўстим, сўзга қулоқ сол.
Хотинингни сақлашинг унчалик ма'лум эмас,
А, итларни кўлдан тез чиқаришинг кўп маҳол.
*(Арбенин хатни кўтариб киради, улар ёзув столидан
чапда турганлари учун Арбенин уларни кўрмайди).*
Кўлда хати ва ўйчан: билмак қизиқ шу нафас.

Т ў р т и н ч и ч и қ и ш

Лавалгилар ва Арбенин

А р б е н и н *(уларни пайқамай).*

О, миннатдорлик! унинг кимлигини билмайин.
Номус ва истиқболин ўзим яқиндагина
Қутқармаган эдимми, эй илон! Ҳай нодида!
Энг баттарин пасткашлик! У ўйин блан секин
Менинг хонадонимга ташланар ўғри каби,
Номусимни топтайди, расво қилади мени!
Ўтмишдаги кўп аччиқ тажрибани унутиб,
Кўзларимга инонмай, қолдим саросимада.
Инсонни танимаган бир гўдак каби, аста.
Гумон қилмабман ундай жинойтни ҳеч замон.
Ўйлагандим: ҳамма айб Нинададир... бу хотин
Ким — у билмас... ўзининг тундаги можаросин,
Ажойиб ва ғалати тушдек унатар ҳамон!
Йўқ, у ҳеч унутмапти, қидирган ва топган у,

Ва шунда ҳам — ўзини тия олмаган...
Ана миннатдорчилик! Мен дун'ёда кўп шов-шув
Кўрган эдим, лекин танг қолмоқдаман янадан.

(Хатни яна қайта ўқийбошлади)

« Мен сизни топдим аммо э'тироф этишни яқбор
Хоҳламадингиз». Жуда ўтакетган камтарлик.

«Ҳақлисиз... овозадан даҳшатлироқ нима бор?
Тасодифан эшитиб қолишлари хатарлик.

Нур ёнган кўзларингиз ма'носи менга аён
Нафрат эмас, бир қўрқув ўқигандим у замон.
Сиз сирни ёқтирасиз — бу иш сир бўлиб қолар!
Сиздан кечидан кўра, ўлимимга розиман».

Ш п р и х

Хат! Ҳа ўша — ҳамма иш тамом бўлди даф'атан.

А р б е н и н

Ўҳ-ҳў! Уста бузуқи — сенга чинакам —
Қонли жавоб юборсам деган истак бор!

(Казаринга)

А, сен шу ердамисан?

К а з а р и н

Бир соатдир кутаман.

Ш п р и х *(четга)*

Баронессага борай, кўраберсин ишини,
Истаганча ялиниб-ёлворишини.

(Эшикка яқинлашади)

Б е ш и ч и ч и қ и ш

Шприхдан ташқари аввалгилар

(Шприх сездирмасдан чиқиб кетади.)

К а з а р и н

Биз Шприх блан эдик... Шприх қайда?
Йўқолибди.

(четга)

Хат бор-а! ҳамма гап энди аён!

(унга)

Сен фикрга ботибсан...

Арбенин

Толдим фикрга бирон.

Казарин

Дунё умиди, завқи сохталиги ҳақида.

Арбенин

Тахминан! Миннатдорлик нимада...

Казарин

Ҳа мана шу

Тўғрида — турли-туман қарашлар бордир,
Брок, ҳарким нима демасин, лекин ушбу
Масала муҳокама этишга сазовордир.

Арбенин

Сен қандай фикрдасен?

Казарин

Мен ўйлайманки, дўстим,
Миннатдорлик — хизматнинг баҳосига жуда зич

Борлиқ бир нарсадирким,
Яхшилик кўп вақт бизнинг ихтиёрда эмас ҳеч!

Мана масалан, менга Слукин кеча
Беш минг сўмга яқин пул ютқазди яна,
Худо ҳақи, мен ундан жуда миннатдор,
Яна сен қандай дегин: ичсам, есам, ухласам —
Ҳар вақт ўйлайман уни.

Арбенин

Казарин, ҳазил бекор.

Казарин

Мен сени кўп севаман, қулоқ сол бу дам,
Сенга айтадиган гапим бор жиддий;

Раҳм эт, қардош — ташлагин дўқингни ва
зардангни;

Кўз олдинга шундайин тўкиб соламан
Мен дун'ё ҳикматининг сирларини тамоман.
Миннатдорлик ҳақида фикрларимни агар
Эшитмакни истасанг... айтай, сабр эт, биродар.
Бу тўғрида Волтер ё Декарт ҳарна деса-да,
Бу дун'ё меним учун фақат бир тўплам қарта,
Ҳаёт — банка, қисмат-тақдир сузар мен ўйнайман,
Қимор қоидаларини инсонларга қўллайман.
Мен бу қоидаларни изоҳ этгали мана
Сенга битта мисолни кўрсатиб ўтай.
Мен тузга бир минг сўмни қўйибман бир варакай:
Ички сезгимга қараб,— иримчиман қартада!
Фараз қилайлик, ҳийласиз ва ёлғиз тасодифан
У ютиб олди — жуда хурсанд бўламан;
Аммо тузга ҳечмаҳал билдирмайман ташаккур.—
Ғиқ этмасдан ютуқни ёнга солавер!
Сўнг чарчагунча, пулни ортиқ тикканим тиккан;
Кейин ясайман якун,
Мижиғланган қартани отаман бутун!
Энди — лекин азизим, мени тингламайсан-ку?

Арбенин (*ўйга ботиб*).

Ҳар ерда ёмонлик, — ҳар ерда ёлғон,
Шу кунларда тош каби серрайиб, бежон
Тинглайман мазаллатни — қандай расво ишдир бу!

Казарин (*четга*).

Уйга толди.

(*унга*)

Бошқа бир муаммога энди биз
Кўчамиз-да, уни ҳам яхшилаб текширамиз.
Лекин адашмаслик-чун кўражакмиз оҳиста,
Фараз қилайлик, масалан қиморга ёки бузуқ
Ишларга бош суқишни орзу қилибсан яна,
Шу пайтда бир рафиқинг келади сенга ёвуқ,
Ва дейди: «эй биродар, огоҳ бўл лаҳза».

Яна бирор шунингдек ҳикматли кўп маслаҳат,
Бир чақага арзимас, ҳаммасининг қиймати,
Тасодифан, анчайин тинглайсан уни фақат,—
Сўнг, узун умр тилаб, тайёрсан хўшлашгали;
У сени ичкиликдан қайтарган бўлса агар,
Дарров сен уни шуида, ичириб маст-алас қил,
Насиҳатлари учун қартада уни ютгил.
Қимордан қутилса у... балга югур, биродар,
Хотинига кўнгил қўй... севаолмасанг лекин,
Эрдан ўч олиш учун, йўлдан оздир хотинин.
Ҳар иккала ҳолда ҳам, дўстим, сен томонда ҳақ,
Берган сабоғи учун қайтарасен соз сабоқ.

А р б е н и н

Сен яхши ахлоқчисан!

(Четга)

Бу гап ҳаммага маълум...
А, князь... сабоқ учун мен ҳалол жавоб бергум.

К а з а р и н (этибор қилмасдан).

Изэх этишим қолди энг кейинги моддани.
Сен аёлни севасан... унга этасен қурбон —
Номус, бойлик, дўстликни жон ҳам унинг фидоси;
Хушомадлар, ўйинлар кўрсатасан ҳар замон —
Лекин қайси нарсага у ташаккур этади?

Эҳтиросинг қилдирган сенга буларнинг барин,—
Ўз иззат-нафсинг учун ва қисмат тағин
Аёлни эгаллашчун бўлур бор-йўғинг қурбон,
Совғаи аёлнинг бахти учун эмас, бу аён.
Мана буларни оғир бош блан ўйлаб қара,
Тан берасан: шартлидир ҳарна бор бу дун'ёда.

А р б е н и н (паршонҳол).

Ҳа, ҳақлисан: хотин-чун на ма'но бор севгида?
Ҳар куни унга керак янги зафарларгина.
Майли, йиғла ва ўртаи, қийналиб, ялин-ёлвор
Унга кулунчдир бундай ожизлик оху-воҳлар;

Ҳақлисан — ким аёлда ўзининг ер жаннатин
Кўрмакни хаёл этса — аҳмоқлигини билсин.

К а з а р и н

Уйланган ва бахтиёр бўлсанг-да аммо,
Сен кўп тўғри ўйлайсан.

А р б е н и н

Тўғрим бу ажабо?

К а з а р и н

Шундай эмасми?

А р б е н и н

Эвоҳ!.. мана бахтиёр...

К а з а р и н

Мен хурсанд...

Брок, уйланганингчун мен пича ачинаман!

А р б е н и н

А нима бўпти?

К а з а р и н

Анчайин... келади хотиримга

Ўтган замон... сен блан бирга иккимиз у чоқ

Айши-ишрат қилардик...

Иккаламиз ҳам эсли йигит бўлсак-да мутлоқ!

Хўб замонлар эди-да... тонгда ором ва лаззат,

Тунги завқбахш ишратдан хотира бениҳоят...

Сўнг, тушки овқат, вино — Раульга шараф ва шон:

Гулдор қадаҳларда май кўпирар ва ярқирар,

Аскиялар тугамас, суҳбатда севинч, сурон,

Сўнг театр жўнаймиз — биз иккимиз бекадар

Саҳнанинг орқасидан гўзал раққосаларни,

Актрисаларни имлаб олиш манзаралари

Ёдимга тушақолса, юрак титрар нақадар...

Тўғрим, ўша замон,

Ҳар нарса яхшироқди, ҳар нарса арзон?
Мана пьеса ҳам битди... ўқдай учиб борамиз
Бир дўст уйига... кирдик... қиморнинг қизгин чоғи.
Қаргаларда олтинлар уюлганлар ҳисобсиз:

Бири оловдай ёнар... унинг ўртоғи
Қабрдаги ўликдан рангсиз, титрайди жағи...
Биз ўтирамиз... шунда жанг қизир интиҳосиз!
Юракни, руҳни қаттиқ қамраб олади
Эҳтирос, сезгиларнинг бўронлари дамба-дам.
Кўп вақт азамат фикр ёйиб ишга солади
Ғайратли, ёш ақлнинг мурувватини илдам...
Уқув — малака блан рақибни енгсанг агар,
Қул каби тиз чўкади қаршингда қисмат қадар —
Наполсоннинг ўзи ҳам
Сенга ожиз, бачкана кўрнадн бу сафар.

(Арбенин терс бурилади)

Арбенин

Ай! сиз, жўшқин умидлар, беқарор, лекин ёлқин
Блан тўла кунларим, сизни қайтаради ким!
Подонинг бахт деганин қурбон қилай сиз учун,
Керак эмас бегамлик — тинчлик истамас дилим.
Эр, онла отаси бўлмак ишимми меним,

Меним ишимми, ахир? — Ёмонлик ва қабоҳат
Лаззатини кўп замон синабман бениҳоят,
Улардан чўчидими, титрадимми юрагим?
Битсени ҳиммат-саҳоват: мен сени танимайман,
Сен ҳам алдадинг мени,

Бир оз вақт иноқ бўлдик, энди узиб ташлайман —
Хайр, хайр!

(стулга ўзини ташлайди ва юзини яширади)

Қазарин

Ҳа, энди меникидир бу киши!

УЧИНЧИ САХНА

Князь уйида бир хона. (Эшик иккинчи уйга очилган)
(Князь иккинчи уйда диванда ухлаб ётади)

Биринчи чиқиш

Иван, сўнгра Арбенин.

(Хизматкор соатга қарайди)

Иван

Етти ҳам деярлик тугай ётипти,
Уйғотишни буюрган эди худди саккизда.

Рус одатича ухлар, — бунда муддат қочипти,
Демак, боққолга чиқиб келсам бўлади тезда.
Эшикка қулф солай... нотинч бўлмайди кўнгил.

Ҳа... эй... зинадан чиқиб келади биров,
Ҳозир уйида йўқ, дейман.. ва қутиламен дарров.

(Арбенин киради)

Арбенин

Князь уйда?

Хизматкор

Уйда йўқлар.

Арбенин

Ёлғон.

Хизматкор

Чиқди ул,

Беш минут бундан бурун.

Арбенин (қулоқ солади).

Ёлғон айтдинг! шу ерда,

(Кабинетни кўрсатади)

Ҳа, у ширин уйқуда: қара нафас олишин.

(Четга)

Тезда жим бўлар лекин...

Хизматкор (четга)
У сезар ҳар нарсани...
(Унга)

Уйғотишликни князь буюрмаган эди-ку.

Арбенин

Уйқуни севади у... кўп сөз: тотиб кўрар у
Абадий уйқуни ҳам.

(хизматкорга)

Сенга айтдим, шекилли,
Уйқудан туришига қадар кутаман уни!
(Хизматкор кетади)

Иккинчи чиқиш

Арбенин (ёлғиз)

Қулай фурсат келипти! Ҳозир, ё ҳечқачон!
Ашаққатсиз, қўрқувсиз, бажараман, бу даркор.
Исбот қиламен, бизнинг бўғин аро лоақал
Биргина юрак борки, ҳақоратга ҳечмаҳал
Чидамас у! Мен эмас навкар — хизматкор.

Уларга бўйин эгиш фурсати кечди... ҳатто
Мен уларнинг кўзида ҳайқариб, душманимни.
Қурашга чақирсайдим, кулар эдилар, аммо
Энди кулмаслар! О, йўқ ундай эмасман... бекор
Кўтармайман бошимда шармандаликни бир он.

(Эшикни очади)

Уйқуда у! Сўнгги бор қандай туш кўрар беор?

(даҳшатли илжайиш блан)

Уйлайманки бир зарба блан беражакдир жон —
Бошни тамом тушулар... тирқиллаб оқар қони...
Булар бари табиатга бўлажак эзгу эҳсон!

(хонага киради)

(икки минут қадар туриб, қайтиб чиқади)

йўқдир имкони!

(сукут)

Ҳа! Етмади бу ишга кучим ҳам, иродам ҳам!
Мен айнабман, мен бутун ҳаётимда илк марта
Титраб-қалтираб кетдим... Қачондан буён, эгам,
Қўрқоқ бўлибман?.. Қўрқоқ... ким айтди буни
шартта,
Ўзим айтдим, ҳақиқат... уят бўлди... кўп уят,
Югур, қизор, ўсал бўл, сен разил одам, замон
Бошқалардек сени ҳам ерга қоқмиш беомон,
Ўз-ўзингга мақтаниб юрган экансан фақат;
О! Афсус... чиндан афсус... сен-да урфоннинг
Жабрида букилибсан... сенда қолмамиш мадор.
Сен севишни билмадинг... Уч олишга бўлиб
зор... —
Келдинг... келдинг-ку — лекин ботинолмадинг!

(*Сукут*)
(*Ўтиради*)

Жуда баландланиб кетибман, аммо
Тўғрироқ бир йўлни излашим керак...
Бошқа ўй, бошқа ният менинг бешифо
Хаста сийнамга чуқур ўрнашмиш, демак
У яшайди... ўлдириш чиқди моладан.
Қотилларни майдонда жазолаб ўлдиришар —
Майли! урфоли халқнинг ичида туғулганман:
Тил ва олтин... мана бу бизнинг ханжар ва заҳар!
(*Сиеҳ олиб, хат ёзади,— шляпасини олади.*)

Учинчи чиқиш

(Арбенин ва Баронесса)

(Эшикка қараб юради, тўр тутган бир хонимга дуч келади)

Тўр тутган хоним.

Аҳ!.. Хароб бўлди бари...

Арбенин

Бу нима?

Хоним

(*типирчилаб*).

Қўйворинг мени.

Арбенин

Иўқ, бу сотқин ва олчоқ эзгуликлар учун хос
Чинқириқ эмас, сра

(Хонимга, қат'ий равишда)

Чиқарманг овоз!

Оғиз очманг, бўлмаса мен шу нафасдагина...
Қандай шубҳа ва гумон!— ёлғиз эканмиз ҳали,
Кўтаринг тўрни юздан.

Хоним

Мен адашиб кирибман.

Арбенин

Ҳа, учрашдик тўсатдан,
Адашганга ўхшайсиз, менимча, вақт жиҳатдан,
Аммо маконни тўғри топгансиз.

Хоним

Худо ҳақи,
Мен сизни танимайман, кўйиб юборинг мени.

Арбенин

Қизиқ бир саросима... очилишингиз керак.
У уйқуда ётибди... туриб қолиши мумкин!
Мен ҳаммасини биламан... лозим қат'ий ишонмак.

Хоним

Ҳаммасини биласиз!

(Арбенин тўрни юлиб олиб ташлайди-да таажжубланган ҳолда орқага чекилади, кейин ўзига келади)

Арбенин

Шукурлар бўлсин, эгам,
Бир сафаргина хато қилдирдинг менга, демак!

Баронесса

О! Мен не кунга қолдим? Бўлдим расвойи олам.

Арбенин

Афсус ва надоматлар энди фойдасиз —
Қўшиламан, шу пайтда ҳарким бўларди хафа;
Оловдай иссиққина оғуш ўрнига ёлғиз
Совуқ қўлларга тушиш кўнгилсиздир албатта.
Ҳа, бу бир зумлик қўрқув... ташвиш тортмоқ ҳам
бекор.

Қамтарман, жар солмайман — сиз ҳам тангрига
ҳар он
Шукур қилинг учрашган мен бўлдим, бошқа беор
Бўлсайди, бор шаҳарга соларди зўр тўполон.

Баронесса

Аҳ! У энди уйғонди, гапирар.

Арбенин

Уйқусирар...
Хотиржам бўлаверинг, ҳозир чиқиб кетаман...
Фақат тушунтирингиз, сизни манав олифта,
Қайси маҳоратила бирдан қилибди мафтун?
Унинг ўзи тош каби ҳиссиз-ку, нима учун
Ҳамма хотинлар ёнар унинг муҳаббатида?
Нега оёқларингиз остида у чўкиб тий,
Қасамлар-ла ялиниб, қўймайди кўзёшларин?
О... сиз... бунда ёлғизсиз... — дарди бор бир аёлсиз:
Ҳаё-номусни янчиб, қурибсиз бу ерга ин...
Хўш нега сизда асло хунук бўлмаган, туйғун
Бошқа аёл ҳам унга қурбон бўлишга тайёр,
Ўз бахти, ҳаётини, ишқини ҳам торумор
Қилади? Бир боқиши ёки бир сўзи учун?
Нечун... о, мен бир аҳмоқ!

(Қаттиқ ғазабланиб)

Сабаби нима, нечун?

Баронесса *(қат'ий равишда)*.

Гапингизнинг тагини тушундим... мен биламан,
Сиз келгансиз...

Арбенин

А қандай! Айтиб берди сизга ким!

(Эсини йиғиб)

А сиз нима биласиз?

Баронесса

О, сиздан ўтинаман,
Сиз мени кечирингиз...

Арбенин

Сизни қораламадим,
Аксинча, севинаман дўстнинг хушбахтлигига.

Баронесса

Орзулар, аҳтирослар қар қилмиш мени пича,
Ҳамма ишга мен айбдор, тинглангиз...

Арбенин

Борми ҳожат?
Менга барибир... чунки мен тор ахлоқ душмани.

Баронесса

Мен бўлмасайдим, у вақт ёзилмас эди у хат
Ва на...

Арбенин

А! Бу нарса жуда ҳам ортиқча ғусса кони!
Хат! қайси хат? а! Унинг равшан бўлди ма'носи!
Учраштириб қўйдингиз... ўргатдингиз... қачондан
Бошлаб бундай рольларга одат қилдингиз экан?
Сизни нима мажбур этди? Ма'сум гуноҳсиз ошиқ
Қурбонларни ўзингиз келтирасиз бу жойга,
Ҳ. бўлмаса ёшларнинг ўзлари келишади?
Ҳа — тил бердим! хазина эмишсиз ҳар саройда;
Хонимларимиз фаҳши ажаблантирмас мени!

Баронесса

О! Худойим...

Арбенин

Сўзлайман хушомадсиз... Оп-очиқ...
Сизга қанча ҳақ тўлар бу жаноблар ҳаммаси?

Баронесса (*курсига йиқилади*)

Ҳеч инсоф йўқ сизда.

Арбенин

Ҳа,

Хато қилдим, кечиринг, хизматингиз самимий!
(*Кетмоқчи бўлади*)

Баронесса

О, мен жинни бўламан!.. Тўхтаг! Кетаётир у.
Қулоқ солмас... ўламан...

Арбенин

Ишни этдиринг давом!

Бу нарса сизни шуҳрат, шарафга етказар-ку...
Энди мендан қўрқмангиз, мени афв этинг тамом...
Бундан сўнг учрашишдан тапгри сақласин мангу...
Дун'ёда ҳарнимадан этдингиз мени маҳрум.
Сизни та'қиб этаман ҳарерда ва ҳарқачон,
Кўчада ҳам хилватда — қўймайман сизни бир зум;
Борди-ю, ўчакишиб қолдик... бу жуда ёмон!
Сизни ўлдирар эдим... Лекин ўлим зўр ҳад'ям —
Ки мен уни сақлайман, бошқа бир аёл учун.
Кўрасиз — мен хушфе'л... мен танлайман
жаҳаннам —

Азобини. Сизгадир ернинг жаннати бутун.
(*кетади*)

Туртинчи чиқиш

Баронесса (*ёлғиз*)

Баронесса (*унинг орқасидан*).

Тингламгиз — онт ичаман... Ёлғон гап бу... ва Нина
Гуноҳсиз... билагузук! — менинг ишим... менгина...
Қулоқ солмайди, кетди, нима қилай! ҳар қаён

Говго солар... ҳожат йўқ... тезда қутқорай уни,
Қанча қийин бўлмасин қутқораман.— Ногаҳон
Ялинай, майли яксон бўлсин кўнглим ғурури:

Ўзимни алдамчи деб фош этай, бу жиноят!
У уйғонди... келмоқда... жазм этай о, уқубат!

Бешинчи чиқиш

Баронесса блан князь

Князь (*бошқа хонада*).

Иван! уерда ким бор... товушлар эшитаман!
У қанақа халқ ўзи! бирпас ухлаёлмайман!
(*киради*)

Ийя! Бу қанақа ташриф — беминнат!
Соҳибжамол! Қувондим роса!

(*таниб сачраб кетади*)

Аҳ Баронесса! Йўқ... бунга ишониш қийин.

Баронесса

Сапчидингиз орқага?

(*паст товуш блан*)

Сиз ҳайрат қиласизми?

Князь (*хизмолат бўлиб*).

Йўқ, хурсандман-ку, лекин
Кутмаган эдим бундай бахтлиқ бир дақиқани.

Баронесса

Кутсангиз эди агар, қизиқ бўларди жуда.

Князь

Мен нималар ўйлабман? Кошки билсайдим ҳали...

Баронесса

Билиш мумкин эди-я, билмадингиз беҳуда.

Князь

Ўз айбимни бутунлай, ювишга мен тайёрман
Қайси жазога лойиқ кўрсангиз, этай қабул...
Кўр ва соқов эканман; билмаслик — бор гуноҳ шул...
Энди нима қилайки, биргина, сўзга зорман...

(унинг қўлидан ушлаб)

Аmmo қўлларингиз... муз! юзингизда изтироб!
Наҳотки, сиз бўлсангиз сўзларимдан гумондор?

Баронесса

Янглишасиз! Мен сиздан бирон э'тироф
Эшитиш учун ёки ишққа бўлиб талабгор
Келганмасман буерга. Бизга хос бўлган бутун
Ҳаёни ва кўркунни унутмак керак бу кун.
Йўқ, бу нарса муқаддас бурч ҳамда вазифадир:
Кечди ўртиқ у меним эски ҳаётим.
Мен чин интилган ҳаёт том ўзгачадир;
Ёмонликка сабабчи менми бўлмадим?
Энди ўтмишни ўртмак менинг мақсадим!
Ўз ҳаёсизлигимга чидай оламан,
Ўзимни қутқормадим... бошқани қутқораман...

Князь

Бу яна нима демак?

Баронесса

Менга бўлмангиз тўсиқ...
Бу сўзларни айтишга ботиниш учун
Мен ўз руҳимни қанча қийнадим... яна бўғиқ
Изтироблар илгида бўлган эдим мен тутқун,—
Буларнинг барчасига ягона сабабчи сиз...
Бунга боқмай, мен сизга бўлажакман муҳофиз...
Нега? Нечун? Билмайман... Сазовормассиз бутун
Садоқатларимга сиз... мени севмак, тушунмак
Қўлингиздан келмади... яширмақ нима керак —
Балки ўзим ҳам буни қилмаган эдим орзу...
Лекин, қулоқ солингиз! Бугун менга эшитув
Муяссар бўлди — қандай эшитдим? — бу бари-бир...

Арбенин хотинига ёзганмишсиз қалтис хат...
Одамлар орасида «миш-миш» бўлибди бу сир.
У сизни севар эмиш — бу ёлғон, ёлғон! Тухмат.
Тангри ҳақи, ишонманг... бу фикрнинг ўзиёқ
Ҳаммамизни маҳв этар — ҳаммамизни! бу ноҳақ
Хат Нинага етмаган... лекин эри хабардор...
У жуда даҳшатлидир нафратда, муҳаббатда —
У ҳозир шунда эди... ўлдиран сизни... катта
Йиртқич у... сиз шундай ёш...

Князь

Бу қўрқинишнингиз бекор!
Арбенин зодагондир, — ақллидир у ғоят,
Айюҳаннос солишга жур'ат қилмагай сра;
Уртада бир эҳтиёж, мақсад йўқ экан, ахир.
Бекорчи ҳангомадан қилмас қонли фожиа.
Борди-ю жаҳли чиқди — бу оддий воқиадир:
Лепажнинг тўппончаси қўлларга олинажак,
Ўттиз икки қадамни ўлчарлар бизга ул чоқ —
Тўғриси айтсам, манав эполетларга
Сазовор бўлолмайдилардан қўрққан олчоқ.

Баронесса

Лекин умрингиз сиздан кўра бошқага азиз,
...Ва ўзга бир ҳаётга бўлса у алоқадор
Ва сизни ўлдирсалар! — у вақт, танграм! ёлғиз.
Мен бўламан гуноҳкор.

Князь

Сизми?

Баронесса

Ачинингиз.

Князь (*ўйлаб*).

Мен дуэляга тайёр;
Қошида айбдорман — гарчи мен билмасам ҳам,
Иззат нафсига тегдим, оқланмоқ учун шу дам
Биронга чора йўқдир.

Баронесса

Йўқ, бунинг чораси бор.

Князь

Ёлгон сўзлашми? Шуми? Мен умримни қизганиб,
Ҳеч ёлгон сўзламайман, топингиз бошқа чора,
Мен шу топда бораман.

Баронесса

Бир зум! Бормангиз шошиб,
Қулоқ солинг, айтаман.

(қўлидан ушлайди)

Ҳаммангиз алдангансиз! У маска.

(Йиғларкан, столга ёнбошлайди)

Мен эдим — мен!

Князь

Ахир, сиз қандай қилиб? Бу шарпа-хаёл!

(Сукут)

Ҳа, Шприх! ўша айтди... Ҳамма айб унда ёлғиз.

Баронесса *(ҳушини йиғиб, нари кетиб)*

Бирпас бош айлантирган гумроҳлик эди у ҳол,
Қизиқ тентаклик эди — пушаймон бўлдим чексиз!
У нарса ўтиб кетди — барин унутинг дарҳол.
Қайтаринг билагузукни! — қандайдир бир ажойиб

Тақдир тақозоси-ла топилган тасодифан,
Менга ва'да беринг, бу сир тутилиши вожиб...
Мен худонинг ҳукмида. Сизни афв этар, зотан
Сизнинг ихтиёрда-мас мени кечирини!
Мен бош олиб кетаман... Уйлайманки, кўришиш
Қайта насиб бўлмагай.

(Эшикка келиб, князь орқасидан югурмакчи эканини кўради)

Сиз келмангиз орқамдан.
(Кетади)

ОЛТИНЧИ ЧИҚИШ

Князь (ёлғиз)

Князь (*узоқ ўйлагандан кейин*).

Ҳақиқатан ҳам нима қилишимни билмайман,
Бу гаплардан мен фақаг англадим шу нарсани;
Бўш-баёв бола каби ҳеч иш чиқаролмасдан,
Шундай ўнғай фурсатни қўлдан бераман ҳали.

(*Столга яқин келади.*)

Ҳа, яна бу нимаси: мактуб... ким ёзган экан?
Арбенин... ўқиб боқай!

«Муҳтарам князь! бугун кечқурун N никига кел; у
ерга ҳамма улфатларимиз йиғилади. Биз вақтни хур-
сандчилик билан ўтказамиз... Бутун кеча мудраб ўтир-
маслигинг учун, атайлаб сени уйғотмадим — хайр,—
албатта кутаман; сенга самимий бўлган

Евгений Арбенин».

Аҳа, ушбу мактубдан жанг — отишув чиқармоқ
Учун алоҳида кўз соҳиби бўлиш керак.
Дуэльга да'ват этиш олдидан қайси аҳмоқ
Зиёфатга чақирар?— Эшитилмаган эртак.

ТҲРТИНЧИ САҲНА

N никига бир хона

Биринчи чиқиш

(Казарин, хўжайин ва Арбенин қарта ўйнамоқ учун ўтирадилар.)

Казарин

Киборлар ифтихори бўлган барча қилиқни
Сен тарк этдингми чиндан,
Қадимги йўлга одим қўйганинг ҳам аниқми!
Бу жудаям саз фикр... шак йўқ шоирлигингдан
Яна сенда даҳонинг бордир барча нишонин.

Уй-жой, икир-чикири сени сиқажак,
Қўлнигинг бер, азиз дўст, бер қўлинг шул чоқ,
Сен биз билан биргасан.

Арбенин

Ўтмишнинг ўчган қораси.
Мен сизники!

Казарин

Аҳ! Менга бу ҳол кўп хуш кўринар,
Ақлли одамлардан минг ўргулсанг ҳам арзир;
Сун'ий ҳаёт, хулқ улар учун занжирдан баттар...
Сен менга ёрдамлашиб ўйнайсанми, айт ҳозир?

Хўжайин

Оз-моз юлиш керакдир князьнинг қитиқ патин.

Казарин

Ҳа... ҳа...

(четга)

Қамти қилиш жуда бўлажақ қизиқ.

Хўжайин

Кўрармиз — от дупури!..

(Шовқин эшитилади.)

Арбенин

У келди.

Казарин

Сенинг қўлинг

Титрайди?

Арбенин

О, қўявер! — ўйиндан чиққаним аниқ!

(Князь киради.)

Иккинчи чиқиш

Аввалгилар ва князь

Хўжайин

Аҳ, князь! Хурсанд бўлдим — буюринг, бетакаллф;
Қилични олиб қўйиб, ўтиринг шу он:
Қизғин жанг кетаётир.

К н я з ь
Оҳ! Тамошаси матлуб.

А р б е н и н
Ўйиндан қўрқасизми сиз ўша вақтдан буён?

К н я з ь
Йўқ, сиз-ла шерик бўлсам қўрқмайман, бу — чин.
(*четга*)

Киборлар одатича, эрга хушомад қуюқ,
Хотини атрофида гир айланайин...
Фақат севгида ютай — қимор бўлсин ютқизуқ!
(*Ўтиради*)

А р б е н и н
Бугун мен сизга бордим.

К н я з ь
Уқидим хатингизни,
Кўрасизми, мен сўзга кўнаман.

А р б е н и н
Остонада
Менга кимдир йўлиқди --- уялган, саросима...

К н я з ь
Уши танидингизми?

А р б е н и н (*кулиб*).
Ҳа, танидим шекилли!
Князь, сиз жуда хавфли, йўлдан уручи одам,
Мен ҳаммасин тушундим, ҳамма гап бўлди аён.

К н я з ь (*четга*).
У ҳечнима англаган эмас — бунда йўқ гумон.
(*Нарироқ бориб, қиличини қўяди.*)

Арбенин

Мен истамас эдимки, сизга меним хотиним
Озгина майл кўрсатсин.

Князь (*паришонлик блан*).

Қани, нима сабабдан?

Арбенин

Анчайин,— мен хушторлар қидирган фазилатчан,
Юмшоқ кўнгил эрлардан эмасман — қизгин қоним.

(*Четга*)

Ҳеч гап кор қилмас унга... О, мен сенинг у ширин
Оламингни бузаман, аблаҳ, сочаман заҳар.
Сен қартага жонингни тикаолсайдинг агар,
Жонингга қарши мен ҳам жонни тикардим кескин.

(*Ўйнайдилар, Арбенин сўзади*)

Казарин

Эллик сўм тикдим.

Князь

Мен ҳам.

Арбенин

Сизга айтиб берай мен бир латифани,
Уни эшитган эдим бир вақт, ёшроқ паллада:
Бугун менинг бошимдан сра кетмайди нари.
Хуллас шу: қандайдир бир аслзода, барин
Уйланган одам — сенинг қартаг ютди, Казарин..
Уйланган одам хотин садоқатига ғоят
Ишонибди-да, ширин ғафлатга ботмиш чуқур,—
Князь, сизда қандайдир жуда ортиқча диққат,
Ютқазасиз баҳазур.—

Эр — оқ кўнгил, севикли, ўтаберибди ой — кун,
Бу бахт етишмагандай, бепарво, беғам эрга
Бир дўсти учрашибди... бир замонларда эса
Муҳим хизматлар қилган экан у дўсти учун —
Ҳам уни номус, виждон соҳиби дебди бутун.

Охири нима бўпти? Қандайдир менга мубҳам,
Бир йўл блан ўша эр билибдики, миннатдор
Уртоғи ва ўз бурчин билучи бу соф одам —
Унинг ўз хотинига муҳаббат қилмиш изҳор.

Князь

Хўш, эр нима қилибди?

Арбенин *(саволни эшитмагандай)*.

Князь қолди-ку ўйин.

Қарамай кўп тикасиз.

(Унга қаттиқ тикилиб.)

У эр нима қилганин

Билишга қизиқасиз? Арзимаган нарса-чун

Бир шапалоқ урибди... Князь, сиз нима тағин

Қилардингиз?

Князь

Нақ шундай йўл тутардим. Хўш, кейин
Отишдиларми?

Арбенин

Йўқ.

Казарин

Қиличлашибди?

Арбенин

Йўқ. Йўқ.

Казарин

Демакки, ярашибди?

Арбенин *(заҳарханда блан)*.

О, йўқ

Князь

Нима қилибди қани?

Арбенин

Олибди қасосини,
Бузуқи дўсти ебди яхши шапалоқ.

Князь *(кулади)*

Қоидаларга тамом хилоф бўлибди броқ.

Арбенин

Қайсибир фармонда бор
Нафрат ва қасос учун қонуну-қоидалар?

(Уйнайдилар.— Сукут.)

Ютди... ютди...

(Урнидан туриб)

Шошмангчи, сиз мана шу қартаи
Алмаштирдингиз.

Князь

Мен! Мен! Қараб гапиринг, ошнаи!

Арбенин

Уйин тамом...

Буерда мардлик қолмади мутлақ.

(Нафаси бўғилиб)

Сиз фирром, тирриқ, аҳмоқ...

Князь

Мен? Мен?

Арбенин

Олчоқ, мен шунда бераман та'зирингиз,
Токи ҳаркимса учун ҳаром бўлсин изингиз.

*(Қарталарни унинг башарасига отади. Князь шундай
ўсал бўлганки, нима қилишини билмайди)
(Товушини пасайтириб.)*

Энди ора очиқ бўлдик.

К а з а р и н

Не бало бўлди сенга?

(*Хўжайинга*)

Уйин қизган пайтда уни бирдан урди жин.
Анов қизиб кетганди, тўкарди икки юз минг.

К н я з ь (*эсини йиғиб, сапчиб туради*).

Шу топда орқамдан юр, ишинг тушмабди менга,
Қон! Бу ҳақоратларни ювар ёлғиз қонингиз.

А р б е н и н

Отишмоққа? Сиз блан? Мен-а? Сиз янглишасиз.

К н я з ь

Қўрқоқ.

(*унинг устига ташланмоқчи бўлади.*)

А р б е н и н (*тахдид блан*).

Майли! Аммо сиз менга кела кўрмангиз яқин,
Ҳатто бунда қолишни сизга кўрмайман лойиқ!
Қўрқоқман — қўрқоқни ҳам кўрқитолмайсиз локин.

К н я з ь

О, уришмоққа мажбур қиламан сизни ортиқ!
Мен ҳарерда айтаман қилдингиз қанақа,
Ва олчоқ мен эмас — сиз...

А р б е н и н

Қаршимасман мутлақо.

К н я з ь (*яқин келиб*).

Мен доврүк соламанки, мен хотинингиз блан..
О, сиз эҳтиёт бўлинг... эсламки, билагузук...

А р б е н и н

Бу нарса учун сизнинг жазангизни берганман..

Князь

Эй, чидаб бўлмас аҳвол... мен қайдаман? Бу хунук...
Ҳамма ҳам менга қарши — мен сизни ўлдираман!

Арбенин

Ихтиёр сизда — ҳатто сизга кенгаш бераман —
Тезроқ ўлдиринг мени... балки бироздан кейин
Ботирлигингиз бирдан сўниб қолмасин тагин.

Князь

О, қайдасан, номусим! Беринг бу сўзни ҳозир,
Қайтаринг менга уни — қиламан қуллуқ оғоз,
Ҳа сизда ҳечқанақа эзгулик йўқ, сиз, ахир,
Қимсиз — инсонми ёки шайтон?

Арбенин

Менми?— қиморвоз!

Князь (*йиқилиб, юзини бекитиб*)

Номусим, ҳай номусим!

Арбенин

Номус қайтмайди асло.

Яхшилик, ёмонликнинг орасидан кўчди ғов,
Сендан юз ўгиради нафрат-ла бутун дун'ё,
Бундан сўнг бўлажаксан албатта якка мохов;
Сен қонли кўзёшлардангина оларсан лаззат,
Таниш-билишлар бахти руҳинг учун зўр

кулфат

Ва эмгак бўлур, тун-кун ўйлайсан бирнимани;
Сенда муҳаббат ҳисси ва гўзаллик ҳисси ҳам
Аста сўнар, қовжирар куздаги барг сингари,
Ҳечкимса сан атила бахт бермас сенга бир дам!
Чириган бир новдадан барглар узилган каби,

Барча хушчақчақ дўстлар сендан тезда айрилар;
Қизариб, юзни ёпиб халқ ичида расво,—
Бадкирдор жинояти унча оғирмас, аммо

Ҳаммадан кўпроқ уят эзар, бошинг ҳам қилар!
Хайр энди...

(Кетатуриб)

Ўзоқ яша,— шудир тилак доимо...

(Кетади)

УЧИНЧИ ПАРДА

ВИРИНЧИ САҲНА

(Бал)

Биринчи чиқиш

Бека

Баронессани кутиб тураман, билмадим у
Келармикан — мен зотан, ачинаман сиз учун.

1-нчи меҳмон

Сизни англадим-ку.

2-нчи меҳмон

Баронесса Штральни кутасизми?— ноўрин:
У жўнаган!

Кўп меҳмонлар

Қасрга? Кўп бўлдими — сабаби?

2-нчи меҳмон

Қишлоққа, бугун тонгда жўнади.

Хоним

О, Худойим

Наҳот, ўз ихтиёрича?— нима экан нияти?

2-нчи меҳмон

Ишқ-муҳаббат хаёли... бу қилиқ кимга лозим!

(Тарқалиб кетишади, эркаклардан иккинчи бир
туркум)

3-нчи меҳмон

Биласизми, Звездич бойберибди қиморда.

4-нчи меҳмон

Аксинча, ютибди у — фирромлик-ла, афтидан,
Бир шапалоқ ҳам ебди.

5-нчи меҳмон

Отишмабдими шартга?

4-нчи меҳмон

Иўқ, истамабди.

3-нчи меҳмон

Разил олчоқ эканин зотан
Роса кўрсатибди у!

5-нчи меҳмон

Шу кундан э'тиборан
Дўстликни йиғиштирдим.

6-нчи меҳмон

Мен ҳам!— кўп ёмон қилиқ.

4-нчи меҳмон

Бу ерда бўларми у?

3-нчи меҳмон

Иўқ, бетлаёлмас, аниқ.

4-нчи меҳмон

Ана у!

*(Князь яқин келади, у блан зўрга саломлашадилар)
(5-нчи ва 6-нчи меҳмондан бошқа ҳаммалари нари
кетишади).*

(Кейин улар ҳам кетишади. Нина диванга ўтиради)

Князь

Мен ҳам, у ҳам ҳаммадан ажралиб қолдик, демак.
Бундан қулайроқ фурсат топилмайди, албатта,

(*Нинага*)

Сизга икки оғиз сўз айтмоқчи эдим сўнг даф'а,
Буни сиз диққат блан эшитишингиз керак.

Н и н а

Мен эшитмагим керак?

К н я з ь

Сизга кўп алоқадор,

Н и н а

Қайдан етишақолди ажиб шафқаткор!

К н я з ь

Тўғри, бу ажиб, чунки ҳалокатим сабаби
Фақат сиздирсиз... аммо мен сизга ачинаман:
Менга аёнки, мени қақшатган қўл зарбаси
Сизни ўлдиражакдир;— арзимаган кек блан
Отмайман разолатга мен ўзимни ҳечқачон,
Лекин сўзимни тингланг, эҳтиёт бўлинг зинҳор;
Эришгизнинг бағри тош, у динсиз ва бадкирдор,
Сезаман, бошингизда бир офат бор — бегумон,
Ҳамишалик алвидо', гуноҳкор бўлмади фош.
Унга жазо беришга имкон йўқ менда ҳозир,—
Лекин фурсати етар ҳозирча сабр-бардош...
Олинг билагузукни, керакмас менга ҳечбир.

(*Арбенин узоқдан уларга қараб туради.*)

Н и н а

Князь, жинни бўлибсиз, сиздан шу топда
Аччиғланиш ҳам уят бўларди чоғи.

К н я з ь

Ҳамишаликка хайр, сўрайман сўнгги даф'а...

Н и н а

Сиз қаерга жўнайсиз, жуда ҳам узоққами?
Ойга эмас, албатта?

К н я з ъ (Кетатуриб).

Йўқ, яқин, Қавқаз сари.

Б е к а (бошқаларга)

Қарийб жам бўлди ҳамма, бу ер сизларга кўп тор,
Жаноблар, анав залга тез марҳамат қилинглар!
Mesdames, Сизлар ҳам шуёққа киринглар.

(Кетишади.)

И к к и н ч и ч и қ и ш

А р б е н и н (ёлғиз, ўз-ўзига сўзлайди).

Мен шубҳа қилдимми? Мен? Бундан ҳамма
хабардор;

Ҳар томондан пичинглар менга заҳарли тикан
Қаби қадалар... улар учун мен ожиз, нодон!

Менинг ғайратларимнинг самаралари қани?
Қайда қолди ўктамлик — мен бу блан ба'зида
Оломонни япчардим сўзларимнинг тигида?

Икки аёл бўлибди мардлигимнинг қотили!
Улардан бири... О, мен уни жуда севаман,
Севаман,— шунга боқмай, алдандим қаттиқ ёмон...
Йўқ, инсонларга уни менми ташлаб қўяман?

Бизларни ҳукм қилиб ўтирмас улар чандон...
Мен ўзимнинг даҳшатли ҳукмимни бажараман...
Унга ўлим топаман — ўлимимга шу ватан.

(Қалбига ишора қилади)

У аёл ўлар, унинг блан ортиқ яшамоқ
Мумкин эмас... айрича яшамоқ-чи?

(Ўз-ўзидан қўрққан қаби)

Бу аниқ!

У ўлади — мен эски қаттиқ иродамга ҳақ
Беражакман! афтидан, тақдири шунга лойиқ:
Умрининг баҳорида ҳалок бўлиш, мен қаби
Бадкирдорнинг жонони бўлатуриб, ўзгани

Севиш... бу нарса равшан!.. Шундай аҳволдан кейин

Яшайоладими у! Тангрим пинҳонсан, лекин
Ҳарерда ҳозир-нозир!— сен қабул айла уни,
Уз омонатим қаби мен сенга топшираман —
Уни кечир, ёғилсин шафқатинг нури —
Броқ, мен тангри эмас, кечирөлмайман!

(Музика зшитилади).

(Хона ичида юриб, бирдан тўхтаб қолади.)

Бундан ўн йиллар аввал, мен фаҳш майдони сари
Дастлаб қўяркан қадам, бир кечадаёқ
Ютқизиб қўйган эдим бори-йўғимни тақдир,—
Олтин қадрини яхши билган эдим ўша чоқ,
Лекин ма'лум эмасди ҳаёт қадри — баҳоси;
Мен қаттиқ хафа бўлдим, жўнай кетдим ва заҳар
Сотиб олдим-да қайтдим қиморхонага шу он,
Кўкрагимда энг кучли тўлқинлар қон.
Бир стакан лимонад бир қўлимда ва дигар
Қўлимда эса борди тўртлик пика қартаси,
Энг кейинги сўлкавой яна у сирли заҳар
Қиссамда ётар эди — чиндан зўр эди хатар;
Бахт кулди — бир соатда қайтди ютқизиқ бари!
— Бу заҳарни сақлайман ўша замондан буён,
Сирли ва му'жизали бир тумор дея,
Ҳаётнинг жуда оғир ғовғалари ичида
Сақладим қора кун-чун, яқиндир у кун, у он,

(Тез чиқиб кетади.)

Учинчи чиқиш

Бека, Нина, бирнеча хонимлар ва кавалерлар.
(Кейинги мисра'лар айтилганда кирадилар.)

Бека

Емон бўлмасди бир зум олсамиз ором.

Хоним *(бошқа бирига).*

Бу ер шундай иссиқки, эриб бораман.

Петров

Настасья Петровна бизга куйлар бир мақом.

Нина

Мен янги романсларни, тўғриси, ҳеч билмайман,
А эскилари эса зериктирган мени ҳам.

Хоним

Аҳ, Нина, қани, куйла, бир шингил куйла **пинам**.

Бека

Шундай ёқимтойсанки, сен бизни, ҳақиқатан,
Соатлаб беҳудага ялинтирмайсан, жоним.

Нина (пианино олдига ўтиради).

Броқ, сиз диққат блан тингласангиз фармоним,—
Кошки бундай жазолар блан сизни бир **оз жим**
Қилиш мумкин бўлсайкан!

(Куйлайди.)

*

Сенинг кўзларингда қайнаб тошаркан
Эркисиз кўзёшлари блан қайғу-ғам,
Сен бир ўзга блан бахтсиз яшарсан —
Буни кўриб тушуниб, тутмайман мотам.

*

Сенинг ниҳол умрингни кемирар ичдан
Гулни боскан печакдай ҳасрат ёлқини,
Не дердим: Хурсандман — сени мен севган
Сингари севолмас у — сезаман буни.

*

Сенинг кўзларингнинг нурида бир **он**
Тасодифан бўлсин бахт ярқираса,
У чоқ қийналаман, куяман пинҳон,
Кўксимни бир дўзаҳ тўлдирар роса.

Тўртинчи чиқиш

Аввалгилар ва Арбенин

(Учинчи куплетнинг охирида эри кириб келади ва фортепианога ёнбсшлайди. Нина эрини кўриб, чалишдан тўхтайти.)

Арбенин

Қани, давом этдилинг.

Нина

Унутганман охири.

Арбенин

Агар лозим топсангиз
Едингизга соламан.

Нина (*хижолат тортиб*).

Йўк, нега?

(*Четга, бекага.*)

Тобим келишмаяпти.

(*Ўрнидан туради.*)

Меҳмон (*бошқа бирига*).

Янгидан расм бўлган ҳар ашулада
Шундай сўзлар бўларки, уларни хотин
Айтаолмайди сокин.

2-нчи меҳмон

Яна бизнинг табиий тилимиз кўп лўнда-да,
Аёлларнинг нозига ҳануз мос бўлолмаган.

3-нчи меҳмон

Ҳақлисиз; эрдан ўзга билмаган ваҳший каби
Бизнинг мағрур тилимиз эгилмас ҳақиқатан,
Биз бўлсак эгиламиз — биз эгилиш бандаси.

(Морожний тортадилар. Меҳмонлар залнинг бошқа бир бурчига тарқалишиб, бирин-сирин бошқа хоналарга кириб кетадилар, охирида Арбенин ва Нина иккови қолади. Саҳнанинг орқа томонидан мажҳул шахс кўринади.)

Н и н а (бекага).

У ер иссиқ, дам олиб ўтирай бир чеккада!

(Эрига)

Сен, малагим, морожний, келтириб берсанг менга.

(Арбенин бир чўчиб тушади-да, морожний олиб келгали кетади: олиб келаётганда заҳар сепеди.)

А р б е н и н (четга).

Ҳай ажал, ёрдамга кел.

Н и н а (эрига).

Уҳ, кўнглим ғаш, хафаман;
Албатта, иптизордир менга бир бало.

А р б е н и н (четга).

Ички туман ҳисларга мен ба'зан ишонаман.

(Морожнийни бераркан.)

Ол, зерикишга, ғамга мана бу даво.

Н и н а

Ҳа, балки бу совутар..

А р б е н и н

О, совутмаслиги борми?

Н и н а

Бугун бунда зерикдим.

А р б е н и н

Борми бошқа иложи?

Халқла зерикмаслик-чун аҳмоқликка, макрга

Дангал қарайбилишни одат қилмоқ лозимдир!
Дун'ёда улуғ куч бу ва бу ҳожимдир!

Н и н а

Ҳақлисан! даҳшат!..

А р б е н и н

Ҳа, даҳшат!

Н и н а

Айбсиз, доғсиз гул йўқ-а.

А р б е н и н

Йўқ.

Мен бир софдилни топдим, деб ўйлагандим фақат
Билсам, беҳуда экан.

Н и н а

Сен нималар деяпсан?

А р б е н и н

Мен дедимки, киборлар орасида биргина
Шундайин... сени билдим.

Н и н а

Рапггинг жуда ўчиқдир.

А р б е н и н

Тўғри, кўп танца қилдим.

Н и н а

Довдирама, топ ати!¹ Қўзғолмадинг-ку сра.

А р б е н и н

Ҳа, тўғри, танцани оз қилганлигим сабабли!..

¹ Азизим.

Н и н а (*бўйи тарелкани беради*).

Ол бўни, столга қўй.

А р б е н и н (*олади*).

Ҳаммаси-я, ҳаммаси!
Бир томчи қолдирмабди менга! Вой насибаси!

Маш'ум одим босилди, қайтиб бўлмас орқага,
Майли унинг-чун биров йўлиқмасин балога.

(*тарелкани ерга ташлаб синдиради.*)

Н и н а

Уқувсизсан мунчаям.

А р б е н и н

Ҳечқиси йўқ, хастаман.
Уйга жўнайлик илдам.

Н и н а

Кетайлик, азизим, айт менга: бугун жуда ҳам
Қовоғинг солиқ! Мендан норозисан? нимадан?

А р б е н и н

Йўқ, йўқ, мен сендан бугун бўлдим кўп журсанд.

(*Кетадилар*)

М а ж ҳ у л ш а х с (*ёлғиз қолиб*).

Сал қолди ачинишга, — шундай бир он келдики,
Мен отилмоқчи бўлган эдим олдинга...

(*ўйлаб қолади*)

Йўқ, майли бажарилсин қазо-қадар битиги,
Иш кўриш учун навбат, келар менга кейинча.

(*Кетади*).

ИККИНЧИ САХНА

Биринчи чиқиш

Арбениннинг ётоқхонаси.

(Нина киради, кетидан хизматчи хотин.)

Хизматчи хотин

Хоним ойим, алланечук ранггингиз ўчуқ.

Нина (*зирагини олиб*).

Тобим йўқ.

Хизматчи хотин

Чарчагансиз.

Нина (*четга*).

Эрим мени қўрқитади... ма'лум эмас сабаби!
У гапирмайди, яна қарашлари ғалати.

(*Хизматчи хотинга.*)

Бўғилиб бораяпман; корсетдан бўлса керак —
Айт, менга ярашдими бугунги кийим-кечак?

(*Ойна олдига боради*)

Сўзинг рост, тусим ўчган, рангсизман ўлик каби:
Лекин бу Петербургда рангсиз бўлмаган ким бор?
Фақатгина бир кампир — князь хоғини, у ҳам
Бўлса уша-элик! Киборлар айёр!

(*Тароқларини олиб сочини ўради*).

Бирон жойга ташла-да, менга бер шаль.

(*Креслога ўтиради.*)

Кўп севдим янги вальсни! Аллақандай шавқ блан
Қанақа тез айландим — ажойиб парвоз ҳам тан
Ҳам фикримни судради аллақайга — нақ шамол;
Юрагим жим сиқилди; на шодлик берди бу ҳол,
Нада ҳасрат, билмайман — Китоб бер менга Саша,
Уҳ, қандай зериктирди мени қайтадан князь.
А тўғриси, ачишиш мумкин у тентакчага!

Унда нималар деди... бадкирдор, жазо, Кавказ...
Бало, ...— бари талваса.

Хизматчи хотин
Мумкинми, йиғиштирсам?
(Безакларни кўрсатади.)

Нина

Кўявер.

(Уйга толади.)
(Эшикда Арбенин кўринади.)

Хизматчи хотин
Мумкинми кетиш?
Арбенин
(Хизматчи хотинга, бўғиқ товуш блан)
Кетавер.

(Хизматчи хотин кетмайди.)

Борсангчи.

(Хизматчи хотин кетади. Арбенин эшикни қулфлайди)

Иккинчи чиқиш

Арбенин ҳам Нина

Арбенин

Сенга керак бўлмасми энди ортиқ у?

Нина

Шу ердамисан?

Арбенин

Шуердаман!

Нина

Қасалга ўхшайман-ку,
Бошим олов чулғаган — келчи менга яқинроқ,
Ушлаб кўр,— сезасанми, бошим бутун ёнмоқда?

Мен бекорга ебман-да морожнийни уёқда,
Албатта, шамоллаган бўлсам керак мен у чоқ.
Айтчи тўғри эмасми?

Арбенин (паришон ҳол).

Морожний? Ҳа-а...

Нина

Азизим! Мен сен блан сўзлашмоқчийдим пича!
Сен ўзгариб кетгансан бирқанча вақтдан буён,
Аввалги эркалашлар қани, йўқ бир учқуни.
Сўзларинг кескин, дағал, кўзингда совуқ туман,
Биргина маскаррадчун — о, кўролмайман уни.
Унга бормаслик учун қасам ҳам ичдим ҳатто.

Арбенин (четга).

Ажаб эмас, йўқ энди маскарраднинг ҳожати!

Нина

Бу — бир мартаба бежо ҳаракат оқибати,

Арбенин

Бежо ҳаракатмиш! О!

Нина

Шунда-да ҳамма бало.

Арбенин

Яхши ўйлаш керакди ҳар нарсани олдиндан.

Нина

О, агар билсам эди сенинг хулқингни аввал,
Балки сенга тегмаган бўлар эдим ҳеч маҳал;
Сени қийнаш, ўзимни дардга отиш — бу гўзал,
Бу яхши ишми чиндан!

Арбенин

Мен севаман-ку, ахир!

Нина

Қанақа севги? Бундай ҳаёт менга не даркор?

Арбенин (*унинг ёнига ўтиради*).

Ҳақлисан! Ҳаёт нима? Ҳаёт пуч бир шарсадир.
Юракда қон шўх ўйнаб тураркан, бизда йўқ зор,
Дун'ёдаги ҳар нима бизчун қувонч, фароғат.
Орзулар, эҳтирослар фасли ўткандан кейин,

Ҳар нарса хунук, хира кўринар борган сайин!
Ҳаёт нима? Болалар эрмаги учун фақат

Ярайдиган ва кўндан ма'лум бўлган топишмоқ;
Унда энг биринчиси — туғулиш! Иккинчиси —
Чексиз машаққат, сирли яралардан азобдир,
Сўнгиси ўлим — бутун олсанг: ҳаёт саробдир!

Нина (*кўкрагига ишора қилиб*).

Бунда надир куйдирар.

Арбенин (*сўзида давом этиб*).

Тузалар! Йўқ ҳечқиси!

Сукут эт-да, қулоқ сол: айтдим-ку, ҳаёт гўзал
Бўлиб кўринган чоқда унинг ҳам қисмати бор.

Лекин давомлидирми! Ҳаёт — мисоли бир бал,
Рақс этасан — жуда саз, атроф ёруғ ва дилдор...
Уйга қайтиб, бужмайган кийимни ечган ҳамон,
Барини унутасан, ўтирасан бедармон.

Лекин ёшлик чоқларда, ҳаётнинг бўш ғалваси
Кўнгилга чуқур сингиб қолмаган экан ҳали.

Яхшиси ҳаёт блан тезда видо'лашмоқдир,
Бир зумда ўзга олам сари учмоқ керакдир —
Ақл, онг ўтмиш юки блан бандмаскан ҳали,
Улмоқ лозим — ўлимнинг хавфи энг оз паллада,
Аммо бу бахтни тақдир беравермас ҳаммава.

Нина

О, йўқ, яшамоқчиман.

Арбенин
Нега керак?

Нина

Евгений,

Қасалман, қийналаман.

Арбенин

Дардингдан кўра жиддий

Ва даҳшатли азоблар оз дейсанми — бепоен?

Нина

Доктор чақиртир.

Арбенин

Ҳаёт — абадий, ўлим — бир он!

Нина

А мен яшамоқчиман.

Арбенин

Дардкашлар учун аммо

У ерда қанча юпанч муҳайё.

Нина (*қўрқув блан*).

Ялиамаи:

Докторни тез чақиртир.

Арбенин (*ўрнидан туради, совуқлик блан*).

Чақирмайман, нетасан.

Нина (*сукутдан кейин*).

Тўғри, ҳазиллашасан — аммо бу ҳазил ёмон:
Мен ўлишим мумкин — тезроқ чақиртир.

Арбенин

Нима бўпти? Докторсиз ўлмоққа йўқми имкон?

Н и н а

Сен ёвуз ва золимсан,
Евгений, мен хотининг бўламан, ахир.

А р б е н и н

Ҳа! биламан! — биламан!

Н и н а

О, раҳминг келсин! Менинг кўкрагимда шу топда
Гўё бир олов тошди, ўлиб кетаман.

А р б е н и н

Шунча тезми? Йўқ ҳали.

(Соатиға қарайди)

Ярим соат бор.

Н и н а

О, сен севмайсан мени.

А р б е н и н

Ахир, мен сени

Қандай севай — сийнамга бир жаҳаннамни бугун
Ағдарганинг учунми? Йўқ, азоб чекканингчун

Мен жуда севинаман; ай, тангри — тангри:

Мендан севги сўрашга жур'ат қиласан яна!

Сени кам севганмидим, менга айтчи бир даф'а?

Сен бу эркалашимнинг ҳеч билдингми қадрини?

Ҳа, мен сенинг севгингдан кўпми сўрадим ўзим?

Кўзларинг илиқ боқса, қилсанг майин табассум —

Хўш, сендан нима кўрдим: макр, хиёнат ини!

Мумкинми! мени сотиш! —

Аблаҳнинг бўсасичун... мени-я — илк сўзингла

Жон фидо қилиш менга бўларди бахт, қувонч иш,

Менга вафосиз бўлдинг. Менга-я? Ҳам шунча тез!

Н и н а

О, агар ўз айбимни билсам эдим мен ўзим —
У вақт...

Арбенин

Жим бұл, ё жинни бұламан, йўқдир тўзим!
Уҳ, қачон бу азоблар битар ичимда!

Нина

Топиб олибди князь билагузугимни, кейин
Қандайдир бир тухматчи тарафидан чин
Алданибсан, фикримча.

Арбенин

Шундай, алданибман-да!
Бас энди! Янглишибман; Бўла олгум бахтиёр;
Дея хаёл қилибман... яна ишониб гарчи
Севишни ўйлаганман... лекин тақдирнинг ғаддор
Соати етди... бемор талвасасидек барн
Ўтди-кетди! Эҳтимол, умидвор бўлиб тагин
Самовий хаёлларни мен тиргизаолардим,
Қалбнинг эски кўкламига жон киргизаолардим,
Сен истамадинг локин!
Йиғла! Йиғла — лекин, айт, аёл кўёши, Нина,
Нима деган нарсадир? Фақатгина сув!
Мен йиғладим а? Мен, мен эркаклигим ила!
Ғазабдан, рашк қилишдан, азобдан ва уятдан
Мен йиғладим, тўсатдан!
А сен ҳеч биласанми, эркак йиғисин
Ма'нисин нималигин!
О! Шундай дақиқада келма ёнига сра:
Бир қўлида ўлим бор, жаҳаннам кўкрагида.

Нина

(Йиғлаб тиз чўқади ва қўлларини кўкка чўзади.)

Улуғ халлоқ, бер омон!
Бу тингламас, аммо сен ҳамман эшитасан,
Ҳаммасини биласан,
Қудратли тангри, мени оқлай биласан!

Арбенин

Тўхта,— лбақал худо қошида айтма ёлғон!

Н и н а

Йўқ, ёлғон сўзламайман, — сохта муножот блан
Унинг кудсиятини ерга урмайман ҳаргиз.
Ожиз, дардкаш руҳимни унга таслим этаман;
Сени ҳукм этади у, менга ҳомий у ёлғиз.

А р б е н и н (*қўлларини қовуштириб уйда юради*).

Энди муножот вақти етмоқда Нина:
Бирнеча минут сўнг ўлишинг керак —
Сенинг вафотинг эса одамларга сиргина
Бўлиб қолар, қозимиз тангрининг ўзи бешак.

Н и н а

Нима? Улмоқ? Нақ ҳозир — йўқ, мумкинмас
ҳечмаҳал.

А р б е н и н (*кулиб*).

Бу сизни чўчитишин мен билган эдим аввал.

Н и н а

Улим, ўлим! Тўғри дер — сийшамда — дўзаҳ қайнар!

А р б е н и н

Тўғри, мен сенга балда бергандим заҳар.

(*Сукут.*)

Н и н а

Мумкинмас, ишонмайман — йўқ, сен мени масхара

(*Унга ўзини ташлайди.*)

Қилмоқдасан... сен золим эмас... шафқат учқуни
Сенинг қалбингда бордир... умрим экан баҳорда,
Сен бағритошлик блан маҳв этолмайсан уни,
Евгений, сен бундайин мендан юзинг ўғирма,

Мен чеккан азобларни яна ҳам зўрайтирма,
Мени қутқор, мендаги қўрқувни тарат бир зум...
Менга қара...

(Унинг кўзларига тикилиб, сапчиб кетади)

О! Сенинг кўзларингдадир ўлим!

(Стулга йиқилади ва кўзларини беркитади)

(Арбенин яқин келиб, уни ўпади)

Арбенин

Тўғри, сен ўлажаксан,— мен ўзим бунда ёлғиз,
Ёп-ёлғиз қолажакман... йиллар ўтар, мен ожиз
Бўлиб ўларман — лекин яна танҳо! Бу даҳшат!
Аммо сен! Сра қўрқма. Гўзал олам — бир жаннат
Сенга очилажакдир ва сени фаришталар
Арши а'лода маскан бериб қабул айлашар.

(Йиғлайди)

Ҳа, мен сени севаман... нимаки бўлса, барин
Ўнутдим... ҳар қасоснинг ҳудуди бўлур, локин —
Мана у ҳудуд қара, қотилинг гўдак каби
Бошингда туриб ҳўнграб йиғлар — чексиз ҳасрати...

(Сукут)

Нина

(Сургилиб чиқиб, сакраб кетади)

Буюққа, бу томонга... ёрдам бериш! ўламан —
Заҳар, заҳар — эшитмаслар... мен тушунман:
Сен жуда эҳтиёткор... ҳечким... келмас ҳеч...

Броқ, сен ёдингда тут! Тангри тортар ҳукмга
Ва мен сени, эй қотил, ла'натлайман, қарғайман!

(Эшикка етмасдан, ҳушдан кетиб йиқилади)

Арбенин *(заҳарханда блан)*.

Қарғиш! Лекин қарғишдан нима фойда бор?
Мени тангри қаргаган.

(Яқин келади)

Оҳ, ожиз банда,
Жазо ғоят зўр бўлди сенга...

(Қўлини қовуштириб тик туради.)

Ранги ҳам ўчган!

(Чўчиб кетади)

Бутун чеҳраси сокин, на пушаймон ва на зор,
На бир виждон азобя кўринар унда ҳозир...
Мумкинми бу?

Н и н а *(кучсизгина).*

Евгений, хайр!

Мен ўламан, гуноҳсиз... сен ёвуз ва бадкирдор...

А р б е н и н

Йўқ, йўқ — гапирма, сени на алдамчилик, ва на
Айёрлик қутқоради... қани тез гапир:
Мен алданганман... Менинг севгим блан ҳечнима,
Хатто дўзаҳ ҳам бундай ҳазиллашолмас, ахир!
Индамайсан? А, ўчга, кинга сен кўп сазовор...
Лекин бу нарса ёрдам қилабилмас. Уласан...
Тинч бўл, бу сир одамлар учун бўлмас ошкор!

Н и н а

Менга энди барибир... Ҳарҳолда мен ҳарқачон
Гуноҳсизман ва покман тангри қошида.

(Улади)

А р б е н и н

(Унга яқинлашади ва тезда юзини ўгиради)

Ёлғон!

(Креслога йиқилади.)

ТУРТИНЧИ ПАРДА
БИРИНЧИ САХНА
БИРИНЧИ ЧИҚИШ

А р б е н и н

(стол олдида, диванда ўтиради)

Заифландим, чарчадим қийноқ ичида,
Учакишиб қалбимда қолмади мадор...

Туйғуларим, қандайдир оғир, жафокор
Ва алдамчи оромни тотди сўнггида!
Бу совуқ уйқу ичра ба'зи вақтларда юрак
Беихтиёр заҳматлар блан ташвишланарак
Аллаимани кутган сингари зирқирайди.
Битмаганмикан дардлар — ажабо бу дун'ёда,
Янги изтиборларни кўриш бор пешонада!
Бўлмағур гап! Кунлар ўтар — унутилар барчаси,
Йиллар юки остида узилар хаёл тори;
Қачон бўлмасин тинчлик, сукунат қайта бошдан —
Менинг бу кўкрагимга жо бўлажак беҳосдан!

(Ўйга ботади, бирдан бошини кўтаради)

Мен хато қилганман! Йўқ, хотираларим ҳар он
Босиб келаверажак! Шундай жонли, равшан, чин,
Мен кўрмоқдаман унинг ёлворишин, қайғусин, —
Нарироқ юр, нарироқ
Жимгина ўтавер, эй сен, уйғонган илон!

(Бошини қўллари орасига олади.)

Иккинчи чиқиш

К а з а р и и *(секингина)*.

Арбенин шу ердами? Қайгули оҳ чекади,
Кўрамиз қандай ўйнар экан комедияни.

(Унга)

Қадрдон дўстим, сенга тушган фалокат
Хабарин эшитиб чопдим ўшал он.
Илож борми — тақдирда ёзилган бўлар албат
Ҳаркимнинг бошида бор ўзга мусибат.

(Сукут)

Ҳа, биродар, етар, бас, ниқобингни ол,
Кўзларинг кибр ҳаво блан ерга қадама.
Бу нарса одамларчун ва халқ ичида дарҳол
Яхши иш беради — биз актёрлармиз-ку роса.
Айтчи, биродар... сенинг тусинг оқарди нечун?

Бугун кеча қартада ютқизгандек сен бутун
О, сен, эски доғули — биз сен блан бапуржа
Сўзлашмоғимиз мумкин... ана қариндош-уруғ;
Мотам тутиб келишган ҳаммаси марҳумага.
Хайр, тез кўришармиз.

(Кетади)

Учинчи чиқиш

Қариндошлар келишади

Хоним (жиянига).

Буларга тангри қаҳри ёғилганлиги равшан;
Эри ёмонди, ўғли бўлибди ёмон — баттол.
Магазинга киришни сен менинг эсимга сол,
Азалик кўйлак учун бир оз мато оламан.
Гарчи ҳозир ҳечқандай даромад бўлмаса-да,
Қариндошлар дастидан ишим бўлар пачава,

Жиян

Ma tante!¹ Эгачимнинг вақтсиз ўлими
Қай сабабдан экан, айтсангиз буни?

Хоним

Сабаби — сизнинг модага берилган кибор олам
Жуда аҳмоқ. Ҳали кўп офат кўрарсиз, бўтам!
(Кетадилар.)

Тўртинчи чиқиш

Ўлик ётган уйдан доктор блан бир чол чиқади.

Чол

Ўлганда бормидингиз?

Доктор

Мени тополмабдилар..

Морожнийдан, баллардан ташвиш кўп дея;
Айтардим-ку ҳамиша.

¹ Хола.

Ч о л

Кафани зангин экан — кўрдингизми, шойилар?
Менинг қардошим ўтган баҳорда этди вафот,
Товутига ёпилганди шундай шойилар қат-қат.

(Кетадилар.)

Бешинчи чиқиш

Доктор

(Арбенинга яқин келиб, унинг қўлидан ушлайди).
Дам олишингиз керак.

Арбенин (чўчиб тушади).

А!

(четга.)

Шув этиб кетди юрак!

Доктор

Бу кеча сиз ботдингиз жуда қаттиқ қайғуга.
Ухлангиз.

Арбенин

Мен уруниб кўраман.

Доктор

Энди қиттак

Ердам ҳам мумкин эмас; сиз ўзингизни жуда
Эҳтиёт қилинг.

Арбенин

Уҳў! Менга бўлмас ҳеч бало.

Бу дун'ода не турли алам ва жафо
Кўрмади менинг сийнам, барибир тагин
Мен тирикман... кўп кутдим: қачон бахт очилгуси;
Бир малак сифатида таңгри юборди уни,
Лекин меним шум, жинойи нафасим
Илоҳий сифатни булғади ёлғиз.

Мана энг гўзал вужуд, менинг малагим,
Қарангиз, ётади у совуқ ва жонсиз.
Мен бир даф'а умримда бегона бир одамни
Номусим гаров қўйиб, қутқордим ҳалокатдан.
А у бир соатдан сўнг, кулги ва ҳазил блан
Чанг солди борлигимга, ағдарди менга ғамни.

(кетеди.)

Доктор

У чинданам касалдир,— ва унинг миясида
Сонсиз аламлар бўлган — гумон йўқ зарра қадар.
У жинни бўлса агар,
Унинг ҳаёти учун хавфим йўқ сра.
(Кетаркан, икки кишига дуч келади.)

Олтинчи чқиш

Мажҳул шахс ва князь киради

Мажҳул шахс

Рухсат этинг сўрашга,— мумкинми, истардик биз
Арбенини кўришни.

Доктор

Чиндан, айтишим қийин.

Унинг хотини кеча ўлди.

Мажҳул шахс

Кўп ачинамиз.

Доктор

У жуда мотамзада.

Мажҳул шахс

Уни қизғанаман чин.

Броқ у уйдаими?

Доктор

Уми? Уйда!— албатта.

Мажҳул шахс

Менинг унда кўп муҳим ишим бор эди, лекин.

Доктор

Жаноблар, сизлар унинг дўстларими, ё ўзга?

Мажҳул шахс

Ҳозирча дўст эмасмиз — аммо у блан кам-кам
Дўст тутунмоқлик учун келдик бу диёрга.

Доктор

У касалдир чинданам.

Князь (*қўрқиб*).

Ҳушидан кетиб ётади?

Доктор

Йўқ сўзлайди, юради,
Ҳали умидимиз бор.

Князь

Худога шукур!

(*Доктор кетади.*)

Еттинчи чиқиш

Князь

О, ниҳоят!

Мажҳул шахс

Юзингиз ўтда ёнар.
Сиз ўз қарорингизда собитсиз ҳали?

Князь

Гумонингиз ҳақлими, ёинки бекор,
Бунинг учун бутунлай ишонтирасиз мени?

М а ж ҳ у л ш а х с

Бирпас қулоқ солингиз — иккимизда мақсад бир,

Иккаламиз ҳам ундан нафрат қиламиз;
Лекин унинг руҳини билмайсиз — гўё қабр

Сингари у зим-зиё ва чуқур, сассиз;

Агар бирон нарсага кўз солса у бир дафқир,

Бас унда абадиян жим кўмилади.

Шубҳа, гумонлар унга далилдек туюлади.

Афв этиш, ачинишни билмас асло у,—

Кўнгли ранжиса унинг билгани шу: ўч олув!

Унга ана шу мақсад; ана шу қонун.

Ҳа, у чаққон ажалнинг бордир бирон сабаби.

Унга душманлигингиз билгандим — мен дўст каби

Сизга хизмат қилайин. Сиз сўқишасиз ҳали,

Мен икки қадам ортда, тамошабинман бутун.

К н я з ь

Аммо бир кун илгари мени ранжитганини
Қайдан билақолдингиз?

М а ж ҳ у л ш а х с

Сўзлардим-ку барини,

Аммо қизиги йўқдир сиз учун сра,

Яна бу ҳақда сўзлар бутун бир шаҳар.

К н я з ь

Ҳеч чидаб бўлмас фикр!

М а ж ҳ у л ш а х с

Сизни қийнар шугина.

К н я з ь

О, сиз билмайсиз, уят ёмон нақадар!

М а ж ҳ у л ш а х с

Уят?— Буни унутишни ўргатади тажриба.

К н я з ь

Исмингиз нима?

Мажҳул шахс

Сизга керакми исмим?
Мен сизга бир шерикман, номусингизга.
Чинакам ҳомий бўлиб ўзим ишга киришдим.
Бундан ортиқни билиш керакмас сизга.
Ҳа, жим! Одимлар... оғир, салмоқли, секин-секин
Юриб келмоқдалар.— У! Унинг ўзи!— Бир нафас
Нари кетсангиз— Унга ба'зи гаплар айтайин,
Сизнинг гувоҳлигингиз бизнинг ишга ярашмас.

(Князь бир чеккага кетади.)

Саккизинчи чиқиш

Арбенин (шам кўтарган ҳолда).

Улим! Улим! О, бу ер, ҳамма ер бу сўз блан
Тўлган гўё,— қамраган руҳимни ҳам ичидан;
Мени у тақиб этар, хотинимнинг тош каби
Ҳиссиз жасадига мен узоқ боқдим жимгина.
Тилга, тасвирга сиғмас юрак ҳасрати,
Бу ҳасрат блан тўлган, тошган бутун шу сийна.
Юзларида тинч ҳузур, у гўдакларча беғам.
Абадий бир табассум гунчадай очилди жим,
Қучоғига оларкан абадият: кел, бўтам! —
Унда ўз тақдирини ўқиди руҳи ҳалим:
Наҳотки, мен янглишдим? Йўқдир хатога имкон,
Янглишмайман — ким менга унинг гуноҳсизлигин —
Исбот қилаолади — ёлғон, бу ёлғон!
Қаерда исбот, далил — менда, улар менда бор!
Ишонмадим хотинга — энди кимга ишонай,
Ҳа, мен эҳтиросли эр, ҳамда совуққон ғаддор
Судья бўлдим — ким мени бу ишончдан қайтарар,
Қайтаришга ботинар?

Мажҳул шахс

Ботинаман — мен!

Арбенин

(дастлаб қўрқади ва орқага чекилиб, шамни юзига тутади).

А сиз кимсиз?

Мажхул шахс

Евгений, танимадинг сен мени,
Бу ҳол таажжуб эмас — дўст эдик бир замонлар.

Арбенин

Кимсиз, ахир?

Мажхул шахс

Мен сенинг муаккилингман эзгу.
Узни билдирмай, юрдим ҳарқаерда сен блан,
Ҳамиша юзим бошқа, ҳамиша бошқа кийим —
Хабардор бўлдим барча ишларингдан,
фикрингдан —
Яқинда маскаралда сени огоҳлантирдим.

Арбенин (чўчиб тушиб).

Авлиёларни сра ёқтирмайман, шу замон.
Чиқиб кетинг, сўрайман, — жиддий айтаман сизга.

Мажхул шахс

Менга ҳеч кор қилмайди сизнинг бу қат'ий фармон,
Кулоқ солмайман сизнинг таҳдид овозингизга,
Мен кетмайман бу ердан — энди менга хўп аён
Бўлдики, танимадинг. Мен ундай хавф-хатардан
Қўрқучи, сақладиги кўп чоқдан буён
Мақсадидан айновчи одамлардан эмасман.
Мақсадимга етишдим — мен бу ерда узала
Тушаман-да, ўламан бир қадам йўқ орқага.

Арбенин

Мен ўзим шундақаман — аммо ортиқ бу блан
Мақтанмайман.

(Утиради.)

Тинглайман.

Мажҳул шахс (четга).

Ҳалигача ҳам
Менинг сўзларим унга та'сир қилмади надан?
Ёинки ҳақиқатан янглишган бўлмай!
Оқибатни кутамиз.

(Унга).

Етти йил бундан олдин,
Арбенин, танир эдинг мени. Ёш эдим аммо,
Тажрибасиз эдим ҳам давлатманд ва бетизгин.
Сен эсанг — кўксинг ичра бу совуқ бўлмишди жо—
Сен ўзинг ҳарқаерда ифтихор этган одат —
Йўлдошингди ҳар нарсадан жирканиш қаттиқ
нафрат!

Билмайман, ақлингданми кўрармиз буни,
Ёки шароитданми — руҳингни текширучи
Мен эмасман. — Уни худо билар-ку,
Чунки шундайин руҳни ясай олган ёлғиз у.

Арбенин

Бошланиши яхшидир.

Мажҳул шахс

Бўлмас охири ёмон.

Бир вақт мени аврадинг, — тортабилдинг ҳам
Ўз ёгинга... ҳамёнда лиқ тўла ақчам, —
Ҳа, яна мен у замон

Толи'га ишонардим. — Сен блан ўйнаб қимор.
Ютқаздим, — отам хасис ва жуда гаддор
Бир одам эди, — ундан дакки эмаслик учун
Ютқизиқни қайтаришга мен жазм айладим бутун.
Сен ёш бўлсанг-да гарчи даҳшатли бир панжада.
Гўё бўғгандек мени, — ютқаздим барин яна.
Ўзни йўқотаёздим — ёдингдадир, эҳтимол,
Кўзёшлар, ёлворишлар... броқ буларнинг бари

Сенинг фақат кулгингни қистатди.— О! Бир
ханжар

Блан кўксимни ёриш яхшироқ эди балки,—

Сенда у замон броқ,

Пайғамбарона қараш йўқ эди илгарига.—

Сенда ёмонлик тухми мана ушбу чоқ

Ҳақиқий мевасини бермиш мўлгина,

*(Арбенин сапчиб турмоқчи бўлади, лекин яна ўйга
чўмади)*

Мен ўша ондан бошлаб тарк этдим ҳар нарсани,

Аёлларни ва ишқни, ёшликнинг завқ-наш'асин,

Энг нозик хаёлларла ҳаяжонлар лаззатин,

Ва жаҳонда очилди янги жаҳон сир каби,

Ажойиб ва яп-янги сезгиларга бой олам,

Жамиятдан қувилган инсонларнинг диёри,

Иззат нафсини билган, юраги музлар жойи,

Бунда оромбахш эди азобларнинг ўзи ҳам.

Мен кўрдимки — дун'ёда ёлғиз ақча ҳукмдор,

Дарров унга топиндим.— Йиллар ўтди, ҳарна бор.

Барчаси оқди кетди: бойлигим ва сиҳатим!

Бахтнинг эшиги менга ёпилди абадиян!

Сўнгги шартни сўрадим тақдир хазиначидан:

Мана кўриб турибсан, қалайдир ваз'иятим.

А! Қалтирамоқдасан!— Англайсан ҳарна эса,

Менинг мақсадимни ҳам, ва айтган гапимни ҳам —

Хўш — сени танимамайман — деб айта кўрчи яна.

Арбенин

Йўқол,— танидим сени — танидим шу дам!

Мажҳул шахс

Йўқол! Атиги шуми — мендан кулган эдинг-ку,

Мен ҳам бир хурсанд бўлай.

Яқинда қулоғимга чатилдики, сен ушбу

Кунларда бахтиёрсан, уйлангансан, ҳамда бой;

Жула аччиғим чикли — дилим зарлобга тўлди.

Ва узоқ вақт ўйладим: нима учун ул

Шундай бахтиёр бўлар — ичимдан нидо бўлди.

Ва шивирлади менга: «бор, бор, тинч қўйма буткул.»

Мен оломон ичида ҳар вақт орқангдан юрдим
Чарчамадим, ҳамиша сенла югурдим,
Ҳаммасин билиб, ниҳоятида,
Меним меҳнатларимга етти хотима.
Қулоқ сол — билиб олдим — сенга бирдан-бир
Ҳақиқатни очаман...

(Чўзиб гапиради)

Қулоқ сол: хотинингни ўзинг ўлдирдинг, аҳир!
(Арбенин сакраб тушади, князь яқинлашади)

Арбенин

Ўлдирганман?— Мен?— Князь! Оҳ! Бу нима
тағин...

Ма ж ҳ ул ш а х с *(Орқага чекиниб)*.

Мен ҳаммасини айтдим, у айтади қолганин.

Арбенин *(қаттиқ ғазабланиб)*.

А! Фитна-фасод... кўп соз... мен сизларга асирман.
Сизга мони' бўлмоқлик кимнинг қўлидан келар?
Ҳечкимнинг... сиз бу ерда подшосиз... ҳақирман
Упаман оёғингиз... Руҳим ҳолсиз зирқирар
Кўзларингизга қараб... мен гўдакман ва аҳмоқ,
Сўзларингизга қарши йўқдир ера жавобим.
Ҳазил блан алдандим, енгилдим бир зумдаёқ,
Болтага ҳам эгаман индамасдан гарданим;
А сиз адашдингизми, менинг руҳимда ҳали
Ақл бор, жуда эски тажриба бор, қувват бор.
Барчасин унинг қабри тортган деб сиз умидвор?
Сизга жавоб бермайман нақ ўтмишдаги каби?
Мен, сизнинг фикрингизча, жуда ожиз эканман,
«Миш-миш» гаплар макрига учибсиз бекор!
Аҳа, саҳнангиз жуда яхши қурилган экан,—
Ўйиннинг охирини пайқамасиз, не бўлар.
Манави бир бола-ку — шунга боқмай мен блан
Қурашмоқни ўйлабди. Унга лўнда шапалоқ
Оз кўринган ўхшайди — тотасиз ўзгасидан.

Албатта, сиз тотасиз кўп ўтмасданоқ.
Ҳаёт зериктирдими! Ажабланмаслик мумкин:
Аҳмоқнинг, бекорчининг будир ҳаёти зотан.
Хотиржам бўлинг энди — ўлдириласиз чиндан,
Ўласизда, оласиз олчоқ номини бутун.

К н я з ь

Кўрармиз — лекин илдам.

А р б е н и н

Хўп, борамиз, борамиз.

К н я з ь

Бахтлиман ҳозир.

М а ж ҳ у л ш а х с (*тўхтатиб*).

Ҳа,— муҳим гап эсдан чиқмиш.

К н я з ь (*Арбенини тўхтатиб*).

Шошманг, шуни билингки, сиз мени беҳудага
Қоралаган экансиз... Сизнинг у қурбонингиз
Бутунлай айбсиз экаи — мени печун жуда
Ҳақорат қилгандингиз... шу тўғрида хабардор
Қилмоқчи эдим сизни — борамиз муҳим иш бор:

А р б е н и н

Нима? Нима?

М а ж ҳ у л ш а х с

Хотининг гуноҳсиз.— Сен кўп ёмон
Жазо берибсан унга.

А р б е н и н (*Қаҳ-қаҳа уради*).

Ҳазилингиз бепоён.

К н я з ь

Йўқ, йўқ,— ҳазил билмайман, худо ҳақи гапим чин.
Тақдир тақозосила унинг билагузуги

Баронесса қўлига тушган ва кейин

Баронесса ўз қўли блан топширган уни.

Мен ўзим янглишганман, менинг севгимни лекин
Хотинингиз бутунлай рад этган эди.

Бир хатодан шунча кўп ёмонликлар чиқишин
Билсам, мен на кўз ва на табассум ахтарардим,
— Баронесса ҳам,— ушбу мактуби блан

Сизга очиб ташлайди бутун ишни зимидан.
Тезроқ ўқинг!— фаниматдир менга ҳарбир он...

(Арбенин хатга қарайди ва ўқийди.)

М а ж ҳ у л ш а х с

(Кўзларини осмонга мунофиқона тикиб).

Бадкирдорни — қотилни қисмат айласин яксон!

Афсус! гуноҳсиз ҳалок бўлди бечора.

Лекин бунда бўларди насибаси ғам-ғусса,

Самоларда у топар жаннатдан макон!

Оҳ мен уни кўрганман,— унинг кўзлари бутун —

Рухининг аслиги блан ёнарди порлоқ,

Ким ўйларди бу гўзал гулни тўсиндан қуюн

Эзиб-янчиб ташлайди бир нафасдаёқ?

Нега лол бўлиб қолдинг, бадбахт, сен бу чоқ?

Юл сочларингни, қийнал, ўртан ва бақир.

Даҳшат! О! Даҳшат!—

Арбенин (уларга ташланади).

Мен бўғаман сизларни, жаллодлар, ҳозир!

(Бирдан бўшашиб, курсига йиқилади)

К н я з ь *(Дағаллик блан туртиб).*

Тавбаю-тазаррудан бир фойда чиқмас.

Пистолетлар кутади — жанжал ҳал бўлсин буткул.

Индамас ҳам эшитмас... ва наҳотки, ул

Ақл-ҳушдан айрилган...

М а ж ҳ у л ш а х с

Эҳтимолки, рост...

Князь

Менга мони' бўлдингиз.

Мажхул шахс

Урамиз якка-якка.

Мен ўч олдим, сиз сал кеч қолдингиз, назаримда!

Арбенин

(ваҳшиёна боқиб, ўрнидан туради)

О, сиз нима дедингиз? Битти тоқатим,
Шундай ҳақоратландим, мен шундай ишонардим...
Кечир, эй тангри, кечир,— ўзинг қил карам.

(Қаҳ-қаҳа уради.)

А кўзёшлар, надоматлар, ёлворишлар бўлди кам?
Сен ўзинг кечирдингми?

(Тиз чўкади.)

Мана, мен қаршингизда тиз чўкдим бир қул каби:
Айтингизчи, хиёнат, маккорлик — булар бари
Аниқ равшан-ку ахир... сиз хотинимни ҳозир
Қоралангиз, истайман ва буюраман шуни.
У гуноҳсиз? Сиз шунда бўлганмидингиз, ахир?
Билганмидингиз надир менинг руҳим қайғуси?
Мен ҳозир ўтингандай, менга ёлворди у ҳам,
Хато — мен хато қилдим — нима бўлибди, қани!
Худди шундай деганди унинг ўзи-да у дам,
Лекин мен: ё л ф о н, дедим бугапларинг барчаси.

(Ўрнидан туради.)

Буни мен айтдим унга.

(Сукут)

Тинглангиз мана буни:

Унинг қотили менмас.

(Мажхул шахсга қаттиқ тикилиб қарайди)

Сен, сен, эт иқрор,

Тез иқрор эт, дадилроқ гапир, беғубор,

Кўнгил блан лоақал менга сўзла бир йўли.
О, азиз дўст, сен менга мунча золимсан?
Мен уни севардим-ку, унинг томчи кўзёшин
Кўкларга, жаннатларга алишмас эдим локин,
Майли, мен ҳаммасини сен учун кечираман.

(Унинг қучоғига йиқилади ва йиғлайди.)

М а ж ҳ у л ш а х с
(уни қўполлик блан итариб)

Узингга кел,— эсингни йиғ...

(Князьга.)
Бундан олиб кетамиз...
Очиқ ҳавога чиқса, албатта, тез у
Тузук бўлиб қолади...

(Унинг қўлидан ушлайди.)

Арбенин!

А р б е н и н

Биз мангу
Қўришмаймиз... Хайр, хайр... юринг, борамиз...
— Бу томонга, буёққа.

(Унинг қўлидан чиқиб, тобут турган уйга югуради.)

К н я з ь

Тутинглар уни!

М а ж ҳ у л ш а х с

Бу мағрур ақл — закө бугун тамом бемадор!

А р б е н и н
(фар'ёд чекиб, қайтиб келади)

Қарангизлар, бу ерда! ҳай қарангизлар!

(Саҳнанинг ўртасига келиб)

Мен сенга айтдим-ку,— сен золим, гаддор!

*(Ерга йиқилади, кўзларини бир нуқтага тикиб,
яслангандай ўтиради. Князь ва Мажхул шахс унинг
тепасида туришади.)*

М а ж х у л ш а х с

Ўхшатиб ўч олмоқлик эди умрим мақсади,
Мана, бугун ўчимни олдим мен тамом!

К н я з ь

У телба бўлди... Бахтли... А мен? Мен номус ва ном,
Кўнгил тинчлигидан ҳам маҳрум бўлдим абадий!



ПРОЗА



ВАДИМ

І ҚИСМ

І БОБ

Кун ботмоқда; монастырь минораларининг черепицалари ва ёрқин минораларида жилоланиб турган қизғиш нурлар ғарб бўйлаб чўзилган бинафшаранг булутлар орасидан базўр ўтмоқда. Кечки ибодатга қўнғироқ чалинди; монахлар блан хизматкорлар архимандритнинг ҳужрасига олиб борадиган тош зиналарда уёқдан-буёққа юриб туриптилар; уларнинг узун, қора ридоларининг этаги ерда судралиб, чагғни супуриб кетмоқда, улар виқор блан юриб, ибодат қилучиларни туртиб кетардиларки, гўё уларнинг асосий вазифаси ана шу туртиб кетишдангина иборатга ўхшарди. Шамларнинг титроқ алангаси исириқнинг қоронғи пардаси остида хира ва қизғиш бўлиб кўринади; ибодат қилучилар зах устунлар атрофида тиқилишиб турар ва оломоннинг бўғиқ, тантанали говур-ғувури гумбазларда акс-садо қайтариб, ибодатнинг ҳали бошланмаганидан далолат берар эди.

Монастырь дарвозаси олдидаги манзара бошқача эди. Бирнеча тиланчи ва ногиронлар ибодатхонларнинг садақа беришини кутиб турарди; улар жанжаллашиб, сўкишиб катта бўз тўрваларда жаранглаётган мис чақаларни бўлишиб олар эдилар; булар табиат ва жамият томонидан рад этилган кишилар эди (фақат шундай ҳоллардагина жамият блан табиат ҳамжиҳат бўлади). Булар умидлари етарли бўлмагани ёки ҳаддан ташқари кўп бўлгани орқасида ҳалокатга учраган

кишилар эди, булар парвардигорга нисбатан та'на-ломатнинг тимсоли эдилар, булар раҳм-шафқат талаб қилишдан маҳрум бўлган кишилар эдилар, чунки буларнинг бирорта ҳам хайр-саҳоватлари бўлмагани ва ҳечқачон раҳм-шафқат кўрмаганликлари учун бирорта ҳам хайр-саҳоватлари йўқ.

Буларнинг қалблари худди кийимлари каби қора, увада эди. Ботаётган қуёш шу'лалари бошларга, елкаларга, суяги туртиб чиққан эгик тиззаларга тушиб турарди, юзларидаги чуқурлар одатлагидан ҳам қорароқ бўлиб кўринарди; ҳарбирининг пешонасига абадий ҳарфлар блан: *қашшоқлик!*— сўзи ёзилган эди. Қани энди, уларнинг кўзларида ёки табассумида гурурнинг ақалли бир белгиси, озгина қолдиғи кўзга ташланиб турса!

Тиланчилар тўдасидаги бир киши уларнинг гап-сўзига аралашмасдан, дуолар ёзилган муқаддас дарвозага жимгина қараб турарди; у букир ва чўлоқ эди; аммо унинг а'золари маҳкам бўлиб, ана шу шармадали аҳволнинг машаққатларига кўникиб қолгандек кўринарди; юзи узун, буғдойранг; бурни алифдай, сочи жингалак; унинг кенг пешонаси олимнинг пешонасидек сарғимтир, бўрон олдидан қуёшни тўсиб туручи бўлудек мудҳиш эди; унинг нотекис ажинларини кўкиш томир кесиб ўтган эди; юпқа, қонсиз лаби аллақандай беихтиёр титроқ блан гоҳ осилиб, гоҳ тортилиб турарди ва кўзларида бутун бир истиқбол порларди; ўртоқлари унинг кимлигини билмас эдилар; лекин қалб иродаси ҳамма ерда малум бўлади; улар унинг овозидан ва қарашидан кўрқардилар; улар бу кишидаги чексиз бахтсизликни эмас, балки аллақандай улугвор нуқсонни, унинг одамлигини эмас, балки иблислигини ҳурмат қилардилар:— у хунук, жирканч эди, броқ уларни бу нарса қўрқитмас эди; унинг кўзларида шунча ўт ва ақл, шунча илоҳий нарса бор эдики, улар шу кўзларнинг қарашидagi ма'нога ишонишга ботинолмай, нотаниш кишининг ажойиб алдамчилигини ҳурмат қилардилар. У ҳали 28 га ҳам кирмагандек кўринарди; унинг юзида ҳар доим чексиз, аччиқ истеҳзо акс этиб турарди; унинг нигоҳи бутун оламни қамраб олучи сиҳрли

доира эди; унинг қалби ҳали чинакам ҳаёт кечирмаган бўлса ҳам, аммо мукаммал ҳаёт кечириш ва муддатидан илгари абадийликка равона бўлиш учун ўзининг бор кучларини йиғмоқда эди;— тиланчи қўлларини кўксига қўйиб, муқаддас дарвоза тепасидаги ранги айнаган бўёқлар блан тасвирланган иблисни кўздан кечиран ва ичида унга ачинар эди; у бундай деб ўйларди — агар мен иблис бўлсам, одамларга азоб бермас, балки улардан нафратланар эдим; улар жаннат қувғиндиси, худо рақибининг йўлдан оздиришига арзийдиларми!.. Одам бошқа гап; у нафрат блан тугатмоқ учун ёмон кўришдан бошлаши керак!—

Унинг серҳаракат қошлари остида кўзлари порлаб, озгин ёноқлари қизғиш доғлар блан қопланарди; унинг а'золари бир-бирига тамомила мутаносиб эди; унинг қалбини биргина эҳтирос банд қилган эди ёки, тўғрироғи, унинг биргина эҳтироси бор эди ва бу мукаммал бир эҳтирос эди!

— Исо ҳақи, тўрам, адоларга, ногиронларга, кўзи ожизга... Исо ҳақи, учпул садақа қилинг!— унинг ўртоқларининг ноласи эшитилди; у қалтираб кетди, ўгирилиб қаради ва шу дақиқада унинг қисмати ҳал бўлди. У кимни кўрди денг? Худди рус дворяни Борис Петрович Палициннинг ўзини кўрди.

І І В О В

Баланд бўйли, соғлом, аммо сочи оқариб, кўзи хира тортиб қолган, ёқасида Анна крести бўлган калта кўк камзул кийган, 50 ёшлар чамасидаги кишини тасаввур этинг; у узун ва қўпол этикка яширинган оёқларини чанг тошларга босар экан, кўнгилсиз садо берарди; у қўлларини салобат блан силкитиб борарди ва ҳар гал, хира тиланчилар йўлини тўсганида, кенг пешонасини тириштирарди;— иккита хизматкор унинг орқасидан қолмай, эргашиб борарди. Палицин монастырьнинг кружкасига кумуш сўлкавой ташлади-да, тиланчиларни туртиб, хитоб қилди: «Йўқол, ялқовлар! Шундоқ азамат бўлатуриб, Исо ҳақиға садақа сўрайдилар-а— нега ишламайсизлар?— Ишқилиб шу уятсиз саёқларни

очдан ўлдирадиган вақт ҳам келсин-да.— Мана, ҳаммангизга бир сўм.— Тагин, буни талашиб, гажишманлар».

Шу вақт букир тиланчи индамай саҳий жанобга яқинлашди-да, ёниб турган қора кўзлари блан унга тикилди; бу қараш тўхтаб қолган чақмоқни эслатарди ва унинг сирли та'сирига дучор бўлган кишини титроқ босиши керак эди ва гўё унинг қовоқларига кўрғошин муҳр босилгандек, у ҳам худди шундай қараш блан жавоб беролмас эди; агар оҳанрабо бор бўлса, тиланчининг қараши энг кучли оҳанрабо эди.

Кекса жаноб оломондан узоқлашиши блан, тиланчи унга стиб олиш учун жадал юриб кетди.

Палицин қайрилиб қаради.

— Сенга нима керак?

— Жуда оз нарса! Менга иш керак...

Чол тиланчига, унинг букирига ва эгри оёқларига истеҳзо блан боқди... Лекин қашшоқ заррача ҳам қизармади ва хотини бошига бир кўза сув қуйиб юборган вақтда Сукрот қанча бепарволик қилган бўлса, тиланчи ҳам шунчалик бепарволигича қолаверди — аммо бу бепарволик донишманднинг бепарволиги эмас эди — тиланчи донишманддан кўра ўз зарбининг аниқлигига ишонган дуэлчи қиличбозга кўпроқ ўхшар эди.

— Агар сен, тўрам, мени меҳнат қилолмайди деб ўйласанг, у ҳолда мен сени бу масалада хотиржам қилиб қўйишим мумкин.— У катта тошни кўтариб, коптокдек айлантирабоншлади; Палицин ҳайрон бўлиб қолди.

— Менга хизматкор бўлишни истайсанми?

Тиланчи бир нафас бошини эгиб, ўз ҳомийсининг кўлини ихлос блан ўпди...— Наҳотки, у бекордан-бекорга ўз эркини қулликка олмошишга рози бўлса?— Пугачёв пайдо бўлишига 2 ой қолганда қул номини олиш фикри жуда галати-да.

— Отамнинг боши ҳақиға онд ичаманки, ўз вазифамни бажараман!— хитоб қилди тиланчи, ва унинг рангпар юзида дўзаҳий қувонч порлади.

— Отинг нима?

— Вадим!

— Бедаво та'виянинг чиройли отини қараи-а!

Хизматкорлар бойнинг ҳазилини илиб олиб, хахолаб кулишди; тиланчи уларга нафрат назари блан қараган эди, уларнинг но'урин шодлиги барҳам топди; пасткаш қалблар ҳарнарсасага, ҳатто бошлиқларининг бир қадар э'тиборини кўрсатучи хўрлашларга ҳам ҳасад қилдилар.

— Юр орқамдан!..— деди Палицин ва ҳаммалари монастирьдан узоқлашдилар. Вадим тез-тез орқасига қараб қўяр эди! Нимранг уфқда текис қорамтир шаҳарларга хос кунгираддор деворлар, миноралар ва черков бир хил тусда кўриниб турарди; аммо бу манзарада аллақандай бир улуғворлик бор эдики, бу улуғворлик қалбни ўз қисмагини ўйлашга, мангулик ҳақида, дун'ёвий ва самовий улуғворлик ҳақида ўйлашга мажбур этар эди; ана шундай пайтларда, яхшилик бўлган ерда жинойт ҳам бўлиши мумкинлигини тушунмайдиган ба'зи одамлар ожизлигининг сокин ҳайқали бўлган танҳо монастирь сингари қоронғи ва гўзал фикрлар туғилади.

111 БОБ

Борис Петрович кечқурун уйга жуда кеч қайтди; итлар уни овозлари борича вовуллашиб қарши олдилар; иморатни чироғ шу'ласи тушиб турган дераза ойналарига қарабгина таниб олиш мумкин эди; шамол шовқун солиб, бой кўраси атрофига ўтқазилган толларни силкитарди. От дупури эшитилиши блан хизматкорлар фонарь кўтарган ҳолда жилмайиб ва ичларида бойга ла'нат ўқиб, уни кутиб олиш учун чиқишди; улар бой учун иссиқ ўринларини ва балки, бундан ҳам ширинроқ нарсаларини ташлаб чиқдилар. Палицин уйга кирди;— зал қоронғи эди, дераза ромлари шамолдан ва кучли ёмғирдан дирилларди; меҳмонхонада шам' ёнарди; бу хона 18-нчи аср услубида мукамал жиҳозланган эди; ранг-баранг гулқоғозлар, учта тўгарак стол; ҳарбир стол ёнида унча катта бўлмаган узун курси турарди; иккита баланд печь ўртасидаги қалин деворга кўримсиз ҳайкалчалар терилган бўлиб, бу девор роса бўялган; унда Петр I нинг Полтава жангидан кейин

Москвага виқор блан кириб келаётган пайти рангсиз бўёқлар блан тасвирланган: бу суратни тасвирий программа деб аташ мумкин.

Енғоқ дарахтидан ясалган силлиқ стол ёнида семиз бир хотин уёқ-буёққа қараб ҳомиза тортиб ўтирарди, меҳрибон хотин!.. семириш, ҳомиза тортиш, хизматкор қизларни, гумаштани, иш бошини, кайфи чоғ эрини қарғаш... шўрликнинг ҳаёти шундан иборат! Бу иш қирқ йилга чўзилади ва яна шунча давом этади... кейин, унга аза тутадилар... уни хотирлайдилар, унинг фаришталарга хос хулқини мақтайдилар, эҳ афсус, дейдилар... Бу ажойиб ҳаётни қараг-а! Агар уни қанчадан-қанча йилларни ютиб юборадиган ва ҳаммадан ҳам ёмони — одамнинг ҳисларини худди япроқлардек бирин-кетин чирт-чирт узиб ташлайдиган бўронларимиз блан таққослаб кўрганда, бу нарса янада яққолроқ кўзга ташланади.

Настасья Сергеевнанинг (мен Палицинининг хотинини шундай деб атайман) оёқ томонида, скамейкада унинг ёшгина асранди қизи ўтирарди.—Бу, одамзодга ҳаддан зиёда ачингани учун жаннатдан қувилган фаришта эди.— Стол устида ёниб турган шам чироқ унинг кенггина ма'сум пешонаси блан бир ёноғини ёритиб турарди ва агар диққат блан қаралса, унинг бу ёноғида майинггина олтин ранг тукни пайқаш мумкин эди; юзининг қолган қисмига қуюқ соя тушиб турарди; у йирик кўзларини кўтарган пайтдагина қоронгуликда бир жуфт учқун ярқ этарди; унинг чеҳраси гоҳ-гоҳ тушимизга кириб турадиган, аммо ўнгимизда деярлик ҳечқачон кўринмайдиган чеҳралардан эди.— Унинг сийнаси астагина қалқиб турарди, у гоҳ бошини эгиб, ишига тикилар ва узун соч ўримлари қулоқлари орқасидан сирғалиб тушиб, кўзларини қоплаб оларди; ана шунда унинг узун бармоқли оқ қўли шу'лада кўринардик, биттагина шундай қўл бутун бир суратга арзирди!—

Борис Петрович кириб келди; икковлари ўринларидан турдилар.— Мен янги малай олиб келдим,— деди у.— Ҳазина!— Ишга иштиёқманд тиланчи!— Унинг унча эпчил эмаслиги афт-ангоридан ҳам ма'лум бўлиб турипти — аммо жуда итоаткор!— Уни ҳозир ўзинг

кўрасан — ҳей! — Вадимка! — югур. — Беўхшов тиланчи кириб келди. Бойвучча унга, ўғирлик молга қарагандек, бепарволик блан қаради... «бунча ҳам та'вия бўлмас!» — деб хитоб қилди у. Лекин Вадим эшитмади — унинг қалби йиғлар эди. Эр хотини блан ўрим-йиғим, зиғир ва хўжалик ишлари ҳақида анчагина гаплашиб қолди; улар тиланчини бутунлай эсдан чиқардилар; у роппароса бир соат эшик олдида туриб қолди. У қаёққа қарар эди? Нималарни ўйлар эди? — у ўз қалбида янги тор кашф этди, ўз ҳаётининг янги вазифасини топди. У бутун бир соат давомида тик турди; ҳечким уни назар-писанд қилмади; Настасья Сергеевна ўз хонасига кириб кетди, — ва шунда Палицин асранди қизининг ёнига келди:

— Қалай, менинг янги малайим сенга ма'қулми?

— Та'вия! — деб жавоб берди Ольга, — ва шу онда ёқ тиш ғижирлашига ўхшаш товушни эшитгандай бўлди. — Бунақа ола-бўжиларни бошлаб келиб нима қиласиз, — деди қиз сўзида давом этиб: — биз қафасдаги қушчаларнинг шусиз ҳам ҳаловатимиз йўқ!..

— Айтганимга рози бўлмаганинг учун ҳаловатинг йўқ, — деди Борис Петрович ва қизни қучоқламоқчи бўлди.

Ольга қипқизариб, унинг қўлини итариб ташлади; бу ҳаракат оддий қизнинг олийжаноб жасоратидан далолат берарди.

— Айёр қиз, нақадар чиройли эканингни билсайдинг: наҳотки, кексаларнинг қалби бўлмаса, наҳотки, бу қалбнинг бирор бурчида қон қайнаб, туғ'ён кўтармаса! Агар сўзимга кирсанг, шунақа бахтли бўлар эдингки! Менга қара... менда катта дур қадалган олтин исиргалар, эрон рўмоллари бор, менда пул бор, пул, пул...

— Сизнинг уятингиз йўқ! — деб жавоб берди Ольга; Палицин унга қараб ўшқирди, лекин ёндаги хонадан оёқ товуши эшитилиши блан, пўписа қилиб чиқиб кетди.

— Э худо! — шу хитоб қизнинг кўкрагидан беихтиёр отилиб чиқди; бу — ҳам дуо, ҳам гина эди.

Беўхшов тиланчи эшик олдида ҳамон қўлини қовуштирганича индамай, ҳаракатсиз турарди — унинг

киприклариди ёш томчилари ярқираб кўринди: эҳтимол, бу кўзёш — алам ёши, унинг дастлабки кўзёшидир!.. Бундай кўзёши юракни адо қилади, бир неча йиллик умрни ҳазон қилади, миллион-миллион ширин умидларни бир дақиқада чиппакка чиқариб юборади! Бизларни ўн йил ичида бутун бир аср илгарилатган Наполеон олам учун қанчалик аҳамиятга эга бўлса, бу кўзёши ҳам бир одам учун шунчалик аҳамиятга эга.

— Сен ота-онангни биласанми, Ольга?— деди Вадим.

— Ғалати савол!— деб жавоб берди қиз.

— Сен уларни биласанми?— у саволини шундай бир оҳангга такрорладики, бу оҳанг уни бир титраб кетишга мажбур қилди; қиз аллақачонлар ўтиб кетган бир нарсани эслатаётгандек, унинг кўзларига тикилди.

— Мен етимчаман, отам мени чақалоқлик вақтимда ташлаб кетган — унинг қаёққа кетганини худо билди — ҳарқалай, жуда олисга кетган бўлса керак, қайтиб келмади.— Вадимнинг пешонаси тиришди ва ёниб тугаётган шамда кучсизгина ёриб турган башараси аччиқ заҳарханда блан иблисона тус олди.

— Қаёққа кетганини билишни истайсанми?

— Истайман!..— қизнинг ёшга тўлган кўзлари чақнаб кетди.

— Ўйлаб кўр,— мен сенга нотаниш одамман — балки ҳазиллашаётган, мазах қилаётгандирман... Ўйлаб кўр; шундай сирлар бўладики, уларнинг тагида заҳар ётади, бу сирлар икки қисматни бир-бири блан чамбарчас боғлайди; ўз нафаси блан бошқаларнинг бахтини заҳарлайдиган одамлар бор; уларни севадиган ва ёмон кўрадиганларнинг ҳаммаси ҳалокатга маҳкум этилган... унисидан ҳам, бунисидан ҳам кўрқ — сен менинг сиримни билишинг блан ўз тақдирингни хавфли одамнинг қўлига топширасан: у одам бу гулни эркалаб ўстиролмайди: бу гулни ёғимлаб ташлайди...

— Албатта билишни истайман...— деб хитоб қилди тажрибасиз қиз.

У атрофга аламлилади — аммо бу вақт тиланчи хонадан чиқиб кетган эди.

Икки кун ўтди — Вадим ҳали ҳам сирини айтгани йўқ... Наҳотки, у қиз қалбига ўт ёқишнигина истаган бўлса? Агар шундай бўлса, у муродига етди. Ольга турли баҳоналарни ўйлаб топиб, бойвуччасининг газабига ҳам қарамай, зерикарли ишини ташлаб кетар ва Вадимни чеккароқдаги бирорта холийроқ хонада учратишга ҳаракат қилар эди; таажжуб! у Вадимни деярлик ҳамавақт ўзи истаган ерида топарди ва шунда ўзини мафтун қилган сирни билиб олмоқ учун илтимос қилар, ялиниб-ёлворар, барча ҳийла-найрангларини ишга солар, аммо уни сра ҳам кўндиролмас эди; Вадим гапни бошқа ёққа буриб, уни турли ҳикоялар айтиб овутарди-ю,— лекин сирни очмас эди; қиз унинг ақлидан, жўшқин хулқидан таажжубланар, унинг қоронғи қалбини тушунабошлар ва бу одамнинг қўллик учун туғилмаганини пайқар эди:— ана шу нарса уни Вадимга ишонишга мажбур этди; ҳокимият мағрур қалбларни бир-биридан жудо қилади, асорат эса уларни бир-бири блан бирлаштирадики, бу таажжубланарли ҳол эмас.

Куллардан бир кун қиз унинг қўлини ушлади.

— Ростданам мен жуда хунукман-а! — деб хитоб қилди Вадим.— Қиз унинг қўлини қўйиб юборди.— Ҳа,— сўзини давом этдирди у.— Мен буни ўзим биламан.— Осмон мени ерда бирор киши севишини ихтиёр этмади, чунки у мени бошқаларни нафратлаш учун яратди,— сен эртага ҳаммасини билиб оласан:— сени авайлаб сақлаб нима қиламан?— Оҳ, агар... узоқ вақт сукут сақлаганим учун мендан ўпкалама.— Эҳтимол, вақти блан сен ҳам: чўлоқ ва букир бўлиб туғилган бу одам соқов, кўр ва кар бўлиб туғилса ҳам бўлмасмиди!..— деб ўйларсан.

Вадимнинг бошқа хизматкорлар блан муносабатини тушуниб бўлмас эди, чунки унинг мақсадини ҳечким билмасди; мен уни қўйидаги гапларда бир қадар тушунтириб бераман; уйга кираверишдаги зина-пояда бири кексайиб қолган ва иккинчиси йигирма ёшларда бўлган икки хизматкор ўтирарди, улар бундай деб сўзлашардилар:

— Буни қара, Федька, балчиқдан чиққан одам ўзини олтинга уради!— Анави Вадимка жуда кекка-йиб кетди, гумашта мени доим мақтагани мақтаган, у та'вия бўлса, сра ҳурмат қилмайди — бойга хушомад қилишини айтмайсанми: худди кучукболага ўхшайди! Гайридинлар замони келдими дейман-а.

— Йўғе, Ипат амаки!.. У доим менга яхши муомала қилади, ўзи азамат йигит; у блан гаплашганда ҳуш'ёр бўлиш керак: дарров тузоққа илинтиради—чунончи, кеча...

— Кеча нима бўлди?

— Мен сенга бу ҳодисани айтиб берай, амаки... қулоқ сол... бой кеча Алешка Шушериндан аччиғланиб, 25 таёқ уришни буюрди; Алёшкани отхонага олиб кирдилар— уни гумаштанинг ўзи савай бошлади; 25 таёқ урганидан кейин: буниси бой учун эди, ана буниси мен учун, деб таёқни кўтарди; шу вақтда Вадим олисроқ ерда, бурчакда турар, ўқтин-ўқтин қошларини чимириб қўярди.— У кўз очиб-юмгунча югуриб гумаштанинг олдига келди-да, бир мушт уриб уни ерга қулатди. У ғазабланиб кетгани учун оғзидан оқ кўпик сачарди, нимадир демоқчи бўлдию — айтаолмади.

— Аттанг, аттанг!— деди чол.— Бу одам узоқ умр кўраолмайди.— Бевақт ёш ўлиб кетадиган йигитларга чоллар қанча ачинса, бу ҳам Вадимга худди шундай чин кўнглидан ачинди.. Кўпинча бўрон бўйи баланд ингичка дарахтларни сипдириб, юз йиллардан бери қолиб келаётган тўнкаларга шикаст етказмаганидек, ўлим ҳам чолларга шикаст етказмай, уларнинг ўрнига ёшларни олиб кетади.

Ёш хизматкорларнинг муҳаббати ва ишончи Вадимга нечун керак бўлиб қолди?—бунга жавобим шу: мен тасвирлаётган воқиалар Пугачёв ис'енидан 2 ой илгари юз берган эди.

Ақллар содир бўладиган кескин ўзгаришни олдиндан сезиб ҳаяжонга келган эди: хўжайиннинг илгари қилган ва ҳозир қилаётган ҳарбир зулмини унинг қуллари қасос китобига ёзиб қўйган эдилар ва уларнинг қонигина бу шарманда йилнома ёзувини ўчирмоғи мумкин эди. Одамлар азоб чекаётган вақтларида одатда итоатли бўладилар; аммо елкаларидаги оғир юкни

улоқтириб, ташлашга муваффақ бўлсалар, у вақтда қўзи йўлбарсга айланади: эзилган эзучи бўлиб олади ва бирни юз қилиб қайтаради ва шунда енгилганларнинг шўри қуриydi!..

Рус халқи, ана шу юз қўллик паҳлавон ўз ҳукмдорининг ожизлигидан кўра шафқатсизлиги ва такаббуриликка кўпроқ чидайди; у жазоланишни, аммо одилона жазоланишни истайди; у хизмат қилишга рози — аммо ўз қуллиги билан фахрланишни хоҳлайди, ўз хўжайинига қарамоқ учун бошини кўтаришни истайди ва унинг ҳиммати озлигини кечирмаса ҳам, нуқсонлари ҳаддан ошиб кетганини кечиради! 18-нчи асрда дворянлар ўзларининг аввалги чексиз ҳокимиятидан ва уни сақлаб қолиш имкониятидан маҳрум бўлганларидан кейин — бошқача йўл тутолмай қолдилар: Пугачёв исёнини келтириб чиқарган сирли сабабларнинг бири ҳам шу!

У Б О Б

Энди ҳикоямизни давом этдирайлик.

Борис Петровичнинг уйи Сура қирғоғига, дар'ё бўйидаги лой рангли жарга келиб тақалган баланд тоғ бағрига жойлашган эди; кўра атрофига ва қирғоқ бўйлаб қурилган қўнғир тусли қорамтир, қинғир кулбалар, йўловчиларга таъзим қилучи тиланчилар каби, йўл ёқасига икки қатор тизилган эди; дар'ёнинг ларёғида, олисроқда қайинзорлар, ундан ҳам нарироқда дарахтзорлар, тепалар ва қорамтир арчалар кўриниб турарди; чап томондаги чакалакзор қирғоқ пастликка қиялаб чўзилиб тушган, олис-олисларда тўлқинлар каби мовий тепалар ястаниб ётарди. Оқшом қуёшининг заррин шу'лалари гоҳо тахта томда ва дераза ойналарида жавлон урар, бўялган нақшинкор дарпардалар шамолнинг зўри билан тарақлаб, занг босган ошиқ-мошиқларини гижирлатарди. Кўҳна уй атрофига нақшин панжарали равон қилинган бўлиб, айвон хизматини ўтар эди; Ольга шу ерда ишини тикиб ўтириб, кўпинча каштасини эсидан чиқарарди-да, кўмкўк сайёр сувларга, оқ елканли ва ранг-баранг темир парракли қайиқларга тикилиб қоларди. У ердаги одамлар эркин, бахтиёр! Ҳар кун янги соҳилни

кўрадилар — ва янги умидлар туғилади! — пичан ўриб қайтаётган деҳқонларнинг қўшиқлари, узоқдан эшитилган кўнғироқ садолари унинг эътиборини тез-тез жалб қилиб турарди — ким келаяпти, савдогарми? Бойми? Почтами? — аммо, унга нима!.. барибир эмасми... шундай бўлса ҳам, билиб олгани маъқул.

Қандай завқли, мукамал ҳаёт; шундай эмасми?

Энди уни бошқа бир ваҳима босди: энди у, этагига қуён мўйнаси тикилган қора духоба пўстинчасига ўралиб, вужудини титроқ босиб, равон эшигини очади. — Нимадан қўрқаяпсан, содда қиз: Борис Петрович шаҳарга кетган, унинг хотини монахларнинг ўғит-насихатини ва ҳаммадан ҳам ўзи ҳурмат қиладиган художўй хотинлар ташиб юрадиган янгиликларини эшитмоқ учун монастырьга жўнаган.

Унинг олдига келаётган ким. — Вадимнинг ўзгинаси. — Қиз қалтираб кетди; — унинг ранги бўзарди, чунки машум дақиқа келган эди.

— Сенга нима бўлди? — деди Вадим.

— Ҳзим...

— Ҳа-а! Тушунаман! — У лабларини тишлади; — сен мендан қўрқдинг...

— Нега энди сендан қўрқар эканман, — деди Ольга, гурур блан.

— Бу гап саз! — у сўзида давом этди... — бу гапда ма'но кўп — демак, сенга даҳшатли... жирканч бўлиб кўринмадим! Ё парвардигор! Бу нақадар улуг саодат! Мен буни биринчи марта сездим... — у гапдан тўхтади...

— Менга қара, агар қалбим авзойимдан ҳам баттарроқ бўлса-чи? Ахир, айб менда эмас-ку... мен одамлардан нондан бошқа ҳечнарсга сўраганим йўқ — улар бунга нафрат блан мазахни кўшиб бердилар... Мен осмонга, ерга ва ўзимга эга эдим, барча туйғуларим меннинг давлатим... қуёшни кўриб, мамнун бўлдим... аммо ҳамма нарсга аста-секин йўқолди, биргина фикр, биргина кашфиёт бир томчи заҳар шундай қилди — шу фикрдан сақлан, — Ольга...

— Биз нега бу ерда турибмиз, — деб сабрсизлик блан сўради қиз.

— Мен бу ерга сени кўргани келдим.

— Мен бўлсам сра бунинг учун келганим йўқ...

— Яна, яна шу гап!— деб хитоб қилди Вадим.— Қулоқ сол, агар мендан бирор гапни билиб олмоқчи бўлсанг, менинг хунуклигимга шама қилма: мен ҳасадчимап, ёвузман, сен ниманики истасанг, мен ўшаман... аммо менга раҳминг келсин.— У икки қўли блан юзини яширди. Қиз ачинди, ўз иззати нафсини ғоят даражада юқори қўйиш истеъдодига эга бўлган шу одам ўзидан ҳам ҳимоясизроқ, ожиз бир қиздан раҳмшафқат сўрарди — ёки, йўқ... бу ҳам эмас... у ана шу қиздан ҳақорат этмасликни илтимос қиларди.

Бундай гаплар аёлларнинг қалбига гоҳо жуда қатиқ таъсир қилади.

Қиз кўнгилсиз жимликни бузди: «Вадим, сен менинг отамнинг қаердалигини биламан, дедингми?..»

Вадим хаёлга чўмди:

— Мен сенга сиримни очганим учун, ҳечқачон таъна қилмасликка ваъда бер.

— Ҳечқачон таъна қилмайман.

— Қулоқ сол: сенинг отанг бадавлат, бахтли дворянин эди ва кўпларга ўхшаб, қаншоқликда жон берди... сен титраб кетдинг... лекин бу ҳали ҳолва!..

— Қўй, ҳолваси шу бўлса, уёғини айтмай қўяқол.

— Йўқ, қулоқ сол: унинг бир яхши қўшниси, дўсти ва оғайниси бўлиб, унинг дастурхони устида ўтиручи биринчи ҳамтовоғи, овга бирга чиқадиган ўртоғи болаларини эркалайдиган жўраси ўша эди,— шу самимий, софдил қўшни черковда ҳар доим у блан ёнма-ён туриб ибодат қилар, эҳтиёж туғилганда, уни пул блан таъминлар, унинг учун бошини беришга тайёр эди — хўш... бир одамнинг ҳалок бўлиши учун ана шуларнинг ўзи кифоя эмасми!— Шошма, рангинг оқармасин... қўлингни бер: менинг томирларимда оқаётган олов сенинг томирларингга ўтади... Буёғини эшит: кунлардан бир кун ов пайтида отангнинг ити дўстининг итидан ўзиб кетди; отанг уни мазах қилиб кулди: ўша дақиқадан бошлаб зўр адоват бошланди.— 5 йил ўтгандан кейин отанг энди ортиқ кулолмас эди:— Уни кулгиси учун кўзёши оқизиб, жазо берганларнинг шўри қуриydi!— Отангнинг дўсти ер ҳақидаги эски даъвола-

рини яна кўзғатиб, ўз фойдасига ҳал қилди-да, унинг бутун мол-мулкини тортиб олди; мен отангни ўлими олдидан кўрдим; у худди мрамарга ўхшаш ҳаракатсиз, кекса бошини ўгириб, намсиз кўзлари блан менга қаттиқ тикилди; унинг кўзларида ҳаёт ва нафратнинг сўнгги учқуни ёнарди... менга ана шу нарсагина мерос бўлиб қолди; унинг лаънат дарахти ҳали қуригани йўқ ва у йил сайин янги шохлар чиқариб, ёвузнинг оиласини йил сари кўпроқ зулмат пардасига ўрамоқда... бунинг ҳаммаси қандай қилиб содир бўлганини мен билмайман... аммо сен, отангнинг ўша яқин дўсти ким эканлигини биласанми? — Ё, раббий!.. 17 йил давомида бирор киши бунинг қулоғига: бу нон қон эвазига — сенинг қонинг эвазига келаяпти деб айтмабди, агар мен бўлмасам, қалби ўрнида фақат қасоснинг чексиз истагигина қайнаб турган шу бечора махлук, шу нотавон қашшоқ бўлмаса, бу гуноҳсиз қалб унга фақат миннатдорлик билдирар эди, холос.

— Вадим, сен нима дединг?

— Миннатдорлик! — у заҳарханда блан сўзини давом этдирди. — Миннатдорлик! Бу, софдил одамларни алдаш учун ўйлаб топилган сўз!.. Ҳиссиётга айланган сўз! — Эҳ, самовий каромат... сен энг муқаддас туйғуни ҳам осонгина йўқдан бор қилаоласан!.. Йўқ, телбанинг қуроли бўлишдан ва зиёфатнинг сарқитини менга улоқтирадиган қўлни ялашдан кўра, бирорта саҳрода очлик ва чаққоқликдан жон берганим яхшироқ... Эҳ, миннатдорлик!

У қўлларини қовуштириб, уёқдан-буёққа тез-тез юриб турарди, у, маккор жиноятчининг номини айтмаганини ҳам унутиб қўйганга ўхшарди... У гўё ёвузнинг номини билмаганлиги ва билишга муштоқ бўлганлиги орқасида бахтсиз қизнинг чеҳрасида кўринган қўрқув аломатини пайқамаетганга ўхшарди... У ўзини ўз хаёлларига, ҳечким қайтиб келмайдиган ана шу қабрга бутунлай кўмиб ташлаган, эди... бу жонли қабрда ҳам абадий кемирадиган ва абадий тўймайдиган қурт бор...

Вадимнинг юзидаги хунук белгилар ҳаракатга келди, унинг пешонасида доҳиёна бир нур порлади, — агар кўзлари шу дақиқада бирор кишига тушса, васи-

лиск кўзидай¹ та'сир қолдирган бўларди, аммо шу топда юқорига қараб турарди!..

— Топдим!— деб хитоб қилди қизча, шаҳдам қадам ташлаб, Вадимнинг ёнига келаркан...— Сен айтмоқчи бўлган гапни тушундим!.. У Борис Петрович...

У чиндан ҳам топди: буюк қалблар алоҳида фазилатга эга бўладилар, улар бир-бирини тушунади; улар ўзларига ўхшаганларнинг юрагидаги гапларни, худди кўпдан таниш бўлган китобдан ўқигандай, ўқиб оладилар; уларнинг фақат ўзларига ма'лум бўлиб, кўпчиликка қоронғи бўлган аломатлари бор; улар айтган биргина сўз гоҳо бутун бир повестьга тенг бўлади, гоят ранг-баранг ҳисларни баён қилиб беради.

Ёш Ольганинг отасини ҳалок этган қалбаки дўст Палицин бўлиб, ўзининг бу ишини қоралаган ба'зи дворянларнинг тилини тийиб қўйиш учун унинг Зяшар қизалогини ўз хонадонига олган эди; у қизчани чўридай ҳисобласа ҳам, савобли иш қилаётиман деб мақтанарди; у бундан ўн йил илгари қизчанинг жингалак сочини ўйнаб, болалик шўхликларини эрмак қилар эди, эндиликда бўлса ўз хаёлида қизни шармисор қиладиган кайфичоғлик учун тайёрларди. Бу ҳам ўч олишнинг бир тури эди... одамнинг хаёлига келмайдиган иш!.. Бир ит иккинчи бир итдан ўзиб кетгани учун ҳам шунча азоблашми... одамлар ҳам шунча пасткаш бўладими-а! Шундан кейин кўпчиликнинг фикрига ишонингчи!— Палицин шу атрофда энг виждонли киши деб ном чиқарган — бу гап рост! У фақат биргина оиланинг шўрини қуритди.

Мен буюк қалблар бир-бирини тушунишади, дедим, шу сабабдан ҳам Вадим қизга, таажжубланмасдан, аммо ичида қувониб, қараб турарди.

Қиз унинг қўлидан ушлаб, хонага судраб кирди; хонада илоҳий тасвирлар олдида биллур исчиноқ ёниб турарди ва унинг шу'ласи марваридлар, ноёб тошлар қадалган заррин жилдларда ботаётган қуёш нури блан қўшилиб жилоланарди; Ольга биби Марямнинг сурати олдида тиз чўкди, нурсизгина қуёш шу'ласи

¹ *Василиск* — афсонавий қалтақесаксимон ҳайвон бўлиб, қараши одамни ўлдирар эмиш.— *Ред.*

унинг орқаси блан кифтини қоронғи девордан ажратиб турарди; титраб ёнаётган шамнинг қизғиш шуласи эса унинг илҳомбахш қалбида туғ'ён ураётган ҳислар учун ғоят гўзал бўлган чеҳрасини ёритиб турарди; Вадим бу фариштадан кўзини олмас ва ўзини бахтиёр бўлгандек ҳис этарди.

Ольга бўйнидаги маржонларини узиб, ерга улоқтирди.

— Миннатдорчиликнинг сўнги қолдигини юлиб ташлайман... Худо! Худо! Менда гуноҳ йўқ... Менга эркин қалбни сен, сен ўзинг бергансан, у бўлса мени чўри қилишни, ўзига чўри қилишни истади!.. Аёл киши бундай ҳиммат учун севолмайди, севолмайди!.. Машаққат тортишга, азоб чекишга розиман... аммо бундан ортиғини талаб қилма; худо! агар энди ҳам сен менга: уни ўз саҳоватпешанг деб ҳурмат қил десанг — у вақтда мен сени ҳам севмай қўяман!.. Менинг ҳаётимга, тақдиримга ўзинг эгасан, парвардигор, уни кимга истасанг топширасан — аммо қалбим ўз ихтиёримда!..

Унинг кўзларидан тирқираб ёш келди, у бошини қўйи солди, унинг қўли Вадимнинг қўлида титрарди...

Вадим беихтиёр:

— Мен сенинг акангман! — деб хитоб қилди.

Қиз бошини кўтариб, ўрнидан турди... қиз бу сўзни тушунолмагандай... қўрқиб кетгандек бўлди... унинг қўллари мурдаини қўлидек шалвираб қолди, маҳкам юмилган лаблари нафас олишни оғирлаштирарди.

Вадим даҳшатли, титроқ товуш блан яна:

— Мен сенинг акангман! — деди.

Қиз сукут қиларди.

Вадим унга сўнги марта қаради-да, бошини чангаллаб, хонадан чиқабошлади ва чиқар экан, эшик олдида тўхтади... у ана шу бир дақиқа ичида бошини эшикнинг кесакисига уриб, майдалаб юбормоқчи бўлди... аммо бу телба фикр лип этиб ғойиб бўлди... у уйдан чиқди.

— Ака! — деди Ольга, унинг орқасидан қараб қоларкан. — Ака!

Қиз мадорсизланиб стулга йиқилди.

Борис Петрович ўзининг букурдан (Вадимни уйда шундай деб аташарди) жуда ҳам мамнун эди. Букур ҳамма ерда: овда ҳам, далада ҳам, экинзорда ҳам унинг ёнидан силжимас, энг майда истакларини ҳам баяжо келтирар, унинг нима демоқчи бўлганини олдиндан билиб олар эди. Хуллас, ишонч қозониши учун зарур бўлган ҳамма чорани кўрарди ва агар мақсадига эришолса, унинг қора кунга сақлаб қўйган биргина, севикли хазиначисинигина яшириб, ундан ташқари ҳамма тўйгуларини ифодалайдиган ғазабли башарасида чексиз шодлик барқ урарди.— Агар Борис Петрович хизматкорлардан бирортасини жазоламоқчи бўлса, Вадим аралашиб, хизматкорнинг гуноҳи Палицин ўйлаганидан ҳам оғирроқ эканига ва у бермоқчи бўлган жазодан ҳам баттарроқ жазолар борлигига ишора қилар эди;— унинг имо-ишора блан берган маслаҳати ижро этилгандан кейин эса, айёр маслаҳатчи қўрадагиларнинг норозилигини кўзғатишга уринар, кўз қарashi ва ҳаракатлари блан уларнинг бойни қоралашига ёрдам берарди; аммо у ҳечқачон ўзига зиён бўладиган — қулларни ёки помешчикни порози қиладиган ҳечқандай гапни гапирмас эди. Вадим шу хонадоннинг ғоят истеъдодли душмани эди...

Кунлардан бир кун Палицин, нима учундир, уни чақиришга буюрди, букурни қидириб тополмадилар. У ғойиб бўлганича кетаверди.

Кун ғоят исиб, кумушсимон булутлар соат сайин вазмин тортарди; уфқ этагида эса туман блан қопланган кўмкўк булутлар кўринабошлади; дар'ё қирғоғидаги тепа бағрига қурилган ва баланд, жингалак рябина буталари блан ўралган ҳаммом хароба ҳолига келган; унинг ёнида ғиштлар уюлиб ётарди ва шу уюмлар орасида қалин кўкатлар ва узун сариқ гуллар ўсиб ётарди. Вадим шу ерда эди; у тиззасига суялиб бошини кафтлари орасига олиб ўтирарди; у хаёл сурарди; рябина япроқларининг унинг юзига тушган жимжимадор соялари липиллаб турар ва у сирли қиёфа касб этган эди; қуёшнинг заррин нури похол том ёнидан сирғалиб тушиб, Вадимнинг тиззасига қўн-

ди ва у гир айланиб қуёш томон кўтарилаётган чангларнинг ҳавойи рақсини тамоша қилаётгандай кўринар эди.

У кеча Ольгага сирини очди;— у, ниҳоят, қизни топди, беланчакдалик вақтида ташлаб келган синглизини билан учрашди; хайрият... табиат ажойиб нарса-да! Ака билан сингил бир-бирига яқин эмасми?— Аммо уларнинг фарқини қаранг!.. Сингилнинг фаришталарга хос чеҳрасини кўринг-у, аканинг иблисона қиёфасига қаранг... Ҳа, айтгандай, фаришта ҳам; иблис ҳам битта нарсадан вужудга келган эмасми?..

Броқ Вадим унда оилавий гурурни, қалб ўхшашлигини кўрдик, бу ўхшашлик унга кўп нарсани вада қилди... вақти билан қизнинг муҳаббатига сазовор бўлишни ҳам вада қилди... Бу умид унга тамомила янги бир нарса эди; у қизни ўз ихтиёрига олишни истади, ундан бир нафас ажралиш ҳам уни қўрқитиб юборди... Шунинг учун ҳам у мана шу хилват жойга келди, бу ерда тўлқинларнинг шовқуни унинг ўйларига халал беролмас эди, боғбон қанчалик кўп парвариш қилса, унинг меҳнатини шунчалик кам қадрлайдиган гуллар борлигини у билмас эди; биз орзуга ҳаддан ташқари берилиб кетиб нақд нарсамизни қўлдан чиқариб юборишимизни у билмас эди; у фақат қасос олиш хаёли билангина банд эди.

Унинг фикрлари аста-секин хиралашиб борди; мудраб, майсага чўзилди... шунда унинг кўзи бинафшаранг чучмўмага тушди; қора холчалари бўлган кулранг капалак билан камалакка ўхшаш рангдор капалак чучмўма тепасида гир айланарди; рангдор капалак қанотли гулга ёки олтин суви юритилган ва аллақандай сирғар томонидан безатилган зумрад қанотли лаълга ўхшарди; капалакларнинг иккаласи ҳам бинафшаранг чучмўмага қўнмоқчи бўлар ва бир-бирига халал берарди; улардан бири яқинлашиши билан, шамол уни нарига суриб кетарди; ниҳоят, рангдор капалак енгди; қўниб чучмўма гули орасига яширинди; иккинчи капалак унинг тепасида бекорга айланиб юрди... у бу ердан кетишга мажбур бўлди. Вадимнинг қўлида чивик бор эди; у чивик билан гулни бир уриб, бахтли

капалакни ўлдирди... унинг жон бериш олдидаги сўнгги титроғини аллақандай бир қувонч билан кузатиб турди!..

Унинг шу дақиқада ўз ёшлигини, отасини, туғилган уйини, узун беланчакларни, атрофига тол экилган ҳовузни... ҳамма-ҳаммасини нима учун эслаганини худо билади... Отаси ишини бой бериб, Москвадан қайтиб келганида қандай бўлса, у ҳозир ҳам уни ўшандай кўз олдига келтирди... Отаси ўшанда стряпчийлар билан суднинг тўловини тўлаш учун қўлида қолган парсаларининг ҳаммасини сотишга мажбур бўлган эди. Шундан кейин у, отасини камбағал қўшнисининг уйида кўрди — у тақир тўшакда ётарди... Вадим отасининг қийналиб олаётган нафасини ва унинг: ўғлим, аблаҳдан қасос ол... токи, унинг оиласидаги ўғирлаб олинган ноини ҳечким еб қувониб юрмайсин, деган сўзларини эшитгандай бўлди... кейин, Вадим уни дафн этиш маросимини эслади: тележкага қўйилган очиқ тобут ҳар зарбда бир чайқаларди, Вадим олдинда Исонинг суратини кўтариб борарди... дьячок билан поп орқада титроқ товуш билан дуо ўқиб борардилар... Йўловчилар бошларидан қалпоқларини олардилар... мана, тобутни қабрга туширабошладилар, арқон ғижирлаб кетди, чанг кўтарилди...

Вадимнинг миясига қон урилди, у ўша маш'ум онг-ни пичирлаб такрорлади-да, уни ижро этиш йўллари-ни ўйлайбошлади; у сабр қилишга тайёр эди... у ҳамма нарсага бардош беришга ҳам ҳозир эди... аммо, сингил! Мабодо... Оҳ! Лозим бўлган тақдирда у ҳам кўмаклашиши мумкин... у дадил бир қарорга келди; у ўз режасини амалга оширишда қиздан қурол сифатида фойдаланмоқчи бўлди... бир нарсани тушунишдан кўра уни кўпроқ ҳис этуни гуноҳсиз қалбни ҳалок этишга қарор берди... таажжуб! Вадим уни севармиди;— ёки, эзгуликдан кўра нафратланишни афзал кўрармиди?..

Бирдан унинг тегасида овчи қамчиси шарақлади ва у бутун қўли қаттиқ зириллаб оғриганини сезди;— Вадим йўлбарсдек сапчиб турди... Борис Петрович унинг қаршисида туриб, уни бўралаб сўқар эди.

У, Палициннинг ҳақоратларини бошини эгиб эшит-

ди-да, итоат блан унинг кетидан уйга жўнади, хизматкорлар: аҳа, сенга ҳам гал келар экан-ку, дегандек, уни масхаралаб кулиб қарши олдилар.

Шундан бери Вадим ўз вазифасини бир марта ҳам унутгани йўқ.

VII Б О Б

Кечга яқин Палицинникига меҳмонлар келди; Наталья Сергеевна бурмали кимхоб кўйлагини кийиб, упа-элик блан ўзига оро берди; меҳмонхонадаги стол мураббололар, ҳўл ва қуруқ мевалар блан ясатилди; бадавлат кўшни Геннадий Василич Горинкин тўрда ўтирар ва хўжайка ширинлик тўлдирилган тарелкаларни минут сайин унга тутиб турар эди; у ҳарқайси ширинликдан озроқдан олиб, виқор блан лабини артиб кўярди; у баланд бўйли, оқиш юзли бўлиб, умуман ўша даврдаги қишлоқ аҳолисининг танчагина эпчилларидан эди; балки, лейб-кампанецда¹ хизмат қилгани учун шундайдир; у 25 ёшида истефога чиқиб, уйланди ва икки қизли, бир ўғилли бўлди.— Борис Петрович хўжалик ҳақида, Москва тўғрисида ва ҳоказолар ҳақида гапириб, уни зериктирмай ўтирди, ҳамма кексаларга ўхшаб, эскиликни мақтаб, янгиликни роса қоралади, чунки, умуман, одам қариб қолса, унга ҳамма нарса ёмон кўринаверади;— кечқурун алламаҳалгача гаплашишиб, гапини тамом қилинганидан кейин, нима қилишларини билмай қолдилар; кафтлари блан оғизларини яшириб эснадилар, ўтирган жойларида уёқ-буёққа ўгирилиб, олазарак бўлиб қолдилар; шунда меҳрибон хўжайин дарҳол эрмак топди:

—Ҳой, бола! Миср виносидан олиб кел,— деб қичқирди у, ўз фикридан ўзи қувониб;— иккита кўзача блан иккита катта қумуш кружка олиб келишди. Улар ичишабошлади, кейин баҳслашишди, сўнгра хахолашиб ўпишакетишди;— чаккалари қизишди, йиллар давомида совуған миялари қайнади.

— Сени бир хурсанд қилайми, қўшнижон!— деб хитоб қилди Палицин.

¹ Имтиёзли кўшин.

— Нима блан?

— Шундай бир нарса бланки, у сенинг хаёлингга ҳам келмайди; ўйинни яхши кўрасан-а!.. Менда бир қиз борки — му'жиза... шунақа ўйнайдики!.. Ўйнаганда ҳам жигар-бағрингни ёндиради!.. Мен ҳам монах эмасман, сен ҳам монах эмассан, Васильич...

— Худо сақласин...

— Айтганинг келсин!..

— Хўш, яна нима?

— Яна нима бўларди!.. Онагимам, хотинчам, Наталья Сергеевна,— Оленькага айт, байрамда киядиган энги калта шоҳи кўйлагини кийиб ўйнаб берсин, бошқалар келиб қўшиқ айтишсин, жўровозлардан кўпроқ чақир, бир ўйин бўлсин...— у, нима учун кулаётганини ўзи ҳам билмасдан, хахолаб кулди; ҳозирданоқ ўзи ўйлаган ишнинг кайфини суриб, кафтини ишқалай бошлади; одатда қовоғини солиб юрадиган бу одам ҳозир худди ёш боладай қувноқ бўлиб қолган эди.

Наталья Сергеевна қўшиқчиларга тўпланишни буюриб, ўзи Ольгани ахтариб кетди.

Ольга қаерда эди?..

Ольга ўз хонасининг қоронғи бурчагида, сапдиқ устида тахланган пўстинга бошини қўйиб ётарди; қиз уйғоқ эди; у кечаги оқшомдан бери ҳали ҳам ўзига келгани йўқ; акаси блан жуда қўпол гаплашгани учун ўзини койирди.. аммо Вадим ўша дақиқада уни жуда ҳам қўрқитиб юборган эди-да!— У кун бўйи Вадимнинг олдига бормоқчи, унга сингил бўлишга чиндан ҳам муносиб эканлигини ва уни нафрати ҳаддан ошиб кетгани учун айблмаслигини, унинг иши тўғри эканлигини ва унинг ажойиб жасоратига қойил қолганини айтмоқчи бўлди.

Наталья Сергеевна шам' кўтариб, Ольга ётган кичкинагина хонага кирди; кўйлақлар, пўстинлар илиб қўйилган деворлар ёриди, семиз бойвуччанинг кўланкаси гулдор дастурхон ёзилган столга тушди; ёш қизнинг гўзал, жўшқин ҳаётининг ярми шу хонада ўтган... бу ерда қадди-қомати келишган, ширин сўз йигитлар, иморатлари тошдан, черков минораларининг бошлари олтидан ясалган катта шаҳарлар унинг тушларига

кирарди;— бу ерда, қиш фаслида довул қутириб, хира деразага паға-паға қор ёриб, унинг кўз олдида оппоқ тепалар пайдо бўлар экан, у иссиқ пўстинчасига ўралиб, оппоқ далага, кулранг осмонга ва сумалаклар осилиб, тебраниб турган толларга қараб ўтиришни севар; ўн етти яшар қизларга хос, баён этиб бўлмайдиган сирли истаклар унинг қонини жўшга келтирарди ва аллақандай ўкинч уни йиғлатар; қўлидаги игнаси тушиб кетарди.

Наталья Сергеевна қизни зарда блан туртиб:

— Тур, Ольга! — деб бақирди.

Ольга сапчиб ўрнидан турди, шамнинг шуласидан кўзи қамашди.

— Ухлаб ётганмидинг, ялқов қиз...

— Бошим оғрияпти!

— Бўлмаган гап! Кичкинагина қизча бўлатуриб... боши оғрир эмиш! Ялқовлигим тутди, деб тўппа-тўғри айт қўй-да... ёлғон гапиришини қарая... жавоб бер: ухлаётганмидинг, ялқов қиз?

— Мен ҳечқачон ёлғон гапирмайман.

— Нима-нима! Ҳали, менга гап қайтарадиган ҳам бўлиб қолдингми! Айтишади-я! Ҳа, сеними, беадаб қиз; сени боқиб тарбиялаган мен эмасмидим, муттаҳам, гадо отангдан олиб вояга етказган мен эмасмидим... пошкўр! йўқ! Бу халқ сра ҳам яхшилиқни билмайди! Илон боласи илон, чиён боласи чиён бўлади. Ҳой, мен таъбиҳ бераётганимда лабингли бурма!.. Тўғри тур, пешонангни тириштирма, менинг кимлигимни эсингда чикариб қўйганга ўхшайсан, а?..

Ольга нимадир демоқчи бўлдию, ўзини тийди; юзида нафрат аломати кўринди; кўзларида ёнган хира аланга узун киприклари тагига яширинди; унинг елкалари очик бўлиб, қўлларини тушириб турар, кўкраги қалқиб-қалқиб қўярди; у бошқа қизларнинг газабини қайнатиб қўрқитиб юборадиган аччиқ гапларга индамай қулоқ солиб турарди.

— Бор, енгсиз шоҳи кўйлагингни кийиб чиқ, ўйнаб берасан... тагин бошинг оғриб ўтирмасин... Эшитдингми... тезроқ бўл!.. ҳа, айтгандай, Борис Петровичнинг олдида ҳадеб нозу-карашма қилаверма!.. Менинг

қаҳримни биласан-а!.. Ҳаммаларингиз бойдан бирор нарса юлиб олиш пайидасиз... билиб қўй...— Ольга индамай турса ҳам, жуда тутоқиб кетди... агар Наталья Сергеевна кетмаганда, у ортиқ чидаб туролмас эди; кўзларидан ёш томчилари сачраб чиқай деди, аммо аёллар гоҳо ёшларини тияладилар...— Буни қаранг-а! Ундан шубҳаланиб, маломат тошини ёғдиришяпти?— Нимага денг?— О! Қани унинг акаси! Майли, келсин — ва сингисининг ҳар ишда ёрдам беришга тайёрман, деган онтини эшитсин, қасос олиш, вайрон қилиш истаги блан яшаётганини кўрсин, майли, сингисини даҳшатли сирдан хабардор қилсин, сингиси тайёр!

Энди у Вадимга жавоб бераолади, энди унинг кўзлари синамоқчи бўлган кўзларга тик қарай олади, энди заҳархандага бардош бераолади,— бу заҳархандада аллақандай бир илоҳий нарса бор эди; бу заҳарханда юракдаги ҳарбир олийжаноб ниятни, яхшилик учқунидан, одамзодга муҳаббат учқунидан ўт олган ҳарбир истакни юлиб ташлар эди; бу заҳархандага дуч келган киши ўзининг ҳечқандай ниятини сақлаб қололмасди: унда одамларнинг ҳаёлига ҳам келмайдиган зўр ёвузлик бор эди.

Ольгани меҳмонхонада кутишяпти, Борис Петрович тажанг; унинг меҳмони минут сайин кружкасини тўлдириб, ҳа деб лапар айтади, ниҳоят, қиз кириб келди: калта энгли тўққизил кўйлак кийиб, бошини чиройли дурра блан танғиб олган; унинг қора соч ўрими икки кифти орасидан белигача тушган; дўмбоқдан келган бўйни ҳайрон қолдирарли даражада оқ, жажжигина оёқчаси гоҳо кўриниб кетиб, сирли камолатни вада қиларди; йигитчалар аёлларни ўз кайф-сафоларининг куроли деб билиб, уларнинг ана шундай сирли камолатига шайдо бўлиб юрадилар: дарвоқи жажжи оёқчанинг яна бошқа бир фазилати ҳам борки, ҳикоямдан жуда узоқлашиб кетишдан қўрқмаганимда эди, сизларга бу сирни ҳам очган бўлардим.

У кирди... ва ўзининг нафосотига ҳирс блан тикилиб турган маст кўзларни учратди; лекин у хижолат тортмади; қизармади; ранги синиққан ма'юс чеҳраси

унинг тамомила хотиржамлигини, бутунлай тақдирга тан берганини кўрсатарди;— шу дақиқада у ўз ҳаётининг ярим мақсади блан яшар эди; у ажойиб куйнинг бошини ҳам, охирини ҳам чалолмайдиган синиқ органга¹ ўхшарди.

Ашулачилар лапар айтабошлади;—қани, Оленька, бошла!— деб қичқирди Палицин.— Уялма!..— Қиз бир сесканиб тушди; унинг хаёлига: отамнинг қотили олдида ўйнайманми, деган фикр келди;— бу фикр унинг қалбига худди чақмоқдай ёриб кириб, кечирилган кунларнинг изларини ёритди; ҳамма аламлар, ҳамма адолатсизликлар, чўрилик хўрликлари, хуллас бутун ҳаёти унинг кўз олдида худди тобутдан туриб келаётган мурдадай гавдаланди ва қиз унинг таънасини ҳис этди...

Агар бу нафис вужуднинг чеккан азобини тасвирлаш мумкин бўлса, у вақтда сиз унинг ақлдан озмаганига сра ишонаолмас эдингиз!.. чунки, унинг киприклари қуруқ эди ва қаттиқ юмилган титроқ лабидан хўрсиниқ чиқмади. Ҳар иккала помешчик:— «Ҳа! Гўзалим, бошла!.. худо ёрлақаб, бугун бунча ҳам танноз бўлибсан!» деб қичқиришарди; нақадар ажойиб ҳушомад-а! Шундай эмасми.

Ольга бирор киши ачинаётганимикин деб бутун хонани кўздан кечирди... Бу беҳуда умид эди:— у ҳартомонда қабих итоат, аҳмоқона тиржайишни кўрди— қуллар унга ачишиб қарашмас, балки ҳасад блан қараб турар эдилар!— майли, ҳасад қилишса қилишаверсин, деб ўйлади Ольга, уларнинг жазоси шу бўлади.

У ўйинга тушиб кетди.

Ольга парвосизгина, текис ҳаракат қиларди; ҳатто унга хос бўлмаган бир қадар сун'ийликни ҳам пайқаш мумкин эди, аммо у кўп ўтмай беихтиёр ҳаракат қилабошлади; ана шунда юрагидаги довул сиртга тепиб чиқди; илҳом азоби зўрайган дақиқада илоҳий мисра'ларни қоғозга тизиб ташлаб, буларни сезмайдиган, эслолмайдиган шоирдай, у ҳам нима қилаётгани-

¹ Орган — музыка асбоби.

ни билмас, ўз ҳаракатларининг одоб доирасида бўлиши ҳақида қайғурмас эди ва шу сабабдан ҳам унинг ҳаракатлари тамошабинларни сийҳлаб қўйди; бу сан'ат эмас, балки ҳисларнинг қайнаши эди.

У бирдан тўхтаб қолди, эсини йиғиб олди, ёниб турган кўзлари блан ерга қаради, боши айланиб кетди; ҳамма нарса унинг кўз олдида гир айланарди, баралла қўшиқлар унга битта нотекис, аммо мардона садодек, хотираларни эслатучи куйдай эшитилди.

У атрофга қараб, қўрқиб кетди... Қўлини силкитиб, югуриб уйдан чиқиб кетди...

Борис Петрович ўрнидан туриб гандираклаганича қизнинг кетидаң чиқди; унинг жинояткорона истагини қипқизариб кетган юзидан билиш мумкин эди, титраб турган лабларидан отилиб чиқаётган узук-юлуқ сўзлар шу ердагиларга аниқ тушунилиб турарди.

Ольга турадиган хонанинг ҳалқаси солиғлиқ эди; Борис Петрович эшикни қаттиқ тортди, ҳалқа учиб кетди; қиз тиз чўкиб юзини қўллари блан яшириб, бошини кроватъга қўйган ҳолда турарди; Ольга унинг кирганини билмади, чунки:—«Ота! Мени гуноҳкор дема...»— деб, ўзича гапирарди.

— Энди мендан қутилмайсан!— деб хитоб қилди Борис Петрович хахолаб;— мен ҳам яхши одамман — сен ҳам яхши одамсан; шундай бўлгандан кейин...

Қиз сапчиб ўрнидан турди, унинг сўзларини тушунмади шекилли, ҳайронликда тикилиб қолди;— у, қизнинг қўлидан ушлади; Ольга қўлини тортиб олмоқчи бўлдию, кучи етмади; у тўшакка ўтириб, қизни бағрига тортди-да, бўйнидан, кўкрагидан ўпабошлади; қизнинг ўзини ҳимоя қилишга мажоли йўқ эди; қиз юзини ўгириб, унинг қайноқ қучоғига тушиб қолди ва яна бирнеча дақиқа шу аҳволда қолса, ҳалок бўлиши турган гап эди.

Аммо бирдан шовқин кўтарилиб, бойвучча югурганича кириб келди; иззатли эр-хотин ўртасида жанжал-сурон, баҳс бошланди... Наталья Сергеевна маст эрини олиб чиқиб кетишга муваффақ бўлди; броқ, эрининг бўғиқ йўғон овози блан Наталья Сергеевнанинг шигичка чиққирғи ҳали ҳам эшитилиб турарди; ниҳо-

ят, шовқин-сурон тинчиди — ана шундагина Ольга ҳамманинг ўзидан нари кетганига қаноат ҳосил қилди.

У ўз қалбининг дукиллаб уриб турганини эшитди ва бўйнининг ачишиб оғриётганини сизди; шўрлик қиз! Унинг дўмбоқдан келган елкасининг юқорироқ бир ерида маст чолнинг лабидан қолган қизил доғ кўришиб турарди... Унинг қабрдай созуқ қўллари қизнинг озмунча нозик жойларини эздими! Унинг ўпишларидан қизнинг қалбида озмунча нафрат пайдо бўлди... Ой кўтарилди; унинг нури девордан сирғалиб тушиб, торгина хонага мўралади ва деразанинг крестга ўхшаш ромлари туссизгина полга кўланка ташлади... Шу нур Ольганинг юзига ҳам тушдию, лекин унинг оқарган чеҳрасига ранг киритолмади ва қизил доғ унинг шуласида фарқ бўлиб кетолмади... шу вақт меҳмонхонадаги девор соати ўн бирга занг урди.

VIII БОБ

Бу оқшом Вадим қаерда яшириниб юрган эди?.. — у қоронғи чердакда, похол устида қўлларини чалиштириб, чалқанча ётарди, у мангулик ҳақида ўйларди, — у кўпдан бери орзу қилган саодатини — озодликни ўйлаб, тасаввур қилиб ётарди; у, яшаб турган нарсаларнинг ҳаммасидан четлаштирилган руҳ эди, ҳеч нарсани истамайдиган, ҳеч нарсага ачинмайдиган, ўтмиш ва келажакнинг соҳибни бўлган руҳ эди; келажак унга ранг-баранг манзара бўлиб кўринарди, у келажакда кўпгина кулгили нарсаларни топар ва ҳечқандай қизганч нарсани кўрмас эди. — Унинг қалби кенгайиб, ўз қафасини ёриб чиқишни, бутун табиатни қамраб олишни ва кейин уни вайрон қилиб ташлашни истар эди, — агар бу истак — телбанинг истаги бўлса, ҳарқалай, буюк телбанинг истаги эди; — энг улуғ яхшилик нимаю, энг улуғ ёвузлик нима? Булар кўз илгамас занжирнинг бир-биридан узоқлашган сари бир-бирига яқинлашиб топишадиган икки учидир.

Ажиб товушлар Вадимнинг хаёлини бўлди: булар лапарнинг шимол шамоли гуриллашига қўшилиб кетган садолари эди; — Вадим бошини кўтарди; ой туйнукка тик боқар ва унинг нури эзияган похолни

ёритиб, қаршидаги деворга тушиб турарди; шунинг учун ҳам Вадим у девордаги ҳарбир тешикни, тўсинлар орасидан осилиб чиқиб турган парча-парча ўтларни бемалол кўраоларди;— у, ана шу девордан анчагача кўзини ололмади, олисдан эшитилаётган қўшиққа анчагача қулоқ солиб ётди... Ниҳоят, куй тинди, тўлин ойни булут қоплади... Вадим ўрнига йиқилди; вужудини сабабсиз бир изтироб қоплаб олди. У қўлини букиб оғритар, уҳ тортар, тишларини ғижирлатар эди... Унинг томирларида нома'лум бир олов кезиб юрар, мияси тарс этиб ёрилгундай бўларди... Эвоҳ! Шунча вақтдан бери фақат нафрат қилиш блағина кифояланиб юрганини қаранг-а!..

Кичкинагина эшик ғирчиллаб очилди; унга енгилгина оёқ товушлари эшитилгандай бўлди.

— Ака!—деди аллаким жуда мулойим товуш блан.

Вадимни титроқ босди.—Бу вақт булут ўтиб кетиб, ой Ольганинг бир елкаси блан юзининг ярмини ёритди; у Вадимнинг яқинида тиз чўкиб турарди.

У қизнинг чеҳрасидаги оғир ташвиш аломатларини кўриб:

— Ҳаммасини тушундим,— деб хитоб қилди.

— Ростданми?—деди Ольга, товуши ўзгариб;— ростданми? Мен сени хурсанд қилгани келдим, дўстим!..

Дўстим! Ер малағи Вадимни биринчи марта шундай деб атади; Вадим бу саодатнинг мазмунини бирдан англаб етаолмади; у, бу саодатнинг бема'ни туш эмаслигига ишонмоқ учун, худди телбадек, бошини чангаллади; лабларига табассум қўнди; унинг бутун бир туйғу блан бойган қалби миллион сўм пулга эга бўлиб, уни ишлатаолмасдан, темир сандиққа яшириб қўядиган ва ўзининг бу хазинасини умрининг охиригача қўриқлайдиган ўткинчи давлат эғасига ўхшаб қолди.

Бу сўз унинг қалбига шу қадар чуқур ўрнашиб қолдики, бирнеча кун ўтгандан кейин у ўзи блан ўзи гаплашиб ўтирганида беихтиёр: дўстим!..—деб юборди.

Агар меинга: сингилни бу қадар қизгин севиш мумкин эмас, десалар, бунга менинг жавобим шу бў-

лади: севги ҳамма ерда ҳам севгидир; я'ни у паришон-хотирлик, телбалиқдир, уни нима деб атасангиз ҳам бўлаверади;— дун'ёда ҳамма нарсадан нафратланиб, фақат биргина кимсани (бу кимса ким бўлмасин, онами, сингилми ёки қизми,— барибир) — ана шу биргина кимсани севучи кишининг муҳаббати сизнинг барча бебош эҳтиросларингиздан кучлироқ бўлади.— Унинг севгиси ўз э'тибори блан ҳарқандай шуҳратпарастликка ётдир... лекин бу севгига хаёл аралашгудек бўлса, унда бахтсиз севгучининг ҳолига вой! — аллақандай бир ажиб зиддият орқасида энг муқаддас туйғу ҳам энг зўр ёвузликларга олиб келади; бу туйғу оқибат-натижада шу қадар улғайиб кетадики, одамнинг қалби уни сиғдиrolмай қолади-да, муқаррар ҳалок бўлади, тилка-пора бўлади.— ёки бир зарб блан ўз санамини парчалаб ташлайди; лекин кўпинча иззати нафс устун келиб, худованд ўз бандаси қаршисида тиз чўкади.

— Ака! Қулоқ сол,— деди Ольга сўзини давом этдириб;— мен ҳамма нарсани бир-бир ўйлаб чиқдим ва сен ҳам, мен ҳам қайтмайдиган йўлда биринчи қадамни қўйишга қарор бердим... Барибир... бу йўлларнинг ҳаммаси ўлимга олиб боради;— аммо мен пасткаш, бағри тош одамга ўзимни ўйинчоқ қилдириб қўймайман... ўйлаган ишимни сен бажаришинг ёки мен ўзим бажаришим керак;— бугун менга алам ўтди, мен шу алам учун ўч олишни истайман ва ўч олишим керак... ака! Менинг оптимни рад этма... Агар сен уни рад этадиган бўлсанг, у вақтда кўрасан... мен, бунга чидолмайман, дедим... сен менга яхшилик қиласан; сен менинг нафратимни худди болам каби қабул қиласан, шу болам ўсиб, вояга етиб, шармандалигимни машаққати ва қони блан ювиб юбормагунча, уни севиб парвариш қиласан... ҳа, шармандалик... у қотил мени қучоқлади, ўпди... бўлди... сен унга даҳшатли жазо бериш учун тайёрланаяпсан-а, ростми?

Вадим ваҳшиёна хаҳолаб кулди ва кулгисини тўхтатиш учун пастки лабини шундай қаттиқ тишладики, қон чиқиб кетди; шу дақиқада у қурбонини нафаси блан заҳарлаётган аждарга ўхшар эди.

— Бизларни бахтсиз қилиб яратган худо ҳақи, унинг муқаддас сиру-асрорлари ҳақи, унинг халоскор салби ҳақи, қасам'ед қилиб айтаманки, ҳарбир ишда, ҳарбир масалада сенга бўйин эгаман, Вадим, агар мен қўлингда қурол бўлсам, сенинг зарбинг кучсиз бўлмаслигини ва беҳуда кетмаслигини биламан! Ой Сен улуғ одамсан!

— Ҳа, мени севганинг учун энди улуғман!..

Қиз индамади.

— Тинчлан, эсингни йиг,— деди Вадим...— Сен мени ҳали билмайсан, аммо мен фикрларимни сенга очиб сўзлайман, бутун ҳаётимни ҳикоя қилиб бераман, ана ўшанда сен мени билиб оласан. Мен ғалати қалбимни сенга очиб кўрсатишим мумкин: сен бу денгиздан сузиб ўтолмайдиган ожиз қайиқ эмассан; унинг тўлқинлари, бўронлари сени кўрқитолмайди; сен шу довул кучоғида туғилгансан, сен унинг чексиз қа'рига фарқ бўлиб кетмайсан!..

Отамиз вафот этганидан кейин мен сени, беланчақдаги чақалоқни, яхшиликни ҳам, ёмонликни ҳам, ташвишни ҳам билмайдиган мурғак қизчани ташлаб кетганим ҳамон эсимда — менинг кўксимда эса, ўша вақтдаёқ ҳалокатли сўнмас эҳтирос ёнабошлаган эди; сен жажжи қўлларингни менга узатиб, жилмайдинг... ҳимоянгга ол, дегандек бўлдинг... менинг бўлса, бир бурда ҳам ноним йўқ эди...

Менга ачинишиб, монастырьда олиб қолишди;— овқат беришди, чунки мен ит эмас эдим, мени сувга чўктириб юбориш мумкин эмасди;— мен энг яхши йилларимни монастырьда ўтказдим; қўнғироқларнинг қулоқни батанг келтирадиган товуши, худога яқин бўлиш учун қора ридо кийиб олган одамларнинг қироатигина эшитиладиган деворлар орасида хўрланиб юрдим... Табиат мени камситгани, я'ни хунук бўлганим учун улар ҳам мени хўрладилар. Улар мени хунук бўлганим учун худога шукур қилишга мажбур этдилар; гўё худо мени ташвишли дун'ёдан, гуноҳлардан халос этиш учун хунук қилиб яратган эмиш... Ибодат қилармишман! Юрагимда қаҳр-ғазабгина бор эди! — кўпинча оқшом чоғда, ботаётган қуёшнинг пуш-

ти шу лалари черков гумбазларида ва мис кўнгироқларда ярақлаб турганда, мен муқаддас дарвозадан чиқиб, кичкинагина вайрона черков ўрнашган тепадан туриб зиндонимни тамоша қилардим, — у олисдан ғоят гўзал бўлиб кўринарди! — булутлар менинг хаёлимни ўзларининг самовий қанотлари билан баравар парвоз қилишга да'ват этардилар, аммо истеҳзоли овоз менга пичирлаб бундай дер эди: сен ўз фикринг билан бутун борликни қамраб олишга қодирсан; сен ўз қалбининг кучи билан табиий тартибни бузиб ташлаб, янги-сини яратаоласан, шунинг учун ҳам мен сени бу ердан чиқармайман; сенга шу ишларни қилаолишинг мумкинлигини билишнинг ўзи кифоя!..

Монастирьда ҳечким мен билан дўст бўлишни, бирга бўлишни истамади; мен ёлғиз эдим, ҳамиша якка юрдим; — мен йиғлаганимда — одамлар кулишди; чунки улар ўзларидан ёмонроқ ёки яхшироқ бўлганларга ачинишолмайди; — менга таниш монахларнинг ҳаммаси тентак бўлиб туғилган ёки кексайиб тентак бўлиб қолган, рўза тутайдан бошқа нарсага ярамайдиган оддий, бир нав' тузук махлуқлар эди... Мен одамзодни ёмон кўришни истадим ва беихтиёр ундан нафратландиган бўлиб қолдим; жоним азобда қолди; унга озодлик, кенг дала, очиқ осмон керак эди... ғиштдан ясалган оқ қафасда ўтириб, ҳужрадан черковга олиб борадиган тор сўқмоқ йўлига қараб кини билан баҳор ҳақида ўйлаш; қўёшнинг нурли жамолини узун панжарали деразадангина кўриш ва бирор китобда ёзилмаган нарса ҳақида гапиришга жур'ат қилолмаслик даҳшатли бир ҳолдир...

Телба бўлиб қолиш мумкин!

Ольга, кунлардан бир кун мен оёқсиз тиланчинини кўриб қолдим. У ўртоқларининг суҳбатига аралашмасдан, муқаддас дарвоза олдида, ерда, иккита тошни бир-бирига тақирлатиб уриб ўтирарди ва тошдан учқун чиқса, унинг кўримсизгина юзида ажиб бир севиш пайдо бўларди. — Мен унинг ёнига келиб: «Сен жуда ақлли экансан, биродар, негаки ановиларнинг жанжалига аралашмаяпсан» — дедим.

— Менинг оёғим йўқ, — деб жавоб берди у, норози

бир қиёфада; бу нарса мени ҳайратда қолдирди; хато қилдим, деб ўйладим! — броқ савол беравердим: сен аввал нима иш қилардинг; савдогармидинг, деҳқонмидинг?

— Тиланчи эдим! — деб жавоб берди у, — тиланчи бўлиб туғилган эдим, тиланчи бўлиб ўламан; фақат фарқ шу бўладики, оёқ блан туғилган эдим, оёқсиз ўламан!

— Нега энди?

— Нега эмиш! — шуерга келганда у ўйланиб қолди; кейин эса, бепарволик блан гапираркетди: — мен бир кўрни етаклаб юрардим; бизлар кўпчилик эдик, — кўр ўлгандан кейин мен ортиқча бўлиб қолдим. Мени бекорга овқат емасин, фойдаси тегсин, деб қўл-оёғимни синдиришди; энди мени тележкада олиб юришади, пул беришади.

Мен ундан дарҳол:

— Сен ота-онангни кўрганмисан? — деб сўрадим.

— Кўрганда қапдоқ!

— Улар нима иш қилишарди?

— Тиланчилик қилишарди! — деб жилмайиб қўйди у; мен унинг сўзларини бутунлай ишониб эшитганим учун, унинг бу блан тақдир устидан кулганини ҳам, мени масхара қилганини ҳам билолмадим.

«Демак, шундай бир ҳол ҳам бор эканки, унда хунуклик айб бўлмай қоларкан» — деб ўйладим.

Эртаси кун монастырьдан қочиб, тиланчилик қила-бошладим.

Вадим шу ерда гапини тўхтатди.

— Мақсадингни тушунаман! — деди Ольга, унинг қўлини сиқар экан.

— Тушунишингни билардим!.. Ахир, синглим эмасмисан? — деб жавоб қайтарди Вадим.

— Менга қара, бечора отамиз учун қасос олишимизни фалакнинг ўзи истаяпти; шу сабабдан у, барча ҳодисаларни бир-бирига боғлаб, сени мақсад йўлига солди...

— Бу ё фалакнинг, ёки дўзахнинг иши... балки, бу уларнинг иши ҳам эмас, одамнинг қат'ий истаги табиатни ҳам, ҳодисани ҳам ўз амрига бўйсундираола-

ди;— гарчи мен тиланчилик қилабошлаганимдан бери аллақандай бир қутурган иблис бағримга ўрнашиб олган бўлса ҳам, аммо у менинг ҳаракатларимга таъсир кўрсатаолгани йўқ; у менга фақат азоб бериб келди, холос; маҳв бўлган умидларни тирилтирди, муҳаббат ташналигини оширди,— у қоронғи жарлик қирғоғида мен блан ёнма-ён дайдиб юриб, менга олисдаги бутун бир жаннатни кўрсатди; аммо ўша жаннатга етмоқ учун тубсиз жарликдан хатлаб ўтмоқ зарур эди. Мен қасд қилаолмадим; оладиган қасосимни кимга васият қилиб кетаолардим? Уни кимга топшириб кетишим мумкин эди?

Мен шерикларидан орқада қолиб кетган жануб қуши сингари қиш довулларига дуч келиб, узоқ вақт бошпанасиз, мазгилсиз кездим; узоқ умр кўриш ҳаётимнинг мақсади бўлиб қолди.

Аммо тақдир мени бир одам блан учраштирдик, у, гапдан гап чиқиб, сенинг Палицинникида тарбияланаётганингни, унинг бой, вақти хуш, бахтли эканини айтиб қолди,— бу хабар газабимни қайнатиб юборди!.. Мен унинг бахтли бўлишини истамас эдим ва у бундан буён бахтли бўлмайди;— мен бу уйга ўзим блан бирга ўз иблисимни олиб келдим; унинг нафаси бахтлилар учун вабо, ҳа, вабо... синглим, сен мени кечир... Эҳ! Мен жиноятчиман... у ёвуз руҳ сенинг вужудингга ҳам жойлашганини кўриб турибман; умрини ҳам заволнию ҳам камоли бўлган бу иллат сенга ҳам юқибди. Агар мен бўлмасам, сен, эй ер фариштаси, беғамлигингча қолаверардинг... Энди ҳаммаси тугади... менинг нафасим умид гулларингни сўндирди... энди осойишталигингдан воз кеч... исёнкор денгиз тўлқинларида гуллар ўсмайди; иблис бор ерда, худо йўқ...

— Бу қандай гап!— деб хитоб қилди Ольга,— наҳотки, сен пушаймон қилаяпсан!.. Дуруст, мен аёл кишиман, лекин, ҳарқандай аёл ҳам қайғуларини, оромсизлигини дабдабали иснодга алишавермайди-ку... дабдабали иснодга!— Эвоҳ! Чолнинг, оилам душманининг ўйнаши бўлармишман... сен шундай бўлишини истар эдинг-а, Вадим, тўғрими?

— Йўқ, агар шундай бўлса, мен сени ўлдирардим...

— Эндичи, энди ўлдиршингга ким халал бера-
япти?

— Эндими? Энди...— у ерга қараб, хомуш бўлиб қолди; унинг қаттиқ азоб чекаётганлиги қуйидаги сўзларидан билиниб турарди:— наҳотки, энди сени ўлдирсам! Энди, кўзларимда ёш пайдо бўлиб, сенинг оёғингга бош қўйиб йиғлашга тайёрману, сени ўлдирармидим! Эвоҳ! Кулгиси энг қаттиқ азобдан ҳам оғирроқ бўлган киши учун йиғламоқ — нақадар улур роҳат!... Йўқ, мен ҳали ҳам сен ўйлаганингдай расво эмасман; сени кўришни ўзи учун саодат деб билучи киши ҳар жиҳатдан мукаммал жиноятчи бўлаолмайди.

— Мени ўлдирган киши менинг халоскорим бўлади,— деди Ольга, бирнеча дақиқа сукутга фарқ бўлганидан кейин, аста жилмайиб.

— Менинг номим ер юзида ланатланганидан кейин, ким мени яхши иш қилди, деб айтаолади?

— Мен сенга ҳайронман, дўстим!..

— Истамайман! Мени севгин.

Қиз қўллари блан юзини яширди.

IX БОБ

Орангизда ким нурли Ока соҳилларида бўлган?— орангизда ким унинг хотираларга бой бўлмаса ҳам, табиий ўз ҳашамати блан порловчи тўлқинларини тамоша қилган! — Китобхон! Сенинг бахтиёрлигингга ёки боболарингнинг қонли ҳалокатига гувоҳ бўлган тўлқинлар шулар эмасмикан! Йўқ, ундай эмас!.. Севинч ёшларинг қўшилган ёки боболарингнинг қонига бўялган тўлқин эпидиликда денгизнинг олис бир ерида мақсадсиз ва умидсиз сарсон-саргардон бўлиб юргандир, ё бўлмаса, ғазаби қўзғаган дақиқада мрамор қояга урилиб, парча-парча бўлиб кетгандир!— у йўл-йўлакай инсоний эҳтиросларнинг изларини йўқотиб қўйган, у, тентак ошиқларнинг бема'ни оҳ-надоматлари устидан кулган хотин каби, ўзининг устидан беозоргина ўтган асрларнинг ўзгаришларидан кулмоқда; у дўзахдан ҳам, жаннатдан ҳам қўрқмайди; у эркин

яшайди ва истаган вақтида маҳв бўлади,— у бирорта бахтсиз қалбнинг қабрига айланганда ҳам, ўз нафосатини, беором, тетик феълини йўқотмайди; унинг мурда устида тутган азасида ачинишидан кўра тасалли кўпроқ.— Агар бирор нарсага ҳасад қилиш мумкин бўлса, у ҳолда ёлғиз табиат қонунигагина итоат этучи кўмкўк, совуқ тўлқинларга ҳасад қилиш керак. Биз ўз қонунларимизни ўйлаб топганимиздан буён табиатнинг бу қонуни биз учун яроқсиз бўлиб қолган.

Вадим сершоҳ арғувсон дарахти остида турарди; унинг боши теварагида хушбўй ис анқир эди. Қалбнинг қаттиқ азоб чекиши натижасида тошга айланиб кетган ҳислар аста-секин эриди; одамлар рад этган бу маҳлуқ табиат қучоғига ўзини отишга тайёр эди; фақат табиатгина унинг оташин чапқоғини қондирар ва унга бошқа қалб, ёки янги қиёфа бериб, ўзининг оғир хатосини тузатаоларди.— Вадим қирғоқдаги майсани, тек соҳилда ялтироқ, яшил шокилалардек осилиб турган қалин хмельни аллақандай бир хотиржамлик билан кузатиб турарди.— Узоқдан, туман орасидан кўринаётган тепаликлар экинзорлардан ажралиб, юксалиб турарди; эҳтимол бу тепаликлар татар суворийларининг қабрларидир; арчазорлар, қайинзорлар сувга тўнтариб қўйилгандек туюларди; арчаларнинг қорамтир туси қайинларнинг сарғимтир япроқлари ва оқиш илдиэларидан фарқ қилиб турарди;— ёз қуёши шу оддий манзарага зарҳал югуртирган эди; тугилган ериндан оқиб ўтадиган дарёнинг шовқунида аллага, кекса янаганинг ҳикояларига ўхшаб кетучи алланима бор; Вадим шуни сизди ва унинг хаёли беихтиёр ўтмишга йўл олди; ўтмиш бир вақтлар ўзимизники бўлган уйга ўхшайди ва биз эндиликда бу уйда меҳмон деган ном остида базм қуришимиз керак;— ана шу роҳатнинг тубида ётган оғир ҳасрат тиниқ, шаффоф америка қудуғининг тубидаги захарли тимсоҳга ўхшайди.

Ногаҳон шамол олис бир ердан арава қўнғироғининг жаранг-журунг садосини олиб келди... Вадим бир сескандию, нима учун сесканганини ўзи ҳам билмай қолди; у — қайрилиб қараб, буталар орасидан ёғоч кўприкни ва сарғиш йўлни кўрди. Бу йўл тепалар ор-

қасида йўқолиб кетарди; шу йўлда тўрт филдиракли оддий соявон арава ортидан кулранг чанг кўтарилмоқда эди;... «Биз томонга келмаяптимикин?— деб ўйлади Вадим;— йўғе! Кимникига келади?»—...кўнғироқ уни ташвишга солиб қўйди; аллақандай бир ғаш кўнғилга кўрғошиндай ботди.— У дар'ё бўйлаб кезиб, кўнғил очишга уринди... Лекин кўнғил очилмади: ла'нати кўнғироқ уни та'қиб қиларди...

Бойнинг уйида нима гап?— кўнғироқ товушини у ерда ҳам эшитишди — лекин бу севимли садо ҳечкимнинг кўнғилини ғаш қилмади; Наталья Сергеевна дераза олдига югуриб келди, кеча кечкурундан бери хотини блан аразлашиб, гаплашмаётган Борис Петрович эса, ўзини нариги деразага отди.— Улар отпускага чиққан ўғлининг келишини кутишар эди — бу келаётган ўша бўлса керак!..

У даврда почталар жуда ёмон ишларди, ёки, тўғри-си, почтанинг ўзи йўқ эди;— ота-оналар подшо хизматидаги болаларининг олдига чопар юборардилар... аммо бу чопарлар эркинликдан фойдаланиб, кўпинча қайтиб келмас эдилар;— бу нарса шунга олиб келар эдики, чунончи, бир она аллақачон урушда ўлиб кетган ўғлини бир қизга унаштириб қўйди — гўзал қиз куёв болани кута-кута, ниҳоят, бошқага тегиб кетди; тўй кечаси биринчи куёвнинг арвоҳи ғойибдан келиб, келин-куёв блан бирга ётди; «қиз меники», деди у; унинг сўзлари бўш каллада елиб юрган шамолнинг худди ўзгинаси эди; у келинни бағрига босди, лекин унинг қалби ўрнида қонли яра бор эди;— попни чақирди, поп крест блан муқаддас сув олиб келди; шунда бемаҳал келган меҳмонни ҳайдаб юборишди; у кетатуриб йиғлаб юборди, аммо унинг бақрайган кўзларидан ёш ўрнига қум сочилди; орадан қирқ кун ўтгач, келин сил бўлиб ўлди, куёвни эса ҳечқаердан излаб тополмадилар.

Халқда шунақа бир ривоят бор; биз бу ривоятни қўйиб, ҳикоямизни давом этдирамиз. Борис Петрович блан унинг хотини уч йилдан бери Юринькадан хат-хабар ололмас эдилар!.. Бундан бир ой илгари у йўлда бир зиёратчини учратиб, ундан хат бериб юборган

ва шу хатида яқинда етиб келишини билдирган эди... келаётган унинг ўзгинаси!..

Қўнғироқ тобора баландроқ жаранглайбошлади... ана, яқинлашиб келаяпти, от дупури, кучернинг қий-қириғи, гилдиракларнинг тарақ-туруқи эшитилди... соявон арава дарвозадан кириб келди... Қўрадагиларнинг ҳаммаси йиғилишди... келган ўша... ҳарбий мундирда... ана, аравадан сакраб тушиб, онасининг қучоғига отилди... отаси нарироқда туриб, йиғлаяпти... ахир, бу уларнинг яккаю-ягона ўғли эмасми!

Дарвоқи, бундай нарсалар тасвирга муҳтож эмас...

Вадим кечқурун уйга қайтиб келди... соявон арава-ни кўрди, қулоғи яримта-юримта гапларни илғади... у ким келганини пайқади; у, шод оломонга ҳасад блан боқди, келажакни ўйлади, кунларни санади, тиши орасидан аллақандай маломат сўзлари отилиб чиқди... кейин эса, уйга қараб... бундай деди: бу гап чин! бу овоза ёлғон эмас... бирнеча ҳафтадан кейин шу ерда қон тўкилади ва бундан ҳам каттароқ ишлар бўлади, бошқалар беҳисоб азоб чекканларидан кейин ҳам бирор дақиқа бахтли бўлаолмайдилару, нега булар узоқ вақт сурган кайф-сафолари бадалига ақалли бир кун ҳам азоб чекмас эканлар!.. Нега фалак уларни севадно, мени севмайди! — Ё парвардигор, агар сен мени ўғлингдай, йўқ, ўғлингдай эмас, балки бир асрандидай севсанг эди... мен билдирган миннатдорчиликнинг ярми уларнинг барча ибодатларидан кучлироқ бўларди... — аммо сен мени туғилган соатимдан ла'натлагансан... ва мен маҳв бўладиган соатимда сенинг салтанатингни ла'натлаб кетаман..

Вадим чипта соявон арава ёнида қимир этмай турарди; атрофда ола-говур оломон; кампирлар, болалар тиқилишиб, бақириб чақирисар, хахолаб кулишар эди.

— Бойваччамиз бирам чиройли эканки, — дер эди аллаким... Вадим қип-қизариб кетди... ва шу дақиқадан бошлаб Юрий Палициннинг номини нафратлаб тилга оладиган бўлиб қолди...

Нима ҳам қилиш мумкин! У ўзининг иблисона вас-васасидан халос бўлолмади.

Қош қорайди; шам'лар ёқилди; дастурхон ясатилиб мис самовар олиб кирилди; Борис Петрович азиз меҳмондан беҳад шод бўлиб, хотини унга нимани манзур қилишни билолмай довдираб қолган эди; меҳмонхонанинг қия очиқ эшигидан ёндаги хонага узун шу'ла тушиб турарди; бу хонанинг деворлари ёнида рўзғор идишлари тахланган баланд шкафлар қорайиб кўринарди; Ольга шу хонанинг эшиги олдида оёқ учида туриб Юрийдан кўзини узмасди,— уни бундай қилишга шунчаки қизиқишдан кўра кучлироқ бир нарса мажбур қилган эди — Юрий жуда гўзал эди!.. Хотинларга худди шунақа гўзал чеҳралар ёқади; унинг чеҳрасида меҳрибонлик ва шу блан бирга жўшқинлик барқ уриб турарди; унда табиий бир оташ, истеҳсосиз бир қувноқлик бор эди;— у, ўз даврининг одати бўйича, юзига упа сурмаган; узун кўнғир сочлари бўйинини қоплаб олган; унинг мовий кўзларида нур акс этмас, лекин бу кўзлар ўзлариға дуч келган ҳамма нарсаға нур сочар эди.

У пойтахт тўғрисида, буюк Екатерина ҳақида сўзлар эди; халқ Екатеринбургни онагинамиз деб атармиш ва у, гвардиянинг ҳарбир солдатиға қўлидан ўптирармиш... Юрий Екатерина ҳақида гапирганда, чаккалари ёнарди: овози ҳам беихтиёр баландроқ жарангларди.— Кейин у шаҳардаги ўйин-кулгилар тўғрисида, ҳарир тўр ёпиниб ва йўл-йўл духоба кўйлак кийиб ясанган нозанинлар ҳақида гапиракетди...

Ольга қулоқ солиб турар экан, ҳасадга ўхшаш бир туйғу вужудини қоплаб олди: «агар менинг ҳақимда ҳам шундай гапирсалар, агар мен ҳам елкамға ҳарир тўр ташлаб қимматбаҳо гавҳарлар тақсам... эҳ, қанчалик бахтли бўлар эдим-а!..» 18 ёшға кирган ҳарқандай қиз ҳам унинг ўрнида шундай орзу қиларди. Гуллар баҳорға қанчалик керак бўлса, либос ҳам хотинларнинг бахтли бўлиши учун шунчалик керак.

Ольга «у эшик томонға қараб, менинг тамоша қилиб турганимни кўриб қолмасин», деб қўрқди; бу қўрқувда озроққина бўлса ҳам ғурур бор эди...

Броқ, бу ердан кетиб бўладими? Юрий бирам ёқим-

ли гапираяптики, асти қўяверасиз. Унинг товуши олий-жаноб туйғуларини аниқ равшан ифодалаб бераётти,— Ольга унинг сўзларига тушунаолмаётган бўлса ҳам, ҳарҳолда.. ўзини у сўзларнинг ма'носини тушунаётгандек ҳис қилди!..

Ана шундай қобилиятга эга бўлган кишилар борлигига шубҳаланмаслик керак, лекин бу қобилиятдан фақат сараланган кишиларгина фойдаланаолади, бу сараланган кишининг қалби ўзига ўхшаганларнинг қалбига бичиб яратилган бўлади, унинг тақдири ўзига ўхшаганларнинг тақдирига боғлиқ бўлади...— ана шундагина туғилишидан илгариеъ бир-бирига таниqliк бўлган бу икки вужуд бир-бирининг товушини эшитиб, кўзларини, табассумини кўриб, ўз қисматини уқиб олади... шундай қилганда, улар алданишмайди... ва агар улар кўнгилнинг ана шу муқаддас, сирли интилишига тўла ишонч блан берилмасалар, уларнинг шўри қурийди...— пасткаш одамларнинг барча сафаталарига қарамай, бу сирли интилиш бор ва у бўлиши зарур, токи жон — танимизга яшамоқ ва ҳаракат қилмоқ учунгина ато қилинган — агар муҳаббат бўлмаса, барча мақсадларнинг, одамзод қилган ҳамма меҳнатнинг қиммати нима бўлар эди?— ахир, гоҳо, халқ блан подшо ўрғасида ҳам шу қудратли хайрихоҳликни кўрмаймизми?— чунончи, Наполеон блан унинг қўшинини олиб кўринг!— улар бир-биридан узоқланганидан кейин, қанча яшай олди?

Эҳе, Ольга ўз моҳиятини тушунган илк дақиқада ҳуссига ҳуси қўшилди, унинг нафаси қисилиб турган кенг кўкрагида истиқболи буёк бўлган ма'сум ҳаёт мавж урди; унинг шу кўкрагида азоб-уқубат учун ва'да қилинган ва жаннат роҳатлари учун яратилган қалб дукиллаб уриб турарди...

Сокин булоққа тош ташланиши кифоя эди.

Киз қайрилиб қаради.

Чироқнинг ингичка ёрқин шу'ласи эшик тирқишидан шу хонага кириб, даҳшатли, ҳақоратли, жилмайиб, буришиб турган лабларга тушди,— теваарак-атроф қоп-қоронғи зулмат бўлса ҳам эшик тирқишидан кирган нур қизнинг дарҳол акасини таниб олиши учун

кифоя эди... Вадимнинг бутун ҳаёти унинг қўжарган лабларида тўла ифодаланган эди; чироқ шу ласининг ҳам келиб-келиб унинг лабларига тушганини қаранг-а.

Вадим яқинроқ келди: унинг бутун вужуди муз эди.

— Табриклайман, Ольга...

— Нима блан?

— Шундай эмасми-а... сенинг ёш хўжайининг мунча ҳам чиройлик-а!..

— У сенинг ҳам хўжайининг!— хафа бўлиб, э'тироз билдирди Ольга.

— Сра ҳам-да... мен ўз ихтиёрим блан хизматкор бўлганман... мен ҳаётим, тарбиям учун улардан қарздор эмасман... аммо сенинг йўригинг бошқа!.. Уҳў, бир қарагин-а, ана эпчиллигу, ана ҳусн...

Қиз хўрсинди...

— Ана шу гўзал бош тандан жудо қилинади...— деб пичирлаб сўзида, давом этди Вадим.— Ана шу ипакдай юмшоқ сочлар қонга бўялиб, хунук-бедаво бўлиб кетади... онг эсингдами... жуда шошиб онг ичиб қўйдинг-да... Эҳ, отам! Отажоним!.. Тезда шундай бир дақиқа келадик, сенинг нотинч руҳинг уларнинг жасадлари устида сузиб юриб, болаларингга оқ фотиҳа беради,— ўша дақиқа яқин қолди, жуда яқин...

— Яқин қолди!..

— Мен сенинг завқланаётганингни кўраяпман!— деди унга акаси, парвосизгина.— Яқин қолди!— Шунча кутганимиз бас, аммо шунча кутганимиз бекор кетмади!.. Бизнинг қасос олишимиз учун худо бутун бир халқни оёққа турғизади: мен сенга айтиб бераман... қулоқ сол, хурсанд бўласан: Донда жасур бир телба пайдо бўлди, у мен подшомани деб да'во қилди... халқ ўз подшосининг соқол қўйганидан, деҳқонларга ўхшаб гапиришидан хурсанд бўлиб, унга ёнбосди... дворянлар ҳалок бўлаётипти,— ахир, халққа эрмак керак эмасми... эрмак бўлмаса байрам ҳам байрамга ўхшамай қолади!.. Қон қўшилмаган вино уларга та'сир қилмай қўйди.— Азбаройи севинганингдан қалтирайсан, Ольга...

Қиз бошини қуйи солиб, индамай узоқлашди. Энди унинг юрагида қасос йўқ эди;— энди у ўз вадасининг

нақадар қўрқинчли эканини бутунлай тушунди; ибодат қилмоқчи бўлди... аммо ҳечқайси дуо ҳам унинг кўнглига тасалли беролмади; ҳарбир дуо маломат бўлиб, беҳуда тавбанинг товуши бўлиб туюларди... «ёвуз душманининг ўғли мунча ҳам чиройли-я» деб ўйларди Ольга, ана шу оддий фикр кечаси блан турли шаклларда унинг тушига кириб чиқди; у алоғ-чалог тушлардан қутулолмай, уларга хаёлнинг енгилгина пардасини ёпиб қўяр эди, холос,— аммо эрталабки туманга бурканган жарлик унча қоронғи бўлмаса ҳам, броқ йўлчига икки марта кенгроқ бўлиб туюлади.

Бу вақт Вадим меҳмонхона эшиги олдида қолиб, кўришув қувончи блан руҳланган оилада бўлаётган ҳодисаларга хира кўзларини тикиб турарди... унинг қалбида ҳам қувонч бор эди, лекин бу қувонч ойнинг майингина шуласидан кейин чиққан ёнғиннинг алангасига ўхшарди.

У, шу ерда анча вақт туриб қолиб, ёш Палициннинг хусини тамоша қилди,— у шу қадар хаёл суриб кетдики, Борис Петровичнинг, «Ҳей, малай... Вадимка!» деб — чақирганини ҳам биринчи марта эшитмай қолди.— Ўзига келганидан кейин, кирди;— Юрий унга ачишгансимон қаради, броқ Вадим ўз туйғуларининг ма'лум бўлиб қолмаслиги учун, ерга қараб тураверди.

— Қалай, букурим сенига ма'қулми!..— деди Борис Петрович,— жуда галати-да...

— Дадажон,— деди Юрий,— ҳарбир кишининг ҳам ўз камчиликлари бўлади... табиат майиб қилиб яратгани учун у айбли эмас!..

— Агар менга яхши хизмат қилсанг,— деди у, ма'юс бўлиб турган Вадимга қараб,— мен сени хурсанд қиламан!.. бор энди, ишингни қил...

— Қани, йўқол,— деди, Вадимнинг турган жойидан жилмаётганини кўрган Борис Петрович; йигитчанинг меҳрибонлиги, унинг очиқ чеҳра блан гапириши Вадимни уялтириб қўйган эди;— бир нафас ғойиб бўлган ҳасад, у эшикка яқинлашганидагина юрагига қайтиб келди, аммо бу ҳасад шу бир нафасда янада зўрайиб қайтган эди.

У остонадан хатлаб ўтар экан, деворга тушган

хунук соясини кўрди, уни оғир бир туйғу эздн:— у уйдан телбадек югуриб чиқиб далага йўл олди;— Вадим эрталаб кўрага қайтди, у каттакон бўрини судраб келди... ўрмонда санқиб юрганида доим кўйнида олиб юрадиган катта пичоғи блан шу йиртқични ўлдирган эди... Қўрадагиларнинг ҳаммаси Вадимни ўраб олишди, унинг мардлигига қойил қолиб, ҳатто хўжайинлар ҳам ҳовлига чиқишди... Ниҳоят, у ҳам бир нафас тантана қилиб, кайф сурди!— «Сен энди отбоқарим бўласан!»— деди Борис Петрович.

ХИБОБ

Борис Петрович ўзининг янги отбоқари, итлари ва қуйи табақали гумашталари блан қишлоқ чеккасига овга чиқиб кетди; Палицин ҳатто кексайган чоғида ҳам овга жуда ишқибоз эди ва иложини топиши блан, ўзининг энг ёмон душманлари бўлган айиқларнинг макони — қалин ўрмонлар ичига кириб кетарди.

Юрий хилват қишлоқда нима қилсин? Отасига эргашиб борсинми?— йўқ, у ҳайволлар блан урушишни ўзи учун кайфичоғлик деб билмайди;— у уйда қолди, хонама-хона кезиб юрди, бирорта эрмак излади, гулқоғозларни тар-тар йиртди;— эрмак учун ажойиб машғулот эди;— шу вақт чеккароқда алланима йилт этиб кетди... аёл кўйлаги кўринди;— у ўша томонга бориб, тушки қуёш шуласи блан ёришиб турган кичкинагина хонага кирди; бу хонадан аллақандай муаттар ҳид келарди; оташин қалбли ёш қиз шу ерда яшаб турганлиги бу хонага ўзгача руҳ бағишлаган эди.

Севимли хотиннинг уйига тез-тез бориб турадиган киши менинг нима демоқчи бўлаётганимни тушунади... у ана шу сиҳргар ҳиднинг таъсириши синаб кўрган, бу уйнинг ҳавоси унинг муқаддас орзулари блан чамбарчас боғланган, бу ҳаво ҳар кеча мусаффо қиз кўкрагининг нафаси блан яна хушбўйроқ бўлади — у биргина ўрин-кўрпа блан безатилган шу бурчакни Муҳаммад пайгамбарнинг бутун бошли жаннатига алишмаган бўларди...

— Ия, Ольга, бу сенмисан!— деди ёш Палицин

кулиб.— Мен соя блан қувлашиб юрибман деб ўйлабман, роса алданибман-да!

— Хато қилганингиз учун хафамисиз? — Оҳ, агар шундай бўлса, хотиржам бўлаверинг, мен сиз блан худди соядек гаплашаман, я'ни жуда кам гаплашаман... ундан кейин...

— Худо ҳақи, бундай қилакўрма, севикли Ольга! Мен сенинг сўзларингни кун бўйи эшитишга тайёрман; нақадар зерикканимни хаёлингга ҳам келтираолмайсан; ҳамаёқда санқиб юрибман... ким блан гаплашишни билмайман... ойим рўзғордан бўшамайди,— худо ҳақи, гапир, гапиравер... қарғасанг ҳам майли.. фақат ўзингни четга тортма!..

— Москваги гўзалларни дарров унутибсиз-да, ўшаларни ўйласангиз, зерикмайсиз.

— Уларни ўйлаб туриб, сен блан гаплашайми? Йўқ, Ольга, бу икки нарса бир кўнгилга сиғмайди!..

— Мен, оддий, далачи қиз, сизга нима ҳам дейишим мумкин? Нимани кўрибману, нимани эшитибман? Мен сизни зериккиш касалидан халос этадиган дори бўлолмайман; ҳарқандай дори ҳам, ҳарқанча шифо бўлишига қарамай, жуда аччиқ бўлади.

— Бугун сенинг кайфинг бузуқ,—деди Юрий, унинг қўлидан ушлаб, зўрлаб ўтқазар экан.— Сен ё мендан, ёки ойимдан хафа бўлибсан... Агар сени бирор киши хафа қилган бўлса, менга айт; номусимни ўртага қўйиб оит нчаманки, сени хафа қилганининг адабини бераман...

— Менга сизнинг ҳимоянгиз, қасос олиб беришингиз керак эмас... қўлимни қўйиб юборинг!.. Сизга эрмак керак бўлса, бошқаларни, мендан кўра итоатлироқ, ўз юрагини сизга бериб, жилмайиб кўнглингизни топадиганларни чақиринг... юрагим сиқилиб кетаяпти... ундан кейин, мен сизнинг чўрингиз эмасман... боринг...

— Ольга, қулоқ сол, та'на қилма... Оҳ! мени кечир наҳотки, менинг ҳаракатларимдан шундай фикрга келган бўлсанг? Наҳотки, мен Ольгани чўри ўрнида кўриб муомала қилаётган бўлсам?— Сен камбағал, етимча бўлсанг ҳам, ақллисан, гўзалсан; менинг сўзларимда хушомад йўқ; чин кўнгилдан сўзлаяпман; ҳий!

ла-найранглардан ҳолий бўлган фикрларимни сенга очиқ-ойдин сўзлаяпман;— агар сен мен билан гаплашмасанг, мендан қочиб юрсанг, ўзингга зиён қиласан; шундай қилгундек бўлсанг, сенга тинчлик бермайман;— раҳминг келсин... мен бу ерда одамнамо махлуқлар орасида яккаланиб юрганимда, шу саҳрода бир фаришта олдимда пайдо бўлди; лекин унинг мени ўзига яқинлаштирмаётгани, тикилиб-тикилиб қарашимга, сўзларига қулоқ солишимга ижозат бермаётган. лиги адолатданми? Ё раббий! Чанқаб юрагим ўтдай ўртанаётган дақиқада кўз олдимда шифобахш сувни кўрсаму, унга лабимни яқинлаштиришим билан, у қуриб қолса, бу қандоқ гап...

— Сўзларингиз жуда ҳам чиройли, Юрий Борисович, мен бунақа гапларни биринчи марта эшитаяпман... шундоқ бўлса ҳам, чақалоқлик чоғиданоқ бебахт бўлгани учун сизнинг вақтингизни чоғ қилишга майли бўлмаган қизни тинч қўйишингизни сўрайман... сўзимга ишонинг: чор-атрофимда ҳалокат...

— Мен оёқларинг остида юз марта ҳалок бўлишга тайёрман!..

— Сиз менинг мақсадимни тушумадингиз... Мен кўзингизга энди галати бўлиб кўринаяпман, балки... лекин...

— Сен ўз йўлингда дилбарсан...

— Бу мақтовларни қаранг-а! — деди, Ольга истеҳзоли назар ташлаб.

— Аччиғинг чиқмасин!..— деди Юрий ва жилмайиб қиз томонга эгилди; кейин унинг чап елкасига тушиб турган узун қора сочини қўлига олиб, унга лабларини босди; у худди муқаддас туморни ўпгандек, а'золарига муздек бир нарса югурди; у қизга тикилиб қаради ва бу гал унинг кўзларида қат'иятдан нишон беручи ажойиб бир нур порлади; қиз уялмади, балки қўрқиб кетди.

— Тегманг,— деди Ольга ғурур билан,— мен ёлғиз қолишим керак.

Юрий унинг кўзларидан таннознинг шўхлик белгисини топиб, бир қийнаб кўраман, деб беҳуда уринди, бу иш унинг қўлидан келмади!..

— Сен мендан мамнун бўласан,— деди у, хонадан секингина чиқатуриб.

Фақат улар, учунгина қизиқ бўлган бу гап-сўзлар тез-тез такрорлани турди — уларнинг мазмуни ҳам, хулосаси ҳам деярлик ҳамавақт бир хил бўлар эди; агар улар бу гап-сўзларни 19-нчи асрдаги бирорта романда ўқисалар, зерикиб мудраб қолган бўлардилар, аммо саодатли 18-нчи асрда ва мен тасвирлаётган йилда ҳарбир ҳаёт бир роман эди; эндиликда ёшларнинг ҳаёти бошқача — улар ҳаракат қилишдан кўра кўпроқ фикр қиладилар; қаҳрамонлар йўқ, кузатувчилар эса, ҳаддан зиёда кўпайиб кетган ва улар илгариги шўхлиги, ўзи иштирок этган катта базмларни эслаш билан сўнган кучларини тикламоқчи бўлган шаҳватпараст чолга ўхшайдилар.— Бу беҳуда хаёлпарастлик одамзоднинг шаънига жуда катта доғ бўлиб тушади;— одамзод ўз ниҳоясига яқинлашди; қўяверинг... аммо сочининг оқини болаларча қилиқлар билан яширишнинг нима ҳожати бор? Улим тўшагида ётган кишининг йиқилиб тушиб, полда жон бериш учун сакрашининг нима кераги бор?

Бас, қиссамизга қайтиб, унинг бобини тезроқ тамомлайлик.

Ольга ўз севгисини ичига яширишга қанчалик уринса, у шунчалик сиртга тепиб чиқар эди; Юрий тажрибали эди, кўн севган ва бундан ҳам кўпроқ севилган, бу нарса унга одат бўлиб қолган эди, қиз ўз кўнглидаги гапларни тушунишга ботинаолмаган бир вақтда, Юрий буни унинг кўзидан билиб оларди.— Қиз *уни* ўйлар ва ўз севгиси ҳақида ўйлашдан қўрқарди; Ольга унга савол беришга ботинса, юрагига ваҳима тўлиб кетарди; чунки унинг ташвишли хаёлида ўтмиш билан келажак аён бўларди; қироллик тахтига ўтириш пайтида, базм айни авжга чиққанда, Банкуонинг қонли арвоқини тахтда кўрган Макбет худди шундай даҳшатга тушган эди... аммо бу даҳшат унинг беморнинг алжирashi даражасидаги шухратпарастлигини заррача ҳам камайтирмади; Ольганинг севгиси ҳам худди шундай бўлди.

Юрий Ольгадек назокат билан севолмас эди; у ҳам-

ма нарсани олдиндан сезиб турар ва шу сабабдан янгилик латофати унинг эҳтиросини безатаолмасди;— лекин унинг тақдир китобида: сиҳрли бир занжир сенинг ҳаётингни шу аёлнинг қисматига умрбод чамбарчас қилиб боғлайди, деб ёзилган эди.

У Ольга блан бирга бўлмаса зерикар ва хотиржам бўларди;— броқ унинг яқинига келиши блан сиҳрланиб, ўзини-ўзи таниёлмай қолар, асоратга тушганидан қувонар ва ҳечқачон бунчалик кучли севмаганига, гўзалликнинг таърифини шу вақтга қадар тушунмаганига қаноат ҳосил қилар эди,— унга раҳм қилингллар.

Х II БОБ

Ольганинг сирли жавоблари, гоҳо эса унинг сун'ий бепарволиги Юрийнинг юрагидаги ўтни тобора алангалатарди; у қизнинг ўзини бундай тутишини гоҳо марғурлик аломати деб, гоҳо айёрлик белгиси деб биларди; лекин деярлик барча ошиқларга ҳос бўлган ишонмаслик натижасида унинг севишига кўпинча шубҳаланиб қарарди... Қушлардан бир кун, азбаройи жони қийналиб кетганидан, ундан очиқ-ойдин иқрор бўлишини талаб этишга... ёки, мутлақо рад жавоби олишга қарор берди!..

— Бу болалик-ку!— дерсиз: аммо муҳаббатнинг лаззати шунда-да; у бизни болага айлантириб, худди ўйинчоқлар сингари гўзал тушлар совға қилади; алам қилган дақиқада шу ўйинчоқларни сиңдириб ташлаш ҳам бир дун'ё роҳат бағишлайди; айниқса бошқа ўйинчоқлар олишдан умидвор бўлганимизда бу қилган ишимиздан завқланамиз.

У, Ольганинг уйига хафаҳол чеҳра блан кирди; индамай унинг ёнига ўтириб, қўлидан ушлади. Қиз қаршилик кўрсатмади; ишидан кўзини узмади, қизармади... қалтираб кетгани ҳам йўқ; у ҳамма, ҳамма нарсани ўйлаб олди... лекин нажот йўлини топмади; у ўзини индамай тақдирга ҳавола қилди, келажакка қора парда тортиб қўйди ва бошқа йўл тополмагани учун... севишга қарор берди.

— Ольга!— деди Юрий мажолсиз товуш блан;— мен сени севаман.

— Биламан,— деб жавоб берди қиз.

— Биламан! Биламан! Топган сўзинг шу! Мен сендан бундан ортиқ бирор гап эшитганим йўқ!

— Бундан ортиқ гапни нима қиласиз!.. Қулоғим сизда, жимгина ўтирибман-ку...

— О, жуда катта илтифот қилаяптилар!— Мени ҳаттоки ўзингга яқин бўлишга ҳам муносиб кўрмаяпсан... мен қуёшни, юлдузларни қандай севиб тамоша қилсам, сени ҳам шундай севиб тамоша қилишни истайман; сен гўзалсан! Бу шубҳасиз!— Аммо бу сенга тош юрак бўлиш учун ҳуқуқ берадими?

— Мен худодан гўзаллик беришини ҳам, мулойим юрак беришини ҳам сўраганим йўқ... Агар менинг муомалам сизга ёқмаса, мени тинч қўйинг; биз бир-биримизни билиб чакки иш қилдик; аммо дун'ёда ҳамма хатони ҳам тузатса бўлади...

— Одамни бахтсиз қилиб қўйиб, унга: бахтли бўл, дейиш ҳеч гап эмас! Дун'ёда ҳамма хатони ҳам тузатса бўлармиш. Ольга, қулоқ сёл, мен сенга охирги марта гапираяпман... мен сени сен ўйлагандан ортиқроқ севаман; бу ўт... олов... оҳ, дардимни тушунсангчи... Сўзлашга сўз тополмаяпман... Мен сени севаман! Агар сен буни тушунмасанг, қолган ҳамма нарсадан фойда йўқ... Жавоб бер: мендан талабинг нима? Нимани қурбон қилай?..

— Мени унутинг — талабим шу!— деб, ажойиб қат'ият блан хитоб қилди Ольга.

— Йўқ! Ҳечқачон унутолмайман...— Сени олиш учун сдамзоднинг қўлидан келмайдиган ишни бажараман, аммо унутаолмайман, бунинг уддасидан чиқаролмайман...

У сўзидан тўхтади; уйда уёқдан-буёққа юрди, кейин дераза олдига борди-да, юзини қўллари блан яширди, орадан бирнеча минут ўтди. Ниҳоят, у ўгирилиб деди: «Мен янглишдим, очиқ икром бўлишим керакки, янглишдим... Оҳ! Шу ўтган бир дақиқа жаннат роҳатини бағишлади, бу бир туш эди, лекин туш бўлса ҳам, илоҳий туш эди;— энди бўлса, ҳаммаси

ўтди-кетди... Сохта умидларнинг ҳаммасини мангу йўқ қилиб юбораман, хаёлим яратган манзараларнинг ҳаммасини пуф этиб ўчираман; муҳаббатга, бахтга бўлган ишончларим, кўзимдан йўқолинг, Ольга, алвидс' — сен мени алдадинг, алдов ҳамisha алдовлигича қолади; кўз нимаю, тил нима, — барибир эмасми? Ниятинг нима эди? Буни билмайман... эҳтимол... О, менинг нафратимни ол — мендан сента қоладиган мерос шу... Мен сени деб ўламан».

У Ольгага деворларни ҳам тешиб ўтадиган даражада, ўткир, қўрғошинсимон, аламзада назар блан тикилди-да, уйдан чиқмоқ учун бир қадам ташлади; Юрийнинг кейинги сўзлари аччиқ ғазабни ифодаларди; қиз ортиқ бардош беролмади, ўрнидан сакраб турди-да, хўнграганича Юрийнинг оёғига йиқилди.— У чексиз қувониб, Ольгани кўтариб олди ва анча вақтгача бир оғиз ҳам гапиролмади; унинг қалби қаршисида бошқа бир қалб, биринчи муҳаббатнинг бутун ҳарорати блан севучи ёш, нозанин қалб уриб турарди.— Улар ўтириб, бир-бирларининг кўзларига тикилдилар, йўғламадилар ҳам, кулмадилар ҳам, гапирмадилар ҳам. Бу барча дун'ёвий ва илоҳий туйғуларнинг тартибсиз туғ'ени эди, бу қуюн эди, ҳаркимга ҳам насиб бўлавермайдиган ва ҳечким тушунтириб беролмайдиган, ноаниқ лаззат эди.— Чала-чулпа гаплар уларнинг лабларидан тартибсиз равишда отилиб чиқар ва ҳарбир сўз бутун бир поэмага арзир эди...— ўз ҳолича бирор ма'нога эга бўлмаса ҳам, аммо товушдан, баданнинг ихтиёрсиз ҳаракатидан руҳ олган ҳарбир сўз бир дун'ё роҳат бағишларди.

— Мен севилдим, севилдим, севилдим, — дер эди Юрий...— қайта-қайта, баралла такрорлайманки, фаришталар эшитиб, ҳаваслари келади...

— Фаришталар эшитса майли, лекин одамлар эшитмасин!...

— Нега энди, фариштам!...

— Агар одамлар эшитса, балки сени шўрлик Ольгадан тортиб олишади...

— Сен гўзалсан! — Бехуда ваҳимани қўй!.. Сен меникисан, меники...

— Чўри эмасман-а! Ростми?
— Сен менинг хазинамсан!
— Оҳ, жонгинам... ўп, мени ўпиб ол... Мен хасис-
нинг хазинаси бўлишни истамайман... Майли, дўзах
азоблари мени қўрқитаверсин... тақдирга тан бериш
керак... Мен бахтлиман!— Шундай эмасми?

— Сен бахтлисан!— Кел, сени қучоқлай, қаттиқ,
қаттиқ қучоқлай.

— Жонимни бағишлаганимдан кейин, бошқа нар-
самни аярмидим.

— Бу сочлар... суриб қўй уларни!— Мана, мундоғ
бўпти... Сенинг бўсанг блан менинг бўсам қўшилиб
кетсин...

«Худойим, худойим... энди ўлсам армоним йўқ...
Оҳ! Нега ҳозир ўлмайман-а?»

Х И И Б О Б

— Дўстгинам, Ольга, осмонда худо бор экан,— ер
юзиди бахт ҳам бўлади...

— Агар сен шу икковига ишонсанг, худойим бахтин-
ни берсин — дер экан, унинг қўли беғам йигитчанинг
қалин қўнғир сочларини силарди; улар тушган қайиқ
қорамтир тўлқинлар орасида илон изи сингари оқиш
чизик қолдириб, дар'ё бўйлаб астагина сузиб борарди;
бурғуг қанетларини эслатучи эшкаклар қайиқнинг
икки томонида силкиниб турарди; улар иккови ёнма-
ён ўтириб, биттадан эшкакни ушлаб олишган эди;
муздек сув аста шапиллаб сачрар, гоҳо эса фосфор
каби ялтиларди; кейин, сув сатҳида ёйилиб, катта-
кичик доиралар ташкил этар ва қоронғиликда секин-
аста ғойиб бўлиб кетарди;— кун блан туннинг чегара-
си бўлган ғарб уфқидаги қизил чизик ҳали сўнмаган
эди; мовий гумбаздаги олмосдай ярқироқ шу'ла йўқо-
либ борар ва Оканинг кимсасиз соҳилига шабнам
тушган эди; ухлаб кетган табиат қучоғидаги ювош
сузучилар келажак ҳақида ўйламай, бир-бирлари блан
ҳазиллашиб борардилар; гоҳо Юрий ўз дугонасининг
ғайига тегиш, уни чўчитиш учун бесўнақай ҳаракат
қилиб, қайиқни чайқалтирарди; лекин қиз бу ма'сум
шўхлик учун боплаб ўч оларди; эшкакни билдирмас-

дангина тескари томонга эшар, бунинг натижаѣида Юрийнинг бутун меҳнати бекорга кетар ва қайиқ тўхтаб қолиб, айланаверарди... кулги, эркалаш, болаларча-ҳадиксираш ва бошқа ҳамма кайфи чоғликлар соф кўнгилнинг иши эдики, агар иблис уларни йўлдан оздирмоқчи бўлса, бунинг учун ҳозирги дақиқани танламас эди;— Ольга ўз севгисини жиноят деб ҳисобламас эди; у даҳшатли, қонли куннинг яқинлигини билар ва иложи борича уни ўйламасликка ҳаракат қиларди... Осмон унинг келажаги эвазига ҳозирги кучларини берган эди;— унинг кучли қалби бор эди, бу қалб муқаррар бўлган нарсанинг ғамини емас ва ғанимат саодатли кунларида яшаб қолишни истар эди; акаси узоқда бўлгани учун у тақдирдан ғоят миннатдор эди; у тушуниб бўлмайдиган даҳшатли махлуқнинг биргина қараши унинг бутун саодатини музлатиб юбориши мумкин эди;— у ана шу ҳукмронлиқни қаердан олган экан-а?

— Севгимизнинг ниҳояси борми?— деб сўради Юрий, эшқакни эшишдан тўхтаб, бошини қизнинг селкасига қўяр экан:— йўқ, ниҳояси йўқ!.. Севгимиз абадий давом этади, унинг умри дунёвий ҳаётимизнинг умридан узунроқдир ва агар жонларимиз боқий бўлмаса эди, севгимиз туфайли боқий бўлар эди, онт ичманки, ёлғиз ўзинг бошқа ҳамма хотираларимнинг ўрнини босаоласан — қўлингни бер... бу азиз қўл;— шу қадар оппоқки, қоронғиликка нур сочаяпти... Ма, бу узугимни ол, Ольга! Менга қара, сўзимни эшитмаянсанми? Еки, менинг онтимга ишонмайсанми?

Қиз жавоб бериш ўрнига астагина куйлай кетди:

Шамол увлайди,
 Ой порлайди,
 Қизча йиғлайди—
 Севган ёри кетар олисга.
 Қиз ҳам тинмайди,
 Ел ҳам тинмайди;
 Ой ботади,
 Ер хиёнат қилади қизга!

— Қўй, бу ашулани айтма!— деб хитоб қилди, Юрий.— Уни сенга ким ўргатган?

— Ҳечким, ўзим.

— Ишонмайман. Наҳотки, сен мендан шубҳалансанг!..

— Шубҳаланмайман; лекин сен ҳадеб вадалар бераяпсан — биз бўлсак, тезда ажралишимиз... ундан кейин эса —... ундан кейин...

— О, агар фақат шундан чўчиётган бўлсанг, хотиржам бўлавер. Мен ҳали-бери кетмайман... мен бу ерда яна уч ой тураман...

— Атиги уч ойми! Худоей! — уни қалтироқ босди; юрагига муз югурди.

— Ундан кейин, — деди Юрий қизга тасалли бермоқчи бўлиб, худоей! — деган сўзнинг ма'носини тушунган ҳолда, — ундан кейин полкка бораман, исти'фога чиқаман ва яна сенинг олдинга қайтиб келаман... ўшанда арзимас гап-сўзларга қулоқ солмаймиз-да, сен меники бўласан. Агар отам бизни бир-биримиздан ажратмоқчи бўлса, овора бўлади... Ҳа!.. Дуруст, у менга ҳаёт берган, аммо сен ҳар гал табассум қилганигда миллион-миллион ҳаёт ҳад'я қилаяпсан...

— Уч ой, атиги уч ой ва бирнеча кун, — деб такрорлар экан, Ольга унинг сўзларини эшитмас эди... Ана шу ҳалокатли, узил-кесил фикр унинг ақлини банд этган эди.

Улар қайиқни тўхтатиб, қирғоққа чиқишди... Ҳаммасқни қоронғилик босган эди; тепасида ғалати қўнғирогни осилиб турган қишлоқ черкови ғарбнинг сал қорамтир уфқида паҳлавоннинг кўланкасига ўхшаб кўришарди; уйнинг гоҳ у, гоҳ бу дераза ойналари толларнинг сийрак барглари орасидан йилтиллаб қолади.

Улар торгина сўқмоқ бўйлаб, қўл ушлашиб, индамасдангина келар эканлар, бузилиб ётган ҳаммомга яқинлашганда бирдан дағал товушларни эшитдилар; «кўрайликчи, нима гап» — деди шивирлаб Юрий. — Қиз дарҳол тўхтаб қолди.

— Яқинлашиб қолдимикан-а? — деб сўради биринчи овоз.

— Шу кунларда бўлади; вилоятда ҳозирданоқ тўс-тўпалон бошланаяпти. — Ҳа, айтгандай, сизлар тайёр бўлармикинсиз, — деди иккинчиси.

— Ҳаммаси жойида бўлади — буни бизга қўйиб

бераверинг... фақат ёлғиз ўзимиз кўтарилишга боти-
полмаяпмиз; сизлар етиб келгунча жим туратурамиз...
яна ўзинг биласан.

— Ма'қул.

— Нон блан тузнинг текин бўлиши ростмикин-а...

— Билмадим... Аммо жуда соз бўлади... Ёино бўл-
са, бойларнинг ертўласидан олиниб, текинга берила-
ди,— шу ерга келганда Юрий бирнеча сўзни эшитол-
май қолди.

— Ҳа, айтгандай Вадим келган эди,— деди бирин-
чи овоз... Шу номни эшитиш блан Ольга Палициннийг
қўлини маҳкам ушлаб, судраб кетди.

— Қаёққа кетаяпсан?— деди у таажжубланиб:—
Сенга нима бўлди?.

Ольга:

— Тезроқ! Тезроқ кетайлик!— дер, бошқа ҳечнарс
гапиролмас эди.

Юрий: «бу ердагилар ўғри бўлса керак!»— деб ўй-
лади-да, унинг қўрқиб кетганидан таажжубланмади.

Ольга ўйга келиши бланоқ ўз хонасига кириб, уни
ичидан қулфлаб олди.

Наталья Сергеевна ўғлини кутиб олар экан, жил-
майиб, унинг тунги сайри ҳақида ажаб қилибсан,— деб
қўяқолди;— бу меҳрибон хотиннинг севинчи ниҳоясиз
эди; эндиликда унинг эри бир вақтнинг ўзида ҳам ўғ-
лига, ҳам хотинига хиёнат қилолмайди; «ҳар қалай,—
деб ўйлади у,— ёшларнинг шўхлигини кечирса бўлади;
аммо соч-соқоли оқарган чолнинг бу куйга тушиб қол-
ганлиги не важдан эканини худойимнинг ўзи билади!..»

— Эртага монастырьга борамиз, Юрийжон,— деди
у, хонага кирган ўғлига;— Борис Петрович ҳали хий-
ла вақтгача овда дайдиб юради... унга ўхшамаганинг-
га бирам хурсандманки!..

Чиндан ҳам шундай, муҳтарам помешчик айиқлар
блан итларни ўзининг Наталья Сергеевнасидан афзал-
роқ кўрар ва гарчи, 18-нчи аср аёлларининг иззати
нафси бизнинг пойтахт аёлларимизнинг иззати нафсича
қалтис бўлмаса ҳам, хотинининг иззати нафсини унча
қадрламас эди.

Аммо аср ўзгача, хулқлар ҳам бошқача!

Палидин қишлоғидан саккиз чақиримча масофада қирғоқларини ёмғир ювиб кетган чуқур жар ёқасида ўрмон блан ўралган қашшоққина тинч қишлоқ бор эди; тепа устига қурилган бу қишлоқ, сирасини айтганда, теваарак-атроф устида баланд кўтарилиб турарди; унинг кулранг тутуни жуда олисдан кўзга ташланар ва тонг қуёши кўпгина арғувон ва дуб дарахтларининг учларидан аввал шу қишлоқнинг похол томларига нур сочарди.— Борис Петрович қоқ пешинда бир тўда итлари, отлари ва хизматкорлари блан бирга шу ерда дам олаяпти;— ов юришмади; иккита тулки този итларга тутқич бермай қочди; бир бўри итлар блан олиша-олиша, ахир, соғ қутилди, отбоқар эгарининг қошида иккитагина қуён осилиб турарди... Бурғилар чалиниб, бош овчи бақириб-чақириб, овқат ҳам емасдан оролларда ноумид бўлиб, беҳуда югуриб юрса ҳам, учта този ит ҳамон қайтиб келмади,— Борис Петрович алам ичида икки овчини калтаклади, ярим графин арақ ичди ва шу ердаги уйга кириб ухлаб қолди; ҳовлида тиним йўқ, шовқин-сурон авжида: гала-галаларга бўлинган итлар узун тоғораларда шапиллатиб овқат ейдилар, отлар похол устида ағанаб ётади, бечора отбоқарлар бўлса, отларни қамчилаб турғизаман деб минут сайин бўтқа қозонни ташлаб кетишга мажбур бўладилар.— Ҳаво оқич ва мусаффо, шимолдан эсаётган шамол осмоннинг мовий тумбази тагида ола-чалпоқ булутларни суриб кетмоқда ва ўрмоннинг чўққилари худди шаршарага ўхшаб, гоҳ орқага, гоҳ олдинга эгилиб,— шовқин солмоқда.

Бу вақт бостирма тагига жойлашиб олган хизматкорлар сохта подшоҳ ҳақида, шу яқин ўртадаги исёнлар тўғрисида, кўпгина дворянларнинг дорга осилгани ҳақида эшитган-билган нарсаларини бир-бирларига шивирлаб айтиб берар эдилар — уларнинг деярлик ҳарбири ичида ёки сиртида қувонар эди... Булар дала-даштда яшашга, йиртқич ҳайвонларни ҳай-ҳайлаб қувишга одатланган кишилар бўлиб, тинчгина юришга, бирор нарсага ачиниш ёки астойдил ихлос қўйишга ноқобил эдилар; вино, ўйин-кулги, ов—уларнинг бирдан-бир

машғулоти бўлиб, улар худо йўлида бирорта савобли иш қилмас эдилар; мабодо уларнинг ичида бирорта содиқ, софдил хизматкор бўлса, у ҳам эҳтиёт юзасидан индамас, ёки ўзини четга тортар эди.— Кунлардан бир кун бу овозалар Борис Петровичнинг ҳам қулоғига етди: «Бўлмаган гап,— деди у,— бунга кимнинг ҳадди сиғади?..— Бундай беғамлик кўпгина аждодларимизни ҳалок қилган; улар: халқ қонимизни тўкишга жур'ат этади, деб хаёлларига ҳам келтирмаганлар: улар русларнинг итоати ва содиқлигига ана шундай одаланиб қолганлар!

— Эсингдами, яқинда сени бой уч кунга шаҳарга юбордию, ана ўшанда бу ерда бир гап эшитдик: бир довюрак йигит пайдо бўлган эмиш, казаклар уни Қизил шапка деб улуғлармишлар, у ҳамма нарсани остин-устин қилиб юборармиш; у шайтоннинг қудаси, иблисининг совчиси эмиш, ха-ха-ха:— отагинамизнинг ўзлари у блан бамаслаҳат иш қилмоқчимишлар!— утқир бўлса керак-да,— дер эди Вадимга Атуев деган кекса бир овчи, узун малла мўйлабини бурар экан.

— Мен уни биламан,— деб жавоб берди Вадим жилмайиб,— сизлар ҳам уни яқин кушларда кўрасиз?— бу сўзлар астойдил ишонч ва зўр қатъият блан айтилган эдики, кекса овчи бир қалтираб кетди. Бу шонли артистнинг сўзларини биринчи марта эшитганда Фильд: «Сен шайтонмисан ёки Гуммельмисан»,— деган эди; Атуев индамаса ҳам, худди шундай бир нарсани ўйлади.

— Қачон кўрамыз?— деб чувиллашди кўплар; уларнинг кўзлари букурга ишончсизлик блан тикилиб қолган эди,— Вадим бўлса, бир минут сукут сақлади-да, кейин ўрнидан турди, отини эгарлади, бургини слкасига осиб, отга миниб ҳовлидан чиқиб кетди.

Оломон таажжубланиб унинг орқасидан қараб қолди ва одамлар туёқ товушларининг тезлашганидан, Вадимнинг от чоптириб кетганини пайқадилар.

Қаёққа кетди? Нега кетди?— агар мен бу ердагиларнинг ҳаммасининг фикрларини ҳикоя қиладиган бўлсам, менга Вальтер-Скоттнинг таланти ва унинг китобхонларининг сабр-тоқати керак бўлади!

Вадим қалин ўрмон оралаб борди; ўнг ва сўлда ён-
фоқ ва заранг дарахтларининг шохлари осилиб турар;
гоҳо эса, уларнинг тепасида ғалати, қорамтир шохлари
илонни эслатучи нимхуш баланд дублар кўришиб
қоларди; олисда эса тагидан тепасигача ўрмон блан
қопланган, уер-буеридан жарликлар кесиб ўтган тепа-
лар кўмкўк яшнаб турарди: ўша ерда пўпанак босган
ботқоқлар ўзининг жозибали, ёрқин яшиллиги блан
эҳтиётсиз йўлчини оҳанрабодек ўзига тортиб турарди;
Вадим йўртиб борарди;— бирдан-бир чуқур ўй, худди
Прометейнинг калхати сингари, унинг қалбини чўқилаб
эзарди;— шу вақт эркин, баралла қўшиқ ногаҳон унинг
этиборини тортди; отини тўхтатиб, қулоқ солди... бу
ёввойи қўшиқ баргларнинг шитирлашини, саҳро шамо-
лининг гувиллашини эслатарди: у қўшиқ мана бу
эди:—

Мени туққан ўз онам,
Оғир кулфат ва алам;
Менинг жонажон отам
Тақдир аталди ҳардам;
Оғаларим-одамлар
Ва лекин мени улар
Ардоқлашмайди;
Мендан уялишади,
Шум етим дейишади,
Қучоқлашмайди.

Аммо худо ёр берди,
Еру вафодор берди,
У гўзалнинг номи — эрқ,
У менинг азиз эрким,
Бебаҳо ёрим менинг,
Содиқ дилдорим менинг;

Мен топдим ёрим ила
Она, ота, оила;
Онам — поёнсиз саҳро,
Отам — олис осмондир.
Оғаларим — ўрмонда.
Қайинлар, қарағайлар;

Отда елсам ҳам шитоб,
Саҳро беради жавоб,
Кечаси кезсам агар,

Осмондан ой нур сочар;
Иссиқ кунда оғалар
Мени сояга чорлар,
Қўли блан ундайди,
Боши блан имлайди,
Эрк эса менга худди —
Оламдек кенг ин қурди! —

Отлиқ казак тор йўлдан тоққа кўтарилар экан, парвосизлик блан югани ташлаб қўйиб, қўлларини қовуштирганича қўшиқ айтиб борарди. Бундай юришга одатланган отга қамчи керак бўлмагани учун, эркин ёш казак ўз хаёлларига фарқ бўлган эди. Унинг овози соф, авжли бўлиб, қалби ҳам худди шундай соф, авжли эди.

Вадимга казакнинг ашуласидан кўра ҳам қиёфаси кучли та'сир қилди; у, хаёлига кутилмаган фикр келган одамлар одатда қиладиган ишни қилди, я'ни пешонасига бир урди.

— Тўхта, — деди у, яқинлашиб келган казакка гамгин назар ташлаб;— билмадим, казакка унинг овози та'сир қилдими, ёки қарашими, ҳарҳолда, у отини тўхтатиб, қиличига ёпишмоқчи бўлди.

— Ҳожати йўқ!— деди Валим сўзида давом этиб:— Белбородкага бориб айт, индинга меникига меҳмон бўлиб келсин;— бу йил кўкламда Палицин ҳовлисига янги арғимчоқ қурди... иккита арқон ёнига учинчисини қўшиш ҳеч гап эмас... демак, индинга келсин... Қизил шапка салом айтди, дегин...— бор.

Казак Қизил шапка номини эшитиши бланоқ та'зим блан Вадимга йўл бўшатиб берди, Вадим гурур ва навозиш блан бошини силкитди-да, отига қамчи уриб тарақлатиб чопиб кетди.

Ҳаёт ва ўлим блан бунақа қалтис ҳазиллашиш учун ё жуда улуғ, ёки эса жуда майда ва пасткаш қалб эгаси бўлмоқ керак!.. Хуллас, Вадим бутун бир оилани нобуд қилди! Ахир, унинг ўзи ким? Кечаги тиланчи, бугунги қул, эртага эса маст, қонли оломон ичидаги кўримсизгина ис'ёнкор! — Ўз қудратини яратган унинг ўзи эмасми? Агар у бошқа бир соҳани танласа, агар шахсий ўч олиш учун сарфлаган ғайратини, шу сабртоқатини, мардона бардошини, шу фикр тезлигини, ана

шу қат'иятини ажнабий босқинчининг зулми остида эзилган бирор халқнинг манфаати учун сарфласа нақадар шарафли иш қилган бўлар эди!.. Чунончи, у турклар Леонид авлодларини зулмга дучор қилган вақтда Грецияда туғилса бўлмасмиди... Эндичи?.. Энди, фақат бир киши гуноҳқор бўлгани ҳолда, у бирдан уч кишини ўлдиришни ўзига мақсад қилиб, бутун исте'доди билан бирликда мавҳумот дар'ёсининг қа'рига ғарқ бўлиб кетмоғи керак... Наҳотки, у, шуларни жазолаш учунгина туғилган бўлса!.. У ана шу фикрларни мулоҳаза қилиб кўрар экан, ўз кўзига жуда пасткаш бўлиб кўринди ва шу бир дақиқада кўпийиллик меҳнатининг меваларини маҳв этиб юбормоқчи бўлди; ўзига нисбатан кўзғолган нафрат, ана шу аччиқ нафрат унинг қалби атрофига ва бутун олам атрофига илондек чирмашиб олди, чунки Вадим бутун оламни ўз қалбига жойлашган деб биларди!

Шундай фикрларга берилиб кетиб, у йўлдан адашди ва (бу бир тасодиф бўлди) ҳарҳолда, юқорида тасвирланган монастырь олдига келиб қолди. Ўз эҳтиросининг оташин мухлиси бўлган бу эрдан ана шу ерда биринчи марта тиланчиларнинг йиртиқ кийимини кийиб, Борис Петровичга ўз хизматини таклиф этган эди... Эҳе, ўша оқшом, худди қаҳрабога ғарқ бўлган рангбаранг капалак сингари, барча дун'ёвий ва самовий бўёқлари билан унинг ҳаёлида ўчмас хотира бўлиб қолди.— Ўзи ўйлаган даҳшатли иш охирлашиб қолганини кўриб, иззати нафсининг биргина масхаралашини ҳам базўр кўтараолиши мумкинлигини сезиб турган бир пайтда, у яна шу ерга келиб қолди;— менга айтингчи, уни бу ерга тасодиф олиб келмадимикан!..

Ибодатга қўнғироқ чалинди; унинг чўзиқ титроқ жаранги теварак-атрофга ёйилди; ботаётган қуёшнинг ёрқин пушти шу'ласи деворнинг бир томонига тушиб турипти;— қўшни қишлоқлардан келган ясан-тусан халқ муқаддас девор олдида тўпланиб турипти. Вадим олисда туриб, Палициннинг гулдор гилам тўшалган редвон аравасини таниди;— ким келди экан? Наталья Сергеевна бўлса керак;— Вадим отини йўғон қайинга боғлаб, монастырьга кирди;— унинг орзиқиб уриб тур-

ган бемор қалби тезда уришдан тўхтади,— оломоннинг бир мартагина қизиқиб қараши, масхаралаб биргина сўз отиши кифоя! Шунда одам яна иблис бўлиб қолади.

Вадим индамасдангина черковга яқинлашди; беҳисоб шамлар узун деразалар орасида шула сочар ва ибодат қилучиларнинг қўланкалари хирагина ойналарга тушиб, чайқалиб турарди; аммо монастирь ҳовлиси сув қуйгандек жимжит эди; юксак явшон ва четан дарахти шохларининг соясида марҳумларнинг қабр тошлари оқариб, улардаги ёзувлар ва крестлар кўриниб турарди; уларга янгигина шабнам тушган, атрофда эса чивинлар визиллайди;— қудуқ олдида ранг-баранг думини ёзиб товус турипти; у худди янги ҳайкалдек ҳаракатсиз;— таажжуб, монастирьларнинг деярлик ҳаммасида шу қушни учратиш мумкин!

Черков зинапоясининг ҳар иккала томонида Вадимнинг илгариги ўртоқлари — тиланчилар ўтиришипти...— Улар Вадимни танишмади, ёки танишга жур'ат этишолмади... Бойликнинг оёқлари остида худди қуртлар сингари ўрмалаб юрадиган, ота-онаси, қариндош-уруғлари, ватани бўлмаган, афтидан ўткинчиларнинг ҳиссиётини синашни машқ қилиш учунгина яратилган бу махлуқларни кўрганда, Вадимнинг қалби англантиб бўлмайдиган бир шафқат туйғуси блан тўлди!.. Броқ одамлар ҳар нарсани ҳам одат қилаверишадики, буни ўйлаб кўрган киши қўрқиб кетади; ким билади дейсиз? Балки, энг муқаддас туйғулар ҳам одатдаги бир нарсадир; агар ёмонлик ҳам худди яхшилик каби жуда кам учрайдиган нарса бўлса эди, яхшилик, аксинча, кўп учраб турганда эди, у вақтда бизнинг жиноятларимиз инсоний фазилат бўлган энг буюк қаҳрамонлик деб ҳисобланар эди!

Хуллас, Вадимнинг қалби тиланчиларга нисбатан шафқат туйғуси блан тўлди-да, уларга бирор нарса бериш учун тўхтади; у чўнтагидан бирнечта чақа олиб, ҳарбирига биттадан ташлади — улар садақа берган кишига ҳатто қайрилиб қарамасданоқ аллақачонлар ёллаб олган сўзларини такрорлаб, ҳаммалари барабар миннатдорчилик билдирдилар... Уларнинг бу парвосизлиги Вадимнинг қаерда, ким блан турганлигини унинг

эсига солди; у нарига кетмоқчи эди, лекин қуруқ суякдан иборат бўлган қўл унинг елкасидан тортиб тўхтатди;—«тўхта, тўхта, отагинам!»— деб хириллади унинг орқасидан келаётган тиланчи хотин, унинг қўли унинг ўлжасини тобора маҳкамроқ чангалларди; Вадим қайрилиб қараб, ғоят жирканч манзарани кўрди; пакаёна, озгин, қорни шишиб кетган кампир унинг елкасига осилиб олган эди; унинг шимарилган енгларида худди хаскашга ўхшаган икки қўл чўзилиб чиққан ва минг хил ифлос ямоқлардан қураб тикилган сал кўкиш қўйлак мана шу ҳаракатсиз скелетга қинғир-қийшиқ ёпиб қўйилган эди; унинг башараси тушуниб бўлмайдиган пасткашлиги, узоқ вақт кўмилмай туриб қолган мурдаларга хос бўлган аллақандай чиркинлиги блан мияни гангитарди; тиланчи хотиннинг илмоққа ўхшаш бурни, чийиллаган товуш чиқариб турган катта оғзи, унинг кўзлари олдида ип ечолмас эди! Қизил латта блан ўраб қўйилган тор тешикларда ликиллаб турган иккита кулранг соққани кўз олдингизга келтиринг-а; на киприги бор, на қоши...— бунинг устига, кўнгилни беҳузур қилиб, ҳарқандай кайфиятда ҳам юракни эзиб юборучи қарашни тасаввур этинг-а!.. Вадим иримчи бўлмаса ҳам, тепа сочи тикка бўлиб кетди. У бир дақиқанинг ўзида тиланчи хотиннинг юзидан фаҳш ва жиноятларнинг бутун бир қиссасини ўқиб олди, лекин унда пушаймонликка ўхшаш бир белгини учратаолмади; агар у ҳақиқатни билиб олган бўлса ажаб эмас; шундай махлуқлар ҳам борки, улар авжи бахтсизлик чоғларида бадбахт қалбларининг иллатини қирқиб ташлаб, уни шу қадар усталик блан чархлаб оладиларки, бу қалб барча қобилиятини йўқотиб, биринчи ва охирги қобилиятини, яъни яшаш қобилиятини сақлаб қолади!

— Сен мени эсингдан чиқариб қўйдинг, жонгинам, ҳа, эсингдан чиқариб қўйдинг — худо йўлига берманг ҳам, шайтон йўлига бир тийин бер... ёки мен хаёлингдан кўтарилдимми-а! Бойнинг малайиман, деб димоғингни кўтараверма... ахир, яқинда биргаликда судралишиб юрардик-ку...

Вадим бир силтаниб, унинг қўлидан қутилди.

— Ла'нат! Ла'нат! Ла'нат!—деб қичқирарди, жаза-

васи тутган кампир;— ер чоткур, тилгинангни куртлар кемирсин, кўзларингни қарғалар чўқисин, юрган йўлингда қоқилгин, ичганинг тиқилиб ўл...— букир, бедаво, малай... ла'нат, ла'нат!

У яна Вадимнинг этагига ёпишиб олди; Вадим қайрилиб қаради-да, аламига чидолмай, бор кучи блан унинг кўкрагидан иториб юборди; тиланчи хотин тош зинапояга муккаси блан йиқилди; унинг боши қуруқ бир нарсага урилди-да, оёқлари чўзилиб қолди; у ортиқ бир сўз ҳам айтмади, ёки, айтган бўлса ҳам, Вадим эшитмади, чунки у шошиб-пишиб черковга кириб кетди; бў ерда оломон баралла ўқиляётган дуоларни зўр иштиёқ блан эшитмоқда эди ва шу одамларнинг ўзлари эртага, шу топда қон тўкиш учун тайёрланмоқда эдилар!— ана шу кишилар чўқиниб, ерга эгилиб турган ҳолда, ёнларидаги дворянга кўзлари тушиши блан, бир-бирларини туртиб қўяр ва шу жойнинг ўзида уни пора-пора қилиб ташлашга тайёр эдилар;— лекин улар ҳозирча жур'ат қилолмас эдилар; ҳали бирорта ҳам казак вилоятдаги қишлоқларга қонли буйруқларни олиб келмаган эди.

Вадим оломонни оралаб клиросгача¹ борди-да, амвонга² чиқиб, бутун черковни кўздан кечирди.— Тик, юксак, заррин иконостасга³ беш қатор образлар⁴ терилган бўлиб, черков ўртасида осилиб турган қандиллар ярқироқ нақшлар блан гавҳар қадалган жилдларга исириқ тутуни орасидан сирли нур сочиб турарди;— ибодатхонанинг орқа томони зулмат эди; сўнгги юлдуз-ни эслатучи ёлғиз шам атрофидаги қоронғи кўланкаларни ёритишдан ожиз эди; девор ёнида турган кекса монахнинг ранглар юзини базўр кўриш мумкин эди, агар унинг боши гоҳо эгилиб ва лаби пичирлаб турмаса, сиз унинг юзини мўмёланган деб ўйлардингиз; қора мантия⁵ блан клобук⁶ унинг юзини яна ҳам заҳил

¹ *Клирос* — черковда меҳроб олдидаги саҳн.

² *Амвон* — меҳробнинг икки томонидаги, хор турадиган саҳн.

³ *Иконостас* — икона қўйиладиган жой.

⁴ *Образ* — Исонинг тасвири.

⁵ *Мантия* — руҳонийлар киядиган узун қора камзул.

⁶ *Клобук* — руҳонийларнинг бош кийими.

қилиб юборган бўлиб, кўкрагига крест шаклида қўйилган қўллари одатда Одам Атонинг боши тагида тасвирланадиган иккита суякка ўхшаб кетарди.

Унинг яқинидаги устунлар орасида, меҳроб эшиги олдида оломон тўпланиб турарди. Вадимнинг кўз олдида бошлаб денгиз чайқалиб турар ва у, бу ердагиларнинг ҳарбирини баландликдан бемалол кўраоларди; бу ерда хунук башаралар ола-була кўланқалардек липиллаб қолар ва ҳайвон блан одамнинг қўшилмасига ўхшаб, кишини ҳайрон қолдирарди, уларнинг хунук белгиларининг қанчалик жирканч эканлиги та'рифга сизмас, лекин уларни кўрганда одамнинг хўрлиги келар эди; бу ерда ажин босган, кекса, қизил бошлар кўриниб қолар, улар хўрлик туйғулари ва олийжаноб эҳтиросларнинг жуда кўп аралаш-қуралаш излари бўлиб, бу изларни санаб чиқишдан кўра тасаввур этиш қийинроқ эди; ана шулар орасида, уер-буерда ёшларнинг чехралари ҳам яшнаб кўринар, саломатлик нишонаси бўлган лўмбиллама ёноқлар кулранг тошлар орасидаги гуллар сингари кўзга ташланарди.

Шу манзарани кўз олдингизга келтирсангиз, унинг ҳарбир қисмини осонгина пайқаб оласиз; аммо у бутун бир ҳолича сизда ноаниқ, мужмал та'сир қолдиради; сиз уни кейинчалик эслаганингизда, хаёлингизни банд қилган, сизда бирорта янги фикр тугдирган ва шу янги фикрни тугдирини блан ўзи қоронгиликка гарқ бўлиб кетган образлардан бирортасини ҳам аниқ-равшан тасаввур этаолмайсиз.

Вадим оғир хаёлларни тарқатмоқ учун, ҳарбир ибодат қилучининг ташқи қиёфасига қараб унинг руҳий аҳволини билиб олишга уриниб кўрдию, лекин бунга муваффақ бўлолмади; у қабул қилинган тартибни йўқотиб қўйди ва тезда ҳамма нарса унинг кўз олдида ола-була латта-путталар йиғиндисига, бурунлар, кўзлар, соқоллар уюмига қўшилиб кетди; ҳамаёққа барабар тушиб турган шу'ла блан ёриган ана шу нарсалар абадий ҳаракат қилучи, ягона, жонли махлуққагина қарашли нарсалар бўлиб туюлди;— бир сўз блан айтганда, оломон — аллақандай кулгили ва шу блан бирга аянч нарса эди!

Вадимнинг беқарор кўзлари бирор нарсага муқим қараб туролмади, чунки бу ердаги манзара жуда ҳам ранг-баранг эди ва бунинг устига, унинг биргина нарса атрофига тўпланган фикрлари сиртқи таассуротни акс этдирмасди; кишига ҳам азоб, ҳам завқ беручи биргина нафрат туйғуси ўзининг энг юқори даражасига етиб, бутун борлиқни пана қилиб қўйди ва қалбнинг кўзлари беихтиёр шу қора парда орасидан қараб қолди.

Унга, меҳроб эшиги блан ёнбошдаги эшик ўртасига Исонинг ғоят катта ва зўр маҳорат блан ишланган образи қўйилган эди; усталик блан безатилган заррин жилд оловдек товланиб турарди ва баланд қандилга терилган аллақанча шамлар тепадаги жажжи нақшларга, ёки либоснинг айланма бурмаларига қизғиш шула сочиб турарди;— образнинг олдигинасида тунука кружка турарди,— бу Исонинг оёғи остига қўйилган садақа идиши эди ва унинг тепасида, образнинг тагиди йирик, равшан ҳарфлар блан: *Эй заҳматкашлар, даргоҳимга келинглар, нажот бераман!*— деган сўзлар ёзилган эди.

Кўп кишилар образга яқинлашиб, тиз чўкишар, ергача энгашиб сажда қилганларидан кейин, кружкага мис чақа ташлардилар, кружкага тушган пул бўғиқ жарангларди.

Шу орада бир хоним ва чақалогини кўтариб олган деҳқон хотин ёнма-ён келиб қолишди; аммо хоним кеккайиб, деҳқон хотинни бир итариб юборган эди, унинг қўлидан тушиб кетган чақалоқ чинқириб йиғлади;— «бу бойвучча эртага дорда қийналиб жон берса ажаб эмас,— деб ўйлади Вадим,— у жон бераётган вақтда бу бечора аёл чапак чалиб, болаларига: ана уни кўриб қўйинглар, дейди». Вадим тескари қараб кетмоқчи бўлди.

Лекин шу вақт учинчи бир аёл муқаддас иконага яқинлашдики, Вадим уни танир эди!..

Унинг томиридаги қон — Вадимнинг қони эди, унинг ҳаёти Вадимга ўз ҳаётидан минг марта азизроқ

эдию, аммо унинг бахти Вадимнинг бахти эмас эди, чунки у бошқа бир гўзал йигитни севарди, хунуж, чўлоқ, букир Вадим; бутун дун'ёда биргина уни севган илк марта жон-дилидан: севаман,— деб айтилган сўз учун бор-йўғини, бутун хазинасини, ўзининг илоҳи бўлган нафратини қувона-қувона унинг оёғи остига ташлашга тайёр бўлган Вадим эса, ҳаттоки унинг сингиллик илтифотига ҳам сазовор бўлолмади!.. Энди вақт ўтган эди.

Қизнинг кўнгли ўзгага.. абадий берилганини у билар, шунга қат'ий ишонч ҳосил қилган эди.— Демак, Ольга унинг учун энди йўқ.. Шунин билатуриб, Вадим тобора азоб чекар ва ўз муҳаббатидан сра ҳам воз кечолмас эди.. Чунки, бу муҳаббат унинг қалбининг сўнгги илоҳий бўлаги эдики, агар бу нур сўнгудек бўлса, у одам бўлмай қоларди.

Ольга акасини кўрмади ва шу рангпар, соҳибжамол қиз астагина образ олдиға келиб тўхтади; Вадим унга ўз сирини очган даҳшатли оқшомдаги каби, бугун ҳам Ольга қора духоба пўстинчасини кийиб олган эди;— унинг йирик-йирик кўзлари Исонинг чеҳрасига тикилиб турар, шу унинг бирдан-бир ибодати эди ва агар худо одам бўлганида эди, у вақт бу кўзларнинг илтижоси ҳечқачон зойи' кетмас эди.

У чўқишиб, Исонинг суратини ўпди; унинг ёрқин либоси қизнинг латофатли нафасидан бир лаҳза хира тортиб кетди.

Ольга иккинчи марта бошини кўтарганида, унинг юзида жуда ғалати ўзгариш ҳосил бўлди; аввалги ғусса ўрнида ажиб бир шу'ла порлади; бу — кўзёшлари эди.. ёш томчилардан бири қалин киприкда туриб қололмасдан, олмосдай ярқ этди-да, тушиб кетди.

Янги умид шу ёш томчиларини унинг қалбидан чиқариб юборганига сўз йўқ.— Ольга бу ердан кетмоқ учун ўғирилди.. Вадим унинг олдида турарди;— унинг ўтли боқиши қизнинг кўзёшларини бир дақиқада қуритиб юборди,— қиз қалбининг ҳарбир томири титраб, нафаси оғзига тикилиб қолди.

Энди Вадимнинг шўри қуриydi, чунки қалбига ишонч тўлиб, бу ерга келган қиз ноумид бўлиб қайтиб

кетди; (бу вақт дьячок¹ чинқироқ товуш блан апостол Павелнинг мактубини ўқир ва шу ерни ўраган оломон ҳечнарсани сезмасдан, лол бир аҳволда қимир этмай турарди... Бутун бир бепарволик денгизи қаршисида икки қалбнинг эҳтироси нима деган гап?)

Вадим Исонинг образи остидаги: *Эй заҳматкашлар, даргоҳимга келинглар, нажот бераман!*— деган машҳур мисра'ни аччиқ заҳарханда блан такрор ўқиб чиқди.— Нима ҳам қилиш мумкин!— У худога қанчалик ишонса шайтонга ҳам шунчалик ишонади!

У черковдан чиқатуриб, синглисига яна кўз ташлади; унинг ёнида Юрий қиличининг учи блан қумга турли гулларнинг шаклини парвосизгина чизиб турарди; қиз деворга суялганича, ғоят ма'юс кўзларини ундан узмас эди... Уни кўрган киши: бечора яна бир дақиқадан кейин севгани блан умрбод видо'лашса керак деб ўйлаши мумкин эди.

Дарвоқи', севги умидидан маҳрум бўлиб, ўлим чақириб турган вақтда, умрнинг бирнеча куни минутдан ҳам қисқароқ эмасми?

— Демак, унинг Юрийни севиши аниқ!— деб пичирлади Вадим, эшик олдида қимирламай турар экан.— Унинг бир қўли кўйлагининг ичида бўлиб, бармоқларини беихтиёр қалтироқ босди-да, тирноқлари баданига ботиб кетди; у қўлини чиқарганида, бармоқлари қонга беланган эди... У, қонли бармоқларига телбалардек қараб, қон томчиларини жимгина силкиб ташлади-да, черковдан чиқди.

Зинапояда бир тўда тиланчилар блан ибодат қилучилар шовқин-сурон қилиб турарди; улар давра куришган бўлиб, ўртада, совуқ тош плита устида ўлик кампир чўзилиб ётарди.

«Бир киши ўтиб кетатуриб, уни итариб юборди... Биз уни ҳазиллашаётимти, деб ўйладик... У йиқилдию, қотди-қўйди... Шайтон олсин уни! Дод деса ўлармиди!»— дер эди бир тиланчи; бошқалар бақириб-чақириб унинг гапини такрорлашар, унга ҳечким ёрдам берма-

¹ Дьячок — православ черковида энг қуйи даражадаги руҳоний.

ди, деб ўзларини оқлашар, йиғламсираб, гуноҳимиз йўқ, деб ўзларини ҳимоя қилишар эди.

Вадим шу гапларни эшитди... аммо у кампирни ўзи итариб юборганини хаёлига келтирмади.

— Демак, у Юрийни севади— деб гўлдирлади у, бедов отга минар экан,— демак, у Юрийни севади!—

Вадим бадбахт қалб эгаси эди, ба'зан биргина фикр ҳам унинг қалбига чексиз ҳукмини ўтказаоларди. У ё, энг қудратли одам бўлиб туғилиши, ёки эса, умулман туғилмай қўяқолиши керак эди.

ХУ БОБ

Бу вақт бебош оломон монастырь дарвозаси олдига тўпланди; гоҳ у, гоҳ бу срда казакларнинг шапкалари кўринар, найзалар, милтиқлар ярақлаб қоларди; умумий сурон ичида ис'ёнкорлик ва қотилликдан дарак беручи даҳшатли сўзлар тез-тез эшитилиб турарди, — тобора баралла янграётган чала-чулпа ашулалар блан мастларнинг қаҳқаҳаси бирор яхшиликдан дарак бермас эди, чунки бундай дақиқаларда оломоннинг қувноқлиги иблиснинг бўсасига ўхшаган бир гап!— Ўзбошим-чалик туфайли келиб чиққан бу қувноқлик остида, қонли манзараларга ва эркин талончиликка ўрганиб қолган янги келгиндиларнинг айюҳаннос тортишлари блан авжига минган шу шўхлик тагида даҳшатли бир нарса пишиб стилмоқда эди...

Ана шуларнинг ҳаммаси ҳамон шамлари йилтиллаб, ибодат куйлари янграб турган черков олдида юз бермоқда эди.

Маш'ум доврўқ тез орада черков ичига ҳам ёйилди, деҳқонлар аста-секин черковдан чиқабошладилар, ба'зиларининг сабри чидамади, бошқалари қизиқиб қолдилар, учинчи бир хиллари бўлса, ёнидаги шеригининг: юр, бир кўрайликчи, ўзи нима гап?— дегани учун чиқдилар...— Рост-а, нима бўлаётганини кўриш керак-да?

Монастирь олдига тўпланган халқ тоғ этагидаги энг яқин қишлоқдан келган эди; янги ёрдамчилар кетма-кет келиб туришарди; бир-бирига уланиб турган

Ҳайҳай-суронлар ёзнинг дим кечасида узлуксиз янграб туручи момақалди роққа ўхшаб, умумий шовқинга, ягона, давомли, қудратли ҳайқириққа қўшилиб борарди... Манзара даҳшатли, жирканч эди... Аммо бунини кўрган ҳолис кузатувчининг кўзи бемалол тўяларди; у ана шу ерда халқнинг нима эканлигини тушуниб олган бўларди; халқ қия тоғда осилиб турган тошга ўхшайди, бу тошни ёш бола ҳам зўр бериб суриб юбора оладию, аммо у ўз йўлида учраган ҳамма нарсани вайрон қилиб ташлайди... Бу ерда ҳолис кузатувчи майда иззатнафс ҳирсларининг кўпчилиги ичида бўлгани учун салмоқли ва кучли бўлиб қолишини кўра оларди; тунда, ўзининг ким эканлигини билмайдиган, нодон халқ, катта бўлиб қолганини кўрсатиб қўйиш учун, беадаб гапларни гапирадиган болага ўхшаб, бир лаҳзалик, сохта ҳокимиятига ишонмоқчи бўладида, илгари ҳурмат этган, ёки қўрққан нарсаларининг ҳаммасига дағдаға қилади!

Монастирь дарвозасининг нақ рўпарасида ёқилган гулхан атрофида тиланчилар бошқаларга қараганда кўпроқ бақириб-чақириб, уймалашиб турардилар. Уларнинг севинчи охири-тохири кетган эди; улар бу ердаги манзаранингни олдинги қаторини ташкил этар, уларга гулханнинг титроқ, қизғиш шу'ласи тушиб турарди; уларнинг орқасидаги ҳамма нарсани қоронғироқ ва нонаниқроқ бўлиб кўринарди, одамлар қўпол соялардек судраларди; — номаълум расом шу тиланчиларга, шу жирканч увадаларга тузук жойни тайинлаб қўйгандек, уларни ўзи чизган картинанингни асосий мазмуни, бош қаҳрамони қилиб бўртдириб кўрсатгандек туюларди...

Қашшоқлик — нуқсон ва жиноятларнинг юрагини ташкил қилганидек, тиланчилар ҳам ана шу катта вужуднинг жонини ташкил этардилар; энди уларнинг тантана қиладиган соати келди, — энди улар ўз навбатларидан фойдаланиб, бойлик устидан қаҳқаҳа уриб кула оладилар, эндиликда улар ўз увадаларини шоҳона либосларга айлантирадилар ва улардаги ифлос доғларни қон блан ювиб ташлайдилар; бу ўзига хос бир алвон эди; — уларнинг ҳукмронлик қилиш умиди қанчалик оз бўлса, подшоҳлиги шу қадар даҳшатлироқ

бўлиб бормоқда эди; ахир, фақат азобдан иборат бўлган умрни ақалли бир лаҳзалик тантана блан мукофотлаш керак-ку; ахир, ҳарбир сўзи блан алам ўтказган кишига ақалли биттагина бўлса ҳам зарба бериш, зарба берганда ҳам қақшатғич зарба бериш зарур-ку.

Монастирьда ибодат тугаб, ҳарёқдан келган ибодат қилучилар бир-бирларини туртиб-суртиб, тиқилишиб, зинапояга чиққанларида, шовқин бир нафас тинди-да, кейин бирдан ис'ёнкор оломон ичида ногаҳоний қуюн блан қўзғалган япроқларнинг шатир-шутурига ўхшайдиган даҳшатли ғовур кўтарилди.— Шунда, илгари шартлашиб қўйилган бўлмаса ҳам, нома'лум қўл, нома'лум овоз ҳамма тушунадаган, ҳаммага ҳукми ўтадиган ишора блан оломонни қўзғатди; бу, нари борса ўн бирларга кирган шўрлик бола эдики, у аллақандай бир семиз бойвуччанинг йўлини тўсгани учун, бойвучча унинг гарданига бир туширган эди, бола дод деб ерга йиқилди... Шунинг ўзи кифоя эди; оломон тебранди, гулдиради, жойидан силжиди,— гўёки у, ўз қурбонларига қўл кўтариш учун, ўз нафратини бутунлай сиртга чиқариш учун шу вақтга қадар фақат шу сабабни, шу арзимас баҳонани кутиб турган эди! Бундай ғалаёнларда ҳали тажрибаси бўлмаган халқ биринчи марта саҳнага чиққан актёрга ўхшайди; у ўзининг янги аҳволидан хижолат тортиб, пухта ёдлаб олган ролининг бошланишини унутиб қўяди; ана шунда ҳаминша садоқатли Протей бўлган суфлёр унга биринчи сўзни эслатиб қўйиши керакки, фақат шундагина унинг кейинчалик тутилмаслигига ишонса бўлади.

Наталья Сергеевнадан биров бурунроқ монастирьдан чиққан Юрий блан Ольга уни извош олдида кутиб турмадилар-да, оқшомнинг муаттар салқин ҳавосидан баҳраманд бўлишни истаб, қўлни-қўлга бериб, чанг йўлдан пиёда кетдилар... Юрий ўз қалбига тегиб турган қиз баданининг ҳароратини ҳис этиб, енгил кўйлакнинг ҳилпирашига мафтун бўлиб, беихтиёр эриб кетди; у Ольганинг дўмбоқдан келган қоматини бир қўли блан бағрига тортиб, унинг боши блан елкасини ўраб турган катта чит рўмолини иккинчи қўли блан суриб

қўйди-да, дўндиқ бўйнига оловдай лабини босди; қиз ўт бўлиб кетди, унга қаттиқроқ ёпишди ва бир сўз ҳам демай, қадамини тезлатди... Бу вақт улар икки йўлнинг чорраҳасига, кексайиб қуриб қолган катта тол яқинига келган эдилар; бу толнинг қорамтир шохлари ғарбнинг сўнгги шафағи сўнмаган ғира-шира уфқда кўзга яққол ташланиб турарди.

Ольга кетаётган ерида бирдан тўхтаб қолди — алам фар'ёдларини, ғазаб қичқириқларини эслатучи ғалати товушлар унинг қулоқларини батанг келтирди, бу дод-фар'ёд тобора зўрайди.

— Монастирь олдида бир бало бўлаяпти,— деди Ольга жон-жаҳди блан,— кўнглим бир нарсани сезаяпти... Оҳ, Юрий! Юрий!.. Биласанми, биз ҳалок бўламиз... Сен черковдан чиқаверишда халқнинг даҳшатли гулғуласини эшитдингми, севиниб, ўйин-кулги қилаётган тиланчиларнинг ёввойи башараларини кўрддингми? Оҳ, бу ёмон аломат: иблислар кулганда, азиз-авлиёлар йиғлайди...

Ма'юс Юрий онасига ёрдам бериш учун югуришини ҳам, шу ерда қолишини ҳам билмасдан, пойдевори ёрқин шу'ла блан товланиб турган монастирьга тикилганича тараддудланиб турарди; унинг кўзлари бирдан чақнаб кетди; у ўзини толга отди: бир минутда унинг ярмигача тирмашиб чиқди-да, йўғон шохларга осилиб толнинг тепасига чиқиб олди.

— Нимани кўраяпсан?— деб сўради ҳаяжонли Ольга.

Юрий жавоб бермади; у бир дақиқа қаттиқ титраб кетди ва Ольга уни дарахтдан ағдарилиб тушади деб қичқириб юборди; лекин Юрийнинг қўли жонсиз дарахтга беихтиёр ёпишди;— ниҳоят, у дарахтдан тушиб, йўл ёқасидаги майсага жимгина ўтирди-да, юзини кафтлари блан яширди; «нимани кўрддинг,— деди қиз,— ...нега қўлларинг муз; башарангдан тер чиқиб кетди...»

— Бу шабнам,— деб жавоб берди Юрий, пешонасидаги совуқ терни артиб, ўтирган еридан турар экан.

— Ҳамма иш расво бўлди... эссиз — мен бу оломон қаршисида ожизман. Онам ҳалок бўлди. Эй парвардигор, мен энди нима қиламан, мен энди нима қиламан,

жавоб бер, эй қудратли парвардигор!— деб хитоб қилди у, бармоқларини қайириб, тишларини ғижирлагар экан.

Тун тобора қоронғилашиб борар ва Ольга дўстининг қўлидан маҳкам ушлаб олиб, юрагини ваҳима босиб, олисадаги монастирьга қарар, шамол блан дала бўйлаб таралаётган ғовур-ғувурга, дод-войларга қулоқ солар эди; тўсатдан йўлда ғилдиракларнинг тарақтуруқи, от туёқларининг дупури эшитилди; бу товушлар тобора яқинлашиб, тез орада бизнинг саёқ ошиқма-шувқларимиз ёнига бўш-тележкада бир деҳқон етиб келди; у тикка туриб олиб, йўртиб келар ва аллақандай ўхшовсиз қўшиқни чўзар эди.— У, Юрийнинг ёнига келиши блан, саман отини тўхтатди.— «Хўш, боярин,— деди у, малла соқолини силаб, уни масхара қилиб,— у ерда ишнинг мазаси йўқми, дейман-а, дарров уйга кеткиңг келиб қолипти... тагин, пиёда йўлга чиққанингни қарая... ўтир, аравада элтиб қўяман!..»

Юрий лом-лим демасдан, отнинг юганидан ушлади; «Ҳай, ҳай, боярин!— деб пўписа қилди деҳқон,— эҳе, аравамга ростакам тушадиганга ўхшайсан!.. Ҳей, ҳовлиқма»— деб, у, отга қамчи уриб «чух!» деб юборди; вафоли от олға интилди... аммо аламзадалик орқасида кучига-куч қўшилган Юрий юганга шувқадар маҳкам ёпишиб олдики, от четга бурилиб кетишга мажбур бўлди; бу орада тележканинг ғилдираги тошга қаттиқ урилиб, у оз бўлмаса ағдарилиб кетай деди; зарбадан эсанкираган деҳқон ерга йиқилдию, лекин тизгинни қўлдан чиқармади;— у тележкага яна чиқиб олиш учун бир оёгини кўтарган эди, бошига тўсатдан тушган мушт уни ерга қулатди ва кучли қўл тизгинни тортиб олди... «Босқинчилик бў!»— деб бақирди деҳқон, ҳушига келиб, ўрнидан туришга уринар экан; броқ Юрий бу вақт Ольгани ердан азот кўтариб, тележкага ўтқазган, отнинг бошини буриб, отга бор кучи блан қамчи босган эди; от ҳам елдай парвоз қилди; деҳқон хириллаган товуши блан яна бир марта: босқинчилик бу,— деб қичқириб қолди.— Ғилдирак унинг кўкрагидан босиб ўтди ва деҳқоннинг товуши абадий ўчди.

Бу кеча даҳшатли бўлди,— оломон деярлик тонг-отаргача шовқин солиб чиқди ва гулханнинг эрмак бўлган қонли шуласи уфқдан бош кўтарган қуёш илк нурига пайванд бўлди; винодан маст бўлган, қонга бўялиб ва лойга беланиб тасқараси чиққан талайгина тиланчилар майдонда чўзилиб ётар, уларнинг ба'зи-бирлари эса тўда-тўда бўлиб тарқалиб кетишмоқда эди; кўпгина жойларда жизғин бўлган майса блан қора кул сўнган гулханнинг ўрнидан дарак берарди; ба'зи дарахтларда иккита, ёки учта мурда осилиб турарди... мурдалар бундан ортиқ эмасди... Улардан бирининг белгиларига қараб, бир вақтлар аёл киши бўлганини, лекин тилжа-пора қилиб ташланганини пайқаш мумкин эди, бу мурдадан иңсоннинг чиркин қолдиқларини базўр пайқаб олса бўларди;— ҳатто энг яқин қариндошлар ҳам бу мурдага қараб, меҳрибон Настасья Сергеевнани таниёлмас эдилар.

XVI БОБ

Мен муҳтарам китобхоним ёки китобхонларимдан Борис Петрович ов ишларининг маркази, асосий қўшиш жойи қилиб танлаган кичкинагина дарахтзор қишлоқда турибмиз, деб фикран тасаввур этишни илтимос қиламан; яқиндагина қилинган овдан бир иш чиқмади; кекса овчимиз ўз жиловдори Вадимнинг бесабабдан-бесабаб от миниб кетиб, қайтиб келмаганидан аччиғланган ҳолда, тунов ерига етиб келди. У қўнган кулбада марҳум солдатнинг ўттизларга борган тул хотини — оппоқдан келган, соғлом, дуркун, сарғиш соч, қора кўзли, кўкракдор, покиза хозийкагина бор эди,— шу сабабдан ҳам бизнинг кекса хотинбоз ўз сочларининг кумушдай оқариб қолганига ва бўлажак боднинг дастлабки аломатларига қарамай, хозийкага файласуфларнинг кўзи блан қарамай, балки унинг кўнглини топишга ҳар йўл блан ҳаракат қилди ва бунга ортиқча сарфи-харажат ва уринишсиз тезликда муваффақ ҳам бўлдики, сиз ҳам буни осонгина фаҳмлагандирсиз.— Чўпчиروқнинг ўчирилганига хийла вақт бўлди; бу вақт хўроз қанотларини қоқиб, хирилдоқ ариясини биринчи марта куйлашга отланиб турар,

роса тўйган отлар эса, майин емнинг нушхўртларини гоҳи-гоҳида чайнаб қўярди; бу вақт кулбадаги печь супасида кўкракдор хозияканинг ёнида ётган Борис Петрович зўр бериб хуррак тортарди; агар шу жимжитлик ичида номаълум кишининг кучли қўли уч марта мушт уриб, дарвозани тарақлатиб юбормаганда эди, кундузги машаққатлардан ҳориб-чарчаган ва кўкракдор хозияканинг ширин ароғи блан ўпишларидан маст бўлиб, соф ва бенуқсон виждонини хотиржам қилган Борис Петрович яна анча маҳал хуррак отиб, уёқдан-буёққа ағанаб ётган бўлардию — итларнинг мунгли увлашини эшитган хозияка чўчиб уйғониб кетди-да, чўқиниб олди ва шишиб кетган қовоқларини муштлари блан ишқалаб, тўзиган сочларини тартибга келтирар экан, гапиракетди: «Э, худойей! Ким у тақиллатаётган!.. Бу ерда инс-жинслар йўқ!..—Намунча қаттиқ тақиллатишаяпти-я» — у, печь супасидан тушиб, дераза олдига борди-да, уни очди; тунги шамол унинг тер босган очиқ кўкрагига келиб урилди ва у деразадан бошини чиқариб зарда блан саволини такрорлади;— дарҳақиқат, эгарланган ва бўйнига бўйинча тақилган саман от ҳамда унинг ёнида хозиякага нота ниш; лекин афтидан деҳқонга ўхшамайдиган, ёшроқ бир киши дарвоза олдида турарди.

— Тезроқ оч!..—деб бақирди у даҳшатли овоз блан.— Намунча шошади,—деб гўлдиради солдатнинг хотини, деразани тарақлатиб ёпар экан;—кутиб туратур музлаб қолмайсан!.. Уйқинг келмаётганга ўхшайди, ла'нати алвастига ўхшаб ўрмонда дайдиб юрибсан...— У пўстинини кийиб, уйдан чиқди-да, хизматкорни уйғотди. Хизматкор бемаҳалда келган кишини сўка-сўка, ниҳоят, ҳовли эшигини ғирчиллатиб очди; лекин келгинди ҳовлига ҳовлиқиб кириб, Борис Петровичнинг шу ердалигини хизматкордан билиб олиши блан, ўзини кулбанинг ичига отди.

Сиз бу кишининг Юрий эканини фаҳмлаган бўлсангиз керак.

— Дадажон!— деди Юрий хийла ўзгарган товуш блан, қоронғиликда нарсаларни қўли блан ушлаб кўрар экан,— кўзингизни очинг! Қаердасиз?.. Кўзингизни

очсангизчи, ҳаёт блан мамот масаласи ҳал бўлмоқда!.. Менга қара,— деди у, ҳали ҳам уйқуси ўчмаган хозияканинг қулоғига ва, тўсатдан унинг ёқасидан ушлаб олди:— Менинг дадам қани? Сенлар уни нима қилиб қўйдиларинг?..— Қўйсангчи, бойвачча, бу нима қилиқ... қўйиб юбор, бўлмаса дод дейман... Қўйиб юбор, қўйиб юбор деяпман, баттол... Ахир, эшитмаяпсанми, сўрида хуррак отаяпти-ку... у, халлослаб, Юрийнинг қўлидан қутулишга уринарди.

— Нима шовқин! Ким у ёқалашаётган! Петрушка, Терушка, Фотька!.. Ҳей, сиз...— деб бақирди, ярим очиқ эшикдан худди йиртқич ҳайвонга ўхшаб чинқириб, увуллаб кирган совуқ шамол блан шовқин-сурондан уйғониб кетган Борис Петрович.

— Дадажон!— деди Юрий, суюниб кетган хотиннинг ёқасини қўйиб юбориб,— тезроқ тушинг... Ҳаёт блан мамот масаласи ҳал бўлмоқда!.. Фалак ҳақи, ёки дўзах ҳақи, илтимос қиламан, тушинг...

— Бу қанақа одам, ахир,— деб гулдиради Борис Петрович, печь устидан осилиб тушар экан...

— Менман! Ўғлингиз... Юрийман...

— Юрий... ўзи нима гап... гапир... нега бу ерга келдинг... бемаҳалда-я!..

У қўрқиб кетиб, ўғлининг қўлларидан маҳкам ушлаб олди ва унинг ҳийлагар арвоҳ бўлмай, балки, ўз ўғли эканлигига ишонмоқ учун, унинг кўзларига тикилди.

— Дадажон! Биз ҳалок бўлдик! Халқ ис'ён кўтарди. Ҳа! Бизнинг қишлоқда ҳам... Бу ерга от чоптириб келатуриб, қишлоқ кўчаларида, черков теварагида халқнинг тўда-тўда бўлиб йиғилганини кўрдим... Менинг қулоғимгача етиб келган ба'зи хитоблари шуни кўрсатадики, улар Пугачёвнинг ўзини бўлмаса ҳам... унинг казакларини кутиб туришипти... Қочиб қолинг!..

— Настасья Сергеевначи!.. Мол-мулкимчи...

— Ойижоним... Ойижонгинам...

— ...Наҳотки, у...

— Қочиб қолинг!— деди ғамгин Юрий, отасини маҳкам қучоқлаб; йигитнинг кўзидан сачраган қайноқ ёш чолнинг чеккасига учқундай келиб тегиб, уни куйдирди...

— Оҳ!..— деб ҳўнграб юборди у.— Хаёлга келмаган гап! Ишониб бўлмайти!.. Бу қора булут биз гуноҳқор бандаларнинг ҳам бошига келади деб ким ўйлаган эди! Ё парвардигори олам! Энди қаёққа бош ураман!.. Ҳамма бизга душман... Худо ҳам душман, одамлар ҳам... Шу Пугачёв келиб-келиб, рус дворянларининг ёстигини қуритади деган гап хаёлимизга ҳам келмаган эди-я! Оддий бир казак-а! Ё парвардигор! Ё азиз авлиёлар!

— Бирорта садоқатли кишингиз йўқми?— сўради Юрий шошиб-пишиб...

— Йўқ! Йўқ! Ҳечкимим йўқ!..

— Фотька Атуевчи?..

— Мен бугун у харомзодани чала-ўлик бўлиб қолгунича урдим!

— Терешкачи?..

— У, хотини блан ўйнашганим учун, кўпдан бери мени чавоқлаб ташламоқчи бўлиб юрипти... Босқинчилар, кофирлар!.. Оҳ, мени халос эт! Уғлим...

— Биз ҳалок бўлдик!— деди Юрий, қўлларини кўкрагига қўйиб, кўкка қарар экан.— Ёлғиз худонинг ўзигина бизни омон сақлай олади!.. Агар ундан нажот сўрай олсангиз, сўранг..

Борис Петрович тиз чўкди; унинг кўзларидан дар'ё-дар'ё ёш оқди; қўрқоқ чол! У, бир гала фаришта осмондан ой нурига осилиб тушиб, мени кумуш қанотларида нажот соҳилига олиб кетади, деб ўйлаган эди.

Аммо фаришталар учиб келмади, балки шўрлик солдат хотини ачиниб, унинг ёнига келди-да: *сени мен қутқараман*,— деди.

Ҳаётнинг муҳим даврларида, гоҳо энг оддий кишида ҳам, шу вақтга қадар унинг кўкрагида сўниб тугаётган қаҳрамонлик учқуни алангаланиб кетади ва шунда бу киши шу вақтга қадар тушига ҳам кирмаган ва кейинчалик ҳатто ўзи ҳам ишонмайдиган ишларни амалга оширади.— *Москвани бир пуллик шам ёндириб юборган!*— деган оддий бир мақол бор.

Бу вақт хозйяка: қани, орқамдан юринглар, деб қўли блан ишора қилди-да, уйдан чиқди, улар Пали-

циннинг жиловдори ухлаб ётган қоронғи даҳлиздан ўтиб, тўрт зиналик тирғанчиқ, гижирлайдиган пилла-поядан эҳтиёт блан ҳовлига тушдилар; ҳовли жимжит эди; гала-гала итлар айвон тагида, тўйин отлар ба'зи-ба'зида пишқириб қўяр, ёки похол устида иссиқ калта пўстинини ёпиниб ётган овчи тушида валдилларди. Улар омбордан ўтиб, ҳовлидан кенг полизга чиқилади-ган орқа дарвозага яқинлашдилар. Полизга карам, зиғирпоя, шолғом, кунгабоқар экилган бўлиб, унинг этагидаги торгина хирмоннинг икки бурчида худди дўконларга ўхшаб кетучи иккита пичан ғарами ўрта-даги баланд ва бўмбўш шийпонни қўриқлаб турганга ўхшарди. Улар эшикка яқинлашиши блан кимдир: *ким у ерда юрган?* — деб бақирди; овозидан, бу одамни шу топда уйғониб кетган итбоқарлардан бири бўлса керак, деб тахмин қилиш мумкин эди.— Ҳа, хўжайин-ларни кўрмаяпсанми,— деб жавоб қилди солдат хоти-ни; итбоқарнинг калласи блан бошқа а'золарининг мувозанатини сақлаш учун гандираклаб, ўзига яқин келаётганини фаҳмлаб, хозайка ўз йўллошларига бир катта туп қариқизга ишора қилди; улар дарҳол шу қариқизнинг панасига яширинишлари блан, у ҳечнарсан билмаган кишидек, дарвоза олдида тўхтади.

— Ие, жонончалар кечаси изғиб юриши мумкин-ми-а? — деди итбоқар, бўйинини қашир экаң ва хаҳо-лаб кулиб, оғир кафти блан унинг елкасига шаппати-лади!..

— Вой худойей, мен жононча эмишман! Бизча меҳнат қилган одам ўзига қарай оладими!..

— Гапни бошқаёққа бурма, ҳаммасини биламиз!.. Мунча дўндиқ-а! Бой ҳам ҳечнарсани билмайдиганга ўхшайди. Кекса шайтонни қўлга олганингни биламиз!.. Худойимга аён! У осон қутилиб бўпти, кўзёшларимиз-нинг ҳисобини талаб қиламиз... Мавриди келади! Ота-миз Пугачёв унинг тумшугини қашлаб қўяди... Ўзига бино қўявермасин. Сен бўлсанг, таннозчам... сен шу-нинг учун мени бир ўпгин-а.

Итбоқар уни ўпмоқчи бўлганда, у ўзини четга тор-ган эди, бизнинг олғир итбоқаримиз тележканинг шоти-сига қоқилиб кетди... ағдарилиб тушди, бир нафасча

сўкиниб ётди; у ухлаб қолдимми, йўқми менга ма'лум эмас, лекин у, ҳарҳолда, оёққа туролмасдан, ширингина кўз юмиб кўяқолди.

Ота блан ўғил бу кўнгилсиз ҳодисанинг тугагини тоқатсизланиб кутганликларини тасаввур этиш қийин эмас... Ниҳоят, улар полизга чиқиб, қадамларини тезлатдилар. Уларнинг ноаниқ хавф блан зиқ бўлган қалблари дукиллаб урарди, улар нафасларини ичларига ютиб, шудринг босган ўтда тойганиб, зиғирпоялар блан ёпишқоқ эгатларни оралаб ўтиб, ҳар лаҳзада гиштга, ёки шох-шаббага қоқилиб борадилар; қарға шаклидаги латта кўриқчилар уларга одамга ўхшаб кўринар ва ҳар гал дала каламуши оёқлари остидан ҳатлаганда уларни қалтироқ босарди. Борис Петрович овчи пичоғининг сопига ёпишса, Юрий қиличига ёпишарди... Аммо, уларнинг бахтига, ваҳималарининг ҳаммаси бекор бўлиб чиқди ва улар эсон-омон қоронғи шийпонга етиб келдилар; аввал хозьяйка, унинг кетидан Борис Петрович блан Юрий шийпонга кирдилар; хозьяйка уларни қоронғи бурчакка бошлади; бу ердаги иккита ўранинг бирига ғалла солинган бўлиб, иккинчиси ярмигача сомон блан тўлдирилган эди.

— Бунинг ичига туш, бой,— деди солдат хотини, иккинчи ўрани кўрсатиб,— сомоннинг ичига кириб, бошинггача бекиниб ол; ким келса ҳам, нима қилса ҳам... менсиз чиқакўрма; мендан хотиржам бўл, то тирик эканман сенни омон сақлайман; бошимга ҳар қандай кулфат тушса ҳам, бу гупоҳни қилмайман!..

Борис Петрович ўрага тушиши блан, Юрий унинг кетидан тушиш ўрнига, кўкка боқиб, мардона товуш блан: «Хайр, дадажон, омон бўлинг... Рози бўлинг! Балки, бундан кейин кўришмасмиз», деди. У ўгирилиб келган йўлидан жадал юриб кетди; у ҳечкимга сездирмай ҳовлига кирди-да, оғилдан энг яхши отни ечиб, сакраб минди ва яна полиз оралаб бориб, хирмондан от қўйиб ўтар экан, ҳали ҳам шийпон эшигининг олдида турган хозьяканинг орзи очилиб қолганини кўриб, қўлини бир силкитди-да, қулаб ётган эски девор устидан сакраб, далада худди чақмоқдек кўздан ғойиб бўлди; чопиб кетаётган от туёқларининг бир маромдаги дупу-

ри яна бирнеча дақиқа эшитилиб турди... бу товуш тобора пасайиб, охири, дарахт баргларининг шитирлаши билан қўшилиб кетди.

«У пилдироқ қаёққа ғойиб бўлди-я! — деб ўйлади отғзи очилиб қолган хозийка. — Уғлоннинг боши тошданга ўхшайди, — бўлмаса, бунақа от чопишнинг ўзи бўладими; — худо кўрсатмасин, жазакларга дуч келгудек бўлса, у азаматдан ном-нишон ҳам қолмайди — оҳ, оҳ, оҳ! Нима бўлдию, бошимдан хаёл аримай қолди!.. Чол қурмагурни бекитишга — бекитдим-а, лекин менга энди кун беришмайди, калтак остида чирийман... Хайр, майли, иш шунақасига айлангандан кейин, буёғига ҳуш'ёр бўл, онавоши! Аввало, сўз берма, сўз бердингми — маҳкам тур... Унинг ўзи ишнинг пачавасини чиқармаса, бас!»

ХУН БОБ

Бир талай воқиалар юз берган ўша кеча монастырьдан отлиқ йўлга чиққан Вадим ўрмонда узоқ кезиб юрди, броқ тиканли чакалакзор орасида уриниб толган отнинг ўзи уни Палицин қишлоғининг йўлига олиб чиқди.

Қайғули букир, қўлларини кўкрагига қўйиб, бошини эгиб, от устида хаёл суриб борарди; унинг овда тутадиган қамчини казак эгарининг қошида тебраниб борар ва унинг қитиғи ўлмаган чопқир, вафодор бедов оти одимини тобора тезлатиб, йўрғалаб борди-да, кейин ёлдор бўйнида юганнинг бўш осилиб турганини сезиб, бир пишқириб, физиллаб югуриб кетди... Вадим ўзига келди, отнинг юганини ушлаб олиб, чунонам тортдики, от олдинги оёқларини кўтариб, бошини бир чайқади-да, яна икки марта ёнбошга сакраб, тўхтаб қолди: унинг яғринидан илиқ буғ кўтарилди ва пўлат сувлиғидан ерга парча-парча кўпик оқиб тушди.

«Қаёққа, мунча ошиқаялсан? Нимадан қувониб кетдинг, бедов дўстим? — деди Вадим... — Ошиқма, сени ором ва иссиқ оғил кутаяпти: сен бировни севмайсан, нафратни тушунмайсан: сенга саодатли осмон энг ваҳший азоблардан роҳат топабилиш каби ажиб қобилият-

ни ато қилмаган... Оҳ, агар мен бу эҳтиросни қалбимдан, мана шундай қилиб, таг-томири блан суғуриб ташлаёлсайдим!— у эгилиб, ердан узун ўтни суғуриб олди;— йўқ, йўқ!— деди у, сўзини давом этдириб...— Энг тоза сув тўла косани заҳарламоқ учун бир томчи заҳар кифоя қилади ва шу заҳарни тўкиб ташлаш учун косадаги сувнинг ҳаммасини тўкиб ташламоқ керак..!» У йўлда давом этар экан, энди отни секин юргизиб бормади: аллақандай бир куч уни тортиб кетди; чарчашни билмайдиган от ғир-ғир шамолни кесиб, учиб борди; Вадимнинг сочи ҳилпирайди, икки марта шапкаси бошидан учиб кетай деди; қўли блан ба'зур ушлаб қолди... Ба'зи-ба'зидагина саманининг қорнига узанги блан ниқтаб қўяди; мана, қишлоқ ҳам кўринди... черков... ҳарёқда гулханлар порлайди...— деҳқонлар байрамга атаб тикилган чакмонларини кийиб кўчада тўда-тўда бўлиб юришипти... Улар бақириб-чақирришади, ашула айтишади... Маст оломоннинг говур-гувури гоҳ бирдан тиниб қолиб, гоҳ яна кучайиб, баралла эшитилади... Вадим отни девор тахтасига боғлаб, ҳечқимга сездирмай, оломонга қўшилди... Бу гулханлар, бу ашулаларнинг ҳаммаси аллақандай зўрма-зўраки қувноқликдан далолат берар, ма'жузийларнинг байрамини эслатар ва ҳатто ашулаларда тез-тез такрорланиб турган лидо ва ладо деган исмлар ҳам тажрибасиз муҳожирда ана шундай янглиш фикр ҳосил қилиши мумкин эди.

— Ҳай! Вадимка!— деди сийрак соқолли, тепакал семиз деҳқон...— Нима хабар бор? Отахонимиз қачон келадиган бўлдилар?

— Эртага, тушки пайтда келади,— деди Вадим, ўзини четга олмоқчи бўлиб.

— Ростданми?— деб гапга қўшилди бошқа бир деҳқон,— бугун эмас, эртага келадилар дегин...— Хўш, хўш!.. Тагин қанақа хабарлар бор?.. У кишининг аскарлари кўп бўлса керак-а... Туман-туман казаклари бордир-а... Чакмонлари кумушдан бўлса керак-а?..

— Эҳ, сен аҳмоқ, қовоқ бош,— деди учинчиси, бошини чайқаб,— кумуш нима деган гап... у кишининг чакмони уёқда турсин, этиклари ҳам олтиндан...

— У кишига нон-тузни ким тутади-а?— Кексалари-
миз тутсалар керак-да...

— Турган гап... Менга қара, Вадим ака,— деди,
қорачадан келган, кўзларига қон қуйилган, паҳлавон-
дек тўртинчи деҳқон йигит,— бизнинг бой қаёққа кет-
дйкан-а!.. Қочиб қолган бўлмасин тагин... Қўлдан
чиқариб юборсак жуда алам қилади-да... Менга қўйиб
беришса, у блан бир гаплашиб қўяр эдим-да... гўрга
ҳам бутун киргизмасдим...

«Йўк, йўк!— деб ўйлади Вадим, улардан нари кетар
экан,— у менинг қурбоним... Мендан бошқа ҳечким
унга қўл кўтаролмайди. Унинг ўлим олдидаги дод-во-
йини мендан бошқа ҳечким эшитмайди; унинг сўнги
бсқинини, жон бериш олдидаги охирги талвасасини
мендан бошқа ҳечким кўрмайди... У меники — мен уни
осмондан ва дўзахдан сотиб олганман; мен уни қонли
ёшлар тўкиш, энг оғир кунлар кечириш эвазига сотиб
олганман; мен ёвузлик блан қасос олиш туйғусидан
бошқа бирорта ҳам туйғуни кўкрагимда қолдирмаслик
учун, ана ўша оғир кунларда пайдо бўлган туйғулар-
нинг ҳаммасини фикран ютиб юборавердим... О! Мен
ўз ўлжасини бепарволик блан қўлдан чиқариб юбора-
диган ва бошқаларга топшириб қўядиган одамлардан
эмасман... Қабиҳ қуллар!..»

У тез юриб жарга тушиб кетди; бу ерда унча катта
бўлмаган ўйноқи сой оқиб ўтар, тошдан-тошга сакраб
қуриган толларни оралаб, қалин қамишзор ичида шал-
дираб йўқолар ва Окага жимгина қўшилиб кетарди.
Бу ерда ҳарён сокин ва бўмбўш эди; жарнинг нарёги-
ла, кичикроқ боғ орқасида жуда кўп катта-кичик имо-
ратлари блан бойнинг қўраси юксалиб турарди... Уй
қопқоронғи эди... Унда яшовчиларнинг ҳаммаси узоқ
сафарга кетганга ўхшар, чунки бирорта ҳам деразада
милтираган шам кўринмасди... Вадим сой устига таш-
ланган тахтадан ўтиб, тепадаги қалин малина шохлари
блан ўралган эски ҳаммом ёнига борди... У эшик қул-
фининг тешигидан милт этган нур кўргандек бўлди; у
тўхтади-да, оёқ учида юриб, маҳкам беркитилган дера-
за олдига келди...

Ҳаммомда ноаниқ товушлар эшитилди; Вадим

дераза тагидаги қалин майсага ёнбошлаб, диққат блан қулоқ солабошлади: унинг ер юзидаги бахтсизликларни кўравериш тош бўлган қалби шу дақиқада, темир қафасдаги қонли гўшти кўрган лочиндек, типирчилаб, дукиллаб уриб кетди... Мабодо қиш кечасида момақалди роқ гуриллаб қолганда, одам қандай таажжубланса Вадим ҳам шундай таажжубланди... У қўлини кўкрагига маҳкам босиб, шивирлаб бундай деди: «Ухла, эй телба кўнгил! Ухла... Сенинг омадинг ё ўтиб кетган, ёки энди келади!—Аммо ҳозир пайти эмас—Ахир, сен ёмон кўрадиган махлуқ ёнингда эмаску? Гапир!..» У нафасини ичига ютиб туриб, деразага қулоқ солар экан, шу гапларни эшитди:

1 о в о з. Хайр, дўстим... алвидо'..

2 о в о з. Мен сени ёлғиз ташлаб кетаманми? Йўқ, агар тақдир шу остонага ўлим деган сўзни ёзиб қўйганда ҳам, мен ундан ҳатлаб ўтиб... сени бағримга босардим-да... кейин жон берардим.

1 о в о з. Ахир, мен хавфсиз ердаман-ку?.. Мен арзимас бир кишиман; мен умумий галаён ичида этибордан четда қолиб кетаман.

2 о в о з. Йўқ, бу мумкин эмас... Фарзандлик бурчи мени дадамнинг олдига чақираяпти... Мен уни қутқариб, қайтиб келаман... Сенсиз бу дунё нима? Ҳеч гап... Худоси бўлмаган ибодатхона. Хавф-хатардан қочишимнинг ишма ҳожати бор... Агар менинг ҳалок бўлишим керак бўлса, ажал мени ҳарердан ҳам топиб олаверадди-ку!..

1 о в о з. Бағри тош! Ҳали кетмайман ҳам дегин... Менга қара! Худо ҳақи... қоч...

2 о в о з. Йўқ!.. Хайр бирнеча кундан кейин яна сен блан бирга бўламан.

Товушлар тиниб қолди ва ҳаммом эшигининг фирчиллаб очилиб, кейин тарақлаб ёпилгани эшитилди. Вадим аллақимнинг жарликда худди арвоҳ каби лип этиб пайдо бўлганини, кейин тепаликка чиқиб, жарни кесиб ўтган четан девордан сакраб тунги туман ичида гойиб бўлганини кўрди...

Вадим ўрнидан туриб, эшик олдига борди-да, уни қаттиқ бақувват қўллари блан итарди; ичкаридан, ҳал...

қа узилиб кетиб, сырли эшик ғирчиллаб очилди... Ал-лаким қичқриб юборди... Яна ҳамаёқ жимжит бўлиб қолди... Ерда фонарь ёниб турарди... Унинг ёнида, рангпар бошини дуб курсига қўйиб... Ольга ўтирарди!..

Мудҳиш фикр бечора букурнинг ақлини худди чақмоқ сингари ёритди; қиз блан гаплашган кишининг кимлигини у дарров пайқаб олди; Вадимнинг синглиси барча умидларини, қалбининг бутун муҳаббатини ўшанга боғлагандек, унга шу қадар илтифот блан меҳрибонлик қилди...

Ольга ҳаракатсиз ўтирар, унинг юзига оғир алам ўз муҳрини босгандек кўринар, кўзларида аллақандай бир шакли совуқ нур йилтиллер ва юмуқ лабларида доимий бир табассум қотиб қолгандек туюлар, аммо бу табассумдан унинг тақдирдан нолиётгани сезилиб турарди... Фонарь унинг оёғи остида ёниб турар ва пиликнинг сўнаётган алангаси шўрли қизнинг иягини яшил ойна орқали туссизгина ёритиб турарди; қора пахталик нимча остидаги кўкраги гоҳ кўтарилиб, гоҳ тушиб турар ва чала ўрилган узун сочи унинг ўнг елкасини қоплаб ётар эди.

Вадим унинг қаршисида, ҳалок бўлган Маргарита олдида турган Мефистофельдек турар ва унинг заҳарли боқиши гуноҳкорни тавба қилдираётган кишининг боқишига ўхшарди;— у қўлларини кўкракка қўйиб, қизнинг ўгирилиб қарашини кутиб турди, лекин қиз ўтирган ерида қимирламай, титроқ товуш блан:

— Мендан яна нима истайсан?— деди.

— Янами?... Мен сендан аввал бирор нима талаб қилганмидим? Бирор нарсани қурбон қил деганмидим?.. Гапир, Ольга! Мен сени: онг ич деб зўрладимми?.. Эсингдадир!.. Даҳшатли дақиқа сенга ноқулай вақтда муддатидан илгарироқ келгани учун мен айбдорманми!..

— Оҳ... Сен инсон эмассан, йиртқич ҳайвонсан!..

— Ольга... Сенинг отанг — менинг ҳам отам эди!

— Ишонмайман, ишонолмайман... Фаришталар даргоҳида бўлган отамнинг шу оилани ҳалок этишни, сен блан бизнинг жиноятчи бўлишимизни истаётгани-

га ишонмайман... Йўқ! Сен менинг акам эмассан!.. Йўқол — сени ёмон кўраман... Нафратланаман...

— Ёмон кўрсанг—кўравер... Аммо нафратланаолмайсан...

— Нафратланаман...

— Сен мендан кўрқаяпсан...— У ваҳшийларча кулиб, унинг ёнига келди.

— Вадим... отамизнинг ҳурмати ҳақи... чиқиб кет... сендан гўрнинг совуғи келаяпти...

— Йўқ, Ольга... Мен кечаси блан шу ерда қоламан...

— Худойимей!— деди қиз шивирлаб ва баданига қалтироқ туриб, юраги увишди... Унинг қалбида аллақандай шубҳа туғилди; ўрнидан турди; оёқлари майишиб кетди... У қадам босмоқчи бўлдию, тиззаси блан йиқилди...

— Қулоқ сол!— деб, Вадим синглисини ердан кўтариб, курсига ўтқазди; унинг нам қўлини ушлади-да, мулойимроқ гапиришга ҳаракат қилиб, сўзида давом этди:— қулоқ сол! Мен бир вақтлар кўнглимни муҳаббатнинг шуласи блан ёритмоқчи бўлган эдим... Мен ўша дақиқаларда сенга, сенинг мовий кўзларингга тикилиб, даҳшатли режамни бир йўла вайрон қилиб ташламоқчи, сенинг кўкрагингга бош қўйиб, ўтган нарсаларнинг ҳаммасини худди ажиб эртақдек унутиб юбормоқчи бўлдим... Лекин сен буни истамадинг, сен мени алладинг — гўзал йигит сени мафтун қилди-да... нотавон букур эса, тиниқ осмонда унутилган, одамларнинг ҳам, қуёшнинг ҳам этиборидан четда қолган қора булутдек ёлғиз қолиб кетди... Сен буни тушунолмайсан... Сен гўзалсан, сен фариштасан, сени севмай бўлмайди... Мен буни биламан... Оҳ, менга ҳам бир қараб қўй; наҳотки, менга бир марта ҳам қарамайсан, наҳотки, менга аталган бирорта табассуминг йўқ... Ҳаммаси, ҳаммаси ўшанга! У сенинг илтифотингнинг ўндан бири ҳиссаси блан ҳам мамнун бўлиши керак, у сенинг биргина сўзингга, менга ўхшаб, бутун келажagini беролмайди,— сен шунга биласанми?.. Эҳ, бунга сенинг ақлинг етмайди.. Агар мен сени бу қадар севишим юрагимга ёзиб қўйилганини билсам, уни шу дақиқада кўкрагим-

дан суғуриб олиб, сенинг тизангга ташлар эдим... Оҳ, биргина сўзингни аяма, Ольга, жон берадуриб... сени ла'натламайин...

— Ла'натлайвер!— деди у парвосизгина...

Шу вақтга қадар Волга бўйи адирларида гоҳо-гоҳо учраб бизни гоят таажжублантирадиган хунук ҳайкаллардан бирига ўхшаб, Вадим қизнинг олдида ҳаракатсиз турар, қўлларини қайирар ва қалин киприклари остидаги ярим юмуқ кўзларидан оғир азоб чекаётгани билиниб турарди... Ҳарёқ жимжит, фақат шамолгина гоҳо ҳаммом томида елиб-югуриб, чириган похолни тўзитар ва бўш мўрида гувулларди... Вадим сўзини давом этдирди:

— Ольга, яна бирнеча сўз айтаман-да... кейин, кетаман. Бу охирги уринишим... Агар сен шунда ҳам шафқат қилмасанг, у вақтда — орамизда ҳечқандай жигарчилик алоқалари бўлмайди,— шуни билиб қўй... — Мен сени онт ичиб берган ва'даларингдан халос этаман, менга аёл кишининг ёрдами керак эмас; мен осмон адолатининг қамчисини ожиз бир қизга топширишни истаб, телба бўлибман... Бас, энди бас!— Қулоқ сол: агар очлик ва ташналиқдан эти боряб устихонига ёпишган бечора бир ит бемажод вовуллаб, оёқларинг остига сургалиб келсаю, сенинг бир бурда, биргина бурда нонинг бўлса...— жавоб берчи, нима қилардинг?..

— Кўнгил бир бурда нон эмас, у менинг ихтиёримда эмас...

— Аҳа! Менинг ихтиёримда эмас дегин!.. Ҳа-ҳа! Ахир, мен сендан буни сўраганим йўқ-ку?..

— Сен жавоб сўраган эдинг... Мен жавоб бердим...

— Сенда раҳм-шафқат йўқ!

— Сенда борми?

— Демак, сен уни жуда ҳам севасанми?

— Дун'ёдаги ҳамма нарсадан ортиқроқ севаман...

— Ҳа-ҳа!.. Дун'ёдаги ҳамма нарсадан ортиқроқ дегин... бу чакки!..

— Рост, мен уни севаман ва ҳечқандай куч бизни бир-биримиздан ажратолмайди.

— Янглишаяпсан,— деб хитоб қилди заҳарханда

блан букур. — У албатта ўлиши керак... яқин фурсат, да ўлиши керак!

— Мен ҳам у блан бирга ўламан...

— Йўқ! Сен ўлмайсан... умидвор бўлма!

— Менинг умидим худодан... у ё бизни ўз даргоҳига бирга қабул қилади, ёки сен ҳарқанча аччиғлансанг ҳам, уни омон сақлайди...

— Менга худодан гапирма!.. У мени билмайди; у менинг қўлимдаги қурбонни тортиб олмайди — унга барибир... Сен кўзешларинг, илтижоларинг блан унинг кўнглини юмшатмоқчи бўлаётгандирсан?.. Ҳа, ҳа, ҳа! Ольга, Ольга, алвидо, мен сени ташлаб кетаман... Аммо сен менинг сўнгги сўзларимни ёдингда тут: бу сўзлар барча пайғамбарларнинг сўзларидан кучлироқ... Шунини билиб қўйки, у ҳалок бўлади, сен жонсиз жасадга кўнгил қўйгансан... Бу қўл унинг номини тирик одамлар рўйхатидан ўчириб юборган... Рост!— деди у ва бир лаҳза жим тургач, қўшиб қўйди:— агар истасанг, сўзларимнинг исботи учун мен сенга унинг бошини олиб келаман...

У тескари қаради, яна алланима демоқчи бўлди, лекин унинг товуши кўкарган лабларида қотиб қолди; у юзини қўллари блан яшириб, югурганича чиқиб кетди.. Балки у, бу блан хижолатини ва кўзидан беихтиёр оқиб тушган ёшларини яширмақчи бўлгандир, ёки юрагида газаби тошиб, қизга берган ва'дасини дарҳол ижро этишга жазм қилгандир...

Ольга деярлик беҳуш бўлиб қолди. У акасининг чиқиб кетганини базўр кўрди, тарақлаб ёпилган эшикнинг зарбини базўр эшитди...

ХVIII БОБ

Нижегородск, Симбирск, Пенза, Саратов губернияларининг бир вақтлар айиқлар блан бўриларга макон бўлган, энг ботир овчиларгина кираолган қалин ўрмонларидаги ғорларни, ерости йўлларини қизиққан киши ҳозир ҳам бориб кўриши мумкин. Бу ғорлар блан ерости йўлларни бизнинг ота-боболаримиз қазигандир. Бир вақтлар татарлар блан қримлиларнинг босқинла-

ридан, кейинчалик эса, қирғизлар блан бошқирдларнинг, ҳатто императрица Елизавета Петровна подшолик қилган даврдаги, ҳужумларидан қочиб, ота-боболаримиз шу ерларни бошпана қилганлар, бошқирдлар сўнги марта 1769 йилда ҳужум қилган, аммо шу атрофда қўшинга дуч келиб, Саратовга бирнеча чақирим қолганда, унча катта зарар етказолмасдан, чекинишга мажбур бўлган эдилар.— Ба'зида ҳатто бутун-бутун қишлоқлар вайрон этилиб, аҳолиси асир қилиб олиб кетилар эди. Биз тасвир этаётган даврда бу ғорларга, ҳозиргидагидек, қуруқ шох-шаббалар босиб қўйилмаган эди; ана шу ғорлардан бири Палицино қишлоғига яқин бир ерда бўлиб, халқ унга Жинмакоп деб ном қўйди ва ривоятларда бу ғор чиндан ҳам инсжинслар, шохли девларнинг макони қилиб тасвирланди.

Палицино қишлоғидан ана шу хилват ғорга эпг қисқа йўл блан етиб олмоқ учун дар'едан кечиб ўтиш ва дўнгликлар, сершоҳ толлар, баланд қамишлар блан қопланган ботқоқ даладан икки чақиримча пиёда юриб бориш керак бўлар эди; бу ерда ҳийлагар яшил мохлар тажрибасиз йўлчини алдайди, қамишзорларнинг тагида ўралар, ўт қоплаган ботқоқлар яшириниб ётади; шу атрофда яшовчи ба'зибир кишиларгина ана шу хатарли жойдан ўтиш йўлини биладилар. Ботқоқ тепага бориб тақалади. Илгарилари шу тепадан сўқмоқ йўл ўтган бўлиб, у тепа бағридан пастга тушиб, қалин, қоронғи ўрмонга кириб кетарди. Ўрмон четидagi юз яшар арғувон дарахтлари йўлни яширмоқ учун улкан шохларини ёйиб, худди посбонларга ўхшаб турарди, уларнинг ғадир-будур гавдаларидаги нақшларга Дантенинг: *Lasciate ogni speranza voi ch'entrate*¹ деган машҳур мисра'си дўзахий ҳарфлар блан ёзиб қўйилгандек туюларди. Шу ерга келганда сўқмоқ йўл яна аста-секин узун қиямаликка кўтарилар, дарахтлар оралаб худди илондек буралар ва хазонлар, шох-шаббалар орасида кўздан ғойиб бўлиб кетарди; ниҳоят, ўрмон сийраклашиб бориб, қорамтир дарахт-

¹ Буерга киручилар, умидингиздан кечинг!

лар девори орасидан мовий осмон кўринабошлайди ва тўсатдан, доира шаклидаги майсазор очилади; уни ўрмон худди сихрли камардек ўраган бўлиб, у қорамтир денгиз ўртасидаги оролчага ўхшаб кетар, унда ямшиш кўкатлар ва авж олиб ўсган ранг-баранг гуллар яшнаб ётарди; куз кезларида бўлса, унда бирор камбағал деҳқоннинг меҳнати блан тикланган пичан ғарами пайдо бўларди; арчалар блан қайинлар гўё шу майсазорнинг чиройига ҳасад қилаётгандек, гўё тўдалашиб бориб, унинг духобадек ўт-ўланини ғазаб блан пайхон қилиб ташлашга ҳозирланиб тургандек кетмакет саф тортиб, унга сукут ичида шиддат блан қараб турардилар. Шу майсазор блан Жинмаконнинг оралиги 3 чақирим бўлиб, бу ерда сўқмоқ йўл йўқ эди... Шу йўналишдан четга чиқиб кетмасликка ҳаракат қилиб, борган сари шарқ томонга қараб юриш керак бўлади.— Бу ердаги ўрмон унча баланд бўлмаса ҳам, броқ тиканак шохлар, чирмовиқлар ва бошқа ўсимликлар дарахтларнинг томирларига қўшилиб, тўрга ўхшаб кетган, шу сабабдан ҳам 3 саржин нарида турган кишини деярлик кўриб бўлмайди; гоҳо бўрон қўпариб ташлаган дарахтларнинг чуқур ўралари учраб қолади; уларнинг пўпанак босган, шохлари қуриб қолган чирик тўнкалари, худди крепостьларнинг ғовлари сингари, йўлни тўсиб туради; жундор айиқ қишда ана шу тўнкаларнинг тагига кенг уя қазиб олади-да, унга тушиб семиз напжасини сўриб ётади; мудроқ арчалар унинг устига қора чодирдек эгилиб, аста шивирлаб, алла айтиб туради.— Шу йўсинда икки чақиримдан ортиқроқ юрилгач, тепадан шариллаб тушаётган сувнинг шовқунига ўхшаш товуш эшитилади; дала-дашт ҳаётига ўрганмаган, хиёбонларда тарбияланган киши барглар суҳбатининг олисдан эшитилиб турган бу товушини пайқайолмайди;— ана шунда, шамол шу янги товушларни олиб келган томонга қаралса, тик ва чуқур жар кўзга ташланади; унинг қирғоғи энкайган қайинлар блан ўралган бўлиб, буларнинг баҳор ёмғирлари ювиб кетган яланғоч оқ илдиэлари тубсиз жар тепасида узун думларга ўхшаб осилиб туради; жарнинг сертупроқ нишаби тошлар

ва ўпирилган ер парчалари блан қопланган бўлиб, шу ер парчалари блан бирга кўчиб, нишабликда туриб қолган шохлар янги заминда бемалол кўкараверган;— агар нақ жар ёқасига келиб, маҳкамроқ дарахтни ушлаб туриб, эгилиб қаралса, жарлик тубидаги кичик бир булоқни кўриш мумкин; унинг қайнаб чиқаётган суви жуда тез оқиб, гоҳида оққушнинг паридан ҳам оқроқ кўпик блан қопланади-да, буралиб-буралиб қирғоққа келиб, бирнеча дақиқа тўхтаб туради ва яна югуриб кетиб, тошларга бориб урилади-да, қалқиб, сачраб, кўздан ғойиб бўлади.— Шу жар ёқасидаги кўз илғар-илғамас торгина йўл худди ер тагидан чиққандек пайдо бўлади; у шохлар орасидан, жар ёқалаб бориб, яна бирнеча марта буралади-да, ўз уясига кириб кетаётгандек, чуқур ўпқонга кириб кетади; лекин бу ерда кичкинагина дала очилиб, унда бирнеча дуб дарахти юксалиб туради; ўрталикдаги учта тепа— қабристон тўғри уч бурчак ташкил этади; чим ва хазонлар блан қопланган бу тепалар бир қарашда қадимги татар беклари ёки суворийларининг қабрларига ўхшаб кетади, броқ уларнинг оралиғига кирган кузатучи ҳарбир тепанинг остига олиб боручи тешикларни кўриши блан фикри ўзгаради; бу ердаги ҳарбир тепа ер остидаги узун йўлакларга олиб кирадиган гумбаз хизматини ўтайдиганга ўхшайди; бу йўлакларга кириладиган тешиклар жуда кичик, улардан одам эмаклаб базўр киради, лекин йўлакка бирнеча қадам қўйилиши блан, ғор тобора кенгайиб бориб, шу даражага етадики, уч одам ёнма-ён бемалол юраолади; уччала йўл ҳам, аввал тик пастга тушиб, кейин нишаб бўлиб бориб, афтидан, уч томонга кетади, аммо жарга қараган йўлак тамомила бошқача тузилган; у тик қияликдан бирнеча саржин пастга тушиб, кейин бирдан ўнгга бурилади ва агар қизиқучи киши шу янги йўналишга қайрилишда эҳтиётсизлик қилгудек бўлса, унинг шўри қурийди; бу йўлак жарга бориб тақалади, ёки, тўғрироғи, пастга тик бурилиб тушади: оёғининг маҳкамлигига ишонган кишигина шу пастликка сакраб тушаолади; ҳарқалай, икки саржин ҳазил гап эмас, аммо шуерга келганда суний ғовлар-

нинг ҳаммаси тугайди; йўлак орқага бурилиб, ўзининг юқоридаги қисми блан бир хил баландликда ва у блан ёнма-ён давом этади-да, кейин чапга қайрилиб, доира шаклидаги кенг залга тушади; бошқа икки йўлак ҳам шу ерда бир-бири блан туташади; бу залга тош терилган бўлиб, деворларида тўртта токчаси ҳам бор;— ўртада тўрт бурчак шаклидаги бир устун анча маҳорат блан қурилган гумбазни кўтариб туради; шу устуннинг ёнида чуқур бор; бу чуқур бир вақтлар тақдирнинг иродаси блан ер остидаги шу йўлакларда яшириниб юришга мажбур бўлган бахтсиз қувғиндилар учун, эҳтимол, печь ўрнида хизмат қилгандир; шу залдаги чуқур сукунатни бузиб, тоҳо сувнинг шалдираши эшитилиб қолади; кичкинагина тиниқ ва совуқ булоқ девордаги бирор мақсад блан очилган тешикдан чиқиб шу девор бўйлаб оқиб ўтади-да, ниҳоят тош блан паналаб қўйилган бошқа бир тешикка кириб кўздан ғойиб бўлади; маҳбуснинг ашуласи зиндон сукутини бузгани каби, оромсиз ирмоқнинг тинмай шалдираши туннинг ана шу зулмат маконига ҳаёт бағишлаб туради;— бу ердаги нарсаларнинг ҳаммаси ота-боболаримизнинг давомли қамалга бардош бермоқчи бўлганликларини ва бардош бераолишлари мумкинлигини исбот этади. Дарвоқи тошларни, ерни пўпанак босиб кетган, фонарьнинг шуласида зулмат ва хилватни севучи каламушларнинг ҳамда бошқа кўримсиз жониворларнинг девордаги уяларини кўриш мумкин; эндиликда гумбаз нурай бошлаган, унинг илгариги мутаносиб раволигидан деярлик ҳечқандай асар қолмаган.

Борис Петрович овга чиққан пайтларида қизиқиб, бу ерга икки марта келган эди; гарчи у, бирон марта қоронғи йўлакларнинг ичкарасига киришга ботинолмаган бўлса ҳам, бу жойни билар эди; у қўрқувдан ўзига келиши блан, шу ерни эслади: Жинмакон, даҳшатли номига қарамай, унга бирдан-бир хавфсиз жой бўлиб кўринди... чунки ҳозир, ухлаб ётган жаллодларнинг яқинида, шу эски шийпон ичида қолиш хатарли бир нарса эди... Хўш, у, Жинмаконга қай тариқада етиб олади?

Ҳурматли китобхонлар, мен сизларга иқрор бўлишим керакки, Борис Петрович ўлимдан жуда ҳам кўрқар эди!.. Албатта, кўрқув одамга ҳам, итга ҳам, умуман, барча ҳайвонларга баббаравар хос бўлган нарса!.. Лекин, гап шундаки, ўлим бошқа ҳайвонларга, қараганда Борис Петровичга даҳшатлироқ бўлиб туюлди, чунки шу дақиқаларда унинг ташвишли қалби ўтган воқиаларнинг ҳаммасини мулоҳаза қилиб кўрар экан, испан инквизицияси томонидан мадона долороза (*madona dolorosa*) нинг — фариштаинг бузиб, динга қарши қилиб тасвирланган ана шу даҳшатли ҳайкалининг тиканли қучоғига ташлашга ҳукм этилган жиноятчиға ўхшар эди... О! Сизга ростимни айтсам, қарзга ботган тажрибасиз йигит эшик орқасида туриб, сил судхўрнинг оёқ товушлари блан йўталини биринчи марта эшитар экан, қуруқ чўнтақларини титиб ҳеч нарса тополмаганда қанчалик кўрқиб кетса, Борис Петрович ундан ҳам баттарроқ кўрқиб кетди; Палицин ўз виждонининг ифлос варақларидай нималарни ўқиб олганини худо билади; у шу пайтда кимларни эсига олганини ҳам худо билади; ўлим деган биргина сўз уни шу қалар кўрқитиб юбордики, ана шу биргина қонли фикр бошига келганда, у оз бўлмаса уч марта ҳушидан кетаёзди; шу яқин-ўртада бирорта ёрдам беручи кишининг йўқлиги унга қўл келди, чунки у ҳушидан кетса ўлиб қолаётгандек, кўрқиб кетди.— Ўлим! Ўлим унинг хира кўзларига гоҳ қулочини кенг ёйган даҳшатли балад дорга ўхшаб, гоҳо эса, ногаҳоний хиёнатга, осмон момақалди роғига ўхшаб кўринар, ҳар томондан босиб келаётгандек туюлар эди... Унинг сиртида ҳам, ичида ҳам, ҳарерида ҳам ўлим бор эди... Ўлим бирдан минг хил парчаларга бўлиниб, унинг нам а'золари устида хахолаб чопқиллаб юрар, унинг оқарган сочини ҳурпайтирар, унинг тишларини бир-бирига тақиллатиб урар эди... Ниҳоят, Борис Петрович тоқат қилиб бўлмайдиган шу фикрни қувиб юбормоқчи бўлди... Нима блан қувиб юбормоқчи бўлди денг? Дуо блан!.. Аммо бундан бир иш чиқмади!.. Унинг лаблари ёд қилиб олинган сўзларни пичирлади, лекин қалб бу сўзларнинг ҳарбири-

га: ўлим! — деб биттагина жавоб бериб қўяқолди!.. У қочиш учун бирор йўл, ҳарқандай бўлса ҳам, бирор чора ўйлаб топаман деб уриниб кўрди... Энг мушкул йўл унга энг яхши йўл бўлиб кўринди; бир-икки соат хаёл суриш блан ўтди... Утган икки соат вақтнинг икки зарфи унинг юрагига урилган икки муштдай бўлиб туюлди; бетиним шамолнинг ҳарбир ҳуштаги уни бир титратар, катта каламуш ёки шунингдек бошқа бирор беозор жонивор шошиб юриб, похолни қитирлатса, бу товуш унга босиб келаётган душманларнинг оёқ товушига ўхшаб эшитиларди... Шу кўйи, у роса эзилди! Ажаб бўпти; эрга навбат — шерга навбат дейдиларку; бахт хотинга ўхшайди; бошида осонгина севган бўлса, охирида ҳам осонгина ташлаб кетади; — Борис Петрович ҳам ўзининг семиз дугонасини ба'зида эслаб қўяр... ва шунда сочи тикка бўлиб кетар эди; хотинининг номини тилга олганида ўғлининг нима сабабдан лом-мим демаганини, унинг нима учун қалтираб кетганини тушунди... Тавба-тазарру' ва хавф-хатардан узоқ бўлган бахтли кунлари унинг кўз олдидан бир-бир ўтди; улар шамол узиб ташлаган ва қипқизил, заррин япроғи блан кўзимизни алдаб, эрга учиб тушган қайин баргларидек, лип этиб учиб кетдилар... Биз уларнинг сиҳрли бўёқларига мафтун бўлиб, чексиз орзуларга берилиб, уларни ердан олиб, тамоша қиламизу, аммо бўёқларини ҳам, ярқироғини ҳам тополмаймиз: улар оддий, чирик, ўлик барглар бўлиб чиқади!..

Бу орада тонг отай деб қолди ва Палицин биз тасвир этган қоронғи ғорга яширинишга астойдил қарор берди; лекин ким унга овқат ташиб туради? Дўстлар қаерда?— Хизматкорлар қани? Қўлнинг ишорасини, қошнинг чимирилганини кўриб, хизматга тайёр турадиган пасткаш қуллар қаёққа кетди?— Ҳечким йўқ!.. У аламига чидолмай йиғлаб юборди!.. Ҳа, айтгандай, уни ғорга ким кузатиб қўяди? Унинг овчилари бу ердан кетмасдан туриб, у ана шу дим ғарамхона тагидан қайси йўл блан чиқиб кетаолади?.. Улар кетганидан кейин чиқса, фурсатни қўлдан бой бериб қўйган бўлмайдими?

У тонготарда итнинг вовуллашини, от дупурини, бақириқ-чақириқ, сўкиниш товушларини эшитди ва ба'зи-ба'зиди бурғи садоси келиб турди; шу кўйи ярим соат ўтди; ниҳоят, шовқин-сурон тинди; яна ярим соат вақт ўтди; шунда у тўсатдан тепасига келган хотин кишининг овозини эшитди: «Барин! Ҳой барин!.. тур... Овозингни чиқарсангчи!.. Ухлаяпсанми?..»

Мен сизга айтсам, у уйғоқ эди, лекин товуши чиқмаганига сабаб аввало хотиннинг овозини танимаганлиги, кейин таниган бўлса ҳам, қотиб қолган тилига гап келмаганлиги эди. У товутда тирилган Лазарьдек, аста қўзғалди-да, ғарамхона тагидан чиқди.

— Ия, сенмисан, хозайка!— деди у ғўлдираб...

— Менман, мен! Қўрқма... Улар жўнаб кетишди: сени бироз қидиришдию, топишолмай йўқолса — очиқ мазорга...— деб,— қўл силтаб қўяқолишди...

— Хозайка!— Палицин унинг сўзини бўлди, — тонг ёришаяпти; — менга қара; мен яширинадиган жойни топиб қўйдим... биласанми... шу яқинда бир жой бор... инс-жинсларнинг макони дейишади... бунинг аҳамияти йўқ; Жинмаконни биласан-ку!..

Хозайка қўрқиб кетиб, уч марта чўқиниб олди-да, Палицинга тикилиб қолди.

— Вой! Отагинам!.. Бир фалокатни бошлама! У жой — шайтоннинг уяси...

— Бошқа жой йўқ-да! — деди у зорланиб...

— Борликка бор-а! Лекин қишлоғингга яқин-да... Бир ҳисобда, сенинг ўйлаганинг ҳам яхши, барин... Бу ишни бошладимми, охирига етказаман, сени ташлаб кетсам гуноҳ бўлади; деҳқонлар киядиган мана бу кўйлакни кийиб ол: камзулингни ечиб ташла... Уғлим сенга ҳамроҳ бўлиб боради... У тентакроқ бўлса ҳам, маҳмадона эмас, онасининг сўзидан чиқмайди...

Борис Петрович тўқ кулранг ятакни кийиб, оёғига кир пайтава ўраб турганида, солдат хотини ғарамхонанинг эшигига бориб, қўли блан ишора қилган эди, 17 ёшлар чамасидаги, тентакбашара, малласоч, аммо паҳлавонлардек барваста бир бола пайдо бўлди... У онасининг кетидан ертўлага тушар экан, онасининг қулоғига алланималар деб пичирлади; у бўйни-

ни қашир, бошини тебратар, ҳадеб ҳомуза тортар ва гоҳо: «хўп, ойинжон!»— деб қўярди. Улар Палициннинг олдига келганларида у кийиниб бўлган эди. «Худо ёр бўлсин!»— деди хозаяка, унинг кетидан... Улар орқа эшикдан далага чиқдилар; Борис Петрович гапирай деса қўрқар; Петруха ботинолмас ва умуман, гапга ишқивоз эмас эди; бу тасодифий ўхшашлик жуда қўл келди; бири қўлга тушишдан, иккинчиси жиндан қўрқиб, худди баргдек титраб даҳшатли Жинмаконга қараб бораётган ҳамроҳларнинг икковини ҳам ўрмоннинг тор сўқмоғида қолдириб кетамиз... Улар шу ерда қолишаверсин, фарзандсевар отасини ташлаб кетган Юрийдан хабар олайлик.

Х И Х Б О Б

Юрий от чоптириб, Палицино қишлоғининг йўлига чиқиб олди-да, ҳорғин отининг жиловини тортиб, йўрғалатиб кетди; унинг бошида минг хил тадбир ва бундан кўпроқ хавф-хатар чигаллашиб ётар эди; Ольгани қутқариш, ёки ҳеч бўлмаганда, унинг ёнгинасида ҳалоқ бўлиш орзуси унинг туйғулари, фикрлари ичида энг биринчиси эди;— аввал жуда оддий бўлиб кўринган, ҳатто эҳтирос деган номга ҳам арзимайдиган муҳаббат, кутилмаган ҳодисалар оқибатида унинг қалбида ҳаддан ташқари кучайиб кетди: теварак-атрофдаги майда-чуйда дарахтларнинг ҳаммаси катта дубнинг соясида яшириниб ётганидек, унинг бошқа туйғуларининг ҳаммаси ҳам ана шу янги зўр туйғу олдида бош ёгиб, унинг оқимида фарқ бўлиб кетди.

Юрий торгина, текис йўлдан борар, унинг қиличи отнинг биқинига урилиб, беихтиёр, унинг ғайратини оширарди... Йўлнинг иккала ёқасидаги экинзорлар сарғаябошлаган; энгилгина шамол ғир этиб ўтса, улар худди ёшлар оломонидек чайқаладилар; улардан нарида — чап томонда жингалак буталар блан қопланган тепалар чўзилиб кетган, ўнг томонда — кириб бўлмайдиган, қалин, кекса ўрмон юксалиб туради: зулмат қора кўзлари блан ҳарбир шохнинг тагидан мўралаб қараётгандек, ҳарбир дарахт ёнида шохдор,

чўлоқ алвасти йўл пойлаб тургандек туюлади... Теварак-атроф жимжит; йўлчимизнинг қулоғига гоҳ бўриларнинг зорланиб увуллаши, гоҳо эса, тун посбони, ўрмон полициясининг а'зоси бўлган бойўғлининг ёқимсиз қийқириғи эшитилади; бойўғли ўз қоровулхонаси бўлган чириган дарахт қавагига кириб олиб, йўловчиларни бошқа ҳарқандай соқчига қараганда яхшироқ чақиради... Аммо Юрий тўсатдан бошқача товушларни эшитиб қолди; бу — от дупури бўлиб, тобора жадал яқинлашиб келарди; Юрийнинг юраги дов бермай, отнинг бошини бурмоқчи бўлдию... броқ ғурури бунга йўл қўймади; у отни тўхтатиб, ҳар эҳтимол учун уйдан олиб чиққан кичкинагина тўппончасини чўнтагидан олди-да, чақмоқ тошини кўздан кечириб, тепкисини тортиб қўйди ва душманга мардона зарба беришга шайланиб турди; тез орада орқа томонда, олис бир ерда оқиш чанг кўтарилди ва ниҳоят, бир отлиқ кўринди; бу отлиқ у турган томонга бор кучи блан елиб келмоқда эди.

50 қадамча масофага от чопиб келгач, потаниш сувори — бедов отининг жиловини тортабошлади.

— Тўхта!— деб қичқирди Юрий.— Яқин келакўрма!.. Яқинлашсанг бошингни янчиб ташлайман. Айт сен кимсан?

— Мени танимаяпсанми, бойвачча,— деб жавоб берди сувори хириллаган товуш блан.— Наҳотки, содиқ қулингни отиб ўлдирсанг?

— Ия, Федосей, сенмисан?— деб хитоб қилди таажжубланган йигит ва унинг ёнига келиб, юзига тикилди; бу ерда нима қилиб юрибсан?— Юрий жиддий бир қиёфада сўзини давом этдирди...— Менга йўлдош керак эмас... Мен борадиган йўлимни биламан... Мен сенга кел, деганим йўқ-ку?.. Гапир...

— Эҳ, бойвачча! Бойвачча!.. Сўзинг чакки! Мен келганингни кўрдим... Дарров отга миндиму, орқангдан югурдим... Виждоним қийналмасин дедим... Ҳамма гапдан хабарим бор, отагинам! Оғир замон бўлди... Аммо Федосей сени ташлаб кетмайди; сендан ажрал-

майман, сенга бошгинамни фидо қиламан; сенга хизмат қилсам, худонинг буйруғини адо этган бўламан, бойваччам; у дунёга борганимда, худо мендан: хўжайинларингга сидқидил блан хизмат қилдингми деб сўрайди... Агар сени ташлаб кетсам, унда нима деб жавоб бераман... Эндиликда ёмонлар кўпайиб кетди, халқнинг фе'ли бузилди, лекин мен унақалардан эмасман, Юрий Борисович... Буюрсанг бас, отагинам, сени деб ўзимни сувга ҳам, ўтга ҳам ташлайман... Биз, хизматкорларнинг ишимиз шунақа; мен шу пайтгача тузингни ичиб келдим, энди уни оқлаш навбатим келди... Улсам-ўламану, лекин хўжайинларни тутиб бермайман.

Юрий унинг сўзларидан та'сирланди; у, Федосейнинг елкасига қоқиб, деди:

— Агар сўзинг чин бўлса, Федосей, сенга, оиламга, худодан яхшилик қайтади, аммо, ўзингга ма'лумки, энди менинг қўлимдан ҳеч иш келмайди...

— Ёлғиз ўзинг қаёққа йўл олдинг, бойвачча?..

— Федосей, мен ўз бурчимни бажардим: отамни хавф-хатардан огоҳ қилиб, унинг яширинишига ёрдам бердим... Энди келаяпман...— Юрий бир нафас ўйга толди-да, кейин титроқ товуш блан:— Ольгани кўрмоқчиман...— деб очик айтақолди...

— Ҳали гап буёқда дегин!— Федосей мўйловини силар экан, шундай деб ўйлади.— «Бўйнига сиртмоқ тушай деб туриптию, эс-ҳуши қизларда!» — Ҳой, бойвачча!— деди у ботишиб;— қўй уни! Қиз блан кўришадиган вақт эмас... Қишлоқда кўринишинг хатарли... Гуноҳ қилишнинг устаси бўлмайди—...Эҳ! Халқнинг гапини эшитсанг билардинг.

— Мен уни кўришни истайман... Уни ўзим блан олиб кетаман... Ана ўшандан кейингина ўзимнинг тинчимни ўйлаёламан... Мен уни кўришни истайман, кўришим шарт...

— Бу ишинг чакки!— деб гўлдиради Федосей...

Улар анчагача ёна-ён индамасдан бордилар, иккови ҳам ё гапни эпга келтиролмади, ёки яна бошлангани истамасди... Тақдиримиз ҳал бўлаётган ана шундай соатларда биз ортиқча гап сотмаймиз, чунки шундай

соатларда ҳарбир дақиқани қадрлаймиз, барча дунёвий эҳтирослар эс-ҳушимизни қоплаб олади ва кўнгилдаги нарсаларни тушунмоқ учун биргина кўз ташлаш кифоя...

— Бойвачча,— деди тўсатдан Федосей...— қарагин-а... Хирмонларимиз кўринаяпти, шекилли... ҳа... ҳа... Тўхта, бойвачча... Менга қара, бошимга бир фикр келди: сен менга Ольганинг қаердалигини айтсанг, бас;— мен бориб, уни олиб келаман... Сен отларни шайлаб, мени шу девор тагида кутиб тур... Хўп дегин... бойвачча... Бўйнингни сиртмоққа тутиб берма — худо эҳтиёткор бандасини омон сақлайди... У дворян қизи эмас, ҳечнарсадан қўрқадиган жойи йўқ...

Бу таклиф Юрийни ҳайратда қолдирди; у хийла уялди: «Бу қандоқ гап!— деб ўйлади у,— наҳотки, мен унинг учун бема'ни ҳаётимни қурбон қилишдан қўрқсам»... Аммо у ҳардоим қўл келадиган софизмларнинг ёрдами блан ўз гурурини босиб, беҳуда хижолатини енгди, ва афсуски, розилик берди! Отдан тушиб, Федосей блан хайрлашар экан, қўл силкиб қўйди.

Мен Юрийни чинакам қаҳрамон қилиб кўрсатишни орзу қилган эдим, лекин бундай бўлиб чиқмади; у худди сиз блан мен каби бўлганидан кейин, мен нима қилаоламан... Ҳақиқатга тан бермоқ керак; ҳикоянинг юқори роғида айтганимча, унда сўнмас аланга, жўшқин истаклар ва зўр ирода Ольганинг кўзларига тикилганидагина пайдо бўларди; у ана шу сиҳрли кўзлардан узоқда бўлганида эса, худди бошқа йигитлардек соддадил, ақлли йигит эди, холос.— Шундай бўлгандан кейин, бизнинг қўлимиздан нима келади?

Федосей хирмон атрофидаги четан девор орқасида кўздан ғойиб бўлганидан кейин, Юрий ҳорғин отларни қуруқ толга боғлаб, нам ерга ёнбошлади; у: совуқ шамол ва ўсиқ майсанинг нами томирларимга ўтиб, қонимни совутади, ташвишли кўкрагимга ором беради, деб беҳуда ўйлади... Интизорлик шубҳалари оқибатида келиб чиқадиган ҳамма хаёлий нарсалар, барча арвоҳлар унинг атрофида тартибсиз ўйинга тушиб, хаёлларини узоқ-узоқ ерларга олиб қочди; гоҳо бирор ёвуз иблиснинг дайди чироғи, алдамчи фонари йўлчи-

ни ана шундай йўлдан оздириб жарнинг нақ ёқагина-
сига олиб бориб кўя қолади...

Юрий, келажакнинг даҳшатли манзараларини кўз
олдидан йўқотиш учун, ўтмишни эслаб кетди; бу блан
у, аҳвол танг бўлиб қолганда қалтис дориларни ишга
соладиган врачларга ўхшаб кетди.— Хўш, бундай
чора ҳарвақт ҳам яхши натижа бераверадими?

Хотиралар маржони унинг кўз олдидан бирма-бир
тизилиб ўтар экан, у ҳайрон бўлиб: наҳотки, хотира-
ларим шу қадар кўп? Нучук улар эндиликда, худди тўй-
га кетаётган гала-гала тўйчиларга ўхшаб, бирдан
тўдалашиб кетди?..— деб ўйлади... Гоҳи қиз бола гул
япроқларини бирма-бир териб фол очар экан, ҳарбир
япроқда ё та'на ёки афсус-надомат изларини кўргани-
дек Юрий ҳам хотиралар япроғини шу хилда бирма-
бир очиб торта бошлади, ва у, қаттиқ нотинч бўлган,
ёки азоб тортган дақиқаларда деярлик ҳар кимда ҳам
ҳосил бўладиган афзалликдан, я'ни зеҳн ўткирлигидан
фойдаланиб, ҳаёт йўлида сочилиб йўқолган туйғулари-
ни ҳисоблай бошлади; брок, афсуслар бўлсинки, бу
туйғулар самарасиз бўлиб чиқди: улар беҳуда сочил-
ган уруғларга ўхшарди: уларнинг ба'зиларини ёввойи
қушлар териб кетган, бошқаларини саёқлар пайхон
қилиб юборганлар, учинчи бир хиллари тошга тушиб,
ёмғирлар остида чириб кетган.

У фикран ёни болалик чоғини кўз олдига келтирди:
шу оқиш жингалак сочли, тинимсиз, шўх болани ота-
онаси севиб эркалар, хизматкорлар ва айниқса оқсоч-
лар уни кўрганда зир-зир титрар эдилар; у ўзини
табиатнинг ма'сум шогирди деб билар, энаганинг тиз-
засида ўйнаб ўтирар, олабўжи деган сўзни эшитиши
блан қалтирар эди. У ўша йилларнинг ўтиб кетганини,
энди сра ҳам қайтиб келмаслигини ўйлаб, беихтиёр
жилмайиб қўйди...

Ниҳоят, илк ихтирослар, илк орзулар фасли келди...
Уни кекса, бой бувининг тарбиясига топширдилар.—
Қўрадаги оддий қизча — Аниота унинг э'тиборини ўзи-
га тортди. Оҳ, у нозлар, мулоийм боқишлар, ширин
сўзлар, хўрсинишлар, ва'далар — болалик умидлари,
болалик хотиралари!— Қоронғи йўлакдаги, сербарг

рябина блан ўралган қоронғи айвончадаги, лойқа ариқ бўйидан бошланадиган қайинзордаги, ўрмон кесучининг похол чайласидаги илк кўришувлар нақадар кулгили, кўрқинчли, беғам ва сирли учрашувлар эди!.. Аввал беғараз, соф ва охирида жинояткорона бўлган ўша дастлабки бўсаларнинг мазасига ким етсин; Юрийнинг қайноқ қўли Аюотанинг йўл-йўл бўз кўйлак сал ёпиб турган нозик қоматини дадил қучоқлаганида, офтобда қизариб пишган кўкрагига лабларини босганида, қизнинг кўзлари чақнар, эндигина кўтарилиб келаётган маммалари титрар эди.

Аммо Юрийга: бас, хизматга жўнанг, дейишди... Сабаб?— деб сўради у. Шунда унга таҳдид қилиб: даданг 15 ёшлигида гвардияда сержант даражасига кўтарилган эди, сен бўлсанг, 16 га кирдинг, дейишди. Хуллас... хуллас... бричкани кўшиб, ёнига амакисини ўтқазишди, йўлга 20 сўм пул ва узоқ чатишган бир амакига узун хат ёзиб беришди... Қамчи ҳушт этди, кўнғироқ жаранглаб кетди... Алвидо', эрким, дарахтзорларим, далаларим, алвидо', бахтим, хайр, Аюотам!.. Юрий бричкага тушатуриб, кўзи қизнинг ёш тўлган, ҳаракатсиз кўзларига дуч келди; қиз эшик тирқишидан унга узоқ вақт қараб турди... У, қизнинг яқинига бориб, унинг оқарган ёноқларидан сўнгги марта ўпиб олишга жур'ат этаолмади, у қизнинг ёнидан елдай тез ўтди, у ўзи блан яна ақалли бир лаҳза бирга бўлишни орзу қилган Аюотанинг совуқ қўлларидан қўлини тортиб олди... «Оҳ! У менинг хатти-ҳаракатимни йиртқишларга хос бағри тошлик деб билиб, эндиликда мендан роса нафрат қилаётгандир!» деб ўйлади у ўшанда...— Кейин нима бўлди денг? У Аюотани олти йил ўтгандан кейин кўрди... Эвоҳ! Аюота гумбаздай хотин бўлиб қолипти. Юрий Аюота ўзининг сўлакайи оқиб юрадиган болаларини калтаклаганини, уйининг деворини оқлаганини кўрди, маст эрини пардасиз сўзлар блан ҳақорат қилганини эшитди... Ишқивозлик тутундай тарқалиб кетди... Бўлаётган воқиалар ўтган воқиаларнинг нафосатини заҳарлади, ўшандан бери у Аюотани ўйласа, кўзининг олдида ҳалиги жирканч хотин пайдо бўлади, у хотирасидаги қоракўз,

қорақош ўйноқи қизни ўлдига чиқариб, унутиб юборишга мажбур бўлди... ва уни ўзининг иззати нафси йўлида, ҳечбир пушаймон бўлмасдан, қурбон қилиб юборди.

Бу орада хизмат ташвишлари, янги одамлар, янги-ча фикрлар Юрийнинг қалбидаги илк муҳаббатни енгди, унинг юрагидаги дастлабки тассуротни ўчириб юборди... Шухрат унинг санами бўлиб қолди! Уруш унинг роҳат манбаига айланди... Походни истаб қолди!— Туркияга юриш бошланди... У энди ўткир қиличини ғайри динларнинг қонига бўяйди, қур'он мухлисларининг кесилган бошларидан учиб кетган саллаларини товони блан эзиб ташлайди!.. Суворовнинг ўзи унинг елкасига қоқиб: қойил, азамат!.. Мендан ҳам ошиб тушдинг! Худо ёр бўлсин!..— деганида, у чексиз бахтиёр бўлади... У, туркларнинг ўт ва ўқ-ёмғирлари остида қирғоқдаги қонга бўялган тепага, ярасидан қон оқиб туришига қарамай, гандираклар, биринчи бўлиб югуриб бориб, икки бошли бургутнинг сурати ярқираб турган биринчи байроқни душман ерига тикканида, Суворов албатта уни шундай сўзлар блан мақтайди-да!.. Жангдан кейинги табрикларни, қучоқ очиб кўришувларни айтмайсизми!..

Ниҳоят, қўшинлар Россия чегарасидан ўтиб кетди, ўз қирғоқларини ювиб, ёввойи далалардан кенг яшил тўлқиндай мавжланиб оқаётган Дунай соҳилидаги ғайри динларнинг қишлоқлари ёнмоқда... Эҳс, нимасини айтасиз, Юрий у ернинг илиқ хушбўй ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олди, ўзини қизғин жангларга ташлади, у завқ-шавқ блан қиличини хунук туркнинг қорнига суққанида, турк кўзларининг пахтаси чиқиб, қалтираб совуқ темирни тишлаб, ғажир эди!.. Шошманг, унинг чодирисидаги асира ким, у ўз ўртоқларининг суқ кўзларидан кимни бунчалик эҳтиёт блан яшираяпти? У ким бўлса экан-а!.. Ҳай-ҳай, бу сир! Бу сирни фақат унинг ўзию, яна худо (агар худонинг одам қалби блан заррача иши бўлса) билади!..

Юрий бу қизни вайрон кулбанинг ёниб турган томи остидан чала ўлик ҳолда топиб олди; унинг қалбининг тубида чексиз шафқат уйғониб, Зарани ердан кўтар-

ди. Бу фарӣшта ўшандан бери унинг чодирда, одамларнинг назаридан четда яшаб турипти. Унинг ҳуснини осмоннинг ўзи баркамол қилиб яратган, унинг ҳаракатлари ўзи бир дoston, кўзлари сихрли ярқироғи блан мафтун қилади, тарам-тарам гулранг томирчалар блан безанган оппоқ оёқчаси кўғирчоқдек нафис, унинг қорачадан келган қаттиқ сийнаси салгина хўрсиниши блан баланд кўтарилади...— Бутун вужуди оловдай ёниб туради: кўзёшлари, табассуми, ҳаракатсиз қотиб туриши — ҳаммаси, ҳаммаси одамни сихрлаб қўйгудек. Унинг оддий одам эмаслигини ташқи кўринишиданоқ пайқаш мумкин; у — ё малак, ёки иблис; унинг қалби ё қуёшнинг илтифот ёшида акс этган шўх нури каби тиниқ ва соф ёки шу кўзлар сингари тўлачадан қелган духоба елкаларига шалолодек сочилиб турган сочлари каби қопқоронғи... Юрий шундай деб ўйлади-да, келажак ҳақида ўзига бирорта савол беришни ҳам муносиб кўрмай, гўзал мусулмон қизга жон тани блан берилиб кетди.

Орадан икки ҳафта ўтди... Аммо у ҳамон кайфсафодан чарчамади, бўсаларга тўймади... Ҳей, дўстларим, икки ҳафта деган ҳазил эмас-а!..

У даҳшатли кечалардан бирини ҳали-ҳали эслаб қўяди... Уша тун Юрий ўз чодирда, юмшоқ гилам устида ухлаб ётарди; йўл фонари бурчакда ўчай-ўчай деб турар ва унинг титроқ шуласи чодирнинг йўл-йўл деворларида липиллаб акс этиб, унинг ёвдан тортиб олиб, ўз кровати тепасига чиройли қилиб осиб қўйган кумуш қиличи блан тўппончаларини ярақлатарди;— Юрий ухлаб ётарди... Броқ у, чиён чаққан кишидек чўчиб уйғонди: иккита қора кўз унга тикилиб, бир жажжи қўл кумуш ханжар ўқталиб турарди!.. Ана дўзаху, ана ла'нат!.. У, ана шу жажжи қўл учун кечагина бутун мол-мулкини беришга тайёр эди!.. У бир лаҳзада Заранинг қўлидаги ажал қуролини тортиб олиб, улоқтириб юборди; аммо турк қизи қўрққани ҳам, хижолат тортгани ҳам йўқ... У астагина тисарилиб, қўлларини қовушгирди-да, бошини эгди ва шу кўйи қилмишига лойиқ жазони тортишга, барча та'намаломатларни, аччиқ-тизиқ гапларни эшитишга тай-

ёрланиб турди... Рост, унинг вужудида жануб қони қайнар эди!..

— Кўрнамак, илон!— деб хитоб қилди Юрий,— гапир? Сизларда ҳаёт эвазига ажал бериладими? Сен шунча меҳр-шафқатларим эвазига бериш учун хан-жарнинг зарбидан бошқа нарсани тополмадингми?.. Ё парвардигор!.. Бунинг латофатини кўришгу, пасткашлигини қаранг! Эвоҳ, сенинг ҳамма фаришталаринг шунга ўхшайдиган бўлса, у вақтда дўзах блан жаннатнинг фарқи нима?.. Йўқ, Зара, йўқ!.. Бундай бўлиши мумкин эмас... Дадил жавоб бер: мен алданган бўлсам керак, туш кўраётган бўлсам керак! Мен беморман, мен телба бўлиб қолдим... Гапир: муродинг нима?

— Муродим — эркинлик!— деб жавоб берди Зара!..

— Эркинлик!.. Ҳа-ҳа! Мен жонингга тегибман-да... Сен ўз минораларингни, ўз кулбангни соғинганга ўхшайсан — броқ улар ёниб кетган... Ушандан бери менинг чодирим сенга ватан бўлиб қолди... Аммо муродинг — эркинлик бўлса... боравер, Зара... Парвардигорнинг олами кенг. Узингга уй топиб ол, дўст ортдир... Кўраяпсан-ку: менинг ўлимимсиз ҳам озод бўлиш мумкин...

Зара индамасдангина чиқиб кетди; Юрий ундан кўзини узолмай, ҳаёл суриб, анча маҳалгача қараб қолди; ой Заранинг узун чодрасини ёритар ва бу чодра унинг нозик қоматини оқ тумандай ўраб турарди; у майсада худди арвоҳдек сокин юриб борарди... Ана, узоқ бир ердаги чодир орқасига яширинди, ана, лип этиб кўринди ва яна кўздан ғойиб бўлди... Алвидо', Зара! Алвидо', Гулистон гули! Мангу алвидо'!

Рангида ранг, кўзида нур қолмаган Юрий эртаси кун эрталаб, худди йиртқич ҳайвондек безовталаниб, лагерьни кезиб юрди... Теварак-атроф жимжит; қуёш эндигина кўтарилиб, кийимларни қиздирабошлаган... — Кутилмаганда, Юрий шу ердаги чодирларнинг биридан икки кишининг бир-бири блан чап-чуп ўпишаётганини, муҳаббат лаззатининг оҳ-войларини, қаҳқаҳа ва чап-чуп ўпишларни эшитиб қолди; у яқинроқ келиб қулоқ солди — шунда кўзи чодирнинг йиртиғига

тушиб қолди-да, аллақандай бир куч уни шу йиртиқ жойга михлаб қўйди... У шубҳали чодирнинг ичига қаради... Ё раббий! У, артиллерия поручигининг қучоғида тўлғонаётган ўз Зарасини кўриб қолди!

У қасоскор эмас эди; шунинг учун кўпда аччиғланмадию, аммо оғир қайғи дилини пора-пора қилиб ташлади... У озмунча йиғламади, ўлмоқчи ҳам бўлдию, лекин ўлмади; Зарани унутиб юборишга қарор берди... Дўстларим, мен сизга айтсам, унутиб юборди!..

Ниҳоят, уруш тамом бўлди, рус байроқлари Дунай соҳилларида роса ҳилпиллаб, кейин йиғиб олинди; Юрий ватанига қайтар экан, биргина хотиннинг қилгилиги учун ҳамма хотинларни йўлдан чиқариб, қасос олмоқчи бўлди — жуда ўринли ва доно режа!.. 30 ёшли бевалардан қанчадан-қанчаси унинг оёқлари остида ҳўнграб йиғлади, қанчадан-қанча бойвуччалар унинг биргина табассумига сазовор бўлиш учун озмунча олтин сочмадилар... Юрий пойтахтда, серҳашам байрамларда аламзадалик блан қувнаб, икки гўзални бир-бирови блан уриштириб қўйишга уринар ва улардан бири масхаралар юки остида мажолсизлашиб йиқилай-йиқилай деганда, унинг ёнига келиб, мамнун йигитнинг бепарво эпчиллиги блан унга таъзим қилар, у блан сўзлашар, унга жилмайиб боқарди... Шунда унинг барча рақибалари девордек бўзариб қолардилар... Эвоҳ, шу сирли, қотилона уруш Юрийнинг эрмаги бўлиб қолган эди! Хўш, шуларнинг ҳаммасидан у нима фойда кўрди? Фақат, хотираларгина қолгандир-да? Ҳа, фақат хотиралар, Ажал денгизи қирғоғининг мевалари каби аччиқ, макрли хотиралар қолди; ана шу Ажал денгизи қирғоғида ўсучи мева дарахтларининг пўстлоғи ярқироқ бўлгани блан, унинг ичи кулга, иссиқ қуруқ кулга тўла бўлади! Эндиликда бошқа гап; Юрий ҳар гал Ольгани ўйлаши блан, унинг қалби, худди қора мой томизилганда чарс-чурс ёнадиган машъала каби, ҳасрат ўтида гуриллаб ёнарди; унинг сийнасидаги юрак, қурбонлик қилучининг пичоғи остидаги қўзичоқ каби, типирчилаб, дикиллаб турарди. У, Ольгага бўлган муҳаббати — қалбининг сўнгги эҳтироси эканлигини, ечиб бўлмайдиган бир

тугун эканлигини ғира-шира тасаввур этар эди; тақдир бу тугунни ечолмасдан, худди Искандар каби, уни узиб ташлайди.

ХХ Б О Б

Федосей ҳечкимнинг кўзига кўринмасдан, хирмондан ўтиб олдида, ниҳоят, бизга таниш бўлган жарга тушиб, четан девордан ошиб ўтди ва ҳаммомга яқинлашди; броқ у жиддий дақиқада унинг бошини кутилмаган чигал бир хаёл қоплаб олди, кўзга кўринмайдиган бир қўл уни пастгина эшикдан итариб тургандек туюлди, ва шу блан бирга, у, илоннинг магнитдай тортучи кўзларидан сиҳрланиб қолган ҳуркович куш каби, бу ердан нари кетишга мажолсиз эди!— У бир лаҳза ҳаракатсиз туриб қолди-да, кейин бирдан ҳушёр тортиб, эшикни итариб очиб ичкарига кирди... Броқ у, остонадан ҳатлар экан, орқасига қараб қўйди — унга, рябина шохлари орқасида қора шарпа кўрингандек бўлди; у, ана шу қора шарпанинг шаклини фарқ қилолмади; лекин сирли бир туйғу унинг ёиблис, ёки ёвуз одам эканлигидан далолат бериб турарди. Федосей йўлакдан ўтиб, ҳаммомга кириши блан, кўнглига аллақандай бир ачиниш туйғуси тўлиб, ҳайрон бўлиб тўхтаб қолди; қизнинг беқиёс ҳуснини ва у чекаётган азобни кўриб, Федосейнинг ёввойи, қўпол қалби эзилди; Ольга ўнг қўли блан курсига суяниб, бошини унга қўйганича, ерда ўтирар; тўғрироғи, ерда ётар эди; унинг узун ипак киприқлари блан сал ёпилган мовий кўзлари мурданинг кўзларидек ҳаракатсиз бўлиб, унинг боқиши телбаларнинг боқиши сингари, қоронғи ва сирли поэзияга тўла эди; кўп вақтлардан бери унинг енгилгина жигарранг соя блан ўралган атлас қовоқлари остига кўзёшининг бирорта ҳам олмос томчиси думалаб тушмаганини дарҳол пайқаса бўларди; унинг бутун кўзёшлари қалбини худди дўзах каби тинмай ўпирар эди; темирни занг кемиради; 18 яшар қизнинг қалби шу қадар юмшоқ, шу қадар нозик, шу қадар тозаки, у аламнинг ҳарбир нафасидан хира торгади, яёв кетаётган шўрлик одам ирмоқ-

нинг заррин тубида оёқ изи қолдирганидек, тақдир ана шу нозик қалбга ўзининг чуқур изларини қолдиради; нурли, жўшқин ирмоқ — умиддир, унинг тубидаги изларни бирнеча дақиқада текислаб юбориш мумкин; аммо умид кўкка совурилса, сув оқиб кетса... у вақтда ирмоқ тубидаги арзимас излар блан, одоб либоси блан ўртилган кўз илғамас яралар блан ҳечкимнинг иши бўлмай қолади.

Ольга зах ерда индамасдан, бепарвогина ётарди; Федосей кирганда у ҳатто қимир этмади; бошини кўтариб қарамади; зиғирдаккина пилиги қолган фонарь тахта устида липиллаб турар ва титроқ нур чанг босган яшил ойна орасидан ўтиб, унинг юзини яна ҳам бўзартириб юборган эди; лаблари кўкариб кетган эди; ярим осилиб турган сочи тўлачадан келган, силлиқ елкасига яшил соя ташлаб турар; қиз елкасининг соч ўрими асоратидан озод бўлиб, кўриниб турган бўлаги: кел, мени ўп, деяётгандек туюларди; пахталик нимча унинг тагида эзилиб ётар; баланд, нафис кўкрагини ортиқ пана қилмас эди; унинг кўксидagi қор сингари оқ ва совуқ иккита юмшоқ копток оппа-очиқ бўлиб, энди илгаригидагидек қалқиб тушмасди; эркак унинг шу ерига бемалол тикилиб қолди; қизнинг бўйни ҳам, ёноқлари ҳам заррача қизармади; хотин киши умидини йўқотгандан кейингина уятини — ўзи блан бирга туғилган ва англаб бўлмайдиган ана шу туйғусини, ўз дахлсизлигини, ўз сирли нафосатининг муқаддаслигини тушуниш орқасида бейхтиёр ҳосил бўладиган шу туйғусини йўқотиб қўйиши мумкин.

Ольга оёқларини узун кўйлаги ичига яшириб ётар ва Юрийнинг мухтор элчиси унинг олдида ҳайрон бўлиб турарди; ниҳоят, у сабрсизланиб, қизнинг енгидан тортиди:

— Тур, тур, вақт ғанимат!..

— Тағин келдингми!— деб ингради у, бошини кўтармасдан ҳам!

— Епирай! Тағин деганинг нимаси!.. Нима, мени танимаяпсанми! Тур, вақт ғанимат!.. Юрий Борисович хирмоннинг нар'ёғида кутиб турипти... Менсиз тағин бир балага йўлиқмасин...

— Оҳ, унинг отини атама! Сен мени алдамоқчи-сан... Мени даҳшатли тузоққа туширмоқчисан... Оҳ, Вадим: менга тегма, тинчгина жон берай... мендан қайтмаса, худодан қайтади!

— Ҳой, онагинам, нималар деяпсан? Эсингни йиғ! Бу ерда Вадим нима қилади? Мен Федосейман, ахир, биларсан... Турақол... Бойвачча ёлғиз қолди... Ҳардам хатарли...

Ольга уйқудан уйғонгандек, сапчиб ўрнидан турдию, кўзларига ишонмади; у бир лаҳза кекса овчига тикилиб турди-да, кейин қувониб кетиб, бирдан қичқириб юборди: «демак, у мени унутмапти-да? Рост у мени севади! Севари-а? У мени узоқ, узоқ ерларга олиб кетади...». Шу сўзларни айтиб, Ольга севиниб сакрар, гоҳ кулиб, гоҳ йиғларди... Унинг кекса овчининг қадоқ қўлларини ўпиб олишига оз қолди... Йўқ,— деди у, бироз тинчиганидан кейин,— йўқ! Одамларнинг бизни бир-биримиздан айиришига худо йўл қўймайди; йўқ; у меники, у ерда ҳам, гўрда ҳам, ҳар жойда ҳам меники, мен уни қонли ёшларим, илтижоларим, чеккан кулфатларим эвазига сотиб олганман, у мен учун яратилган, йўқ, у ичган онтини, олган лаззатларини унутмаган...».

— Менинг бундан хабарим йўқ,— деди совуққина қилиб Федосей унинг сўзини бўлар экан,— сен олди-сотди масаласини бойвачча блап гаплаш, менинг ишим — сени олиб бориш... бўлақол, вақт ўтаяпти!..

— Қаёққа борамиз, қандоқ борамиз?

— Буёғини менга қўйиб бер!.. Боплайман! Ё, менга ишонмайсанми?

— Федосей, тағин алдаётган бўлма!

— Худо сақласин! Нима, мен кофирманми; тезроқ юр! Юрий Борисович бизни хирмоннинг нар'ёғида, йўлда кутиб турипти, йўлимизга тикилавериб, кўзлари толгандир!

— Тайёрман, юр.

Федосей унга: жим, дегандек ишора қилди-да, эшикка яқинлашиб уни қия очди ва теварак атрофда бирор кишининг йўқлигига, ҳаммаёқ жимжит эканига қаноат ҳосил қилмоқ учун, эшикдан бошини чиқарди;

у ўзининг бу кузатишидан мамнун бўлиб, йўталиб кўйди; алланималарни гўнғиллади ва эшикни бутунлай очмоқчи бўлиб турган эди, бирдан: уҳ, деди-да, бўйинини ушлаганча чўзилди ва тап этиб ерга йиқилди; Ольганинг қўллари блан кўкрагига суяқ бир нарса сачради... Унинг вужуди қақшаб, дод демоқчи бўлдию, мажоли келмади... Федосей унинг кўз олдида ўз қонида сузар, ерни ғажир ва тирнар эди; унинг тепасида, нақ остонада эса, жон бераётгандан ҳам даҳшатлироқ бир киши болта кўтариб турарди; у қимир этмай, Ольгага калхат боқиш қилиб турар ва қонга бўялган ерга бармоғи блан ишора қиларди; у, аждаҳони енгган Геркулесдай тантана қилмоқда эди; унинг қизғиш лабларида заҳарханда яққол кўриниб турарди; бу заҳархандада гоҳ гурур, гоҳ нафрат, гоҳ афсуснадомат ифодаланарди; ҳа, бу ўз иродасига қарамай, олий ҳокимиятнинг амри блан ўлим зарби берадиган жаллоднинг афсуснадомати эди.

— Қўрқаяпсан-а!— деди Вадим, ниҳоят, хихиллаб кулиб,— мен вадамнинг устидан чиқдим!.. Бу унинг ўзгинаси! Бир вақтлар ёш ва гўзал бўлган чехрапинг хунук белгиларига дадил қарайвер; бу — унинг ўзгинаси!— шу бош сенинг кўкрагингда ором олган эди, бу лаблар лаззатдан эриб, сенинг лабларингга ёпишиб қоларди, у сенинг биргина кулиб боқишинг учун бурчидан, ота-онасидан воз кечди,— агар сенинг ота-онанг бўлса, сен ҳам ўшани деб улардан воз кечган бўлардинг... Бу — унинг ўзгинаси! Шўрли, тентак йигит! Бу, дворянлардан келиб чиққанман деб роса мақтанган эди, у зарҳал ҳошияли яшил мундирини кибрланиб кийиб юрарди, у мақтовларга кўмилиб, ўзини мақтаганларга пулларини сочар экан, улардан миннатдор бўлишни ҳам талаб этмас эди; аёлларнинг қучоқ очиши учун унинг кўз қисиб қўйиши кифоя эди — ҳа! У энди ким бўлди! Қонли мурда! Ҳатто аламини ҳам сезмайдиган жонсиз тўнка бўлиб қолди...— Вадим сувган мурдани оёғи блан туртиб, сўзида давом этди:— Энди бу роса ҳам жирканч бўлса керак... Қарагин-а, Ольга! Мен бу манзара блан кўнгилни юмшатмоқчи эмасман: бир қарагин-а, кўзларининг пахтаси ўйнаб

кетипти... Е, парвардигор!— Хўш, бунинг ҳаммасини ким қилди? Ким худонинг гўзал бандасини бир уюм лсийга айлантириб юборди?.. Бу жингалак сочларни лоларанг май блан суғорган ким? Бу оппоқ, тоза мияни деворга сачратиб юборган ким?.. Ким? Мен, мен!— Ҳа, ҳа, ҳа! Ҳа! Жирканч тиланчи, ожиз қул, нотавон букир!?... Ҳа, мен!— Наҳотки, бу ҳайрон қоладиган бир нарса бўлса! Ольга, мен сенга уни севма!..—деган эдим... Сен қулоқ солмадинг, сен, бошқа аёлларга ўхшаб, олтинга, ҳуснга, ҳавойи вадаларга учдинг... Сен менга ишонмадинг; у сенга бахт-саодат, орзу-умидлар вада қилди; сен у вада қилган нарсани танладинг; сен одамлар тақдирга қарши бораоладилар, деб ўйлашга жур'ат этдинг; сен мени гўё худо томонидан аллақачон рад этилган одам деб билдинг ва шу сабабдан, у мени биринчи, охирги, ягона роҳатдан маҳрум этади, деб ўйладинг!..— Мен сенинг акангман, Ольга, ҳа акангман!— Мен сенинг хўжайининг, ҳукмдоринг, шохингман,— жаҳонда бутун бир оиладан фақат иккаламиз қолдик,— менинг йўлим сенинг йўлинг бўлиши керак; сен табиатнинг боғлаган нарсасини ожиз қўлинг блан узиб ташламоқни беҳуда хаёл қиляпсан; менинг нафратим қайнаган жойда сенинг муҳаббатинг гуллаёлмайди...— У бир дақиқа сукут қилди, сочлари тиккайди, кўзлари чўғдек ёнди ва Ольгага чўзилган қўли ҳавода қалтиради; у оёғи блан мурданинг кўкрагини шу қадар қаттиқ босдики, унинг суякларининг қирсиллагани эшитилди; Вадим руҳоний каби салобат блан боқиб, бундай деди:— Менинг биринчи истагим ўринлади!— У ўлди! Умидларимнинг қотили — шу, илк фароғатимнинг қотили — шу; мен сендан қабрла ҳам нафратланаман; агар бир вақт келиб, у дунёда учрашиб қоладиган бўлсак, хўш'ёр бўл! Сен бўлсанг, Ольга, сен истаган ерингга боравер, иккаламизнинг ўртамиздаги ҳисоб-китоб тугади — мен сенга қарзимни тўладим; яшайсанми, ўласанми, менга барибир; алвидо', синглим! Сенга ҳам алвидо', бечора йигит!

Вадим шу сўзларни айтиб, кафтини қисди-да, мурданинг бошини сочидан ушлаб кўтарди, уни фонарьга

тутиб, кўкариб кетган юзига қарадию — қалтираб кетди, кейин уни яқинроқ тутиб, тикилиб боқди-да, бирдан қичқириб юбориб, қутургандек сапчиб орқага тисарилди; унинг қўлидан тушиб кетган бош ерга тошдек урилди; бу биргина дақиқа давом этди; аммо бу дақиқада — бутун бир даҳшатли драма содир бўлди. Сўнгги умиди ҳам пучга чиққан Вадим эсанкираб қолди; у, даҳшатга тушиб, ранги оқариб, оёқ устида туролмай қолди-да, курсига ўтирди; қани, айтингчи, у нима қилди?— Йиғлади! Ҳа, ёш болага ўхшаб, аччиқ-аччиқ йиғлади!

У синглисига ҳам, мурдага ҳам қарамай, ўтирган ерида ҳўнг-ҳўнг йиғларди: буқурнинг кўкрагида нималар бўлганини худонинг ўзи билади, чунки у бошқа бир оғиз ҳам гапирмай, юзини қўллари блан яширганча ўтираверди... У энди одамлар блан эмас, балки қисмат блан курашаётганини ва агар ғолиб бўлиб чиққанида ҳам, бу ғалаба жуда қимматга тушажагини у тушунгандек эди; броқ унинг бутун бисоти енгилмас темир иродадан иборат бўлиб, у ўз мақсади йўлида ғсвларни писанд қилмас, тўхташ нима эканлигини билмас эди. Тун-кун тинмай, гранит соҳилга урилиб, қалқиб ётучи толмас тўлқин шунақа бўлади: у гоҳ қирғоққа тошиб чиқишга, гоҳ уни тубидан емириб, ўпириб юборишга интилади; унинг узоқ вақт қилган меҳнати бекор кетади, у ҳар гал узоқ денгизга улоқтириб ташланади... Лекин уни ҳечнарсга тинчитолмайди: ниҳоят, йиллар ўтади-да, тубидан емирилган қоятош қирғоқдан сурилиб тубсиз денгизга гуриллаб қулайди ва шунда қувонган тўлқинлар рақс этиб, унинг қабри устида шовуллайдилар.

Дарҳақиқат, одамнинг мустаҳкам иродаси олдида нима ҳам туриш бераолади?— Ирода бутун қалбчи ўз ичига олади; хоҳиш билдириш — ёмон кўриш, севиш, ачиниш, севиниш, хуллас, яшаш демакдир; ирода ҳарбир кишининг ма'навий кучи, бирор нарсани яратиш ёки вайрон этиш йўлидаги эркин интилиши, илоҳий муҳр, йўқдан му'жизалар яратадиган ижодий қудратдир... Эҳ, агар иродани рақамларга бўлиш, бурчаклар ва градусларда ифодалаш мумкин бўлган-

да эди, биз нақадар қудратли ва нақадар билимдон кишилар бўлардик!..

Вадимнинг неча соат беҳуш ўтирганини билмайман, аммо у бошини кўтарганда, сингиси кетиб қолган эди; тонгнинг салқин шабадаси мурданинг кўйлагини ҳилпиратар ва у гоҳ бошини силкитиб қўяётгандек туюларди; унинг қуюқ, қора қонга бўялган пешонасидаги малла сочлари ҳурпайиб турарди.— Вадим Федосейга совуқ бир назар ташлади, афсусланиб бошини чайқаб қўйди-да, чўзилиб ётган оёқлари устидан ҳатлаб ўтиб, жар бўйлаб тез-тез юриб кетди. Шарқ сезиларли даражада ёришди ва пушти шу'ла илон чангаллаб, қанотини кенг ёзган калхат шаклидаги катта кулранг булутнинг пастки томонини илондек чирмаб олган бўлиб, у булут уфқнинг шарқий қисмини бутунлай қоплаб олган эди; олис уфқдаги нарсалар хаёлий шакллардай кўзга ташланиб турар, тевааракатрофдаги ўрмонларнинг қарағайлари ва қайинлари ер чегарасидаги посбонлардек қорайиб кўринарди; табиат тантанали бир тусда, сокин эди ва гоҳо келиннинг жамоли тўр пардадан кўриниб қолганидай, тепалар ҳам оқ туман орасидан кўринабошлади; ҳар нарса муқаддас ва соф эдию, фақат Вадимнинг кўкрагидагина бўрон гувулларди!

XXI БОЪ

Кундузги соат иккилар; қуёш қизғин осмонда астагина думаланиб борарди; дарахтларнинг нозик — учлари аста тебраниб бир-бири блан шивирлаб гаплашарди; қалин ўрмонга қўнган сайёҳ қушлар ба'зи-ба'зида сайраб қўяр, ба'зида эса фолбин какку, зах готик залдаги соатнинг зангидек бир зарбдаги мунгли куйини такрорларди. Улкан дуб остидаги қалин бутазор блан ўралган майсада икки киши: бир эркак ва бир хотин ўтирарди; тиканли шохлар уларнинг қўллари тирнаб ташлаган бўлиб, чангалзорда узоқ вақт саргардон кезганликлари орқасида кўйлаклари йиртилиб кетган эди; уларнинг ёш, гўзал юзларида ҳорғинлик ва азоб белгилари кўриниб турарди.

Еш жувон шудрингдан хўл бўлган пойафзалини ечди-да, нрзик бинафшаранг томирчалари сал-пал билиниб турган, нафис, тиниқ тирноқчалар блан безанган пуштиранг, жажжи оёқчасини катта рўмоличини учи блан артди, у гоҳо бошини кўтариб юзига тушиб турган сочини силкиб қўяр ва тирсагига суялиб, гоҳ унга, гоҳ осмонга, гоҳ қалин ўрмонга паришон назар ташлаб ётган ҳамроҳига жилмайиб боқарди... Йигит гоҳо ташвишли фикр бошини қоплаб қолганда қошини чимираб, гоҳо эса, мовий кўзларига тўсатдан ёл тўларди; у ана шунда дугонасининг қувониб жилмаяётганини кўриб қолса, унинг кўзлари қуёшнинг ёрқин шу'ласига дуч келгандек, дарҳол ерга қарар эди.

— Намунча хаёл сураяпсан?— деди қиз.— Хавф-хатар ўтиб кетди; мен ёнингданман... Севгимизга ҳеч-нарсани монӣ бўлмайди... Осмон тиниқ, худо меҳрибон... Ғам ема, Юрий!.. Рост, биз ўрмонда ёввойи ҳайвонлардек сарсон бўлиб юрибмиз, лекин биз ҳам ўшалар сингари озодмиз... Сахро—ватанимиз, ўрмон қушлари—насиҳатгўйларимиз бўлади, Юрий; қарагин-а, улар очиқ, тор уяларида бахтли яшаяптилар...

— Ҳа,—деб жавоб берди Юрий...—улар бахтли яшаяптилар!.. Мен ҳам сенинг ёнингда бахтлиман!.. Брок сенинг ҳазилларинг гоҳо менга жуда оғир ботаяпти!..

— Мен йиғласам, хурсанд бўласанми-а!..

— Ольга, сен менинг тасалли бергучи фариштаман!.. Менинг қалбим бўладиган фожиаларни сезиб, нақадар эзилаётганини билсайдинг!.. Энг даҳшатли овозалар халқ ичида ошқора ёйилиб турган бир вақтда, юз берадиган ҳодисаларга ақлимиз етмаганини қара-я!.. Уша овозаларни бўлмаган гап деб, уларга ишонмаганимизни қара-я!.. Оқибат нима бўлди дегин? Оқибат шу бўлдики, рус дворянлар оддий казак, қабиҳ сохта подшоҳнинг ва бир тўда қонхўр босқинчиларнинг қўлида ҳалок бўлаяптилар ва ўрмонларда яширишиб юриптилар!.. Шу вақтгача товонимизни ўпишга тайёр турганларнинг ҳаммаси эндиликда ўзимизга қарши қўзғалди... Эҳ, илонлар! Илонлар! Агар мен билсам, уларни янчиб ташлаган бўлардим... Тўсатдан, бир кечада бор-йўғимдан ажралдим... Отамни... онам...

ни... мол-мулкимни... туғилган уйимни... ҳаммасини тортиб олдилар... Бу ерда очлик, яланғочлик, гадоёлик, у ерда — дор, жазо, шармандалик кутиб турипти... **Е** раббий! Гуноҳимиз нима? Мени ўзинг жазоласанг розиман, лекин жазо қуролини қабиҳ қулларнинг ифлос оломонига топшириб нима қиласан?..

— Юрий, ўзингни бос... Кўраяпсанми, мен сенинг муҳаббатингдан бошқа нарсаларнинг ҳаммасини йўқотсам ҳам ачинмайман... Мен қонни, даҳшатли нарсаларни кўрдим; мен шундай сўзларни эшитдимки, уларни эшитсалар фаришталар ҳам кўрқиб кетар эдилар... Аммо сенинг кўкрагинга бош қўйиб, буларнинг ҳаммасини унутдим: биз дар'ени отлик кечганимизда, сен мени қайноқ қучоғинга қаттиқ-қаттиқ босар экансан, мен ўзимни маликалардан ҳам, малаклардан ҳам бахтлироқ ҳис қилдим... Мен сенга эргашиб, ағдарилиб ётган қаттиқ шоҳли тўнкалардан лаҳза сайин ҳатлаб, тиканли бутазордан ўтганимда заррача ҳам толмадим... Рост, менинг на отам бор, на онам бор...— Ольга беихтиёр тилига келган шу сўзларни айтар экан, рангги докадек оқарди ва шу сўзлардан ўзи кўрқиб кетгандек, жим бўлиб қолди... Юрий унинг юмшоқ қоматини бағрига тортиб оппоқ бўйнидан ўпиб олди: қизнинг сийнаси лоладай қизариб кетди-да, қайсар кўйлақни йиртиб чиққудек талпинди... Унинг ярим очик ақикдай қизил тиниқ лабларининг мазасига ким етсин! Юрий чанқоқ лабини қизнинг лабига босди, унинг бадашига титроқ турди ва кўкрагига тўлдириб хўрсиниб қўйди...

— Рост айтасан!— деди у, — қандай армоним бор? Майли, қотиллар келаверсин... Мен бахтиёр бўлдим!.. Менга яна нима керак? Мен жанг майдонида ўлимга рўпара келганимда ҳам, кўрққан эмасман... Ҳозир ҳам, кўрқмайман; мен эркакман, жону таним мустаҳкам; сен блан биргаликда халос бўлиш умидидан сра ҳам воз кечмайман... Аммо ажал ҳалқумимдан бўғса, у вақтда дод демайман, қалтирамайман-да, жон бериб қўяқоламан... Онг ичаманки, ер юзидаги одамларнинг биронтаси ҳам сенинг дўстингни паскаш жаллодлар олдида тиз чўкди деб айтаолмайди!..

Шу гап-сўзлар блан бир соат ўтиб кетди; улар ўринларидан турдилар ва шарқ томонга юриб, тобора ўрмон ичкарисига кириб бордилар... Мана, жарга яқинлашдилар. Юрийнинг кўзи синган шохларга ва ерни қоплаган қуруқ, чирик барглардаги одам оёғининг изларига тушди.

— Шу издан борамиз, Ольга, — деди у, бироз ўйлаб тургандан кейин; — шу из бизни бирор ерга олиб боради; эҳтимол, нажот соҳилига етармиз. Қўрқадиган нарсамиз йўқ! Юр... Очиқдан ўлган ёмон; модомики, худо бизни шу вақтгача омон сақлаган экан, демак, у бундан кейин ҳам халоскоримиз бўлади... Чўқиниб ол, Кетдик.

Улар у ер-бу ерда яшил барглар ва синиб тушган шох-шаббалар блан қопланган оёқ изларини синчиқлаб топиб, хийла вақт юриб бордилар; узоқ излаб, — роса ҳоригандан кейин, ниҳоят, кичикроқ далага чиқиб олдилар; бу ерда, бирнеча дарахт ўртасида, бизга таниш бўлган учта қабристон — тепалик юксалиб турарди...

Юрий горнинг қоронги йўлакларини кўриш блан, ҳайрон бўлиб:

— Бу нима бўлса экан-а? — деди.

— Тўхта, Юрий, тўхта... худди ўзгинаси... худога шукур қил, қутулдик...

— Ахир, бу нима? Гапингга тушунмаяпман!

— Мен бу гор ҳақида кўп ҳикоялар эшитганман, Юрий... Шу тепалар тагида чуқур йўллар бор, бу ерга энг ботир овчиларгина кираркан... Биз ҳам қўрқмаслигимиз керак!.. Бу жой энг мустаҳкам кўшкдан ҳам хавфсизроқ.

— Рост, — деди Юрий, шу жойни кўздан кечиаркан, — агар бу ҳикояларнинг ҳаммаси чин бўлса, у вақтда биз қутулдик; фақат шуни билишимиз керакки, уларда бирорта ёввойи айиқ... ёки, меҳмонни ёмон кўрадиган бошқа бир саҳройи йиртқич яшириниб ётмаганмикин?

Юрий Жинмаконнинг тешиқларидан бирига яқинлашганда, тутиннинг аччиғи думоғига келгандай бўлди-да, бошини суқди; чиндан ҳам, тешиқдан тутун чиқ-

моқда! Ҳа, айтгандай, бу қандай бўлди-я? Уларнинг квартирасини бошқа биров эгаллаб олмадимикин?— У ўз фикрини Ольгага айтган эди, қиз қўрқиб кетди; гўё бу ғорда бирорта даҳшатли аждаҳо яшириниб ётгандай, у Юрийнинг қўлидан маҳкам ушлаб «Юр,— деб хитоб қилди,— юр, бу ердан кетамиз... Тезроқ юр!..»

— Кетамиз, дейсан...қаёққа кетамиз? Кўмкўк осмон блан қоронғи ўрмондан бошқа бошпанамиз ҳам, кулбамиз ҳам йўқлигини унутганга ўхшайсан... Бунинг устига, нимадан ҳам қўрқамиз... Ғорда одамлар борлиги рост... Аммо улар ким? Бу блан бизнинг ишимиз йўқ... Агар улар қароқчилар бўлса, биздан ҳечнарсa топишолмайди, агар улар бизлардек қувғиндилар бўлса, у вақтда қўрқишга сра ҳам асосимиз йўқ... Буницгустига, ҳозирги замонда ёвузлар блан қотиллар ошқора юришдан қўрқмайдилар, халқ юзига қарашдан уялмайдилар...

— Лекин мен қўрқаяпман, Юрий, далилларнинг пуч, жуда қўрқаяпман,— деди у, худди қўрқоқ боладек Юрийнинг қўлига ёпишиб олиб; Ольга унга ёлвориб тикилар, гоҳ жилмаяр, гоҳ йиғлаб юборай дер эди.

— Сен гўдаксан! Уял...

— Мен уятни ҳам билмайман, бошқа нарсаларни ҳам... Муҳаббатим ҳақи ёлвораман: ғорга кирма. Юр кетайлик... Бу — тузоқ... Ушинг ичи қўрқинчли, қоронғи...

— Менга қара... Биз шу атрофни билмасдан туриб, йўлга чиқсак, адашиб кетиб, казакларнинг қўлига тушиб қолишимиз турган гап; унда мени ўлдирмай қўйишмайди,— наҳотки, сен менинг ўлиб кетишимни хоҳласанг?

— Юрий... шундай савол беришга тилинг бордими-а!..

— Демак, мени қўйиб юбор... ё, бўлмаса, бу ғорга бирга кирайлик, майли, пешонага ёзилганини кўрамиз!..

У шу сўзларни айтиб, қиличини яланғочлади-да, шу ажал қуролини ўқталиб ғорнинг тешикларидан бирига эмаклаб кирди ва тусмоллаб олдинга сурилиб, тик

йўлакка чиқиб олди; форнинг нам ҳавоси унинг а'золарини қақшатди, узоқдан келаётган бўғиқ садо уни ҳайрон қолдирди,— у гоҳ тутунга дуч келар эди; у салдан кейин қаршисида, олисроқ бир ерда чўғнинг гоҳ кўтарилиб, гоҳ пасайиб турган ожизгина алангасини кўрди. Унинг қалби алланарсани сезиб, дук-дук уриб кетди; у шарпасини сездирмасликка ҳаракат қилиб ва бу қоронғи кулбанинг эгалари тўсатдан ҳужум қилгудек бўлса қаттиқ қаршилиқ кўрсатишга ҳозирланиб, аста-секин юриб борди; агар бу ердагилар жисмсиз махлуқлар, ёвуз ва айёр иблислар бўлганда ҳам, у зарба беришга тайёр эди!..

Юрий тўрт бурчакли устун тагида чарс-чарс ёнаётган гулханнинг нурсиз алангасидан ғира-шира ёриб турган айланма залга кирганда, аввал ҳечнарсани кўролмади; олов бирнеча қуруқ қатрон шохни қамраб ёнар, атрофга қизғиш учқунлар сочар; бутун ертўлани қават-қават тутун босиб кетган эди; Юрий шу ердаги нарсаларни яхшироқ кўриш учун тўхтади; унинг кўзлари шу қоронғи муҳитга бироз ўрганиши блан у, дёвор тагидаги тоқчадек чуқурчалардан бирида одамнинг башарасига ўхшаш бир нарсани кўрди; одам ерга кўкрак бериб ўтирар, Юрийга э'тибор ҳам бермаётганга ўхшар эди; Юрий унга боришга қарор бердида, ўзини ҳимоя қилишга тайёрланиб, момақалдиरोқдек товуши блан қичқирди:

— Ким бор бу ерда?.. Тур ўрнингдан! Сен қанақа одамсан? Дўстмисан, душманмисан? Шу минутда жавоб бермасанг кейин пушаймон бўласан!..

Нома'лум киши бир сесканиб ўрнидан турди, кўзларини ишқалаб қўйди ва жавоб бермасдан оёғи остида турган каттакон таёқни олиб баланд кўтарди; нарсаларни катта қилиб кўрсатиш хусусиятига эга бўлган тутун блан ўралган ва оловнинг титроқ шу'ласида ба'зур кўриниб турган ғор фуқароси ўзига қараганда анча гавдалироқ ва хийла даҳшатлироқ бўлиб туюларди.

Икки томоннинг кучи баравар эмаслиги ва юпқа пўлат қилич блан катта таёқнинг зарбасини қайтариш мумкин бўлмаслигини кўрган Юрий чаққонлик блан

орқага тисарилди. Таёқ оловга тушди; қизғиш чўғлар блан чала ёнган тарашалар ҳар томонга сочилди.

— Тўхта,— деди Юрий,— бўлмаса чавоқлаб ташлайман.

Нома'лум киши унинг товушидан ҳайратга тушиб, тўхтади-да, тикилиб қараб, англаб бўлмайдиган бир овоз блан «Кимсан?» деб сўради.

Шу дақиқада ёниб тугаётган оловнинг ёрқин шу'ласи Юрийнинг юзини ёритди: нома'лум киши саволига жавоб ҳам кутмасдан, унга ташланди ва хириллаган товуш блан: «Ўғлим, ўғлим!..» — деб хўнграб юборди.

Улар қаттиқ қучоқлашиб кўришдилар; ҳам шодликдан, ҳам кулфатдан йиғладилар; она бўри ҳам йўқотган боласини топиб олганида сакраб, увлаб, момиқ думини силкитади-да; сизларга ма'лумки, Борис Петрович ҳам инсон эди, я'ни бўридан ҳеч камлиги бўлмаган ҳайвон эди; буни ақалли натуралистлар блан файласуфлар тасдиқ этишлари мумкин... Биз, осий бандалар, бомдод ва шом номозларини қанчалик пухта билсак, бу жаноблар ҳам инсон табиатини шунчалик пухта биладилар; бу — ғоят адолатли таққослаш!.

Бу вақт ота блан ўғил ўпишиб, қучоқлашиб, йиғлаб кўришар, лекин сал нарироқда турган ва ўзларига мутлақо бегона бўлган вужудни — унутилган, аммо гўзал ва меҳрибон вужудни — оташ юрак, олмос каби соф, нузли қалб эгаси бўлган қизни кўрмас эдилар; улар ўзларининг ҳарбир ширин сўзи, ҳарбир томчи ёши шу қиз учун заҳардан ҳам ёмонроқ та'сир қилиб, ханжардан ҳам қаттиқроқ ботаётганини сезмас эдилар; у ҳам йиғлар эди; лекин у жаннатдан қувилган ва жаннат эшикларининг панжарасидан ўз ака-укаларининг роҳат-фароғатига термулиб қараётган малакдек ёлғиз йиғлар эди.

Борис Петрович камбағал, меҳмондўст солдат хотинининг ёрдами блан шу хилват маконга келиб қолганини ўғлига сўзлаб берганидан кейин, қўшимча қилди: — мен ҳамаяёқ тинчигунча шу ерда қолишга қарор бердим, қўшинларимиз ис'ёнчиларни ер блан яксон қилиб юборади, шундай бўлмоғи керак... Аммо биз иккимиз қуролсиз, дўстларсиз, нима ҳам қилаолар-

дик... Бизни қўллар ўраб олишган, улар собиқ хўжайинларининг мурдаси дорда қандай осилиб турганини кўриш учун бор-йўқларини беришга тайёр... Бу қандай дўзаху, бу қандай ла'нат! Тушимизга ҳам кирмаган ишлар бўлаяпти!..

— Буни қаранг-а, дадажон! Нодон халқимиз орасига ёйилган шунча овозаларни эшитмапсиз-да!

— Овозалар! Овозалар! Уларга ким ишонипти дейсан? Бу худонинг биз осий бандаларига бераётган жазоси!.. Эндиликда қишки уясига яширинган ҳайвон бўлиб қолдик, ақалли тумшуғимизни ҳам чиқаролмаймиз. Сра ишониб бўлмайдиган бегона бола бир бурдадон келтириб бермагунча, ҳақ деб оч ўтираверамиз... у бугун эрталаб келаман, деган эди, ҳали ҳам дараги йўқ!.. Кун оғиб қолгандир-а, Юрий?.. Ҳай, Юрий?..

Юрий эшитмас, қулоқ ҳам солмас эди; у Ольганинг оппоқ қўлини ушлаб турар, унинг кўзларидан ўпиб киприкларига осилиб турган ёш томчиларини қуритар эди... Аммо у қизни тинчитаман, умидвор қиламан, деб беҳуда уринди; қиз унга тескари қараб жавоб ҳам бермади, қимир ҳам этмади; у худди мум қўғирчоқдек, деворга суялиб турар, деворнинг совуқ намини ютиб юборгудек нафас олар эди, нега у бундай аҳволга тушиб қолди?.. Ёш қизнинг қалбини қандай қилиб англатиш мумкин? Унинг юрагида миллион-миллион туйғулар тикилиб, қайнаб ётипти; хатнинг ҳарфларини кўзгу тескари акс этдиргандай, унинг юз-кўзлари ҳам юрагидаги туйғуларни тескари акс эттираяпти!..

— Салом, Оленька,— деди Борис Петрович, уларнинг олдига келиб...— Сен у вақт кеккайиб, менга эгилиб салом бермаган эдинг. Ана энди мен ҳам, худди сендек, бошпанасиз, мол-мулксиз бўлиб қолдим.

— Мен ўша маҳалда ҳам сизга хушомад қилмаганман,— деди қиз шартта кесиб.

— Ана, холос! Эҳ! Сен блан мен охириги марта ўпишганимиздан бери кўп сувлар оқиб кетди... Сен ўзгариб қолибсан, юзингдаги ранг ўчипти... Лекин ҳуснинг аввалгидан ҳам очилиб кетипти!

У қизнинг елкасига қоқиб қўйиб, иягини силаб қўймоқчи бўлган эди, Юрий қипқизариб кетиб, унинг

қўлидан ушлаб олди... ва шу дақиқада эс-хушини йиғиб олиб, отасининг қўлини секингина суриб қўйди-да, у блан четроққа чиқиб, лўнда қилиб, астагина бундай деди:

— Агар менинг отам бўлишни, менинг сизга итоатли ўғил бўлишимни истасангиз, у ҳолда шуни яхши уқиб олингки, бу қиз, дахлсиз бир фаришта, унга яқинлашманг, нафасингиз унда сра ўчмайдиган доғлар қолдиради. Сўзимни тушунган бўлсангиз керак... Мени кечиринг: мен сўзларни одоб газига ўлчаб ўтирмайман... Қилғилигингизни ўйласам, қоним қайнаб кетади...— Сиз менинг сўзимга киришингиз керак: акс ҳолда... орамиз очик! Хурматнинг чегараси бўлади, муҳаббат эса — бепоен!

XXII БОБ

Бу вақт Вадим нима блан машғул эди?— О, Вадим бекорга сўлоқлаб юришни севмасди!— У тонг отиши блан синглисини излашга тушди, Ольга бориши, ёки яшириниши мумкин бўлган ҳамма жойга — бой кўрасига, қишлоққа, боққа борди, лекин уни ҳечқаердан тополмади!.. У аламига чидолмай, хаёл суриб деҳқонларнинг хирмонлари ёнидан ўтган йўлга чиқиб қолди; у, шу хирмонлар ёнига келганда, тасодифан бошини кўтарган эди, эрталаб деворга боғлаб қўйилган саман отга кўзи тушди; шу ерга яқинлашиб... девор тагидаги эзилиб ётган майсага кўзи тушди! Шунда у, сербарг қариқизлар орасида осилиб ётган, дуррага ўхшаган гулдор бир нарсани кўриб қолди... Рост! Бу — дурра!.. Рост! У таниди! Бу — Ольганинг гулдор шоҳи дурраси! Ҳақиқатнинг тўсатдан порлаган нури ғамгин букурнинг ақлини ёритди! Қиз қочган; бу рост. Аммо у ким блан қочган. Ким блан-а?.. Бундай савол беришнинг ҳожати йўқ... Оҳ, уни ўйлаш бланоқ, Юрийнинг биргина номини эшитиш бланоқ, Вадимнинг бутун қони зардобга айланди! «Бўлар иш бўлди! — деб ўйлади букур, тишларини рижирлатиб,— сен мени аҳмоқ қилдинг, сен ўлжамни қўлимдан тортиб олдинг, сен нотаваон гадони масхара қилдинг, бағри-тош телба!

Аmmo бизнинг кўчамизда ҳам байрам бўлади!..» у отга сакраб миниб, қамчи урди-да, ҳорғин отни мажбур қилиб, қишлоқ томонга чоптириб кетди... Бу вақт унинг бошида ҳалокат ва ҳаробаликларга сабаб бўлу-чи янги плаялар, янги режалар тузилмоқда эди.

Қишлоқнинг бирдан-бир кенг кўчасида 30 казак атрофида янги чакмонларини кийиб олган халқ тўпла-ниб турар, қувонч ва ғазаб блан бақириб-чақирар эди; казаклар отларининг жиловларини тортиб, деҳқонлар-нинг совға-саломларини кибрланиб қабул қилар ва хонаки пиво солинган челақни бир-бирларига узатиб, чўмичларни тўлдириб симирар эдилар; қишлоқ оқсо-қоли бўшаган челақни дам-бадам тўлдириб турарди; қизил, кўк кўйлак кийган қиз ва жувонлар тўртта-беш-тадан бўлиб қўл ушлашиб, шўх ашулалар айтиб, кўча-да уёқдан-буёққа юриб турардилар; ёш йигитлар бўл-са, уларнинг кетидан қолмай, ўзаро шивирлашиб гапла-шишар ва гўзалларнинг насл-насаби, ҳусн-жамоли ҳақида ҳаммага эшитдириб сўз ташлаб қўярдилар, вино блан хонаки пиво уларнинг фикрини очиб, тили-ни бурро қилган эди; улар ўзларига ҳаддан ташқари эрк бериб юборган, аёлларнинг илтифоти ҳам хийла ҳаддидан ошиб кетган эди;— ҳай майли, ўйинқароқ ёшларни бир чеккага қўйиб туриб, бу ерга келган ҳарб-зарб қаҳрамонлари блан кекса оқсоқоллар ўрта-сида бўлаётган суҳбатга қулоқ солайлик.— Уларнинг нималар ҳақида гаплашаётганликларини билиб олиш қийин эмас!.. Казаклар бойларни тутиб беришни талаб қилдилар; деҳқонлар бўлса, бойларнинг яширингани-ни, қочиб кетганини айтиб, ҳадеб онт ичар эдилар; эвоҳ! Бахтга қарши, казаклар улар ҳақида жуда яхши фикрда эдилар! Казаклар бундай гапларни ҳатто эши-тишни ҳам истамадилар, урядник йўғон қамчисини оқсоқолнинг бошида айлантириб, унинг ўртоқларига бериладиган жазони э'лон қилдилар; бу орада уларнинг ба'зилари бой кўрасига бориб, тез орада гумаштани арқонга боғлаб судраб келдилар, баланд бўйли, кенг ягринли, соқол-мўйлови тимқора, юзи қипқизил Орлен-ко деган урядник том ма'носи блан эркак эди; у олди-да тиз чўкиб, пала-партиш вайсаётган, қўл-оёғи боғ-

лоқлик бечора гумаштага шубҳаланиб қараб қўйди; арқоннинг бир учини ушлаб турган паканагина чўтир казак заҳарханда блан боқиб, уни дам-бадам тортиб қўярди.

— Бу қанақа қуш, Грицко,— деді урядник пакана казакка,— бу қанақа маҳмадона?.. Нега ҳўкизга ўхшаб бўкираяпти?.. Бу ернинг хўжайини тағин шунинг ўзгинаси бўлмасин?..

— Қим билади дейсан!— деб жавоб берди Грицко.— Гумаштаман деяпти... Бу пашшалар қамчи емагунча бир гапни айтишмайди... Мен буни ошхонанинг сўриси тагидан толиб, ёниб турган косов блан базўр чиқариб олдим!..

Урядник бахтсиз асирнинг жизгинак бўлган сочи блан қошларини кўриб тиржайиб қўйди; асир эса, энди ортиқ бақирмас, урядникдан кўзини узмас ва казакнинг башарасидан ўзига чиқарилган ҳўкмни ўқиб олаётганга ўхшар эди..

— Хўш, сен гумаштамисан?— деб сўради Орленко, унга ғазаб блан боқиб.

Бечора гумаштани титроқ босди, у алланима демоқчи бўлдию дудуқланиб қолди.

— Нега дамнинг ичинга тушиб кетди, итвачча! Мана бу ханжар блан жағингни тилиб ташлайман-а!..

— Гуноҳқорман! Гумаштаман!..

— Ҳа-ҳа! Гуноҳқорсан-да!— деди Орленко, қошларини чимириб ва уни эрмак қилмоқчи бўлиб — гапир, гуноҳнинг нима? Ҳозир иқрор бўл... Бўлмаса, кўрасан кўрадиганингни!— у бармоғи блан тўппончага ишора қилди!..

— Отагинам!.. Йўқ, мен ҳечбир гуноҳқор эмасман! Жаноби-олийлари! Марҳамат қилинг!

— Қани, тониб кўрчи!..

— Гуноҳқорман!— деб, гумашта яна ҳўнграб юборди...— Шафқат қилинг! Қўрқиб кетганимдан, нима деяётганимни ҳам билмаётибман... Мен гумаштаман. Агар бойларнинг қаердалигини билсам, уларни сиз отагинамга ўз кўлим блан тутиб берган бўлардим!.. Уларнинг дорга осилиб турганини роса тамоша қилардим... Мен уларни ўзим гулханга ташлаб куйдирардим, мен

Ўз қўлларим блан уларнинг тириклайин терисини шилган бўлардим!

— Йўғе!-Ростданми?..

— Худо урсин ёлгон гапирсам! Мен у золимларга битта тукимни ҳам бериб бўпман!..

— Буни қаранг-а! Хўш, нега соқолингни қиргансан?..

— Соқолимними? Шунчаки, ўзим... Чакки қилибманми, отагинам?..

— Ҳей, йигитлар!— Афтидан, бу хийла катта муттаҳамга ўхшайди.

— Жаноби олийлари!— деди гумашта, астойдил ишонч блан ўридан туриб,— мен бойларни ёмон кўраддим, ишонмасангиз, қишлоғимиздагиларнинг ҳаммасидан сўрайқолинг...

— Ҳей, халойиқ! Бу тўғри гапираяптими?

Дехқонлар бир-бирларини туртишиб, елкаларини қашиб, йўталиб қўйдилар.

— Кўрдингми, миқ этишмаяпти!— деди Орленко, уни масхара қилиб...— Шубҳам тобора ортаяпти... Сен, тагин, Палициннинг ўзи бўлмагин!.. Соқолингдан шубҳалашаяпман!.. Ҳей, дехқонлар!.. Нима дейсизлар-а! Ҳа, ҳа, ҳа!

Эвоҳ, халқ сукут сақларди.

Гумашта теварак-атрофга ма'юс бир назар ташлади, броқ бирор кишининг ҳам ачиниб қарамаётганини кўриб, лабини тишлаб қолди-да, нима қилишини билмай; «Эҳ, динини ютганлар, кофирлар,— деб қичқирди...— Нега миқ этмайсиз, ахир, мен гумашта Матвей Соколов эмасманми, ахир, сиз мени биринчи марта кўраяпсизми?.. Нега энди, ростгўй одамларни лақиллатаяпсиз? Эҳ, сиз муттаҳамлар, яланғочлаб саваганларим эсингиздан чиқдимми, ёки... елкангиз тагин қичишаяптими?»

Айёр дехқонлар йўталиб қўйдилар ва ниҳоят, улардан бири бошини чайқади-да, бундай деди: «Сен-ку, огайни, бизни беармон савагансан... Сендан бунақа муруват кўрмаганмиз, десак гуноҳ бўлади... Энди бўлса, ошна, тагин савайман, деб бизни қўрқитолмайсан!.. Ҳар нарсанинг ўз мавриди бўлади, қулоқ пешонага

ўсиб чиқолмайди.. Эндиликда... Эндиликда саваш нима-
лигини гарданингда бир татиб кўрмайсанми, а!..»

— Хўш! Сен бунни бой деб тан оласанми?— деб
сўради Орленко...

— Бойликка унча бой эмаску-я, — деди деҳқон, —
аммо «бой бойга боқар, — сув сойга оқар»; ит эгасига
ўхшамаса ҳаром ўлади...

— Хўш, мен бунни нима қилай бўлмаса?..

— Узинг биласан, отагинамиз! Бизга барибир!..
Нима жазо бериш ўзингга аён!— деб чувуллади бирне-
ча овоз.

Гумашта урядникнинг оёғига йиқилиб, дод солди:
«рахм қил, отагинам, олтиним, кумушим, мен сенга
нима қилдим?.. Наҳотки, подшо-отамиз содиқ хизмат-
корини ҳалок этишга фармон берган бўлса?»

— У сенга ўхшаган хотинчалиш кўрқоқларни боши-
га урадими! Сенга ўхшаганларни кўчага тош қилиб
териш керак. Ҳей, деҳқонлар, олинглар бунни... сизга сов-
ға қилдим; ўлдирсанглар ҳам майли, қолдирсанглар
ҳам. Кўнглингиз нимани хоҳласа, ўшани қилинглар...

Деҳқонлар шовқин-сурон кўтариб, сўкиниб, бир
нафасда уни ўраб олдилар; бўрон турган вақтда барг-
ларнинг шовқини, шамолларнинг чийиллаши орасида
момақалдироқнинг гумбур-гумбури алоҳида эшитилиб
тургандек, умумий гурунг ичида ҳам: «ўлим», «дор»
деган сўзлар дам-бадам эшитилиб тўрарди; ҳамма кўз-
ларга қон тўлди, барча муштлар қисилди... Барча
юраклар қасос истати блан дукиллаб урди; ҳарбир
киши ўзидан ўтказилган қанча-қанча аламларни эсла-
ди! Ҳарбир киши бу аламларни юз ҳисса қилиб қай-
таришнинг қанчадан-қанча йўлларини ўйлаб топабош-
лади...

Бир замонлар Мусонинг ҳассаси тегиши блан чай-
қалиб кетган денгиздек, оломон ҳам бирдан ҳаракатга
келди... Паст бўйли, зангга беланган, тер босган,
кийимлари йиртилган хунук бир киши казаклар олдига
келиб тўхтади... Урядник уни кўриши блан, шапкасини
олиб, эски таниши блан кўришгандек, эгилиб салом
берди, лекин Вадим (бу келган киши Вадим эди) уни
кўрмагандек деҳқонларга қараб бундай деди: «Нари-

роқ боринглар, мен бу азаматлар билан муҳим бир иш ҳақида гаплашиб олишим керак...» Деҳқонлар бир-бирларига қараб олдилар-да, бирорта ҳам одамнинг чеҳрасида бу кутилмаган буйруққа қаршилиқ кўрсатиш истагини кўрмагач, даҳшатли букурнинг кескин иродасига бўйин эгиб, орқага тисарилиб, тарқалиб қетдилар ва яна бирнеча қадам юргач яна тўдалашиб олдилар.

Вадим урядникка ўғирилди.

— Салом, Орленко, — деди у тутоқиб... — Ииртқичнинг изини топдим, уни тутиш — сизларнинг ишингиз...

— Қойил, Қизил шапка.. Биз сени биламиз... — Орленко шу сўзларни айтар экан, Вадимнинг елкасига қоқиб қўйди...

Вадимнинг чеҳрасида билинар-билимас норозилик аломати сезилди, броқ унинг ранжиган ғурури заруратга бўйсунди... Начора! У ўзининг даҳшатли мақсади йўлида яна битта қурбон берса нима бўпти?..

— Агар хоҳласангиз, мен сизларга Палициннинг изини кўрсатиб қўяман: ўлжа нақд, мен бунга жавобгарман, аммо бир шартим бор.. шайтон бекорга меҳнат қилмайди...

— Изини кўрсатсанг, бас, — деди жилмайиб Орленко, — бизни мукфотдан қочиролмайсан; унинг ёнидан чиққан пулнинг ўндан бири-сеники мана, крест гувоҳ!..

— Пул!.. Йўқ, менга пул керак эмас...

— Нима керак, бўлмаса... қонми?

— Ҳа, қон керак! — деб жавоб берди, ваҳшиёна хахолаб Вадим.

— Майли, қон керак бўлса, қон оласан-да...

— Эҳ, мен сизларни биламан? Унинг ўлимини ўзингиз кўришни хоҳлаб қоласиз... Бундан менга нима фойда? Мен нима қиламан? Бир чеккада туриб тамоша қиламанми?.. Йўқ, унинг тани билан жонини сиз менга бериб қўяқолинг, токи мен уларни ҳар соатда йигирма марта бир-биридан жудо қилиб, яна бир-бирига қўшиб, унинг қийналишини бир ўзим тўйиб кўрай; эшитаяпсизми, мендан бошқа ҳечкимнинг юраги бу роҳатни сезмасин, ҳечкимнинг кўзлари бу тамошани кўрмасин... Йўқ, мен аҳмоқ эмасман... Мен сизга ўйинчоқ эмасман... эшитаяпсизми?..

Яқиндан бери унинг юрагидаги туйғулар юзида жуда мукамал акс этадиган бўлиб қолган эди; ба'зи казаклар унинг дахшатли сўзларини эшитиб, юзидаги оғир ма'юсликни кўриб, ҳайрон бўлдилар!.. Бошқа казаклар эса, бир-бирларига кўз қисишиб, унинг ғалати тан ҳаракатлари устидан кулардилар.

— Вой маймоғей,— деди урядник,— ҳечким сени бунақа тезотар деб ўйламаган эди? Ҳа, ҳа, ҳа!

Вадимнинг ранги оқариб кетди, у ўзининг бирдан бир қуроли бўлган дахшатли кўзлари блан казакка қараб қўйди; депсиниб тишларини ғижирлатди-да, қизариб кетган юзига тепиниб чиққан ғазабини яшириш учун одамлардан ўгирилди.— Ҳамма унга таажжубланиб қараб қолди.

— От беринглар!— Вадим уйқудан чўчиб уйғонган кишидай, бирдан қичқириб юборди.— Менга от беринглар... Мен, йигитлар, сизларни бошлаб бораман, ҳаммамиз биргаликда маза қиламиз... Сизлар шон-шуҳрат орттирасиз, мен бўлсам...— У, казаклардан бири таклиф қилган отга сакраб минди-да, бошқаларга қўл силкиб, саманни йўрғалатиб кетди; казаклар тўдаси бир нафасда отларга миниб олди, от туёқлари дупурлади, чанг кўтарилди-да, улар кўздан ғойиб бўлдилар...

Қўл-оёғи боғланган гумашта аламда ўртаниб, узоқлашаётган казаклар тўдасига қараб қолди; кейин у ўзининг бағритош жаллодларига ёлвориб термулди, булар бахтсиз қурбон атрофида тўдалашиб турар ва бериладиган жазони парвосизгина муҳокама қилардилар; гоҳ осмоқчи, гоҳ калтакламоқчи, гоҳ эса, совуқ омборга қамаб очдан ўлдирмоқчи бўлар эдилар: шу охирги чора ма'кул бўлиб тушди, улар ғолибона қаҳқаҳа уриб ашулалар айтиб, уни жар ёқасига қурилган бўш омборга олиб бориб, торгина эшикдан итариб юбордилар ва уни қулфлаб қўйдилар. Шундан кейин халқнинг бир қисми уй-уйига тарқалиб кетиб, бир қисми кўчада қолди; бу ҳодисаларнинг ҳаммаси бизнинг тасвирлашимиз учун керак бўлган вақтга қараганда анча кўпроқ вақт давом этди; қишлоқдаги ғалаён тинчиганда қуёш ғарбга бош қўймоқда эди; қизлар, жувонлар супаларга йиғилишиб, байрам ашулаларини бошлаб юборишди...— Бу

маҳал яйловдан қайтган пода дупурлаб, чанг тўзитиб, ма'раб, кўчага ёйилди ва болалар бақириниб-чақириниб, орқада қолиб кетган қўйларни ҳайдайбошлади-лар... Шундан бир-икки соат илгари, шу жойнинг худди ўзида, бутун дворянлар оиласига ўлим ҳукми чиқарилгани ҳечкимнинг хаёлига келмади!..

XXIII Б О Б

Вадим казакларнинг олдига тушиб, кечагина Борис Петрович тунаган кичик қишлоқ йўлидан борарди. У гапирмас эди; синглисини, туғилган уйини, булардан абадий жудо бўлганини ўйларди... Унинг ўйчанлиги қувноқ казакларни булутдек босиб, уларни ҳам хаёлчан қилиб қўйди: казаклар ҳам сукут сақлаб бормоқдалар;— ба'зи-ба'зидагина ҳазил гап ўртага ташланганда, уч-тўрт киши жилмайиб қўяди, ҳалос! Тўсатдан казаклардан бири: «Тўхтанг, оғайнилар!— деб қичқирди.— Биз томонга келаётганлар ким бўлса экан? Эшитаяпсизми, от туёқлари дупурлаяпти... Кўраяпсизми, муюлишда чанг кўтарилди!.. Бизникилар Қрасний қишлоғидан келишмаётганмикин-а!.. Тондим, ўшалар келишаяпти, биздақа лалайиб юрмасдан, катта ўлжа блан қайтишаяпти; уларнинг бармоғини яласанг ҳам, тўясан... Эҳ, қаранглар-а, уларнинг худди ўзгинаси!.. Эҳ, қароқчилар, жин ургурлар... Эҳ-ҳе ўлжа олган араваларининг сон-саноғи йўқ, бутун бир карвон-а!..»

Чиндан ҳам, шу томонга келаётган оломон Уралдаги эркин аҳолининг отрядига қараганда карвонга кўпроқ ўхшаб кетар эди. Карвоннинг олдида 50 га яқин отлиқ казак келмоқда; уларнинг бошлиғи — соч-соқоли оқарган, кекса чавандоз кўк бедов от миниб олган. Отряднинг орқасида келаётган ўнга яқин деҳқоннинг қўллари орқасига боғланган, ялангбошлари эгик, улар қўйлақчан; булардан орқароқда ҳархил юк, вино, кийим-кечак, пул ортилган бирнеча тележка ва, ниҳоят, иккита соявон арава келмоқда; бу аравалар четан блан ёпилган бўлиб, уни кўтармасдан туриб, ичида нима борлигини кўриш мумкин эмас; бирнеча отлиқ казак соявон араваларни ўраб олган. Орленко ўз казаклари блан

борар экан, карвонга 50 саржинча қолганда йўлдошларига: тўхтанглар, деб буйруқ берди-да, ўзи отига қамчи босиб, карвон томонга чопиб кетди.

— Салом, ўғлон!— деди унга кекса чавандоз кулиб боқиб,— йўл бўлсин? Биз бўлсак, Красний қишлоғидан келаяпмиз, бойнинг қўрасини кунфаякун қилдик... Бу итларни Белбородканинг олдига олиб бораяпмиз!.. У буларнинг адабини бериб, иккинчи марта бош кўтармайдиган қилиб қўяди...

— Мен ҳам айтдим-а, оқсоқол, Краснийда роса базм қилгандирсан деб... Хийла ўлжа блан қайтаётганга ўхшайсан!..

— Ҳа, худодан нолийдиган жойимиз йўқ!.. Белбородкага уч бочка вино ҳам олиб бораяпмиз!..

— Болбородкага!.. Ҳаммаси ўшанга! Ҳожати йўқ!.. Биз олиб бормасак ҳам, унинг виноси кўп. Эҳ, оғайнилар, унга олиб боргандан кўра, она-юртимизнинг саломатлигига бир ичмайликми-а!.. Менинг казакларимни бир хурсанд қилмайсизларми-а? Урал даштида уларнинг томоғи қуриб қолди... Биз эрталаб ичган бир коса хонаки пиво блан юрибмиз, энди бўлса, Палицинни қидириб кетаяпмиз, сизлар блан қачон кўришишимизни худо билади...

Кекса чавандоз ўз одамларига қараб гапира кетди: «Ҳей, йигитлар! Сизлар нима дейсизлар? Биз, барибир, манзилга кечгача етиб ололмаймиз!.. Шу ерга қўнмайликми-а?.. Узимизникилар қатордан қуруқ қолишмасин.. Базм қуриб, дам олайлик — уёқда нима бўлса бўлар; эртага ҳам бир гап қиламиз!..»

Бутун карвон бўйлаб:

— Тўхта!— деган хитоб янгради.

— Тўхта!

Ғилдиракларнинг ғижирлаши тўхтади, чанг босилди; Орленко казаклари ўз ҳамқишлоқларига қўшилиб кетдилар ва тележкаларини ўраб олиб, ҳамқишлоқларининг бой ўлжалар ҳақидаги, *Красний* қишлоғининг қўлга қурол олиб ўз мулкани ҳимоя қилишга жур'ат этган қайсар бойлар тўғрисидаги ҳикояларини ҳасад блан тингладилар. Бу орада ба'зи казаклар қўнишга қулайроқ жой танлаш учун кичкинагина сой бўйи-

даги дарахтзор томонга кетдилар; салдан кейин уларнинг кетидан тележкалар блан соявон аравалар ҳам қўзғолди ва ниҳоят отларнинг жиловларидан тортиб, казаклар ҳам йўлга тушдилар...

Вадим ўз ёрдамчиларининг дам олмасдан ва айниқса ўзига тортиб турган икки бочка ширин винони ичмасдан туриб, яширинган ўлжани топиш учун ўз орқасидан эргашиб боришга бепарволик блан қараётганликларини кўриб, Орленконинг олдига келди-да, унинг қўлидан ушлаб: «демак, бугундан умид йўқ экан-да!» деди.

— Ҳа, оғайни, бугундан умид йўқ... Ростимни айтсам, у каламушларни қувиб юриш менинг ҳам жонимга тегди!.. Мен улардан қанчасини осганимнинг ҳисобини ҳам йўқотиб қўйдим; отимнинг думидаги тукларни санайоламану, уларни санайолмайман!..

Вадим отининг бошини терс буриб, чеккага чиқди, отдан тушди, уни йўғон қайинга боғлади ва ерга ўтирди; у қайинга суялиб қўлларини кўкрагига қўйиб казакларнинг базм тараддудини, беғамлигини, қувноқлигини кузатиб ўтирди; шунда унинг кўзи соявон араваларнинг бирига тушди: четан сал очилгани учун, у араванинг ичидагиларни кўрди... Эҳ, у нимани кўрди денг? Аввало, 60 ёшлар чамасидаги, балки ундан ҳам кексароқ чолнинг сочи оқарган, тепакал, ажин босган, сарғиш бошини кўрди; у ма'юс қараб турарди, унинг чеҳрасида ўзимиз блан бирга туғиладиган, аммо кўпинча тарбия натижасида, узоқ вақт давомида ўзимизга ўхшаганларга фармон бериб юриш натижасида ҳосил бўладиган парвосиз мағрур олийжаноблик белгилари кўриниб турарди. Чолнинг кийими йиртилган бўлиб, у ер-бу ерида қон доғлари, ҳа, қон доғлари бор эди... Чунки, чол ўз ота-боболарининг меросини бебурд қароқчиларга беришни истамади, ўз болаларининг шарманда бўлишини истамади, шу сабабдан мол-мулк, ҳуқуқини ҳимоя қилиб, қилич кўтарди.. Аммо қисмат хиёнат қилди!.. у ҳалокатнинг қаршилик кўрсатиш ва асир тушишдан иборат икки босқичидан ўтиб бўлди, энди унинг учинчи босқичи — дор қолди!..

Вадим унинг чеҳрасидаги улуғворлик ва олийжа-

нобликнинг қандайдир алоҳида қолипга қуйилган, замон тирноқлари блан ўйилган ана шу белгиларини, қадимги азоб белгиларини синчиклаб кўздан кечирди; бир хилдаги икки суяқлик бир-бири блан қандай қўшилиб кетса, бу азоблар ҳам унинг ҳаёти блан шундай қўшилиб кетган, аммо, тақдирнинг кейинги, энг қаттиқ зарбалари чолнинг чеҳрасида ҳечқандай из қолдирмаган; унинг оғир киприклари остидаги катта кўк кўзлари қаршисида тасодифан пайдо бўлган манзарани жиддий бир тусда, астагина кузатиб турарди; ўлимнинг яқинлиги ҳам, хўрлик ҳам, нафрат ҳам, бошқа нарса ҳам унинг сокин, ўткир кўзларини хира тортди-ролмайдигандек кўринарди! Лекин у соявон араванинг ичига қарашни блан, икки томчи ёш кўзларида филт-филт қилди-да, оқарган киприкларига қўнди ва уларнинг чолнинг кўтарилиб турган кўкрагига томиб тушишига оз қолди; Вадим зўр диққат блан кузатабошлади.

Мана, четан ичидан иккинчи бир бош, аёл кишининг Рафаэль маҳоратига лойиқ бўлган гулранг, хаёлий жажжи боши кўринди; унинг кўзлари сал мудраб турар, юзи сал ғамгин, сал шод кўринар, лабларида ифода-далаб бўлмайдиган нафис табассум ўйнарди; осмондан тушган шудринг томчиси офтобда қуриган, момақалди-роқ ва одамларнинг товонлари остида қолиб эзиб ташланган вараққа тушиб қандай яйраса, қиз ҳам ишонч блан чолнинг елкасига бегамгина бош қўйиб, шундай яйради; биринчи қарашдаёқ буларнинг ота блан қиз эканини билиб олиш мумкин; бир-бирларидан жудо бўлишларини билиб, бир-бирларига эркаланиб қайғирмоқдалар; бу муқаддас кулфат ҳарқандай эҳтиросга бегона; ота афсус-надомат блан қизини эркалайди; севимли, эрка қизни қўрқув босади.

Уларга қараб турган Вадимнинг юраги эзилди; у сапчиб ўрнидан турди-да, нариги соявон арава томонга кетди; бу араванинг соявони очиқ бўлиб, унда икки қиз — бахтсиз боярининг икки катта қизи ўтирарди, уларнинг бири тиззасида ётган синглизининг бошини ушлаб ўтирарди; қизларнинг сочлари тўзиган, кийим-лари йиртилиб, маммалари очилиб ётипти... Қувноқ казаклар оломони уларга ҳархил гап отиб, қизларнинг

хўрлигини келтирди... Лекин казаклар чолнинг олдига боришга ботинолмадилар; унинг салобатли қараши, ўткир кўзларини кўрганда, уларнинг қалбларига аллақандай бир ваҳима тўлди.

Бу орада казаклар сой бўйида бирнеча ерга гулхан ёқиб, уларнинг атрофига давра қурдилар; биринчи бочкани думалатиб келишлари блан, базм бошланди... Аввал оломонда говур-ғувур кўтарилди, кулги, ашула, ҳазил-мутойиба, гап-сўзлар ҳаммаси боши ҳам, охири ҳам бўлмаган, бетартиб музика ҳосил қилди, броқ, кўп ўтмай, бу шовқин, оркестр чалган даҳшатли куйга ўхшаб тобора авжга чиқди; умумий садо кучайгандан кучайиб тобора аниқроқ бўлиб борди; бу ерда ажойиб ашулаларни, хилма-хил нутқларни эшитиш, ҳархил кўзларни, юзларни, эркин, жўшқин кишиларнинг турли хатти-ҳаракатларини, ранг-баранг тўдаларни кўриш мумкин эди! Вадим базмга қўшилмоқчи бўлиб, буларнинг олдига келганда, гулханларнинг ёрқин алангаси ғарбдаги ўчаётган уфққа қўшилиб, базм манзарасини ёритиб турарди.

— Пан Белбородканинг соғлиғига!— деди улардан бири, бир чўмич винони бирваракай сибириб.— Бу олтин походни дастлаб ўша ўйлаб чиқарган!..

— Отасига раҳмат!— деб жавоб берди иккинчи бир казак гандираклар — ўғил бола-да!.. Бочкадай ичиб, арслондай олишади... Монахдан ҳам билимдонроқ бўлганини айтмайсанми!..

— Йигитлар! Орангизда бутун баданига тиг тегмаган йигит бўлса, олдимга келсин, унга бир хизмат қилиб қўяй!..

— Эҳ, сен мақтанчоқ, ла'нати лях!.. Сен олишув вақтида омборнинг орқасида милтиққа суяниб, писиб ўтирдинг-ку... Ҳа, ҳа, ҳа!

— Сенчи, сариқ-машак, чол ойнавонли ҳужрасини қулфлаб олиб, ўқ узиб турганида, қаёққа қочиб қолдинг-а?

— Ия, ия, қаёққа қочиб қолдинг дейди-я! Уша ерда, сизларнинг ёнингизда эдим! Болта кўтариб, деразадан бошини чиқарган новча йигитни отиб ташлаган ўзгинам-да!

— Йўқ, сен аввалги ишни гапираяпсан... Агар ўша ерда бўлсанг, айтчи, бизнинг ботир Грицко кекса боярининг ўглини кулатганида, чол нима қилди?..

— Нима қиларди? Ҳечнарс қилгани йўқ..

— Ёлгон гапираяпсан,— у ўглининг мурдасини деразага кўндаланг қилиб ётқизди, устига милтигини қўйди-да, ўнбошига қаратиб ўқ узди... Худди қопдай ағдарди! Мен унинг кичкина қизини нишонга олган эдим... шайтон қиз бўш келмади! Чойшабининг устида бемалол милтиқ ўқлаяпти-я... Қолган икки қизи эса тўшакда беҳуш ётардилар..

— Нечта одамингиз ҳалок бўлди?

— Унтача одамимиз!.. Аммо уйга бостириб киришимиз блан, хўжайинлардан бошқаларнинг ҳаммасини қириб ташладик... Садқайи буларга жангдаги мардона ўлим...

— Нимани кутиб турибсизлар?.. Терак сероб... арқон бор.

— Ҳукмимиз ўтмайди-да... Оқсоқолимиз буларни Белбородканинг қўлига топширишни буюрди!..

— Эҳ, мен оқсоқол бўлмабман-да!..

Бу орада чўмич даврани яна бир айланиб чиқиб, ўз манзилига қуруқ қайтиб келди!.. Ақллар кучлироқ ишлайбошлади, чеҳралар қонли шуладай қипқизарди.

— Уларни ўлдираман десаингиз, сизларга халал беришга ҳечкимнинг ҳадди сигмайди! Ё, оқсоқолларингиздан кўрқасизларми?— деди Вадим, маккорларча кулиб.

Унинг сўзлари бир уюм ўқ-дорига ташланган учкун бўлди!— «ким у халал берадиган!— деб бўкиришди маст казаклар.— Бизга ҳечким халал беролмайди! Биз нима истасак, ўшани қилаверамиз, биз қул эмасмиз-ку, ахир! Ўлдирамыз десак, ўлдираверамиз! Оғаниларимиз учун ўч оламиз... Юринг, йигитлар!»... Оломон бақириб-чақириб соявон аравалар томонга юрди; бахтсиз чол қизининг кўкрагига бош қўйиб ухларди; чўчиб уйғониб, қаддини ростлади-да... ҳамма гапни тушунди!..

— Муддаонгиз нима?— деди у дадил товуш блан!..

— Ҳа-ҳа! Кекса қарға, кекса укки... Сен ҳозир бир ўйинга тушиб берасан... Қани, буёққа келчи... Чиқ!— деди бир казак, буйруғини қамчин зарби блан тасдиқлаб...

Чол, соявои аравадан оҳиста тушди, унинг орқасидан қизи ҳам сакраб тушиб, икки қўллаб отасининг этагига ёпишиб олди. «Қўрқма!— деди чол, қизини бир қўли блан бағрига босиб,— қўрқма... Агар худоитаоло жазо, беришни истамаса, буларнинг қўлидан ҳечбир иш келмайди, мабодо...» Чол юзини ўгирди... Оҳ, бечора қизнинг юзидаги кулфат белгисини тасвирлашга қалам ожиз!.. У ҳам гўзал, ҳам ғамгин эди!..

— Уларни бир-биридан ажратинг!— деб қичқирди бир қийшиқ паҳлавон, сиртмоқни тайёрлар экан.— Нега улар бир-бировини ялаб-юлқашаяпти!..

Уларни судраб олиб кетмоқчи бўлишди... Аммо қизнинг қаҳри тошиб, казакнинг чандир қўлини тишлаб олди... Тегма!— деди отаси қизига, ўзини мардона тутиб!— Агар ибодат ҳам қилмасдан, худди кофирга ўхшаб, ёвузлар қўлида ҳалок бўлиш пешонамга ёзилган бўлса, сен менга ёрдам беролмайсан.. «Бундай бўлиши мумкин эмас, дадажон!.. Бундай бўлиши мумкин эмас.. сен ўлмайсан!»

— Нега энди, қизим? Нега бундай бўлиши мумкин эмас, дейсан?.. Исо ҳам ўлган!.. Дуо қил...— Қиз бошини чайқади-да, йиғлаб юборди...— Ё раббий! Бу қандай кўзёшлар!..

Шунга қарамай, уларни судраб кетдилар; броқ қиз бирдан дод деб йиқилди; ота қиз томонга ташланди, икки казакни фавқулодда бир куч блан туртиб юбориб, қизининг юрагига қўлини қўйди... Қиз оппоқ оқариб, ўлиб ётарди, унинг ёш, беғубор танаси ўзи ётган ердек совуқ эди.

— Энди юринглар!— деди чол; унинг кўзларида ғуссали аланга порлади... у қўлини силкитди... Унинг бўйнига сиртмоқ солдилар, арқоннинг бир учини йўғон шохга ташладилар... ва шунда аввал кучли қаҳқаҳа янгради, кейин бирдан сукут, ўлим сукути чўкди!..

Эвоҳ! Унга бу азоб ҳали оз эди; маст телбалар арқоннинг учини вақтидан илгари қўйиб юборган эдилар,

у буралиб тепага чиқди; арқон узилиб, бечора чол гурс этиб ерга йиқилди, унинг оёғи қарсиллаб кетди... У инграб, қизининг мурдаси олдига ағдарилди. «Қотиллар!—деб хириллади у...—ла'нат сизга! Минг ла'нат!»—«Овозини ўчир!»— деди Орленко... унинг раҳм қилганини қаранг-а... Чолнинг томоғига бир нафасда иккита пичоқ санчилди-да, у жимиб қолди.

Қазаклар чолнинг ўлганига қаноат ҳосил қилмоқ учун унинг қўлларини кўтарганларида, унинг жон бературиб қизининг оёғига маҳкам ёпишиб олганини, қотма бармоқлари нозик баданни чангаллаб турганини кўрдилар... Эҳ, бу жуда даҳшатли манзара эди... Улар масхаралаб кулардилар.

Эй, азиз фаришта!.. Сен ҳам ҳалок бўлдинг, бу дунёни мангу ташлаб кетдинг... Бир зарб блан тоза гул бошини хам қилди!.. Сенинг азиз қалбинг, худди чириган ипдай узилиб кетди... Сенинг қувноқ парвона-дек шўх ва покиза, чақалоқнинг илк нафасидек ма'сум жонинг парвоз қилар экан, бирор кишининг йиғиси, бирор фароғат ва муҳаббат сўзи унга ором бағишламади... Сенинг ўлим тўшагингни даҳшатли одамлар ўраб турдилар, қабринг устида ла'нат сўзлари айтилди!..— Бу қандай истиқбол! Бу қандай ўтмиш! Ҳамма нарса кўз очиб-юмгунча адо бўлди; гоҳо оқшом кезлари қорамтир, тўққизил, бишафшараанг булутлар тўда-тўда бўлиб гарбда тўпланадилар-да, ўтли устунлар, хаёлий карвошлар ҳосил бўлади ва мовий фазода шоир орзусидек гўзал қаср миноралари, кунгирадор деворлари блан юксалиб кўринади... Аммо шимол шамоли эсиши блан булутлар тарқалиб, ҳиссиз ерга шудринг бўлиб ёғади... Тинч ухла, гўзал қиз, қабринг устида фаришталар фароғат, муҳаббат ва жаннат ашуласини куйлайди...

Бир оғиз сўзи блан ана шу воқиаларга сабабчи бўлган Вадим турган ерида қотиб турар, физика соҳасидаги бирорта тажрибани кўраётгандек, қиз блан чолнинг мурдасини бепарволик блан мароқланиб, кўздаш кечириб турарди...

Шошманглар, бунинг сабабини осонлик блан тушунтириб бераман.

Биринчидан, у, ана шундай жазони кўрганда, одамнинг энг даҳшатли қийноқларга солинганини кўрганда, қалбни қанақа туйғулар ҳаяжонга солажagini билмоқчи бўлди ва қалбни ҳечқанақа туйғу ҳаяжонга солмас экан, деган хулосага келди.

Иккинчидан, у одамнинг иродаси нақадар мустаҳкам эканлигини билмоқчи бўлди ва ҳечким ҳам бардош бераолмайдиган синовлар бор экан деган хулосага келди... Бу нарса уни Палициннинг кўзёшларини кўришдан, тавбасини эшитишдан, унинг ўз оёғи тагида дод деб ер чайнашини, азбаройи кўрққанидан унинг қўлларини ўпишини кўришдан умидвор қилди...—Умид ширин нарса, бунга шак-шубҳа йўқ.

Қош қорайганига анча бўлди; гулханлар сўнабошлади, оломондаги ғовир-ғувур аста-секин тинди ва казакларнинг кўпчилиги беғам уйқуга кетди... Мовий осмонга сузиб чиққан ой қорамтир сойнинг мавжларига ва туман босган уфққа кумуш нурини сочди; ёнаётган маш'ала ёнидан уёқ-буёққа юриб турган тунгги посбондай, қора булутлар ҳам ойнинг ёнидан аста ўтиб турди...

Вадим йўғон қайин ёнидаги аввалги жойида қўлини қовуштириб ва осмонга ма'юс тикилиб, ўтирарди.— Орленко унинг ёнига келди:

— Роса базм бўлди-да! Нега энди сен аразлаб, бир четда хаёл суриб ғамгин ўтирибсан, букур?— деди у, Вадимнинг елкасига уриб.

— Сержун айиқ пўстинга ўхшаб, ойнинг тепасида осилиб турган булутни кўраяпсанми?— деб савол блан жавоб берди Вадим, бошини кўтариб, жилмаяр экан.

— Кўраяпман!

— Кўраётган бўлсанг, айтчи, ичида нима яшириниб ётипти?

— Нима бўларди?.. Менинча, момақалдироқ блан чақмоқ яшириниб ётипти, баҳайбатлигини қара-я...

— Шунин билар экансан, мендан: нега ғамгин хаёл суриб ўтирибсан, деб сўраб нима қиласан?..

Орленко букурнинг сўзига тушунмай, кифт қисиб ўтиб кетди...

Базм қилаётган ва ухлаётган казаклар тўдасини шу ерда қолдириб, бизга таниш бўлган қишлоққа, солдат хотинининг кулбасига борайлик. Тун оғиб, тонг отай деб қолди, ой қўраларнинг похол томларига мулойим нуруни сочаяпти; ҳарёқ сокин, ҳар шарса чуқур уйқуда. Фақат солдат хотинининг кулбасидагина чўпчиरोқ хирагина нур сочарди; у ердан солдат хотинининг шарт-шарт кесиб гапираётган қўпол овози эшитилар ва бошқа бир чийилдоқ, йиғлоқи товуш унга жавоб қайтариб турарди; агар мен сизга солдāt хотиннинг ўз ўғлини калтаклаётганини айтсам, бу ҳодиса оддий нарса бўлиб туюлади.

Агар бу кўнгилсиз, бемаза ҳодиса келгуси воқиаларнинг баёни учун зарур бўлмаганда, мен уни қувона-қувона тушириб қолдирган бўлардим; мен ўз китобхонларимнинг ҳикояга хийла қизиқиб қарашларига амин бўлганим учун, бундан кейин узр айтиб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак деб ҳисоблайман.

Она боласининг сочидан тортқилаб:

— Эҳ, ландовур! Жувонмарг бўлгур... итвачча!..— деб қарғар эди.

Унинг новча овсар ўғли:

— Вой ойим, вой дадам! Тавба қилдим!.. Жон ойи-жон... энди қилмайман!— деб ҳўнграб йиғлар ва кўз ёшларини мушти блан артарди!..— Мен кеча уларга нон блан кўзада квас олиб бораётганимда... эшита-япсанми, ойижон... квас олиб бораётганимда... мени алвасти йўлдан урди... оёқларим толиб, чакалакка кириб ухлаб қолибман, ойижон... бир маҳал турсам, қорним бирам очиптики, асти қўяверасиз... Нонни еб квасни ичиб қўяқолдим..

— Эҳ қароқчи... Келиб-келиб, сен каллаварамни ўстирганимни қара-я... Ҳозир уриб, ўлдириб қўяқоламан.— Боланинг бошига яна калтаклар ёмғирдай ёғди.— «у ерда,— деб, солдат хотини яна гапиракетди,— менинг жонгинам ё оқидан ўлган, ё бўлмаса, ғордан чиқиб қотилларнинг қўлига тушган... Сен бўлсанг, қовоқ бош, буни ўйлаб ҳам кўрмагансан... Бу қилган

ининг учун у дун ёда шайтонлар сени тириклайин қовуриб ёйишади-я... Сендақа аблаҳни туғмай ўлай... Агар билсам, сенинг хунингни отангдан олган бўлардим!»— Шу гаплардан кейин, солдат хотини бечора боланинг елкасига, тишларига тағин қарсиллатиб муштай кетди; у печьга қисилиб турар, бошини қўллари билан пана қилар ва бу азобларга чидолмай, дам-бадам додлар эди.

Ажаб бўлди! Шу муттаҳам туфайли бечора қувғиндилар бир кеча-кундуз овқатсиз қолишди ва умидсизликка тушабошлашди!.. Рост-да, уларнинг сўнги ҳомийлари тақдирнинг ҳукмига ташлаб кетганларидан кейин, улар бу ердан қандай қилиб чиқадилар, қаердан мадад излайдилар?

Солдат хотини ўз ўғлини калтаклаётган вақтда аллаким ёғоч девордан ошиб тушиб, ғўлалар билан тўнкалар уйиб қўйилган ҳовлидан тусмоллаб ўтди-да, оёқ учида юриб қоронғи йўлакка кирди; унинг ҳаракатларидан қаттиқ чарчаганлиги сезилиб турарди; у астагина юриб, уйнинг эшиги олдига келди-да, ичкарига қулоқ солди ва солдат хотинининг овозини таниганидан кейин, эшикни очиб, уйга кирди; ёниб тугаётган чўпчиरोқ унинг раиғпар, озғин юзини сал-пал ёритди... у бир сўз ҳам демай, мажолсиз ҳолда курсига ўтирди-да, юзини қўллари билан яширди...

Хозяйка, кутилмаган меҳмонни кўриши билан, қичқириб юборди, броқ уни дарҳол таниб олди шекилли, бировларнинг кўриб қолишидан қўрқиб, дарров эшикни занжирлади ва ачинганнамо унинг ёнига келди.

— Сенга нима бўлди, бойваччам!.. Вой, худодан айланай, сени етказган!.. Мен ёвузлар сени аллақачон побуд қилиб юборишгандир деб ўйлаган эдим... Вой, марҳаматингдан айланай!..

— Мен дадамни тасодифан Жинмакондан топиб олдим,— деди у, сустгина товуши билан...— Уни сен қутқарибсан, раҳмат!.. Мен нонга келдим...

— Вой, мен ўлай! Эсимни еб қўйибман! Сиз, меҳрибонларим, у ерда роса оч қолгандирсизлар... Айб менда... Ҳой, сеними, каллаварам,— деб, ўғлига ўдагайлади,— сени деб булар оч қолишган. Ҳей, итвач-

ча!— Солдат хотини бечора болани яна муштлай кетди.

— Менга бирор нарса бер!— деди Юрий...

Унинг бу сўзлари солдат хотинининг эсини киргизди. У, печьдаги нонни олди, Юрийнинг олдига бир хурмача қаймоғи олинган сут қўйди; Юрий овқатга очкузлик блан муккасидан кетди.. Шу дақиқада у ҳамма нарсани: бурчини, отасига бўлган муҳаббатини, Ольгани, ана шу мазаллиқ сут блан нонга алоқаси бўлмаган нарсаларнинг ҳаммасини унутди. Агар шу дақиқада бирор киши унинг қулоғига: даҳшатли Пугачёвнинг ўзи 30 қадам нарида турипти, деб қичқирса, бахтсиз йигит: бу бебаҳо овқатни ташлаб, жонимни омон сақлайми, ёки қорнимни тўйгазиб, ҳалок бўлайми?..— деб мулоҳаза қилиб кўрарди!.. Ҳозир унинг ақли ҳам, юраги ҳам йўқ, фақат ошқозони бор, холос!

У овқат еб, дам олгунича бир соат, қимматли бир соат вақт ўтди; шарқ уфқи аста оқарди; Юрий озиқ-овқат солинган қопни орқалаб, меҳмондўст хонадан чиқмоқчи бўлиб турганида, қорамтир булутларнинг олис этаклари тонгда киядиган зарвоп тўнини кийиб олган эди; шу вақт кўчада бирдан от дупури эшитилди ва аллаким дераза ёнидан от чоптириб ўтди; Юрийнинг ранги оқарди, қопи елкасидан тушиб кетди ва тошдай қотиб қолган хозияйкага маъноли қараб қўйди... Хозияйка дераза олдига югуриб борди-да, офтобда пишган содагина чехрасида даҳшат аломати пайдо бўлиб, чапак чалиб юборди.

— Иложимиз йўқ!— деди Юрий, бутун иродасини ишга солиб...— Мен энди ҳалок бўламан. Шундай эмасми? Гапир тезроқ, мавҳум нарсаларга тоқатим йўқ!...

Аммо хозияйка жавоб бермади; у печь ёнидаги пол тахтасини кўтариб, ертўлага бармоғи блан ишора қилди; Юрий унинг ишорасини тушуниб, рўзғор буюмлари уюлиб ётган кичкина совуқ ертўлага дарров тушиб олди.

— Бойвачча,— деди хозияйка,— ҳарқандай гапларни эшитсанг ҳам, уйда мени ҳарқанча қийноққа солишса ҳам, ертўладан икки кунсиз чиқакурма; у ерда икки кунга етарли нон, сут, квас бор, худо сақласин!— оғир

тахта унинг боши устида худди товутнинг қопқоғига ўхшаб тарақлаб ёпилди!

Хозайка, шубҳа тугдирмаслик учун, ҳечнарсани билмаган кишидек, печь ёнида куйманабошлади.

Кўп ўтмай, эшик тарақлаб очилиб, Вадим бошчилигидаги казаклар кириб келишди.

— Борис Петрович Палицин овчилари блан шу ерда эди, — деб сўради Вадим солдат хотинидан, — улар қаерда?..

— Эрталаб кун чиқиши блан кетиб қолишган, отагинам!

— Ёлғон гапираяпсан, овчилар кетгани рост, лекин у шу ерда!..

— Вой, отагиналаримей, мен уни яшириб нима қиламан? Ахир, у менинг бариним эмас-ку...

— Ҳамма гап унинг сенинг барининг эмаслигида-да! — деди Орленко гапга аралашиб... Хотинни қамчи блан бир туширди-да, сўроқни давом этдирди:

— Қани, чаққонроқ қимирла, у беркиниб ўтирган жойни кўрсат... бўлмаса...

— Менга ҳарқанча азоб берсаларинг ҳам майли, — деди хозайка, бошини эгиб, — билмайман дедим — билмайман, ишонмасанглар, мана сизларга Исо блан Биби Марям! — Қидириб кўринглар, отагиналарим, агар тополмасанглар, мен гуноҳқордан хафа бўлманглар.

Атаманнинг имоси блан бирнеча казак Палицинни қидириш учун ҳовлига чиқиб кетди ва чорак соатдан кейин қайтиб кириб тополмаганини айтди!..

Печьга суялиб, пешонасига бармоғини тираб чуқур хаёлга толган Вадимга Орленко шубҳали қараб қўйди; Вадим ниҳоят хуш'ёр тортиб, ўзи блан ўзи гаплашаётгандек: «у шу ерда, албатта, шу ерда!..» деб қўйди.

— Шундай дейишга нима асосинг бор? — деб сўради Орленко.

— Нима асосинг бор эмиш! Ё раббий, у шу ерда дедимми, демак шу ерда, кўнглим далолат бериб турипти... Агар у шу ерда бўлмаса, майли, бошимни кесинглар!..

— Ҳиммати тузук, — деб қўйди орқароқда турган аллаким.

— Аммо шундай дейишга далилинг борми? Уни қандай қилиб топса бўлади? — деб сўради Орленко...

Грицко гапга аралашишга жур'ат қилди-да, хозайкани қийноққа солишни маслаҳат берди.

Қийноқ сўзини эшитиши билан хозайканинг ранги оқариб кетди, броқ бунда ўзи учун янги, гоят олижаноб туйғулар пайдо бўлгани учун, унинг чеҳрасида ожизлик ёки қўрқоқликдан асар ҳам кўринмади.

— Бўпти, қийноққа солганимиз бўлсин, — дейишиб, казаклар хозайкани ўраб олишди; хозайка уларнинг олдида қимир этмай турар ва ба'зи-ба'зидагина лаблари аллақандай дуони пичирлаб такрорлар эди. Унинг ҳарбир қўлига биттадан йўғон арқон боғлаб, арқонларнинг учини сўрининг тўсинидан ўтказдилар-да, икки томондан аста тортабошладилар; хозайканинг товонлари ердан кўтарилди ва салдан кейин, унинг оёқларининг учи ерга зўр-базўр етарди. Иш шу даражага борганда жаллодлар арқонни ортиқ тортмай, унинг қўлларининг бўртиб чиққан томирларига ва оғриқнинг сўридан қизарган юзига кулиб қарадилар.

— Хўш, баттоя хотин, — деди Орленко... — Палицинни қаерга яшириб қўйганингни энди айтасанми, йўқми? Бунга жавобан, хозайка чуқур хўрсиниб қўйди.

Орленко хозайкани қамчи билан уриб, саволини такрорлади.

— Сўйиб ташласанглар ҳам, билмайман, — деб жавоб берди шўрлик хотин.

— Торт юқорироқ! — деб фармон берди Орленко ва икки минут ўтар-ўтмас, хозайка ердан бир газ кўтарилди... Унинг кўзларига қон тўлди; у беихтиёр дод деб юбормаслик учун тишини тишига босиб турарди... Жаллодлар арқонни шу аҳволда тортиб турганларида, Вадим Орленкога имо қилган эди, бу имони у дарҳол тушунди. — Солдат хотинининг оёқ кийимини ечдилар ва унинг оёқлари остига бир хокандоз чўғ тўкдилар... Чўғнинг таптидан, оёқларининг оғришидан унинг вужудига қалтироқ югурди ва у, раҳм-шафқат қилишларини сўраб, фар'ёд чекиб, ёлворабошлади.

— Аҳа, оғзингни очар экансан-ку, ла'нати... Сени ҳали шунақа қовурамизки, тилинг уёқда туриб, товоңларинг ҳам гапга киради.. хўш, гапир, у қаерда?..

— Оҳ!.. Оҳ!.. Отагиналарим.. азияларим... Озгина дам беринглар... Ерга туширинглар...

— Йўқ, аввал айт, кейин туширамиз...

— Ихтиёр ўзингизда... Ҳеч нарса деёлмайман... Оҳ-оҳ!... Худойимей, ўзинг қутқар... отагиналарим...

— Уни туширинглар,— деди Орленко.

Гуноҳсиз қурбоннинг оёқлари ерга тегиб, кўкраги эркин нафас олганидан кейин, казак аввалги саволларни такрорлади...

• — У қочиб кетди!— деди хозияка...— Уша кечаси қочиб кетди.. жар бўйидаги сўқмоқ йўлдан кетди... Исо ҳақи, бошқа ҳечнарсa билмайман.

Шу дақиқада икки казак хозияканинг уст-боши мойга беланган сариқ тентагини хонага судраб кирди. У ўғлига ўқрайиб қараб қўйдики, унинг бу қарашини унинг ўғлидан бошқа ҳамма тушунаолар эди.

— Сен кимсан?— деб сўради Орленко.

— *Петрухаман*,— деб жавоб берди ўғлон...

— Ҳай тентак, сен кимсан деяпман?

— Мен қаёқдан билай... Одамлар, ойингнинг ўғлисан дейишади.

— Қойил!— деди Орленко, хахолаб...— Бунн қаёқдан топиб келдинглар?

— Омборнинг яқинидаги похолга тиқилиб олипти; биз ўтиб кетатуриб, похолдан чиқиб осилиб турган иккита оёқни кўриб қолдик... Кейин, бунн оёғидан тортдик... лойга ботиб қолган қайиқни тортиб олгандек похолнинг ичидан тортиб олдик...

— Менга қара, Орленко,— деб гапни бўлди Вадим,— биз бу аҳмоқни қийноққа солсак, унинг қайсар алвасти онасидан билиб олганимизга қараганда кўпроқ нарсани билиб оламиз.

Казак бошини қимирлатиб, розилик берди.

— Болани бу ердан олиб чиқиш керак, бўлмаса онаси ҳалал беради.

— Бу гап тўғри, қани уни ҳовлига олиб чиқ,— деди Орленко,— бу алвастини шу ерга қамаб қўямиз...

Хозя...

..., тутоқиб кетди, унинг

...ара, Петруха,— деб қичқирди у қўнғи-
... овози блан,— агар оғзингни очадиган бўлсанг,
мен сени оқ қиламан, уйдан ҳайдайман, очингдан ўлди-
раман!..

Петруха онасининг таниш овозини эшитиши блан теракнинг баргидай титраб кетди; шунча нотаниш одамларнинг салобати босган бола жуда ҳам эсанкираб қолди; у онасидан қўрқишга одатланиб қолгани учун, дун'ёдаги ҳамма казаклардан кўра ҳам ўз онасидан кўпроқ қўрқар эди; унинг онаси шунча дўқлар устига муштини ҳам кўрсатиб қўйди-да, хаёлга ботди; унинг кўнгли хотиржам эди.

Ун минутча вақт ваҳима ичида ўтди — бирдан ҳовлида қамчи зарблари, казакларнинг сўкишлари ва шўрли боланинг дод-войлари эшитилди. Онанинг юраги эзилди, лекин: ўғлим қийноқларга чидайолмай, сиримни айтиб қўяди, деган фикр устун келиб, шуни ўйлаб кетди... у нима қилишини билмай, дуо ҳам ўқиди, йиғлаб ҳам кўрди, уйнинг у бурчагидан бу бурчагига югуриб ҳам юрди, ҳатто сирни ўзи очиб қўяқолишига ҳам оз қолди... Аммо дод-войлар аста-секин пасайди.. қамчи зарблари тўхтади... сўкишлар эшитилмай қолди... ниҳоят, у деразадан қараб, казакларнинг дарвозадан бирин-кетин чиқиб кетганликларини ва кўчада давра қуриб, ўзаро маслаҳатлашабошлаганликларини кўрди. Улар, умидлари пучга чиққани учун қовоқларини солиб олган эдилар; калтакланиб чалажон ҳолда ташлаб кетилган сариқ Петруха ҳовлида қолган эди; у ерда инграб ётарди; онани қалтироқ босиб, ўғлининг ёнига борди, лекин ўғли қотилларга сирни айтиб бермаганлиги учун унинг кўзларида сўз блан англатиб бўлмайдиган аллақандай бир шодлик нури порларди.

ОШИҚ ҒАРИБ

ТУРК ЭРТАГИ

Бундан кўп вақтлар илгари Тифлис шаҳрида бир бадавлат турк яшар эди. Худо унга кўп тилла берган эди, аммо унинг биттаю-битта қизи Магул-Мегери тилладан ҳам қимматроқ эди. Кўкдаги юлдузлар яхши, лекин юлдузлар орқасида фаришталар яшайди, улар яна ҳам яхшироқ; худди шунга ўхшаш Магул-Мегери ҳам Тифлис қизларининг ҳаммасидан яхшироқ эди. Тифлистеда Ошиқ Ғариб деган бир камбағал ҳам бўларди. Пайғамбар унга соф юрак ва қўшиқлардан бўлак ҳеч нарса бермаганди; у, сони чалиб, Туркистоннинг қадимги паҳлавонларини мақтаб, бой ва бахтиёр одамларни хурсанд қилиш учун тўйма-тўй юрар эди. Бир тўйда Магул-Мегерига кўзи тушди, улар бир-бирларини севиб қолдилар. Қизнинг розилигини олиш учун камбағал Ошиқ Ғарибнинг умиди оз эди, шунинг учун у қиш осмонидай ғамгин бўлиб қолди.

Бир куни у, боғда, ток тагида ётиб, кўзи уйқуга кетди. Шу чоғ Магул-Мегери дугоналари блан бирга ўтиб қолди, дугоналаридан бири ухлаб ётган ошиқ (созанда)ни кўриб, орқада қолди-да, йигитнинг тепасига борди. «Нега ток тагида ухлаб ётибсан; тур, тентак, гўзалинг ёнингдан ўтиб бормоқда» деб куйлади. У уйғониши бланоқ, қиз қушдай пир этиб кўздан ғойиб бўлди. Магул-Мегери дугонасининг қўшиғини эшитиб, уни койийбошлади. Уртоғи: «Агар бу қўшиқни кимга айтганимни билганингда, менга ташаккур

билдирган бўлар эдинг: у сенинг Ошиқ Ғарибнинг» деди. «Мени унинг ёнига олиб бор»— деди Магул-Мегери; улар йўлга тушдилар. Магул-Мегери Ошиқнинг гамгин юзини кўриб, ҳол сўради, кейин уни юпатабошлади.—«Нега қайғирмай? Мен сени севаман, лекин висолнингга етаолмайман»— деди Ошиқ Ғариб. «Отамнинг розилигини сўра, отам ўз ҳисобидан тўй қилиб беради, у менга шунча мол-мулк берадики, иккимизга ҳам етиб ортади»— деди қиз. «Яхши,— деди Ошиқ Ғариб— Ояк-Оға ўз қизидан ҳечнарсани аямас, деб фараз ҳам қилайлик, лекин ким билади, балки сен кейинчалик менинг давлатим бўлмаганини юзимга соларсан... Йўқ, жоним Магул-Мегери, мен чин юракдан қасам ичдим: дунёни етти йил кезаман, ё бой бўлиб қайтаман, ё бўлмаса узоқ саҳроларда ўлигим қолиб кетади. Агар сен бунга рози бўлсанг, етти йилдан кейин меники бўласан». Қиз кўнди, лекин у, белгиланган кунда қайтиб келмаса, кўпдан бери совчи юбориб турган Хуршидбекка тегишини айтди.

Ошиқ Ғариб онаси ҳузурига келди; сафарга чиқиб учун ундан оқ фотиҳа олиб, кичкина синглисини ўпдида, хуржунини елкасига илиб, ҳассасини қўлига олди ва Тифлис шаҳридан чиқиб кетди. Бир вақт унга бир отлиқ киши етиб олди. Ошиқ қарасаки, отлиқ Хуршидбек экан. Бек унга: «Оқ йўл бўлсин! Сайёҳ, сен қаерга борсанг, мен сенга ҳамроҳман» деди. Ошиқ эса ўзининг йўлдошидан хурсанд эмас эди, пачора, нонлож кўнди. Улар узоқ вақт бирга юрдилар, ниҳоят олдиларидан кўприги ҳам, кечик жойи ҳам бўлмаган бир дарё чиқиб қолди. «Олдин сен суз, орқангдан мен сузаман» деди Хуршидбек. Ошиқ устки кийимларини ечасолиб, сузиб кетди. Сузиб ўтиб, орқасига қайрилиб қараса,— о фалокат... Ё қодир худо!— Хуршидбек унинг кийимларини олиб, Тифлисга қараб жўнаб қолибди. Унинг орқасидан фақат чанг текис дала бўйлаб илондай буралиб учмоқда. Бек тезлик блан Тифлисга келиб, Ошиқ Ғарибнинг кийимларини унинг кекса онасига элтиб берди. «Ўғлинг чуқур дарёга ғарқ бўлди, мана унинг кийимлари» деди у. Онаси бениҳоя зўр қайғу-алам блан азиз ўғлининг кийимининг устига

мук тушиб қайноқ кўз ёшларини тўкабошлади; шундан кейин кийимларни унаштириб қўйилган келини — Магул-Мегерига олиб борди. У, қизга қараб «Менинг ўғлим дарёга фарқ бўлибди. Хуршидбек унинг кийимларини олиб келди, энди сенинг бошинг очиқ» деди, Магул-Мегери жилмайиб туриб: «Ишонма, буларнинг ҳаммаси Хуршидбекнинг ўйлаб чиқарган найранги. Етти йил муҳлат ўтмагунча ҳечкимга тегмайман» деди, кейин девордан созини олиб, бечора Ошиқ Ғарибнинг севимли ашуласини секин куйлайбошлади.

Шундай қилиб, сайёҳ, ялангоёқ ва яланғоч ҳолда бир қишлоққа кириб келди; саҳий кишилар уни кийинтирдилар ва қорнини тўғиздилар. У, бунинг бадалига ажойиб қўшиқлар куйлаб берди. У, шу йўсинда қишлоқма-қишлоқ, шаҳарма-шаҳар кезиб юрди, унинг шуҳрати ҳаммаёққа тарқалди. У, охири Халаф деган шаҳарга етиб келди. Одати бўйича, тўғри қаҳвахонага кирди, соз сўраб олди-да, куйлайбошлади. Шу вақтларда Халафда ҳофизларга жуда ишқибоз бир подшо яшар эди. Унинг олдига кўп ашулачиларни олиб келар эдилар, броқ улардан ҳечбири унга ёқмас эди. Унинг чопарлари бутун шаҳарни кезиб чарчаган эдилар. Иттифоқо қаҳвахона ёнидан ўтатуриб, улар ажойиб бир товуш эшитиб қолдилар. Улар ичкарига кириб, «Биз блан улуг подшо ҳузурига юр, йўқса бошинг олинади», деб бақирдилар. «Мен Тифлис шаҳридан келган эркин сайёҳман,— деди Ошиқ Ғариб,— хоҳласам бораман, хоҳламасам йўқ, чоғи келса куйлайман, сизнинг подшоингиз менга хўжайин эмас». Лекин шунга қарамай, уни тутиб подшонинг олдига судраб келдилар. Подшо унга: «Куйла!» деди ва у куйлай кетди. Бу ашуласида ҳам у ўзининг гўзал Магул-Мегерисини мадҳ этди. Ашула мағрур подшога шундай ёқдики, у, бечора Ошиқ Ғарибни ўз ёнида олиб қолди. Унга кумуш ва тиллалар ёғилди, эғнида қимматли кийимлар товланди. Ошиқ Ғариб бахтиёр ва шод-хуррам ҳаёт кечирабошлади. Жуда бадавлат бўлиб кетди. У, ўзининг Магул-Мегерисини эсидан чиқардимиз, йўқми, бунисини билмайман, аммо муҳлат яқинлашиб

борарди. Сўнги йилнинг тугашига ҳам оз қолган эди, лекин у, кетишга тайёргарлик кўргани ҳам йўқ. Гўзал Магул-Мегери эса, умидсизланабошлади. Шу вақтда Тифлистан қирқ туя, саконта қулдан иборат карвони блан бир савдогар сафарга отланган эди. Қиз савдогарни олдига чақириб олиб, унга тилла лаган берди. «Сен шу лаганни ол! Қайси бир шаҳарга борсанг, ўз дўконинг олдига қўйиб, ҳаммага: «Кимки мана шу лаганнинг эгаси мен деса ва буни исбот этса, у киши лаганни ҳам, лаган тўла тиллани ҳам олади» деб э'лон қил, деди. Савдогар жўнаб кетди, ҳамма ерда Магул-Мегери топшириғини адо этди, броқ тилла лаганнинг эгаси чиқмас эди. У ўзининг кўп молларини сотиб бўлди, қолганлари блан Халафга келди. Магул-Мегери топшириғини ҳамма ерда э'лон қилди: буни эшитиб, Ошиқ Ғариб қарвонсаройга қараб югурди ва Тифлис савдоғари дўконида тилла лаганни кўрди. Лаганни қўлига олиб: «Бу меники!» деди «Тўғри, сеники,— деди савдогар.— Ошиқ Ғариб, мен сени танидим. Сенинг Магул-Мегеринг айтиб юборди, тезроқ Тифлисга жўна! Муҳлат ўтаётир, агар сен белгиланган кунда етиб бормасанг, у бошқага тегиб кетади. Ошиқ Ғариб умидсизланиб, бошини ушлаб қолди. Тақдирида ёзилган муҳлатга уч кун қолган эди. Броқ, шундай бўлса ҳам у, отга миниб, ўзи блан бир хуржун тилла олиб отни аямай чоптириб кетди. Ниҳоят, чопишдан чарчаган от Арзиньян ва Арзирум ўртасидаги Арзинган тоғида йиқилиб, жон берди. Ошиқ Ғариб энди нима қилиши керак? Арзиньяндан Тифлисгача икки ойлик йўл, ҳолбуки, атиги икки кун вақт қолган. «Қодир худо, агар сен менга мадад бермасанг, бу дунёда қиладиган ишим йўқ»— деди ва баланд қоядан ўзини ташламоқчи бўлди. Броқ, пастда, оқ отли бир кишини кўрди: «Ўғлон, сен нима қилмоқчисан?» деган қаттиқ овоз эшитилди. «Ўзимни ўлдирмоқчиман» — деди Ошиқ. «Агар ундай бўлса, буёққа туш, сени мен ўлдирай» — деди отлиқ. Ошиқ бир амаллаб қоядан тушди. «Менинг орқамдан юр» — деди ғазаб блан отлиқ. «Сенинг отинг шамолдай тез учса, мен эса оғир хуржун остида қийналаётган бўлсам, қандай қилиб орқангдан юрай?» —

деди Ошиқ. «Рост, хуржунингни эгаримга ташлагинда, орқамдан юр!». Ошиқ Ғариб югуришга қанча тиришса ҳам, орқада қолиб кетди. «Нимага орқада қоласан?»— деб сўради отлиқ. «Қандай қилиб мен сенга етиб юрай, отинг шамолдан тез учади, мен бўлсам жуда чарчаганман». «Рост, орқамга мингаш ва тўғрисини айт,— қаерга бормоқчисан?» — «Ҳеч бўлмаганда, бугун Арзирумга етиб борсам яхши бўлар эди»— деди Ошиқ. «Кўзингни юм!» У юмди. «Энди оч!» Ошиқ қарасаки, унинг кўз олдида Арзирум шаҳарининг деворлари ва миноралари ялтираб турипти. «Гуноҳқорман, оға,— деди Ошиқ — мен янглишибман, мен Қарсга етиб боришим керак демоқчи эдим». «Ҳа, шундай демайсанми. Майли,— деди отлиқ — мен сенга тўғрисини гапир дедим-ку, яна кўзингни юм!» Бу шаҳарнинг Қарс эканига Ошиқ Ғарибнинг ишонгуси келмади. У, тиз чўкиб: Гуноҳқорман, оға, қулинг Ошиқ Ғариб уч марта гуноҳқор! Аммо ўзинг яхши биласанки, агар одам ёлғончилик қилишни эрталабдан бошласа, унда кун бўйи ёлғончилик қилиши керак. Мен ҳозир худди Тифлисте бўлишим керак»,— деди. «Эй... сен ёлғончини қара-ю»— деди аччиғланиб отлиқ, «хўп, майли гуноҳингдан ўтдим. Кўзингни юм бўлмас!»... Бир минут ўтгандан кейин: «Энди оч!»— деди у. Ошиқ севиниб кетганидан қичқириб юборди: улар Тифлис дарвозаси ёнига келиб қолган эдилар. Ошиқ Ғариб хуржунини эгардан олиб, отлиққа самимий миннатдорчилик билдириб деди: «Оға, албатта сенинг шафқатларинг улугдир; лекин яна ҳам зиёда қилгин, агар энди мен Арзиньяндан Тифлистега бир кунда келганимни айтсам, ҳечким ишонмайди, менга қандай бўлмасин бир далил бер!» Отлиқ кулумсираб: «Ерга энгаш!— деди,— от туёғининг тагидан бир сиқим тупроқ олиб, қўйнингга солиб қўй. Агар сенинг сўзингга ҳечким ишонмаса, етти йилдан бери кўр бўлиб қолган кишини олиб келтиришга буюр, кейин унинг кўзига шу тупроқни сурт, у, қайтадан кўрадиган бўлади». Ошиқ оқ от туёғининг тагидан бир сиқим тупроқ олиб, бошини энди кўтарган ҳам эдики, от ва отлиқ кўздан ғойиб бўлди. Шунда у юрагидан ишондики,

унга яхшилик кўрсатган киши ҳазрати Хизрнинг ўзи экан.

Ошиқ Ғариб ўз уйини қоронғи тушгунча ахтариб зўрға топди. У, титроқ қўли блан эшикни тақиллатиб «Она, хў она, оч, мен худо юборган меҳмонман, ҳам очман, ҳам яланғочман, сайёҳ ўғлингнинг ҳурмати, сендан илтимос қиламан: мени уйингга киргаз!»— деди. Унга кампирнинг заиф товуши эшитилди; у: «Тунги йўлчилар учун бой ва мутабар кишиларнинг уйлари бор, ҳозир шаҳарда тўйлар кўп, ўша ерга бор! Уерда кечани ҳузур қилиб ўтказаоласан»— деб жавоб берди. «Она, мен бу ерда ҳечкимни танимайман; шунинг учун сайёҳ ўғлинг ҳурмати такрор илтимос қиламан — мени уйингга киргаз!»— деди Ошиқ. Шунда унинг синглиси онасига: «Она, мен туриб унга эшик очай!»— деди. «Э, ярамас қиз,— деди кампир,— сен ёш йигитларни қабул қилиб, уларни меҳмон қилишни яхши кўрасан, чунки мана етти йилдан бери мен кўз ёш тўкиб, кўзимдан ажралганман,— деди онаси. Аммо, қизи унинг қойишига этибор бермай, эшикни очиб, Ошиқ Ғарибни уйга киритди. У, одат бўйича, салом берди-да, ҳаяжон блан атрофга қарайбошлади. Бирдан деворда ўзининг чанг босиб кетган жилддаги хушовоз созини кўриб қолди. Онасидан сўрайбошлади: «Девордаги осиглиқ турган нима?» Онаси: «Сен ҳамма нарсага қизиқаверадиган меҳмон экансан, сенга бир парча нон бериб, эсон-омон чиқариб юборганимга ҳам шукур қил!»— деди. У этироз билдириб: «Мен сенга, сен менинг туққан онамсан, бу эса менинг синглим, деб айтдим-ку! Шу сабабли менга деворда осилиб турганнинг нималигини айтиб беришингни сўрайман!»— деди. Она унинг гапига ишонмай: «Бу нарса соз» деб жавоб берди, аччиғланиб. «Соз нима демакдир? Соз — шу демакки, уни чаладилар ва куй куйлайдилар»— Ошиқ Ғариб онасидан созни олиш учун синглисига ижозат беришини ва ўзига кўрсатишини сўради. «Йўқ,— деди кампир,— бу соз менинг бахтсиз ўғлимники, бу соз етти йилдан бери деворда осиглиқ туради, шу маҳалгача унга ҳечкимнинг қўли теккани йўқ». Аммо, синглиси ўрнидан туриб, девордан созни олди-да, унга бер-

ди. Шунда у кўзини кўкка тикиб, шундай калима келтирди: «Эй қодир худо, агар мен орзуйимга етдиган бўлсам, етти торли созим сўнгги марта чалган кунимдагидай созланган бўлади,» деди-да, торларни чертакетди; торлар эса бир-бировларига ҳамоҳанг бўлиб сайрадилар; Ошиқ куйлайбошлади: «Мен бир бечора ғарибман, сўзларим ҳам қашшоқ; аммо улур ҳазрати Хизр менинг қоядан тушишимга ёрдам берди. Гарчи ўзим бечора ва сўзларим қашшоқ бўлса-да, билгинки, она, мен сенинг бечора ғариб ўғлингман». Шундан сўнг онаси йиғлаб юбориб, ундан сўради: «Сенинг исминг нима?»—У «Рашид»деб жавоб берди. «Рашид, бир марта гапир, бир марта эшит,— деди кампир,— сен ўз сўзларинг блан юрагимни пора-пора қилиб ташладинг. Шу кеча туш кўрсам, бошимдаги сочларим оқарибди; мана мен етти йилдан бери кўз ёшимни тўкиб, кўр бўлдим. Овози ўғлимнинг овозига ўхшаган йигит, айт,— ўғлим қачон келади?»— деди. Кампир кўз ёши блан икки марта ўз саволини такрорлади. У, бирнеча марта ўғлингман, деб кампирни ишонтирмоқчи бўлди, лекин кампир сра ишонмади. У бирқанча вақтдан кейин сўради: «Она, мен яқин ўртада тўй борлигини эшитиб қолдим, созни олиб кетишга рухсат бер, синглим мени кузатиб қўяди, мен ҳам қўшиқ айтаман, ҳам чаламан ва нима топсам ҳаммасини шу ерга олиб келиб, сизлар блан ўртада тақсим қиламан». «Рухсат бермайман,— деди кампир,— менинг ўғлим кетганидан бери, унинг сози ҳам уйдан чиқмайди». Брок, Ошиқ битта торни ҳам бузмайман, деб ёлворабошлади: «Агар бирорта тори узилса,— деди Ошиқ — унда бутун мулкимни бераман». Кампир унинг хуржунини тимискилади-да, пул блан тўлалигини пайқаб, рухсат берди. Синглиси Ошиқни катта тўйи тамоша бўлаётган бадавлат ҳовлининг эшигигача кузатиб қўйди-да, нима бўлишини билиш учун, эшик олдида қолди.

Бу уйда Магул-Мегери яшар эди. Шу кеча у Хуршидбекка тегиши керак эди. Хуршидбек қариндошлари ва дўстлари блан айши-ишрат қилар эди. Магул-Мегери эса ўз дугоналари блан қимматбаҳо парда

орқасида бир қўлида — косада заҳар, иккинчи қўлида эса ўткир ханжар ушлаб ўтирган эди. У Хуршидбек блан бир ёстиққа бош қўйгандан кўра ўзимни ўлдирганим яхши деб қасам ичган эди. Бирдан у, бегона бир кишининг сўзларини эшитиб қолди. Келган одам: Ассаломуалайкўм! Сизлар бу ерда хурсандчилик ва айши-ишрат қиляяпсизлар, бечора сайёҳга ҳам ўзларингиз блан ўтиришга ижозат берсангиз, мен бунинг бадалига сизларга ашула айтиб берардим» — деди. «Нега мумкин бўлмасин, — деди Хуршидбек, — бу ерга ашулачи ва ўйинчиларнинг бемалол киришлари мумкин, чунки бу ерда тўй бўлаётир, қани ҳофиз, биронта ашула айт, мен сени бир ховуч тилла блан чиқариб юбораман».

Шунда Хуршидбек ундан: «Йўлчи, сенинг отинг нима?» — деб сўради. «Яқинда биларсиз» — деди Ошиқ. «Бу қанақа от экан? Мен бунақа отни биринчи марта эшитаяпман» — кулиб хитоб қилди Хуршидбек. «Менинг онам ҳомиладор бўлиб, тўлғоғи тутаётган вақтида, кўп қўшнилари эшигимизга келиб, худо ўғил бердими ё қиз?» — деб сўраган эканлар. Уларга «Яқинда биларсиз» деб жавоб беришипти: шунинг учун ҳам туғилганимда менга шундай от қўйганлар... Шундан кейин у сezni олиб, куйлайбошлади.

«Мен Халаф шаҳрида миср шаробини ичдим, лекин худо менга қанот берди, мен бу ерга уч кунда етиб келдим».

Хуршидбекнинг тентак акаси ханжарини суғириб «Сен ёлгончисан! Қандай қилиб Халафдан бу ерга уч кунда келиш мумкин?» деб бақирди.

Ошиқ: «Сен нима учун мени ўлдирмоқчи бўласан? Одатда ашулачилар ҳар томондан келиб бир ерга йиғилдилар, менга хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, сизлардан ҳечнарсан олмайман» деди.

— Қўйинг, давом этаверсин, — деди куёв, шундан кейин Ошиқ Ғариб яна куйлайбошлади.

Мен азонни Арзиньян водисидида ўқидим; пешинни Арзирум шаҳрида, намозгарни Қарс шаҳрида, намозшомни эса, Тифлисида ўқидим. Худо менга қанот берди ва мен бу ерга учиб келдим; эй, худо, оқ отнинг

қурбони бўлай; у от дорвозга ўхшаб тоғлардан сойликларга, сойликлардан тоғларга учди. Худо Ошиққа қанот берди ва у Магул-Мегери тўйига учиб келди.

Шунда Магул-Мегери унинг овозини таниб, заҳарни бир томонга, ханжарни эса иккинчи томонга иргитди, унинг дугонаси: «Сен қасамингни унутдингми? Бугун кечаси Хуршидбекнинг хотини бўласанми?»— деди. Магул-Мегери: «Сиз билганингиз йўқ, мен севганимнинг овозини танидим»— деди-да, қўлига қайчи олиб, пардани қийди. Қаради-ю — ўзининг Ошиқ Ғарибни таниб, қичқириб юборди-да, унинг бўйига чирмашди, шу чоқ икковлари ҳам ҳушсиз бўлиб йиқилдилар. Хуршидбекнинг акаси уларнинг икковини ҳам ўлдирмоқчи бўлиб, ханжар олиб югурган эди, Хуршидбек уни тўхтатди: «Сабр қил, сабр қил, одамнинг пешонасига нима ёзилган бўлса, уни ҳечким ўзгартираолмайди, шуни яхши бил».

Магул-Мегери ҳушига келгач, уялиб кетганидан қизаринди, қўли блан юзини беркитди*да, парда орқасига яширинди.

«Сенинг Ошиқ Ғариб эканлигинг энди аниқ бўлди,— деди куёв,— қани, айтчи, сен қандай қилиб оз вақт ичида шумча йўл босдинг?». Ошиқ деди: «Қиличимнинг тошни кесаолиши бунга далил бўлур, агар ёлғон айтсам, бўйним узилсин! Лекин ҳаммасидан яхшиси шуки, етти йилдан бери ёруғ дунёни кўрмаган бир кўрни олиб келинглар, мен уни аслига қайтараман». Ошиқ Ғарибнинг синглиси даҳлиз эшиги орқасида туриб, бу сўзларни эшитгач, онасининг олдига югурди. «Онажон!— деб қичқирди у,— ҳалиги одам худди акамнинг ўзи, ўглингиз Ошиқ экан!»— деди ва кампирнинг қўлидан етаклаб, тўй базмига олиб келди. Шунда Ошиқ қўйнидан бир сиқим тупроқни олиб, сувга қориштирди-да, онасининг кўзига сурди ва деди: «Халойиқ, ҳазрати Хизрнинг қандай қудратли ва улур эканлигини билиб қўйинглар!» Шучоқ онасининг кўзи ярқираб очилиб, ҳаммани кўрабошлади. Шундан сўнг унинг сўзининг ростлигига ҳечким шубҳаланмади. Хуршидбек эса ҳеч сўзсиз гўзал Магул-Мегерини унга топширди.

Шунда Ошиқ Ғариб севинганидан унга қараб деди:

— «Хуршидбек, кўп қайғирма, бир илож қиламиз: менинг синглим ҳам аввалги қаллиғингдан ёмон эмас, энди мен бадавлат бўлдим, унда ҳам олтин-кумушлар кам бўлмайди. Сен унга уйлан! Сизлар ҳам мен билан сеvimли Магул-Мегеримга ўхшаб бахтли бўлинглар!».

ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНИ

Ҳарбир китобда сўзбоши унинг ҳам аввали, ҳам охиридир; у ё асарнинг мақсадини тушунтириб бериш ёки танқиддан ўзини оқлаш ва танқидга жавоб вази-фасини ўтайди. Броқ, одатда, ахлоқий мақсад ёки журнал танқидлари блан ўқучиларнинг ишлари бўл-майди, шунинг учун улар сўзбошини ўқимайдилар. Афсуски, айниқса бизда шундай. Бизнинг китобхонла-римиз ҳали шу қадар ёш ва соддадилки, агар масала-нинг охирида қиссадан ҳисса деган хулоса бўлмаса, унинг ма'носига тушувиб етмайдилар. Улар ҳазилни билмайдилар, кинояни пайқамайдилар; тўғриси, улар ёмон тарбия кўрганлар. Улар номусли жамият ва одобли китобда ошкора ҳақоратга йўл қўйилмаслиги кераклиги, замонимиз ма'рифати ундан ҳам ўтқирроқ, деярлик кўзга кўринмаса ҳам, аммо хушомадгўйлик ниқоби остида ундан кўра қаттиқроқ ва омонсизроқ зарба берадиган қурол кашф этганини ҳали билмай-дилар. Бизнинг кишиларимиз бир-бирига душман бўл-ган икки давлатга қарашли дипломатнинг суҳбатини эшитганда, булар қалин дўст бўлганлари учун ўз ҳукуматларини алдашмоқда деб ишонадиган провин-циалга ўхшайдилар.

Бу китоб яқиндагина ба'зи китобхонлар ва қисман ба'зи журналларнинг ҳам бахтиқаро ишончига сазо-вор бўлишдай бир бахтсизликни бошидан кечирди. Ба'зилар Замонамиз Қаҳрамонидек ахлоқсиз бир ким-

сани бизга ибрат қилиб кўрсатипти, деб қаттиқ хафа ҳам бўлишди; ба'зилар эса бунда ёзучи ўзининг ва ўз танишларининг портретларини тасвирлапти ҳам дейишди... Буларнинг ҳаммаси сийқаси чиқиб, эскириб кетган ҳазил! Афтидан, Русь шундай яратилганки, унда ҳамма нарса ўзгариб, янгиланиб туради, аммо бу бемазагарчилик сра йўқолмас экан. Бизда гаройиб эртақларнинг энг гаройиби ҳам шахсни ҳақорат қилишга қаратилган бир қасд сингари та'нага дучор бўлмай иложи йўқ.

Муҳтарам жаноблар, Замонамиз Қаҳрамони ҳақиқатан ҳам портрет, броқ, бир кишининг портрети эмас: бу бутун авлодимизнинг гуноҳлари тўла равишда кўрсатилган қусурларидан ясалган бир портретдир. Сиз менга инсон бунчалик бема'ни бўлмаса керак, деб айтарсиз, мен эса бунга жавобан: агарда шунча фожиали ва романтик ёвузларнинг бўлишига ишонган бўлсангиз, нега Печориннинг борлигига ишонмайсиз? дейман. Агар сиз бундан бешбаттар даҳшатли ва беўхшов уйдирмаларга маҳлиё бўлган экансиз, нима учун бу характер,— ҳатто уйдирма бўлганда ҳам,— сизнинг шафқатингизга сазовор бўлолмайди? Сабаби асарда сиз истаганингиздан ортиқроқ ҳақиқат борлиги эмасмикан?..

Сиз бундан ахлоқ фойда кўрмайди деб айтарсиз? Афв этасиз. Одамларин шунча тотли нарсалар блан боқиб келганимиз ҳам стар; бундан уларнинг медалари бузилди: уларга энди аччиқ-аччиқ дори, ўткир ҳақиқатлар керак. Лекин шу гапларимдан сўнг ушбу китобнинг автори бир вақтларда одамларни қусурдан даволаш ҳақида мағрур орзулар қилиб юрган киши экан деб сра ўйламанг. Бундай нодонликдан худо сақласин! У фақат сизнинг ва ўзининг бахтига қарши, жуда кўп учратган ҳозирги замон кишисини ўзи билганича тасвир этишдан зағвкланарди, холос. Дардининг қандай дард эканлигини кўрсатиб беришнинг ўзи ҳам кифоя қилади, уни қандай шифолашни худо билади.

БИРИНЧИ БУЛИМ

I

Бәла

Мен бекат аравасида Тифлистан жұнаб кетмоқда эдим. Аравамнинг бор-йўқ юки кичкинагина чемодандан иборат бўлиб, унинг ҳам ярми Грузия хотиралари блан тўла. Сизьинг бахтигизга, хотираларнинг кўп қисми йўқолиб кетган, чемадоним блан бошқа нарсаларим эса, менинг толиимга, омон қолган эди.

Койшаур водисига кириб борганимда, қуёш қорли тоғлар орқасига яширинабошлаган эди. Осетин-аравакаш қоронғи тушгунча Койшаур тоғининг тепасига етиб олиш ниятида, отларни ҳадеб қистар ва овози борича бақириб ашула айтар эди. Бу води ғоят ажойиб жой! Ҳаммаёғи — одам оёғи тегмаган баланд-баланд тоғлар, чирмашиб ўсучи ўт-ўланлар ва ямяшил бахмалдек тўп-тўп чинор дарахтлари қоплаган қизғиш азамат қоялар; сув ўпириб кетган сарғиш жарлар; тепада, чўққиларда эса зар ҳошиядай товланучи қорлар, пастликдан эса Арагва қопқоронғи дара тагидан ҳайқириб чиқучи номсиз бошқа бир сой блан қучоқлашиб, худди илон тангасидай ялтираб оқади.

Койшаур тоғининг этагига етгач, духан¹ ёнида тўхтадик. Бу ерда йигирматача грузин ва тоғлилар чувиллашиб туришар эди; сал нарида туякарвони ҳам тунаш учун қўнган. Аравамни шу ланати тоғ устига олиб чиқиш учун ҳўкиз кира қилишим керак эди, чунки куз фасли кириб, ерлар яхлаб, сирғанчиқ бўлиб қолган, тоғнинг баландлиги эса икки чақиримча келар эди.

Ноилож олтита ҳўкиз блан бирнеча осетин ёлладим. Осетинлардан бири чемадонимни елкасига кўтариб олди, қолганлари эса қий-чув блангина ҳўкизларга мадад бериб боришди.

Менинг аравам кетидан лиммо-лим қилиб юк ортилган бошқа бир аравани тўртта ҳўкиз бемадол тортиб келарди. Бу мени ажаблантирди. У арава кетидан кумуш қопланган кичкинагина кабардинча трубкасини чеки эгаси келар эди. Унинг эғнида — эполетсиз офицерча сюртук², бошида эса черкасча пахмоқ қалпоғи

бор эди. Ёши элликларда; юзининг қорачалиги Кавказ қуёши блан кўпдан бери таниш эканлигидан дарак берарди. Бевақт оқарган мўйловлари эса унинг шахдам қадам ташлашига ва бардамлигига мос тушмас эди. Мен унинг ёнига келиб, бошимни эгиб салом бердим; у менинг саломимга индамай алик олди-да, оғзидан бурқитиб тутун чиқарди.

— Афтидан, ҳамроҳга ўхшаймиз-а?

У яна индамай бош эгди.

— Ставропольга кетаётибсизми, дейман?

— Ҳа, ҳа... пошшолик нарсалари блан.

— Менга қаранг, барака топкур, нима учун сизнинг оғир юкли аравангизни тўртта ҳўкиз бемалол тортадию, менинг бўш аравамни, мана бу осетинлар мадад берса ҳам, олти ҳўкиз зўрға судрайди?

Ҳамроҳим муғомбирона жилмайди-да менга маподор назар ташлади.

— Кавказга яқинда келганмисиз, дейман?

— Бир йилча бўлди,— деб жавоб бердим мен.

У яна жилмайиб қўйди.

— Нима эди?

— Шундай, ўзим! Бу осиёлилар ўлардай айёр бўлади! Сиз улар бақириб ҳўкизларига мадад бераётир, деб ўйларсиз? Уларнинг нима деб бақиршини ким билади, дейсиз! Ҳўкизлар уларнинг тилига тушунади; йигирмата ҳўкиз қўшинг, барибир, агар улар ўз тилида бир нима деб бақирдимми, бўлди, ҳўкизлар жойидан қимирламай тураверади... Бари уччига чиққан айёр! Нима ҳам қилаоласиз?... Булар ўткинчиларнинг пулини қоқиб олиш пайида... Бу муттаҳамларни жуда ёмон ўргатиб қўйишган! Ҳали кўрарсиз, сиздан яна ароқ пули ҳам олишади. Мен буларни яхши биламан, мени алдашиб бўпти!

— Бу ерда кўпдан бери хизмат қиласизми?

— Ҳа, Алексей Петрович замонида³ ҳам хизмат қилардим — деб жавоб берди ҳамроҳим ғурур блан.— Алексей Петрович Линияга⁴ келганда, мен подпоручик эдим,— деб илова қилди,— унинг қўли остида тоғлиларга қарши жангларда қатнашиб, мартабам икки бор ошди.

— Ҳозирчи?..

— Ҳозир учинчи Линия батальонидаман. Уэларидан сўрасак?..

Мен ҳам айтдим.

Шу блан суҳбатимиз тугади, икковимиз индамай ёнма-ён кетавердик. Тоғ тепасига чиқсак, қор бор экан. Қуёш ботиб кетди, кун ботмайтуриб, тун бостириб келди, одатда, жанубда шундай бўлади; аммо қор оппоқ оқариб тургани учун, гарчи унча тик бўлмаса ҳам, юқорига кўтарилиб боручи йўлни адашмай топиб борардик. Чемоданимни аравага солиб, ҳўкизларни чиқариш ва аравага от қўшишни буюрдим-да, пастга, ястланиб ётган водига сўнгги марта кўз ташладим,— броқ тоғлар орасидан бурқсиб чиқучи қалин туман водини тамомила қамраб олган, у ердан бирон товуш ҳам қулоғимизга етиб келмас эди. Осетинлар шовқин-сурон блан мени ўртага олиб, ароқ пули талаб қила-бошладилар; аммо штабс-капитан уларга бир ўшқириб берган эдики, бир зумда тумтарақай бўлиб кетишди.

— Жуда ғалати халқ-да, булар!— деди штабс-капитан,— рус тилида нон дейишни билмайдилару, «Офицер, ароқ пули бер!» дейишни билиб олганларига ҳайронман! Менга қолса, булардан татарлар минг чандон яхши: улар ҳеч бўлмаганда, ароқдан ҳазар қилишади-ку...

Бекатга яна бир чақиримча қолган эди. Теварак-атроф жимжит, шу қадар жимжит эдики, ҳатто чивин гинфиллаб учса, унинг қайси томонга учганини билиш мумкин эди. Чап ёнимизда чуқур дара қорайиб кўринарди; унинг орқасидан ва қаршимиздан, боғиб кетган қуёшнинг сўнгги шафақлари аранг кўриниб турган оч рангли уфқ этагида қат-қат қор босган кўмкўк тоғ чўққилари кўзга ташланар эди; қорамтир осмонда юлдузлар милтиллаб бошлади, бу юлдузларнинг бизнинг шимол тарафлардагига нисбатан анча юксак кўриниши одамга ғалати туюларди. Йўлнинг икки томонида қопқора ҳарсанг тошлар қаққайиб турарди; уер-буерда қор тагидан буталар чиқиб турардию, аммо қотиб қовжираб кетган барглarning биронтаси ҳам қимир этмасди, бутун табиат чуқур уйқуга кетган бундай бир

вазиятда бекат аравасини тортиб боручи учта ҳорғин отнинг пишқириши ва рус қўнғироқчасининг пасти-баланд жаранглашини эшитиб бориш ниҳоятда наш'али эди.

— Эртага ҳаво яхши бўлади!— дедим мен. Штабс-капитан менинг бу гапимга индамади-да, кўрсатғич бармоғи блан нақ рўпарамизда қад кўтариб турган баланд тоққа ишора қилди.

— У нима?— деб сўрадим мен.

— Гуд-Тоғ.

— Гуд-Тоғ бўлса нима қипти?

— Буеланиб туришини қаранг.

Чинданам, Гуд-Тоғнинг тепаси буғланиб турар эди; тоғ теварагида енгил булутлар сузиб юрарди, чўққисид а ясланиб ётган қопқора булут эса ҳатто қоронғи осмонда ҳам яққол кўриниб турарди.

Почта бекати⁵ ва унинг ён-веридаги сакляларнинг⁶ томлари кўзга ташланди, қаршимиздан жозибали чироқлар милтиллаб кўринди; нам ва изғирин шамол туриб, дара гувиллаб, майда ёмғир ёгабошлади. Буркамни энди устимга ташлай деб турган эдимки, бирдан қор ёғиб қолди. Эҳтиром блан штабс-капитанга қарадим...

— Шу ерда тунаб қолишга тўғри келади,— деди у, ўксиниб,— бундай бўронда довои ошиш қийин. Ҳай Крестоваяга кўчки тушганми?— деб сўради аравакашдан.

— Тушгани йўқ, тақсир,— деб жавоб берди осетин-аравакаш,— аммо бирталайи тушай деб турипти.

Бекатда йўловчилар қўнадиган жой бўлмагани учун бизни тутун босиб кетган бир сакляга жойлаштирилди-лар. Мен ҳамроҳимни чойга таклиф қилдим: Кавказни кезиб юрганимда бирдан-бир овунчоғим бўлган чўян қумғоним ўзим блан бирга эди.

Саклянинг бир томони тоғ бағрига ёпишган бўлиб, эшигига учта ҳўл, тирғончиқ зинопоя блан чиқиларди. Пайпаслаб ичкари кирдимда, беҳосдан сигирга қоқилиб кетдим (бу томонларда малайхона ҳам, оғилхона ҳам бир бўларкан). Қаёққа оёқ босишни билмай қолдим. Бир ёнимда қўйлар ма'райди, бир томонимда ит

ириллайди. Яхшиям бир чеккадан чироқ милтиллаб кўриндию, эшикка ўхшаш бир туйнукни зўр-базўр топдим. Шунда жуда ажойиб бир манзара очилди: ис босиб кетган шифтини икки устун кўтариб турган каттагина уй одамга лиқ тўла эди. Уртада чарсиллаб гулхан ёнарди, мўридан шамол қайтариб уриб турган қуюқ тутун ҳамаёқни шундай ўраб олгандики, анчага-ча ҳечнарсани кўролмаётдим; гулхан олдида икки кампир, бирталай бола-чақа ва устивоши жулдир-жулдур, ориқ бир грузин ўтирарди. Ноилож биз ҳам гулхан ёнига тиқилишдик, трубка чекишдик, бирпасдан кейин қумғонимиз ҳам пишиллаб бошлади.

Қимир этмай бизга анқайиб ўтирган уй эгаларини кўрсатиб, штабс-капитанга;

— Бечоралар!— дедим.

— Жуда ношуд халқ,— деб жавоб берди ҳамроҳим.— Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, қўлларидан ҳечнарсая келмайди, илм-ма'рифат ўрганишга сра уқувлари йўқ! Кабардин ёки чеченлар, гарчи ўғри, ялангоёқ бўлсалар ҳам, жуда жасоратли бўладилар, булар бўлса ҳатто яроғ-аслаҳанинг нималигини ҳам билмайди, биронтасида тузукроқ ханжар ҳам кўрмайсиз. Осетин деганларича бор-да!

— Чеченияда кўп турганмисиз?

— Ҳа, у ердаги қал'ада ўн йилча турганман. Каменный Брод деган жой ёнида,— биларсиз?

— Эшитганман.

— Э отахон, бу каллакесарлар роса безорижон қилишарди-да, худога шукур, ҳозир анча тинчиб қолишди, илгарилари валдан юз қадам нарига силжийолмас эдик: албатта бирон ерда бирорта пахмоқ калла пойлаб ётган бўларди; сал ғафлатда қолдингми, ё бўйнингга сиртмоқ тушарди, ё орқангдан ўқ ердинг. Жуда азамат халқ!..

— Бундан чиқди, кўп нарсани кўрган экансиз-да!— дедим мен, бирон қизиқ воқиа эшитиш илинжида.

— Нега кўрмай! Кўрганман...

Деди-да, чап мўйловини бураб, бошини қуйи солиб, хаёлга чўмди. Мен ундан бирон воқиа эшитишни истардим,— бу истак ҳамма саёҳатчи ва хотиранавис

кишиларга хос бир одат. Бу орада чой ҳам қайнади; чемоданимдан иккита сафарий стаканни олиб чой қуйдим-да, биттасини унинг олдига қуйдим. Ҳамроҳим чойдан бир ҳўплаб, ўзича: «Ҳа, кўп нарса кўрганман!» деб қўйди. Унинг бу хитоби менда зўр умид туғдирди. Мен биламан, кўпдан бери Кавказда туручилар суҳбатни, ҳикоя айтиб беришни яхши кўришади, бунга улар камдан-кам муяссар бўладилар: шундай одамлар бўладики, бирон пастқам жойда ротаси блан беш-олти йил турса ҳам, *салом* дейдиган одам топилмайди (чунки фельдебель унга фақат *саломат бўлинг* дейди.) Аммо уларнинг дилида айтадиган гаплари кўп: теваракатрофда қизиқ, ёввойи одамлар тўлиб ётипти; ҳар кун хавф-хатар кутади; ҳархил қизиқ воқиалар бўлиб туради, мана шундай пайтларда бизда хотиранависларнинг кам бўлганига ачинасан.

— Чойингизга жиндак ром қуйиб берайми?— дедим суҳбатдошимга, — Тифлистан олган оқ ромим бор; кун совуқроқ.

— Йўқ, раҳмат, ичмайман.

— Нега?

— Шундай. Ичмайман деб қасам ичганман. Подпоручиклик чоғамда бир марта улфатлар блан ичишиб қолган эдим, бирдан кечаси тревога бўлиб қолди; ҳаммамиз ширакайф элик, шу ҳолимизча сафга тизилдик. Алексей Петрович буни билиб қолиб, шунақанги адабимизни бердики, асти қўяверасиз, жуда жаҳли чиқиб кетди! Судга беришига сал қолди. Сирасини айтганда, йил бўйи биронта одамни учратмайсан, бунинг устига ароқ ичиб қолсанг борми, тамом бўлдим деявер!

Бу гапни эшитгач, умидим узилди.

— Масалан, черкасларни олинг, — деб сўзида давом этди у, — тўйдами ё азадами бўзани ўлардай ичиб олишади-да, кейин бир-бирларини чавақлайжетишади. Бир марта зўрға қочиб қутулганман, бўлмаса, итоатли бир князьникида⁸ меҳмонда эдим.

— Нима воқиа бўлган эди ўзи?

— Мен сизга айтсам (ҳамсуҳбатим трубкасига тамаки тўлдирди-да, тутатиб, ҳикоясини бошлади), — у кезларда мен Терекнинг нариги соҳилидаги қал'ада ро-

та блан турардим, бунга яқинда беш йил бўлади. Куз кунларидан бирида қал'ага озиқ ортган транспорт келди. У транспортда йигирма бешларга кирган бир ёш офицер ҳам бор эди. Офицер расмий формада ҳузуримга кирди-да, қал'ада қолиш тўғрисида буйруқ олганини билдирди. У шу қадар хипча, нозик юзлари оппоқ, мундири шу қадар янги эдики, унинг Кавказга яқинда келганини дарҳол фаҳмладим. «Бу ерга Россиядан юборилгандирсиз?» деб сўраган эдим, у, «Шундай, жаноби штабс-капитан», деб жавоб берди. Мен унинг қўлидан ушлаб: «Жуда хурсандман, жуда хурсандман. Бу ерда бироз зерикиб ҳам қоларсиз, лекин хафа бўлманг, иноқ бўлиб яшаймиз. Мени тўғридан-тўғри Максим Максимич деяверинг, иннайкейин, расмий формада келишнинг нима ҳожати бор? Менинг олдимга келганингизда фақат фуражка кийиб келсангиз, бас» дедим. Унга қал'адан квартира бердик, жойлашиб олди.

— Оти нима эди?— деб сўрадим, Максим Максимичдан.

— Оти... Григорий Александрович *Печорин* эди. Жуда яхши йигит эди, мен сизга айтсам; аммо табиати бироз ғалатироқ эди. Масалан ёмғир демай, совуқ демай эртадан кечгача овда юрарди; ҳамма совқотиб, ўлардай чарчаса, унга ҳечнарсан қилмасди. Аммо ба'зида уйига кириб оларди-да, сал шамол эсди дегунча шамоллаб қолдим дерди; дарча тақиллаб кетса, бир сесканиб, ранги оппоқ оқариб кетарди; аммо тўнғиз блан яккама-якка олишганини ўз кўзим блан кўрганман; ба'зи вақтлар соатлаб индамас эди, аммо ба'зан бирдан гапга кириб кетдими, бас, кулавериб ичакларинг узилиб кетарди... Шундай, жуда ғалати одам эди, иннайкейин, ўзи ҳам жуда бадавлат бўлса керак: қимматбаҳо нарсаларининг кўплигини айтмайсизми!..

— Сиз блан кўп турдимиз?— деб сўрадим.

— Бир йилча турди. Аммо, ўша йил сра эсимдан чиқмайди; жуда кўп ташвиш орттирди бошимга, йигити тушкур! Қизиқ, дун'ёда шундай одамлар борки, уларнинг бошларига турли-туман ажойиб ҳангомалар тушажаги пешоналарига ёзилган бўлади.

— Ажойиб хангомалар?— деб хитоб қилдим, унга чой қуяр эканман қизиқсиниб.

— Мен сизга айтиб берай. Қал'адан олти чақиримча нарида итоатли бир князь турарди. Унинг ўн беш яшар ўғли бўлар эди, шу бола бизнинг қал'ага келиб-кетиб турадиган бўлиб қолган эди; кунда ё уни деб, ё буни деб келарди. Григорий Александрович иккимиз уни жуда эркалатиб қўйган эдик-да. Ўзи шундай абжир ва каллакесар эдики, ҳарнарсани ҳам қойил қилар эди; отни чоптириб кетатуриб ердаги шапкани илиб кетарди, ё бўлмаса отда туриб милтиқ ҳам отоларди. Унинг битта ёмон одати бор эди; пулга жуда ўч эди. Бир куни Григорий Александрович ҳазиллашиб, отангнинг қўрасидан энг яхши серкани ўғирлаб келсанг, бир червон бераман деб қолди; буни қарангки, эртаси куни кечаси серканинг шохидан судраб келди. Ба'зан биз уни гиж-гижлатиб қолардик, шунда кўзларига қон тўлиб, қўли дарҳол ханжарга югурарди. «Хой, Азамат, бир кунмас, бир кун бошингни ейсан, ишинг чатоқ бўлади!» дердим мен.

Бир куни кекса князьнинг ўзи келиб, бизни тўйга айтиб кетди: катта қизини узатаётган экан, биз у блан инок эдик, гарчи татар бўлса ҳам йўқ деб бўлмас эди. Бордик. Овулда бизни бирталай ит ҳуриб қарши олди. Хотин-халажлар бизни кўриб юзларини яширишарди; юзларини кўрганларимизни эса унча чиройли деб бўлмас эди. «Черкас аёллари жуда чиройли бўлса керак деб ўйлардим», деди Григорий Александрович. «Ошиқманг!» дедим мен кулиб. Ўзимнинг ўйлаб қўйганим бор эди-да.

Биз борсак, князьнинг уйи одамга лиқ тўла экан. Осиёлларда никоҳ-тўйга бутун кўча-кўйни чақириб одати бор. Бизни иззат-икром блан кутиб, меҳмонхонага олиб киришди. Аммо мен, ҳар эҳтимолга қарши, отларимизни қаерга боғлаб қўйганларини кўз остига олиб қўйишни унутмадим.

— Уларда тўй маросими қанақа бўларкан?— деб сўрадим, штабс-капитандан.

— Одатдагича бўлади. Олдин мулла қур'ондан бирнималар ўқийди, кейин келин блан куёвга, уларнинг

ҳамма қариндош-уруғларига тўёна берилади; овқат ейишади, бўза ичишади; кейин чавондозлик бошланади, шунда албатта оқсоқ, қирчанғи от минган жулдирий кийимли бир киши масхарабозлик қилиб ҳаммани кулдиради; қоронғи тушгандан кейин меҳмонхонада, бизнингча айтганда, базм бошланади. Бир бечора мўйсафид уч торли чолғуни... хаҳ, оти қурсин, эсимдан ҳам чиқити... бизнинг балалайкага ўхшаган бир чолғуни тингиллатиб ўтиради. Қизлар бир томон, йигитлар бир томон бўлиб, чапак чалиб лапар айтишади. Орадан бир қиз блан бир йигит чиқиб, оғизларига келган нарсани лапар қилиб айтишади, қолгани уларга жўр бўлади. Печорин икқимиз уйнинг тўрида ўтирган эдик, бир маҳал уй эгасининг ўн олти яшар кичик қизи унинг олдига келиб лапар айтиб қолди... Нима десам экан?.. хушомад қилиб қолди-да.

— Нима деб лапар айтди, эсингиздами?

— «Йигитларимиз новқирон, чакмонларига кумуш қадалган, аммо ёш рус офицери эса улардан ҳам новқирон, галунлари тилладан. Йигитларимиз орасида гўё сарв; броқ у бизнинг боғимизда ўсолмайди ҳам, гулламайди ҳам» деб айтди, шекилли. Печорин ўрнидан туриб, кафтини пешона ва кўксига қўйиб таъзим қилди-да, гапимни бунга тушунтириб беринг деб мендан илтимос қилди; мен уларнинг тилини жуда яхши биламан, Печориннинг гапини таржима қилиб бердим.

Қиз ёнимиздан кетгач, Григорий Александровичнинг қулоғига: «Хўш, қалай экан?» деб шивирладим.

— «Жуда гўзал экан!— деди у:— Оти нима?»— «Оти Бэла» деб жавоб бердим.

Қиз чиндан гўзал эди: баланд бўйли, хипчадан келган, кўзлари тоғ кийигининг кўзларидай қопқора, худди юрак бағрингизга қараб тургандай. Печорин ҳаслатга чўмиб, ундан кўзини узолмай термулиб ўтирарди, қиз ҳам унга тез-тез зимдан кўз ташлаб қўярди. Аммо қизга Печориндан бошқа маҳлиё бўлган яна бир киши бор эди: уйнинг бир бурчагида ўтдай чақнаб турган бир жуфт кўз қизга тикилиб турарди. Синчиклаб қарасам, у Қазбич деган эски танишим экан. Уни итоатли деб ҳам, итоатсиз деб ҳам бўлмас эди. Гарчи

ҳечқандай ёмонлик қилмаса ҳам, ундан шубҳамиз бор эди. Ба'зан қал'ага қўй ҳайдаб келиб, савдолашиб ўтирмасдан арзонга сотиб кетарди, аммо ўлдириб юборсанг ҳам айтган нархидан арзонга сотмасди. Уни одамлар абреклар⁹ блан бирга Кубань дар'есининг нариги томонига ўтиб қароқчилик қилади дейишарди; ростини айтганда, ҳақиқатан ҳам башараси қароқчига ўхшарди: ўзи пакпакана, қотмадан келган, кенг яғринли йигит эди... эпчиллигини айтмайсизми, нақ шайтоннинг ўзи дейсиз! Пешмати ҳамиша йиртиқ-ямоқ бўлса бўлардики, аммо қуроли кумушдан бўларди. Тагидаги отининг довуғи бугун Қабардага кетганди, ҳақиқатан ҳам унинг отидай от ҳечқасерда топилмасди. Унга ҳамма чавандозларнинг ҳаваси келиб юрарди, кўп одамлар ўғирлаб кетишга уриниб кўришдию, аммо уддасидан чиқишолмади. Ҳозир ҳам кўз олдимдан кетмайди: ўзи қопқора тўсдай эди, оёқлари ингичка, кўзлари Бэланинг кўзларидан қолишмасди; бақувватлигини айтмайсизми! Эллик чақирим тўхтамай чопиш чўт эмасди, эгасига шундай ўрганган эдики, худди итдай эргашиб юрарди, ҳатто унинг овозини ҳам танирди! Қазбич уни ҳеч боғламасди ҳам. Эгасига муносиб от эди-да!..

Бу кеча Қазбич одатдагидан кўра хафароқ эди, пешмати ичидан совут кийиб олганини ҳам пайқаб қолдим. «Совут кийиб олиши бежиз бўлмаса керак, бир нияти борга ўхшайди»,— деб қўйдим ичимда.

Уй ичи жуда дим бўлиб кетган эди, бир шамоллаб келай деб ташқари чиқдим. Тоғларни тун қамраган, дараларни туман босганди.

Отларимизга ем берилдими, йўқми, шуни билмоқчи бўлиб бостирмага кирдим, ҳарҳолда эҳтиёткорлик ҳеч зарар қилмайди: чунки менинг отим ҳам жуда яхши от эди, кўп кабардинлар отимга суқланиб қарар ва *якши тхе, чок якши!* дейишарди.

Девор тагидан ўтаётиб, бирдан икки кишининг товушини эшитиб қолдим: овозлардан бирини дарҳол танидим: у, мезбонимизнинг ўғли саёқ Азамат эди; бошқа овоз эса паст бўлиб, аҳ'ён-аҳ'ёнда эшитиларди. «Улар нима ҳақида гапиришаётипти экан? — деб

хайрон бўлдим,— тағин менинг отим тўғрисида бўлмасин?» Секин девор тагига ўтирдим-да бошдан оёқ эшитиш мақсадида гапларига диққат блан қулоқ солдим. Ба'зан уйдан чиққан ашула ва гурунглар мени қизиқтирган суҳбатни босиб кетарди.

«Жуда ажойиб отинг бор-да,— дерди Азамат,— агар уйнинг хўжайини мен бўлсаму, уч юзта биям бўлса эди, ярмини сенинг чопқир отингга алишардим, Қазбич!»

«Э, Қазбич экан-ку!»— дедим ичимда ва бирдан устидаги совути эсимга тушди.

«Рост,— деб жавоб берди Қазбич, бироз жим тургач:— бутун Кабардада бунақа отни тополмайсан, бир марта абреклар блан бирга русларнинг йилқиларини талаш учун Терекнинг нариги томонига ўтдик; омадимиз келмади, ҳаммамиз ҳарёққа тўзғиб кетдик. Тўртта казак отда кетимдан қувиб қолди; кофирлар ҳайқиришиб менга етай деб қолганда, бирдан олдимдан қалин ўрмон чиқиб қолди. Эгарга ётиб олдим-да, ўзимни худога топшириб, умримда биринчи марта отимга қамчи урдим, отимни ҳақорат қилганим ҳам шу эди. Отим дарахтлар орасига қушдай шўнғиб кириб кетди; дарахтларнинг ўткир тиканлари устибошимни дабдала қилиб юборди, қайрағочларнинг қуруқ шохлари юзларимни тимдалади. Отим тўнкалар устидан сакраб, буталарни кўкраги блан ёриб ўтарди. Аслида, отимни ўрмон ёқасига ташлаб, ўзим ўрмон ичига яширинсам бўларди-ю, аммо отимни кўзим қиймади, шунинг учун авлиёлар қўллаб юборди дейман-да. Бошим устидан бирнеча марта ўқ визиллаб ўтди; казакларнинг отдан тушиб кетимдан қувиб келишлари аниқ эшитиларди... Бирдан олдимдан чуқур зовур чиқиб қолса бўладими! Чопқирим бир лаҳза туриб қолдию, кейин дадил сакради. Кейинги оёқлари сирғаниб кетиб, олдинги оёқлари блан зовур четига осилб қолди. Жиловни қўйиб юбориб, ўзим жарга учиб тушдим; отимни шу сақлаб қолди: у бир сакраб тепага чиқиб олди. Қазаклар буни кўриб турар эдилар, аммо бирортаси ҳам жарга тушиб мени қидирмади; мени ўлди деб ўйлашган бўлса керак-да; отимнинг кетидан қувиб кетганларини

эшитиб ётардим. Юрак-бағрим қон бўлиб кетди; жар ёқасидаги қалин ўтлар орасидан эмаклаб кетдим,— қарасам: ўрмон тугаб қолган экан, ўрмон ичидан бир-неча отлиқ казак ялангликка чиқиб келаётипти, менинг Қорақўзим ҳам худди уларнинг олдидан чиқиб қолса бўладими; ҳамма казаклар ҳайқириб унинг кетидан қувиб қолишди; анчагача қувиб юришди, айниқса бир казакнинг отимнинг бўйнига сиртмоқ ташлаб ушлаб олишига сал қолди; титраб кетдим-да, кўзларимни чирт юмиб, дуо ўқийбошладим. Бирнеча минутдан кейин кўзимни очиб қарасам: Қорақўзим думини кўтариб, худди елдай учиб юрипти, кофирлар эса йироқ даштда хорғин отларини лўкиллашиб, кетма-кет чизилишиб чопишмоқда. Худо ҳақи, роси! Ярим кечагача жардан чиқмай ўтирдим. Бунисига нима дейсан, Азамат: бир маҳал қарасам, қорсағида жар ёқасида бир от кишнаб, ер тепиниб юрипти; Қорақўзимни товушидан танидим, у менинг ўша йўлдошим эди!... Ўша-ўша бир-биримиздан сра ажралмаймиз».

Казбич ўз аргимоғининг ипакдай бўйнига уриб, ҳархил нозик исмлар блан эркалатгани эшитилди.

«Мингта биям бўлганда, ҳаммасини сенинг Қорақўзингга алишардим» деди Азамат.

«Йўқ, алишмайман»,— деб жавоб берди Казбич, лоқайдлик блан.

«Менга қара, Қазбич,— дерди Азамат, унга эркалик қилиб,— ўзинг раҳмдил одамсан, мард йигитсан, отам руслардан қўрқиб, мени тоққа чиқармайди, отингни менга берсанг, айтганингни қиламан, отамнинг энг яхши милтиғи ё қиличини ўғирлаб бераман, нима десанг—шунини келтириб бераман, отамнинг қиличи асл гурда¹⁰ қилич: дамини қўлингга текизсанг—ботиб кета. верадиган; унинг соғути олдида сеники уч пулга арзимайди».

Казбич индамасди.

«Отингни,— деб давом этарди Азамат,— остингда бурунларини кериб пишқириб ўйноқлаганини, оёқлари остидан тошлар отиб юрганини кўриб, кўнглим бирхил бўлиб кетган эди, ўшандан бери кўзимга ҳечнарсга кўринмайди; отамнинг энг бориб турган чопқир отлари-

га ҳам қарагим келмайди, уларни миниб чиқишга ҳам уяламан, юрак-бағрим қон бўлиб кетди; юрагим қайғуга тўлганидан кун бўйи тоққа чиқиб ҳасрат чекиб ўтираман, чиройли қадам ташлаб юручи, сағриси ўқ'ёйидай текис чопқиринг сра кўз олдидан нари кетмайди; худди менга бир нарса демоқчи бўлгандай, шўх кўзларини жовдиратиб кўзимга қараб тургандай бўлади. Қазбич, агар отингни менга сотмасанг, ўламан!» деди Азамат, титроқ товуш блан.

Товуши менга худди йиғлагандай бўлиб эшитилди: шуни ҳам айтиш керакки, Азамат жуда ўжар бола эди, кичкиналигида ҳам уни ҳеч йиғлатиб бўлмасди.

Унинг кўз ёшларига жавобан кулги эшитилди.

«Менга қара!— деди Азамат, шиддатли товуш блан,— кўриб турибсанки, мен ҳечнарсадан тоймайман. Хоҳласанг, опамни олиб қочиб келтириб берай. Унинг ўйнаганини кўрсанг, ашулаларини эшитсанг! Зар блан кашта тикишларини айтмайсанми! Турк подшосининг ҳам бунақанги хотини бўлган эмас... Бўптими? Эртага кечаси дара ичидаги сой бўйида кутиб турсанг, опам блан бирга нариги овулга ўтиб кетаётган бўламану,— опам сеники бўлади, вассалом. Наҳотки, Бэла сенинг чопқирингга арзимаса?»

Қазбич анчагача индамай турди; ахири, жавоб ўрнига қадимги бир ашулани ҳиргойи қилабошлади.*

Овулимизда кўп гўзал дилдорлар.
Қора кўзларида юлдузлар порлар.
Уларни севишлик хўп яхши ишдир;
Ёшлик эркинлиги ундан ҳам хушдир.
Тўрт хотинни сотиб олади тилло,
Чопқир тулпар от-чи, эрур бебаҳо:
Унга чўл шамоли тенглашабилмас,
У ҳечвақт алдамас, хиёнат қилмас**.

Азамат анчагача Қазбични кўндиришга уринди, йиғлади-сиқтади, хушомад ҳам қилиб кўрди, онг ҳам

* Қазбичнинг менга наср блан айтиб берган ашуласини ше'рга солганим учун китобхонлардан афв сўрайман; наилож: одат — иккинчи мижоз дейдилар. (*Лермонтовнинг изоҳи*).

** «Замонамиз қаҳрамони»да учрайдиган ше'рларни *Рустам Комилов* таржима қилган.

ичиб кўрди, бўлмади; охири Қазбич тоқатсизланиб унинг сўзини кесди: .

«Нари тур, тентак! Менинг отимни минишга сенга йўл бўлсин! Уч қадам босиши бланоқ-сени бир улоқ-тириб ташлайдики, калланг тошга тегиб, тарс ёрилади».

«Мени-я?»— ғазаб блан қичқирди Азамат, кейин кичкина ханжарнинг совутга тегиб жаранглагани эшитилди. Кучли кўл уни бир итариб юборган эди, бола четан деворга бориб шундай урилдики, девор лапанглаб кетди. «Тоза тамоша бўладиган бўлди-ку!» дедим ичимда ва югуриб отхонага кирдим-да, отларимизни юганлаб, орқа ҳовлига етаклаб чиқдим. Икки минут ўтмасдан уй ичи остин-устун бўлиб кетди. Воқиа бундай бўлган экан, Азамат пешмати йиртилган ҳолда уйга югуриб кирипти-да, Қазбич мени сўймоқчи бўлди, деб бақирипти. Утирганлар ўринларидан ирғиб туриб, кўлларига милтиқ олиб чиқишипти, шундан кейин тўстўполон бошланиб кетди! Қий-чув, милтиқбозлик бўлиб кетди; Қазбич отини миниб, кўчада, одамлар ўртасида қиличини ўйнатиб, гир-гир айланарди. «Тўй азага айланиб кетмасайди,— дедим мен, Григорий Александровичнинг энгидан ушлаб,— яхшиси, вақт ғаниматда кетақолмаймизми?»

«Шошманг, оқибати нима бўларкин», деди у.

«Нима бўларди, ёмон бўлади; оснёнлилар ҳаминша шунақа, бўза ичиб олишдими, пичоқбозлик бошланади!» Отимизга миниб, уйга қайтдик.

Мен тоқатсизланиб:

— Қазбич нима бўлди?— деб сўрадим штабс-капитандан.

— Унақанги одамга жин ҳам урмайди!— деб жавоб берди у, чойини ичиб бўлиб.— Қочиб қутулиб кетди!

— Ярадор ҳам бўлмадимми?— деб сўрадим.

— Худо биледи! Бу каллакесарларнинг жони қаттиқ бўлади! Жаагларда уларнинг кўпини кўрганман: ҳамаёғига найза тегиб илма тешик бўлиб кетса ҳам, қиличини ўйнатгани ўйнатган.— Бирмунча сукунатдан кейин штабс-капитан ер тепиниб, давом этди:

— Умр бўйи бир гуноҳимни кечираолмайман; мени шайтон йўлдан урибдию, девор тагида ўтириб эшитган ҳамма гапни қал’ага қайтганимиздан кейин Григорий Александровичга айтиб берибман-да! У муғомбир ҳам бир кулиб қўйди, аммо кўнглига бир нарсани тугиб қўйган экан.

— Нимани? Айтиб беринг энди буёғини ҳам.

— Начора, гапни бошлагандан кейин давомини ҳам айтиш керак.

Уч-тўрт кундан кейин қал’ага Азамат келиб қолди. У, одати бўйича, Григорий Александровичнинг олдига кирди, Григорий Александрович уни доим хилма-хил ширинликлар блан сийлаб тургучи эди. Мен ҳам ўша ерда эдим. Гап от устида борарди, Печорин Казбичнинг отини мақтайкетди: Казбичнинг оти чопқиру, кийикдай чиройлигу деябошлади, хуллас,— унинг гапига қараганда, дун’ёда ундай от йўқ эди.

Татарваччанинг кўзлари чақнаб кетди. Печорин эса ўзини билмасликка солди; мен гапни бошқа ёққа бурсам, у яна Казбичнинг отидан бошлайверди. Азамат қачон бизни кига келса, шу тўғрида гапираверди. Уч ҳафталардан кейин қарасам, худди романлардаги сингари, Азаматнинг юзлари сарғайиб, ўзини олдириб қўйипти. Нима бўлдийкин? деб ажабланаман...

Бу воқияни кейин пайқаб қолдим: Григорий Александрович уни шундай даражага олиб бориб қўйдик, бола бечора ўзини сувга ташлашдан ҳам тоймайдиган бўлиб қолди. Бир куни Григорий Александрович унга: «Ўша от сенга жуда ёқиб қопти-а, Азамат? Аммо унга етишга сенга йўл бўлсин! Айтчи, ўша отни олиб берган одамга нима берардинг?» деб қолди-ку.

«Хоҳлаган нарсасини» деб жавоб берди Азамат.

«Ундоғ бўлса, отни сенга мен олиб бераман, аммо бунинг бир шарти бор... Бажараман деб онг ичасан...»

«Онг ичаман... Сен ҳам онг ич!»

«Бўпти! Ўша от сеники бўлади деб онг ичаман; аммо унинг эвазига менга опанг Бэлани берасан, Қора-кўз унинг қалини бўлади. Ишонаманки, бу савдо сенга фойдали бўлади.»

Азамат индамай турарди.

«Хоҳламайсанми? Хоҳламасанг, майли! Мен сени йигит десам, ёш бола экансан, от минишга ҳали ёшлик қилар экансан...»

Азамат қипқизариб кетди. «Отам бор-ку?» деди у «Отанг уёқ, буёққа бориб-келиб турмайдими?»

«Рост-а.»

«Розимисан?..»

«Розиман,— деб шивирлади Азамат, юзи бўздай оқариб.— Қачон энди?»

«Қачон Қазбич келса — шунда; ўнта қўй ҳайдаб келаман деб вада берган; уёғи менинг ишим. Аммо лавздан қайтиш йўқ, Азамат!»

Шундай қилиб, икковларининг савдолари пишди... Ростини айтганда, яхши иш бўлмади! Кейинчалик мен Печоринга буни айтдим ҳам. Шунда у, ёввойи черкас қизи мендай чиройли эрга тегиб, қайтанга бахтли бўлиши керак, негаки, ҳарҳолда, мен унга эр бўламан, Қазбич эса бир қароқчи, унинг жазосини бериш керак, деди. Ўзингиз ўйлаб кўринг, мен бунга нима деялар эдим? Аммо у вақтда мен уларнинг тил бириктирган-лигидан беҳабар эдим. Кунлардан бир кун Қазбич келиб қолди-да, қўй, асал керакмасми, деб сўради; эртага келтир, деб тайинладим. «Азамат!— деди Григорий Александрович, — эртага Қоракўз менинг қўлим-да бўлади; бугун кечаси Бэла шу ерда бўлмаса — от блан хайрлашавр...»

«Бўпти!» деди Азамат ва овулга от чоптириб кетди. Кечқуруғ Григорий Александрович қурол-яроғини тақиб қал'адан чиқиб кетди: ишени қандай битиришди — билмайман, аммо ярим кечада иккови қайтиб келди. Азамат отига оёқ-қўллари боғланган, боши чодра блан ўралган бир аёлни ўнгариб келганини часовой кўрипти.

— Отчи, от нима бўлди?— деб сўрадим штабс-капитандан.

— Ҳозир, ҳозир. Эртасига эрталаб Қазбич ўнта қўй ҳайдаб келди. Отини девор ёнига боғлади-да, менинг олдимга кирди; олдига чой қўйдим, гарчи қароқчи бўлса ҳам, меҳмоним эди-да.

Иккимиз уёқ-буёқдан гапиришиб ўтирдик... Бирдан қарасам Қазбич бир сесканиб тушди, юзи бўздай оқа-

риб кетди-да, деразага отилди; бахтга қарши, дераза уйнинг орқа томонига қараганди.— «Сенга нима бўлди?» деб сўрадим.

«Отим!.. Отим!» деди Қазбич, титраб-қақшаб.

Чиндан ҳам, қулоғимга от дупури эшитилди. «Битта-яримта казак келгандир...» дедим.

«Йўқ! Урус ёмон, ўрус ёмон!» деб бақириб юборди Қазбич ва ташқарига қоплондай отилди. Икки ҳатлаб ҳовлига чиқди; қал'а дарвозасида турган часовой милтиқ блан йўлини тўсган эди, Қазбич милтиқ устидан сакраб ўтди-да, йўлдан югуракетди... Йироқда чанг кўринар эди,— Азамат Қоракўзни чоптириб кетмоқда эди; Қазбич йўл-йўлакай милтигини гилофидан олиб, ўқ узди. Бир минутча қимир этмай турди, кейин ўқнинг хато кетганини билиб чинқириб юборди, милтиқни тошга уриб чил-чил қилиб синдирди-да, ерга ётиб ёш боладай ҳўнграб йиғлаб юборди... Қал'адан одамлар чиқиб атрофини ўраб олишди, аммо унинг кўзига ҳечнарсаси кўринмасди; одамлар бирпас гапиришиб туриб, тарқалиб кетишди; мен қўйларнинг пулини Қазбичнинг олдига обориб қўйинглар деб буюрдим, пулга ҳам қарамади, худди ўликдай муккасидан тушиб қимирламай ётаверди. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, эрталабгача қимирламай ётди... Эртаси эрталаб қал'ага келди-да, отимни ким ўғирлаганини айтинглар деб ялинди. Азаматнинг отни ечиб, миниб кетганини кўриб турган часовой кўрган-билганини яширмади. Азамат номини эшитиши бланоқ Қазбичнинг кўзлари чақнаб кетди ва Азаматнинг отаси турган овулга қараб жўнади.

— Азаматнинг отаси нима бўлди?

— Бутун гап шунда-да, Қазбич унинг отасини тополмапти: у беш-олти кунга аллақасерга кетган экан, бўлмаса, Азамат опасини ўғирлаб қочаолармиди?

Отаси қайтиб келса, уйда на қизи бор ва на ўғли. Азамат жуда муғомбир бола эди. Қўлга тушса калласидан ажралишини биларди. Уша-ўша дом-дараксиз йўқолиб кетди, бирон абреклар шайкасига қўшилиб, Терекнингми ё Кубаньнингми нариги томонида калласидан ажралгандир-да, баттар бўлсин!..

Ростини айтсам, менинг ҳам бошимга кўп савдолар

тушди. Черкас қизининг Григорий Александрович уй-далигини эшитган заҳотим, эполетларим ва қиличимни тақиб унинг уйига чиқдим.

Григорий Александрович ўринда бир қўлини боши остига қўйиб, бир қўлида ўчиб қолган трубкасини ушлаб ётарди; ичкари уйининг эшиги қулф, бурнида калити кўринмас эди. Буни мен бир қарашдаёқ пайқадим... Мен жўрттага йўталабошладим, остонани тепиб ҳам кўрдим, у ўзини эшитмаганга солиб ётаверди.

«Жаноби прапоршчик!— дедим мен, товушимни мумкин қадар шиддатлироқ қилиб.— Менинг келганимни кўрмайсизми?»

«Э, салом, Максим Максимич! Трубка чекасизми?» — деди у, бошини кўтармасдан.

«Кечирасиз! Мен Максим Максимич эмас, штабс-капитанман».

«Фарқи йўқ. Чойга қалайсиз? Бошимга қандай ташвиш тушганини билсангиз эди!»

«Мен барини биламан»— дедим кроватъга яқинлашиб.

«Яна яхши, айтиб ўтиришга хушим йўқроқ эди».

«Жаноби прапоршчик, сизнинг қилган ишингизга мен ҳам жавобгар бўлишим мумкин...»

«Қўйсангизчи! Шунга ҳам ота гўри қозихонами? Ахир, анчадан бери ҳамма ишимиз шериклик-ку!»

«Бу ҳазилингиз нимаси? Марҳамат қилиб, қиличнингизни топширинг!»

«Митька, қилични келтир!..»

Митька қилични келтириб берди. Мен ўз бурчимни адо этгач, кроватъга ўтирдим-да:

«Менга қара, Григорий Александрович, ёмон иш қилиб қўйганингни бўйнингга ол»— дедим.

«Қанақа ёмон иш қилибман?»

«Бэлани олиб қочганинг... Азамат ҳам муттаҳам!.. Бўйнингга ол».

«Ҳа, ахир, яхши кўрсам нима қилай?..»

Шундан кейин нима ҳам деяолардингиз?.. Нима дейишимни билмай қолдим. Аммо бирпас жим ўтирганимдан кейин, отаси талаб қилса қайтариб бериш кераклигини айтдим.

«Қайтариб беришнинг ҳожати йўқ!»
«Қизининг бу ердалигини билиб қолсачи?»
«Қаёқдан билади?»

Мен яна индаёлмай қолдим «Менга қаранг, Максим Максимич!— деди Печорин, бошини ястиқдан кўтариб:— ўзингиздан ўтар гап йўқ,— башарти қизни ваҳший отасига қайтариб берсак — ё бўғизлаб ўлдиради, ё бировга сотиб юборади. Бўлар иш бўлди, энди ишни бузиб ўтиришнинг нима кераги бор; қиз мендаю, қилич сизда қолсин...»

«Ҳеч бўлмаса, менга бир кўрсатинг ўзини»,— дедим мен.

«Анави эшикнинг орқасида ўтирипти; бугун ўзим ҳам бир кўрай деб шунча уриндим, иложи бўлмади, бир бурчакда чодрага ўралиб ўтирипти, қарамайди ҳам, гапирмайди ҳам, кийикдай ҳуркович. Духанчининг хотинини ёллаб бердим: у татар тилини ҳам билади, хизматини ҳам қилади, унинг меники эканлигини ҳам қулоғига қуяди, чунки мендан бошқа ҳеч кимсага теголмайди», деб илова қилди Печорин, мушти блан столни бир уриб. Бунга ҳам кўндим... Нима ҳам қилаолардим? Шундай одамлар бўларканки, уларнинг гапига рози бўлмай сра иложинг йўқ.

— Уёғи нима бўлди энди?— деб сўрадим Максим Максимичдан,— ҳақиқатан ҳам Печорин уни ўзига ўргатиб олдим ё қиз тутқунликда юртини соғина-соғина, сўлиб кетдимми?

— Йўғе, нега юртини соғинаркан? Унинг овулидан кўринадиган тоғлар қал'адан ҳам кўриниб турарди, бу ёввойиларга шундан бошқа ҳечнарсанинг кераги йўқ. Ишайкейин, Григорий Александрович ҳар куни унга совға бериб турарди: дастлабки кунлари қиз совғаларни назар-писанд этмай рад қиларди, ҳаммаси духанчининг хотинига қоларди, бу эса унинг тилини янада бурро қиларди. Эҳ, ҳад'ялар-ҳад'ялар! Бир парча чиройли гулдор латта деб хотин киши нималар қилмайди!.. Хайр, буни бирёққа қўятурайлик... Григорий Александрович у блан узоқ вақт олишди, шу орада татар тилини ҳам ўрганиб олди, қиз ҳам бизнинг тилимизга тушунабошлади. Бора-бора Григорий Алексан-

дровичга кўз қирини ташлаб, зимдан қараб қўядиган бўлди, нуқул ҳасрат чекиб, ўзи билган ашулаларни ҳиргойи қилиб ўтирарди, нариги уйда ўтириб эшитиб қолсам, менинг ҳам юрагим эзилиб кетарди. Бир ҳодиса сра эсимдан чиқмайди; уйнинг ёнидан ўтиб кетатуриб, деразадан қарадим: Бэла сўрида бошини эгиб ўтирарди. Григорий Александрович эса унинг қаршисида турарди. «Менга қара, парим,— дерди Григорий Александрович унга,— эртами, кечми, ахир, меники бўлишингни ўзинг ҳам биласан-ку, нега энди мени бунчалик қийнайсан? Ё бирон чеченга кўнгил қўйганмисан? Ундай бўлса, ҳозироқ уйингга қайтариб юбораман». Бэла бир сесканиб тушди-да, бошини чайқади. «Ё мендан ҳазар қиласанми?»— деб давом этди Григорий Александрович. Бэла бир хўрсинди. «Ёки дининг мени севишингга йўл қўймайдими?» Бэланинг ранги ўчди, у чурқ этмай ўтирарди. «Ишон гапимга, ҳамманинг худоси битта, менга сени севишга йўл қўйса, нега сенга йўл қўймас экан?» Бэла худди бу янги фикрдан ажаблангандай, унинг юзига ялт этиб қаради; қизнинг кўзларида шубҳа, шу блан бирга бу гапга ишониш истаги порлар эди. Оҳ, у кўзларни айтмайсизми! Худди бир жуфт чўғдай ёниб турар эди.

«Менга қара, гўзалим, азизим Бэла!— деб давом этарди Печорин,— сени қанчалар севганимни кўриб турибсан: бир кулиб қарашинг учун ҳечнарсамни аямайман; сенинг вақтингни хуш қилиш учун ҳарнарсанга тайёрман, сенинг бахтли бўлишингни истайман; агар сен яна қайғуга ботсанг — мен ўламан. Айтчи, очилиб ўтирасанми?» Бэла қопқора кўзларини ундан узмай ўйланиб қолди, кейин эркаланиб жилмайди-да, бошини эгиб розилик билдирди. Печорин унинг қўлидан ушлаб, мени бир ўпгин деб ялинабошлади: қиз ўзини ожизлик блан ҳимоя қилар ва нуқул: «Йўқ, йўқ, қўйинг» дерди. Печорин айтганимни қиласан деб туриб олди; Бэлани титроқ босиб, йиғлаб юборди, «Мен сенинг чўрингман, асирангман,— дерди у,— мени зўрлашга кучинг етади, албатта», деб яна кўз ёши қилабошлади.

Григорий Александрович пешонасига бир мушт

урди-да, нариги уйга чиқиб кетди. Мен унинг олдига кирдим; у икки қўлини қовуштириб, қовоқларини солган ҳолда уй ичида кезиб юрарди. «Хўш, ишлар қалай, отахоним?»— дедим мен унга. «Хотин эмас, иблис экан!— деб жавоб берди Печорин.— Аммо, сизга онт ичиб айтаманки, менга тегмаса — отимни бошқа қўяман». Мен бош чайқадим. «Гаров ўйнайсизми?»— деди менга қараб:— бир ҳафтадан кейин!»—«Бўпти!» Қўл сиқишиб ажралишдик.

Эртаси куни эрталаб Печорин ҳархил совғалар олиб келиш учун Кизляр шаҳарига одам юборди; жуда кўп ҳархил эрон матолари келтирилди, у молларнинг сонисаноғи йўқ эди.

«Қалай, Максим Максимич, осиели гўзал мана бу парсаларга туриш беролармикан?»— деб сўради Печорин, матоларни кўрсатиб. «Сиз черкас қизларини билмас экансиз,— дедим мен,— булар грузин қизларига ҳам, закавказьели татар қизларига ҳам ўхшамайди, булар бутунлай бошқача. Буларнинг одатлари ҳам бошқача, бошқача тарбия кўришган». Григорий Александрович кулумсираб қўйди-да, ҳуштак блан марш чалабошлади.

Худди менинг айтганим келди, совғалар қизга унча та'сир қилмади; қиз унга меҳрибонроқ ва ишонқираброқ қарайбошлади, холос, ундан нари ўтмади; шундан кейин Печорин энг охирги чорани қилиб кўрмоқчи бўлди. Бир куни эрталаб отини эгарлатди-да, черкасча кийиниб, қуролланиб Бэланинг олдига кирди. «Бэла! деди қизга:— сени нақадар севишимни ўзинг яхши биласан. Мени яқиндан таниб, кейин-кейин яхши кўриб кетарсан деб, сени олиб қочиб келтирган эдим; мен янглишган эканман, хайр энди! Ҳамма бисот ва мулкимни сенга ташлаб кетдим; хоҳласанг — отангнинг уйига қайт, ихтиёр ўзингда. Сенинг олдингда гуноҳкорман, шунинг учун ўзимни жазолашим керак; хайр, мен кетдим, аммо қаергалигини ўзим ҳам билмайман! Балки, бахтим юришиб, бирон дайди ўқ ёки қилич тиғига дучор бўларман; ўшанда мени эсларсан ва гуноҳимдан ўтарсан»,— деди-да, юзини тескари ўгириб хайрлашгани қўл узатди. Бэла унинг қўлини

олмасдан, жим ўтирарди. Мен эшик орқасида туриб, тирқишдан қизнинг юзини кўриб турардим: жуда раҳ-мим келди, чунки бечоранинг гўзал чеҳраси бўздай оқариб кетганди! Жавоб бўлмагач, Печорин эшикка қараб бирнеча қадам юрди; у дир-дир титрарди — ростини айтганда, ҳазил қилиб айтган гапини амалга оширишдан тоймасди ҳам. Шунақа одам эди ўзи! Энди эшик бандини ушлаган эдики, Бэла ирғиб ўрнидан турди-да, хўнграб йиғлаб, унинг бўйнига осилди. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, эшик орқасида туриб мен ҳам йиғлаб юбордим, йиғлаганим йўғу, шундай...

Штабс-капитани жим қолди.

— Ростини айтсам, ҳечқачон бирорта аёл мени шунчалик севмагани алам қилди,— деди кейин, мўйловини бураб.

— Уларнинг бахтиёр ҳаёти узоққа чўзилдими? — деб сўрадим мен.

— Ҳа, Бэла кейин бизга, Печоринни биринчи кўрган кунимдан бошлабоқ ҳар кеча тушимга кириб чиқарди, ҳечким менга бунчалик ёқмаган эди деб иқроп бўлди. Рост, улар жуда бахтли эдилар!

— Э, буёғи қизиқ эмас экан-да!— деб юбордим беихтиёр.— Дарҳақиқат, бу воқиа фожиа блан тугаса керак деб ўйлагандим, бирдан умидим пучга чиқди!..— Наҳотки, ота қизининг қал'ада эканлигини пайқамади?— деб давом этдим.

— Пайқашгаю пайқаган-а, аммо бирнеча кундан кейин чолни ўлдириб кетишипти деб эшитдик. Воқиа бундай бўлади...

Яна қулоқларим диккайди.

— Шуни айтиш керакки, Қазбич отимни Азамат отасининг маслаҳати блан ўғирлаган, деб ўйлаган экан, ҳарҳолда, мен шундай деб тахмин қиламан. Бир куни Қазбич овулдан уч чақиримча нарида, йўл ёқасида пойлаб ётипти; чол қизини қидира-қидира тополмай қайтиб келаётган экан; князьнинг маҳрамлари орқада қолиб кетган эканлар,—кеч кириб, қош қорайган пайтда князь отини секин ҳайдаб хаёлга ботиб келаётган экан, бирдан Қазбич чакалакзор ичидан қоплондай ирғиб чиқиб, отига мингашиб олгану, ханжар солиб ерга

йиқитган, кейин отнинг жиловини қўлига олиб ура қочган; князь маҳрамларидан ба'зилари бунни тепаликдан кўриб қолиб кетидан қувишган бўлса ҳам, етолмаганлар.

— Отининг ўрнига от олиб, кетидан ўч ҳам олиптида,— дедим мен, штабс-капитаннинг фикрини билмоқ учун.

— Албатта, уларнинг одатига қараганда, Казбич тамоман ҳақли эди,— деди штабс-капитан.

Ўзга халқлар орасида туришга мажбур бўлган рус кишининг шу халқнинг расм-одатларига тезда ўрганиб кетиш қобилияти мени беихтиёр ҳайратда қолдирди; бу хислатнинг яхши ёки ёмон эканлигини билмайман, аммо бу хислат, русларда гоят эпчиллик ва соғлом фикр борлигини, зарур бўлган пайтларда ва даф' қилишнинг иложи бўлмаган тақдирда, ҳарқандай ёвузликни кечираолишларини кўрсатади.

Бу орада чой ҳам ичилиб бўлди; аравага қўшилган отлар анчадан бери совуқда дийдираб турар эди; ғарб томонга оғган ой анча хиралашиб қолган ва йироқдаги тоғ чўққилари тепасида худди йиртиб ташланган чодирга ўхшаган қора булутлар орасига кирайми, кирмайми деб турар эди. Биз уйдан чиқдик. Ҳамроҳимнинг кароматига қарши, ҳаво очилиб кетди, тонг ҳам сокин бўладиган кўринарди; осмоннинг йироқ уфқидаги лак-лак юлдузлар чамандай чарақларди, беғубор қор қатламлари қамраб ётган тоғ бағирларини қизартириб, шарқ томондан шафақ ёйилган сари, юлдузлар ҳам биринкетин сўниб борар эди. Унг ва чап томонимизда сирли ва мудҳиш жарлар қорайиб кўринарди, туман худди кун ёришишини сезган ва ундан қўрққандай, ғадир-будур қояларга илашиб, илондай буралиб-буралиб, жарликларга кириб борарди.

Эрталабки ибодат вақтида инсон қалби қандай сокин бўлса, осмон ҳам, ер ҳам шундай сокин эди: ах'ён-ах'ёнда шарқ томондан эсган енгил шабада отларнинг қиров босган ёлларини елпиб-елпиб қўяр эди. Биз йўлга тушдик; беш нафар қирчанғи от араваимизни қинғирқийшиқ йўлдан Гуд-Тоққа зўрға судраб чиқарди; ўзимиз арава кетидан пиёда борар ва отлар ҳолдан

тойган пайтларда гилдирак тагига тош қистириб қўяр эдик; назаримда, йўл худди осмонга чиқиб кетаётгандай туюларди, чунки қанча тикилиб қарамай, ҳамон баландга кўтарилиб борар ва охири кеча куни Гуд-Тоғ тепасида худди ўлжа кутиб ўтирган калхатга ўхшаб кўринган қопқора булут ичига кириб, кўздан ғойиб бўлиб кетар эди; оёғимиз остида қор ғиғирларди; ҳаво шу қадар сийраклашиб борар эдики, зўрға нафас олардик; қон ҳадеб бошга қуюлиб келаверарди, аммо шу блан бирга, бутун томирларимга аллақандай шодлик туйғулари ёйилиб, бутун оламнинг тепасига чиқиб олганим учун вақтим хуш бўлиб кетган эди: тўғри, бу ҳис болаларга хос бўлган ҳисдир, йўқ демайман, аммо жамиятдан йироқлашган ва табиатга яқинлашганимиз сари, ўзимиз ҳам беихтиёр болаларга ўхшаб қоламиз; дилимиздаги ҳамма ташвишлар йўқолади ва бир вақтлардагидек, яна поклашади ва келажакда ҳам шундай бўлса керак, албатта. Менга ўхшаб тоғ-тошларни кезиб, ажойиб ва ғаройиб манзараларни кўриб юрган, тоғлар ва даралардан анқиган ҳаётбахш ҳавони суқланиб-суқланиб ютишга ўрганган одам, менинг бу сиҳрли манзараларни айтиб беришга ва тасвирлашга бўлган ҳавасимнинг қанчалик зўр эканлигини билади, албатта. Ниҳоят, Гуд-Тоғнинг чўққисига ҳам етдик, тўхтаб атрофга назар ташладик: чўққи устида кулранг булутлар осилиб турар ва унинг муздек нафаси яқинда бўрон туришидан дарак берарди, аммо кунчиқар томон шу қадар беғубор ва ярқираб турар эдики, биз, я'ни мен блан штабс-капитан уни бутунлай унутдик... Ҳа, штабс-капитан ҳам унутди, чунки табиат гўзаллиги ва улугворлиги сезгиси биздек ҳаяжонланган ҳикоячиларнинг дилидагидан кўра содда одамларнинг дилида кучлироқ бўлади.

— Сиз бундай ажойиб манзараларни кўравериб ўрганиб қолгандирсиз?— дедим мен.

— Ҳа, ўқнинг визиллаб учишига ҳам, я'ни юракнинг гупиллаб уришини яширишга ҳам ўрганиш мумкин.

— Аксинча, ба'зи кекса жангчиларга бу нарса мусиқадай ёқади деб эшитувдим.

— Истасангиз, бу ҳам тўғри, ёқади; аммо юрагингиз янада қаттиқроқ ургани учун ёқади. Бир қаранг, қандай гўзал ўлка!— деб илова қилди штабс-капитан, кунчиқар томонни кўрсатиб.

Чиндан ҳам бундай манзарани бошқа ҳечқаерда учратиш мумкин эмасди: тагимизда ястланиб ётган Қойшаур водисининг ўртасини Арагва блан яна бир сой худди кумуш уқадай кесиб ўтарди; води тепасида сузиб юрган мовий туман эрта тонгнинг илиқ шу'лаларидан ўзини атрофдаги дараларга олиб қочарди; ўнг ва чап томондаги қор, чангал босган, бир-биридан баланд тоғ тизмалари бир-бирини кесиб, ҳарёққа чўзилишиб кетарди; йироқда ҳам тоғлар, аммо қояларнинг ҳечқайсиси бир-бирига ўхшамасди,— тоғ тепаларидаги қорлар қипқизил чўғдай товланиб шу қадар ярқираб ёнардики, уни кўриб шу ерда умрбод қолиб кетгинг келарди; тўк кўкимтир тоғ ортидан,— бу ерларга яхши ўрганиб қолган кўзгина унинг қора булут эмаслигини ажратабиларди,— қуёш кўринабошлади; лекин қуёш тепасидан ўтган қон янглиғ қипқизил шафақ ҳамроҳининг диққатини жалб қилди. «Бугун ҳаво бузилади деб айтмабмидим,— деб хитоб қилди у.— Илдамроқ юрайлик, Крестовая тоғига етганимизда бўронда қолмайлик тагин».— Кейин, «Ҳайда!» деб қичқирди аравакашларга.

Аравалар пастликка сирганиб кетмасин деб, ғилдиракларга занжир боғладик, отларнинг жиловидан ушлаб, пастга тушабошладик; ўнг томонимиз баланд қоя эди, чап томонимиз эса шу қадар чуқур қорлик эдики, унинг тагига жойлашган бутун бошли осетин қишлоғи худди қалдирғоч уясидек бўлиб кўринарди; иккита арава дуч келиб қолса ўтиб кетаолмайдиган бу йўлдан қоронғи кечаларда курсерларнинг йилига ўн марталаб шалақ аравадан тушмай ўтишини кўз олдимга келтирган эдим, этим жимирлашиб кетди. Аравакашларимизнинг бири ярославльли рус мужиги бўлиб, иккинчиси — осетин эди; осетин ўртага қўшилган отни зўр эҳтиёт блан етаклаб борарди,— бизнинг беғам русимиз эса ҳатто аравадан тушмади ҳам! Мен унга, ҳеч бўлмаса менинг чемадонимнинг

гамини есангчи, жарга тушиб кетса, унинг кетидан тушиб юришга тобим борми, десам, у, «Қўяверинг, хўжайин! Худо хоҳласа, омон-эсон етиб оламиз; бу ерларда кўп юрганмиз»,— деди. У ҳақли эди: ҳақиқатан, манзилга омон-эсон етиб олмаслигимиз мумкин эдию, аммо етиб олдик; одамлар кўпроқ мулоҳаза қилиб кўрсалар ҳаётнинг бунчалик ташвишга арзимаслигини билган бўлар эдилар...

Балки, сиз Бэла воқиасининг правардини билмоқчи истарсиз? — Биринчидан, мен ёзганим қисса эмас, балки йўл хотираларидир; бинобарин, штабс-капитаннинг ўзи бошламагунча уни гапиришга мажбур этаолмайман. Хуллас, сабр қилингиз ёки, истасангиз, китобнинг бирнеча varaғини очиб қарангиз, аммо бундай қилишни маслаҳат кўрмайман, чунки Крестовая тоғи (ёки, Гамба¹¹ деган бир олимнинг айтишича, le Mont St-Christophe) дан¹² ошиш сизнинг диққатингизга арзийди. Шундай қилиб, биз Гуд-Тоғдан Чертовая водисига ошиб тушдик... Ана бу романтик номни қаранг! Кўз олдингизга дарҳол одам оёғи тегмаган тоғлар орасидан макон тутган ёвуз жинлар уяси келгандир,— йўқ, ундай эмас: Чертовая водисининг номи «чорт»* деган сўздан эмас, балки «черта» деган сўздан келиб чиққан,— чунки, бир вақтлар Грузия чегараси шу ердан ўтарди. Водини худди Саратов, Тамбов ва ватанимизнинг шунга ўхшаш азиз ерлари каби, қор уюмлари кўмиб юборган эди.

— Ана, Крестовая тоғига ҳам етдик!— деди штабс-капитан, Чертовая водисига тушганимиздан кейин қор тагида қолиб кетган бир тепаликни кўрсатиб; тепалик чўққисидан тошдан ясалган крест кўринарди, шу крест ёнидан кўзга ғира-шира кўринадиган йўл ўтарди; бошқа йўлни қор кўмиб юборган кезлардагина шу йўлдан юриларди: аравакашларимиз тоғдан ҳали кўчки тушмаганини айтишди ва отларни аяб, бизни айланма йўлдан олиб кетишди. Муюлишга етганда бешта осетинни учратдик; улар бизга ўз хизматларини таклиф етиб,

* Чорт — шайтон, ажина. (Тарж)

** Черта — чизик, чегара. (Тарж)

ҳай-ҳувлашиб аравамизнинг ғилдирагидан итарaboш-ладилар. Йўл ҳақиқатан ҳам хавфли эди: ўнг томондан, тепамиздан бир шамол кўтарилса даранинг ичига қулаб тушишга тайёр қор уюмлари осилиб турарди; торгина йўлнинг бир қисмини қор кўмиб юборган, ба'зи ерларда қор тиззамизгача чиқарди, ба'зи ерларда эса офтоб шу'лалари ва тунги совуқнинг кучи блан яхлаб қолганди, шунинг учун биз аранг юриб борар эдик; отлар тойиб йиқиларди; чап томонимиз жуда чуқур жарлик бўлиб унинг тагидан ҳайқириб оққан дар'ё гоҳ муз тагига кириб кетар, гоҳ қопқора тошлар устидан кўпириб оқарди.— Крестовая тоғини икки соатда айланиб ўтибмиз,— икки соат ичида атиги икки чақирим йўл босибмиз, холос! Шу орада булутлар пастлашиб, олдин дўл, кетидан қор ёгабошлади; даралар ичига бостириб киручи шамол худди Соловей-Разбойник¹³ сингари бўкирар, ҳайқирар, ҳуштак чалгандай чийилларди, кўп ўтмай тош крестни шарқ томондан тўлқинланиб келучи туман босиб, крест кўздан ғойиб бўлди... Дарвоқи', шу крест тўғрисида ғалати, аммо кенг тарқалган ривоят бор, шу ривоятга қараганда бу крестни Петр I Кавказдан ўтиб кетаётганида қўйдирган эмиш; аммо биринчидан, Петр фақат Доғистонгача келган, иккинчидан эса, крестнинг устига, генерал Ермоловнинг амри блан қўйилган деб катта-катта ҳарфлар блан ёзилган, демак крест 1824-нчи йилда қўйилган бўлади. Аммо, мазкур лавҳанинг бўлишига қарамай, ривоят шу қадар сингиб кетган эдики, лавҳаларга ишонмаслигимизни назарга олганда, қайсибирига ишонишингни ҳам билмайсан киши.

Коби бекатига етиб олишимиз учун яхмалак тошлар ва юмшоқ қорлар устидан яна беш чақиримча юришимиз керак эди. Отларимиз жуда ҳолдан тойган, ўзимиз ўлардай совқотган эдик; бўрон худди ўзимизнинг шимол бўронлари сингари тобора зўрайиб борарди; фақат унинг мудҳиш ноласи ниҳоятда ғамгин ва мунгли эди. «Сен ҳам ўзингнинг бепоён кенг даштларингни соғиниб йиғларкансан, дарбадар!— деб ўйлардим мен.— У ерларда совуқ қанотларингни қанча керсанг кераверасан, бу ерда эса худди темир қафас панжараларига чин-

қириб қанотларини урган бургут янглиғ сиқиласан, димиқасан».

— Иш чатоқ!— деди штабс-капитан,— атрофга бир қаранг, туман блан қордан бошқа ҳечнарсa кўринмайди; фалокат босиб, жаргами ё бирон чуқургами тушиб кетмайлик; пастда Байдара қутуриб ётган бўлса — тагин ўтолмаймиз. Осиёнинг шуниси ёмон-да! Одамларига ҳам, дар'ёларига ҳам ишониб бўлмайди!— Аравакашларимиз пишқирган, оёқларини тираб олиб, қамчиларнинг аччиқ зарбига ҳам қарамасдан, жойларидан силжимай турган отларга бақириб, сўкина-сўкина савалардилар.

— Тақсир, бугун барибир Қобига етолмаймиз,— деб қолди аравакашлардан бири,— рухсат этсангиз, вақт боридa чапга бурилсак. Ҳов анови тоғ бағрида бир нарсa қорайиб кўринади, эҳтимол, уйдир: ҳаво бузуқ кезларда йўловчилар ҳамиша ўша ерга қўнади, ановилар, ароқ пули берса, бошлаб борамиз дейишяпти,— деб илова қилди аравакаш, осетинни кўрсатиб.

— Биладан, ука, сенсиз ҳам биладан!— деди штабс-капитан,— шу йўл бошлаб боручилар ҳам ёмон жонимга тегди-да! Ароқ пули олиш учун топган баҳоналарини қаранг-а!

— Ҳарҳолда, иқрор бўлишингиз керакки, булар бўлмаганда аҳволимиз чатоқ бўларди,— дедим.

— Ҳа, тўғри, тўғри,— деб пиғиллади штабс-капитан.— Уф, бу йўлбошловчилар роса жонимга тегди-да! Қаердан фойда чиқса, дарров исини билишади, гўё буларсиз йўл топилмайдигандай.

Чапга бурилдик, кўп машаққатлардан кейин зўрға бир манзилга етиб олдик, бу манзил ҳарсанг тошлардан ясалиб тошдеворлар блан ўраб олинган икки хоналик бир кулба эди. Жулдир-жулдир кийинган уй эгалари бизни зўр хурсандчилик блан кутиб олишди. Кейин билсам, ҳукумат бўронда қолган йўловчиларга манзил бериш шарти блан уларга ҳақ тўлар ва озиқовқат блан та'минлаб тураркан. «Ҳарҳолда, жуда яхши бўлди!— дедим мен, гулхан ёнига ўтириб,— энди Бэла воқиасининг охирини айтиб берасиз, имоним комилки, воқиа ўша блан тугамандир».

— Нима учун имонингиз комил?— деди штабс-капитан, муғомбирлик блан кўз қисиб.

— Шунинг учунки, одатда бундай бўлмайди: ғайритабiiй бошланган нарса ғайритабiiй равишда тугалиши керак.

— Ҳа, топдингиз-а...

— Ғоят хурсандман.

— Сиз-ку хурсанд бўласиз-а, аммо менинг эсимга тушса ҳозир ҳам юрагим ачишиб кетади. Бэла жуда ажойиб қиз эди! Кейин-кейин уни худди ўз қизимдай яхши кўриб қолдим, у ҳам мени яхши кўрарди. Шуни ҳам айтишим керакки; менинг бола-чақам йўқ, сўққа-бош одамман; ота-онамдан хабар келмаганига ҳам 12 йилча бўлди, вақтида ўйланиб ҳам олмаган эканман,— энди менга ўйланиш ярашмаса керак; шунинг учун ҳам, эркалатадиган овунчоқ топиб олганимдан хурсанд эдим... Ба'зан у бизга ашулалар айтиб, лезгинкага ўйнаб берар эди... Унинг ўйнаганини кўрсангиз! Ўзимизнинг губерния қизларини кўп кўрганман, бир марта, бундан 20 йилча муқаддам, Москвада аслзодалар клубида ҳам бўлганман,— аммо бунинг олдида уларга йўл бўлсин. Улар иш счолмайди!.. Григорий Александрович уни қўғирчоқдай ясаптириб қўяр эди, жуда яхши парвариш қилди, ўзи ҳам бизникида туриб, шунақанги очилиб кетдики, асти қўяверинг; қуёшда қорайган юзи ва қўллари оқариб, юзлари олмадек қипқизил бўлиб кетди... Жуда шўх бўлиб кетганди қизи тушмагур. Нуқул менга тегишгани тегишган эди... Худо ўзи кечирсин!

— Отасининг ўлганини айтганингиздан кейин нима бўлди?

— Уз аҳволига кўникиб кетгунча бу сирини ундан яшириб юрдик; айтганимиздан кейин бир-икки кун йиғлади-ю, кейин эсидан чиқиб кетди.

Тўрт ойча яхши туришди. Григорий Александрович овга жуда ишқивоз эди деб айтувдим, шекилли; илгарилари тўнғиз ё кийик овлаб ўрмондан чиқмас эди, энди бўлса қал'а деворидан нарига ҳам ўтмайдиган бўлиб қолди. Аммо кейин қарасам: яна хаёлга чўмиб қўлларини орқасига қилиб, уй ичида айланиб юрадиган

бўлиб қолди; кейин бир кун ҳечкимга айтмасдан овга кетибди,— кун бўйи овда юрди; бир кетди, икки кетди, кейин овга бормайдиган кун қолмади... Яхши эмас, ораларига совуқчилик тушганга ўхшайди, деб ўйладим.

Бир куни эрталаб уларникига кириб қолдим,— бу воқиа ҳали ҳам кўз олдимдан кетмайди, қора шоҳи пешмат кийган, юзлари сўлгин Бэла кроватда ўтирипти, чеҳраси ғамгин; кўриб қўрқиб кетдим.

«Печорин қани?» — деб сўрадим.

«Овда».

«Бугун кетдими?»— Бэла худди гапиришга қийналгандай, индамай ўтирарди.

«Йўқ, кеча кетган эди»— деди у, ниҳоят, оғир хўрсиниб.

«Бирон фалокатга учраган бўлмасин тагин?»

«Кеча куни блан хаёл суриб ўтирдим,— деди Бэла, йиғи аралаш,— миямга минг хил хаёллар келди: гоҳ уни ёввойи тўнғиз ярадор қилдим, ё чечен тоққа олиб қочиб кетдим, дейман... Бугун эса мени севмаса керак деб ўйлаб ўтирибман».

«Бундан баттароқ нарсани ўйлаб топмадингми, қизим?!»— Бэла йиғлаб юборди, сўнг бошини ғурур блан баланд кўтарди-да, кўз ёшларини артиб давом этди:

«Агарда мени севмаса, уйимга қайтариб юборишига нима тўсқинлик қилади? Мен уни зўрламайман. Бундан буён ҳам шундай бўлса, ўзим кетаман қўяман: мен унинг чўриси эмасман — князь қизи бўламан!...»

Мен уни юпатабошладим:— «Менга қара, Бэла, ахир, у сенинг этагинга тикиб қўйилган эмаски, уззукун уйдан чиқмай ўтирса; ахир у ёш йигит бўлса, овга ишқивоз бўлса,— юради, юради-да, яна қайтиб келади; ташвиш чекаверсанг, хафа бўлаверсанг қайтанга уни тезроқ зериктириб қўясан».

«Рост, рост!— деб жавоб берди Бэла,— энди хушчақчақ бўлиб ўтираман». Кейин кулди-да, чилдирмасини чалиб, ашула айтишга ва ўйинга тушиб, атрофимда чириллаб айланишга бошлади; аммо бу ҳам узоққа

бормади, яна кроватъга ўзини ташлади-да, қўллари блан юзини беркитиб олди.

Нима ҳам қилаолардим? Менинг хотин кишига сра ишим тушмаган; уни қандай овутай деб ўйлаб-ўйлаб, ҳеч иложини қилаолмадим; бирмунча вақт иккимиз жим қолдик... Жуда оғир аҳвол юз берди!

Ахири мен унга: «Истасанг юр, тупроққўрғонни айланиб келамиз? Ҳаво жуда яхши» дедим. Сентябрь ойи эди. Дарҳақиқат, кун жуда яхши эди; қуёш порлаб турса ҳам, унча иссиқ эмас эди, ҳамма тоғлар худди кафтда тургандай равшан кўринарди. Биз индамасдан қал'а кўтармасини айланиб юрдик; ниҳоят, Бэла чимга ўтирди, мен ҳам унинг ёнига ўтирдим. Эсимга тушса — кулгим қистайди; мен худди унинг мураббиясидай кетидан эргашиб юрардим.

Қал'амиз баландликда эди, валдан жуда ажойиб манзара очиларди: бир томон — бирнеча жарлик тилкалаб ташлаган кенг яланглик бўлиб, охири тоғ тизмасигача чўзилган ўрмонга бориб туташарди; ялангликнинг у ер, бу ерида тутунлар бурқиётган овуллар кўринарди, йилқилар ўтлаб юрарди; бошқа томондан эса кичкина сой оқарди, сойнинг нариги томонини Кавказнинг катта тоғларига қўшилиб кетган қирра тошли бутазорлар қоплаб ётарди. Биз бастион¹⁴ бурчагида ўтирардик, шунинг учун икки томон ҳам яққол кўриниб турарди. Бир маҳал қарасам, ўрмон ичидан кўк от минган бир киши чиқиб биз томонга отини елдириб келаверди, ниҳоят, сойнинг нариги бетига, биздан юз саржинча нарига келиб тўхтади-да, худди қутургандай, отини ўйноқлатабошлади. Бу нима қилгани, дедим ичимда... «Сен қара, Бэла ёшсан, кўзинг ўтқир, у сувори ким экан, кимга тамоша кўрсатгани кепти?..» дедим.

Бэла қаради ва бирдан: «Казбич-ку!..» деб қичқириб юборди.

«Оббо, қароқчийей! Бизни мазах қилгани желдимиз?» Синчиклаб қарасам, худди Казбичнинг ўзгинаси, афтибашараси қора, устоши жулдир, аввалгидай ифлос. «Тагидаги от — отамнинг оти», — деди Бэла, қўлимдан маҳкам ушлаб; ўзи худди теракнинг баргидай титрарди, кўзлари ўтдай чақнаб кетди. — «Ҳа-ҳа, — дедим ичим-

да,— сенинг томирларингда ҳам қароқчи қони қайнар-
кан-ку!»

«Бери кел,— дедим мен, часовойга,— милтигингни
сл, ҳов анови суворини отдан йиқитсанг — кумуш сўл-
кавой оласан». — «Хўп бўлади, жаноби олийлари; аммо
бир жойда тек турмаяпти-да...» деди — «Буюр, тур-
син!» — дедим мен, кулиб... «Ҳой, оғайни! — деб
бақирди часовой, қўлини силкитиб,— бирпас тек тур,
намунча гир-гир айланмасанг?» — Қазбич чиндан ҳам
тўхтаб қулоқ солабошлади; музокара бошлади деб ўй-
лаган бўлса керак, аммо чучварани хом санаган эди!
Менинг гренадёрим¹⁵ милтиқни мўлжалга олди-да... пақ
этиб отди... тегмади; фақат порохнинг чақнаб ёнгани
кўринди, холос; Қазбич отини бир ниқтаган эди, от
четга сакради. Қазбич оёғини узангига тираб қаддини
ростлади-да, ўз тилида бирнималар деб, қамчинини
ўхталиб, қочиб кетди.

«Уят сенга!» — дедим, часовойга қараб.

«Жаноби олийлари, жон бергани кетди,— деб жа-
воб қайтарди часовой,— бу ла'нати халқ ўқ еса ҳам
дарров ўлақолмайди».

Чорак соатдан кейин Печорин овдан қайтди; Бэла
уинг бўйнига ўзини ташлади, узоқ йўқолиб кетгани
учун ундан ўпкаламади ҳам, гина ҳам қилмади... Ҳатто
менинг ҳам Печориндан аччиғим чиқиб кетди.— «Ҳой,
менга қаранг, инсоф борми ўзингизда,— дедим унга
ҳозирнинг ўзида Қазбич сойнинг нариги томонида эди,
биз уни ўққа тутдик; йўлда дуч келиб қолса нима
килардингиз? Тоғлилар жуда қасосчи халқ бўлади: оти-
ни Азамат блан тил бириктириб ўғирлаганингизни пай-
қамади деб ўйлайсизми? Бошимни гаровга қўйиб айта-
манки, энди Бэлани ҳам таниди. Бундан бир йил бурун
Бэлани яхши кўриб юрганини биламан,— менга
ўзи айтиб юрар эди,— тузукроқ қалин тўлашга кўзи
етганда совчи ҳам қўйдирган бўлар эди...» — Шундан
кейин Печорин ўйланиб қолди.— «Рост, эҳтиёт бўлиш
керак...» — Бэла, бугундан э'тиборан қал'адан ташқа-
ри чиқмаслигинг керак», — деди.

Кечқурун у блан анчагача баҳслашиб ўтирдик,
бечора қизга бўлган муносабатининг ўзгарганидан жаҳ-

лим чиққан эди; эртадан кечгача овда юришидан ташқари, Бэлдан ҳам кўнгли совуган, уни камдан кам эркалайдиган бўлиб қолган эди, Бэла бояқиш сўлийбошлаган, юзларининг қони қочган, шахло кўзлари ҳам сўнабошлаган эди. «Нега хўрсиндинг, Бэла, хафамисан?» деб сўрасам:— «Йўқ!»— дерди. «Кўнглинг бирон нарса истайдими?» — «Йўқ!»— «Қариндош-уруғларингни сўгиндингми?» — «Менинг ҳечқанақа қариндош-уруғим йўқ». Ҳатто шундай бўлардики, бутун кун бўйи ё «ҳа», ё «йўқ»дан бўлак ҳечнарсаси демасди.

Печоринга мен шуларни гапириб бердим.— «Менга қаранг, Максим Максимич,— деб жавоб берди у:— менинг мижозим жуда ёмон-да; тарбия орқасида шундай бўлганманми, ё худо шундай яратганми, билмайман; фақат шуни биламанки, агар бошқаларнинг бахтсизлигига сабабчи бўлсам, ўзим ҳам улар каби бахтсиз бўлиб кетаман. Шубҳасиз, бу нарса у бахтсизларга тасалли бўлаолмайди, албатта,— аммо, начора, ҳамма кулфат шунда. Илк ёшлигимда, ота-опамнинг қаноти остидан чиққан дамдан бошлаб, пулга сотиб олиш мумкин бўлган ҳамма айш-ишратларни тотиб кўрабошладим, шубҳасиз, бу айш-ишратлар ахир бориб кўнглимга урди. Кейин жамиятнинг юқори табақасига отилдим, кўп ўтмай бу ҳам жонимга тегди; аслзода гўзалларга муҳаббат қўйдим, улар ҳам мени яхши кўришарди,— аммо уларнинг ишқи фақат менинг фикри-хаёлимни ва иззати-нафсимни қўзғатарди, холос; қалбим эса бўшлиғича қолаверарди... Китобга берилдим, ўқидим — илмарифат ҳам кўнглимга урди; шуҳратнинг ҳам, бахтнинг ҳам уларга боғлиқ эмаслигини билдим, чунки ҳаммадан бахтли нодонлар экан, шуҳрат деган нарса толининг ўзи экан, унга эришиш учун фақат абжир бўлсанг кифоя экан. Шундан кейин, юрагим сиқилиб, диққинафас бўлабошладим... Кўп ўтмай мени Кавказга кўчиришди; бу давр умримнинг энг бахтли даври эди. Мен чеченлар ўқи остида одам диққинафас бўлмас керак деб ўйладим,— афсус, янглишибман; бир ой ўтмасдан ўқларнинг визиллаб учишига ва ажал бланёнма-ён юришга шу қадар ўрганиб кетдимки, улардан кўра чивинлар менинг диққатимни кўпроқ жалб этади-

ган бўлиб қолди,— илгаригидан ҳам баттар зерикабошладим, чунки энг сўнги умидимдан ҳам ажралган эдим. Бэлани биринчи марта ўз уйимда кўриб, тиззамга олиб ўтирганимда, қопқора сочларидан ўпганимда мен тентак уни тақдир менга шафқат қилиб юборган фаришта деб ўйлабман. Тагин янглишибман, ваҳший қизнинг ишқи зодагон хонимнинг ишқидан сал афзал экан; биринчисининг ноз-карашмаси кўнгилга ургандек, иккинчисининг нодонлиги ва соддадиллиги ҳам кўнгилга урар экан. Ростини айтсам, мен уни ҳозир ҳам севаман, бирнеча лаззатли дамлар бахш этгани учун мен ундан жуда миннатдорман, унинг учун жонимни фидо қилишга ҳам тайёрман, аммо унинг ёнида бўлсам — зерикаман... Тентакманми, ё ёвузманми, билмайман; аммо, шунисини биламанки, мен ҳам унинг сингари ачинишга зорман, балки ундан ҳам кўпроқ зордирман; менинг руҳимни юқори муҳит бузган, фикр-хаёлим ҳамини нотинч, қалбим сра тўймайди; менга ҳар нарса ҳам оз; лаззатга ва мазага қанча тез ўргансам, ҳам ҳасратга ҳам шунча тез кўникиб кетавераман, турмуш кундан кунга кўзимга ма'носиз бўлиб кўринади; биргина иложим қолди: у ҳам бўлса — саёҳат. Иложи бўлган кунни жўнайман,— аммо Европага эмас, Европага боришдан худо сақласин!— Америкага, Арабистонга, Ҳиндистон томонларига кетаман,— зора, йўлда ўлиб кетсам! Ҳарҳолда, бўронларга учрарман, ёмон йўллардан юришга тўғри келар, ишқилиб, бу сўнги юпанчим тезда тугамаса керак деб умид қиламан». Шу таҳлитда у узоқ гапириб ўтирди, унинг ҳамма гаплари миямга қаттиқ ўрнашиб қолди, чунки бундай сўзларни 25 яшар йигитдан биринчи марта эшитишим эди, худо хоҳласа, ортиқ эшитмасман... Ажабо! Айтингчи,— деб мурожаат қилди менга штабс-капитан,— сиз яқиндагина пойтахтда бўлгансиз: у ердаги ҳамма ёшлар ҳам шунақами?

Мен, худди шундай дегучи одамлар жуда кўп, улар орасида ростгўйлари ҳам бордир; ҳамма одатлар сингари, дунёдан бешиш ҳам жамиятнинг юқори табақаларидан бошланиб, энди пастки табақаларига тушди, ҳозир эса ҳақиқатан ҳам зерикучи ва дунёдан безучи одамлар бу бахтсизликни худди бир нуқсонни яшир-

гандай яшириб юрадилар, дедим. Штабс-капитан бу нозик нуқталарга тушунмади, бошини чайқади-да, муғомбирлик блан кулумсираб:

— Зерикиш модасини французлар чиқаргандир-да?— деди.

— Йўқ, англизлар.

— Шунақами!..— деди у,— ие, улар ашаддий пияниста халқ-ку, ахир.

Шу онда бирдан москвали хонимлардан бири эсимга тушиб кетди, у хоним Байрон — пияниста эди, шундан ортиқ ҳечнимаси йўқ эди, дерди. Аммо штабс-капитаннинг тапини кечирса бўлади: ичкиликдан ўзини тийиб юриш учун дун'ёдаги ҳамма фалокатлар ичкилик туфайли келиб чиқади деб ўзини ўзи ишонтирарди.

Штабс-капитан ҳикоясини давом эттирди:

— Қазбич қайтиб келмади. Аммо, нима учундир, унинг ўша сафар келиб кетгани бежиз эмас, бир нарсага қасд қилиб юрипти деган фикр миямдан ҳеч кетмас эди.

Кунлардан бир кун Печорин мени тўнғиз овига судраб қолди; мен олдинига тўнғизни кўрмаганманми деб, кўнмадим. Шундай бўлса ҳамки, қўймасдан олиб кетди. Ёнимизга бешта солдатни олиб сахар чоғида йўлга чиқдик. Соат ўнгача тўқай ва ўрмонларда изғиб юрдик,— тўнғиз учрайвермади. Ҳой, уйга қайтайлик,— дедим мен,— мунча ўжарлик қилмасангиз? Бугун омадимиз юрмайдиган кун экан!» Аммо, жазирама иссиқ-да чарчаганимизга қарамай, Григорий Александрович ўлжасиз қайтишни истамасди... Шунақанги ўжар одам эди-да: сра айтганини қилмасдан қўймасди; ёшлигида онаси эрка-тантиқ қилиб ўстирган бўлса керак... Ахир, туш пайтига бориб, бир ла'нати тўнғизни топдик: пақ-пақ ўқ узиб қолдик... тегмади, тўқайга кириб кетди... Омад келмаган кун эди-да ўзи!.. Бироз дамимизни олиб, уйга қайтиб кетдик.

Отларнинг жиловларини қўйиб, индамасдан ёнмаён келардик, қал'ага ҳам яқин қолган эди; уни биздан фақат чакалакзор тўсиб турарди. Бирдан ўқ узилди... Иккимизнинг ҳам кўнглимизда бир шубҳа туғилиб, бир-биримизга ялт этиб қарадик... Ўқ чиққан томонга

қараб от қўйдик, бориб қарасак,—тупроққўрғон тепаси-
да бирталай солдат тўпланишиб турар ва нуқул очиқ
ялангликни кўрсатар эдилар, ялангликда эгарга оқ
бир нарсани ўнгариб олган бир отлиқ отини зўр бериб
чоштириб кетмоқда эди. Григорий Александрович худ-
ди чеченга ўхшаб чинқирди-да, жилддан милтиғини
чиқариб, отлиқнинг кетидан қувакетди; мен ҳам унинг
кетидан от қўйдим.

Бахтимизга, овимиз юришмагани учун отларимиз
ҳам унча чарчамаган эди: отлар елдай учиб борарди,
отлиққа тобора яқинлашар эдик... Ниҳоят, отлиқни
танидим, Қазбич экан, аммо отга ўнгариб кетаётган
нарсасининг нималигига сра ақлим етмасди. Печоринга
етиб олдим-да, «Қазбич экан!» — деб қичқирдим. У
менга қараб, бошини силкиб, отига қамчи берди.

Ахири орамизда бир милтиқ отими масофа қолди;
Қазбичнинг оти чарчаб қолдими, ё бизниқидан ёмон
эдим, ҳарҳолда қанча қистамасин, оти сра илгари
силжимас эди. Шу топда ўзининг Қоракўзини минг
марта эслаган бўлса керак, деб ўйлайман...

Бир маҳал қарасам, Печорин мўлжалга олаяпти...
«Отманг!— деб бақирдим:—ўқни эҳтиёт қилиш керак;
биз уни шундай ҳам қувиб етамиз». Ёш йигит-да:
салга қони қизишиб кетади... Уқ узилди, ўқ отнинг
кейинги оёғига тегди; от яна ўн қадамча сакраб-сак-
раб борди-да, қоқилиб, тиз чўкиб қолди. Қазбич отдан
сакраб тушди, шундагина унинг қўлида кўтариб турган
нарсаси чодрага ўралган хотин эканини пайқадим... У
Бэла эди... бечора Бэла!— Қазбич ўз тилида бизга
бирнималар деб бақирди-да, Бэлага ханжар ўқталди...
Вақтни бой бермаслик керак эди, мен ҳам таваккал
деб ўқ уздим; ўқим Қазбичнинг елкасига бориб теккан
бўлса керак, негаки бирдан қўли пастга осилиб тушди.
Тутун тарқалиб бўлгач қарасак, ерда ярадор от, унинг
ёнида Бэла ётипти; Қазбич бўлса милтиғини ташлаб,
худди мушукдай қояларга тирмашиб, тоққа қочиб
чиқиб кетмоқда эди; бир ўқ блан уриб туширмоқчи
бўлдим, броқ тайёр ўқим йўқ экан! Отдан сакраб
тушиб, Бэланинг ёнига югурдик. Бечора қимир этмас-
дан ётарди, ярасидан шариллаб қон оқарди... Вой

зѳлим одам, ханжар урсанг юрагига урмайсанми, бира-
тўла муродингга етардинг! Йўга, елкасига урипти... Уз
оти блан босмачи-да! Бѳла хушсиз етарди. Чодрани
йиртиб, ярасини мумкин қадар қаттикроқ қилиб боғла-
дик; Печорин унинг музлаб қолган лабларидан шунча
ўпса ҳамки, қиз ўзига келмасди.

Печорин отга минди; мен Бѳлани ёрдан кўтариб,
бир амаллаб унинг эгарига миндириб қўйдим; Печо-
рин унинг белидан кучоқлаб олди, қал'ага қайтиб кет-
дик. Бирнеча минутлик жимликдан сўнг Григорий Алек-
сандрович менга: «Менга қаранг, Максим Максимич,
бундай боришда тирик олиб бораолмаймиз» — деди.
Мен — «Тўғри айтасиз» — дедим, отларимизни елдай
чоптириб кетдик. Қал'а дарвозаси олдида бизни бир-
талай одам кутиб турган эди; ярадорни авайлаб Печо-
риннинг уйига олиб кирдик-да, докторга одам юбор-
дик. Доктор маст бўлса ҳамки, келди; ярани кўрди-да,
бир кунлик умри қолганини айтди, аммо у янглишган
эди.

— Тузалиб кетдимиз? — деб сўрадим штабс-капи-
тандан, беихтиёр суюниб, унинг қўлидан ушлаб.

— Йўқ, — деди у, — докторнинг хатоси шу эдики,
Бѳла яна икки кун яшади.

— Қандай қилиб Қазбич уни олиб қочипти?

— Воқиа мана бундай бўлган: Печориннинг тақиқ-
лашига қарамай, Бѳла қал'адан чиқиб, сой бўйига
борипти. Нега десангиз, кун жуда иссиқ эди; харсанг-
тош устида оёқларини сувга солиб ўтирган экан. Қаз-
бич билдирмасдан секин келипти. Хиппа бўғиб, чака-
лакзорга судрапти-да, кейин отга ўнгариб, ура қочиб
қолипти. Бѳла бир амаллаб бақирипти, часовойлар
эшитиб қолиб, ўқ узишиптию, аммо тегмапти, худди
шунинг устига биз келиб қолган эдик.

— Қазбич уни олиб қочиб нима қиларкан?

— Ана, холос! Ахир, черкасларнинг ўғри халқлиги
ҳаммага ма'лум-ку: улар нима тўғри келса — илиб
кетаверади, кераксиз нарса бўлса ҳам ўғирлашаверади...
бусиз туролмайди! Бунинг устига, Қазбич Бѳлани анча-
дан бери яхши кўриб юарди.

— Шундай қилиб, Бѳла ўлдими?

— Улди; аммо жуда азоб чекиб ўлди, биз ҳам у блан бирга кўп азоб тортдик. Кечкурун соат ўнларда ўзига келгандай бўлди; биз унинг бошида ўтирар эдик; шундай кўзини очдию, Печорин, Печорин деб чақира-верди.—«Мен шуердаман, ёнингда ўтирибман, жоним»— деб — жавоб берди Печорин, қизнинг кўлидан ушлаб. Бэла — «Мен ўламан!»— деди. Биз уни юпатабошла-дик, доктор албатта тузатаман деб айтди, дедик; бечо-ра бошини чайқаб, юзини деворга ўгирди, унинг сра ўлгиси келмасди!..

Кечаси алаҳлаб чиқди; боши ўтдай ёнарди, бутун бадани худди безгак тутгандай қалтирарди; отасини, укасини эслаб алланималар дерди: тоғларни, ўз уйини соғинган бўлса керак-да... Кейин яна Печоринни чақи-рабошлади, уни эркалаб ҳархил нозик исмлар блан атар ё бўлмаса ўз жонгинангни ортиқ севмайсан, деб ўпкаланарди...

Печорин қуйи солинган бошини кафтлари орасига олиб бу гапларни индамай эшитиб ўтирарди; аммо унинг кўзларида бир томчи ҳам ёш кўрмадим; чиндан ҳам йиғлашни билмасмиди, ё ўзини йиғидан тийиб ўти-рармиди — билмайман; менга келганда, умримда бун-дан кўра қайғулироқ ҳодисани кўрмаганман.

Эрталаб алаҳлаши тўхтади; бир соатча қимир этмай ётди, ранги синиқиб шу қадар ҳолдан тойган эдики, нафас олиши зўрға сезиларди, кейин бироз тузалган-дай бўлди, гапирабошлади ҳам, аммо нима тўғрисида гапиради денг?.. Бундай гаплар фақат ўлим тўша-гида ётганларнинггина эсига тушади!.. Ўзининг христи-ан динида бўлмаганидан, у дун'ёда руҳи Григорий Александровичнинг руҳи блан қовушолмаслигидан, жаннатда Григорий Александровичнинг руҳига бошқа бирон хотиннинг руҳи ёр бўлиши ҳақида сўзлаб қайғи-рарди. Менинг миямга, уни ўлиш олдидан чўқинтириб, христиан динига ўтказиш фикри келди, бунга ўзига айт-дим; у бирнима деяолмай, анчагача менга қараб ётди; кейин қайси динда туғилган бўлсам, шу динда ўла-ман, деди. Шу зайлда бир кун ўтди. Шу бир кун ичида унинг шу қадар ўзгариб кетганини айтмайсизми! Ранг-лари оппоқ оқариб, юзлари чўкиб кетди, кўзлари

йириклашиб, лаблари ўтдай ёнарди. Қалбида худди қизитилган темир парча ётгандай, ўртанарди.

Иккинчи кеча кирди; биз унинг ёнидан силжимай ва мижжа қоқмай ўтирардик. Бечора жудаям қийналди, нукул инграрди; оғриғи сал босилиши блан Григорий Александровичга аҳволим тузук, бориб ухланг дерди, унинг ўз қўлларида маҳкам ушлаб ётган қўлини ҳадеб ўпар эди. Саҳар пайтига бориб талвасага тушиб, ҳа деганда тўлганаверди, яранинг латтаси ечилиб, яна қон оқабошлади. Ярасини қайтадан боғлаб қўйганимиздан кейин бир минутча жим ётди-да, Печориндан «Мени ўп» — деб илтимос қилди. Печорин кровать олдида тиз чўкди-да, унинг бошини ёстиқдан кўтариб, совиб бораётган лабларига лабини босди; Бэла худди шу бўса блан ўзининг жонини унга бермоқчи бўлгандай, қалтироқ қўллари блан унинг бўйнидан қаттиқ қучоқлади... Йўқ, унинг ўлиб кетгани яхши бўлди! Агар Григорий Александрович уни ташлаб кетганда, бечора нима қиларди? Аммо эртами, кечми, ташлаб кетиши аниқ эди.

Эртаси куни чошгоғгача индамасдан ётди, доктор уни ҳархил дори-дармонлар бериб қийнаса ҳам, гинг демади. «Кўйсангизчи! — дедим мен, докторга. — ўлади деб ўзингиз айтдингиз-ку, нега энди дори-дармон беравериб қийнайсиз?» — «Майли, Максим Максимич, ҳарҳолда виждон тинч бўлади-ку» деб жавоб берди у. Улсин виждон шунақа бўлса!

Тушдан кейин Бэлани ташналик қийнайбошлади. Деразаларни очиб ташладик, аммо уйдан кўра ташқари баттар иссиқ эди; кровать ёнига муз келтириб қўйдик, — бу ҳам кор қилмади. Бу ташналикнинг ўлим олдидан бўладиган ташналик эканлигини билардим, Печоринга ҳам шундай деб айтдим. — «Сув, сув...» — дерди бечора, хириллаган товуш блан, ёстиқдан бошини кўтариб.

Печориннинг юзи бўздай оқариб кетди, стаканга сув қуйиб, Бэлага тутди. Мен икки қўлим блан кўзимни беркитиб, дуо ўқийбошладим, қанақа дуо ўқиганим эсимда йўқ... Эҳ-ҳа-а, отахоним, мен умримда госпитальларда ҳам, жанг майдонларида ҳам кўп одамлар-

нинг ўлганини кўрганман, аммо улар бунинг олдида ҳеч гап эмас эди!.. Меңинг яна бир хафа бўлган жойим шундаки, Бэла ўлиш олдидан мени бир марта ҳам тилга олмади, ҳолбуки мен уни ўз қизимдай яхши кўрардим. Хайр, майли, худо ўзи кечирсин!.. Рост-да: мен ўзим ким эдимки, ўлиш олдидан мени тилга олса!..

Сувдан ҳўпладию, бироз жон киргандай бўлди, лекин уч минутлардан кейин жон берди. Лабига ойна тутиб кўрдик — ойна тип-тиниқ!.. Печоринни уйдан олиб чиқиб кетдим, тупроққўрғонга чиқдик; қўлларимизни орқага қилиб анчагача индамасдан юрдик; унинг чеҳраси ҳечнимани ифода этмас эди, менинг кўнглим ранжиди: унинг ўрнида мен бўлсам — ғам-ғуссадан ўлиб кетган бўлардим.— Охири Печорин сояга ўтириб, чўп блан қумни чизабошлади. Кўнгил учун унга тасалли берабошлаган эдим, у бошини кўтарди-да, кулиб юборди... Шундай кулдики, эгларим жимирлаб кетди... Мен товут буюрай деб туриб кетдим.

Ростини айтсам, бу ишни кўнглим тасалли топсич деб қилдим. Менда бирпарча термалама¹⁶ бор эди, товутни шу термалама блан қоплатгирдим-да, бир вақт Григорий Александровичнинг ўзи Бэлага олиб берган чеченча зар уқалар блан безатдим.

Эртаси куни эрталиб Бэлани қал'анинг ташқарисига, энг сўнгги марта ўтирган жойига яқин ерга, сой бўйига олиб чиқиб кўмдик; ҳозир қабрининг атрофила оқ акация ва бузиналар ўсиб ётипти. Гўрига крест ҳам қўйдирмоқчи бўлдим, кейин яхши бўлмас, ҳарҳолда, христианка эмас эди, деб қўйдирмадим...

— Печоринга нима бўлди? — деб сўрадим.

— Печорин анчагача касал ётди, ориқлаб ҳам кетди бечора, аммо шу-шу Бэла ҳақида бир оғиз ҳам гапиришмайдиган бўлиб кетдик; бу гапнинг унга ёқмаслигини билардим, шундай экан, гапириб нима қиламан? дедим ўзимга ўзим... Уч ойлардан кейин уни Е... полкига тайинлашди, Грузияга кетиб қолди. Ушандан бери кўришмаймиз... Ҳа, дарвоқи', яқинда бир киши менга уни Россияга қайтди деб айтди, аммо корпус бўйича берилган буйруқларда бу тўғрида ҳечнарс

учратмадим. Уёғини суриштирганда, хабарлар бизга жуда кечикиб келади.

Шундан кейин Максим Максимич, қайғули хотираларни унутмоқ учун бўлса керак, янги хабарларни бир йилдан кейин билишнинг қанчалик ёмонлиги тўғрисида гапираркетди.

Мен унинг гапини бўлмас ҳам, эшитмас ҳам эдим.

Бир соатдан кейин йўлга тушиш мумкин бўлиб қолди; бўрон босилиб, ҳаво очилиб кетди, йўлга тушдик. Йўлда кетатуриб, мен яна Бэла блан Печориндан гап очдим.

— Қазбичнинг нима бўлганини эшитмадингизми?— деб сўрадим.

— Қазбичми? Ким билади дейсиз... Унг флангда шапсуглар¹⁷ орасида Қазбич деган жасур одам бормиш деб эшитувдим, бизникилар ўқ ёғдирганда қизил пешмат кийиб юрармиш, қулоғининг тагидан ўқ визиллаб учиб ўтиб қолганда энгашиб та'зим қилармиш, дейишади; аммо, у ўша Қазбич бўлмаса керак!..

Кобида Максим Максимич блан хайрлашдик; мен бекат аравасига тушиб кетдим, у эса юки оғир бўлгани сабабли, мен блан бирга кетаолмади. Биз яна кўришармиш деб ўйламаган эдик, аммо кўришдик, истангиз, айтиб берай, бу ҳам бир катта воқиа. Аммо Максим Максимичнинг ҳурматга сазовор одам эканлигига иқрор бўларсиз!.. Агар бунга иқрор бўлсангиз, менинг ғоят чўзилиб кетган ҳикоямни эшитганингиз учун мукофотланган бўламан.

II

Максим Максимич

Максим Максимичдан айрилгач, от чоптириб Терак ва Дарьял дараларидан жадал ўтиб кетдим, Қазбекда нонушта қилдим, Ларсада чой ичдим-да, ужинни Владикавказда қилишга шошилдим. Мен сизларга тоғлар тасвири, ҳечнарсани ифодаламовчи ҳайқириқ ва хитоблар, ўз кўзлари блан кўрмаган одамлар учун ма'носиз бўлган манзаралар, ҳечкимнинг ўқигуси кел-

майдиған статистик маълумотлар ҳақида сўзлаб ўтирмайман.

Мен ҳамма йўловчилар қўнадиган меҳмонхонага тушдим, бу шундай бир меҳмонхона эдики, қирғовул қовуриб ёки тузукроқ шўрва пишириб беручи бирорта киши йўқ, чунки меҳмонхона топшириб қўйилган учта инвалид киши шу қадар бефаҳм ёки ҳамиша маст одамлар эдики, улардан сариқ чақалик фойда тегмас эди.

Менга бу ерда яна уч кунча турасиз деб айтишди, чунки Екатеринбургдан ҳали «оказия» келмаган экан, шу сабабдан унинг қайтиб кетиши ҳам мумкин эмас экан. Ана бу оказияни қаранг!* Аммо беъмани сўз ўйини рус кишига тасалли бермайди, шунинг учун, эрмак деб Максим Максимичнинг Бэла қиссасини ёзишга киришдим, аммо бу воқиянинг кейин келадиган қатор қиссаларнинг муқаддимаси бўлажagini хаёлимга ҳам келтирмаган эдим; буни қарангки, арзимаган бир нарса баъзан қандай оғир оқибатлар келтираркан! Балки, «оказия»нинг нималигини билмассиз? «Оказия» дегани ярим рота пиёда солдат ҳамда замбаракдан иборат бўлган ҳимоячи бир отряд бўлиб, Владикавказдан Кабарда орқали Екатеринбургга қатнаб туручи карвонлар шу отряд ҳимоясида юради.

Дастлабки кунни жуда зерикиб кетдим; эртаси кунни эрталаб ҳовлига бир арава кириб келди... Э! Максим Максимич-ку!. Биз эски қадрдондай кўришдик. Мен уни ўзим турган хонага таклиф этдим. У ҳам тортиниб ўтирмади, ҳатто елкамга қоқиб, оғзи буришиб илжайгандай ҳам бўлди. Шунақа қизиқ одам эди-да!..

Максим Максимич жуда пазанда одам: қирғовулни жуда бошлаб қовурди, устига тузлаган бодринг сувидан сепди, ростини айтсам, агар у келиб қолмаганда, куним қуруқ нон-сувга қоларди. Бир шиша кахетин виноси овқатимиз хилининг камлигини билдирмади: овқатимиз ниҳоятини бир сидра эди, холос; кейин иккимиз трубкаларимизни чекиб, мен дераза тагида, у қизиб турган печка ёнига ўтирдик; ҳаво нам ва совуқроқ эди. Иккимиз индамай ўтирардик. Нима тўғрисида ҳам

* Сўз ўйини. Қўштирноқсиз ёзиладиган оказия сўзи ишнинг чатоқлигини, ишкалликни билдиради. (Тарж.)

гапиришардик?.. У ўзи ҳақидаги ҳамма мароқли гапларни айтиб бериб бўлган, менда эса айтадиган бирор нарса йўқ. Мен деразадан қараб ўтирардим. Тобора кенгайиб боручи Терек бўйларида сочилиб ётган ҳисобсиз пастак уйлар дарахтлар орасидан милтиллаб кўринар, уларнинг орқасидаги кунгирали кўмкўк тоғлар ортидан эса Қазбек тоғи худди оппоқ салла ўраб тургандай кўзга ташланар эди. Мен фикран улар блан видо'лашдим, чунки уларга ачинардим...

Анчагача индамай ўтирдик. Қуёш муздек тоғлар ортига ботиб, водиларга оқиш туман ёйилабошлаганда, бирдан кўчадан қўнғироқнинг жаранглагани ва извошчиларнинг ҳай-ҳув деб бақириши эшитилди. Меҳмонхона ҳовлисига усти-боши кир-чир арманлар тушган бирнеча арава, улар кетидан бир бўш коляска кириб келди; колясканинг енгил юриши, ўнғай қурилиши ва гўзаллиги четэлдан келтирилганлигидан дарак берар эди. Колясканинг кетидан мўйлови шопдай, устига венгерка кийган ва устивоши бинойи бир киши келарди, уни малай деса малайга ўхшамасди; аммо трубка кулини олифталик блан қоқишини, аравакашларга ўшқариб беришини кўрган одам унинг малайлигига шубҳа қилмас эди. Унинг беғам бойваччанинг эрка малайи эканлиги кўриниб турарди, уни рус Фигароси¹⁸ деса бўларди.—«Менга қара, барака топкур, бу нима, «оказия» келдими?»—деб сўрадим, деразадан. У менга бир ўқрайиб қаради-да галстугини тўғрилаб, юзини тескари ўгирди; унинг ёнида келаётган армани кулиб,—«ҳа, оказия келди, эртага эрталаб қайтиб кетади»—деб жавоб берди.—«Худога шукура!»—деди Максим Максимич, дераза олдига келиб.—«Жуда ажойиб коляска эканми!»—деб илова қилди у,—биронта амалдор тергов иши блан Тифлисга кетаётган бўлса керак. Афтидан, биз томондаги тоғларни билмаса керак! Эҳ-ҳе, огайни, бизнинг тоғлар блан ўйнашиб бўлмайди, бу тоғлар инглиз коляскаларининг ҳам шалогини чиқариб юборади!—Ўзи ким экан,—юринг, чиқиб билайлик...» Коридорга чиқдик. Коридорнинг охиридаги уйлардан бирининг эшиги очиқ эди. Извошчи блан малай чемоданларни ўша уйга ташиб кирмоқда эдилар.

— Менга қара, иним,— деб сўради малайдан штабс-капитан,— анови ажойиб коляска кимники?.. а?.. Жуда яхши коляска экан-да!.. Малай қайрилиб ҳам қарамай, чемоданнинг қайишини ечар экан, бир-нима деб гўнғиллади. Максим Максимичнинг жаҳли чиқиб кетди, беодоб малайнинг елкасига туртди-да: «Мен сендан сўраяпман, азизим...» деди.

— Кимнинг коляскаси дейсизми?.. хўжайинимники...

— Хўжайининг ким?

— Печорин...

— А? Нима дединг? Печорин?.. Ё парвардигор!.. Кавказда хизмат қилмаганми?..— деб хитоб қилди Максим Максимич, менинг енгимдан тортиб. Унинг кўзларида шодлик учқунлари чақнаб кетди.

— Хизмат қилган шекилли, мен у кишига яқинда хизматга кирганман, яхши билмайман...

— Ҳа, ҳа!.. шунақа дегин!.. Оти Григорий Александровичми?.. Хўжайининг блан ошна эдик,— деб илова қилди штабс-капитан; малайнинг елкасига дўстона бир туширган эди, малай гандираклаб кетди...

— Кечирасиз, тақсир; мени ишдан қўйяпсиз,— деди малай, қовоғини солиб.

— Вой, сени қараю!.. Биласанми, оғайни, сенинг хўжайининг менинг қадрдон ошнам бўлади, бирга турганмиз... Ўзи қаерда қолди?..

Малай, Печорин Н. деган полковникникида овқат қилгани қолди, ўша ерда тушайди, деди...

— Кечқурун бу ерга келиб кетмайдимиз?— деди Максим Максимич,— ё унинг олдига бирор иш блан ўзинг боролмайсанми, барака топкур?.. Борсанг, Максим Максимич шуерда экан деб айт, худди шундай деб айт, ўзи биледи... сенга тўрт танга ароқ пули бераман...

Бундай арзимаган ин'омни эшитиб, малайнинг афти буришди, аммо топшириқни адо этаман деб Максим Максимични ишонтирди.

— Эшитса, дарров югуриб келади!..— деди Максим Максимич, тантанали бир қиёфада.— Дераза олдида кутиб тураман... Эҳ, аттанг, аттанг, полковник Н. блан таниш эмасман-да...

Максим Максимич дарвоза олдидаги скамейкага

чиқиб ўтирди, мен ўз хонамга кириб кетдим. Ростини айтсам, мен ҳам Печориннинг келишини бетоқатлик билан кутардим; гарчи штабс-капитаннинг гапларидан кейин унинг ҳақида менда яхши фикр қолмаган бўлса ҳам, унинг мижозидаги ба'зибир ҳислатлари, назаримда, жуда яхши кўринар эди. Бир соатлардан кейин инвалид самовар билан чойнак кўтариб кирди.

— Максим Максимич, чойга тобингиз қалай?— деб қичқирдим деразадан.

— Қуллуқ; чой ичгим йўқроқ.

— Келинг, пича ичинг! Вақт ҳам кечикди, совуқ тушди.

— Зарари йўқ; раҳмат...

— Ихтиёрингиз!— Мен ёлғиз ўзим чой ичабошладим: ўн минутлардан кейин чолим кириб келди.—«Рост айтган экансиз, чой ичганимиз яхшироқ, мен уни келармикин деб ўтирувдим... Одами кетганига анча бўлди, бйрон иш чиқиб қолган бўлса керак».

Апил-тапил бир чашка чой ичди, иккинчисига кўнмади, аллақандай ховотирлик билан яна дарвоза олди-га чиқиб кетди, Печориннинг менсимаганлиги уни ранжитгани равшан кўришиб турар эди, яқиндагина чол менга у билан дўст бўлганлигини айтган ва бир соатгина олдин отимни эшитса дарров югуриб келади деб ишониб ўтирган эди-да.

Деразани яна очиб, Максим Максимични чақириб, энди ётайлик деганимда, вақт алламаҳал бўлиб қолган, қоронғи ҳам тушган эди: Максим Максимич ўзича бир-нималар деб пўнғирлади; яна чақирган эдим, индамади.

Сўридаги шамни ўчирмай, шинельга ўрашиб диванга чўзилдим, хиёл ўтмасдан мудраб ҳам кетибман, хийла вақтдан кейин Максим Максимич кириб уйғотмаганда, қотиб ухларканман. Максим Максимич трубкасини столга ташлади-да, уй ичида айланиб юрди, печкани кавлаштирди, кейин ётди, анчагача йўталди, туфлади, тўлғонди...

— Қандайла чақаяптими?— деб сўрадим.

— Ҳа қандайла...— деб жавоб берди у, оғир хўрсиниб. Эртасига барвақт уйғондим, аммо Максим Макси-

мич мендан ҳам илгари турган экан. Чиқиб қарасам, дарвоза олдидаги скамейкада ўтирипти. «Мен комендантга бориб учрашишим керак, — деди у, — агар Печорин келиб қолса — дарров менга одам юборинг, барака топкур...».

Мен ҳўп дедим. Максим Максимич югурганича кетди... худди унинг баданига ёшликдаги бардамлик қайтиб, яна чаққон бўлиб кетгандай эди.

Салқин ва ажойиб бир тонг пайти эди. Баланд тоғлар тепасида уюлиб ётган олтиндай булутлар худди янги тоғ силсилалари янглиғ товланарди; дарвозанинг олди кенг майдон эди, бугун якшанба куни бўлганидан, майдоннинг нариги бошидаги бозор лиқ тўла одам; елкаларига бол солинган қути кўтариб олган ялангоёқ осетин болалар атрофимни ўраб олишди, мен уларни қувиб юбордим; ҳозир ўшалар кўнгилга сиғармиди, меҳрибон штабс-капитаннинг ташвиши менга ҳам юққан эди.

Ун минутча ҳам ўтмаган эдики, майдоннинг нариги бошида биз кутган одам кўринди. У полковник Н... блан бирга келар эди, полковник Н... уни меҳмонхонагача кузатиб, у блан хайрлашди-да, қал'ага қайтиб кетди. Мен дарҳол инвалидни Максим Максимичга юбордим.

Малайи Печориннинг қаршисига чиқди-да, унга ҳозир арава қўшилажагини билдирди; хўжайинга бир қути сигара келтириб берди-да, бирмунча буйруқ олиб, шуларни бажаргани кетди. Унинг хўжайини сигара чекиб, бир-икки марта хомиза тортди-да, дарвозанинг нариги томонидаги скамейкага бориб ўтирди. Энди мен сизларга унинг портретини чизиб беришим керак.

У ўрта бўйли эди; хипча қадди-қомати ва кенг яғрини кўчманчи турмушда учрайдиган ҳамма қийинчилик ва машаққатларга, иқлимнинг ўзгариб туришига, пойтахт айши-ишратлари ва руҳий кечирмаларга бардош бераолишидан дарак берар эди; фақат иккита настки тугмасигина қадалган, чанг босган духоба сюртугининг тагидан кўриниб турган оппоқ пахтадек ич кўйлаги унинг покиза одамлигини билдирар эди; унинг кир қўлқоплари худди шу аристократ одам-

нинг бежирим қўлига бичиб тикилгандай кўринарди, бир қўлидан қўлқопини ечган эди, рангсиз бармоқларининг озгинлигини кўриб жуда ажабландим. Юрганда эриниб ва қадамларини бемалол ташлаб юрарди, аммо қўлларини силкитмай юриши назаримдан қочмади,— бу эса унинг мижозининг бир даражада ёт эканлигининг аниқ шоҳиди эди. Аммо, булар — ёлғиз ўзимнинг кўриб билганим асосида ҳосил этган шахсий фикрим, бунга албатта ишонишингиз керак деб айтмайман. Скамейкага ўтирганда, худди гавдасида битта ҳам суяк йўқдай икки букилди; бутун гавдаси худди асабий одамнинг гавдасидай заиф ва ожиз кўринарди, унинг ўтириши худди Бальзак тасвирлаган ва балда танца қилавериб чарчаган ўттиз яшар сатанг хотиннинг¹⁹ юмшоқ пар креслода ўтиришига ўхшарди. Дастлаб юзига кўзим тушганда, ёши йигирма учларда кўринди, кейин яхшилаб қараб, йўқ, ўттизларда бўлса керак, дедим ичимда. Жилмайганда худди болалардай жилмаяр эди. Бадани худди аёл кишининг баданидай нозик эди, табиатан жингалак малла сочлари унинг рангсиз ва очиқ пешонасига чиройлик бўлиб ёйилиб тушарди,— пешонасидаги бир-бирини кесиб ўтган иккита ингичка ажинни синчиклаб қарагандагина кўриш мумкин эди, бу ажинлар фақат ғазабланган ва руҳан ташвишланган пайтларидагина аниқроқ кўринса керак. Сочларининг малла бўлишига қарамай, мўйлови блан қошлари қопқора эди,— оқ отнинг зотини қора ёли блан қора думи нишонлаб тургандай, бу ҳам кишининг зотини аниқ кўрсатиб турарди. Бурнининг бироз танқайганлиги, тишларининг оппоқ ва қўйкўзлигини айтсам — портретини тамоман чизиб берган бўламан, аммо унинг кўзлари ҳақида яна бир-икки оғиз гапириб ўтишим керак.

Аввало, у кулганда, кўзлари кулмасди!— Ба'зи одамларда шундай ғалати хислатни кўрганингиз борми?.. Бу нарса ё ёвуз табиатликнинг ёки ҳеч тарқалмайдиган чуқур ғамгинликнинг аломатидир. Кўзлари ярим ёпиқ киприклар орасидан худди фосфордай чарақлаб ёниб туради. У чарақлашни руҳий жўшқинлик ёки хаёлга берилиш нишонаси деб бўлмас эди: у чарақ-

лаш худди силлиқ пўлатдай кўзни қамаштирардию, аммо созуқ эди; бировга қараганда қисқагина бир қараб қўярди, лекин худди баданингни тешиб ўтиб кетгундай ўткир ҳамда вазмин қарар эди — бу худди бетамиз ва дағал бир савол бериб тургандай, кишига ёқмас эди, — агар унинг қараши бу қадар бепарво ва сокин бўлмаганда эди, уни сурбетларча қараш деса бўларди. Бу мулоҳазаларга балки унинг ҳаётининг ба'зи тафсилотларини билганим учун қилгандирман, унинг қиёфаси бошқа одамларда бутунлай бошқача та'сир қолдирса эҳтимол; аммо унинг та'рифини мендан бошқа ҳечкимдан эшитаолмайсиз, шунинг учун менинг тасвирим блан кифояланиб қўяқолишга мажбурсиз. Охирида шуни ҳам айтишим керакки, у анча кўҳликкина, хотин-қизларга ёқадиган соҳибжамол киши эди.

Арава қўшилиб бўлган эди; дўғага боғланган қўнғироқ аҳ'ён-аҳ'ёнда жаранглаб қўярди, Печориннинг малайи хўжайиннинг олдига икки марта келиб, ҳамма нарса тайёрлигини билдирди, аммо Максим Максимичдан ҳамон дарак йўқ эди. Яхшиямки, Печорин Кавказ тоғларининг кўмкўк чўққиларига хаёлчанлик блан қараб ўтирар ва йўлга отланишга ошиқмаётгандай кўринарди. Мен унинг ёнига бориб:

— Агар яна бироз кутсангиз, қадрдон дўстингизни бир кўриб кетардингиз, — дедим.

— Аҳа, дарвоқи! — деб тез жавоб қайтарди у, — кеча менга айтишувди, қани ўзи? — Мен майдон томонга қайрилиб қараган эдим, югуриб келаётган Максим Максимични кўрдим... У бир нафасда ёнимга етиб келди, у харсиллаб нафас оларди; юзидан дўлдай тер оқарди, ҳўл бўлиб кетган оқ сочлари шапкаси остидан чиқиб, пешонасига ёпишиб қолган эди; тиззалари дирдир титрарди... Печориннинг бўйнига ўзини ташламоқчи бўлган эди броқ Печорин, гарчи суюнгандай табассум блан бўлса ҳам, совуққина қўл узатди. Штабс-капитан бир лаҳза қотиб қолди, кейин унинг қўлини икки қўли блан ушлаб кўришди; харсиллаганидан тили гапга келмас эди.

— Жуда хурсандман, азизим Максим Максимич! Хўш, соғ-саломатмисиз? — деди Печорин.

— Сенчи?.. Сизчи?..— деди чол, кўзларига ёш олиб.— Неча йиллар... неча кунлар... ҳа, йўл бўлсин?

— Эронга — ундан ҳам нарига...

— Ҳозирнинг ўзидая?.. Ҳа, бироз шошманг, азизим!.. Наҳотки, ҳозир кўришсагу, айрилишсак?.. Кўпдан бери дийдор кўришмадик...

— Мен кетай энди, Максим Максимич,— деб жавоб берди Печорин.

— Ё парвардигор! Аста'фурилло! Ҳа, намунача шошилмасангиз?.. Сизга айтадиган кўп гапларим бор... Кўп нарсаларни сиздан сўрамоқчи эдим... Хўш, қалай?.. Исте'фодамисиз?.. Қалай?.. Нима ишлар қилиб юрдингиз?..

— Зерикиб юрдим!— деб жавоб берди Печорин, кулумсираб.

— Қал'ада кечирган ҳаётимиз эсингиздами?.. Жуда ов боп жойлар эди-а? Овга жудаям ишқивоз эдингиз... Бэлачи?..

Печориннинг ранги жиндек оқариб кетди, юзини ўгирди... — Ҳа, эсимда!— деди у ва шу ондаёқ жўрттага хомиза тортди. Максим Максимич яна бир-икки соат бирга бўлайлик деб ялишабошлади. «Бирга обед қилардик, иккита қирғовулим бор,— дерди у,— буернинг кахетин виносин жуда яхши бўлади... албатта, Грузия виносидай эмас-ку, аммо жуда яхши навдан... Гурунглашиб ўтирардик... Петербургда кечирган ҳаётингизни менга гапириб берардингиз... Хўпми?..».

— Гапириб берадиган ҳечнарсая йўқ, қимматли Максим Максимич... Хўп, хайр энди, мен шошиб турибман... Раҳмат, мени унутмабсиз...— деб илова қилди Печорин, чолнинг қўлидан ушлаб.

Чолнинг қовоқлари осилди... У хафа ва ранжиган эди, гарчи буни яширишга тиришса ҳам, яшираолмасди. «Унутмабсиз эмиш!— деб пўнғирлади у,— мен-ку ҳечнарсани унутганим йўға... Ҳа, майли, ихтиёрингиз... Сиз блан бундай кўришарман деб сра ўйламаган эдим...».

— Келинг, қўйинг, хафа бўлманг!— деди Печорин, уни дўстона қучоқлаб.— Наҳотки, мен ўша сиз билган Печорин бўлмасам?.. Начора... ҳаркимнинг тақдири

ҳархил бўларкан... Яна кўришамизми, кўришмаймизми, худо билади!..— Бу гапларни айтаркан, у коляскага ўтириб, извошчи ҳам тизгинини қўлига олабошлаган эди.

— Тўхта, тўхта!— деб қичқирди бирдан Максим Максимич, колясканинг эшигини ушлаб,— эсимдан чиқаёзипти... Сизнинг қоғозларингиз менда қолган эди, Григорий Александрович... Ўзим блан бирга олиб юрибман... сизни Грузияда учратарман деб юрувдим, мана, худо бу ерда йўлиқтирди... Нима қилай ўшаларни?..

— Билганингизни қилинг!— деб жавоб берди Печорин.— Хайр!..

— Эронга кетаяпсизми?.. Қачон қайтасиз?..— деб бақириб қолди Максим Максимич, унинг кетидан...

Коляска анча ерга бориб қолган эди, Печорин қўлини силкитди, буни — қайтишим маҳол! Қайтиб ҳам нима қиламан!.. деб тушуниш мумкин эди.

Қўнгироқнинг жаранги ҳам, коляска филдиракларининг шағал йўлдан тарақлаб бориши ҳам ортиқ эшитилмас эди, аммо бечора чол турган жойида ҳамон қимир этмай, чуқур хаёлга ботиб турарди.

Гарчи аламдан кўзларида ёшлари ялтираб кўринса ҳам, чол ўзини бепарволикка солиб:

— Ҳа, қадрдонликка қадрдон эдигу, аммо ҳозирги замонда қадрдонликнинг қадри қопти дейсизми,— деди.— Унинг учун мен ким эдим? Бадавлат бўлмасам, амалдор бўлмасам, унинг устига ёшимиз ҳам тенг эмас... Петербургга бориб дарров олифта ҳам бўлиб олипти... Коляскасини қаранг!.. Юки ҳам бир оламининг юки!.. Малайи ҳам ўзига бино қўйган!..— Бу сўзларни Максим Максимич кинояли кулги блан айтди.— Айтингчи, бу тўғрида нима ўйлайсиз? — деди, менга қараб.— Эронга бориб нима қиларкин?.. Одамнинг кулгиси қистайди, рост!.. Ишониб бўлмайдиган енгилтак одам эканлигини илгари ҳам билардим... Э аттанг, бир кун эмас, бир кун ўз бошини ейди-да!.. Бундан бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас!.. Эски дўстни унутган одам, одам эмас деб юрганам ҳақиқатан ҳам тўғри экан!..— Шу гапларни айтатуриб, ўз ҳаяжонини яширмақ учун юзини тескари бурди-да, ҳовлида турган ара-

васи атрофида айланиб юрди, кўзлариға дамба-дам келиб турган ёшни яширмоқ учун ўзини арава гилди-ракларини қараётганға соларди.

— Максим Максимич,— дедим ёнига бориб,— Печорин ташлаб кетган қоғозлар қанақа қоғоз эди?

— Ким билади дейсиз! Аллақандай ёзувлар шекилли...

— Уни нима қиласиз?

— Нима қилардим! Патрон ясаттираман.

— Ундан кўра, менга берақолинг.

У менга ажабланиб қаради-да, бирнималар деб пўнгиллаб, чемоданини титкилайбошлади; чемодандан бир дафтарни олиб зарда блан ерга ирғитди; иккинчи дафтарни ҳам, учинчисини ҳам, ўнинчисини ҳам шундай қилди; унинг бу қилиғида аллақандай болаларга хос инжиқлик бор эди; ҳам кулгим қистар, ҳам раҳмим келарди...

— Бари шу,— деди у,— шундай матога эга бўлишингиз блан табриклайман...

— Энди буларнинг ихтиёри мендами?

— Газетада бостирасизми, бошқа қиласизми, билгингизни қилинг. Менга нима!.. Нима, мен унинг дўстиманми ё қариндошиманми? Рост, бир бошпанада узоқ турганмиз... Нима, кимлар блан турмабман?..

Қоғозларни йиғиштирдим-да, штабс-капитан яна айниб қолмасин деб қўрқиб, дарров олиб чиқиб кетдим. Кўп ўтмай, «оказия» бир соатдан кейин жўнайди деб билдиришди, мен аравани қўшишга буюрдим. Шапкални кийиб турувдим ҳамки, штабс-капитан кириб келди; у сафарга чиқучи одамга ўхшамасди, қиёфасидан қандайдир изтироб сезилар, қовоғи солиқ эди.

— Сизчи, Максим Максимич, кетмайсизми?

— Йўқ.

— Нега энди?

— Ҳали комендантга учраганим йўқ, пошшоликка қарашли омонатларни топширишим керак...

— Боя бориб келдингиз-ку?

— Борувдиму,— деди у, иккиланиб,— уйида йўқ экан... кутишга вақтим бўлмади...

Унинг ҳолига тушундим: *бечора* чол умрида биринчи марта, расмий тил блан айтганда, *шахсий зарурат* юзасидан хизмат ишини ташлаган бўлса керак, бунинг эвазига қандай мукофот олди!

— Э, аттанг,— дедим мен унга— бевақт ажралишар эканмиз-да, Максим Максимич.

— Биз илмсиз қариялар сизларга тенг бўлаолармидик!.. Сизлар мағрур, димоғдор ёшларсиз, бу ерда, черкасларнинг ўқи ёғилиб турганда, бизни танийсизлар... Кейин кўришиб қолсак, биздақаларга қўл беришга ҳам ор қиласизлар.

— Мен бундай гинага лойиқ иш қилмаган бўлсам керак, Максим Максимич.

— Гап келганда айтдим, қўйдим-да; тўғриси сизга бахт ва оқ йўл тилайман.

Биз хийла совуқ хайрлашдик. Меҳрибон Максим Максимич бирдан ўжар ва қўрс штабс-капитанга айлаиб қолди! Нима сабабдан денг? Печориннинг хаёли паришонликданми ё бўлмаса бошқа сабабданми, штабс-капитан унинг бўйнидан кучоқлаб кўришаман деб турганида, фақат қўлини бериб кўришгани учун! Ёш йигитнинг энг яхши тилак-орзуларидан жудо бўлганлигини, кишиларнинг ишлари ва туйғуларини унга гўзал қилиб кўрсатиб турган парданинг бирдан кўтарилиб кетганини кўриш одамнинг раҳмини келтиради,— гарчи ўзининг эски хатоларига тезда ўтиб кетучи, аммо эскисидан ҳам ширинроқ хатолар келишини билса ҳам, раҳминг келади... Аммо, Максим Максимичдай қариганингда бу хатолар ўрнини нима босади? Ноилождан юрагинг тошдай қотади, руҳинг беркилади...

Елғиз ўзим жўнаб кетдим.

ПЕЧОРИННИНГ ЖУРНАЛИ

СЎЗБОШИ

Яқинда, Печорин Эрондан қайтаётиб йўлда ўлипти деб эшитдим. Бу хабарни эшитиб мен жуда суюндим, чунки унинг ўлими менга бу хотираларни босиб чиқаришга ҳуқуқ берар эди, мен ҳам бундан фойдаланиб,

Бировнинг асари тагига ўз имзомни қўйиб олдим. Бундай арзимаган қалбакилик учун китобхонлар мени айбламаса керак, деб умид қиламан.

Энди мен умримда танимаган бир кишининг юрак сирларини ошкор қилишим сабабларини очиб беришим керак. Унинг дўсти бўлганимда ҳам майли эди: чунки жонажон дўстнинг маккорларча мақтанчоқлиги ҳаммага маълумдир, аммо мен уни умримда бир мартагина катта йўл устида кўргасман; бинобарин, менда унга нисбатан дўстлик ниқсби остига яшириниб, севган одамнинг ўлимини ёки бахтсизликка учрашини кутуци ва ўлгандан кейин унинг тепасида таъна, гина, ҳақорат ва афсуслар ёғдиручи мавҳум душманлик йўқ.

Бу хотираларни қайта-қайта ўқир эканман, ўзининг ожиз ва заиф томонларини ва гуноҳларини шафқатсиз суратда зоф қилган бу кишининг чиндан ҳам самимий эканлигига ишондим. Киши руҳининг тарихи, ҳатто энг пасткаш киши руҳининг тарихи, агар бу тарих етук ақлнинг ўз-ўзини кузатиши натижасида ёзилган бўлса ва бировларда рағбат ва ҳайрат уйғотиш учун ёзилмаган бўлса, бу тарих бутун бошли бир халқнинг тарихидан ҳам қизиқроқ ва фойдалироқ бўлади. Руссо-Тавбатазаррунинг²⁰ энг биринчи камчилиги шундаки, олдин уни ўз дўстларига ўқиб берган.

Шундай қилиб, қўлимга тасодифан тушиб қолган журналнинг парчаларини мен фақат фойда келтирсин деб бостирдим. Гарчи мен журналдаги исмларни ўзгартган бўлсам-да, ўз аксларини кўрган кишилар ўзларини таниб оларлар ва, балки бу оламдан ўтган кишининг ҳозиргача қоралаб келган қилмишларини энди оқларлар; биз, ўзимиз тушунган нарсаларни деярлик ҳамиша оқлаб келаемиз.

Бу китобга мен Печориннинг фақат Кавказда кечирган ҳаётига оид бўлган нарсаларнигина киритдим. Қўлимда унинг яна битта қалин дафтари қолди, унда Печорин ўзининг бутун ҳаётини таърифлайди. Бу дафтарни ҳам ўқучилар муҳокамасига ташлаш вақти келиб қолар; аммо талайгина муҳим сабабларга кўра ҳозирча бу мас'улиятни ўз зиммамга ололмайман.

Балки, баъзи китобхонлар Печориннинг характери

ҳақида фикримни билмоқчи бўларлар? Уларга менинг жавобим — ушбу китобнинг сарлавҳасидир. «Ие, бу заҳарли киноя-ку!» дерлар. Билмадим.

I

Тамань

Россиянинг денгиз бўйидаги шаҳарлари ичида энг расвоси — Таманьдир. У ерда мен очимдан ўлаёзганман, бунинг устига, мени гарқ қилиб юбормоқчи ҳам бўлишган. Бекат аравасида ярим кечада шаҳарга кириб келдим. Аравакаш, уч отли аравани шаҳарга кираверишдаги яккаю-ягона гиштин бино олдига келтириб тўхтатди, — уччала отнинг ҳам дармони қуриган эди. Қораденгизли часовой казак қўнғироқнинг жаранглашини эшитиб, каловлаб ваҳима блан: «Ким у?» — деб бақирди. Урядник блан ўнбоши чиқди. Мен уларга офицерман, ҳукумат ишлари блан ҳаракатдаги отрядга кетаётиман деб тушунтирдим-да, пошшолик уй талаб қилдим. Ўнбоши бизни шаҳарга бошлади. Қайси уйга бориб сўрамайлик — банд. Совуқ эди, уч кечадан бери ухламаган, жуда чарчаган эдим, жаҳлим чиқди. — «Бирон жойга олиб бор тезроқ, муттаҳам! Жаҳаннамга бўлса ҳам майли, ишқилиб жой бўлса бўлгани!» — деб қичқирдим. — «Яна битта уй бор, — деб жавоб берди ўнбоши, бўйинини қашлаб: — аммо жанобларига тўғри келмаса керак; тоза жой эмас!» — Охири сўзнинг маъносига яхши тушунмай, бошла деб буюрдим, эски-туски чордеворлар ёнидан, аллақандай ифлос кўчалардан узоқ юриб, охири денгиз бўйидаги кичкина бир кулба олдига етиб тўхтадик.

Тўлин ой янги бошпанамнинг қамиш томлари ва оппоқ деворларини ёритиб турарди; атрофи тош девор блан ўраб олинган қўрада яна бир уй қаққайиб турарди, буниси олдингисидан ҳам баттар эски ва кичкина эди. Уйнинг девори тикка кесиб тушган денгиз қирғоғининг нақ лабига бориб тақаларди, пастда қопқорайиб кўринучи тўлқинлар тинмай шовиллаб турарди. Ой бетинч, аммо ўзига итоат қилучи денгиз сатҳига жимгина

қараб турарди, унинг ёгдусида икки кемани кўриб қолдим, улар қирғоқдан анча йироқда турарди, кемаларнинг худди ўргимчак тўрига ўхшаган арқонлари ғирашира уфқ фонида қимир этмай қопқорайиб турарди. «Пристаньда кемалар бор экан, демак, эртага Геленжикка жўнайман» деб ўйлаб қўйдим.

Деншигим линияда хизмат қилучи казак эди. Унга чемоданимни олиб, аравакашга жавоб бериб юборишни буюрдим-да, уй эгасини чақирабошладим, — ҳечким жавоб бермади; яна тақиллатсам — яна жавоб бўлмади... энди қандоғ бўлди? Ниҳоят, даҳлиздан ўн тўрт ёшларга кирган бир бола чиқди.

«Уйнинг эгаси қани?!» — «Йўқ» — «Нега йўқ? Бутунлай йўқми?» — «Бутунлай йўқ». — «Хотиничи?!» — «Хотини слободкага кетган». — «Эшикни ким очиб беради?» — дедим ва эшикни бир тепган эдим, ўзи очилиб кетди: уйдан димоққа рутубат ҳиди урилди. Олтингугурт чақиб, боланинг бурнига тутдим, қарасам: боланинг иккала кўзи оппоқ. Бола кўр, туғма кўр экан. Бола менинг олдимда қимир этмай турарди, мен унинг юзига синчиклаб қарайбошладим.

Ростини айтсам, ҳамма кўрлар, қиймиқлар, карлар, соқовлар, чўлоқлар, қўлсизлар, оёқсизлар, букирлар ва шуларга ўхшашларни ёмон кўраман. Кишининг ташқи қиёфаси блан руҳи ўртасида аллақандай ғалати бир муносабат борлигини, бирон а'зодан ажралган кишининг руҳи ҳам ўзининг бирон сезгисини йўқотишини пайқаганман.

Шундай қилиб, кўр боланинг юзига тикилиб қарайбошладим, аммо кўзсиз юздан нимани ўқиб билиш мумкин?.. Унинг бетига беихтиёр ачиниб қараб турган эдим, бирдан юпқа лабларида билинар-билинмас табасум кўриниб кетди, нима учундир бу табассум менда қандайдир ёмон бир таассурот қолдирди. Миямда бу кўр бола унча кўрга ўхшамайди деган шубҳа туғилди, аммо кўзини сун'ий равишда парда бостириб олмаган бўлса керак, чунки нима учун бундай қилади деб ўзимни-ўзим қанча ишонтирсам ҳам, ҳеч ишонгим келмасди. Аммо, найлож? Мен кўп нарсага шубҳа блан қарайдиган одамман...

«Уй эгасининг ўғлимисан?» — деб сўрадим, ниҳоят. «Йўқ» — «Бўлмаса, кимсан?» — «Етимчаман». «Хўжайканинг болалари борми?» — Йўқ; битта қизи бор эди, татар блан бирга денгизнинг нар'ёнига қочиб кетган». — «Қанақа татар блан?» — «Қим билади! Бир қрим татари блан, у керчъли қайиқчи эди».

Уйга кирдим; уйнинг бутун анжони икки скамейка, стол ва печка ёнида турган каттакон сандикдан иборат эди. Деворда битта ҳам образ²¹ кўринмас эди, — бу ёмон аломат! Ойнаси синиқ деразадан денгиз шамоли ғирилаб уриб турарди. Чемоданимдан сўхта шам олиб ёқдим-да, буюмларимни жойлаштирабошладим, қиличим блан милтиғимни бурчакка тираб, пистолетимни стол устига қўйдим, буркамни скамейкага ёздим, казак эса буркасини бошқа скамейкага ёзди; ўн минутлардан кейин казаким хуррак тортабошлади, аммо мен сра ухлаёлмадим; қопқоронғи уйда ётарқанман, оқ кўзли бола сра кўз ўнгимдан кетмас эди.

Шу зайилда бир соатча ўтди. Деразадан мўралаб турган ой шу'ласи уйнинг саҳнида жилва қиларди. Бирдан, уй саҳнига лентадай тушиб турган ой шу'ласига бир кўланка тушдию, лип этиб ўтиб кетди. Қаддимни кўтариб, деразадан қарадим; кимдир яна дераза ёнидан югуриб, ўтди-да, ғойиб бўлди. Бу кимсанинг тик қирғоқдан пастга тушиб кетганига кўзим етмас эди; ундоғ деса, унинг борадиган бошқа жойи ҳам йўқ эди. Урнимдан турдим-да, пешматимни кийдим, белимга ханжаримни тақиб, секин уйдан чиқдим, бирдан олдимдан кўр бола чиқиб қолди. Узимни дарров девор панасига олдим, бола йўлдан адашмасдан, аммо эҳтиётлик блан қадам ташлаб, ёнимдан ўтиб кетди. Қўлтиғига бир тугунча қистириб олган эди; бола пристань томонга бурилди-да, тикка кесиб тушган сўқмоқ йўлдан пастга қараб кетди. «Шу кун соқовлар тилга киради, кўрлар кўрадиган бўлади» деб ўйладим-да, болани кўздан йўқотмаслик учун, қорама-қора боравердим.

Шу орада ойни булут қоплаб, денгиздан туман кўтарилабошлади; яқин жойда турган кеманинг орқа томонидаги фонус ғира-шира милтиллаб турарди; кема-ни фарқ эттираман дегучи тўлқинлар қирғоқ бўйида

кўпириб ялтирарди. Тепадан зўрға пастга тушиб бора-ётиб қарасам, кўр бола бироз тўхтаб турди-да, кейин ўнг томонга бурилиб кетди; бола сув лабига шундай яқин юриб борардики, назаримда, ҳозир уни тўлқин тортиб кетадигандай туюларди. Аммо унинг тошдан-тошга бемалол сакраб, ўнқир-чўнқир жойларни айланиб ўтишидан унинг бу ерлардан кўп юргани кўриниб турарди. Ахири бир ерга бориб тўхтаб, нимагадир қулоқ солгандай бўлиб турди, кейин ерга ўтириб, тугунини ёнига қўйди. Мен қирғоқнинг денгизга туртиб чиққан жойида туриб, унинг бутун ҳаракатларини кузатиб турардим. Бирнеча минутдан кейин нариги томондан оқ кийган бир кимса кўринди-да, кўр боланинг ёнига келиб ўтирди. Уларнинг гапини баъзан шамол мен томонга учуриб келтирарди.

«Нима дейсан, кўр, бўрон турдию,— деди хотин кишининг товуши;— Янко келмайди».—«Янко бўрондан қўрқмайди»— деб жавоб берди бола.—«Туман қуюқлашмоқда»,— деб э'тироз билдирди хотин, гамгин товуш блан.

«Соқчи кемалар ёнидан туманда ўтин қайтанга осонроқ бўлади»— деб жавоб берди кўр бола. «Чўкиб кетсачи?»— «Чўкиб кетса, якшанба куни черковга янги лента тақмай борасан-да».

Жим бўлишди, бир нарса мени ҳайратда қолдирди: кўр бола мен блан Малороссия лаҳжасида²² гаплашган эди, ҳозир бўлса соф рус тилида гапирар эди.

«Ана, кўрдингми, айтганим рост чиқди,— деди кўр, чапак чалиб:— Янко денгиздан ҳам, шамолдан ҳам, тумандан ҳам, қирғоқ соқчиларидан ҳам қўрқмайди; қулоқ сол, бу — сувнинг шовиллаши эмас, мени алдаб бўлсан, бу — унинг узун эшакларининг овози».

Хотин ирғиб ўрнидан турди-да, нотинчлик блан йироқларга тикилабошлади.

«Довдираяпсан, кўр,— деди у,— ҳечнарсa кўринмайди-ку».

Иқрорман, қайиққа ўхшаган бирон нарса кўринармикин деб олисга шунча тикилиб қарасам ҳам, ҳечнарсa кўринмасди. Шу зайилда яна ўн минутча вақт ўтди, кейин бирдан тоғдай-тоғдай баланд тўлқинлар орасида

бир қора нуқта кўринди, нуқта гоҳ катта бўлиб кўри-
нарди, гоҳ яна кичрайиб кетарди. Қайиқ тўлқин устига
секин-аста кўтариларди-да, яна бирдан пастга учиб
тушиб, қирғоқ томон яқинлашиб келарди. Бундай кеча-
да йнгирма чақиримча келадиган бўғоздан ўтишга
ботинган қайиқчи жуда довурак, уни бундай қилишга
мажбур этган сабаб ҳам жуда муҳим бўлса керак!
Шундай деб ўйларканман, юрагим гупиллаб уриб, кич-
кина қайиққа қараб турардим; аммо қайиқ худди
ўрдакдай шўнғиб кетар, кейин худди қанот қоққандай,
эшкақларини кўтариб яна кўпириб турган тўлқинлар
орасидан чиқиб қоларди; ахир мен, қайиқ келиб ўзини
қирғоққа урадию, чил-чил бўлиб синиб кетади деб
ўйладим, броқ у эпчиллик блан бир ёнга бурилди-да,
кичкинагина бухтачага омон-эсон кириб олди. Қайиқ-
дан ўрта бўйли, қўй терисидан тикилган татарча қал-
поқ кийган бир киши чиқди-да, қўли блан имлаб булар-
ни чақирди, учовлашиб қайиқдаги нарсаларни туши-
рабошладилар, юк шу қадар катта эдики, нега қайиқ
чўкиб кетмаганига ҳали ҳам ажабланаман. Улар елкала-
рига биттадан тугун кўтариб, қирғоқ бўйлаб кетдилар-
да, салдан кейин кўздан ғойиб бўлдилар. Мен уйга қайт-
дим; аммо иқроп бўлишим керакки, бу ажойиб нарсалар
мени хавотирга солиб қўйган эди, зўрға тонг оттирдим.

Қазагим уйғонди ва менинг кийинганимни кўриб ҳай-
рон бўлди; броқ, унга бунинг сабабини айтмадим. Пар-
ча-парча булутлар сузиб юрган кўмкўк осмонни, йи-
роқдан бинафшаранг ҳошиядай кўриниб турган Қрим
соҳилини, соҳилнинг орқасидаги баланд қояни, унинг
тепасидаги маяк минорасини деразадан бирпас тамо-
ша қилиб турдим-да, комендантдан Геленджикка кетиш
вақтини билиб келай деб Фанагория қал'асига жўна-
дим.

Афсус! Комендант қат'ий бир нарса деёлмади. Прис-
таньяда турган кемаларнинг бариси ё соқчи кемалар ё
ҳали юклари ортилмаган савдо кемалари экан. «Балки,
уч-тўрт кундан кейин почта кемаси келиб қолар, ўшан-
да бирор чора кўрармиз!»—деди комендант. Уйга жиғи.
бийроним чиқиб қайтдим. Остонада қазагим кутиб
турар эди, юзида қўрқинч акс этарди.

— «Иш чатоқ, жаноби олийлари!» — деди у.

— «Шундай, оғайни, қачон кетишимизни худо билади!» — Буни эшитиб, казагимнинг хавотирлиги баттар ошиб кетди, менга энгашиб туриб шивирлайбошлади. «Бу ер расво жой экан! Боя Қораденгизли урядникни учратдим; у менинг танишим, бултур отрядимизда хизмат қилган эди; мен унга тушган жойимизни айтган эдим, у бирдан менга: «у ёмон жой, оғайни, одамлари ярамайди!..» деб қолди. Ростданам, у қанақа кўр бола! Ҳарерда ёлғиз юрса, бозорга ҳам ёлғиз борса, нонни ҳам, сувни ҳам ўзи ташиша... бу ердагилар унга ўрганиб қолганга ўхшайди».

— «Ҳа, нима бўпти, ҳеч бўлмаса уй эгаси кўринди-ми?!»

— «Боя сиз йўғингизда бир кампир қизи блан бирга келди».

— «Қанақа қиз? Унинг қизи йўқ». — «Қизи бўлмаса, худо билади, кими экан; ана, кампир шу топда уйда ўтирипти».

Мен кулбага кирдим. Гулдираб ёнаётган печкада овқат қайнамоқда, аммо назаримда, бу овқат камбағал оила учун анча қиммат кўринди. Кампирдан нима сўрамай, нуқул, қулоғим кар, эшитмайди, деб жавоб бераверди. Нима қилиш мумкин? Ундан гап чиқавермаганидан кейин, печкага шох ташлаб ўтирган кўр болага мурожаат қилдим. «Қани, айтчи, кўр шайтон, — дедим, қулоғидан чўзиб, — кечаси тугун кўтариб қаёққа бординг?» — Бола йиғлаб юборди, оҳ-воҳ қилиб қичқирабошлади: «Қаёққа борибман?.. Ҳечқаёққа борганим йўқ... тугун блан? Қанақа тугун блан?». Бу сафар кампирнинг қулоғи очилиб: «Етимча болага тухмат қилишининг нима кераги бор! Нега унга азоб берасиз? Нима ёмонлик қилди сизга?!» — деб пўнғирлади. Бу гаплар жонимга тегди-да, бу сирларнинг калидини албатта топишга аҳд қилиб, уйдан чиқдим.

Буркамга ўраниб, девор тагида ётган харсаинтош-да олисларни тамоша қилиб ўтирдим; олдимда тунги бўрон қутуртирган бепоен денгиз ясланиб ётарди, унинг уйқуга кетучи шаҳар шивир-шивирга ўхшаган бирхил шовқини ўтмиш йилларимни эслатди, хаёлимни шимол

томонларга, совуқ пойтахтимизга олиб кетди. Чуқур хаёлга кетиб, ўзимни унутибман... Шу алфозда бир соатча, балки ундан ҳам кўпроқ вақт ўтгандир... Бирдан қулоғимга ашулага ўхшаган бир нарса чалинди. Рост, у ҳақиқатан ҳам ашула эди, хотин кишининг кўнғироқдай овози эшитиларди, аммо қаердан келаяпти?.. Қулоқ солдим, ашуланинг оҳанги жуда ғалати туюлди: гоҳ чўзиқ ва ғамгин, гоҳ тез ва шўх эди. Атрофга қарасам — ҳечзоғ кўринмади; яна қулоқ солдим, ашула худди осмондан эшитилаётгандай туюлди. Бошимни кўтариб қарасам: мен турган уйнинг томида йўл-йўл кўйлакли, сочлари ёйилган бир қиз турипти, худди сув париси дейсиз. Қиз кафти блан кўзларини офтобдан пана қилиб, йироқларга тикилиб қарарди, гоҳ кулар ва ўз-ўзи блан гапиришар, гоҳ яна ашуласини айтарди.

Унинг бутун ашуласи эсимда:

Мовий денгиз кўксида
Эркин-эркин осуда —
Оқ елкали кемалар
Қагорлашиб елалар.
Шу кемалар ичида
Бордир менинг қайиқчам,
Қўш эшкаги бор унинг,
Елкани бўлмаса ҳам.
Қўзғолганда зўр шамол —
Эски кемалар дарҳол
Елкаларин очади,
Ҳар томонга қочади.
Денгизга ёлворамап
Оҳиста товуш блан:
«Шафқатсиз денгиз, тегма,
Севикли қайиқчамга:
Чунки у олиб келар
Қимматбаҳо нарсалар,
Тунда уни довиюрак
Бир баҳодир бошқарар».

Бирдан миямга бу овоз кечаси эшитган овозга ўхшайди-ку деган фикр келди, бир нафас ўйланиб қолдим, кейин яна бошимни кўтариб қарасам, томда қиз йўқ эди. Бирдан у бошқа бир ашулани айтиб, ёнимдан югуриб ўтиб қолди ва бармоқларини қирсиллатиб, кам-

пирнинг ёнига кирди, улар ўртасида баҳс бошланиб кетди. Кампирнинг жаҳли чиқар, қиз эса хахолаб куларди. Бир маҳалдан кейин менинг ундинам²³ яна сакраб-сакраб чиқди; олдимга келиб тўхтади-да, менинг шу ердалигимга ажаблангандай, кўзларимга тикилиб қаради; кейин бепарво қайрилиб, секин юриб пристань томонга кетди. Аммо воқиа бу блан тугамади; у кечгача уйим атрофида сакраб, ашула айтиб юрди. Жуда ғалати қиз! Башарасида жиннилик аломати кўринмас эди; аксинча, кўзлари менга жовдираб тикилиб-тикилиб боқарди, улар қандайдир жозибали кучга тўлгандай ва ҳар сафар менга қараганда: «ҳа, нима демоқчисан?!» деб тургандай туюларди. Броқ, энди гап бошлашим блан қиз муғомбирона жилмайиб, қочиб кетарди...

Умримда бунақанги хотинни сра кўрган эмасман. Уни айтарли гўзал деб бўлмасди, аммо гўзаллик ҳақида менинг бошқача фикрим бор. Унда наслдорлик аломатлари кўп эди... отлардаги наслдорлик сингари, хотинларда ҳам наслдорлик муҳим ўрин тутаети; буни ёш Франция кашф этган; у, яни ёш Франция эмас, балки наслдорлик, кўпинча қадам ташлашдан, қўл ва оёқдан билиниб туради; айниқса бурунинг аҳамияти катта. Россияда кичкина оёқдан кўра алифдай бурун камроқ учрайди. Менинг ашулачим кўп бўлса ўнсакизларда эди. Қадди-қоматининг ғоятда хипчалиги, фақат унинг ўзигагина хос бўлган бош эгиб туришлари, узун сарғиш сочлари, офтобда сал қорайган бўйин ва елкаларининг олтиндай товланиб туриши ва айниқса ҳушбичим бурни,— буларнинг ҳаммаси мени ниҳоятда мафтун этди. Гарчи унинг менга зимдан боқишларидан ваҳшийлик ва шубҳали нарсалар уқсам-да, гарчи унинг табассумларида нотайинлик бўлса-да, барибир: хусусий фикрга эга бўлишнинг оқибати шу қизнинг ҳушбичим бурнини кўриб, ҳузур-ҳаловатимни йўқотдим; мен, Гётенинг Миньонасини²⁴, яни немисларга хос ҳаёлат асосида яратган сиймосини топдим деб ўйлабман; дарҳақиқат, улар бир-бирига жуда ўхшаш кетарди; ғоят зўр ҳаяжонланишдан бирдан сокин бир ҳолатга ўтиб қолиш, ўша тагдор гаплар, ўша сакраб юришлар, ўша ғалати қўшиқлар...

Кечки пайт қизни эшик олдида тўхтатиб, гапга солдим:

«Айтчи, гўзалим,— деб сўрадим,— бугун томда нима қилиб юрувдинг?» — «Шамол қайси томондан келаяпти деб қарадим» — «Буни нима қиласан?» — «Шамол келган томондан бахт ҳам келади». — «Ажабо, бахтни ашула блан чақирмоқчимидинг?» — «Ашула бор жойда бахт ҳам бор». — «Ашула бахтсизлик келтирсачи?» — «Келтирса нима қипти? Яхшилик бўлмаган жойда ёмонлик бўлади, аммо ёмонлик ёнида яхшилик ҳам бўлади» — «Бу ашулани сенга ким ўргатди?» — «Ҳечким; хоҳласам айтавераман; керак одам эшитади, керакмас одам тушунмайди». — «Отинг нима, қўшиқчим?» — «Отимни от қўйган одам билади». — «Отингни ким қўйган?» — «Мен қайдан билай?» — «Жуда ичимдан топ экансан-ку! Аммо сенинг тўғрингда ба'зи нарсаларни билиб олдим». Гўё гапимнинг унга сра алоқаси йўқдай, унинг юзида ҳечнарсаси акс этмади, лабини ҳам қимирлатмади. «Кеча кечаси қирғоқ бўйига борганингни билиб олдим». Шундан кейин мен, ҳамма кўрган нарсаларимни унга бирма-бир айтиб бердим, буни эшитиб хижолат бўлармикин десам, чурқ ҳам этмади! Овозининг борича хахолаб кулиб юборди. «Кўп кўрган бўлсангиз ҳам, оз билибсиз: билганингизни ичингизда сақланг». — «Комендантга ма'лум қилсамчи!» — буни жуда жиддий чеҳра блан айтдим. Қиз бирдан ашула айтдида, худди чакалакзордан ҳуркиб чиққан қушдай, сакраб-сакраб қочиб кетди. Кейинги гапларим ноҳўя бўлди: айтилган гапнинг қандай оқибатга олиб келишини билмаган эканман, кейин анча пушаймон бўлишга тўғри келди.

Кеч кириб, қош қорайди, казакка чой қўйишни буюрдим-да, шам ёқиб, стол ёнида сафар трубкамни чекиб ўтирдим. Энди икки стакан чой ичиб бўлувдим ҳамки, бирдан эшик гижирладию, орқасидан нафис кўйлакнинг шитирлаши ва оёқ товуши эшитилди; бир сесканиб, орқамга қарасам — менинг ўша ундинам! У секин рўпарамга келиб ўтирди-да, кўзларини менга тикди, нима учунлигини билмадим, аммо бу қараши, назаримда ниҳоятда латиф кўриниб кетди: бу боқиш

ёшлик чоғларимда мени нари обориб, бери олиб келган боқишлардан бирини эслатди. Қиз худди мендан савол кутиб тургандай қараб ўтирарди, аммо мен ўзим ҳам тушунолмаган ҳолда хижолат тортиб индамай ўтирардим. Қизнинг сал оқаринқираган юзи унинг рухий ҳаяжонланишини кўрсатар эди; кўли стол устини мақсадсиз тимирскиларди: қўлининг титраётганини пайқадим, кўкраги гоҳ кўтарилар, гоҳ нафас олмай тургандай бўларди. Бу майнавозчилик жонимга тегабошлади, сукунатни мен энг оддий гап блан, я'ни унга бир стакан чой таклиф этиш блан бузмоқчи бўлиб турувдим, бирдан қиз лип этиб ўрnidан турди-да, бўйнимдан қаттиқ қучоқлади, нам, оташин бир ўпиш лабларимда чўпиллади. Қўзларим тиниб, бошим айланиб кетди, йигитлик эҳтиросининг барча шиддати блан бағримга босиб сиққан эдим, қиз қучоғимдан худди илондай сурғилиб чиқиб, қулоғимга: «Бугун кечаси, ҳамма ухлаганда, денгиз бўйига чиқ» деб шивирлади-да, уйдан лип этиб чиқиб кетди. У даҳлизда чойнакни ва ерда турган шамни ағдариб кетди. «Вой шайтон қизей» деб бақирди, қолган чойга умид боғлаб похолда ётган казак. Шундан кейингина ўзимга келибман.

Икки соатлардан кейин, бутун пристаньни жимлик босгач, казакимни уйғотдим. «Тўппончадан ўқ узганимни эшитсанг денгиз бўйига югур» — дедим унга. Казак кўзларини бакрайтириб, ихтиёрсиз: «Бош устига, жаноби олийлари!» деб жавоб берди. Белимга пистолет қистириб чиқдим. Қиз мени пастга тушадиган жойда кутиб турган экан; устидаги кийими енгилгина, белига кичкина рўмолча боғлаб олган эди.

«Кетимдан юринг!» деди у, қўлимдан ушлаб, иккимиз пастга тушабошладик. Бўйним остимда қолмаганига ҳайронман; пастга тушиб ўннга бурилдик-да, кеча кечаси мен кўр боланинг кетидан борган йўлдан кетдик. Ҳали ой чиқмаганди, фақат икки дона юлдуз худди нажоткор икки маёқдай, тимқоронғи осмонда чақнаб турарди. Бир текисда бир-бирининг устига бостириб келучи катта-катта тўлқинлар қирғоқ бўйида турган ёлғиз қайиқни кўтариб-кўтариб ташларди. «Қайиққа тушамиз», — деди ҳамроҳим. Мен иккиланиб қолдим —

денгизда ҳиссий саёҳат қилишга ҳавасим йўқ эди, аммо қайтишнинг ҳам вақти эмасди. Қиз қайиққа сакраб тушди, кетидан мен ҳам тушдим, бир маҳал ўзимга келиб қарасам, бирпасда сузиб ҳам кетибмиз. «Бу нима қилганинг?»— дедим, жаҳлим чиқиб. «Бу мен сени севаман деганим бўлади»,— деди у, мени скамейкага ўтқазиб, белимдан қучоқлар экан, юзини юзимга қўйиб ўтирди, унинг ўтдай нафаси юзимга уриб турарди. Қайиқдан бир нарса шалоп этиб сувга тушиб кетди, белимни ушлаб қарасам — тўппончам йўқ. Бирдан кўнглимда даҳшатли шубҳа туғилди. Қон бошимга урилди! Орқамга қарасам — қирғоқдан эллик саржинча нарига бориб қолибмиз, мен эса сузишни билмайман! Қизни итариб юборай десам, кийимларимга худди мушукдай ёпишиб олди, шу онда қайиққа даҳшатли бир зарба тегди, денгизга ағдарилиб тушишимга сал қолди. Қайиқ чайқалабошлади, аммо мен ўзимни ўнглаб олдим, ўртамизда қаттиқ кураш бошланди; ғазабим кучимга куч қўшди, аммо душманнинг мендан анча эпчил эканини сездим... «Нима қилмоқчисан?»— деб бақирдим, кичкина қўлларини қаттиқ қисиб, унинг бармоқлари қирсиллаб кетди, аммо шундай бўлса ҳам чурқ этмади; унинг илон табиати бу синовга ҳам бардош берди.

«Сен кўрибсан, энди бориб айтасан!»— деб жавоб берди қиз ва ғайритабиий куч блан мени қайиқнинг четига йиқитди; иккимиз ҳам белимизгача сувга осилиб турибмиз; унинг сочлари сувга тегиб турарди; жуда қалтис бир пайт эди. Тизсамни қайиқнинг остига тираб бир қўлим блан сочидан, бир қўлим блан ҳалқумидан ушлаб олган эдим, кийимимни қўйиб юборди, шу ондаёқ мен уни тўлқинлар ичига улоқтирдим.

Тун анча қоронғилашиб қолганди; денгиз кўпиклари ичидан бир-икки марта боши кўриндию, кейин кўздан ғойиб бўлди...

Қайиқ тагидан яримта эски эшкак топдим, кўп машаққатлардан сўнг бир амаллаб пристаньга араиғ этиб олдим. Қирғоқ бўйлаб қайтиб келарканман, кеча кечаси кўр бола блан қиз тунги қайиқчини пойлаб ўтирган томонга беихтиёр кўз ташлаб қўярдим; осмонда ой

сузиб юрарди, назаримда, қирғоқ бўйида оқ кийинган бир одам ўтиргандай туюлди; унинг кимлигини билишга қизиқиб, аста-секин бордим-да, баланд қирғоқ тепасидаги майса орасида писиб ётдим; бошимни кўтариб қарасам, пастда бўлаётган ҳамма нарса бемалол кўринарди, сув паримни кўриб ажабланмадим, балки, деярлик хурсанд ҳам бўлдим. Қиз узун сочларидан сувни сиқар эди; ҳўл кўйлаги ингичка нозик қадди-қоматига ва баланд кўкракларига ёпишиб, уларни яққол кўрса-тиб турарди. Бирпасдан кейин йироқдан қайиқ кўринди, у тезда қирғоққа етиб келди; кечаги сафаргидек, қайиқдан татарча қалпоқ кийган бир киши тушди, аммо, сочлари казакча қилиб қирқилган, камарига каттакон пичоқ қистирилган эди. «Янко, ишимиз чатоқ!» — деди қиз. Сўнгра улар шу қадар секин гапириша бошладиларки, ҳечнарса эшига олмадим. «Кўр қани?» — деди ахири Янко, овозини кўтариб. — «Мен уни юбордим», — деган жавоб эшитилди. Бирнеча минутдан кейин кўр бола қоп орқалаб келди, қопни қайиққа жойлашди.

«Менга қара, кўр! — деди Янко, — анови жойга кўз-қулоқ бўлиб тур... биласан-ку? У ерда қимматбаҳо моллар бор... айтиб қўй (кимгалигини эшитолмай қолдим), сен блан ортиқ ишламас эмиш де; ишимизнинг мазаси қочди, мен энди қайтиб келмайман, энди ишлаш хавфли бўлиб қолди; бошқа жойга бориб иш қидирмасам бўлмайди, аммо у мендай жасур одамни тополмайди. Янко хизматимга яраша яхши ҳақ тўлаганда кетмасдим деб айтди, дегин; мен ҳар ерда йўлимни топиб кетаман, шамол ғириллаб, денгиз шовиллайдиган жойда ишимни тўғрилаб кетавераман!» Бирпас жим тургач, Янко яна давом этди: «Бу мен блан бирга кетади; бу ерда қололмайди; кампирга бориб, энди жуда қариб қолдинг, энди ўлсанг ҳам бўлади, инсоф ҳам бўлиши керак-да, деб айт. Биз энди қайтиб келмаймиз».

— «Менчи?» — деди кўр ҳазин товуш блан.

— «Сени бошимга ураманми?» деган жавоб эшитилди.

Шу орада менинг ундинам қайиққа сакраб тушди-да, йўлдошига қўл силқитди; йўлдоши кўрнинг қўлига

бир нарса бериб, «Ма, ширин кулча олиб ейсан», деди.—«Атиги шуми?» деди кўр. «Ма, бўлмаса, буни ҳам ол»,— тошга тушган танга жаранглаб кетди. Кўр уни олмади. Янко қайиққа тушди; шамол қирғоқ томондан урарди, улар кичкина елканни кўтаришди-да, елдай сузиб кетишди. Қопқора тўлқинлар орқасидан елкан ой ёруғида анчагача милтираб кўриниб турди; кўр ҳамон денгиз лабида ўтирарди, қулоғимга худди ҳўнграшга ўхшаш товуш эшитилгандай бўлди; чиндан ҳам, кўр бола анча вақтгача ҳўнграб йиғлаб ўтирди... Юрагим ачишиб кетди. Нима учун тақдир мени *ҳалол контрабандистларнинг*²⁵ тинчгина муҳитига ирғитди экан? деб ўйладим. Худди тип-тинч булоққа ташланган тошдай, уларнинг тинчлигини буздим, ўзим ҳам тошдай, чўкиб кетаёзим!

Уйга қайтдим. Даҳлизда ёғоч ликобчага қўндирилган шам ёниб бўлаёзган эди, казагим, тайинлаб кетишимга қарамасдан, милтигини икки қўллаб ушлаган ҳолда қотиб ухларди. Унга тегмадим-да, шамни олиб, ичкарига кирдим. Ҳайхот! Сандиқчам, кумуш сопли қиличим, бир ўртоғим совға қилган доғистон ханжарим, бари йўқолган эди. Ла'нати кўрнинг қайиққа нима орқалаб борганини энди билдим. Казакни қаттиқ туртиб уйғотдим, ўлгудек сўкдим, жаҳлим чиқди, аммо бундан нима фойда! Бошлиқларга бориб, кўр бола нарсаларимни ўғирлаб кетди, ўзимни ўн саккиз яшар бир қиз сувга фарқ қилиб юбормоқчи бўлди, деб арз қилиш уят бўлмасмиди? Худога шукурки, эрталаб жўнаб кетиш имкони туғилди, Таманьдан кетдим. Кампир блан бечора кўрнинг тақдири нима бўлди, билмайман. Одамларнинг шодлиги блан, қайғу-аламлари блан менинг, пошшолик ишлари блан сафарларда юручи бир офицернинг қанчалик иши бўлсин!..

Биринчи бўлимнинг охири

ИККИНЧИ БУЛИМ

(Печорий журналининг охири)

II

Княжна Мери

11-нчи май

Кеча Пятигорскка келдим, шаҳарнинг чеккасидаги энг баланд жойдан, Машуқ тоғининг этагидан квартира ижара олдим; момақалди роқ бўлганда, булутлар уйимнинг томигача тушиб туради. Бугун эрталаб соат бешда деразани очиб юборган эдим, уй олдидаги кичкина боғчада ўсиб ётган гулларнинг иси бутун уйни тўлдирди. Барқ уриб гуллаган гилос шоҳлари деразамдан мўралаб туради, баъзан шамол ёзув столимга гилос гуллари сочиб кетади. Уч тарафим гоят гўзал манзара. Кунботар томонда худди «Тинган бўроннинг сўнгги булут парчаси»²⁶ дай, беш чўққили Бештов кўмкўк бўлиб кўриниб туради; шимол томонда худди эронларнинг пахмоқ қалпоғидай кўтарилиб турган Машуқ тоғи осмоннинг ўша қисмини тўсиб туради; кунчиқар томондан ҳам гўзал; пастликда, худди уйимнинг рўпарасида топтоза, япянги шаҳарча рангбаранг товланиб ётади, шифобахш булоқлар шилдирайди, ҳархил тилда гапиручи одамларнинг говур-гувури эшитилиб туради, — ундан нарида мовий ва туманли тоғлар бир-биридан юксалиб боради, уфқ четида эса Қазбекдан бошланиб, то қўш чўққили Эльборус тоғи блан туговчи кумушдай қорли тоғлар тизмаси чўзилиб ётади... Шундай жойда яшаш нақадар роҳат! Томирларимда қандайдир севинчли туйғулар оқади. Бу ернинг ҳавоси худди гўдак бўсасидай пок ва беғубор: офтоб порлайди, осмон кўмкўк нилдай — бундан ортиқ яна нима керак? Эҳтирос, истак ва қайғуришларга ўрин борми?.. Брок, вақт бўлди. Елизавета булоғига борай, чунки барча сувга келганлар ҳар куни эрталаб ўша ерга тўпланар эмиш.

Шаҳар марказигача тушиб, бульвар бўйлаб кетдим, бу ерда секин тоққа чиқиб боручи бирнеча ғамгин тўдаларни учратдим: уларнинг аксари қисми помешчик-

ларнинг оилалари эди; буни эркакларнинг сузилиб кетган, эски модада тикилган сюртуқларидан, хотин-қизларнинг эса зийнатли кийимларидан дарҳол пайқаш мумкин эди; улар сув шифосига келган ёшларнинг ҳаммасини яхши билишса керак, чунки менга жуда қизиқсиниб қарар эдилар: менинг петербургча тиктирган сюртугим уларни янглиштирди, броқ аскарый эполетларимни кўриб; нафрат блан юзларини ўгириб олишди.

Маҳаллий ма'мурларнинг хотинлари, я'ни шифобахш сувларнинг эгалари улардан кўра илтифотлироқ эдилар; уларда лорнетлар бор, улар мундирга камроқ аҳамият беришади, улар Кавказда номерли тугма остида оташин қалб, оқ фуражка тагида ақл борлигига ўрганиб қолишган. Бу аёллар жуда дилкаш, узоқ вақтгача дилкаш бўладилар. Уларнинг жазманлари ҳар йили янгилашиб туради, балки уларнинг сўнмас дилкашликларининг сири ҳам шундадир. Тор сўқмоқ йўлдан Елизавета булоғига чиқиб бораётиб, бир тўда штатский ва ҳарбийча кийинган эркаклардан ўтиб кетдим, кейин билсам, улар сув давосига ҳавас қилиб келганлар орасида алоҳида бир тоифа экан. Улар ичишаркан, аммо сув эмас; онда-сонда сайр қилишаркан, хотин-қизларга ҳам тўғри келиб қолгандагина эргашишаркан, нуқул қимор ўйнашаркан ва зерикишдан нолишаркан. Улар ўтакетган олифта одамлар: тўр блан қопланган стаканларини кислород сувли қудуққа ботирган чоқда кеккайиб туришади; штатскийлар оч ҳаворанг галстук тақишади, ҳарбийлар эса ёқаларини чиқариб юришади. Уларнинг ҳаммаси оддий ҳамда провинциал уйларга нафрат блан қарайдилар ва пойтахтнинг аристократ меҳмонхоналари доғида юрадилар, аммо уларни у ерга киритмайдилар.

Ниҳоят қудуққа ҳам етдим... Қудуқ ёнидаги майдончага кичкинагина уйча, қизил томли ваннахона, ундан сал нарига эса галерея қурилган, ёнгарчилик вақтларида одамлар шу ерда сайр қиладилар. Скамейкада бирнеча ярадор офицерлар қўлтиқтаёқларини йиғиштириб ўтирардилар, уларнинг юзлари сўлгин ва ғамгин. Бирнеча хонимлар сувнинг та'сирини кутиб,

майдончада у ёқдан бу ёққа тез-тез юриб туради. Улар ичида бир-иккита чиройликлари ҳам бор эди. Машуқ ёнбағирларини қоплаган ишкомлар ичида ба'зан жазмани блан танҳо кезишни яхши кўручи хонимларнинг рангбаранг шляпалари кўриниб қоларди, чунки бундай шляпа ёнида албатта ё ҳарбийча фуражка ё бўлмаса кўримсиз думалоқ шляпа кўриниб қоларди. Эола арфаси²⁷ деб аталмиш павильон қурилган тик қоя тепасида манзара ишқивозлари телескоп блан Эльборусни тамоша қилиб туришарди, улар орасида ширинча касалидан шифолаш учун олиб келинган болаларни етаклаган икки мураббий ҳам бор эди.

Упкам шишиб, тоғ этагида тўхтадим, бир уйнинг бурчагига суяниб, теварак-атрофдаги гўзал манзарани тамоша қилиб турган эдим, бирдан орқамдан:

— Печорин! Қачон келдинг? деган таниш овозни эшитиб қолдим.

Қайрилиб қарадим: Грушницкий! Қучоқлашиб кўришдик. У блан ҳаракатдаги отрядда танишган эдим. У оёғидан ўқ еб, сув шифосига мендан бир ҳафтача илгари келган эди.

Грушницкий — юнкер. Ҳарбий хизматга кирганига атиги бир йил бўлган, ўзига хос олифтагарчилик блан солдатлар киядиган қалин шинель кийиб юради. Солдатларга бериладиган Георгий крести ҳам бор. Қаддиқомати келишган, қорачадан келган, сочлари ҳам қора; ёши 21 га етмаган бўлса-да, афтига қараб 25 ларда деб ўйлаш мумкин. Гапирганда бошини орқага ташлаб гапиради, ўнг қўли блан қўлтиқтаёққа суяниб тургани учун, чап қўли блан минут сайин мўйловларини бурайди. Гапирганда тез ва ҳашамдор қилиб гапиради; у, ҳарбир ҳодисага тантанали жавоблар ҳозирлаб қўючи, содда, гўзал нарсалар ҳам та'сир этмайдиган, ўзларини фавқулодда туйғулар ва юксак ҳисларга тўлган, мислсиз азоблар чекиб юрган одам қилиб кўрсатишни яхши кўручилар тоифасидан. Бировни қойил қолдириш уларга завқ беради; улар провинцияли романтик хонимларга ўлардай ёқади. Улар қариганларида ё мўминқобил помещчик бўлишади ё бўлмаса пияниста, ба'зан у ҳам, бу ҳам бўлишади. Уларнинг дилида яхши

ҳислар кўп бўлади, аммо поэзиядан тарихча ҳам бўлмайди. Грушницкий ҳамма нарсадан кўра гап сотишни яхши кўради: гап оддий мавзулар доирасидан ташқари чиқдими, бўлди, гапиравериб миянгизни қоқиб қўлингизга беради; мен у блан сра баҳслашаолмасдим. У сизнинг этирозларингизга жавоб ҳам бермайди, гапингизни ҳам эшитмайди. Гапириб бўлишингиз бланок, узундан возоқ гапириб кетади, унинг гапи ҳозир сиз айтиб турган гапларга алоқаси бордай кўринса-да, аслида ўзининг боя бошлаб қўйган гапининг давоми бўлиб чиқади.

Тили анча бийрон: эпиграммалари²⁸ кўпинча қизиқ бўладию, аммо ҳеч нишонга бориб тегмайди ва узиб ололмайди; у бир сўз блан ҳечкимни ўлдираолмайди; у одамларни, уларнинг заиф жойларини билмайди, чунки бутун умрини ўзига бино қўйишга сарфлаган. Унинг бутун фикри-зикри — роман қаҳрамони бўлиш. Ўзининг бу дунё учун яратилмагани, аллақандай сирли жафоларга дучор бўлиб юргани тўғрисида бошқаларни ишонтиришга уринавериб охири ўзи ҳам шунга ишонаёзган. Шунинг учун ҳам солдатча қалин шинелини кибр блан кийиб юради. Мен унинг бунақалигини пайқаб қолдим, шунинг учун ҳам, қалин дўстдай бўлиб кўрнишимизга қарамай, у мени ёмон кўради. Грушницкий жасурликда ном чиқарган, мен буни амалда кўрганман: у қўлида қилич ўйнатиб, ҳайқириб, кўзларини чирт юмиб олдинга отилади. Аммо бу — русларга хос жасорат эмас!..

Мен ҳам уни ёқтирмайман: бир кунмас, бир кун тор бир йўлда учрашиб қолишимизни ва иккимиздан биримизнинг бошимизни ёйишимизни сезиб юраман.

Кавказга келишининг сабаби ҳам унинг романтик хаёлпарастлигида; имоним комилки, отасининг қишлоғидан жўнаб кетиш олдида ўзини қайғули қилиб кўрса-тиб, биронта чиройликкина қўшни қизга «мен армияга хизмат важдан эмас, балки ўлим ахтариб кетаётirman...» деган ва гапнинг шу ерига келганда кўзларини қўли блан беркитиб: «йўқ; сиз (ёки сен) буни билмаслигингиз керак. Сизнинг пок дилингиз титраб кетади! Билиб ҳам нима қилардингиз! Мен сизга ким эдимки...

Дардимга тушунаолармидингиз?...» ва ҳоказолар дегани аниқ.

У, К. полкига киришимнинг сабабини ўзим биламану, худо билади, дер эди.

Аммо Грушницкий юзидаги жафокашлик ниқобини олиб ташлаган пайтларда жуда ҳушфе'л ва мулойим йигит бўлади. Уни хотинлар ёнида бўлганини кўрсам жуда мароқланаман: роса ўлиб-тирилса керак!

Биз эски қадрдонлардек кўришдик. Мен ундан сув шифосига келганларнинг юриш-туришлари ва диққатга лойиқ одамлар ҳақида сўрайбошладим.

— Соддагина ҳаёт кечирамиз,— деди у, хўрсиниб,— эрталаб сув ичучилар ҳамма касаллар сингари хомуш, кечқурун вино ичучилар эса ҳамма соғлом одамлар сингари бемаза ва бетамиз бўлиб кетадилар. Хотинлар жамияти бор, аммо улардан фойда кам; улар нуқул вист²⁹ ўйнашгани ўйнашган, хунук кийинишади, француз тилини бузиб гапиришади. Бу йил Москвадан фақат княгина Лиговская блан қизи келган; лекин мен улар блан таниш эмасман, устимдаги мана бу солдатча шинелим ла'нат тамғасига ўхшайди. Шинелим дилларда қўзғатган ачиниш ҳисси эса менга берилган садақага ўхшайди.

Шу пайтда ёнимиздан қудуқ томонга икки хотин ўтди: бири кексароқ, иккинчиси — ёшгина, қадди-қомати анча келишгангина. Юзларини шляпа соявонлари тўсиб тургани сабабли яхши кўролмадим, аммо кийимлари олийжаноб, дид блан тикилган, ортиқча ҳечнима йўқ, бежиримгина эди. Уларнинг кичиги енг ва ёқалари берк *gris de perles*³⁰ кўйлак кийган, нозик бўйнида шаффоф шойи рўмол қилпилларди, *couleur puce*³¹ ботинкалари нозиккина оёқларининг тўпиқларини шундай чиройлик сиқиб турардики, ҳатто гўзалликнинг нима-лигини билмаган одам ҳам кўрганда ҳайратланиб «оҳ» деб қоларди. Унинг енгилгина, аммо виқор блан ташлаган қадамларида ифбатли қизларгагина хос бир нарса акс этарди, буни сра та'рифлаб бўлмайдию, аммо кўрган одам дарров пайқайди. Ёнимиздан ўтиб кетаётганида атрофга та'рифлаб бўлмайдиган даражада ёқим.

ли хушбўй ҳид тарқалдики, одатда жононлар ёзган мак-
тублардан шундай ҳид келиб туради.

— Княгиня Лиговская деганим шу,— деди Груш-
ницкий,— ёнидагиси қизи Мери. Онаси қизига инглиз-
ларга тақлид қилиб шундай от қўйган, уларнинг
келганига атиги уч кун бўлди.

— Ие, дарровдан отини ҳам билиб олибсан-а!

— Ҳа, тасодифан эшитиб қолдим,— деди Грушни-
цкий, қизариб.— Аммо, ростини айтсам, улар блан
танишмоқчи эмасман. Бу мағрур зотлар биз ҳарбий-
ларга худди ваҳшийларга қарагандай қарашади. Но-
мерли фуражка остида ақл, қалин шинель остида
қалб бор-йўқлиги блан уларнинг нима ишлари бор?

— Бечора шинель!— дедим мен кулиб,— уларнинг
ёнига келиб мулозимат блан стакан тутаётган киши
ким?

— О! Раевич деган москвали олифта! Қиморвоз:
жаворанг желеткасида осилиб турган каттакон тилла
занжиридан маълум. Қўлидаги йўгон ҳассасини айт-
майсанми, худди Робинзон Крузонинг ҳассасига ўх-
шайди! Соқоли ҳам, тараниши ҳам *à la moujik* ³²

— Нима бало, бутун одамзодга қарши ғазабланган-
мисан дейман?

— Сабаби бор-да...

— Йўге, ҳали шундай дегин?

Шу орада хотинлар қудуқдан қайтиб, бизга яқин-
лашдилар. Грушницкий қўлтиқ таёғини ушлаб, дра-
матик ҳолатда туриб олди-да, овозини баланд қилиб,
менга французча жавоб берди:

— *Mon cher, je haïs les hommes pour ne pas les
mépriser, car autrement la vie serait une farce trop
dégoûtante* ³³.

Қўҳликкина княжна қайрилиб қаради-да, гапиру-
чига узоқ ва мароқли назар ташлади. Бу боқишнинг
маъносини билиш жуда қийин эди, аммо уни истехзоли
қараш деб бўлмасди, шунинг учун Грушницкийни ичим-
да табриклаб қўйдим.

— Княжна Мери деганинг жуда танноз экан,—
дедим мен унга.— Кўзлари бахмалдай экан, худди бах-
малнинг ўзи дейсан; унинг кўзлари ҳақида гапирганинг-

да шу иборани ишлатгин демоқчиман: пастки ва юқориги киприклари шу қадар узунки, қуёш нурлари кўз қорачуғида акс этмас экан. Мен шунақа ялтирмайдиган кўзларни яхши кўраман; улар шу қадар майинки, худди сени силаб-сийпаб тургандай бўлади. Аммо унинг чеҳрасида чиройлик нарса шугинага ўхшайди... Қалай, тишлари оппоққинами? Бу жуда муҳим нарса. Аттанг, сенинг бояғи ҳашаматли сўзингга бир-жилмайиб қўймади-да.

— Чиройликкина хотин тўғрисида худди инглиз оти тўғрисида гапиргандай гапирасан-а,—деди Грушницкий, ғазабланиб.

— Mon cher,— деб жавоб бердим мен, унинг товушига ҳамоҳанг бўлишга тиришиб,— *je méprise les femmes pour ne pas les aimer, car autrement la vie serait un mélodrame trop ridicule*³⁴.

Мен ўтирилиб, унинг ёнидан кетдим. Ишқомлар, оҳақтошли қоялар ва уларда ўсиб ётган буталар орасида ярим соатча сайр қилиб юрдим. Кун қизийбошлаши блан уйга қайтиб кетдим. Кислосерали булоқ ёнидан ўтаётиб, усти ёпиқ галереяда нафасимни ростламоқчи бўлиб тўхтаган эдим, беихтиёр жуда қизиқ бир ҳодисанинг гувоҳи бўлдим. Бу манзаранинг иштирокчилари мана бундай вазиятда эдилар. Княгиня блан москвали олифта ёпиқ галереяда ўтирар эдилар, афтидан, икковлари бир нарса тўғрисида жиддий суҳбатлашмоқда эдилар. Княжна сўнгги стакан сувни ичиб бўлган бўлса керак, хаёлга чўмиб қудуқ атрофида айланиб юрарди, Грушницкий эса қудуқнинг ёнгинасида турарди; майдончада бошқа ҳечким йўқ эди.

Мен яқинроқ бориб, секин галереянинг бурчагига беркиниб турдим. Шу замон Грушницкий қўлидаги стакани қумга тушириб юборди, энгашиб олмоқчи бўлдию, аммо оёғи майиблиги сабабли энгашаолмасди. Шўринг қурғур, қўлтиқтаёғига таяниб шунча уринса ҳам беҳуда эди. Унинг ма'нодор юзи ҳақиқатан ҳам азобни ифода этарди.

Бунинг ҳаммасини княжна Мери мендан кўра яхшироқ кўриб турарди.

У Грушницкийнинг ёнига худди қушдай учиб келди.

да, энгашиб стаканни ердан олдию, сра та'рифлаб бўлмайдиган гўзал тан ҳаракати блан унга узатди; сўнгра қипқизариб, галерея томонга қаради, онасининг ҳеч нарса кўрмаганини пайқаб, дарров ўзини ўнглаб олди. Грушницкий ташаккур билдириш учун оғзини очганда, у анча нарига кетиб қолганди. Бирпасдан сўнг онаси ва олифта киши блан бирга галереядан чиқди, броқ Грушницкийнинг ёнидан шу қадар кибр-ҳаво блан ўтдики, ҳатто унга қайрилиб ҳам қарамади, унинг эҳтиросли боқишларига назар ҳам солмади, ҳолбуки Грушницкий, у тепаликдан тушиб, бульвардаги арғувон дарахтлари орасида кўздан йўқолгунча кетидан қараб турар эди... Броқ, бирпасдан кейин княжнанинг шляпаси кўчанинг нариги бетида яна бир бор ялт этиб кўриндию, сўнг Пятигорскдаги энг данғиллама иморатлардан бирининг дарвозасига кириб кетди. Унинг кетидан княгиня ҳам киратуриб, Раевич блан хайрлашди.

Шундан кейингина эҳтиросли юнкер бечора мени кўриб қолди.

— Кўрдингми?— деди у, қўлимни қаттиқ сиқиб.— Малак дейсан, малак.

— Нимаси малак?— деб сўрадим мен, ўзимни соддаликка солиб.

— Кўрмадингми?

— Йўқ, кўрдим, стаканингни ердан олиб берди. Уша вақтда қоровул турганда, у ҳам олиб берган бўларди, ароқ пули чиқармикан деб, қайтанга тезроқ олиб берган бўларди. Ҳа, нимасини айтасан, унинг сенга ачиниши равшан: ўқ еган оёгингни босганингда башарангни шу қадар буриштирдингки...

— Уша онда юзида қалбининг жилваланганини кўриб ҳеч та'сирланмадингми?

— Йўқ.

Мен ёлғон гапирдим: унинг жиғига тегмоқчи эдим. Менинг қайсарлигим ўзим блан бир кунда туғилган бўлса керак; бутун умрим қалбимга ёки ақлимга қарши қайғули ва муваффақиятсиз қайсарлик қилиш блан ўтди. Ёнимда бирон серғайрат ва жўшқин одамни кўрсам худди устимдан бир челақ сув қуйилгандай бўламан, аксинча, бирон ланж одам блан тез-тез учрашиб тур-

сам, балки, эҳтиросли хаёлпараст бўлиб кетармидим. Яна шуни ҳам э'тироф этаманки, шу он кўнглимни ўзимга таниш, аммо қандайдир хунук бир ҳис чертиб ўтди, бу ҳис ҳасад эди: мен «ҳасад» сўзини дадил айтаётиман, чунки ҳарнарсани э'тироф қилишга ўзимни ўргатиб олганман; бирон гўзалга кўнгили кўйган йигит ўша хотиннинг бошқа бир таниш бўлмаган кишига майл кўрсатганини кўриб қолса (албатта, йигит олий жамиятда яшаб, ўз иззати нафсини эркалаб ўстирган бўлса), бунга чидаб турулмайдими ва чидайдиган одам бўлмаса ҳам керак.

Грушницкий иккимиз индамасдан пастликка тушдик-да, бульвардан юриб, гўзалимиз кириб кетган уй деразалари ёнидан ўтдик. У дераза олдида ўтирган экан. Грушницкий энгимдан ушлаб тортди-да, хотинларга камдан-кам та'сир қиладиган хумор назарлардан бирини ташлади. Мен княжнага лорнет блан қараган эдим, унинг Грушницкийнинг боқилишига жилмайиб қараб турганини, менинг лорнет блан қарашимдан жуда жаҳли чиқиб кетганини кўрдим. Дарҳақиқат, Кавказ армиясида хизмат қилучи оддий бир кишининг москвали княжнага ойна орқали қарашга қанлай ҳақди сиғади?..

13-нчи май

Бугун эрталаб уйимга доктор келди; унинг фамилияси Вернер бўлса ҳам, ўзи рус. Бунинг қандай ажабланадиган жойи бор? Мен Иванов фамилияли бир немисни билардим.

Вернер кўп жиҳатдан ажойиб одам. У ҳамма медиклар сингари скептик³⁵ ва матерьялист³⁶, шу блан бирга шоир ҳам, шоир бўлганда ҳам жиддий шоир,— гарчи умрида бир мисра' ше'р ёзмаган бўлса-да, ўз ишида ҳарвақт, сўзда эса кўпвақт шоир. Мурда томирларини қанча ўргансалар, инсон қалбининг ҳамма торларини ҳам у шунчалик ўрганиб олган, аммо у, ўзининг бу билганларидан сра фойдаланаолмас эди; ахир, ба'зан жуда уста анатомия олими ҳам оддий безгакни тузатаолмайди-ку! Одатда, Вернер ўзи даволайдиган касаллар ус-

тидан мийиғида кулиб юрарди; аммо бир марта, жон бераётган солдат тепасида йиғлаб ўтирганини ўз кўзим блан кўрганман... Ўзи камбағал эди, миллион-миллион бойликларни хаёл қилиб юрардию, аммо пул топиш йўлида қўлни қўлга урмас эди; бир куни менга, дўстдан кўра душманга яхшилик қилганим яхши, чунки дўстга яхшилик қилиш ҳайр-садақа қилиш блан бара-вар, аммо душман қанчалик олийжаноб бўлса, нафратинг ҳам шунча ошади, деди. Унинг тили жуда заҳарли эди: у кўпгина туппа-тузук одамлар ҳақида эпиграммалар тўқиб, уларни расво қиларди. Унинг рақиблари, я'ни сувларда даволовчи ҳасадчи медиклар, у ўз касалларини карикатура қилармиш деган гап тарқатишган экан, касаллар хафа бўлиб, деярлик ҳаммаси ундан воз кечипти. Унинг дўстлари, я'ни Кавказда хизмат қилучи деярлик барча виждонли кишилар унинг обрўсини яна кўтаришга шунча уринишса ҳам иложи бўлмади.

Унинг ташқи қиёфаси биринчи кўришда одамга ёқмас эди, аммо кейинчалик, унинг хунук юзида кўп синалган ва олийжаноб руҳий куч ифодаси акс этганини кўргач, одамга жуда ёқиб қолар эди. Хотинларнинг бундай кишиларнинг эс-ҳушдан ажралгундай яхши кўришлари ва уларнинг хунуклигини энг гўзал, энг нозик кишиларнинг чиройига ҳам алишмаслик каби ҳоллар кўп бўлган; хотинларга ҳам тан бериш керак: уларда руҳий гўзалликни сезучи туйғу бор; шунинг учун Вернерга ўхшаган одамлар хотинларни шу қадар зўр эҳтирос блан севса керак.

Вернер пакача ва худди ёш боладай озгин ва нимжон эди; Байроннинг оёғига ўхшаб бир оёғи сал калтароқ эди; калласи бўйига нисбатан жуда катта кўринарди; сочини калта қирқтирарди, шунинг учун бош суюгининг очилиб қолган ўнқир-чўнқирларини френолог³⁷ кўрса ҳайратда қоларди. Унинг ҳамиша жовдираб турган қопқора ва кичкина кўзлари дилингиздаги ҳамма нарсени билишга ошиққандай кўринарди. Қийим танлашда диди борлиги кўзга ташланарди; ориқ пайлари кўриниб турган кичкина қўлларидан очсариқ қўлқоп сра тушмасди. Ҳамиша қора сюртук, қора галстук ва

қора желатка кийгучи эди. Ёш-яланглар уни Мефистофель³⁸ деб атарди, Вернер бундан жаҳли чиққандай бўлардию, аммо аслида бу гап унинг иззати нафсини қондирарди. Биз бирпасда бир-биримиз блан топишиб, ошна бўлиб олдик, чунки менда дўстликка мойиллик йўқ: гарчи икки дўст бир-бирига иқрор бўлмаса-да, бири иккинчисининг қули бўлиб қолади; мен қул бўла-олмайман, аммо бировга амр бериш ҳам ниҳоятда малолли иш, чунки амр бериш блан бирга алдаш ҳам керак бўлади, ундан ташқари, ўзимнинг малайларим ҳам бор, пулим ҳам бор! Бизнинг ошна бўлишимизнинг тарихи бундай бўлди: мен Вернерни С. да, бирталай хушчақчақ ёшлар орасида учратдим; ўтиришнинг охирида гап метафизик фалсафа³⁹ устида кетди; э'тиқод ҳақида сўз борди; ҳаркимнинг э'тиқоди ҳартурли эди.

— Мен эса фақат бир нарсагагина э'тиқод қиламан...— деди доктор.

— Нимага?— дедим мен, шу маҳалгача индамай ўтирган бу кишининг фикрини билиш мақсадида.

— Бир кунмас бир кун албатта ўлиб кетишимга.

— Мен сиздан бойроқ эканман,— дедим, мен— сиз айтган э'тиқоддан бошқа менда яна бир э'тиқод бор, у ҳам бўлса — кунлардан бир кун бу дунёга келиш каби бахтсизликка учраганман.

Ўтирганларнинг ҳаммаси бизни сафсата сотаётибсизлар дедию, аммо ҳечбири бизникидан ма'нолироқ гап айтаолмади. Шу-шу, бир-биримизни кўпчилик ичидан ажратабошладик. Биз тез-тез учрашиб турардик, мавҳум масалалар ҳақида жиддий суратда гап талашар ва ахири бир-биримизнинг миямизни қотираётганимизни сезиб, тўхтардик. Шунда, Цицерон⁴⁰ та'риф қилган Рим авгурлари⁴¹ сингари, бир-биримизга кўз қисишиб, хахолаб кулиб юборардик, тўйгунимизча кулиб, кечадан мамнун ҳолда тарқалишардик.

Вернер кириб келганда мен диванда қўлларимни бошим остига қўйиб, шифтга тикилиб ётган эдим. У креслога ўтирди, ҳассасини бурчакка тираб қўйиб, хомиза тортди-да, кун исиб кетганини билдирди. Мен пашшадан безор бўлдим, дедим, шундан кейин иккимиз ҳам жим қолдик.

— Хурматли доктор, шуни билиб қўйингки, аҳмоқлар бўлмаганда, бу дунёнинг сра қизиғи қолмас эди...— дедим.— Мана, ўзингиз бир қаранг: биз икки ақлли одам ўтирибмиз; ҳархил масалалар тўғрисида тинмай баҳслашиш мумкинлигини олдиндан биламиз, шунинг учун ҳам баҳслашмай ўтирибмиз; бир-биримизнинг энг пинҳоний сирларимизни ҳам биламиз; ёлғиз гапнинг ўзи биз учун катта бир тарих; ҳарбир ҳиссимизнинг маъзини уч қават пўст тагидан ҳам кўриб турамиз. Қайғули нарсалар бизга кулгили бўлиб кўринади, кулгили нарсалар эса қайғули бўлиб кўринади, аммо тагини суриштириб қарасангиз, ўзимиздан бўлак ҳечбир нарса блан ишимиз йўқ, бепарвомиз. Хуллас, фикр ва туйғуларимизни бир-биримизга айтиб ўтиришимизнинг ҳожати йўқ: бир-биримизнинг ипимиздан игнамизгача биламиз, бундан ортигини билишни истамаймиз; шундай экан, янги хабарлардан гапириб ўтиришдан бошқа иложимиз йўқ. Қани, менга қандай янгиликлардан айтиб берасиз?

Узоқ гапириб юборганимдан чарчабман, шекилли, кўзларимни юмиб, эснадим.

Вернер бироз ўйлаб ўтириб:

— Сизнинг бу сафсатангизда идея борга ўхшайди,— деди.

— Иккита!— деб жавоб бердим.

— Биринчисини айтинг, иккинчисини мен айтиб бераман.

— Хўп, бошланг!— дедим, шифтни тамоша қилишда давом этарканман ичимда кулиб.

— Сувга келганлардан бири ҳақида ба'зи тафсилотларни билмоқчисиз, ким тўғрисида ўйлаганингизни ҳам билиб турибман, чунки у ерда сизни сўрашди.

— Доктор! Орамызда сра гап қолмапти: бир-биримизнинг дилимиздаги ҳамма нарсаларни биларканмиз.

— Энди иккинчиси...

— Иккинчи идеям бундай эди: мен сизга бирон нарса айттирмақчи эдим; нега десангиз, биринчидан, эшитаётган одам унча чарчамайди; иккинчидан, оғзидан биронта ножўя гап чиқиб кетмайди; учинчидан, бировнинг сирини билиб олиш мумкин; тўртинчиси

шуки, сиз каби доно кишилар ҳикоячилардан кўра тингловчиларни кўпроқ яхши кўришади. Энди мақсадга ўтайлик: княгиня Лиговская менинг тўғримда нималар деди?

Княжна эмасу, княгиня гапирганига... аминмисиз?

— Шак-шубҳасиз.

— Сабаб?

— Сабаби шуки, княжна Грушницкий ҳақида сўраган.

— Узингиз ҳам жуда топоғон одам экансиз-да.

Княжна, солдат шинели кийган ёш йигитнинг дуэль туфайли солдатликка туширилганига ишонади...

— Унинг бу лаззатли хатосидан маҳрум этмагандирсиз...

— Шубҳасиз...

— Воқиянинг бошланиши жойида!— деб қичқириб юбордим мен, суюниб:— бу комедиянинг охирини энди ўзимиз ечамиз. Толи'дан ўргулай, мени зериктириб қўймайдиганга ўхшайди.

— Шўрлик Грушницкийнинг қўлингизда қурбон бўлишини сезиб турибман...— деди доктор...

— Уёғини гапиринг, доктор...

— Княгиня сизни танигандайман, деди. Мен унга, балки Петербургда, олий жамиятда учратгандирсиз, дедим... исмингизни айтдим... Исмингизни билар экан. Саргузаштингизнинг у ерда доврўғи кетганга ўхшайди... Княгиня сизнинг саргузаштингизни гапириб берди, афтидан, олий жамиятларда бўлган ғийбатларга ўзидан ҳам қўшди, шекилли... Қизи зўр иштиёқ блан тинглаб ўтирди. Унинг хаёлида сиз янги дидда ёзилган роман қаҳрамони бўлиб кўриндингиз. Княгиня кўп бема'ни нарсалар гапирди, аммо мен индамай ўтиравердим.

— Асл дўстим экансиз!— дедим мен, унга қўлимни узатиб. Доктор қўлимни самимий сиқди-да, сўзида давом этди:

— Истасангиз таништириб қўяман...

— Асло!— дедим мен, ажабланиб,— қаҳрамонларни ҳам таништириб бўладими, ахир? Қаҳрамонлар таниш. са фақат ўз жононаларини ўлимдан қутқариш йўли блан танишади...

— Чиндан ҳам княжнанинг кетидан судралмоқчимисиз?..

— Аксинча, тамоман аксинча!.. Доктор, ахири мен сизни енгдим-а: менинг мақсадимни тополмадингиз!.. Аммо, ростини айтсам, бунга хафаман,— деб сўзимда давом этдим, бироз жим ётганимдан кейин,— мен ўз сиримни ҳечқачон ўзим очиб бермайман, аксинча, сиримни бошқалар пайқаб олишсин дейман, нега десангиз, шундай қилсам, мавриди келганда тонишим мумкин. Аммо, сиз менга онаси блан қизини та'рифлаб беришингиз керак. Улар ким, қандай одамлар?

— Аввало, княгиня 45 ларга бориб қолган хотин,— деб жавоб берди Вернер, — ме'даси жуда жойида экану, аммо қони бузилган; юзида қизил доғлари бор. Умрининг ярмини Москвада ўтқазипти, ҳузур-ҳаловатда яшаб семириб кетипти. Қичиқ-қичиқ латифаларни яхши кўраркан, ба'зан, ёнида қизи бўлмаса, ўзи ҳам беҳаё нарсаларни гапириб беради. Менга, қизим фарштадай пок, дейди. Буни менга нима дахли бор... Мен унга, бир кўнглим, хотирингиз жам бўлсин, бу гапни ҳечкимга айтмайман демоқчи ҳам бўлдим. Княгиня бод касалидан шифолангани келибди, қизининг қандай касали борлигини худо билади; мен уларга кунда икки стакандан кислосерали сув ичиш ва ҳафтада икки марта оддий сульфид аралаштирилган сувда чўмилишни буюрдим. Княгиня, назаримда, амр қилишга ўрганмаган хотин кўринади; қизининг ақли ва билимини ҳурмат қилади, негаки, қизи Байронни инглиз тилида ўқиркан, алгебрани ҳам биларкан; Москва қизлари олимликка берилиб ёмон қилишмапти, назаримда! Бизнинг эркакларимиз шу қадар беандиша, бетамиз бўладики, ақлли хотин учун уларга ноз-карашма қилиш ниҳоятда оғир бўлса керак, дейман. Княгиня ёшларни жуда яхши кўраркан; княжна эса уларни назар-писанд қилмас экан; москвалиларнинг одати шунақа-да! Уларга қирқ ёшга кирган бийронлар бўлса бас.

— Москвада бўлганмисиз, доктор?

— Ҳа, у ерда бироз ишлаганман.

— Давом этинг.

— Ҳамма гапимни гапириб бўлдим, шекилли... Ҳа,

яна бир гапим қолибди: княжна, назаримда, ҳиссиётлар, эҳтирослар ва шунга ўхшашлар тўғрисида муҳокама юритишни яхши кўрса керак... Бир қиш Петербургда турган экан, ёқмабди, айниқса Петербург одамлари ёқмабди; тузукроқ кутиб олишмаган бўлсалар керак-да.

— Уларниқига бугун борганингизда ҳечким йўқмиди?

— Аксинча: бир адъютант, кеккайган бир гвардиячи ва яқинда келган бир жувон бор эди, жувон княгинянинг эрининг қариндоши бўлса керак, ўзи жуда чиройли экану, аммо қаттиқ бетоб кўринади... Қудуқ бошида учратмадингизми?— Ўрта бўйли, сочлари сариқ, чеҳраси гўзал, силбашара, ўнг юзида битта холи бор; чеҳраси шу қадар ифодалики, кўриб ҳайрон қолдим.

— Холи бор?— дедим мен, тишим орасидан,— наҳотки...

Доктор юзимга қаради-да, қўлини кўкрагимга қўйиб, тантанали суратда:

— Сиз уни таниркансиз!..— деди.

Дарҳақиқат юрагим ҳаддан ортиқ гупиллаб урарди.

— Энди сиз ютдингиз!— дедим.— Аммо, мен сизга қаттиқ ишонганман: менга хиёнат қилмайсиз. Мен уни ҳали кўрганим йўқ, аммо сизнинг та'рифингиздан, бир вақтлар яхши кўриб юрганим бир жувонни танигандай бўлиб турибман... Менинг тўғримда унга ҳечнима деманг; башарти, ўзи сўраб қолса, мени ёмонлайверинг.

— Майлингиз!— деди Вернер, кифт қоқиб.

У чиқиб кетгандан кейин юрагимни қайғу босди. Иккимизни тақдир яна Кавказда учраштирдимикин ё бўлмаса менинг шуердалигимни билиб, атайин келдимикин? Кўришсак ҳам қандай кўришамиз? Ўзи ўшамикин?.. Лекин менинг олддан билучи ҳиссим мени ҳеч алдамайди. Менчалик ўтмишнинг қули бўлиб қолган киши дун'ёда топилмаса керак. Ўтмишнинг қайғули ёки ширин дамлари эсимга тушса, кўнглим озор топади ва яна ўша фар'ёдларни қўзғатади... Мен аҳмоқона яратилган бўлсам керак; ҳечнарсани унутмайман, ҳечнарсани!

Обеддан сўнг соат олтиларда бульварга чиқдим: бульвар тўла одам; скамейкада ўтирган княгиня блан княжна атрофида тўпланган бирталай ёшлар бир-бирларига гал бермай, уларга хушомад қилиб туришар эди. Мен улардан сал наридаги скамейкага бориб ўтирдим-да, Д. офицерларидан икки танишимни тўхтатиб, алланималарни ҳикоя қилабошладим; ҳикоям жуда қизиқ бўлса керак, улар қотиб-қотиб кулишди. Княжнани ўраб турганлардан ба'зилари қизиқиб менинг ёнимга келишди; қолганлари ҳам бирин-кетин уни ташлаб, менинг даврамга қўшилишди. Мен гапиравердим: айтиб бераётган латифаларим ғоятда ажойиб эди, ўтган-кетганлар устидан қилган мазохларим жуда аччиқ эди... Кун ботгунча атрофимдагиларни кулдириб ўтирдим.— Княжна онаси блан қўлтиқлашиб, бирнеча марта ёнимиздан ўтди, ёнларида бир чўлоқ киши ҳам бор эди; княжна бирнеча марта менга қараб-қараб қўйди, ўзини қанча бепарво тутишга тиришса ҳам, алам қилганлиги сезилиб турарди...

Одоб юзасидан ёнига қайтиб борган ёшларнинг биридан:

— Нималарни айтиб берди?— деб сўради княжна.— Ажойиб-ғаройиб нарсаларни, ўзининг жангларда кўрсатган қаҳрамонликларини айтиб бергандир-да?..— Бу гапни жўрттага менга эшиттириб айтди, у мени санчиб олмоқчи бўлса керак. «Э-ҳа, чинакам жаҳлингиз чиқипти-ку, жонон княжна, шошманг, ҳали буниси ҳолва!» дедим ичимда.

Грушницкий худди йиртқич ҳайвондай ундан кўзини узмайди; гаров ўйнайманки, эртага албатта бирор кимсага княгиня блан таништириб қўйинг деб ялинади. Княгиня жон дейди, чунки ўзи зерикиб юрибди.

16-нчи май

Икки кун мобайнида ишларим жуда юришиб кетди. Княжнанинг мени кўрарга кўзи йўқ; менинг тўғримда тўқиган бир-икки заҳарли, аммо иззати нафсимни қондиручи эпиграммаларини менга етказишди. Яхши улфатлар блан юришга ўрганган ва унинг Петербургдаги хола ва холаваччалари блан яқиндан таниш бўлату-

риб, у блан танишишни истамаганим уни ёоят даражада ажаблантирарди. Биз кунда қудуқ ёнида ёки бульварда кўришиб турамыз; мен унинг ёнидаги хушторларини, ясанган-тусанган адъютантларни, рангпар москвалилар ва бошқаларни ундан айнитиб, ўз томонимга тортиш учун бутун кучимни сарфламоқдаман ва бунга деярлик ҳамавақт эришмоқдаман. Мен меҳмон кутишни жуда ёмон кўрардим; ҳозир бўлса худонинг берган кун уйим тўла меҳмон, обедга келишади, ужинга келишади, қарта ўйнашади,— қарангки, унинг оҳанрабодай жозибали кўзларидан менинг шампанское вином устун келмоқда!

Кеча уни Челахов магазинида кўриб қолдим; жуда қулинг ўргилсин эрон гиламига харидор бўлиб турган экан. Княжна онасини пулни аяманг, кабинетимизнинг жуда ҳуснини очадиган гилам экан, деб ялиниб турган экан... 40 сўм ортиқ тўлаб гиламни олиб кетдим; бунинг эвазига княжна менга газаб-ла ёнган кўзлари блан бир қараб қўйди. Обеддан сал олдинроқ боёги гиламни черкас отимнинг устига ёптирдим-да, жўрттага унинг деразаси ёнидан етаклаб ўтишни буюрдим. Шу маҳал Вернер уларникида экан, кейин менга, бу манзаранинг княжнага ниҳоятда қаттиқ таъсир этганини айтиб берди. Княжна менга қарши уруш эълон қилмоқчи эмиш; ҳатто ёнидаги адъютантлардан иккитасининг, гарчи кунда меникида обед қилсалар ҳам, мен блан муомалалари совий бошлаганини сездим.

Грушницкийнинг қиёфаси сирли бўлиб қолди: қўлларини орқасига қилиб юради, ҳечкимни танимайди, бирдан оёғи ҳам тузалиб кетди, оқсоқланиши ҳам билинмай қолди. Пайтини топиб туриб княгиня блан танишиб олибди, княжнага бир-икки оғиз хушомад ҳам қилганга ўхшайди; княжна яхши-ёмонни унча ажрата билмаса керак: у блан танишганидан бери, унинг таъзимига латиф табассум блан жавоб қайтаради.

Лиговскаялар блан асло танишмоқчи эмасмисан?— деди кеча Грушницкий менга.

— Асло.

— Қўйсангчи-е! Сувлардаги энг дилкаш уй — шуларники-ку! Бу ернинг энг мутабар кишилари...

— Дўстим, бу ердагиларгина эмас, ҳатто бошқа ердагилар ҳам жонимга теккан. Ўзинг бориб тура-санми?

— Йўқ ҳали: княжна блан атиги бир-икки марта гапиришдим, холос. Мен сенга айтсам, гарчи буерда уят ҳисобланмаса ҳам, бировнинг уйига ялиниб бориш ноқулайроқ... Эполет тақсам — бошқа гап эди...

— Қизиқ экансан! Шу туришинг минг марта кўр-камроқ-ку! Ўзингнинг қулай вазиятингдан фойдала-нишни билмас экансан... Устингдаги солдат шинели юраги сал нарсага эриб кетадиган ҳарқандай қизнинг назарида сени жафокаш қаҳрамон қилиб кўрса-тади.

Грушницкий ўзидан мамнун бўлиб илжайди-да:

— Бўлмаган гап!— деди.

— Княжна аллақачон сенга ошиқи беқарор бўлиб қолганига аминман,— деб сўзимда давом этдим мен.

Грушницкий қулоқларигача қипқизариб кетди-да, қовоғини солди.

— Эй, худбинлик! Архимед⁴² ер шарини кўтармоқ-чи бўлган пишанг сенинг ўзингсан!..

— Ҳеч ҳазилингни қўймас экансан-да!— деди у, ўзи-ни ранжиганга солиб.— Биринчидан, княжна мени яхши танимайди...

— Хотинлар фақат танимаган кишиларинигина яхши кўришади.

— Ҳа, мен унга ёқмоқчи эмасман: мен фақат яхши бир оила блан танишай дейман, бошқа бирор мудда-ойим бўлса кулги бўлар эди... Мана, сизларнинг йўруқ-ларинг бошқа!— сенга ўхшаган петербургли олифталар бир қарашда ҳарқандай хотинни қўлга оласизлар... Печорин, княжнанинг сенинг тўғрингда нима деганини биласанми?

— Нима? Сенга менинг тўғримда гапирди ҳамми?

— Лекин қувонмай туратур. Бир куни қудуқ ёнида у блан тасодифан кўришиб, гаплашиб қолдим; оғзидан чиққан учинчи гапи шу бўлди: «Анови жаноб ким, одамга бирам ҳўмрайиб қарайдики... сиз блан бирга эди-ку, ўша куни...» Княжна қипқизариб кетди, ўзининг жонона ҳаракатини эсладию, аммо кунини айтмади.—

Кунини айтмасангиз ҳам бўлади,— дедим унга,— у кун ўлгунча эсимдан чиқмайди... Дўстим Печорин! Ҳолинг хароб, сенинг тўғрингда у ёмон фикрда... Жуда ачинаман сенга! Чунки, Мери жуда латофатли қиз!..

Шуни ҳам айтиб қўяйки, Грушницкий сал-пал таниш ва ўзига ёқиб қолган хотинлар тўғрисида гапирганда менинг *Мерим*, менинг *Sophie* дейдиганлар тоифасидан.

Мен жиддий туриб:

— Тўғри, у чакки қиз эмас... — деб жавоб бердим. — Аммо эҳтиёт бўл, Грушницкий! Рус қизлари кўпинча Афлотун муҳаббати блан яшайдилар. Уларда эрга тегиш нияти ҳам бўлмайди: у жуда серташвиш муҳаббат бўлади. Княжна кўнгил очишни яхши кўрадиган ноз-карашмали аёллардан кўринади; агар ёнингда бир-икки марта зерикиб қолса борми, иш тамом, ҳалок бўлдим деявер; сукутинг унда қизиқиш уйғотмоғи керак, гапларинг эса асло қизиқишини қондирмаслиги лозим; сен уни дам ўтмай қизиқтириб туришинг керак, сени деб у ўн марта бўлса ҳам одамларнинг гап-сўзини менсимай қўяди, буни ўзи томонидан қилинган фидокорлик деб атайди, аммо бунинг эвазига ўзини мукофотлаш учун, сени қийнайди, азоблайди, кейин боради-да, сени кўргани тоқати йўқлигини шартта бетингга айтади, қўяди. Башарти, сен ундан устун келолмасанг, бўлди, сени бир марта ўпгани сенга иккинчи марта ўпиш учун ҳуқуқ бермайди; кўнгли тўйгунича ноз-карашма қилиб юрадио, икки йилдан кейин оёисининг гапига кириб, бирон рўдапога тегади кетади, сўнгра бахти қора эканман, умримда фақат бир кишини, я'ни сени севардим, аммо тақдир менга ўгай экан, бошимизни қовиштириб қўймади, чунки устингда солдатча шинелнинг бор эди, гарчи қалин ва кулранг шинель остида оташин ва олийжаноб қалб уриб турган бўлса-да, тақдир бизни қўшиб қўймади деб, ўзини ўзи ишонтириб юрадиган бўлади...

Грушницкий столни бир урди-да, уй ичида уёқдан-буёққа юрабошлади.

Мен ичимда кулардим, ҳатто бир-икки марта жилмайиб ҳам юбордим, аммо, бахтимга, у буни сезмади.

Унинг ошиқи шайдолиги равшан эди, чунки илгаригига қараганда дили анча очилиб кетган эди, ҳатто бармоғида шу ерда ясалган қора кўзли кумуш узук ҳам пайдо бўлиб қолган эди; шу узук мени шубҳага солиб қўйди... Узукка диққат блан тикилиб қарадим, қараб нимани кўрдим денг?.. Узукнинг ички томонига майда ҳарфлар блан *Мери* деган сўз, унинг ёнига Мерининг машҳур стаканни ердан олиб берган куннинг числоси ўйиб ёзилган эди. Бу кашфиётимни ўзига билдирмадим, мен ўзи иқрор бўлишини истамайман; мен шуни истаيمانки, ўз сирларини менга ўзи очиб берсин, ана шунда лаззатланаман...

Бугун кеч турдим; қудуқ бошига борсам — ҳамма тарқалиб кетибди. Кун исийбошлаганди; қорли тоғлар тепасидан елиб-югуриб келучи оппоқ паҳмоқ булутлар момақалдироқ бўлишидан дарак берарди. Машуқнинг чўққиси худди ўчган маш'алдай тутаб ётарди; парча-парча кулранг булутлар унинг теварак-атрофида илондай жилпанглаб сузиб юрар ва тоғ тепасидаги буталарга илиниб, секинлашгандай туюлар эди. Ҳаво электр блан тўлган. Ғор томонга чўзилиб кетган ишкомга кириб кетдим; юрагимни қандайдир бир ғам босгандай эди. Мен, доктор айтган, юзида холи бор жувон ҳақида ўйлардим... Нега келдийкин бу ерга? Ушамикин? Нега энди бунини худди ўша жувон деб ўйлайман? Нега мен худди ўшанинг ўзи эканлигига бунча қаттиқ ишонаман? Дун'ёда юзида холи бор хотин озми?— Шундай хаёлларга ботиб, ғорга яқинлашдим. Қарасам: салқин ғорнинг ичидаги тош скамьяда бошига похол шляпа кийиб, устидан қора шол рўмол ўраган бир хотин бошини қуйи солиб ўтирибди; шляпаси юзини тўсиб турарди. Унинг хаёлини қочирмай деб, энди қайтиб кетмоқчи бўлиб турувдим, бирдан бошини кўтариб, менга қараб қолди.

— Вера!— деб қичқириб юбордим бехосдан.

У бир сесканиб тушди-да, ранги оппоқ оқариб кетди.— «Сизнинг шу ердалигингизни билардим», деди. Ёнига бориб ўтирдим, қўлини ушладим. Бу ёқимли товушни эшитишим блан бутун борлиғимни кўпдан

унутилган бир титроқ босди. У ўзининг тиниқ ва сокин кўзлари блан кўзимга тикилди; у кўзларда ҳам шубҳа, ҳам ўпқаланиш сезиларди.

— Кўпдан бери кўришмадик,— дедим мен.

— Кўп бўлди, иккаламиз ҳам анча ўзгариб кетдик!

— Бундан чиқди, мени ортиқ севмас экансан-да?

— Эрга чиқдим!..— деди у.

— Тарина? Аммо бундан бирнеча йил илгари ҳам шу важ бор эди, аммо шунга қарамай..

У қўлини тортиб олди, юзлари қипқизариб кетди.

— Балки, иккинчи эрингни севарсан?..

У индамади-да, тескари қараб ўтирди.

— Е жуда рашкчими?

Яна индамади.

— Нега индамайсан? Эринг ёшдир, чиройлидир, жуда давлатманддир, балки кўрқарсан...— Унинг юзига қараб, кўрқиб кетдим: юзларида чуқур умидсизлик акс этар, кўзлари жиққа ёшга тўлган эди.

— Менга айтчи,— деди у ниҳоят, шивирлаб,— Мени қийнашдан лаззатланасанми?.. Аслида, мен сендан нафратланишим керак эди. Бир-биримизни таниган кунимиздан бери менга азобдан бўлак ҳечнарсан берганинг йўқ...— Унинг товуши титраб кетди, бўйинини эгди-да, кўксимга бош қўйди.

«Балки мени шунинг учун севгандирсан, чунки шодлик унутилса унутиладики, қайғу сра унутилмайди...» деб ўйладим ичимда.

Мен уни бағримга қаттиқ босдим, узок вақт шундай ўтирдик. Ниҳоят, лабларимиз бир-бирини топди ва иссиқ ширин ўчишла бирлашди; қўллари муздек совуқ, боши ловиллаб ёнар эди. Икки ўртамызда шундай суҳбат бошланиб кетдики, бу суҳбатни сра қоғозда ифодалаб бўлмайди, такрорлаб ҳам бўлмайди, эса ҳам сақлаб бўлмайди: итальян операларидаги каби, бундай суҳбатда сўз ўрнини товушлар босади ва сўз маъноларини тўлдиради.

Вера эри блан танишишимни сра истамайди, бир кун бульварда кўзим тушган қўлоқ чол унинг эри экан, фарзанд кўриш учун тегибди. Эри жуда бадавлат бўлиб, бод касалига мубтало экан. Уни масхара-

лайдиган бирор гап айтмадим: Вера уни ўз отасидай хурмат қиларкану, аммо эридай алдаркан... Инсон қалби, айниқса хотин кишининг қалби жуда ғалати нарса!

Веранинг эри Семён Васильевич Г...в княгиня Лиговскаянинг узоқ қариндоши бўлиб, уйлари ёнма-ён, Вера княгинянинг уйига тез-тез чиқиб тураркан; Верага Лиговскаялар блан албатта танишаман ва кишилар диққатини сендан чалғитиш учун, жўрттага княжна кетидан судраламан деб ва'да бердим. Шундай қилиб, менинг ўйлаб қўйган планларим ҳам бузилмайди, хушчақчақ бўлиб яшайман!..

Хушчақчақлик!.. Тўғри, қалбим фақат бахт ахтариб, бирор кишини зўр эҳтирос блан севишга ошиққан даврлар ўтди; энди мен бошқалар томонидан севилишни истайман, шунда ҳам озгина кишилар, томонидан севилишни истайман! Ҳатто ба'зан мени фақат биргина киши севсаю, сра бевафолик қилмаса, деб орзу қиламай: шўринг қурғур юракнинг одати шу-да!..

Аммо мен ҳамиша бир нарсага ҳайрон бўлиб юрадим: мен ҳечқачон ма'шуқамга қул бўлган эмасман; аксинча, мен ҳардоим уларнинг иродаси ва қалбига ҳоким бўлардим. Нима учун шундайки?— мен умримда бирон нарсанинг қули бўлишни истамагандигим ва мени қўлдан чиқариб юборишдан қўрққанлари учунми ё бўлмаса, кучли ироданинг ўзига тортучи та'сирли кучимикин? Ё шу маҳалгача биронта мустаҳкам иродали ўжар хотинни учратмаганим учунми?

Э'тироф этишим керакки, ҳақиқатан ҳам мен иродали хотинларни ёқтирмайман; иродали бўлиш уларнинг иши эмас!..

Ҳа, энди эсимга тушди: умримда бир марта, фақат бир мартагина мустаҳкам иродали хотинни яхши кўрганман ва уни сра енголмаганман... Биз бир-биримизга душман бўлиб ажралишганмиз, агар мен уни беш йилча кейинроқ учратганимда, балки бошқача ажралишармидик...

Вера касал, қаттиқ касал, аммо бунга ўзи иқроп бўлмайди: силми деб қўрқаман,— ёки *fièvre lente*¹³ касалига йўлиққан бўлмасин, аслида бу рус касали эмас, бизнинг тилимизда унинг ҳатто номи ҳам йўқ.

Момақалди роқ бизни ғорда ярим соатча тутиб қолди. Вера мендан вафодорлик ҳақида онт ҳам талаб қилмади, ўтган сафар ажралишиб кетганимиздан кейин бошқа хотинни яхши кўрганмисан деб ҳам сўрамади. Илгарилар ўзини менга қандай ишониб топшириб қўйган бўлса, ҳозир ҳам шундай ишонди, — мен ҳам уни алдамайман: дун'ёда мен фақат биргина хотинни алдайолмайман, у ҳам бўлса — Вера. Мен биламан, яқинда биз яна ажралишиб кетамиз, балки абадий ажралишиб кетармиз, иккимиз ҳам ўлим тўшагига ҳархил йўлдан борамиз! — аммо унинг хотираси қалбимда абадий сақланади; мен буни ўзига кўп марта айтганман, гарчи ишонмайман деса ҳам, ишонади.

Ахири хайрлашдик: шляпаси бута ва қоялар орқасида кўздан ғойиб бўлгунча кетидан қараб турдим. Юрагим эзилди, биринчи марта ажралишганимизда ҳам худди ана шундай бўлган эдим. О, бу туйғу мени шу қадар қувонтирдики! Ажабо, бу — ҳаётбахш, жўшқин ёшлигимнинг танимга қайтиб келишими, ё ўша ёшлигимнинг сўнгги боқиши, менга совға қилиб кетмоқчи бўлган ҳад'ясими?.. Аммо, афтимдан ҳали жуда ёш кўринаман; юзларим гарчан рангпар бўлса ҳам, ёшларнинг юзидай беғубор; а'золарим эпчил ва келишган, қалин сочларим жингалак, кўзларим чарақлаб ёнади, қоним қайноқ...

Уйга қайтгач от миниб даштга чиқиб кетдим; мен баланд-баланд майса ўтлар орасидан от чоптириб юришни яхши кўраман, қаршимдан дашт шамоли ғир-ғир уриб туради; кўкрагим хушбўй мусаффо ҳавога тўлиб кетади, кўзимни мовий олисларга тикиб, минут сайин яқинлашиб келучи нарсаларни кўришга тиришаман. Юрагимда қандай дард-аламлар бўлмасин, нималарни ўйлаб диққат бўлмай, бари бирпасда тарқаб кетади; жоним ором олади, танам чарчаб, миямдаги ташвишни енгади. Жануб қуёши ёритиб турган кунгирадор тоғларни, кўмкўк осмонни кўрсам ё тошдан тошга ҳайқириб оқиб тушучи дар'ё шоққинини эшитсам — бас, ҳарқандай хотин сиймосини ҳам дарров унутаман.

Менимча, ўз *минораларида* зерикиб ўтирган казаклар⁴⁴ менинг мақсадсиз, бекордан-бекорга от чоптириб

юришимни кўриб, тозаям ажабланишса керак, чунки менинг устивошимдан улар мени черкас деб ўйлайдилар. Дарҳақиқат, кўп одамлар менга, черкасча кийим кийсангиз кабардинга шу қадар ўхшаб кетасизки, ҳатто ҳақиқий кабардинлардан ажратиб ҳам бўлмайти, дейишади. Рост, бу олийжаноб жайговар кийимни кийсам жуда олифта бўлиб кетаман: бу кийимнинг битга ҳам ортиқча заррин жияги йўқ, жўн кўринса ҳам, қимматбаҳо яроғ тақаман, қалпоғимнинг қундузи узун ҳам эмас, калта ҳам эмас, ўртача, болдирга киядиган кийим билан пойафзалим оёғимга қўйиб қўйгандай, пешматим оқ, черкаскам эса қора. Тоғлиларнинг от миншини ўрганиш учун анча вақтим кетди; менга ҳечнарсаси ёқмаси ҳам, фақат одамларнинг кавказча от миншимга қойил қолиб мақташлари ёқади. Менинг тўртга отим бор: биттаси ўзим учун, учтасини далама-дала ёлғиз ўзим кезиб зерикмай деб, ўртоқларимга атаб олганман; ўртоқларим отларимни жон деб минишадию, аммо ҳечвақт мен билан бирга юришмайди. Обед қилиш кераклиги эсимга тушганда, соат олти бўлган эди; отим ўлгудек чарчаган эди; Пятигорскдан немислар колониясига қараб кетадиган йўлга чиқдим, — сув давосига келганлар у ердан *en ripueniq e⁴⁵* га тез-тез бориб туришар эди. Йўл чакалакзор оралаб, баланд-баланд майса ўтлар орасидан шилдираб сой оқучи кичик-кичик жарлар орқали илон изидай бўлиб боради: теварак-атрофи Бештов, Змеиная, Железная ва Лисая деган баланд-баланд кўмкўк тоғлар ўраб олган. Маҳаллий шевада *балка⁴⁶* дейиладиган шундай жарлардан бирига тушдим-да, отимни суғориб олай деб тўхтадим; шу пайтда йўлдан шовқин-сурон билан келатган бирталай ясанган-тусанган отлиқлар кўринди. Хонимлар эғнида қора ва кўк амазонка⁴⁷, кавалерлар эса ярим *черкасча* ва ярим *нижегородча* кийинган эдилар, энг олдинда Грушницкий билан княжна Мери келар эди.

Шифоли сувга келучи хонимлар черкасларнинг кунпа-кундузи босқинчилик қилишларига ҳали ҳам ишондилар; шунинг учун бўлса керак, Грушницкий солдатча шинелининг устидан қилич ва иккита тўплонча

тақиб олган эди; унинг бунчалик жанговар кийимганини кўрган киши ўзини кулгидан тиёлмас эди. Мен баланд буга орқасида турардим, аммо унинг барглари орасидан ҳамма нарса бемалол кўрниб турарди, уларнинг юзларидан гапларининг ҳиссий бир мазмунда эканини пайқадим. Ниҳоят, улар пастга тушадиган жойга етиб келишди; Грушницкий княжна отининг жиловидан ушлади, ана шунда мен суҳбатларининг охирини эшитиб қолдим.

— Кавказда бутунлай қолиб кетмоқчимисиз?— деди княжна.

— Россия менга нима?— деб жавоб берарди кавалери,— Россия шундай бир мамлакатки, у ернинг минглаб одамлари мендан бадавлатроқ бўлганлари учун мени менсимайдилар, ҳолябуки, бу ерда устимдаги мана бу қалин шинелим ҳам сиз блан танишишимга тўққинлик қилмади...

— Аксинча...— деди княжна ва қизариб кетди.

Грушницкийнинг юзида мамнуният акс этди. У давом этарди:

— Бу ерда умрим жўшқин ўтади, ёввойилар ўқи остида умримнинг тез ўтганили ҳам сезмай қоламан ва агар тангрим ҳар йили фақат бир мартагина хотин табассумини мендан дариф тутмаса ва бу табассум...

Шу замон улар менга яқин келиб қолишди; мен отимга қамчи бериб, чакалакзордан чиқдим...

— Mon dieu, un circassien!..⁴⁸— деб қичқириб юборди княжна, кўрқиб.

Унинг янглишганини билдирмоқ учун бироз энгашиб, мен ҳам французчалаб жавоб бердим:

— Ne craignez rien, madame, — je ne suis pas plus dangereux que votre cavalier⁴⁹.

Княжна изза бўлди,— аммо нимадан? Узининг хато қилиб қўйганиданми ёки менинг жавобимни одобсиз деб топгани учунми? Менга қолса, кейингисининг тўғри чиқишини истардим. Грушницкий менга ранжигандай қаради.

Кечаси; я'ни соат ўн бирларда бульварнинг аргувон дарахтлари блан ўралган хиёбонига сайр қилгани чиқдим. Шаҳар уйқуда, фақат онда-сонда деразалардан

милтиллаган чироқлар кўриниб қоларди. Уч тарафдан қояларнинг кунгиралари, Машуқ тоғининг тармоқлари қорайиб кўринарди; тоғ тепасида бир парча маш'ум қора булут осилиб турарди; шарқ томондан ой кўтарилиб келмоқда; йироқдаги қорли тоғлар худди кумуш жиякка ўхшаб кўринарди. Кечаси очиб юборилган иссиқ булоқларнинг шариллаши орасидан часовойларнинг ҳайқириғи эшитилиб қоларди. Аҳ'ён-аҳ'ёнда кўчадан от туёқларининг гурсиллаши, нўғой араванинг ғижирлаши, татарча чўзиқ ашула эшитилиб қоларди. Мен скамейкага ўтириб, хаёлга ботдим... Бирор киши блан дилкашлик қилиб, дилимдаги ҳамма дардларимни ўртоқлашгим, юрагимни бўшатгим келди... аммо ким блан дилкашлик қилай? «Шу топда Вера нима қилаётганикин?» деб ўйладим... Қани энди, шуонда унинг қўлини бир марта сиқиш учун ярим давлатимни берардим.

Тўсатдан бировнинг тез гандираклаб келаётгани эшитилди. Грушницкийга ўхшатдим... Уша экан!

— Қаердан келаяпсан?— Княгиня Лиговскаяни кидан,— деди Грушницкий, ғурур блан.— Мери роса ашула айтаркан-да!

— Биласанми? — дедим мен унга.— Гаров ўйнайманки, юнкерлигиндан унинг хабари йўқ; у сени солдатликка туширилган офицер деб ўйлайди...

— Бўлса бордир! Менинг нима ишим бор!..— деди Грушницкий, паришонхотирлик блан.

— Шунчаки айтдим-қўйдим-да...

— Биласанми, бугун унинг жуда жаҳлини чиқардинг? Қилиғингни мисли кўрилмаган беодоблик деб топди; мен йўқ, у жуда яхши тарбия кўрган, одобли йигит, сизни хафа қилиш кўнглига ҳам келмаган бўлса керак деб зўрға ишонтирдим; у одамга сурбетларча қараркан, жуда ўзига биё қўйган бўлса керак дейди.

— Тўғри айтибди... Сен уни ўз ҳимояннга олмоқчимисан дейман?

— Минг афсуски, ҳозирча бундай ҳуқуққа эга эмасман...

«Э-ҳа! Бу ҳали умидвор ҳам бўлиб юрганга ўхшайди...» деб ўйладим.

— Қайтанга ўзинга ёмон-да,— деб давом этди Грушницкий,— энди улар блан танишишинг қийин бўлади, аттанг! Мен билган ҳамма уйлар ичида энг яхшиси шу...

Мен ичимда кулиб қўйдим.

— Эндиликда менинг учун энг яхши уй — ўзимнинг уйим,— деб, эснадим-да, кетмоқчи бўлиб ўрнимдан турдим.

— Бўйнингга ол, пушаймон бўлаётгандирсан-а?

— Бўлмаган гап! Агар истасам, эртага кечқурун княгиняникида бўламан...

— Кўрамиз...

— Ҳатто, сени хурсанд қилиш учун, княжнанинг орқасидан ҳам юраман...

— Майли, агар сен блан гаплашишни истаса...

— Мен фақат сенинг суҳбатингдан безор бўлишни кутамап... Хайр!..

— Мен яна сайр қилиб юраман, энди сраям уйқум келмайди... Менга қара, яхшиси — юр, ресторанга борамиз, қиморнинг айни қизиган пайти... бугун қоним қайнаб тошмаса бўлмайдиганга ўхшайди...

— Ютқизишингни тилайман...

Уйга кетдим.

21-нчи май

Қарийб бир ҳафта ўтди, лекин ҳанузгача Лиговскаялар блан танишганим йўқ. Қулай пайт пойлаб юрибман. Грушницкий княжнанинг орқасидан ҳарерда худди соясидай эргашиб юрибди; улар ҳеч гаплашиб тўйишмайди; у қачон княжнанинг жонига тегаркин?.. Онаси уларнинг гапига эътибор ҳам бермайди, чунки Грушницкий қизининг қайлиги эмас-да. Ана оналарнинг мантиқи! Княжнанинг Грушницкийга бир-икки марта кўз сузиб қараганини кўриб қолдим,— бунга хотима бериш керак.

Қудуқ бошига Вера кеча биринчи марта келди... Форда кўришганимиздан бери уйдан чиқиши ҳам шу экан. Иккимиз ҳам стаканимизни қудуққа бараваз ботирдик, Вера энгашиб, секин қулоғимга шивирлади:

— Лиговскаялар блан танишмаётибсан!.. Биз фақат ўшаларникидагина учрашишимиз мумкин...

Яна ўпка!.. Зерикиш! Аммо, мен бу ўпкаланйшга лойиқман...

Дарвоқи', эртага ресторация⁵⁰ залида солма бал бўлади, ана ўшанда княжна блан мазуркага тушаман.

22-нчи май

Ресторация аслзодалар жамияти залига айланиб кетибди. Соат 9 да ҳамма тўпланиб бўлди. Княгиня қизи блан ҳаммадан кейин келди; кўп хонимлар унга ҳасад ва ичи қоралик блан қараб қолишди, чунки княжна Мери жуда чиройлик ва дид блан кийнади. Ўзларини шу ернинг аристократи деб юручи хонимлар ўз ҳасадларини яшириб, княжнага қўшилишди. На-илож? Хотинлар жамияти бор жойда дарҳол оқори ва қуйи доиралар пайдо бўлади.. Грушницкий дераза ёнида тўпланиб турган одамлар орасида юзини ойнага тираб, ўз малагидан кўзини узмай, тикилиб турарди. Княжна эса унинг ёнидан ўтиб кетатуриб билинар-билинемас бош силкитибгина қўяқолди. Грушницкийнинг юзи куёшдай порлаб кетди... Танца полька⁵¹ блан бошланди; кейин вальс чалинди. Шпорлар жаранглаб, сюртукларнинг этаклари пир-пирай кетди.

Мен бошига пуштиранг патлар тақиб келган семиз бир хотиннинг орқасида турардим; кийимларининг зеби-зийнати фижмалар⁵² расм бўлган даврни, гадирбудур терисининг олачипорлиги эса машҳур қора холлар даврини эслатарди. У бўйнидаги энг катга сўғалини маржон блан беркитиб олган эди. Хоним ўз кавалери бўлмиш драгун капитанига:

— Шу княжна Лиговская жуда одобсиз қиз экан! Қаранги, мени туртиб юбориб, афв ҳам сўрамади, яна ўгирилиб лорнет блан бетимга қарайди денг... C'est imprayable!⁵³... Нимасига бунча бино қўяди? Унинг бир адабини бериб қўйиш керак...— деди.

— Бу бизга чўт эмас!— деб жавоб берди, хизматга тайёр турган капитан ва нариги хонага чиқиб кетди.

Шу заҳоти мен княжнанинг ёнига бориб, уни вальсга таклиф қилдим; бу ернинг одати шунақа: таниш бўлмаган одамлар блан ҳам танца тушиш мумкин.

У ўзини жилмайшдан зўрға тийди, менинг устим-

дан қилган тантанасини ҳам зўрға яширди; аммо дар-қол мени менсимагандай бир қиёфа олди. Қўлини истар-истамас елкамга ташлади-да, бошини ёнга сал эгди, иккимиз танца тушиб кетдик. Бунақанги нозик баданни умримда кўрган эмасман! Унинг енгил нафаси юзимни елпиб турарди; чирпирак бўлиб айланганда шерикларидан ажралиб чиққан бир тутам жингалак зулфи ўтдай ёниб турган юзимни қитиқлаб кетарди... Зални уч марта айланиб чиқдик. (У вальсга жуда яхши тушаркан). Княжна жуда ҳаллослаб қолди, кўзлари тиниб кетди, салгина очилиб турган лаблари одатда айтилиши керак бўлган: «merci, monsieur»⁵⁴ни ҳам зўрға шивирлаб айтди.

Бирнеча минут жим турганимиздан кейин мен, ниҳоятда ювош одамдай сўрадим:

— Княжна, сиз блан таниш бўлмайтуриб, газабингизга дучор бўлишдай катта бахтсизликка учраганимни эшитиб қолдим... Мени одобсиз деб топган эмишсиз... Наҳотки, шу гап рост бўлса!

— Ҳали ҳам мени шу фикрда қолдирмоқчимисиз?— деб жавоб берди княжна, истехзо блан лабларини туриб; унинг бу қилиғи шўх юзига жуда ярашарди.

— Агар мен одобсизлик қилиб, бирон нарса блан сизни ҳақорат қилган бўлсам, рухсат этинг, ундан ҳам каттароқ беодоблик қилиб, сиздан афв сўрай... Рост, мен тўғримда хато ўйлаганингизни исбот этишни истар эдим...

— Сиз учун бу жуда қийин бўлса керак...

— Нима учун?

— Шунинг учунки, бизникига келмайсиз, бунақанги баллар эса тез-тез бўлиб турмайди.

Бундан чиқди, уларнинг эшиги мен учун абадий берк экан-да, деб ўйладим.

— Биласизми, княжна,— дедим, бироз афсуслангандай бўлиб,— жиноятчи тавба қилса, тавбасини асло қайтариб бўлмайди; у жонидан тўйиб, бешбаттар жиноятчи бўлиб кетиши мумкин... ана шунда...

Атрофимизда турган одамларнинг бирдан хахолаши ва шивир-шивири сўзимни бўлиб, қайрилиб қарашга

мажбур этди: мендан бирнеча қадам нарида бир тўда эркаклар турарди, улар орасида боя менинг княжнамга қарши уруш бошламоқчи бўлиб турган драгун капитани ҳам бор эди; афтидан, у бир нарсадан жуда хурсанд кўринарди, қўлларини бир-бирига ишқалар, нуқул хахолаб кулар ва ўртоқлари блан кўз қисишар эди. Бирдан улар орасидан фрак кийган, мўйлови шопдай, юзлари қипқизил бир киши чиқди-да, гандираклаганича княжнага қараб келаверди; у маст эди. Саросимада қолган княжнанинг олдига келгач, қўлларини орқасига қилиб турди-да, маст кўзларини унга тикиб, хириллаган ингичка товуш блан деди:

— Перметс⁵⁵... ҳа, хулласи калом!.. гапнинг пўс калласи: мен сизни мазуркага таклиф этаман...

— Нима истайсиз?— деди княжна, товуши титраб кетиб, нажот излаб атрофга термилди. Эвоҳ! Онаси йироқда турар, ёнида эса биронта таниш кавалери йўқ эди: бир адъютант буни кўриб турган экан шекилли, броқ можарага аралашмаслик учун одамлар орқасига беркиниб олди.

— Хўш, нима дейсиз?— деди маст, турли имо-ишоралар блан далда бериб турган драгун капитанига кўзини қисиб,— ё хоҳламайсизми?.. Мен сизни яна роуг мазуркага⁵⁶ таклиф этиш шарафига эгаман... Балки, мени маст деб ўйларсиз? Майли, бунинг аҳамияти йўқ... Қайтанга бемалолроқ бўлади...

Мен княжнанинг қўрқув ва газабдан беҳуш бўлиб йиқилишига сал қолганини кўрдим.

Маст кишининг олдига бордим, қўлини қаттиқ қисиб, кўзига тикилдим-да, жўнаниг ҳозир, йўқолинг бу ердан, чунки княжна мазуркани мен блан тушишга вада қилган дедим.

— Майли, чорамиз йўқ!.. Бошқа сафар!— деди маст, кулиб ва хижолатда қолган ўртоқларининг ёнига қайтди, ўртоқлари уни дарров бошқа уйга олиб чиқиб кетишди.

Княжна менга миннатдорлик блан узоқ тикилиб, ташаккур билдирди.

Княжна онасининг олдига бориб, ҳамма воқиани унга гапириб берди; онаси мени ахтариб топиб, мин-

натдорчилик билдирди. Кейин онамни таниганини ва олти-еттита холам блан яқин эканлигини айтди.

— Ҳайронман, нима учун шу маҳалгача танишмадик,— деб илова қилди княгиня,— ростингизни айтинг, бунга фақат сиз айбдорсиз, ҳаммадан ётсирайсиз, бундай қилиш ярамайди! Меҳмонхонамнинг ҳавоси кай-фингизни очиб юборар деган умиддаман... Шундай эмасми?

Мен шундай пайтларда айтиш керак бўлган гаплардан бирини айтдим.

Кадриль⁵⁷ жуда узоқ чўзилиб кетди.

Ниҳоят, тепадан мазурка янгради; княжна иккимиз ўтирдик.

Мен бояги маст киши ҳақида ҳам, илгариги қилиқларим тўғрисида ҳам, Грушницкий ҳақида ҳам ҳеч нарсаси демадим. Бояги кўнгилсиз воқиянинг таъсири бора-бора тарқалиб, княжнанинг чеҳраси очилиб кетди; чиройли-чиройли хазиллар қилиб ўтирди; гаплари эркин, ўткир ва бийрон эди; баъзи мулоҳазалари чуқур маъноли бўларди... Гапни чалкаштириб туриб, уни кўпдан бери ёқтириб юрганимни билдирдим. Княжна бошини эгди, сал қизарди.

— Жуда галати одам экансиз!— деди, бахмалдай кўзларини менга тиккан ҳолда зўраки кулиб.

— Сиз блан танишиш кўнглимда йўқ эди,— деб давом этдим мен,— чунки, ёнингизда бирталай мухлис-ларингиз борки, улар орасида кўринмай кетаманми деб кўрқдим.

— Бекор кўрқибсиз! Ҳаммаси диққи нафас қиладиган одамлар...

— Ҳаммаси? Наҳотки, ҳаммаси шунақа диққи нафас қиладиган бўлса?

Княжна худди бир нарсани эсламоқчи бўлгандай, менга тикилиб қаради кейин яна қизариб кетди-да; ниҳоят қатъий равишда: *ҳаммаси!*— деди.

— Ҳатто менинг дўстим Грушницкий ҳамми?

— Грушницкий сизнинг дўстингизми?— деди княжна, ишонинқирамай.

— Ҳа.

— У диққи нафас қиладиган одамлар сирасига кирмайди, албатта.

— Аммо бахтсизлар сирасига киради!— дедим кулиб.

— Албатта. Нега куласиз? Унинг ўрнида сиз бўлишингизни истардим...

— Нима бўлибди? Мен ҳам бир вақтлар юнкер эдим, ростини айтсам, умримнинг энг яхши даври — ўша юнкерлик даврим эди!

— У юнкерми?!..— шошиб сўради княжна ва илова қилди.— Мен ўйловдимки...

— Нима деб ўйловдингиз?

— Ҳечнима!.. Анови хоним ким?

Шундан кейин гап бошқа томонга бурилиб, ортиқ бу мавзу'га қайтмади.

Мазурка ҳам тугади, биз хайрлашдик. Хонимлар тарқалишиб бўлди... Мен ужин қилгани бориб, Вернерни учратдим.

— Э, баракалла!— деди у, — ҳали шунақа экансизда! Княжна блан танишсам — ўлимдан қутқариб танишаман деб ким айтган эди?

— Ундан ҳам яхшироғини қилдим, — деб жавоб бердим мен, — балда уни ҳушдан кетишдан сақлаб қолдим!..

— Ростми? Қани, эшитайлик!..

— Йўқ, ўзингиз топинг, доктор; дун'ёда сиз топмайдиган ҳечнарсан йўқ-ку?

23-нчи май

Кечқурун соат еттиларда бульварда сайр қилиб юрдим. Грушницкий мени узоқдан кўриб, ёнимга келди: унинг кўзларида аллақандай кулгили севинч борларди. Қўлимни қаттиқ сиқиб кўришди-да фожиали товуш блан:

— Ташаккур сенга, Печорин... Гапимга тушунгангирсан?...— деди.

— Йўқ; аммо тушунсам ҳам, тушунмасам ҳам, ташаккурга арзимамайди, — деб жавоб бердим мен, ўзимнинг нима яхшилиқ қилганимни билмай.

— Йўғей? Кечагичи? Унутдингми?... Мери менга ҳамма гапни айтиб берди...

— Шунақами? Ҳалитдан ҳамма нарса ўртада бўлиб кетди дегин? Ҳатто ташаккурингиз ҳам-а?..

— Менга қара,— деди Грушницкий, ғоятда мағрур-ланиб:— илтимос қиламан сендан, агар менинг дўстим бўлиб қолишни истасанг, менинг севгимчи масхаралаб кулма... Узинг кўриб турибсан: мен уни жони-дилимдан севаман... Уйлайман, умид қиламанки, у ҳам мени севади... Сендан битта илтимосим бор: бугун кечқурун уларникига борасан; ҳамма нарсани кўз остига олиб ўтирсанг; мен биламан, бу ишларда сенинг тажрибанг катта, хотинларни мендан яхшироқ биласан... Хотинлар! Хотинлар! Уларни ким тушунаолади? Хотинларнинг табассумлари бир нарса деб турса, кўзлари унинг аксини айтиб туради, гаплари ва'да берса, ўзига тортса, товушлари кўкрагиндан итариб туради... Ба'зан энг сир сақлаган фикрларимизни бирпасда билиб оладилар, гоҳида эса энг равшан ишораларимизга тушунишмайди... Мана, масалан, княжнани олсак; кчагина кўзлари ихтирос ўти блан ёнар эди, бугун бўлса кўзлари сўнган, совуқ қарайди...

— Балки, сувнинг та'сири ургандир,— деб жавоб бердим.

— Сен ҳарбир нарсанинг ёмон томонини кўрасан... матерьялистсан!— деб илова қилди Грушницкий, аччиғи келиб.— Кел, материяни ўзгартирайлик,— деди ва ўзининг бу сийқаси чиқиб кетган ўхшатишидан хурсанд бўлиб, кайфи очилиб кетди.

Соат саккиздан ошгач, иккимиз княгиняникига кетдик.

Веранинг уйи ёпидан ўтиб кетатуриб, дераза олдида уни кўриб қолдим. Бир-биримиз блан кўз уриштириб олдик. Салдан кейин у ҳам Лиговскаяларнинг меҳмонхонасига кириб келди. Княгиня уни қариқдошим деб менга таништирди.— Чой ичдик; талайгина меҳмонлар бор эди; суҳбат умумий тарзда эди. Мен княгиняга ёқишга тиришдим, қизиқ-қизиқ гаплар блан уни бир-икки марта роса кулдирдим ҳам; княжнанинг ҳам бир-неча марта кулгуси қистадию, брөқ ўз ролидан чиқмаслик учун ўзини тийиб ўтирди; унинг фикрича, унга вазминлик ярашармиш, эҳтимол тўғридир. Менинг

қизиқ гапларим унга та'сир этмаганидан Грушницкий ўзида йўқ хурсанд.

Чойдан кейин ҳаммамиз залга чиқдик.

— Итоаткорлигимдан хурсандмисан, Вера?— дедим мен, унинг ёнидан ўтиб кетатуриб.

У менга севги ва миннатдорлик блан тўлиқ нигоҳ ташлади. Бундай нигоҳларга ўрганиб қолганман; бир вақтлар шундай нигоҳлар жонимнинг ороми эди. Княгиня қизини фортепьяно ёнига ўтқазди; ҳамма ундан бирорта ашула айтиб беришни илтимос қилабошлади,— мен индамадим, ғала-ғовурдан фойдаланиб, Вера иккимиз дераза ёнига бориб турдик, Вера ҳар иккаламиз учун ҳам муҳим бир гап айтмоқчи эди. Билсам, беҳуда гап экан...

Ўзимни бепарво тутишим княжнани ранжитибди, буни унинг бир мартагина менга хўмрайиб қарашидан пайқадим: унинг кўзлари чарақлаб кетди... О, мен бунақанги сўзсиз, аммо ма'нодор, қисқа, аммо кучли суҳбатларни жуда яхши тушунаман!..

Княжна ашула айтабошлади... овози ёмон эмас экану, броқ ашулани яхши айтаолмас экан... ростини айтсам, ашуласига қулоқ солмадим ҳам. Аммо Грушницкий унинг рўпарасига келиб, рояльга суянган ҳолда уни кўзи блан еб қўйгундай тикилар ва ҳар лаҳзада: «charmant! délicieux!»⁵⁸— деб пичирларди.

— Менга қара,— деди Вера:— эрим блан танишинингни истамайман, аммо княгиняга албатта ёқишинг керак; бу сенга осон, сен айтганингни қилаоладиган одамсан. Биз фақат шу ердагина кўришиб турамиз, холос...

— Фақат?..

Вера қипқизариб кетди-да, сўзида давом этди:

— Биласан-ку, мен сенинг қулингман; сенга қаршилик кўрсатаолмайман... бунинг жазосини ҳам тортарман: бир кун эмас, бир кун мендан совиб ҳам кетарсан! Ҳеч бўлмаганда, ўз обрўйимни сақлаб қолай дейманда... шунда ҳам ўзим учун эмас: ким учунлигини ўзинг яхши биласан!.. О, ўпинаман сендан: аввалгидай бекорчи шубҳалар, сун'ий совуққонликлар блан мени қийнама, эҳтимол, тез орада ўлиб кетарман, кундан-кунга

путурдан кетаётганимни ўзим сезиб юрибман... шундай бўлса ҳамки, келажак ҳаётимни эмас, балки сени ўйлайман... Сиз эркаклар бир боқишнинг қандай роҳатбахш, қўл сиқишнинг қанчалик лаззатли эканини англамайсизлар... Менчи? Онт ичиб айтаманки, сенинг овозингни эшитсам, қалбим шундай чуқур ором оладики, бунинг ўрнини мингта оташин бўсалар ҳам босолмайди.

Шу орада княжна ашуласини тугатди. Атрофдан мақтов ёнигиб кетди; унинг ёнига ҳаммадан кейин бордим-да, овози ҳақида қўполгина бир гап айтдим.

Княжна пастки лабини буриштириб, масхара блан та'зим қилиб, ўрнига ўтирди.

— Ашуламни эшитмаган бўлсангиз ҳам, мақтовингиздан миннатдорман, — деди у, — балки умуман музикани ёқтирмассиз?

— Аксинча... музикани айниқса обеддан кейин яхши кўраман.

— Грушницкий сизни жуда дағал дидли одам деб тўғри айтган экан... музикани гастрономик нуқтаи назардан яхши кўрар экансиз...

— Яна хато қилдингиз: мен гастром эмасман, ме'дам жуда расво. Аммо обеддан кейин музика уйқу келтиради, обеддан кейинги уйқу эса тани соғлик учун яхши, бинобарин, музикани медицина нуқтаи назаридан яхши кўраман. Кечқурун эса, аксинча, музика жуда асабларимни қитиқлайди; ҳаддан ортиқ қайғу босади, ё шўхлигим тутиб кетади. Агар қайғуришнинг ё шўхликнинг ижобий сабаби бўлмаса, униси ҳам, буниси ҳам одамни чарчатади, шуниси ҳам борки, жамиятда қайғуриб ўтирсанг — кулги бўласан, ҳаддан ортиқ шўхлик қилсанг одобсизлик бўлади...

Княжна гапимни охиригача эшитмай, Грушницкийнинг ёнига бориб ўтирди, икковлари ўртасида сентиментал суҳбат бошланди: княжна, Грушницкийнинг гапини диққат блан тинглаётганини кўрсатишга тиришса ҳам, унинг доно гапларини паришонлик блан тинглар ва пойма-пой жавоб берарди, Грушницкий эса княжнанинг бесаранжом боқишларида акс этучи ҳаяжон саба-

бини билмоқ учун унга таажжуб блан қараб-қараб қўярди...

Аммо мен ҳамма сиригизни билиб олдим, княжна, энди эҳтиёт бўлинг! Менга ҳам ўшандай муомала қилиб, иззати нафсимни ерга урмоқчи бўласиз,— аммо бунга эришолмайсиз! Агар менга уруш э'лон қилсангиз, мен ҳам жуда шафқатсиз бўламан.

Кеча давомида жўртгага уларнинг суҳбатига бир-печа марта аралашдим, аммо княжна менинг гапимга қуруққина жавоб қайтариб қўяқоларди, охири мен алам қилгандай бўлиб, улардан узоқлашдим. Княжна тантана қилар эди. Грушницкий ҳам. Суюнинглар, дўстларим, ошиқингиз... севиңингиз узоққа чўзилмас!.. Нима қилай? Мен ҳар доим ҳар нарсани олдан сезиб юраман... Бирон хотин блан танишсам, унинг мени яхши ёки ёмон кўришини олдиндан пайқаб келганман...

Кечанинг қолган қисмини Веранинг ёнида ўтказдим, тўйгунимизча ўтмишни эслашиб ўтирдик... У менинг нимамни яхши кўраркин, ўзим ҳам билмайман! Менинг бутун сиригни, ҳамма заиф томонларимни ва ёмон эҳтиросларимни билиб олган бирданбир хотин ёлғиз шу Вера... Наҳотки, ёмонлик шу қадар жозибали бўлса?..

Кўчага Грушницкий блан бирга чиқдик; кўчада у мени қўлтиқлади-да, узоқ жимликдан кейин:

— Хўш, қалай? — деди.

«Аҳмоқ экасан» демоқчи бўлдим у брок тилимни тийдим, кифт қоқиб қўяқолдим.

29-нчи май

Шу кунлар давомида тутган йўлимдан сра оғишмадим. Энди менинг гапларим княжнага ёқиб бошлади; бошимдан ўтган бирнеча ғалати воқиаларни айтиб бердим, шундан кейин у мени ғайри-табiiй, ғалати одам деб ўйлаб бошлади. Оламдаги ҳамма нарсани, айниқса ҳисларни масхара қилиб куламан, бундан у чўчийди. Менинг олдимда у энди Грушницкий блан сантиментал суҳбат қилишга жур'ат этолмайди, унинг қилиқларига бирнеча марта истехзо блан кулиб жавоб қилди, аммо мен ҳар сафар Грушницкий унинг олдига келган-

да ювош бўламан-да, икковини ёлғиз қолдириб кетаман; олдинги сафар княжна бундан мамнун бўлди, ҳарҳолда, мамнун бўлганини кўрсатишга тиришди; иккинчи сафар мендан хафа бўлди; учинчи сафар эса Грушницкийдан хафа бўлди.

— Сизда иззати нафс деган нарса йўқ экан!— деди княжна менга кеча.— Нега Грушницкийни менга ёқади деб ўйлайсиз?

Мен, ўз бахтимни дўстим учун қурбон қилишга тайёр эканимни билдирдим...

— Менинг бахтимни ҳам,— деб қўшиб қўйди у.

Мен унга тикилдим-да, сипо бўлиб ўтирдим. Кейин кечгача у блан гаплашмадим... Кечқурун у ўйчан эди, бугун эрталаб қудуқ ёнида янада хаёлчанроқ кўринди. Ёнига борганимда, у Грушницкийнинг гапини эътиборсизлик блан тинглар, Грушницкий эса, афтидан, табиат манзараларини завқ блан мақтаб турарди; княжна мени кўриши блан ўзини кўрмаганга солиб, хахолаб кулабошлади (бу мутлақо ўринсиз эди). Мен сал нарига бордим-да, сездирмасдан қараб турдим: у ўз ҳамсуҳбатидан юз ўгирди-да, икки марта эснаб қўйди. Грушницкийдан безор бўлгани аниқ эди. Княжна блан яна икки кун гаплашмай юраман.

3-нчи шонь

Мен кўпинча, нега энди ёшгина бир қизнинг муҳаббатига сазовор бўлиш учун ўлиб-тириламан, ахир, мен уни алдаб кетмоқчи ҳам, унга уйланмоқчи ҳам эмасман-ку? деб сўрайман ўзимдан. Аёлларга хос поз-карашмани менга ким қўйибди? Башарти княжна мени севган тақдирда ҳам, барибир, Верача севаолмайди; агар княжна сра ҳам таслим бўлмайдиган позанин бўлиб кўринганда эди, балки унга эришишнинг қийинлиги мени қизиқтирармиди...

Аммо, ундай деб ҳам бўлмайди! Бинобарин, бу нарсани бизни илк ёшлик даврларда қийнаб, азоблаб юручи, то биз биронта ўжар хотинни топмагуниimizча бир аёлдан иккинчи аёлга югуртиручи сеvgи деб бўмайди; шундай ўжар ва қайсар аёлни топдикми, бас, бизнинг вафодорлигимиз, ҳақиқий ва туганмас эҳтиросли

муҳаббатимиз бошланади, уни математика тили билан айтганда, бир нуқтадан бўшлиққа тушиб қолган чизиқ дейиш мумкин; бу туганмас эҳтироснинг сири мақсадга, яъни охиригача етишнинг иложи йўқлигида.

Шундай экан, нега жон куйдираман? Грушницкийга ҳасад қилганим учунми? Бечора Грушницкий! У бундай туйғуга сазовор эмас. Ё бўлмаса бу, яқин кишимиз ҳамма умидидан маҳрум бўлиб, энди нима қиларини, қайси бир нарсага ишонарини билмай қайғураётган бир пайтда унга:

— Дўстим, бу нарса менинг ҳам бошимга тушган! Мана, кўриб турибсанки, шунга қарамай, обедимни ҳам, ужинимни ҳам қанда қилмайман, тинч ўйқумдан ҳам қолмайман, ўйлайманки, ўлганимда ҳам кўз ёши тўкмасдан, дод-войсиз ўлиб кетарман!— деган гап билан унинг тотли хатоларини пучга чиқаришга мажбур этадиган расво, аммо сра енгиб бўлмас ҳис оқибати-микин?

Аммо, бамисоли энди очилабошлаган гул ғунчасидай ёшгина қизга эга бўлишнинг битмас-туганмас наш'аси бор! У бир гулки, ўзининг энг яхши, энг нозик ҳидларини энди чиқиб келаётган қуёшнинг илк нурларига сочади; уни худди шу дамда узиб олиш керагу, тўйгунча ҳидлаб-ҳидлаб, ерга ташлаб кетавериш керак, балки бирон ўткинчи уни ердан олар! Мен ҳам ўзимда шундай зўр, ҳеч қониб тўймайдиган, ўз йўлида нима учраса барини ҳазм қилиб кетаоладиган ташналик сезаман; ўзгаларнинг бахтсизлиги ёки севинчига, менинг руҳий кучимга озиқ бўлармикин деган нуқтани назардан қарайман. Ўзим эса ортиқ эҳтирос та'сири остида жиннилик қилишга қодир эмасман; иззати нафсимни муҳит пўймол этиб юборган, аммо у бошқа бир шаклда намоён бўлди, чунки иззати нафсининг ўзи нима?— ҳар кимдан устун туришга интилиш деган бир гап, менинг энг катта завқ манбаим атрофдагиларни ўз иродамга бўйсундиришдир; ўзимга нисбатан бошқаларда севги, садоқат ва қўрқув ҳисси туғдириш, шу устунликнинг белгиси ва энг катта тантанаси эмасми? Ҳечқандай ҳуқуққа эга бўлмасдан туриб, бировларнинг азоб ёки шодлигига сабабчи бўлиш — ғуруримизнинг

энг ширин озуғи эмасми? Бахт нима? Тўйган гурур. Агар мен ўзимни оламдаги ҳамма одамлардан яхшироқман, қудратлиман деяолсам — бахтли бўлардим; агар мени ҳамма севганда эди, ўзимда ҳам битмас-туганмас севги манба'ларини топган бўлардим. Ёмонликдан ёмонлик келиб чиқади; биринчи марта кечирган азобинг бошқаларни азоблаш завқини туғдиради; ёвузлик идеяси, уни амалда ишлатиб кўрилмаса ақлга келмайди... кимдир идеялар органик бир нарса деган экан; уларнинг дун'ёга келиши уларга шакл беради, шакл эса амалнинг ўзгинасидир; кимнинг миёсида кўпроқ идея туғилган бўлса, ўша одам бошқалардан кўпроқ ҳаракат қилади; шунинг учун ҳам бирон амал столига боғланиб қолган гений худди бутун умрини ўтириб ўтказиб, апоплексия⁵⁹ касалидан ўлиб кетган забардаст одамдай, ё ўлиб кетиши ё ақлдан озиши керак.

Эҳтирос — худди энди тараққий топиб келаётган идеяларнинг ўзгинасидир; у — ёш қалбга хос нарса; умр бўйи эҳтирос блан яшамоқчи бўлган одам — аҳмоқ; кўп сокин дар'ёлар зўр шалолалардан бошлансаларда, аммо биронтаси денгизгача шундай қутуриб, кўпириб бормайди. Аммо бундай сокинлик кўпинча, гарчи яширин бўлса ҳам, аслида улуғ кучнинг аломатидир; фикр ва туйғулар чуқур ва тўлиб тошиб турса одамни қутуртирмайди: азобланучи ва роҳатланучи қалб ҳамиша ўзини тийиб туради ва худди шундай бўлиши кераклигига ишонади; у агар момақалдироқ бўлиб турмаса, қуёшнинг муттасил жазирамасида қуриб кетишини билади: ўзи блан овора бўлади, ўз ғамини ейди; худди ёш болани эркалатгандай ўзини ўзи эркалайди, ўзини-ўзи жазолайди. Инсон ўзини ана шундай юксак даражада тушунганидагина тангри адолатининг қадрига етаолади.

Шу бетни ўқиб кўрсам, мавзудан четга чиқиб кетибман... Аммо, бунинг нима зарари бор?.. Ахир, бу журнални мен фақат ўзим учун ёзаман, бинобарин, бу журналнимга киритилган ҳарбир нарса келажакда мен учун қимматли бир хотира бўлиб қолади.

.....

Грушницкий келиб бўйнимга осилиб олди,— у офицерлик мартабасига кўтарилибди. Иккимиз шампанское ичдик. Унинг кетидан доктор Вернер кириб келди.

— Мен сизни қутламайман,— деди у Грушницкийга.

— Нима учун?

— Шунинг учунки, солдат шинели сизга жуда ярашади, бу ерда тикилган пиёда аскарый мундирнинг сизга ярашмаслигига ўзингиз ҳам ихрор бўлишингиз керак... Гап шундаки, ҳозиргача сиз бошқалардан ажралиб турардингиз, энди бўлса кўпчиликнинг бири бўлиб қоласиз.

— Гапиринг, гапиринг, доктор! Минг гапирсангиз ҳам шодлигимга тўсқин бўлолмайсиз. Ёлғиз эполетларнинг ўзи менга қанча умидлар багишлаганини бу киши билмайди,— деб илова қилди Грушницкий, қулоғимга шивирлаб.— Эҳ, эполетлар, эполетлар! Юлдузларингиз, йўл кўрсатучи юлдузларингиз... Йўге, менинг бахтим энди очилиб кетади.

— Биз блан бирга прозалга сайрга борасанми?— деб сўрадим мен.

— Менми? Мундирим тайёр бўлмагунча, ўлсам ҳам княжнанинг кўзига кўринмайман.

— Севинчингни унга айтсам бўладими?

— Йўқ, зинҳор айтма, оғайни... Мен уни ҳайратда қолдирмоқчиман...

— Айтчи, у блан ҳозир алоқаларинг қалай?

Грушницкий хижолат бўлиб, ўйланиб қолди; ёлғончиқ блан мақтангуси келдию, аммо уялди, шунингдек, ростини айтишдан ҳам уяларди.

— Ўзингча, қандай: у сени яхши кўрадимми?

— Қўйсангчи, Печорин, жуда қизиқ гапларни гапирасан-а!.. Бирданига яхши кўриш мумкинми?.. Башарти яхши кўрганда ҳам, ундай андишали хотин ҳечвақт айтмайди...

— Хўп. Бундан чиқди, сенингча, андишали хотин ўз ҳисларини ҳам яшириб юриши керакми?..

— Эҳ, оғайни, оғайни! Ҳар нарсанинг ўз ме'ёри бўлади; кўп нарсалар гапирилмайди, кўнгил блан ҳис қилинади.

— Бу гапинг тўғри... Аммо, кўздан пайқалган му-

ҳаббат хотин кишига ҳечқандай мажбурият юкламайди, ҳолбуки сўз блан изҳор этилган муҳаббат эса... Эҳтиёт бўл, Грушницкий, княжна сени алдаб кетади...

— Княжна-я?..— деди у, кўзларини кўкка тикиб ва ўзидан мамнун ҳолда кулиб.— Сенга раҳмим келади, Печорин!..

У чиқиб кетди.

Кечқурун бирталай одам провалга пиёда жўнади.

Маҳаллий олимларнинг фикрича, Машуқ тоғининг ёнбағрида, шаҳардан бир чақиримча нарида жойлашган провал—сўниб қолган ёнартоғнинг оғзидан бошқа нарса эмас. Унга буталар ва қоялар орасида қолиб кетган торгина сўқмоқ йўлдан борилади; тоққа чиқаётганимизда княжнага қўдимни узатдим, у сайр охиригача қўлимни қўйиб юбормади.

Суҳбат ғийбатдан бошланди: мен ёнимиздаги ва биз блан бирга бўлмаганларни ёмонлайвердим, олдинга уларнинг кулгилди томонларини айтиб бердим, кейин эса бузуқ томонлари ҳам қолмади. Ғазабим қайнади, олдинга ҳазил-мутоиба блан бошлаган гапим кейин ҳақиқий ғазабга айланиб кетди. Княжна олдинга кулди, аммо кейин кўрқиб кетди.

— Сиз хавфли одам экансиз!— деди менга:— сизнинг тилингизга рўпара бўлишдан кўра ўрмонда қароқчининг пичоғига рўпара бўлишни афзал кўрардим... Сиздан жиддий илтимос қиламан: мени ёмонлаб гапирмоқчи бўлсангиз, яхшиси пичоқни олингу, сўйиб қўяқолинг,— сиз учун бу унча қийин бўлмас.

— Наҳотки мен қотилга ўхшасам?..

— Ундан ҳам баттарсиз...

Бир минутча ўйланиб турдим-да, ғоятда та'сирланган қиёфада дедим:

— Тўғри, болалигимдан бери тақдирим шунақа! Ҳамма одам юзимдан ёмон аломатлар топарди, аслида эса юзимда ундай аломатлар йўқ эди, аммо одамлар бор деявергандан кейин, пайдо бўлди. Мен жуда камтар эдим, мени муғомбирликда айбладилар, шундан кейин писмиқ бўлиб қолдим. Яхшилик блан ёмонликни жуда яхши ажратабилардим; мени ҳечким эркаламасди, силаб-сийпамасди, аксинча ҳамма мени хўрларди;

мен кекчи бўлиб қолдим; бошқа болалар ҳамиша хуш вақт ва сергап бўлса, мен камгап, қовоғим солиқ юрардим; мен ўзимни улардан афзалман деб ҳис қилардим, аммо мени улардан паст қўйишарди,— натижада бахил бўлиб қолдим. Мен бутун оламини севишга тайёр эдим,— аммо мени ҳечким англамади, шундан кейин ҳамма нарсани ёмон кўришга ўргандим. Менинг шум ёшлигим ўзим ва бутун муҳитга қарши кураш блан ўтди, масхара бўлишдан қўрқиб, ўзимнинг энг асл туйғу ва ҳисларимни қалбимнинг энг чуқур жойларига яширдим, улар ўша ерда ҳалок бўлиб кетди. Мен тўғри гапирсам менга ишонишмасди: шундан кейин алдамчи бўлдим; дунёнинг борди-келдисини ва жамиятнинг сирларини билиб олиб, турмуш деган илмнинг тагига етдим, аммо бу илмдан сра хабарлари бўлмаган одамларнинг мен ўлиб-тирилиб эришмоқчи бўлган манфатлардан бекорга фойдаланиб, бахтли бўлиб юришларини кўрдим. Шундан кейин қалбимда умидсизлик туғилди, аммо бу тўппонча ўқи блан бартараф қилинадиган умидсизлик эмас, балки андиша ва мулоим табассум ниқоби остида одамни эзиб юборадиган бир умидсизлик эди. Мен руҳан ногирон бўлиб қолдим: кўнглимнинг ярми қуриб хазон бўлган эди, уни кесиб ташладим, ана шундан кейин иккинчи ярми тебранди, ҳар кимсанинг хизмати учун жонланди, броқ буни ҳечким сезмади, чунки унинг ярмининг ҳалок бўлиб кетганидан ҳечкимнинг хабари йўқ эди; маана сиз ҳозир уни эсимга туширдингиз, мен сизга унинг эпитафиясини⁶⁰ ўқиб бердим. Эпитафия деган нарса кўп одамларга кулгили кўринади, менга эса, айниқса эпитафия остида дафн этилганлар эсимга тушса, сра кулгили кўринмайди. Мен сизга, менинг фикримга шерик бўлинг демайман: менинг қилиғим сизга кулгили кўринса — марҳамат, кулинг, аммо огоҳлантириб қўяйки, бу нарса мени заррача ҳам хафа қилмайди.

Шу онда унинг кўзларига кўзим тушиб қолди: кўзлари жиққа ёшга тўлган эди; кўлимни ушлаб турган кўли титрарди; юзлари ловиллаб ёнарди: менга раҳми келган эди! Барча хотинларга тезда таъсир этучи шафқат ҳисси унинг тажрибасиз қалбига ҳам ўз чангалини

солган эди. Сайр давомида хаёли паришон бўлиб юрди, ҳечким блан ўйнашмади, бу эса буюк аломат!

Провалга етиб келдик; хонимлар кавалерларини қолдирдилар, аммо княжна ҳамон қўлимни қўймабди. Шу ерлик олифталарнинг сўзамоллиги ҳам уни кулдирмасди; чоҳ ёқасида турган ойимқизлар чоҳнинг тиклигини кўриб, қўрққанларидан фар'ёд чекиб кўзларини юмиб олсалар ҳам, у қўрқмасдан тураверди.

Қайтишда ғамгин суҳбатни ортиқ давом этдирмадим; аммо княжна менинг бекорчи савол ва ҳазилларимга паришонхотирлик блан қисқа-қисқа жавоб берарди, қўярди.

— Ҳечкимни севганмисиз — деб сўрадим, ниҳоят.

Княжна менга тикилиб қаради-да, бошини чайқаб, яна хаёлга ботди; унинг бир гап айтмоқчи бўлгани, аммо нимадан бошлашини билмай тургани аниқ эди; кўкраги ҳаяжондан кўтарилиб тушарди... Начора! Нафис кўйлакнинг енги тўсқинлик қилолмас экан: қўлимнинг электр учқуни унинг қўлига ҳам ўтди; деярлик ҳамма эҳтирослар шу блан бошланади; кўпинча биз, хотинлар жисмоний ёки руҳий хислатларимиз учун бизни яхши кўради деб ўзимизни ўзимиз алдаб юрамиз, албатта бу хислатлар хотин қалбини муқаддас ўтни қабул қилишга ҳозирлайди, аммо ҳамма нарсани баданнинг биринчи марта тегиши ҳал қилади.

Сайрдан қайтиб келганимиздан кейин, княжна зўраки бир табассум блан:

— Мен бугун ўзимни роса мулојим тутдимми?— деди.

Биз ажралишдик.

У ўзидан норози; у ўзини совуқликда айблайди... О, биринчи ва энг катта ғалаба шу-да! Эртага албатта мени мукофотлаш орзусига тушади. Буни мен олдиндан биламан — мана шуниси одамини зериктиради!

4-нчи июнь

Бугун Верани кўрдим. У рашк қилавериб мени роса қийнади. Княжна унга ўз қалб сирларини айтганга ўхшайди, агар шундай бўлса, тоза одамини топиб айтибди.

— Бунинг оқибати нима бўлишини билиб юрибман,— деди Вера,— яхшиси, уни севаман деб қўяқол.

— Сизмасамчи?

— Севманганг, нега уни тақиб этасан, кетидан юрасан, хаёлини қочириб, ҳаяжонга соласан?.. О, мен сени яхши биламан! Менга қара, агар менга ишонсин десанг, бир ҳафтадан кейин Қисловодскка борасан; индинга Қисловодскка кўчиб кетамиз. Княгиня бу ерда яна бирмунча вақт туради. Бизнинг ёнимиздан квартира ижара ол; биз, булоқ ёнидаги катта уйнинг болохонасида яшаймиз; пастига княгиня Лиговская кўчиб боради, ўша бинонинг ёнида битта бўш уй бор, у ҳам бизнинг уй эгасига қарайди... Борасанми?..

Мен бораман деб ваъда қилдим-да, ўша кунинг уйни ижарага олиш учун одам юбордим.

Кечқурун соат олтида Грушницкий келди ва мундирининг эртага, нақ бал кунига тайёр бўлишини билдирди.

— Ниҳоят, княжна блан туни бўйи танца қиламан... Тўйгунимча гапиришаман!— деб илова қилди.

— Бал қачон?

— Эртага, эртага! Ҳали хабаринг йўқми? Жуда катта базм бўлади, маҳаллий ма'мурлар ўтказмоқчи...

— Юр, бульварга...

— Сра-сра чиқмайман! Шу расво шинельда...

— Ие, шинельни ёмон кўриб қолибсанми?..

Бульварга ёлғиз ўзим чиқдим, княжнани учратиб, мазуркага таклиф қилдим. Княжна севингандай ва ажаблангандай бўлди.

— Утган сафаргидай, сиз фақат заруратдан танца қиларсиз деб ўйловдим,— деди княжна, латиф табасум блан; у Грушницкийнинг йўқлигини бутунлай сезмади, назаримда.

— Эртага бир-нарсани кўриб, жуда ажабланасиз,— дедим мен.

— Нимани?..

— Бу сир... балда ўзингиз кўрасиз.

Кунни княгинаникида кеч қилдим; Верадан ва бир галати чолдан бошқа меҳмон йўқ эди. Қайфим жойида эди, ҳархил олди-қочди воқиаларни гапириб бериб

Ўтирдим; княжна рўпарамда ўтирарди, менинг сафсата-ларимни шу қадар диққат ва ҳаяжон блан тинглардики, ҳатто ўзим ҳам уялиб кетдим. Унинг шўхликлари, ноз-карашмалари, қизиқ-қизиқ инжиқликлари, кеккайиш-лари, истеҳзоли кулишлари, паришонликлари қайга кетди?

Вера буларнинг ҳаммасини пайқади: унинг касал-манд чеҳрасида чуқур қайғу акс этди; у дераза тагидаги чуқур креслода ўтирарди... Унга раҳмим келиб кетди...

Шундан кейин мен, бизнинг танишганимиз, икки ўртадаги муҳаббатимиз тарихини айтиб бердим, буни шубҳасиз, бошқа одамларнинг номлари блан ниқоблаб, сўзлаб бердим.

Мен ўзимнинг унга бўлган муҳаббатим, ташвиш ва севиначларимни жонли бир суратда ҳикоя қилиб бердим; унинг қилиқларини, характерини шундай мақтаб та-рифладимки, Вера ноилож менинг княжна блан юрган-имни кечирिशга мажбур бўлди.

Ўрнидан туриб, ёнимизга келиб ўтирди, жонланиб кетди... докторларнинг соат ўн бирда ётиб ухлаш керак деган насиҳати соат иккида эсимизга келибди.

5-нчи июнь

Балга ярим соат қолганда, Грушницкий пиёда армия мундирини кийиб келди. Учинчи тугмасига бронза зан-жир, занжирга икки қават лорнет тақиб олибди; ҳад-дан ортиқ катта эполетлари худди амур⁶¹ қанотидай тепага қайириб қўйилган; этикларининг ғарчи оламни бузада, чап қўлида жигарранг чарм қўлқоп блан фуражкеси, ўнг қўли эса жингалак қилиб таралган ссчларини дам ўтмай силаш блан банд. Афтидан, ўзи-дан мамнун ва шу блан бир қаторда, қандайдир беқарор бўлиб турганлиги кўришиб турарди; унинг ясан-тусани, кеккайиб юришларини кўриб, кулиб юбо-ришимга сал қолди, аммо кулсам бўлмасди, чунки режам бузиларди.

Фуражкеси блан қўлқопларини столга ташлади-да, ойна олдига бориб, этикларининг қўнжини тортиб, ўзи-га оро берабошлади. Энгаҳини тираб турган баҳайбат ёқаси ичидан тақилган каттакон қора рўмолчанинг

ярми ёқаси устидан ярим вершокча чиқиб турарди, назарида бу ҳам оз кўринди шекилли, рўмолчани қулоғига тортиб қўйди; бу сермашаққат ишдан юзлари қипқизариб кетди, чунки мундирининг ёқаси жуда тор эди.

— Кейинги кунларда менинг княжнамга жуда осилиб юрганмишсан?— деди у, менга қарамасдан бепарво бир оҳангда.

Унинг бу гапига мен, бир замонлар ўтган ва Пушкин томонидан тасвирланган энг ўткир бир хотинбознинг яхши кўрган мақоли блан жавоб бердим.

— Биз аҳмоқларга чой насиб қилибдими?

— Айтчи, мундирим ярашиптими?.. Вой ла'нати жуҳудей!.. Қўлтиғимнинг тагини жуда тор қилиб қўйипти-ку!.. Атиринг борми?

— Яна атир сешиб нима қиласан? Ҳаммаёғиндан атир ҳиди анқиб туриптику...

— Майли. Беравер...

Галстугининг орқасига, дастрўмолига, енглаарига ярим шишача атир қўйди.

— Танца қиласанми?— деб сўради мендан.

— Билмайман.

— Княжна блан мазурка бошламасам деб қўрқаман — деярлик бирорта фигурани ҳам билмайман...

— Сен уни мазуркага таклиф этдингми?

— Ҳали таклиф этганим йўқ...

— Эҳтиёт бўл, бошқа одам сендан олдин таклиф, этиб қўймасин.

— Ростми?— деди у, пешонасига бир уриб.— Яхши қол... Бориб уни эшик олдида кутиб тураман.— У фуражкасини олди-да, югуриб чиқиб кетди.

Ярим соатдан кейин мен ҳам жўнадим. Кўча қоронғи ва кимсасиз эди; клуб дейсизми, қовоқхона дейсизми, барибир, ишқилиб, бино олдида одам тирбанд; деразалардан ёруғ тушиб турипти; оқшом шамоли қулоғимга полк оркестрининг овозини учуриб келтирарди. Мен секин-секин борардим; та'бим хира эди... Наҳотки менинг бу дун'ёдаги бирданбир вазифам — ўзгаларни умиддан маҳрум қилиш бўлса?— деб ўйлардим. Дун'ёга келганимдан бери тақдир мени ўзгалар-

нинг савдосини ҳал қилишга чорлайди, гўё ҳечким менсиз ўлолмайдиган, менсиз умидсизланаолмайдигандай! Мен бешинчи пардада иштирок этучи сиймо бўлиб қолдим; мен ихтиёрсиз равишда жаллод ёки хоин ролини ўйнаб келаман. Тақдирнинг мақсади нима?.. Тақдир мени мешчанлар учун трагедия ёки оилавий романлар ёзишга, ё бўлмаса қиссалар босиб чиқаручи, масалан, «Ўқиш китоблар кутубхонаси» учун қиссалар бериб туручи ходим қилишни мўлжаллаб қўйганми-кан?.. Ким билади?.. Ўз ҳаётлари бошида Буюк Александр⁶² ёки лорд Байрон⁶³ бўлиб ўлишни орзу қилган, аммо умр бўйи титуляр советник⁶⁴ бўлиб ўлиб кетган одамлар камми?

Залга киргач, эркаклар тўпи орасига беркиниб, атрофни кузата бошладим. Грушницкий княжнанинг ёнида туриб, зўр ҳаяжон блан унга алланималар дер эди; княжна унинг гапини паришонхотирлик блан тинглар, елпуғичини лабига қўйиб, нуқул атрофга қарарди; чеҳрасида тоқатсизлик аломати акс этарди, кўзлари бировни изларди; уларнинг гапини эшитай деб, секин орқаларига бориб турдим.

— Мени жуда қийнаяпсиз, княжна!— дерди Грушницкий:— сизни кўрмаганимдан бери жуда ўзгариб кетибсиз...

— Сиз ҳам ўзгариб кетибсиз,— деб жавоб берди княжна, унга ялт этиб қараб; Грушницкий унинг бу боқишида яширин истеҳзо борлигини сезмади.

— Мен-а? Мен ўзгарибманми?.. О, ҳечбир-да! Бундай бўлиши мумкин эмаслигини ўзингиз яхши биласиз! Сизни бир марта кўрган одам гўзал жамолингизни ўла-ўлгунича унутмайди...

— Қўйсангизчи...

— Яқиндагина тез-тез эшитиб турган гапларни нега энди эшитгингиз келмайди?..

— Чунки бир нарсани қайта-қайта эшитишни ёмон кўраман,— деди княжна кулиб...

— О, мен аччиқ хато қилган эканман!.. Мен телба, жуда бўлмаса мана бу эполетларим умид боғлаш ҳуқуқини берар деб ўйлаб юрган эканман... Йўға, ўша ланати солдатча шинелимда абадий қолсам бўлмас

эканми... сизнинг менга муңчалик илтифот қилиши-
нгизнинг сабабчиси ўша шинель эди-ку...

— Рост, шинель сизга кўпроқ ярашади...

Шу пайт мен улар олдига келдим-да, княжнага таъзим қилдим; княжна бироз қизарди ва шошиб деди:

— Рост-а, мсьё Печорин, мсьё Грушницкийга кулранг шинель кўпроқ ярашади?..

— Фикрингизга қўшилолмайман,— деб жавоб бердим мен:— мундирда бу янада ёшроқ кўринади.

Бу зарбага Грушницкий бардош беролмади: ҳамма ёш болалар каби у ҳам ўзини катта қилиб кўрсатишни яхши кўрарди; у юзидаги чуқур эҳтирос излари ёшлик аломатини билдиради деб юрарди. Менга ўқрайиб қаради-да, ер тепиниб, ёнимдан кетди.

— Ростингизни айтинг,— дедим мен, княжнага қараб,— гарчи Грушницкий ҳамиша кулгили одам бўлса ҳам, яқиндагина кулранг шинель кийиб юрганида... сизга анча жозибадор бўлиб кўринарди, а?..

Княжна ерга боқиб индамади.

Бутун кеча Грушницкий княжнанинг кетидан эргашиб юрди, у блан ўйинга тушарди, ё бўлмаса vis-à-vis⁶⁵ танца қилганда кўзлари блан еб қўйгундай бўларди, оҳ тортарди, ниҳоят, ўзининг оҳ-фигонлари блан княжнани безорижон қилди. Учинчи кадрилидан кейин княжна ундан нафратлана бошлади.

— Сендан буни кутмаган эдим,— деди Грушницкий, ёнимга келиб, кўлимдан ушлаб.

— Нимани?

— У блан мазуркага тушармишсан-а?— деб сўради, тантанали бир оҳангда.— Менга ўзи айтди...

— Нима қилибди, айтса?.. Буни биров сир деганмиди?

— Албатта-ку-я... Қиз боладан... бу нозли қиздан шуни кутишим керак эди... Бир ўчимни оламанку!

— Ўзингнинг шинелингдан ё эполетларингдан ўпкала, нега айбни унга тўнкайсан?..

— Бўлмаса, нега умидвор қилади?

— Нега ўзинг умидвор бўлдинг? Бирон нарсани орзу қилиш ва унга эришиш бошқа гапу, умидворлик деган нарса бутунлай бошқа нарса.

— Гаровда сен ютинг, аммо бутунлай эмас,— деди у, заҳарханда блан.

Мазурка бошланди. Грушницкий фақат княжнани танлади, бошқа кавалерлар эса княжнани дам ўтмай танлаб турар эдилар: бунинг менга қарши тузилган бир қасд эканлиги равшан эди; бу қайганга яхши: княжна мен блан суҳбатлашиш орзусида, аммо унга халал беришмоқда, натижада унинг орзуси янада кучаяди.

Бир-икки марта қўлини секин қисиб қўйдим; иккинчи марта қисганимда қўлини тортиб олдию, аммо индамади.

— Бу кеча яхши ухлолмай чиқаман,— деди княжна, мазурка тугагандан кейин.

— Бунга Грушницкий айбдор.

— Ҳечбир-да!— Унинг юзи шуқадар ғамгин, шуқадар хаёлчаг бир тус олдики, «шу кеча қўлидан албатта ўпаман», деб онт ичиб қўйдим.

Меҳмонлар тарқалишабошлади. Княжнани каретага ўтқазатуриб, тезгина нозик қўлчасини лабимга босдим. Қоронғи эди, ҳечким кўрмади.

Ўзимдан мамнун бўлиб залга қайтдим.

Катта стол теварагида ёшлар кечки овқат қилиб ўтиришарди, улар ичида Грушницкий ҳам бор эди. Мен киришим блан ҳаммалари жим бўлиб қолишди: гап менинг устимда кетаётган бўлса керак. Ўтган сафарги балдан кейин кўплар, айниқса драгун капитани мендан хафа эди, эндиликда Грушницкий бошчилигида менга қарши шайка тузилаётганлиги аниқ кўринарди. Унинг вазоҳати зўр, гердайган кўринади...

Жуда соз; христианчасига бўлмаса ҳам, ҳарҳолда ўз душманларимни яхши кўраман. Улар менга эрмак бўладилар, қонимни қайнатадилар. Ҳамиша кўз-қулоқ бўлиб туриш, ҳар қараш, ҳар сўзнинг мағзини чақиш, душман ниятларини билиб олиш, фитналарини пучга чиқариш, ўзингни алданганликка солиб, ҳархил ҳийланайранглар ва орзу-ниятлардан қурилган улкан бинони бирдан қулатиб юбориш — ҳаётнинг завқи деб мен мана шунни атайман.

Ужин тамом бўлгунча Грушницкий драгун капитани блан шивирлашиб, кўз қисишиб ўтирди.

6-нчи шонь

Бугун эрталаб Вера эри блан Кисловодскка жўнаб кетди. Княгиня Лиговскаяяникига боратуриб, уларнинг кареталарини кўриб қолдим. Вера менга бошини силкитиб қўйди: кўзларида ўпкаланиш акс этарди.

Айб кимда? Нега ўзи мен блан танҳо учрашишни истамайди? Севги ҳам бамисоли ўт, қалаб турилмаса ўчиб қолади. Балки менинг ялиниб-ялворишларим бажаролмаган ишни энди рашк бажарар.

Княгиняникида бир соатча ўтирдим. Мери чиқмади— бетоб эмиш. Кечқурун бульварга ҳам чиқмади. Лорнет тутган янги шайка ҳақиқатан ҳам даҳшатли қиёфага кирди.— Княжнанинг бетоблигидан хурсандман: бетоб бўлмаганда, унга бирор беодоблик қилган бўлардилар. Грушницкийнинг сочлари пахмайган, жуда хит кўринади; чинакам хафа бўлганга ўхшайди, айниқса иззати нафси таҳқир этилган кўринади; аммо шундай одамлар ҳам бўладики, улар ҳатто жиғи-бийронлари чиқиб турганида ҳам кулгили кўринадилар!..

Уйга қайтгач, худди бир нарсам камдай туюлди.

Мен уни кўрмадим! У касал! Ростдан ҳам уни яхши кўриб қолдиммикин? Бўлмаган гап!

7-нчи шонь

Эрталаб соат ўнбирда,— княгиня Лиговскаяянинг одатда Ермолов ваннасида терлаб ётадиган вақтида,— уларнинг уйлари ёнидан ўтдим. Княжна дераза олдида хаёл суриб ўтирганди; мени кўриб ўрнидан ирғиб турди.

Даҳлизга кирдим; хизматкорлар ҳечбири йўқ экан, бу ердаги расм-одатларнинг эркинлигидан фойдаланиб, хабар қилмасданоқ тўғри меҳмонхонага кириб бордим.

Княжнанинг ёқимли чеҳраси рангсиз ва сўлғин эди. У фортепьяно олдида бир қўли блан креслонинг суянчигига суяниб турарди: суянган қўли титрарди; мөнунинг олдида секин бордим-да:

— Мендан хафамисиз?— дедим.

Княжна чуқур ва ҳорғин кўзлари блан менга тикилди-да, бош чайқади; лаблари бир нарса демоқчи эдию, аммо айтмади; кўзлари ёшга тўлди; креслога ўтирди-да, қўллари блан юзини яширди.

— Нима бўлди сизга?— дедим, қўлидан ушлаб.

— Сиз мени ҳурмат қилмайсиз!.. О, қўйинг мени!..

Мен бирнеча қадам юрдим. У ўтирган ерида қаддини ростлади, кўзлари чақнаб кетди.

Мен эшик қабзасини ушлаб тўхтадим-да:

— Кечиринг мени, княжна!— дедим.— Мен телбалардай иш қилдим... Бу ортиқ такрорланмайди; бундай қилмаслик чорасини кўраман... Шу маҳалгача менинг қалбимда нималар бўлганини билиб нима қиласиз? Буни сиз ҳечвақт билолмайсиз, билмаганингиз тагин яхши. Хайр энди.

Чиқиб кетатуриб, унинг йиғисини эшитгандай бўлдим.

Кечгача Машуқ атрофида пиёда айланиб юрдим, ўлгудай чарчадим, уйга қайтдим-да, ўзимни ўринга таппа ташладим.

Вернер келди.

— Княжна Лиговскаяга уйланармишсиз, ростми?— деб сўради мендан.

— Нима қилди?

— Бутун шаҳарда дув-дув гап, мен даволаётган ҳамма касаллар ҳам шу янги гап блан машгул, бу касаллардан ҳеч гап қочиб қутулмайди!

«Бу — Грушницкийнинг найранги!» деб ўйладим.

— Доктор, бу овозаларнинг ёлғонлигини исбот этиш учун, қулоғингизга секин айтиб қўяй: эртага Кисловодскака жўнаб кетаман...

Княжна ҳамми?..

— Йўқ; княжна яна бир ҳафта шуерда қолади..

— Демак, уйланмаслигингиз рост?..

— Доктор, доктор! Менга бир қаранг: мен сра уйланадиган одамга ўхшайманми?

— Мен ўхшайсиз деяётганим йўқ... Аммо, ўзингиз биласиз, шундай ҳоллар бўладики...— деб илова қилди доктор муғомбирона кулиб,— шундай ҳоллар бўладики, олижаноб одам албатта уйланиши керак бўлиб

қолади; ундан кейин, бундай ҳолларнинг жўрттага олдини олмайдиган оналар ҳам бўлади... Хуллас, дўстингиз сифатида, эҳтиёт бўлиб юришни тавсия этмоқчиман. Бу ернинг ҳавоси жуда хавфли: ўзи бахтиёр бўлишга лойиқ-ку, аммо бу ердан уйланиб кетган қанча-қанча ёшларни кўрганман... Ишонасизми, ҳатто мени ҳам уйлантирмоқчи бўлишган! Айниқса, қайси бир уездли она ранги чиқмай юрган қизини менга бермоқчи бўлиб жуда қистади. Бахтсизликни қарангки, мен унга қизингизнинг ранги эрга теккандан кейин очилиб кетади деб қўйибман-да! Айтдим, балога қолдим: йиғлай-йиғлай миннатдорчилик билдириб, қизини ва бутун мол-мулкини менга ин'ом қилиб ўтирипти,— мулкида элликтача одам бўлса керак. Аммо мен, бу иш қўлимдан келмайди деб, зўрға қутулдим...

Вернер, мени бир балодан қутқардим деб ишонгани ҳолда чиқиб кетди.

Унинг гапидан мен, ўзим ва княжна ҳақида шаҳарда ҳархил бемаза гаплар тарқалганини англадим: бу Грушницкийга арзонга тушмайди!

10-нчи июнь

Кисловодскка келганимга уч кун бўлди. Верани ҳар кун қудуқ бошида ё сайргоҳда кўраман. Эрталаб тураман-да, дераза олдига ўтириб, лорнет билан унинг балконига қарайман; у аллақачон кийиниб, менинг ишорамни кутиб турган бўлади; биз, уйларимиздан бошланиб, то қудуққача чўзилиб кетган боғда тўсатдан кўришиб қолгандай учрашамиз. Ҳаётбахш тоғ ҳавоси унга яна куч бағишлаб, ранг-рўйини қайтарди. Нарзани баҳодир булоқ деб аташлари ҳам бежиз эмас. Шу ернинг кишилари Кисловодск ҳавоси ишқ-муҳаббатга чорлайди, Машуқ этагида бошланган ҳамма романлар шу ерга келиб анжомига етади, дейишади. Дарҳақиқат, бу ерда танҳо юришга қулай жойлар жуда кўп эди, бу ернинг ҳамма нарсаси,— арғувон хиёбонларнинг тангадай офтоб тушмайдиган соялари ҳам, уларнинг тагидан тошдан тошга сакраб шариллаб оқучи ва ямяшил тоғлар орасидан ўзига йўл солиб кетучи сой ҳам, жимжит ва қопқоронғи даралар ҳам, уларнинг ҳар

томонга тизилиб кетган тармоқлари ҳам, баланд-баланд жануб кўкатлари ва оқ акацияларнинг ҳиди блан тўлган хушбўй шабадалар ҳам, водининг охирига етиб олдинма-кетин чопиб боручи ва Подкумокка қуюлуци муздек сойларнинг ҳамиша лаззатли аллалаб туриши ҳам,— бари одамга аллақандай сирли туюлади. Бу томонга келиб дара анча кенгайди ва ямшиил жарга айланади; жарлик тагидан қинғир-қийшиқ чангли йўл ўтади. Ҳар сафар бу йўлга қараганимда, назаримда, карета келаётгандай ва карета деразасидан қизил гулдай чеҳра қараб тургандай туюлади. Бу ердан кўп кареталар ўтдию, броқ ундан ҳамон дарак йўқ эди. Қал'а ортидаги слободка ижарачилар блан лик тўлди, менинг квартирамдан сал наридаги тепаликка қурилган ресторациянинг чироқлари кечалари икки қатор тераклар орасидан милтиллаб туради. У ердан ярим кечага-ча одамларнинг ғовур-ғувури, стаканларнинг жаранглаши эшитилиб туради.

Кахетин виноси блан минерал сув ҳечқаерда бунчалик кўп ичилмаса керак.

Бу икки касбни қўшишга кўпдир талабгор.
Мен-чи, улар жумласидан эмасман зинҳор*.

Грушницкий ҳар куни ўз шайкаси блан бирга қовоқхонадан чиқмайди, мен блан деярлик саломлашмайди ҳам.

Бу ерга кечагина келган бўлса ҳам, ҳалитдан учта кекса одам блан уришипти: улар ваннага ундан илгари тушмоқчи бўлишган экан; афтидан, бошига тушган фалокат унинг жасоратини ошириб юборганга ўхшайди.

11-нчи июнь

Ниҳоят, улар келишди. Мен дераза олдида ўтирган эдим, бирдан кареталарнинг дукири эшитилди: юрагим гупиллаб урабошлади... Бу қандай бўлди? Наҳотки ошиқ бўлиб қолган бўлсам?.. Мен шундай тентак одамманки, шундай бўлиши ҳам ажаб эмас.

* А. С. Грибоедовнинг «Ақл балоси» комедиясидан. (Ред.)

Обедни уларникида қилдим. Княгиня менга жуда меҳрибонлик блан қарайди, қизининг ёнидан асло нари силжимамайди... иш чатоқ! Бунинг устига, Вера княжнадан рашк қилади: орттирган ҳаловатим шу бўлди. Хотин киши ўз рақибасини хафа қиламан деса, қўлидан ҳар нарса келади! Эсимда бор, бир хотин мени бошқа бир хотинни яхши кўрганим учун севарди. Хотинлар ақлидан кўра ғалатироқ нарса бўлмаса керак: уларни бирон нарсага сра ишонтириб бўлмайди, уларни шундай қилиш керакки, ўзлари ўзларини ишонтирсин: ўзларининг илгариги фикрларини рад қилиш учун ишлатадиган исбот ва далиллари ниҳоятда қизиқ бўлади; уларнинг диалектиказини⁶⁶ ўрганиб олиш учун, мактабда ўтилган ҳамма логика⁶⁷ қоидаларини миядан чиқариб ташлаш керак. Масалан, энг оддий усул:

Бу одам мени севади; аммо менинг эрим бор: бинобарин, мен уни севмаслигим керак.

Хотинлар қоидаси:

Мен уни севмаслигим керак, чунки менинг эрим бор; аммо у мени яхши кўради, бинобарин...

Бунинг кетидан бирнеча қатор нуқта келади, чунки буёғи ақлдан чиқмайди, буёғини тил, кўз ва, улардан кейин, агар бўлса, қалб гапиреди.

Бир кун эмас, бир кун шу хотираларим хотинларнинг қўлига тушиб қолса, нима бўлади? Улар нафрат блан:— туҳмат бу!— деб қичқиришади.

Шоирлар дунёга келиб ше'р ёзабошлаган ва бу ше'рларни хотинлар ўқийбошлагандан бери (бунинг учун уларга минг раҳмат), шоирлар уларни минг-минг марта фаришта деб аташадик, улар соддадил бўлганликлари учун бу хушомадга ишонадилар, аммо шу блан бирга, ўша шоирларнинг пул учун Неронни ярим худо даражасига кўтарганликларини унутадилар...

Менга, дунёда улардан бошқа ҳечбир нарсани севмаган, ўзининг ҳузур-ҳаловати, иззати-нафси, ҳаётини уларга фидо қилишга тайёр бўлган мендай одамга, улар ҳақида бунчалик аччиқ гапириш ярамаса керак... Аммо мен уларнинг юзидан, фақат ўрганган кўзгина кўраоладиган сихрли пардани олиб ташларканман, буни мен алам қилгандан ё бўлмаса иззати-нафсим

таҳқирлангани учун қилаётганим йўқ. Улар ҳақида ҳамма гапларим:

Ақлнинг совуқ кузатишлари
Ва дилда қайғунинг излари*

оқибати, холос.

Хотинлар шунга эришмоқлари керакки, ҳамма эркаклар ҳам уларни менчалик яхши кўрадиган бўлсин, чунки улардан қўрқмайдиган бўлганим, уларнинг ҳамма заиф томонларини билиб олганимдан кейин, уларни минг марта ортиқроқ севадиган бўлдим.

Дарвоқи: яқинда Вернер, хотинларни Тасснинг⁶⁸ «Озод этилган Қуддус» деган китобида тасвир этилган тилсимли ўрмонга ўхшатди. «Ўрмонга оёқ қўйдингми, бас,— деган эди у,— ҳар томонингдан бурч, кибр, одоб, умум фикри, масхаралаш, нафрат сингари қўрқинчли нарсалар бостириб келаверади... Фақат, уларга қарамасдан, тўғрига қараб кетавериш керак: шундай қилсанг даҳшатли нарсалар аста-секин ўзидан ўзи йўқолиб кетади-да, қаршингда жим-жит ва ёрқин бир майдон очилади. Майдоннинг ўртасида ҳамиша ямياшил ўсадиган мирт дарахти гуллаб турган бўлади. Аммо биринчи қадам босишингдаёқ юрагинг бардош беролмай, орқангга қайрилиб қарадингми,— тамом бўласан!»

12-нчи шонь

Бугун оқшомда жуда кўп воқиалар бўлиб ўтди. Қисловодскдан уч чақиримча нарида, Подкумок оқиб ўтадиган дара ичида *Халқа* деган бир қоя бор; бу қоя — табиат томонидан барпо этилган бир дарвоза; дарвоза жуда баландга кўтарилади, ботиб боручи қуёш шу тешиққоя орасидан оламга ўзининг энг сўнгги ва оташин назарини ташлаб ўтади. Бирталай отлиқлар блан бирга тош ром орқали офтоб ботишини тамоша қилгани жўнадик. Ростини айтганда, ҳечким офтобни тамоша қилишни ўйламасди. Мен княжнанинг ёнида борардим, уйга қайтишда Подкумок дар'ёсини кечиб ўтишга тўғри келди. Тоғдан оқиб тушучи кичик-кичик

* А. С. Пушкиннинг «Евгений Онегин»идан.

саёз сойлар шунинг учун хавфли бўладики, тўлқинларнинг та'сири остида уларнинг таги ҳар доим ўзгариб туради: кеча тош ётган жойда бугун бирдан чуқурлайдо бўлиб қолади. Мен княжна отининг жиловидан ушладим-да, сувга етаклаб тушдим, сув отнинг тиззасидан келарди; биз сув оқимиغا қарши секин-секин қиялаб ўтабошладик. Ма'лумки, тез оқар сойлардан ўтганда сра сувга қарамаслик керак, чунки, қарасанг дарров бошинг айланиб кетади. Бу ҳақда княжна Мерини огоҳлантириб қўйишни унутган эканман.

Сойнинг ўртасига, энг тез оқадиган ерига етганимизда княжна бирдан эгарда гандираклаб кетди. «Мазам қочди!» деди, ожиз бир товуш блан... Мен дарров энгашдим-да, унинг хипча белидан қучоқлаб олдим.

— Юқорига қаранг!— деб шивирладим қулоғига:— ҳеч нима қилмайди, қўрқманг; ёнингизда мен борман.

Анча ўзига келди; қучоғимдан чиқмоқчи бўлган эди, броқ мен унинг юмшоқ ва нозик белидан янада маҳкамроқ сиқиб олдим; юзим унинг юзига деярлик тегиб турарди; юзи ловуллаб ёнарди.

— Бу нима қилганингиз?.. Ё раббий!..

Мен унинг титрашига, уялишига қарамай, лабимни латиф юзига босдим; у бир сесканиб тушдию, броқ индамади; биз ҳаммадан орқада борардик: ҳечким кўрмади. Қирғоққа чиққач, ҳамма отларини чоптириб кетди. Княжна отини секин юргизди, мен ҳам унинг ёнида қолдим; менинг индамай боришим уни хавотирга солиб қўйганлиги равшан эди, аммо мен нима бўларкан деб жўрттага сукут қилишга қарор бердим. Унинг бу мушкул аҳволдан қандай чиқишини кўрмоқчи эдим.

— Сиз мендан ё ҳазар қиласиз, ёки жуда ҳам сева-сиз,— деди, ниҳоят княжна, йиғламсираб,— балки, мени мазах қилиб, юрагимни ҳаяжонга солиб, кейин ташлаб кетиш ниятидадирсиз... Бундай қилиш шундай пасткашлик, шундай қабиҳлик бўлардики, бу тўғрида ўйлашнинг ўзи... О, йўқ! Ростини айтинг,— деб илова қилди у, нозик ишонч блан,— ростини айтинг, менга ҳурмат назари блан қарашингизга халал беручи бирон

нарсам, йўға, ростми? Сизнинг бояги одобсиз қилигингизни... кечиришим керак, чунки унга ўзим йўл қўйдим... Жавоб беринг, гапиринг, овозингизни эшитай...— Унинг сўнги сўзларида аёлларга хос бўлган шундай бетоқатлик сезилардики, ҳатто беихтиёр кулиб қўйдим; бахтимга, анча қоронғи тушиб қолган эди... Мен индамадим.

— Индамайсиз — деб сўзида давом этди у. — Балки олдин менинг муҳаббат изҳор этишимни истарсиз?

Мен индамай кетавердим...

— Шуни хоҳлайсизми?— деб давом этди у, менинг юзимга ялт этиб қараб... унинг қат'ий қарашида ва қат'ий овозида қандайдир даҳшат сезиларди...

— Нима учун?— дедим мен, кифт қоқиб.

Княжна отига қамчи берди-да, торгина ва хатарли йўлдан чоптириб кетди; бу ҳодиса шу қадар тез юз бердики, мен зўрға кетидан етиб олдим, шунда ҳам, бошқаларга қўшилгандан кейин; у уйга боргунча тинмай гапириб ва кулиб борди. Унинг ҳаракатларида қандайдир асабийлик сезиларди. менга бир марта ҳам қайрилиб қарамади. Бу ғайритабиий кайфичоғлиқни ҳамма сизди. Княгиня ҳам қизига қараб, ичидан севи нарди; қизининг эса асаблари қўзғаб кетган эди: кечаси блан ухламай йиғлаб чиқиши аниқ. Шуни ўйларканман, бениҳоя севиnamан; ба'зан шундай дамлар бўладики, Вампирга⁶⁹ қўшиламан.... Яна мен, меҳрибон йигит деган ном чиқаришни, шу номга эришишни истайман!

Отдан тушгач, хонимлар княгинянинг уйига киришди; бутун вужудимни ҳаяжон босганди, миямни қамраб ётган фикр-хаёлларни тарқатиб келай деб отимни тоққа қараб чоптириб кетдим. Шабнамли кеча, ниҳоятда киши наш'асини очучи шабада блан нафас оларди. Қопқорайиб турган тоғ чўққилари ортидан ой кўтарилиб келмоқда эди. Тақаланмаган отимнинг ҳар қадами жим-жит даралар сукунатида бўғиқ эшитиларди; шалола ёнида отимни суғордим, жануб тунининг шабадали ҳавосидан бир-икки марта тўйиб-тўйиб ютдим-да орқамга қайтдим. Қайтишда слободкадан ўтиб келдим. Деразалардан кўриниб турган чироқлар бирин-

кетин сўнабошлаган эди; тупроқ қўрғондаги часовойлар ва атроф-теваракда соқчиликда турган казаклар овозларини чўзиб-чўзиб бир-бирларига товуш берардилар...

Слободканинг жар ёқасига қурилган уйларидан бирининг деразалари жуда равшан эди; ҳар замон-ҳар замонда у ердан пойма-пой гаплар ва ҳарбийлар қурган базмдан дарак беручи қийқириқлар эшитиларди. Отдан тушдим-да, секин дераза тагига бориб турдим: зичлаб ёпилмаган дарча тирқиши базм қурганларни кўришга ва уларнинг гапларини эшитишга имкон берарди. Гап менинг устимда борар эди.

Винодан қизишиб кетган драгун капитани мушти блан столни бир урди-да, ҳамманинг жим бўлишини талаб қилди.

— Жаноблар!— деди у,— бунга ортиқ чидаб бўлмайди. Печориннинг бир адабини бериб қўйиш керак! Бу Петербургдан келган учирма қушлар то тумшугига бир туширмагунча, керилишини ташламайди! Ҳамиша озсда қўлқоп, тозаланган этик кийдим, шунинг учун олий жамиятни мендан бошқа одам кўргани йўқ деб ўйласа керак!

— Унинг такаббур кулишларини айтмайсизми! Шундай бўлса ҳам, унинг қўрқоқлигига аминман,— у қўрқоқ!

— Мен ҳам шундай деб ўйлайман,— деди Грушницкий. — Нуқул ҳазил блан қутулиб кетмоқчи бўлади. Бир марта унга шунақанги гапларни айтдимки, унинг ўрнида бошқа одам бўлганда, ўша ернинг ўзида мени чавақлаб ташларди. Печорин бўлса ҳамма гапни ҳазилга буриб юборди. Албатта, мен уни дуэльга чақириб ўтирмадим, чунки бу унинг иши эди; иннайкейин, ўзим ҳам қўлимни булғашни истамадим...

— Печорин княжнани ўзига оғдириб олгани учун Грушницкий унга қарши кек сақлаб юрипти,— деди аллаким.

— Бўлмаган гап! Тўғри, княжнанинг кетидан бироз судралиб юрдим, аммо дарҳол бас қилдим, чунки менда уйланиш нияти йўқ эди, қизнинг номини булғаш — менинг одатим эмас.

— Ишонтириб айтаманки, у ўтакетган қўрқоқ, я'ни Грушницкий — эмас, Печорин, — Грушницкий азамат йигит, бунинг устига, менинг энг қадрдон дўстим ҳам! — деди драгун капитани, яна гапга араллашиб. — Жаноблар! Орамизда уни ҳимоя қилучилар борми? Бўлмаса яна яхши! Унинг ботирлигини синаб кўришни истайсизларми? Бу сизларга роса эрмак бўларди-да...

— Истаймиз; аммо, қандай қилиб?

— Қулоқ солинглар: ҳаммадан кўра Грушницкий ундан хафа, биринчи роль шуники: Грушницкий бирон арзимаган нарсани баҳона қилиб, Печоринни дуэльга чақиради... Шошмай туринглар; бутун гап мана шунда... Хўш, дуэльга чақиради. Бутун бу ишлар дуэльга чақириш ҳам, унга ҳозирлик кўриш ҳам, дуэль шартлари ҳам, ҳаммаса мумкин қадар тантанали ва даҳшатли бўлиши керак, — буни мен ўз зиммамга оламан; мен ўзим сенинг секундантинг бўламан, бечора дўстим! Яхши! Аммо бунинг найрангги шундаки, тўппончага ўқ солмаймиз. Аминманки, Печорин қўрқади, — ахир, мен олти қадам масофага турғазиб қўяман-да! Хўпми, жаноблар?

— Жуда соз! Бўпти! Нега бўлмас экан! — деган садолар эшитилди теварак-атрофдан.

— Сенчи, Грушницкий?

Мен Грушницкийнинг жавобини ҳаяжон билан кутардим; агар буни тасодифан билиб қолмаганимда, бу аҳмоқларга тоза майна бўларканман деган фикрдан ғазабим қайнаб кетди. Агар Грушницкий розилик билдирмаганда, ўзимни дарҳол унинг қучоғига ташлардим. Аммо у бироз индамай ўтиргач, ўрнидан турди-да, капитанга қўлини узатиб, ғоят кеккайиб туриб: «Бўпти, мен розиман» деди.

Улфатларнинг нақадар шод-хуррам бўлиб кетганликларини тасвирлашга ожизлик қиламан.

Вужудим икки хил ҳислар билан тўлиб-тошган ҳолда уйимга қайтдим. Биринчи ҳиссиёт — қайғу ҳисси эди. Нима учун улар мени бунча ёмон кўришади? деб ўйлардим. Нима учун? Ё биронтасини хафа қилдимми? Йўқ. Наҳотки мен, афти-башараларининг ўзиёқ совуқлик туғдирадиган одамлар қаторига кирсам? Бутун

вужудимни аламни газаб ўти қамраб бораётганини пайқадим. Эҳтиёт бўлинг, жаноби Грушницкий, дердим мен, уй ичини кезиб: мен блан бунақа ҳазиллаша кўрманг. Тентак ўртоқларингизнинг маслаҳати сизга қимматга тушиши мумкин. Мен сизга ўйинчоқ эмасман!

Шу кеча мижжа қоқмай чиқдим. Эрталаб юзим зафарондай саргайиб кетган эди.

Эрталаб қудуқ бошида княжнани учратдим.

— Тобингиз йўқми?— деб сўради, менга тикилиб.

— Кечаси ухламай чиқдим.

— Мен ҳам... Сизни айбладим... балки янглишгандирман? Гапиринг, балки ҳамма қилмишингизни кечирарман...

— Ҳаммасини кечириб бўлармикин?..

— Ҳаммасини... зинҳор, ростини айтинг... фақат тезроқ бўлинг... бўлинг... сизнинг қилиғингизни тушунай, кечирай деб кўп ўйладим; балки, ота-онамнинг тўсқинлик қилишидан кўрқарсиз... кўрқманг... улар билгандан кейин... (княжнанинг овози титраб кетди) уларни мен ўзим рози қиламан. Ё сизнинг вазиятингиз... аммо, шуни билингки, мен севган одамим учун ҳамма нарсадан ҳам кечишга тайёрман... О, тезроқ жавоб беринг, раҳм қилинг... Сиз мендан ҳазар қилмайсиз-а, тўғрими?

Княжна қўлимдан ушлаб олди.

Княгиня Веранинг эри блан бирга бизнинг олдимизда борар эди, шунинг учун улар ҳечнарсани кўрмасди; аммо атрофда сайр қилиб юручи касаллар кўриб қолиши мумкин эди,— ғийбатчиларнинг ғийбатчиси ўшалар бўлади,— шунинг учун мен княжнанинг қаттиқ ҳаяжон ичида сиқиб турган қўлидан қўлимни тортиб олдим.

— Мен сизга бор ҳақиқатни айтиб бераман,— деб жавоб бердим княжнага:— мен ўзимни оқлаб ҳам ўтирмайман, қилмишларимнинг сабабини ҳам айтиб ўтирмайман: мен сизни севмайман.

Унинг лаблари билинар-билинемас оқариб кетди...

— Боринг,— деди, эшитилар-эшитилмас.

Мен кифтимни қисдим-да, қайрилиб кетдим.

Мен ба'зан ўзимдан нафратланаман... бошқалардан ҳам нафратланишимнинг сабаби шу эмасмикин?.. Олий-жаноб ва юксак ҳисларга лаёқатим қолмади; ўзимга-ўзим кулги бўлишдан қўрқаман. Менинг ўрнимда бошқа одам бўлганда, княжнага son coeur et sa fortune⁷⁰ таклиф қилган бўларди, аммо *уйланиш* деган сўз мени қандайдир сиҳрли куч блан қаттиқ ушлаб туради: хотин кишини қанчалик зўр эҳтирос блан севмайин, аммо у уйланишим кераклигига шама қилдими, тамом, ишқи-муҳаббатимдан номи-нишон ҳам қолмайди! Юрагим тошга айланиб кетади ва уни ҳечбир нарса юмшатаолмайди. Мен ҳар қанақа фидокорликка тайёрман, аммо уйланишдан худо сақласин; ҳаётимни, ҳатто номусимни йигирма марта деса ҳам гаровга қўйишим мумкин... аммо эркимни сотмайман. Нима учун мен ўз эркимни шунча азиз тутаман? Менга ундан нима фойда бор?.. Истиқболим надир?.. Келажакдан нималарни кутаман?.. Рост, ҳечнарсга кутмайман. Бу ҳеч тушуниб бўлмайдиган бир ҳис туғилганимдан бери юрагимга тушиб қолган қўрқув ҳисси бўлса керак... Ҳечбир сабабсиз ўргумчаклардан, сувараклардан, сичқонлардан қўрқадиган одамлар ҳам бор-ку, ахир... Ростини айтайми?.. Болалигимда онам бир кампирга мени фол очирган экан: у кампир мени *ёмон хотин қўлида ўлади* деган экан; ўша вақтда бу гап менга ниҳоятда чуқур та'сир этган эди: ўша вақтдаёқ дилимда уйланиш деган нарсага қарши аллақандай нафрат пайдо бўлганди... Аммо шу блан бирга нимадир кампирнинг гапи бир кунмас-бир кун тўғри чиқажагани айтиб туради; ҳарҳолда, бунинг мумкин қадар кейинроқ юз бериши учун тиришаман.

Кеча бу ерга *Апфельбаум* деган фокусчи келди. Ресторация эшигида узун афиша пайдо бўлди, унда мазкур ажойиб фокусчи, акробат, химик ва оптикнинг бугун кечқурун соат саккизда, олий насаблар клубида (бошқача қилиб айтганда, ресторацияда) ажойиб

тамоша кўрсатажаги ҳақида муҳтарам тамошабинларга хабар қилинарди; билет баҳоси икки ярим сўмдан.

Ажойиб фокусчининг тамошасига ҳамма бормоқчи; ҳатто княгиня Лиговская ҳам қизининг бетоблигига қарамасдан, ўзига билет олдирибди.

Бугун обеддан кейин Веранинг деразалари ёнидан ўтиб қолдим; балконда ёлғиз ўзи ўтирган экан; оёғим тағига кичкина хат тушди:

«Бугун кечқурун соат тўққиздан кейин катта зинадан чиқ; эрим Пятигорскка кетди, эртага эрта блан қайтади. Хизматкор ва ходимларим уйда бўлмайди: уларга ва княгинянинг одамларига билет улашдим. Сени кутаман, албатта кел».

«Айтмадимми!— деб ўйладим мен:— ахир, менинг айтганим бўлди».

Соат саккизда фокусчининг ўйинини кўргани бордим. Соат тўққизда одамлар тўпланиб бўлди. Тамоша бошланди. Вера блан княгинянинг малай ва оқсочларини кўрдим, улар энг орқа қатордаги стулларда ўтиришган экан. Танишларимнинг бари шу ерда эди. Грушницкий биринчи қаторда қўлида лорнет тутиб ўтирарди. Фокусчига дастрўмол, соат, узук ва шу каби нарсалар керак бўлганда, ҳар сафар унга мурожаат қиларди.

Анчадан бери Грушницкий мен блан саломлашмайди, бугун бўлса бир-икки марта менга ўқрайиб ҳам қўйди. Ҳисоб-китоб қилиш вақти келганда буларнинг ҳаммасини эсига соламан.

Соат ўнларда ўрнимдан туриб, чиқиб кетдим.

Ташқари қопқоронғи, кўз олдиндаги нарсани кўриб бўлмасди. Атрофдаги тоғ чўққиларида қуюқ ва совуқ булутлар ётарди; тиниб боручи шамол ресторация теваарагидаги тераклар учини аҳ'ён-аҳ'ёнда шитирлатиб кетарди: ресторация деразалари олдида одам тирбанд. Тоғдан пастга тушдим-да, дарвеза томонга бурилиб, илдам юриб кетдим. Бирдан, назаримда, орқамдан биров келаётганга ўхшади. Тўхтаб, ёни-веримга қарадим. Қоронғида ҳечнарсани кўролмадим; аммо шундай бўлса ҳам, эҳтиётдан, сайр қилиб юрган одамдай уй атрофини бир марта айланиб чиқдим. Княжна деразалари ёнидан ўтатуриб, яна орқамдан оёқ тову-

шини эшитдим; ёнимдан шинельга ўралган бир одам чолиб ўтди. Хавотирландим; шундай бўлса ҳам, секин эшик олдига келдим-да, қопқоронғи зинадан югуриб чиқдим. Эшик очилдию, кичкина қўлча қўлимдан ушлади...

— Ҳечким кўрмадимиз?— шивирлаб сўради Вера, менга ёпишиб.

— Ҳечким!

— Сени яхши кўрганимга энди ишонасанми? О, мен кўп иккиландим, кўп қийналдим... аммо сен мени нима қилсанг қилаяпсан.

Унинг юраги гуп-гуп урарди, қўллари муздек совуқ эди. Рашқлар, ўпкаланишлар, нолишлар бошланди,— у мендан ҳамма гапни очиқ гапириб беришимни талаб этди, хиёнат қилган бўлсам ҳам чидайолишини билдирди, чунки фақат сенинг бахтли бўлишингни истаيمان, деди. Мен бунга у қадар ишонмадим, аммо онт ичиб, вадалар бериб, охири тинчитдим.

— Демак, Мерига уйланмайсанми? Уни севмайсанми?.. У ўйлаб юрибдики... биласанми, у сени ниҳоятда яхши кўриб қолган, шўрлик!..

.....

Кечаси соат иккиларга яқин деразани очиб, иккита шолрўмолни бир-бирига боғлаб, устунга осила-осила юқори балкондан қуйиенга тушдим. Княжнанинг уйида чироқ ёқилди эди. Нима ҳам бўлдию, деразасидан қарадим-да. Деразанинг пардаси чала тортилган экан, бўлма ичини бемалол кўриш мумкин эди. Мери ўз кроватида тиззаларини қучиб ўтирарди; қалин сочларини тўр солиб тикилган тунги чепчик блан танғиб олган, оппоққина елкаларини каттакон қизил рўмол блан ўраб олган, кичкинагина бежирим оёқларига рангбаранг эрон ковуши кийиб олганди. Бошини кўксига солиб, қимир этмай ўтирарди; унинг олдидаги столчада бир китоб очиқ турарди, аммо хаёли аллақерларда юргандай, қимир этмовчи ва қандайдир билиб бўлмайдиган ғам-ҳасратла тўлган кўзлари бир саҳифани юзинчи марта ўқиб чиқаётгандай кўринарди...

Шу замон чакалак орасида бир нарса шитирлаб

кетди. Балкондан чим устига сақраб тушдим. Ғойибдан келиб қолган бир қўл елкамдан маҳкам ушлаб олди. «Ҳа-ҳа!— деди, қўпол бир товуш:— қўлга тушдингми! Кечалари княжналарникига келиб юришни бир кўрсатиб қўяй сенга!..»

— Маҳкам ушла!— деб бақирди, бурчакдан югуриб чиқиб қолган иккинчи бир киши.

Улар — Грушницкий блан драгун капитани эди.

Драгун капитанининг бошига бир мушт солган эдим, ерга ағдарилиб тушди, ўзим буталар орасига отилдим. Уйимиз олдидаги бутун нишабликни қоплаган боғнинг ҳамма сўқмоқ йўллари менга ма'лум эди.

— Уғри кетди, уғри кетди!— Ушла уғрини!..— деб бақириб қолди улар, кетимдан; милтиқ отилди: милтиқ пилтаси оёғимнинг тагига келиб тушди.

Бир минутдан кейин уйимга етиб олдим-да, ечиниб ётдим. Малайим эшикни энди беркитар-беркитмас, бирдан Грушницкий блан капитан эшикни қоқабошлашди.

— Печорин! Ухладингизми? Бормисиз?— деб бақирди капитан.

— Ухлаяпман! — деб жавоб бердим мен, жаҳл блан.

— Туринг! Уғри келди... Черкаслар...

— Тумов бўлиб ётибман, шамоллаб қолишдан қўрқаман,— деб жавоб қилдим мен.

Улар кетишди. Бекорга овоз берган эканман: бўлмаса мени яна бир соатча боғдан излаб юрган бўлишарди. Шу орада ҳамаёқни ваҳима босиб кетди. Қал'адан бир казак от чоптириб келди. Ҳамма ҳовлиқиб қолди; черкаслар қидирилмаган бирорта ҳам бута қолмади,— ҳечбало топилмади, албатта. Аммо кўп одамлар, гарнизон ботирлик кўрсатганда ва эпчилроқ бўлганда, кам деганда йигирматача ваҳшийнинг ўлиги шу ерда қоларди, деган қат'ий фикрда қолди.

16-нчи июнь

Бугун эрталаб қудуқ бошида дув-дув гап, ҳамма кеча кечаси черкасларнинг бостириб келгани ҳақида гапирарди. Белгиланган миқдорда нарзан ичдим-да, узундан-узун арғивон хиёбонини ўн мартача айланиб, Веранинг эрини учратдим. У Пятигорскдан энди келиб

турган экан. У блан қўлтиқлашиб, ресторацияга нонушта қилгани кетдик; у хотини тўғрисида роса ҳавотирланипти. «Бугун кечаси қўрққанидан юраги ёрилай депти.— дерди у:— бу воқиянинг нақ мен йўғимда бўлишини қаранг-а». Биз бурчакдаги хонага кирадиган эшик олдидаги столдан жой олдик, ичкаридаги хонада ўнтача ёш-яланглар ўтирарди, улар орасида Грушницкий ҳам бор эди. Тақдир менга яна бир марта ҳиммат қилди: мен Грушницкийнинг тақдирини ҳал қилучи суҳбатни эшитиб қолдим. У мени кўрмасди, бинобарин, мен уни қастдан гапираётинпти деб гумон қилолмасдим; аммо бу нарса менинг олдимда унинг гуноҳини янада оғирлаштирарди.

— Ростдан черкаслар эканми, а?— деди аллаким.— Бирор киши ўз кўзи блан кўриптими?

— Бор ҳақиқатни айтиб берай,— деб жавоб берди Грушницкий,— аммо ҳечкимга мени айтди демайсизлар; воқиа бундай бўлди: кеча бир киши,— отини сизларга айтмайман,— менинг уйимга келиб, соат тўққизлардан ошганда Лиговскаяларнинг уйига биров киргандай бўлди деб айтиб қолди. Шунини ҳам айтиб қўяйки, княгинянинг ўзи ўша вақтда шу ерда эди, княжна эса уйида эди. Шундай қилиб, биз ҳалиги келган одам блан бирга бахтли одам ким экан, кўрайлик деб, деразанинг тагига бориб турдик.

Суҳбатдошим овқат блан банд бўлишига қарамай, қўрқиб кетдим: агар Грушницкий ростдан ҳам, бўлиб ўтган воқиянинг тагига етган бўлса, суҳбатдошим ўзи учун бирмунча кўнгилсиз бўлган гапларни эшитиб қолиши мумкин эди; аммо рашкдан кўр бўлган Грушницкий бу ҳақда гумон ҳам қилмасди.

— Шундай қилиб,— деб давом этарди Грушницкий,— қўлимизга милтиқ олиб жўнаб қолдик, биз уни қўрқитмоқчи бўлиб, милтиқни пахтаванд ўқ блан ўқлаб олгандик. Соат иккигача боғда пойлаб ётдик. Ахир пайдо бўлди, аммо қаердан пайдо бўлиб қолганини сезмай қолдик, ҳарҳолда деразадан тушгани йўқ, чунки дераза очилмади, устун ортидаги ойнаванд эшикдан чиққан бўлса керак; хуллас, қарасак, кимдир балкондан тушиб келаяпти... Княжнанинг шоввозлигини

қаранглар-а! Москва ойимқизлари ҳам шунақа бўларкан-да, а? Шундан кейин, кимга ҳам ишониб бўлади? Биз уни ушлаб олмоқчи бўлган эдик, броқ қўлдан чиқиб, худди қуён сингари буталар орасига қочиб кириб кетди; шундан кейин кетидан милтиқ отиб қолдим.

Грушницкийнинг атрофида ўтирганлар ишонқирамай, говир-ғувур қилишди.

— Ишонмайсизларми?— деб давом этди Грушницкий.— Виждоним блан онт ичаман: бутун айтганларим рост, буни исботлаш учун ҳатто у жанобнинг отини ҳам айтишим мумкин.

— Айт, айт, ким экан?— деган нидолар эшитилди ҳар томондан.

— Печорин,— деди Грушницкий.

Шу замон Грушницкий бошини кўтарди,— мен эшикнинг олдида, нақ унинг рўпарасида турардим; у қипқизариб кетди. Мен унинг ёнига бордим-да, секин, аммо дона-дона қилиб дедим:

— Энг қабиҳ тухматингизни исботлаш учун номузингиз блан онт ичиб бўлганингиздан кейин кириб қолганимга афсусланаман. Мен шу ерда бўлганимда, сиз яна бир қабиҳ разилликдан қутулган бўлардингиз.

Грушницкий ўрнидан ирғиб туриб кетди-да, қизишмоқчи бўлди.

— Илитмос қиламан: айтган гапингизни дарҳол қайтиб олинг,— деб давом этдим мен, ҳамон ўша оҳангда.— Гапингизнинг уйдирма эканлигини ўзингиз жуда яхши биласиз. Бир хотин сизнинг бундай порлоқ хислатларингизни назар-писанд қилмай қўйганлиги сизнинг ундан бу хилда қасд олишингизга асос бўлаолмаса керак деб ўйлайман. Яхшилаб ўйлаб кўринг, ўз фикрингизни қувватлашингиз блан олийжаноб одам деган номингизни йўқотган бўласиз ва ҳаётингизни таҳлика остига солиб қўясиз.

Грушницкий менинг олдимда кўзларини ерга тикиб, зўр ҳаяжон ичида турарди. Аммо виждон блан иззати нафс ўртасида борган кураш узоқ давом этмади. Ёнида ўтирган драгун капитани тирсаги блан уни бир туртиб қўйди. Грушницкий бир сесканди-да, бошини кўтармай, шошиб жавоб берди:

— Муҳтарам жаноб, мен ҳамиша гапимни ўйлаб гапираман, яна такрорлашга тайёрман... Мен сизнинг дўқингиздан қўрқмайман ва ҳар нарсага тайёрман.

— Тайёр эканлигингизни бир марта исбот этдингиз,— дедим мен совуққина ва драгун капитанини қўлтиқлаб, ташқари чиқдим.

— Хўш, хизмат?— деб сўради капитан.

— Сиз Грушницкийнинг ошнасисиз, балки унга секундант ҳам бўларсиз?

Капитан кеккайиб таъзим қилди.

— Тўғри айтдингиз,— деб жавоб берди у:— унга секундант бўлишга мажбурман ҳам, нега десангиз, унга теккан ҳақорат менга ҳам тегади, кеча кечаси мен ҳам у блан бирга эдим,— деб илова қилди, у, букчайган қаддини ростлаб.

— Э! Бошига ноқулай мушт туширган одамим сизмидингиз?..

Капитан қизариб-бўзариб кетди: шу маҳалгача беркитиб келган ғазаби қиёфасида акс этди.

Мен, ўзимни унинг қутурганини кўрмаганга солиб, ниҳоятда эҳтиром блан таъзим қилдим-да:

— Мен бугуноқ ўз секундантимни ҳузурингизга юбориш шарафига муяссар бўламан,— дедим.

Ресторация эцигида Веранинг эрини учратдим. У, мени кутиб турган бўлса керак.

Севина-севина қўлимдан ушлаб олди.

— Олийжаноб йигит экансиз!— деди, кўзига ёш олиб.— Ҳамма гапни эшитдим. Қандай аблаҳ, кўрнамак одам экан!.. Шундай қилишгандан кейин уларни дуруст уйларга қандай киритиб бўлади! Худога минг шукурки, қизим йўқ! Аммо, сиз ўз ҳаётингизни тиккан қиз сизни мукофотлайди. Аммин бўлинг, вақти-соати келгунча бу гапларни ҳечкимга айтмайман,— деб сўзида давом этарди у.— Мен ўзим ҳам ёш бўлганман, ҳарбий хизматда ҳам бўлганман; бунақанги ишларга аралашмаслик кераклигини биламан. Хайр энди.

«Бечора! Қизим йўқ деб севиниб юрипти...»

Тўғри Вернерникига бордим, у уйда экан, ҳамма гапни — Вера ва княжнага нисбатан бўлган муносабатимни гапириб бердим, тасодифан эшитиб қолган

гапларимни ҳам, бу жанобларнинг пахтаванд ўқ отиб мени майна қилмоқчи бўлганларини ҳам гапириб бердим. Аммо энди бутун иш ҳазилдан чинга айланиб кетган эди, можаранинг бундай бўлиб чиқишини улар кутмаган эди-да.

Доктор менга секундант бўлишга рози бўлди; дуэль шартлари ҳақида мен унга бирнеча йўл-йўриқ бердим; у, душманларимни дуэлянинг махфий суратда ўтишига кўндириши керак, чунки шахсан мен ўлимга ҳардоим тайёр турсам-да, аммо бу дунёдаги истиқболимга путур етказиш мутлақо ниятимда йўқ эди.

Шундан кейин уйимга қайтдим. Бир соатдан кейин доктор саёҳатдан қайтди.

— Сизга қарши фитнес уюштирилгани рост экан,— деди у.— Грушницкийникига борсам, драгун капитани блан яна бир киши ўтирган экан, фамилияси эсимда йўқ. Қалошимни ечай деб даҳлизда бироз туриб қолдим. Улар орасида катта баҳс бораётган экан... «Бунга ўлсам ҳам кўнмайман!— дерди Грушницкий:— у мени ҳамманинг олдида ҳақорат қилди, бундай бўлмаганда, майли эди...» «Сенинг нима ишинг бор?— деб жавоб берди капитан:— ҳамма нарсани ўзим тўғрилайман. Мен бешта дуэляда секундант бўлганман, йўлини билман, ҳаммасини ўйлаб қўйганман. Фақат менга халал бермасанг бас. Уни бир қўрқитиб қўйиш ҳеч зарар қилмайди. Зарурат бўлмагандан кейин ўз жонингни таҳликага солиб ўтиришининг нима кераги бор?...»— Шу замон мен кириб бордим. Улар бирдан жим бўлишди. Музокарамиз жуда узоққа чўзилиб кетди; охири шундай қарорга келишдик: бу ердан беш чақиримча нарида жуда хилват бир дара бор, улар эртага эрта-лаб соат тўртда ўша ерга бориб туришади, улардан ярим соат кейин биз жўнайдиган бўлдик; олти қадам масофадан туриб отишасизлар,—буни Грушницкийнинг ўзи талаб қилди. Ўлдирилган одамни черкаслар ўлдириб кетди дейилади. Энди менда бир шубҳа туғилиб қолди: улар, яъни унинг секундантлари, ўзларининг олдинги режаларидан қайтиб қолганга ўхшайдилар, фақат Грушницкийнинг тўппончасини ўқламоқчи бўлишса керак. Бу бироз қатлга ўхшайдию, аммо уруш

вақтида ва айниқса Осиё урушида ҳийла-найрангларга йўл қўйилади; аммо, назаримда, Грушницкий ўз ўртоқларига нисбатан анча виждонлироқ кўринади. Сиз нима дейсиз? Уларнинг ҳийласини билганимизни билдиришимиз керакми, ё йўқми?

— Зинҳор, доктор! Хотирингиз жам' бўлсин, мен уларнинг тузоғига илинадиган одам эмасман.

— Нима қилмоқчисиз?

— Бу менинг сирим.

— Эҳтиёт бўлинг, яна илиниб қолманг... Ахир, олти қадамдан отишасиз-а!

— Доктор, мен сизни эртага эрталаб соат тўртда кутаман; отлар эгарлоғлик туради... Хайр, энди.

Уйимнинг ичидан беркитиб, кечгача ҳеч қаерга чиқмай ўтирдим. Малай мени княгиняникига таклиф этгани келган эди, касал экан дегин деб юбордим.

.....
Кечаси соат икки, уйқу йўқ... Ҳолбуки, эртага қўл титрамаслиги учун албатта пича ухлаб олиш керак эди. Ундай деса, олти қадам наридан отган ўқнинг бекор кетиши қийин. Ҳа, жаноби Грушницкий, ҳийла-найрангингиз фойда бермайди... биз ролимизни алишдик: энди мен сизнинг қонсиз юзингиздан қўрқув аломатларини ахтаражакман. Нега ўзингиз маш'ум олти қадамни тайин этдингиз? Сиз, пешонасини бекорга тутиб беради деб ўйларсиз... йўқ, биз чек ташлаймиз!.. Ана шунда... ана шунда... бордию, унинг бахти устуи келсачи? Бордию, менинг юлдузим бу сафар мендан юз ўгирсачи?.. Юз ўгирса ҳам ажаб эмас: шу маҳалгача менинг орзуларимни бажариб келди.

Нима қилибди, ўлсам ўлиб кетарман! Дун'ё учун бу айтарлик жудолик эмас; яшаш ўзимнинг ҳам ўлардай жонимга тегди. Мен базмда зерикиб, эснаб ўтирган ва уйга кетиб ухлай деса — ҳали каретаси етиб келмаган одамга ўхшайман... Лекин, карета тай-ёр... яхши қолинглар!..

Бутун ўтмишимни хаёлимдан кечирарканман, беихтиёр равишда ўзимдан: нима учун яшадим? Бу дун'ёга нима мақсад блан келдим?.. деб сўрайман. Аммо, сирасини айтганда, шундай мақсад бўлган, менга юксак

вазифалар юкланган, чунки қалбимда бениҳоя зўр куч мавжуд эканини сезаман... Аммо мен у вазифани пайқаб ололмадим, бекорчи, арзимаган ва пуч эҳтиросларга алдандим; бу эҳтирослар қозонида қайнаб нўлатдай қаттиқ ва совуқ бўлиб чиқдим, тобланиб чиқдим, броқ, ҳаётнинг энг яхши гули бўлмиш олийжаноб ва юксак интилиш ўтини йўқотдим. Шундан бери мен неча марталаб тақдир қўлида болта ролини ўйнаб келаман! Маҳкум қурбонлар бошига қатл қуроли бўлиб тушаман, тушганимда ҳам кўпинча беғазаб, аммо ҳамиша бешафқат қурол бўлиб тушаман... Менинг муҳаббатим ҳечкимни бахтли қилмади, чунки севган кишиларим учун ҳечнарсамни қурбон этмадим, уларни мен фақат ўзим учун, ўз роҳатим учун севардим; мен фақат севган кишиларимнинг ҳисларини, уларнинг латофатини, шодлик ва ҳасратларини ўзимга сингдириб, қалбимнинг ғалати эҳтиёжларини қондирар эдим, аммо ҳеч тўймас эдим. Улардай очқаб, мадори кетиб ухлаб қолган одам ҳам худди шундай бўлади: тушида хилма-хил ноз-не'матларни, кўпириб турган виноларни кўради; хаёлида минг хил ширин-ширин таомларни очкўзлик блан ейди, шундан кейин ўзини анча енгил тортгандай ҳис қилади; аммо уйғониши блан гул хаёли пучга чиқади... Қорни баттар очиб умидсизлиги яна ошади!

Ким билади, балки эртага ўлиб кетарман!.. Бутун ер юзида менинг кимлигимни охиригача тушунган, билган бирон киши қолмайди. Ба'зилар мени яхши дейди, ба'зилар ёмон дейди... Ба'зилар: яхши йигит эди деса, бошқалар аблаҳ одам эди дейди. Аммо униси ҳам, буниси ҳам тўғри бўлмайди. Шундай экан, яшашнинг нима ҳожати бор? Лекин қизиқиш, ҳавас орқасида яшайсан, янги нарса кутасан... Ҳам кулгинг, ҳам йиғлагинг келади!

Бир ярим ойдан бери N. деган қал'ада тураман; Максимум Максимич овга кетди... Ўзим ёлғиз қолдим, деразанинг олдида ўтирибман; тоғларнинг этагигача қора булутлар қамраб олган; туман ортидан кўринган офтоб худди сапсариқ доғ сингари кўринади. Кун совуқ; чийилдаб эсган шамол дераза дарпардаларини тарақ-

латади. Жуда зеркиб кетдим!.. Орада қизиқ воқиалар бўлиб ўтгани сабабли тўхталиб қолган журналимни давом эттирмаман.

Сўнгги саҳифани ўқиб чиқдим: қизиқ! Улишни ўйлабман, аммо мумкин эмас, чунки мен азоб-уқубат касасини ҳали ичиб тугатганим йўқ, энди яна узоқ вақт яшайжагимни сезаман.

Бошимдан ўтган нарса хаёлимда жуда чуқур жойлашиб қолган. Замон битта чизигини ҳам, битта бўёгини ҳам ўчирмабди!

Эсимда, эртага дуэль бўладиган куни кечаси мижжа қоқмай чиқдим, узоқ ўтириб ёзолмадим ҳам, қандайдир сирли бир хавотирлик вужудимни қамраб олганди. Бир соатча уй ичида айланиб юрдим; сўнгра стол ёнига ўтирдим-да, Вальтер Скоттнинг⁷² стол устида ётган «Шотландия пуританлари» деган романини очдим; олдинга ўзимни зўрлаб ўқиб ўтирдим, кейин-кейин романнинг ажойиб сюжетига қизиқиб ҳамма нарсани унутибман...

Ниҳоят, тонг ёришди. Асабларим тинчиди. Ойпага қарадим: кечаси блан ухламаганим учун чеҳрам анча сўлғин эди; атрофи кўкариб турган бўлса-да, аммо кўзларимда ғурур ва қат'ийлик чақнарди. Ўзимдан мамнун бўлдим.

Отларни эгарлаб қўйишни буюрдим-да, кийиниб чўмилгани кетдим. Муздек нарзанга тушарканман, жисмоний ва руҳий кучим яна ўзимга қайтабошлаганини сездим. Ваннадан худди балга отланган одамдай анча енгил тортиб, бардам бўлиб чиқдим. Ана шундан кейин руҳнинг танга алоқаси йўқ деб кўрингчи!..

Қайтиб келсам — доктор келиб ўтирган экан. Эгнида кулранг шим, орқалик, бошида эса черкасча папоқ. Докторнинг каттакон бароқ папоғи остида қолиб кетган пакпакана бўйини кўриб, беҳосдан кулиб юбордим: афтидан, уни ҳечким жангга кетаётган одам деб ўйламасди, ҳозир эса юзи одатдагига қараганда янада чўзиқроқ бўлиб кўринарди.

— Нега бунча хафа кўринасиз, доктор?— дедим мен.— Юзлаб одамни у дунёга узатганингизда бунчалик хафа бўлмай узатгандирсиз? Мени сариқ касалига

мубтало бўлган одам деб фараз қилинг, қўйинг; тузалиб кетишим ҳам мумкин, ўлиб кетишим ҳам; унис ҳам, буниси ҳам табиий бир ҳол; мени касали ҳали даниқланмаган бир хаста одам деб билаверинг,— шундай қилсангиз, рағбатингиз беҳад ошади; ҳозир сиз менинг устимда бирнеча физиологик⁷³ тажриба қилиб кўришингиз ҳам мумкин... Мажбурий ўлимни кутишининг ўзи ҳам бир хасталик эмасми?

Бу фикр докторни ниҳоятда ажаблантирди, шундан кейин кайфи ҳам очилиб кетди.

Отга миндик: Вернер жиловни икки қўллаб ушлаб олди, йўлга тушдик,— бирпасда қал'а ёнидан, слободадан ўтдик-да, дарага тушиб кетдик, дара ичидан ўт босиб ётган торгина йўл бўлиб, уни ҳар қадамда тоғдан оқиб тушучи сой кесиб ўтарди, бу сойларни отда кечиб ўтишга тўғри келарди, бу эса докторни кўп хуноб қиларди, чунки ҳар сафар сувга тушганда оти сойнинг ўртасига бориб тўхтаб қоларди.

Умримда бунақанги мовий ва салқин тонгни кўрган эмасман! Ямяшил тоғлар орасидан энди кўтарилиб келаётган қуёш шу'лалари илк иссиғининг салқин туннинг сўниб боручи шабадаси блан қўшилиши бутун а'зойи-баданга ором бағишларди; янги туғилган куннинг ҳаётбахш ёғдуси ҳали даранинг ичига тушганича йўқ, у фақат, икки томонимиздан осилиб турган қоя тепаларинигина зарга чўмилтирарди; чуқур-чуқур жарликларда ўсиб ётган қалин баргли буталар шамолнинг секин-секин нафас олиши бланоқ устимизга кумуш томчилар ёғдирарди. Табиатни шу сафар ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ севганим ҳали-ҳали эсимда. Токларнинг япалоқ барглари қалтираб, товланиб, миллион-миллион ёғдуларни ўзида акслантириб турган шудринг томчисига суқланиб-суқланиб қарадим; туман босган олисликларга қараб тўймасдим! Бу ерга етгач, йўл янада тораяр, қоялар янада кўкимтироқ ва даҳшатлироқ бўлиб кўринарди, назаримда, улар бориб-бориб қалин деворга айланиб кетаётгандай бўларди. Биз индамай борардик.

— Васият ёзиб қолдирдингизми?— бирдан сўраб қолди Вернер.

— Йўқ.

— Башарти, ўлдирилсангизчи?..

— Меросхўрларнинг ўзи топилади.

— Наҳотки, алвидо' дейишингизни кутган бирон дўстингиз бўлмаса?..

Мен бош чайқадим.

— Наҳотки бутун оламда бирор хотира қолдиришингизга умид боғлаган биронта хотин бўлмаса?

— Мен сизга дилимдагини очиб гапириб берайми, доктор, истайсизми?— деб жавоб бердим.— Мен сизга айтсам, ўз севгилисизнинг номини тилга олиб туриб ё бўлмаса атир сепилган ё атир сепилмаган бир сиқим сочини дўстига васият қолдириб жон беручи одамлар ёшидан ўтиб қолганман. Ажалим етгани ва ўлиб кетишим мумкинлиги тўғрисида ўйларканман, фақат ўзимни ўйлайман: бошқалар шуни ҳам қилишмайди. Эртагаёқ мени унутиб юборадиган ва ундан ҳам ёмонроғи— менинг устимга мингта бўлар-бўлмас бўҳтон тўқучи дўстларни, ўзга эркак қучоғида ётиб, ўлиб кетган одамга нисбатан унда рашк уйғотмаслик учун мени масхара қилиб кулучи хотинларни айтасизми?— Худо олсин уларни! Ҳаёт бўронида мен фақат бирпеча идеягина олиб чиқдим, аммо биронта ҳис топмадим. Қалбим блан эмас, балки ақлим блан яшайбошлаганимга анча бўлди. Мен ўз қилмиш ва эҳтиросларимни қизиқиш блан таҳлил этаману, аммо аслда улар блан ўзим қизиқмайман. Менда икки шахс бор, бири яшайди, туради, иккинчиси эса ўйлайди, биринчисини таҳлил қилади; биринчиси балки бирон соатдан кейин сиз блан ҳам, олам блан ҳам абадий видо'лашиб кетар, иккинчиси эса... иккинчиси... бир қаранг, доктор: ҳов анови ўнг томондаги қоя тепасида уч кишининг қорасини кўраяпсизми? Улар бизнинг рақибларимиз бўлса керак?..

От қўйдик.

Қоя этагидаги чакалакзор ичига учта от боғлаб қўйилганди, биз ҳам отимизни шу ерга олиб кириб боғладик-да, сўқмоқ йўлдан юриб майдончага чиқдик, у ерда бизни Грушницкий, драгун капитани ва Иван Игнатъевич деган яна бир секундонт кутиб туришган

экан; иккинчи секундантнинг фамилиясини ҳеч эшитмаганман.

— Сизларни анчадан бери кутиб турибмиз,— деди драгун капитани, кинояли бир кулги блан.

Мен соатимни олиб кўрсатдим.

Капитан, соатининг олдин кетганини айтиб узр сўради.

Ўртага чўккан оғир сукунат бирнеча минут давом этди; ниҳоят доктор Грушницкийга мурожаат қилиб, сукунатни бузди;

— Жаноблар, менимча, иккинги ҳам урушишга тайёр эканлигини кўрсатиб, ўз номус бурчингизни адо этдингиз, энди ўзаро муроасага келишсангиз ҳам бўлар дейман?— деди.

— Мен тайёрман,— дедим.

Капитан Грушницкийга имо қилиб қўйди, Грушницкий эса мени кўрқди деб ўйлаган бўлса керак: гарчанд шу онгача юзида қон асари бўлмаса ҳамки, гердаийб туриб олди. Биз етиб келганимиздан бери биринчи марта бошини кўтариб юзимга қаради; аммо юзида акс этиб турган хавотирлик қалбида зўр руҳий кураш бораётганидан дарак берар эди.

— Шартингизни айтинг,— деди у,— амин бўлингки, қўлимдан келган ҳамма нарсани...

— Менинг шартим шу, қилган туҳматларингизни шу бугуноқ одамлар олдида қайтиб оласиз ва мендан афв сўрайсиз...

— Марҳаматли жаноб, бундай нарсаларни менга таклиф этишга қандай жур'ат этганингизга ҳайронман...

— Бундан бўлак қандай таклиф этаолардим?..

— Отишамиз.

Мен кифтимни қисиб қўяқолдим.

— Майли; аммо, шуни билингки, иккимиздан биримиз албатта ўлишимиз керак.

— Мен сизнинг ўлишингизни истардим...

— Мен эсам сизнинг ўлишингизга аминман...

Грушницкий хижолат тортиб, қизариб кетди, кейин зўраки равишда хахолаб кулди.

Капитан уни қўлтиқлаб, бир четга олиб чиқди; улар алчагача бир-бирлари блан шивирлашиб туришди. Мен

бу ерга ярашиб кетармиз деган хаёл блан келган эдим, аммо бу гаплардан кейин ғазабим қайнайбошлади.

Енимга доктор келди.

— Менга қаранг,— деди у; унинг чуқур хавотирга тушгани равшан эди.— Уларнинг сизга қарши тузган фитнасини унутганингиз йўқми?.. Мен тўппонча ўқлашни билмайман. Бу аҳволда... Жуда қизиқ одам экансиз! Ниятларингни биламан деб ўзларига айтиш, қани шундан кейин ҳам қилиб кўришсинчи!.. Нима зарур сизга! Бир қушни отиб ўлдиргандай ўлдириб кетишаверадида...

— Утинаман сиздан, доктор, хавотир олманг, бироз шошмай туринг... Ишни шундай боплайки, улар томонида ҳечқандай манфаат бўлмайди. Қўйинг, тўйгунича шивирлашиб олсин...

— Жаноблар! Қачонгача кутамиз, ахир!— дедим мен, овозимни баланд кўтариб:— отишсак — тезроқ отишайлик; гапларинг бўлса кеча ҳам талай вақтларингиз бор эди...

— Биз тайёرمىз,— деб жавоб берди капитан.— Қани, жойингизга турингиз, жаноблар!.. Доктор, марҳамат қилиб, олти қадам ўлчанг...

— Жойингизга турингиз!— деб такрор этди Иван Игнатъевич, ингичка овоз блан.

— Шошмай туринг,— дедим мен:— менинг яна бир шартим бор: модомики, биз бир-биримизни отиб ўлдирмоқ учун отишар эканмиз, буни мумкин қадар ҳечким билмаслик чорасини кўришимиз ва секундантларимиз устига бунинг ҳечқандай мас'улияти тушмаслик йўлини топишимиз керак. Розимисизлар?..

— Тамомила розимиз.

— Мен бунинг чорасини топиб қўйдим. Ҳов, ўнг томонда осилиб турган қоянинг тепасидаги торгина майдончани кўраяпсизми? Уша ердан пастгача кам деганда ўттиз саржинча келади, балки ундан ҳам кўпроқдир. Пастда ҳамаёқни қиррали ва учли тошлар босиб ётипти. Ҳар биримиз ўша майдончанинг энг четига бориб турамиз; шундай қилсак, ҳатто энг кичик яра ҳам одамни ўлдирмай қўймайди: бу сизларнинг хоҳишларингга мос келса керак, чунки олти қадам жойдан туриб

отишишни ўзларингиз айтдингиз. Ким ярадор бўлса муқаррар пастга қулаб, тилка-тилка бўлиб кетади; ярадаги ўқни доктор чиқариб олади, ана шундай қил- сак, бевақт ўлиб кетган кишини ноҳўя сакрайман деб ўлди деган баҳона топишга осон бўлади. Кимнинг олдин отишини аниқлаш учун чек ташлаймиз. Энг охи- рида шуни айтиб қўяйки, шу шартим қабул қилинса — отишаман, бўлмаса — йўқ.

— Бўпти,— деди капитан ва Грушницкийга ма'ноли қараган эди, Грушницкий ҳам майли деб бош тебратди. Грушницкийнинг чеҳраси минут сайин ўзгариб турарди, мен уни жуда мушкул аҳволга солиб қўйгандим. Оддий ваз'иятда отишсак, ё оёғимни мўлжаллаб отиши ё бўл- маса енгил ярадор қилиб ўчини олган бўларди ва виж- дони ҳам қийналмас эди; аммо ҳозир эса ё ўқни осмон- га узиши, ё қотил бўлиши, ё бўлмаса ўзининг жирканч ниятидан қайтиб, мен блан барабар ўзи ҳам таҳлика остида қолиши керак эди. Шу онда мен унинг ўрнида бўлишни истамасдим. У капитанни бир четга олиб чиқ- ди-да, ҳаяжон блан унга бир нималар деябошлади; кўмкўк кўкариб кетган лабларининг дир-дир титраши яққол кўриниб турарди; броқ капитан ундан нафратла- ниб, истеҳзо блан кулди-да, юзини ўгирди.— «Аҳмоқ экансан!— деди у Грушницкийга, овозини баланд кўта- риб,— бефаҳм одам экансан! Қани, кетдик, жаноблар!»

Буталар орасидан кетган торгина сўқмоқ йўл тепа- ликка олиб чиқарди; бу табиий зинанинг қимирлаб турган поғоналари харсангтошлардан иборат эди. Ҳам- мадан олдинда Грушницкий, унинг кетидан секундант- лари, уларнинг кетидан доктор иккаламиз борардик.

— Сизга қараб жуда ҳайрон бўламан,— деди док- тор, қўлимни қаттиқ сиқиб.— Қани, томирингизни бир кўрай!.. Эҳ-ҳе! Жуда қаттиқ ураяпти-ку... Аммо чеҳ- рангиздан сра билинмайди... Фақат кўзларингиз одат- дан ташқари порлайди, холос.

Бирдан оёғимиз тагига шалдираб майда тошлар тўкилди. Нима бўлдийкин? Грушницкий қоқилиб кетип- ти; ушлаган навдаси синиб кетибди, агар секундантла- ри ушлаб қолмаганда, жарга чалқанча ағдарилиб туш- ган бўларкан.

— Эҳтиёт бўлинг!— деб қичқирдим унга:— барвақт йиқилманг; бунинг хосияти ёмон. Юлий Цезарьни⁷⁴ эсланг!

Ниҳоят, пастга осилиб турган қоянинг чўққисига чиқдик, гўё дуэльга атаб тайёрлаб қўйилгандай, майдончанинг усти қумлоқ эди. Теварак-атрофдаги зарҳал туманда беркиниб турган тоғ чўққилари худди сон-саноксиз подага ўхшарди, жануб томондан кўринган Эльборус музли тоғлар орасида ҳайбатли оёпоқ қаддини тик кўтариб турарди, бу тоғлар орасида эса кунчиқар томондан қувлашиб келган пахмоқ булутлар сузиб юрарди. Майдончанинг лабига бориб, пастга қараган эдим, бошим айланиб кетишига сал қолди: пастлик худди гўрдай қоронғи ва совуқ эди; у ерда момақалдироқлар ва асрлар қулатган, кўмкўк кўкариб кетган қиррали харсангтошлар ўз ўлжасини кутиб ётарди.

Биз отишадиган майдонча уч бурчакли туморга ўхшарди. Четга туртиб чиқиб турган бурчакдан олти қадам ўлчадик-да, рақибнинг ўқини қарши олучи киши шу бурчак четига бориб, жарликка орқа ўгириб туради ва агар ўлдирилмаса жойларини алмаштирадилар деган қарорга келдик.

Мен Грушницкийга ҳамма имтиёзни бермоқчи бўлдим; уни синаб кўрмоқчи эдим, қалбида биронта олийжаноблик учқуни пайдо бўлса, можарамиз тинчлик блан тугаб, бости-бости бўлиб кетар, деб ўйлардим; аммо киши миждозининг иззати нафси ва ожизлиги тантана қилиши керак эди... Агар тақдир мени омон сақлаб қолса, унга нисбатан заррача раҳм-шафқат қилмаслик учун ўзимга тўла ҳуқуқ бермоқ истардим. Ким ўз виждони блан шундай муросасозлик қилмаган?..

— Доктор, чек ташланг!— деди капитан.

Доктор чўнтагидан танга олиб, баланд кўтарди.

Грушницкий, худди дўстона туртишдан уйғониб кетган одамдай шошиб:

— Решётка!— деб қичқирди.

— Орёл!— дедим мен.

Танга осмонга пириллаб учиб чиқди-да, ерга жараглаб тушди; ҳамма танга тушган жойга югурди.

— Бахтли экансиз,— дедим Грушницкийга,— олдин

сиз отасиз! Аммо, эсингизда бўлсин: мени отиб ўлдирмасангиз, менинг ўқим хато кетмайди, виждонан айтаман.

Грушницкий қизариб кетди, қуролсиз одамни ўлдир-ишга уялар эди: мен унга тикилиб турардим; бир нафасгина мен, ҳозир оёғимга йиқилади, афв сўрайди деб ўйладим ҳам, аммо, бундай қабиҳ ният қилганига қандай иқрор бўлаоларди?.. Унинг осмонга қара-тиб отишдан бошқа иложи қолмагани; унинг албатта осмонга отишига қаттиқ ишонган эдим! Фақат бирги-на мулоҳаза, яъни дуэлини такрорлаш керак деган талаб қўйишим мумкинлиги унинг осмонга отишига халал бериши мумкин эди.

— Бўлди энди!— деб шивирлади доктор, сизимдан тортиб, уларнинг ниятидан хабардор эканимизни ҳозир ўзларига айтмасангиз иш пачава бўлади. Қаранг, тўп-пончани ўқлайбошлади... Сиз айтмасангиз, ўзим айтаман....

— Зинҳор айтманг, доктор!— дедим мен, унинг қўлини ушлаб.— Ҳамма ишни бузасиз;— халал бермас-ликка сўз бергансиз... Сизнинг нима ишингиз бор? Балки, ўлишни истарман?..

Доктор ҳайрон бўлиб юзимга қаради-да:

— О, бу бошқа гап! Аммо, у дунёда мендан хафа бўлиб юрманг...

Шу орада капитан тўппончаларни ўқлаб бўлиб, бит-тасини Грушницкийга бераркан, қулоғига бир нималар деб илжайиб шивирлади, иккинчисини менга берди.

Мен майдончанинг четига бориб, чап оёғимни тошга тираб, енгил яралансам орқамга йиқилмай, деб, гав-дамни сал олдинга ташлаб турдим.

Грушницкий рўпарамга келиб турди, ишора берили-ши блан тўппончасини кўтарабошлади. Унинг тиззалари дағ-дағ титрарди. Тўғри пешонамни мўлжалга олди...

Қалбимда сра тушуниб бўлмайдиган газаб ва наф-рат ўти қайнаб кетди.

У бирдан тўппончани тушириб юборди-да, юзи докадай оқариб секундантига қаради.

— Отолмайман,— деди, бўғиқ товуш блан.

— Қўрқоқ экансан!— деб жавоб берди капитан.

Уқ узилди. Уқ тиззамни тимдалаб ўтиб кетди. Майдонча четидан узоқлашиш учун бирнеча қадам олдинга ташландим.

— Э биродар Грушницкий, ўқинг хато кетди!— деди капитан.— Энди сенинг навбатинг, тур жойингга! Кел, олдин қучоқлашиб олайлик; бу сўнги кўришимиз!— Улар қучоқлашди; капитан ўзини зўрға кулгидан тийиб турарди.— Қўрқма,— деб илова қилди у, Грушницкийга муғомбирона назар ташлаб,— бу дун'ёдаги нарса-лар уч пулга қиммат. Табиат — тентак бир нарса, тақдир — пуч нарса, ҳаёт эса бир тийин!

Капитан, бу фожиали гапларни салобат блан айтиб бўлгач, ўз жойига бориб турди; Иван Игнатьевич ҳам йиғлай-йиғлай Грушницкий блан қучоқлашиб хайрлашди, ниҳоят, Грушницкий рўпарамда ёлғиз ўзи қолди. Уша онда қалбимда қандай ҳислар қайнаганини ҳали ҳам аниқлашга уринаман: у ҳислар таҳқирланиш алами, нафрат ва ғазаб ҳисси бўлиб — буни ҳозир менинг бетимга гердайиб хотиржамлик блан қараб турган киши бундан икки минутча бурун мени итдай отиб ўлдирмоқчи эди деган фикр туғдирарди, чунки оёғимдан қаттиқроқ яралансам, муқаррар қоядан пастга қулаб тушган бўлардим.

Унинг юзида пушаймонлик аломати топилмасмикан деб бирнеча минут тикилиб турдим. Аммо, назаримда, у кулумсираб тургандай туюлди.

— Улимингиздан олдин бир ибодат қилиб олишингизни маслаҳат бераман,— дедим мен шунда.

— Менинг руҳим ҳақида ғам ейишдан кўра, ўз руҳингизнинг ғамини есангизчи. Илтимос қиламан, отинг тезроқ.

— Ҳали ҳам туҳматингизни қайтиб олмайсизми? Мендан афв сўрамайсизми?.. Яхшилаб ўйлаб кўринг: виждонингиз сизга ҳечнима демаяптими?

— Жаноби Печорин!— деб бақириб юборди драгун капитани,— сиз бу ерга бировнинг тавбасини эшитгани келганингиз йўқ-ку... тезроқ тугатайлик энди; дарадан битта-яримта ўтиб қолгундай бўлса, кўриб қолади.

— Яхши. Доктор, буёққа қаранг.

Доктор ёнимга келди. Бечора доктор! Бундан ўн

минутча олдин Грушницкийнинг ранги қандай оқариб кетган бўлса, докторнинг ранги ҳозир уникадан беш-баттар оқариб кетганди.

Бундан кейинги гапларимни худди қатъ этиш тўғрисида чиқарилган ҳукми ўқигандай, дона-дона қилиб баланд товуш билан дедим:

— Доктор, бу жаноблар шошилиш орқасида тўппончамни ўқлашни унутган бўлсалар керак: илтимос қиламан: қайтадан яхшилаб ўқлаб беринг!

— Ундай бўлиши мумкин эмас!— деб бақириб юборди капитан:— Ундай бўлиши мумкин эмас! Мен иккала тўппончани ҳам ўқлаганман, балки сизникининг ўқи тушиб қолгандир... Бу менинг айбим эмас! Қайтадан ўқлашга эса ҳақингиз йўқ... мутлақо ҳақингиз йўқ... бу қоидага хилоф; мен бунга йўл қўймайман...

— Ма'қул!— дедим мен капитанга:— бундай бўлса, худди шу шарт билан сиз билан ҳам отишаман...

Капитан иккиланиб қолди.

Грушницкий хижолат тортиб, қовоқларини солган ҳолда бошини эгиб турарди.

Капитан докторнинг қўлидан тўппончамни тортиб олмоқчи бўлган эди, Грушницкий унга қараб:

— Қўй, тегма!— деди.— Уларнинг ҳақли эканликларини ўзинг яхши биласан-ку.

Капитан унга шунча имо-ишора қилса ҳам бўлмади, Грушницкий унга қарамас эди.

Шу орада доктор тўппончани ўқлаб берди.

Буни кўрган капитан туфлаб, ер тепинди: «Роса аҳмоқ экансан, оғайни, — деди: — ўтакетган аҳмоқ экансан!.. Менга ишониб қўйганингдан кейин, индамай туравермайсанми!.. Энди баттар бўл! Менга деса ҳаром ўл!..» Кейин орқасига ўгирилиб, «қонунга хилоф» деб пўнғирлаб қўйди.

— Грушницкий!— дедим мен:— ҳали фурсат бор; туҳматингдан қайт, ҳамма гувоҳингни кечаман. Мени аҳмоқ қилолмадинг, менинг иззати-нафсим ҳам қонди; биласан, бир вақтлар дўст эдик...

Грушницкий қипқизарди, кўзлари чақнаб кетди.

— Отинг!— деб жавоб берди у:— мен ўзимдан

нафратланаман, сизни эса кўришга кўзим йўқ. Ҳозир мени отиб ўлдирмасангиз, бир кунмас-бир кун орқангиздан келиб сўйиб кетаман. Бу дунёда иккаламиз учун ўрин йўқ...

Мен отдим...

Тутун тарқалиб кетганда, Грушницкий майдончада йўқ эди. Фақат жар ёқасидан энгилгина чанг кўтариларди, холос.

Ҳамма бирдан қичқириб юборди.

— *Finita la comedia*⁷⁵— дедим мен, докторга қараб.

Доктор индамай, даҳшат ичида тескари қаради.

Мен кифт қоқдим-да, Грушницкийнинг секундантларига та'зим қилиб, хайрлашдим.

Сўқмоқ йўлдан пастга тушиб кетатуриб, тошлар орасида қонга беланиб ётган Грушницкийнинг жасадини кўрдим, унга қаролмай, кўзимни юмиб ўтиб кетдим...

Отимни ечиб, аста уйга қайтдим. Қалбимни оғир бир тош босиб тургандай эди. Қуёш ҳам кўзимга хира кўринар, шу лалари ҳам мени иситмас эди.

Слободкага етмасдан отимни ўнг томонга буриб, даранинг ичига кириб кетдим. Кўзимга одам боласи кўринмаса дердим: танҳо қолишни истардим. Отнинг жиловини қўйиб юбордим, бошимни қуйи солиб анча вақтгача кезиб юрдим, бир маҳал қарасам, мутлақо танимаган жойларга бориб қолибман; отнинг бошини буриб, йўл қидириб кетдим; ўлгидай чарчаб, отни ҳам чарчатиб, Кисловодскка кириб келганимда кун ботиб кетган эди.

Малайим, Вернер келиб кетди деди-да, қўлимга иккита хат берди: бири докторнинг хати, иккинчиси... Верадан эди.

Олдин биринчисини очиб ўқидим; хат қуйидаги мазмунда эди:

«Ҳамма иш саранжом қилинди: дабдаласи чиқиб кетган жасад келтирилди, кўкрагидан ўқ ҳам чиқариб олинди. Унинг бахтсиз ҳодиса қурбони эканига ҳамма ишонди; фақат комендант, — икки ўртангиздаги можарадан хабари бўлса керак, — бошини чайқаб қўйди, ammo ҳечнарсa демади. Сизга қарши биронта исбот-

далолат йўқ, бемалол ётиб ухлайверасиз... агар ухлай, олсангиз... Хайр...»

Иккинчи хатни анчагача очишга жур'ат этолмай турдим... Вера менга нималарни ёзиши мумкин? Юрагимни аллақандай оғир бир ҳис эзабошлади.

Мана, ҳарбир сўзи абадий эсимда қолган хат бу мазмунда эди:

«Ушбу хатни ортиқ сра кўришмаслигимизга қат'ий ишонганим ҳолда ёзмоқдаман, бундан бирнеча йил илгари сен блан айрилиш вақтида ҳам худди шундай деб ўйлаган эдим; броқ тангри мени яна бир карра синаб кўрмоқчи бўлди; мен бу синовга бардош беролмадим, менинг ожиз қалбим таниш овозга яна қул бўлди... бунинг учун сен мендан нафратланмайсан-а, тўғрими? Ушбу хатим ҳам менинг сен блан видо'лашув ва тавба-тазарруйим бўлади: қалбим сенга муҳаббат қўйгандан бери унда тўлиб қолган ҳамма дардларни сенга изҳор этишга мажбурман. Мен сени ҳечбир айбламайман: сен қилган муомалангни ҳарбир эркак ҳам қиларди: сен мени ўзингнинг хусусий мулкинг қаторида, бири кетидан бири келиб туручи шодлик, ташвиш ва ғам-ғуссаларнинг манбаи қаторида яхши кўрардинг,— ахир, булар бўлмаса ҳаёт ҳам бўлмайди, кишини зериктириб юборади. Мен буни бошда билган, сезган эдим... Аммо сен бахтсиз эдинг, шунинг учун ахир бир кун фидокорлигимни биларсан, қадрига етарсан ва ҳечқандай шароитга боғли бўлмай сенга қилган самимий дилдорлигимни англарсан деб, ўзимни сенга фидо этган эдим. Ушандан бери кўп вақтлар ўтди: мен сенинг кўнгил сирларингга ошно бўлдим... Қарасам, беҳуда умид болаган эканман. Менга жуда алам қилди! Броқ, сенга бўлган муҳаббатим жоним блан бирлашиб кетган эди, севгим қорайдию, аммо сўнмади!

Энди абадий кўришмаймиз; аммо амин бўлки, сендан бошқа ҳеч кимсани севмаяжакман, қалбим ўзининг бутун хазинасини, ҳамма кўз ёши ва умидларини сенга сарф қилиб битирди. Сенга бир марта кўнгил қўйган хотин бошқа эркакларга нафратсиз қарайолмайди, сенинг уларга нисбатан яхшироқ бўлганлигинг учун эмас, йўқ! Аммо сенинг мижозингда фақат сенинг

Ўзинггагина хос, ўзинггагина ярашган, сирли ва маф-
рур бир хосият бор; қандай сўз гапирма, овозингда
енгиб бўлмайдиган бир куч бор; ҳеч кимса сендек
доим севилишни орзу қилолмайди; ҳеч кимсанинг
ғазаби сеникидек жозибали бўлолмайди; ҳеч кимса-
нинг кўзлари сеникидек ором ва лаззат беролмайди;
ўз имтиёзларидан сендек яхши фойдаланучи киши
топилмайди; ҳақиқатан ҳам сен каби бахтсиз одам йўқ
дун'ёда, чунки ҳеч кимса ўзини сенчалик бахтли қилиб
кўрсатаолмайди.

Энди сенга, нима учун тўсатдан жўнаб кетишим-
нинг сабабини айтай; бу сабаб сенга аҳамиятсиз кўри-
нар, чунки бунинг ёлғиз менгагина дахли бор, холос.

Бугун эрталаб эрим менинг олдимга кирди-да,
Грушницкий блан сенинг ўртангда бўлган жанжалини
гапириб берди. Юзим жуда ўзгариб, бирхил бўлиб
кетган бўлсам керак, эрим анчагача кўзларимга тики-
либ қолди; шу бугун дуэль қилишингни ва ўлиб кети-
шинг мумкинлигини ва бунинг айбодори мен эканлигим-
ни ўйлаган эдим, беҳуш бўлиб йиқилишимга сал қолди;
жинни бўлиб қоламан деб қўрқиб кетдим... Броқ ҳозир
фикрим жойига келиб, ўзимни босиб олганимдан ксйин,
сенинг тирик қолишингга ишондим: сенинг миссиз ўлиб
кетишинг мумкин эмас, асло! Эрим анчагача уй ичида
айланиб юрди: унинг менга нималар деганини бил-
майман, берган жавобларим ҳам эсимда йўқ... Афтидан,
сени севишимни айтган бўлсам керак... Гапнинг пра-
вардида эрим мени ёмон сўз блан ҳақорат қилиб чиқиб
кетганини биламан, холос. Карета қўшишни буюрганини
эшитдим... Мана, уч соатдан бери дераза ёпида қайти-
шингни кутиб ўтирибман... Йўқ, сен саломатсан, сенинг
ўлишинг мумкин эмас!.. Карета тайёр бўлиб қолди...
Яхши қол, алвидо'... Мен ҳалок бўлдим,— аммо бунинг
зарари йўқ! Агар ҳамиша ёдингда сақлай олишингга,—
севишингга демайман,— ёдингда сақлай олишингга
ишонсам эдим... яхши қол, келишаяпти... хатни беки-
тишим керак...

Мерини яхши кўрмаслигинг рост-а? Унга уйланмай-
санми?— Менга қара, сен менга шуни қурбон қилишинг
керак: сени деб мен ҳамма нарсамдан айрилдим...».

Мен худди телба одамдай эшикка югуриб чиқдим-да, ҳовлида хизматкорларим совутиб юрган Черкесимга миниб, Пятигорскка қараб чоптириб кетдим. Тош йўлдан чопиб кетаётган отимнинг ҳорғинлигига қарамай, аямасдан қамчилардим.

Қуёш ғарб томондаги тоғлар тепасида дам олиб ётучи булут орасига беркинабошлаганди; даранинг ичи қоронғилашиб, намлик тушабошлаганди. Тошлар устидан сакраб-сакраб оқучи Подкумок сойи бир оҳангда ҳайқириб оқарди. Мен ҳамон тоқатсизланиб, отимни елдай учириб борардим. Пятигорскдан кетиб қолган бўлсая, деган фикр юрагимга худди ханжардай қадаларди. Бир минутгина, яна бир лаҳзагина кўрсам, хайрлашсам, қўлини сиқсам... мен нола қилардим, ла'натлар ўқирдим, йиғлардим, кулардим... йўға, менинг юрагимда қайнаб тошган ташвишни, умидсизлигимни сра та'рифлаб бўлмайди!.. Миямга умрбод жудо бўлиш фикри келиши блан Вера дун'ёдаги ҳамма нарсадан,— ҳаётимдан ҳам, бахтимдан ҳам қимматроқ кўриниб кетди! Миямга қандай ғалати ва маш'ум хаёллар келганини ўзим биламану, худо билади... Ҳамон отимни шафқатсиз равишда чоптириб борардим. Бир маҳал қарасам, отим ҳарсиллаб қолди, текис йўлдан кетатуриб, бир-икки марта қоқилиб ҳам кетди... Эссенуки деган казаклар станицасигача беш чақиримча қолган эди,— у ердан бошқа от миниб олишим мумкин эди.

Агар отим яна ўн минутча чидаб берса, муродимга етардим. Броқ тоғ орқасидаги кичкина бир жарликдан кўтарилаётиб, тик йўл муйилишида отим бирдан ерга гурс этиб йиқилди. Мен дарҳол сакраб тушдим, увалло жиловидан тортиб турғизаман дейманки, сра турмайди, гириҳ бўлиб қолган тишлари орасидан эшитилар-эшитилмас инграш эшитилди; бирнеча минутдан кейин жон берди; энг сўнгги умидимдан ҳам маҳрум бўлиб, дашти-биёбонда ёлғиз ўзим қолдим; пиёда юриб кўрган эдим, оёқларим майишиб кетди; бутун кун бўйи тортган ташвишларим ва уйқусизлик натижасида нам майса устига йиқилдим-да, худди ёш бола каби ўкраб йиғлаб юбордим.

Анча вақтгача қимирламай ҳўнг-ҳўнг йиғлаб ётдим;

кўз ёшларимни ва аламларимни ўз ихтиёрига қўйиб бердим; юрак бағрим эзилиб кетди, бутун иродам, совуққонлигим бир зумда тутундай тарқалиб кетди; руҳим тушиб, эс-ҳушим сўнди. Агар шу пайтда мени биров кўриб қолса, мендан нафратланиб юзини тескари ўгириб кетарди.

Тун шабнами, тоғ шамоли ўртаниб турган бошимни совутиб, эс-ҳушим ўзимга келгач, қўлдан кетган бахт қуши кетидан қувишнинг фойдасиз ва телбалик эканлигини англадим. Мен яна нимани истайман?— уни кўришними?— Нима учун? Икки орамизда ҳамма нарса битгани равшан эмасми? Биттагина охирги айрилиш бўсаси менинг хотирамни бойитолмайди, балки айрилишимизни қайтага янада оғирлаштириб юборади.

Шундай бўлишига қарамай, мен ҳам йиғлаёларканман деб суюндим! Балки бунга сабаб — асабларимнинг бузилиши, уйқусиз кеча, икки минут тўппонча қаршисида туришим ва қорнимнинг очлигидир.

Қайтангга яхши бўлди! Бу янги азоб, ҳарбий термин блан айтганда, менинг учун бахтли бир диверсия вужудга келганди. Йиғлаш соғлиқ учун яхши, иннайкейин, от чоптирмаганимда ва ўн беш чақирим йўлни пиёда босмаганимда, балки бу кеча ҳам ухламай чиқармидим.

Кисловодскка саҳар соат бешда қайтиб келдим, ўзимни ўринга таппа ташладим-да, Наполеоннинг Ватерлоодан⁷⁶ кейинги уйқуси блан ухлаб қолдим.

Уйғонсам — қоронғи тушипти. Очиқ дераза олдига келиб, орқалигимнинг тугмаларини ечиб ташладим,— тоғ шамоли чуқур уйқудан кейин ҳам ором топмаган кўкрагимни елпиди. Ўироқдан, қалин арғувон дарахлари орасидан қалъа ва слободка чироқлари бамисоли оқиб боручи дарёдай бўлиб кўринарди. Ҳовлимиз жим-жит, княгинянинг уйи қопқоронғи эди.

Доктор кириб келди: қовоғи солиқи: одатда мен блан қўл бериб кўришарди, бу сафар қўлини ҳам узатмади.

— Қаердан келаяпсиз, доктор?

— Княгиня Лиговскаяникида эдим; қизи бетоб ётибти,— асаб касали. Аммо гап унда эмас, гап бошқа ёқда: бошлиқлар билиб қолганга ўхшайди, гарчи исбот

этадиган ҳечқандай далил бўлмаса-да, ўзингизни эҳти-
ётлаб юринг демоқчиман. Княгиня боя менга сизнинг
ўз қизи туфайли отишганингизни айтди, билар экан.
Бу гапларни ўша чол гапириб берипти, хаҳ... оти нима
эди?.. Ресторацияда Грушницкий блан икки ўртала-
рингда жанжал чиққанини кўрган экан. Мен сизни
огоҳлантириб қўяй деб келдим. Хайр энди. Балки энди
бир умр кўришмасмиз: сизни бошқа ёққа жўнатишса
керак.

У остонада тўхтади. Назаримда, қўлимни сиқиб
хайрлашмоқчи бўлди... агар менда шундай истак бор-
лигини билдирганимда, ўзини бўйнимга ташларди;
броқ мен тошдай қотиб туравердим, у чиқиб кетди.

Одамларни қаранг! Ҳаммаси шунақа: қиладиган
ишларингнинг ҳамма ёмон томонларини олдиндан
билатуриб, сенга ёрдам қилишади, маслаҳатлар бери-
шади, ҳатто бошқа илож йўқлигини билиб, ма'қулла-
шади ҳам,— иш битгандан кейин эса қўлларини ювиб
қўлтиққа уришади, бутун мас'улиятни ўз устига олган
кишидан юзларини тескари ўгириб кетишади. Ҳамма
одамлар, ҳатто энг меҳрибонлари ҳам, энг донолар
ҳам шунақа!..

Эртаси кун эрталаб олий қўмондонликдан Н. деган
қал'ага жўнаш тўғрисида буйруқ олгач, княгиня блан
хайрлашгани кирдим.

Унинг менга бирон муҳим гап айтмоқчимисиз деган
саволига сизга бахт тилайман ва ҳоказо деб жавоб
берган эдим, ҳайрон бўлди.

— Сиз блан жуда жиддий гаплашадиган гапим бор.
Мен индамай ўтирдим.

Гапни нимадан бошлашни билмай ўтирганлиги рав-
шан эди; юзлари қизариб кетди, семиз бармоқлари
столни чертарди, ахири, тугила-тугила гап бошлади:

— Менга қаранг, мсьё Печорин, мен сизни олижа-
ноб бир киши деб биламан.

Мен та'зим қилдим.

— Гарчи хатти-ҳаракатларингиз бироз шубҳали
бўлса ҳам, барибир, бунга аминман,— деб давом этди
княгиня.— Аммо, дилингизда фақат ўзингизгагина ма'-
лум бўлган сабаблар бўлиши мумкин, менга уларни

айтишингиз керак. Менинг қизимни тухматдан ҳимоя қилдингиз, уни деб отишдингиз, бинобарин, ҳаётингизни таҳлика остига қўйдингиз... Гапирманг, биламан, бунга сра иқроор бўлмайсиз, чунки Грушницкий ўлиб кетди (княгиня чўқиниб олди). Гуноҳи бўлса худо кечирсин,— сизникини ҳам кечирар деб ишонаман!.. Бу блан менинг ишим йўқ... Мен сизни қоралаёлмайман, чунки менинг қизим, гуноҳсиз бўлса ҳам, бунга сабаб бўлди. У менга ҳамма гапни айтиб берди... Ҳамма гапни айтди деб ўйлайман: сиз унга севгингизни изҳор этибсиз, у ҳам сизни севаман депти (шу ерга келганда княгиня огир хўрсинди). Аммо қизим бетоб ётипти, аминманки, унинг касали оддий касаллардан эмас! Қандайдир сирли бир дард уни азобламоқда; нималигини айтмайди, аммо бунинг сабаби сиздалигига имоним комил... Менга қаранг: сиз мени балки амал ёки давлат излайди деб ўйларсиз,— бу фикрингиздан қайтинг: мен фақат қизимнинг бахт-саодатли бўлишини истайман, холос. Сизнинг ҳозирги аҳволингиз одамлар ҳавас қиладиган аҳволлардан эмас, аммо кейин-кейин яхши бўлиб кетиши мумкин: давлатингиз бор; қизим сизни севади, у шундай тарбия топганки, ўз эрини бахт-саодатли қилиш қўлидан келади. Менинг ҳам давлатим катта, у менинг биттаю-битта қизим... Айтингчи, сизни нима тутиб турибди?.. Кўриб турибсизки, бу гапларнинг мендан чиқиши лозим эмас эди, аммо мен сизнинг қалбингизга, лавзингизга инониб туриб айтдим,— пешонамда ёлғиз шу биргина қизим экачилигини унутманг...

Княгиня йиғлаб юборди.

— Княгиня,— дедим мен,— мен сизга ҳеч нарса дебёлмайман; рухсат этсангиз, қизингиз блан танҳо гапиришсам...

— Ҳечбир! — деб қичқириб юборди княгиня, зўр ҳаяжон блан ўрнидан туриб.

— Ихтиёрингиз,— дедим мен ва кетишга чоғландим.

Княгиня бироз ўйланиб қолди-да, бирпас туринг дегандай қўли блан ишора қилиб, уйдан чиқди.

Орадан беш минутча вақт ўтди; юрагим гуп-гуп уриб турса ҳам, фикрим равшан, ақли-ҳушим жойида

эди: қалбимдан бечора Мерига нисбатан заррача севги учқуни топилармикин дейман, сра топилмайди.

Ана, эшик очилдию, у кириб келди. Ё раббий! Кейинги сафар кўрганимдан бери жуда ўзгариб кетипти,— кўрганимга кўп бўлдимми?

Уйнинг ўртасига келиб, бирдан гандираклаб кетди: ирғиб ўрнимдан турдим-да, қўлимни бериб, креслога олиб келдим.

Ўзим унинг рўпарасига келиб турдим. Анчагача гапиролмай турдик, унинг та'рифлаб бўлмайдиган аллақандай қайғу-ҳасратли шаҳло кўзлари умид ва нажот излаб менинг кўзларимга боқарди; оппоқ оқариб кетган лаблари табассум қилмоқчи бўлардию, броқ бунга ожиз эди; тиззаларига қўйиб ўтирган нозик қўллари шу қадар ориқлаб кетган эдики, бечорага раҳмим келиб кетди.

— Княжна,— дедим,— мен сизни мазах қилиб юрганимни биласизми?.. Сиз мендан нафратланишингиз керак.

Юзларида хасталарга хос қизиллик пайдо бўлди. Мен давом этдим:

— Бинобарин, сиз мени севолмайсиз...

Княжна юзини қўли блан тўсиб тескари ўгирилди-да, столга суянди, кўзларидан ёш чиққандай туюлди.

— Ё раббий!— деб пичирларди у.

Бунга ортиқ чидаб туриш қийин эди: бу ҳол яна бир лаҳза давом этса, ўзимни унинг оёқларига ташлардим.

— Ўзингиз ҳам кўриб турибсизки,— мен мумкин қадар қат'ий оҳангда, зўраки кулги блан сўзимда давом этдим,— ўзингиз ҳам кўриб турибсизки, мен сизга уйланаолмайман. Агар шу гаплардан кейин ҳам буни хоҳласангиз, кейин ўзингиз пушаймон бўласиз. Сизга бу гапларни шу қадар очиқ ва шу қадар қўпол гапиришимга онангиз блан қилган суҳбатим- мажбур этди: онангиз хато қилгандир деган умиддан, унинг бу фикридан қайтариш сизнинг қўлингиздан келади. Кўриб турибсизки, кўзингиз олдида энг хунук ва энг қабиҳ роль ўйнамоқдан, ҳатто бунга ўзим ҳам иқрор бўлиб турибман; сиз учун қўлимдан келган нарса шу. Менинг

Ҳақимда қандай ёмон фикрда бўлманг, ҳаммасига рози-ман... Кўрдингизми, мен сизнинг олдингизда бир разил одамман... Агар мени севганингизда ҳам, ҳозирдан с'тиборан мендан нафратланишингиз керак, шундай эмасми?..

Княжна докадай оқариб кетган юзини менга ўгирди, фақат кўзлари ажойиб бир суратда чарақларди.

— Сизни кўришга кўзим йўқ...— деди.

Мен ташаккур айтиб, ҳурмат блан та'зим қилдим-да, чиқиб кетдим.

Бир соатдан кейин уч отли курьер каретаси мени Кисловодскдан олиб кетди. Эссентукига бирнеча чақирим қолганда, йўл бўйида чопқир отимнинг ўлигини кўрдим; устидаги эгари йўқ эди, бироқ ўткинчи казак олиб кетган бўлса керак, эгар ўрнида иккита қарға ўтирарди. Бир хўрсиндим-да, юзимни тескари ўгирдим...

Мана энди диққи нафас қал'ада ўтириб, ўтмишни эслар эканман, нима сабабдан тақдир менга очиб берган бу йўлга киришни истамадим, ахир, шундай қилсам мени ҳузур-ҳаловат, руҳий сокинлик кутарди-ку?... деб ўзимдан ўзим сўрайман. Йўқ, бу қисматга мен чидаб туrolмас эдим! Мен, қароқчилар кемасида тугилиб ўсган матросга ўхшайман: унинг қалби бўрон ва жангларга ўрганиб қолган, агар қирғоққа чиқиб қолса, серсоя ўрмонлар уни қанча ўзига тортмасин, қуёш унга ўз ёғдусини қанча мўл сочмасин, барибир- унинг юраги сиқилади, диққи нафас бўлади; эртадан кечгача қумлоқ қирғоқларда кезиб, елиб-югуриб келучи тўлқинларнинг салмоқдор товушларига қулоқ солиб, йироқдан, кўмкўк тўлқинларни қора булутлардан ажратиб турган уфқ ортидан олдин балиқчи қуш қанотига ўхшаш, кейин-кейин тўлқин кўпикларидан ажралиб кимсасиз пристаньга елиб келучи елкан кўринмас-микин деб; туман босган олислардан кўзини узмай юраверди...

III

Фаталист

Бир вақт чап флангдаги казак станицасида икки ҳафта туриб қолишга тўғри келди: станицада яна бир

батальон пиёда аскар ҳам турарди; офицерлар бир-бирлариникида галма-гал тўпланишиб, кечалари қарта ўйнар эдилар.

Бир куни майор С*** деганникида бостон⁷⁷ ўйнай ўйнай зерикиб, қартани стол тагига ирғитдик-да, анча-гача суҳбатлашиб ўтирдик; суҳбатимиз одатдаги суҳбатларга қараганда жуда қизиқ эди. Гап, ҳаркимнинг тақдири пешонасига битилган деган мусулмонлар э'тиқодига орамизда кўп одамлар ишонармиш деган нарсадан кетди; ҳарким буни исбот қилиш ёнки қоралаш учун ҳархил ғайритабиий воқиаларни айтиб берарди.

— Бу гаплар ҳечнарсани исбот этолмайди, жаноблар,— деди кекса майор,— ахир, фикрларингизни исботлаш учун айтиб берган воқиаларни ҳеч бирингиз ўз кўзингиз блан кўрмагансиз-ку?

— Албатта, ҳечким кўрмаган,— деди кўпчилик,— аммо кўрмаган бўлсак ҳам ишончли одамлардан эшитганмиз...

— Бари беҳуда гап!— деди аллаким.— Ажалимиз етган вақти-соатни кўрсатучи рўйхатни кўрган ўша ишончли одамлар ким экан, қани улар? Хўп, башарти, тақдир деган нарса бор экан, унда ирода, ақл деган нарсалар бизга нима учун берилган? Нима учун биз ўзимизнинг ҳарбир ишимиз, ҳарбир хатти-ҳаракатимиздан ҳисоб беришимиз керак?

Шу онда ўйнинг бир бурчагида ўтирган бир офицер ўрнидан турдида, стол ёнига келиб, ҳаммага тантанали ва хотиржам назар ташлади. Унинг миллати серб эканлиги фамилиясидан ма'лум эди.

Поручик Вуличнинг ташқи қиёфаси унинг характерига тамомила мос тушганди. Баланд қомати, қопқора сочлари, буғдой ранги, қопқора ва ўткир кўзлари, ўз миллатига хос бўлган каттагина, аммо хушбичим бурни, лабидан сра аримайдиган ғамгин ва совуқ табасуми,— уни бошқача, тақдир томонидан ёру-дўст қилиб тайин этилган кишилар блан ўзининг фикр ва ҳисларини ўртоқлашмайдиган бир одам қилиб кўрсатарди.

Ўзи жуда мард, камгап, аммо гапирганда жиддий гапирадиган одам эди: ўзининг руҳий ва оилавий сир-

ларини ҳечкимга очиб айтмасди; винони бутунлай оғзига олмасди, ўз кўзи блан кўрмаган одам уларнинг нақадар гўзал эканликларини тасаввур этаолмайдиган ёш казак қизлари кетидан судралиб юрмасди. Аммо, полковнигимизнинг хотини унинг ма'нодор кўзларига хуштор эмиш деган гаплар юрарди; лекин одамлар бу ҳақда гап очса Вуличнинг чапақай жаҳли чиқиб кетарди.

Унинг ҳечкимдан яширмайдиган биттагина эҳтироси бор эди,— у ҳам бўлса қартавозлик эди. Яшил стол⁷⁸ ёнига ўтирса, дун'ёда кўзига ҳеч нарса кўринмасди, одатда ютқизиб юрарди; аммо қанча ютқизса, шунча ўжарлашарди. Бир воқияни ҳикоя қилиб беришди: экспедиция вақтида, кечаси ёстиқ устида банк ўйнашибди; бу сафар Вуличнинг жуда омади келиб турган экан. Бирдан отишма бошланиб, тревога бўлиб қолибди-да, ҳамма ўришдан туриб қуролга югурипти. «Ва-банк»⁷⁹ деб қичқирибди Вулич, моҳир қартавозлардан бирига ўришдан ҳам турмасдан, «Еттилик кетди», деб жавоб берибди у, югуриб ташқарига чиқиб кетатуриб. Тўс-тўполон бўлиб туришига қарамай, Вулич қартани очипти, банкни ютқазипти.

Ўз қисми жойлашган ерга етиб борса, тарақа-туруқ отишма қизиб кетган экан. Вулич ўқларни ҳам, чеченларнинг қиличини ҳам писанд қилмай, бахтиёр қартавозни излаб кетипти.

Ёвни ўрмон ичидан сиқиб чиқарабошлаган ўқчилар қаторидан ахири қидириб топипти-да: «Еттилик ютди!» деб бақирипти ва унинг ёнига бориб, бу ерда ҳисобкитобнинг ўрни йўқ дейишига ҳам қарамасдан, ёнидан ҳамёнини чиқариб берипти. Кўнгилсиз қарзни узиб бўлгандан кейингина жангга отилиб, кетидан солдатларни эргаштириб кетипти, то жанг тамом бўлгунча чеченлар блан отишипти.

Поручик Вулич стол ёнига келиши блан бу яна қандай янги ҳунар кўрсатаркан деб ҳамма жим бўлди.

— Жаноблар,— деди у, унинг овози одатдагидан сал пастроқ бўлса-да, аммо хотиржам эди:— жаноблар, беҳуда баҳсдан нима фойда? Исбот керак деса-

ларингиз, мен одам ўз ҳаётининг ҳақиқий эгасими ёки ҳар биримизнинг вақти-соатимиз олдиндан битиб қўйилганми деган нарсани ҳарким ўзида синаб кўришини таклиф этаман... ким хоҳлайди?

— Мен хоҳламайман, мен хоҳламайман!— деган овозлар эшитилди ҳар тарафдан.— Вой тентагей! Ўйлаб топган нарсасини қаранг-а!..

— Гаров бойлашамиз,— дедим мен, ҳазиллашиб.

— Нимадан?

— Тақдир деган нарса йўқ,— дедим мен ва ёнимдаги бор пулимни олиб стол устига ташладим: ҳаммаси бўлиб йигирма червон экан.

— Бўпти,— деди Вулич, бўғиқ товуш блан.— Майор, сиз бизга ҳакам бўласиз; мана ўн беш червон, ўзингиз мендан беш червон қарзсиз, бир дўстлик қилиб шуни қўшиб қўйсангиз.

— Хўп бўлади,— деди майор;— аммо, тўғрисини айтсам, мен ҳечнарсасага тушунолмай қолдим, баҳсни, қандай ҳал қиласизлар?

Вулич индамасдан майорнинг ётоғига кириб кетди; кетидан биз ҳам кирдик. Вулич яроқ-аслаҳа осиб қўйилган девор тагига бориб, қозиқдаги ҳархил калибрли тўппончалардан тўғри келганини олди. Биз ҳали ҳам унинг нима қилмоқчилигини билмай турардик; аммо тўппонча тепкисини тортиб ичига порох солиши блан, кўплар бирдан ҳай-ҳайлаб унинг қўлидан ушлашди.

— Нима қилмоқчисан? Ҳой, жинни бўлдингми?— деб қичқаришди.

— Жаноблар!— деди Вулич, секин қўлини бўшатиб,— мен учун ким йигирма червон тўлайди?

Ҳамма жим бўлиб, четга чиқиб турди.

Вулич нариги уйга чиқиб, стол ёнига бориб ўтирди; унинг кетидан биз ҳам чиқдик. Вулич атрофимга ўтиринглар деб ишора қилди. Биз индамасдан атрофига ўтирдик: шу онда у ҳаммамизнинг устимиздан қандайдир сирли бир кучга эга бўлгандай эди. Мен унинг кўзларига тикилдим, аммо у, менинг бу боқишимни дадил ва хотиржам қарши олди, оппоқ оқариб кетган лабларига табассум югурди, аммо совуққонлик блан

ўтиришига қарамай, сўлғин юзида ажал аломати борлигини сезгандек бўлдим. Бирнеча соатдан кейин ўладиган одамларнинг чеҳрасида маш'ум тақдирнинг қандайдир галати бир нишонаси пайдо бўлганини ўз кўзим билан кўрганман, кўп кекса жангчилар ҳам шундай дейдилар, ўрганиб қолган кўз асло хато қилмайди.

— Сиз бугун ўласиз!— дедим мен, Вуличга. У менга ялт этиб қарадию, броқ сокин бир вазиятда:

— Эҳтимол ўларман, эҳтимол ўлмасман...— деб жавоб берди.

Сўнгра майорга қараб: тўппонча ўқланганми? деб сўради. Майор шошиб қолганидан ўқланган ёки ўқланмаганини яхши эслаёлмади.

— Қўйсангизчи, Вулич!— деб қичқирди аллаким;— Бош томонда осиглик тургандан кейин албатта ўқланган бўлади-да, бу нима ҳазил!..

— Аҳмоқона ҳазил!— деди яна биров.

— Беш сўмга қарши эллик сўм қўйиб гаров ўйнайманки, тўппонча ўқланмаган!— деб қичқирди, учинчи бир киши.

Яна бир гаров ортди.

Бу чўзилиб кетган маросим жонимга тегди. «Менга қаранг,— дедим Вуличга:— ё ўзингизни отинг, ё бўлмаса тўппончани жойига илиб қўйинг, бориб ётайлик».

— Тўғри,— деб қичқирди кўплар:— бориб ухлайлик.

— Жаноблар, жойларингиздан кўзгалмай ўтиришингизни сўрайман!— деди Вулич тўппончани пешонасига тираб. Ҳамма тошдай қотиб қолди.— Жаноб Печорин,— деб илова қилди у,— битта қартани олиб, осмонга отинг.

Эсимда: стол устидан топпон тузни олиб, юқорига ирғитдим: ҳамманинг нафаси оғзига тикчилик қолди; кўрқув босган кўзлар гоҳ тўппончага, гоҳ чирпирак бўлиб тушаётган қартага жовдираб қарарди; қарта энди столга келиб тушиши бланоқ, Вулич тепкини босди... тўппонча отилмади!

— Худога шукуре,— деб қичқириб юборди одамлар:— ўқланмаган экан...

— Яна бир отиб кўрайликчи,— деди Вулич. Тепкини яна тортиб дераза тепасида осиглиқ турган фуражкани нишонга олди; тўппонча отилиб, уйнинг ичи тутунга тўлди; тутун тарқалиб кетгандан кейин қарасак, ўқ фуражканинг қоқ ўртасидан тешиб, деворнинг ичига кириб кетипти.

Ҳамма уч минугача тошдай қотиб қолди; Вулич индамасдан менинг червонларимни йиғиштириб ҳам'ёнига солиб олди.

Нима учун тўппонча олдинги сафар отилмагани устида гап кетди; ба'зилар балки тўппончанинг ичи ифлосланиб қолгандир дерди, ба'зилар эса олдинги сафар порох нам эди, кейинги сафар Вулич янги порох солди, шунинг учун отилмаган бўлса керак, деб шивирлади; аммо мен кейинги таҳминнинг нотўғрилигини тасдиқладим, чунки мен тўппончадан кўзимни узмай қараб турган эдим.

— Қиморда бахтли экансиз!— дедим мен, Вуличга қараб.

— Умримда биринчи марта омад келиши,— деди Вулич ўзидан мамнун ҳолда кулиб:— банкдан ҳам, штоссдан⁸⁰ ҳам шуниси яхши экан.

— Шундаю, аммо хатарлироқ-да.

— Хўш, энди тақдирга ишонасизми?

— Ишонаман; аммо бир нарсага тушунолмай турибман: нима учундир, бугун албатта ўласиз деб ўйлагандим...

Боягина пешонасига хотиржамлик блан тўппонча тираб турган одам энди бирдан қипқизариб хижолат тортиди.

— Бўлди тамом қилайлик,— деди Вулич, ўрнидан туриб:— баҳсимиз тугади, энди ҳарқандай мулоҳаза ортиқчадир, деб ўйлайман...

Шапкасини олиб чиқиб кетди. Бу менга ғалатироқ туюлди,— лекин ғалатироқ туюлиши ҳам бежиз эмас экан.

Бирпасдан кейин ҳаммамиз Вуличнинг қизиқ қилиқлари ҳақида гапиришиб, уй-уйимизга тарқалишдик, ҳамма бир оғиздан менга: ўзини ўзи отиб ўлдирмоқчи бўлган одам блан гаров бойлашдингиз, худбин

экансиз, деди; гүё мен бұлмаганимда, Вулич қулай пайт тополмайдыгандай!..

Станицанинг хилват кўчаларидан уйимга қайтиб борардим; уйларнинг кунгирасимон томлари орқасидан худди ёнғин алангасидай қип-қизил тўлин ой кўринарди; қопқора осмонда юлдузлар чарақларди, бир замонлар одамларнинг бир қарич ер учун ёки аллақандай қалбаки ҳуқуқлари учун олиб борган арзимаган баҳсларига осмон сайёралари ҳам иштирок этади дегучи билимдонлар хаёлимга келиб, кулгим қистаб кетди. Негаки, ўша донишмандлар фақат инсонларнинг жанглари ва тантаналарини ёритиб туриш учун ёқилган деб ўйлаган осмон маш'аллари ҳозир ҳам аввалгидек чарақлаб ёнарди, уларнинг эҳтирос ва тилакларини эса бирон ўткинчи томонидан ўрмон ёқасига ёқилган гулхан каби ўзлари блан бирга сўниб кетган. Аммо осмондаги юлдузларнинг хайрихоҳлик блан боқиб туришининг ўзиёқ уларга қанча куч, ирода ва ишонч бағишлаган!.. Уларнинг ночор авлодлари бўлган бизлар эсак ер юзида э'тиқодсиз ва ғурусиз, 'завқ ва қўрқувсиз кезиб юрамиз, ўлим муҳаққақ экани ёдимизга келганда, юрагимизни беихтиёр эзучи қўрқувдан бошқа на инсониятнинг фаровонлиги учун ва на ўз бахтимиз учун ҳам катта-катта қурбон беришга қодир эмасмиз, чунки дун'ёда бахт йўқлигини биламиз, ота-боболаримиз бир хатодан қутулиб, иккинчисига тутилганлари каби, биз ҳам бир шубҳадан қутулиб, бошқа шубҳага тутиламиз, ота-боболаримиз сингари биронта орзу-умидимиз ҳам йўқ, ҳатто одамлар блан ё бўлмаса тақдир блан бўлган курашда қалб эришадиган кучли, аммо нома'лум завққа ҳам эга бўлаолмай-миз..

Миямга бундан бошқа яна талай хаёллар келди; мен уларга қаршилиқ қилдим, чунки мавҳум фикрлар устида бош қотиришни ёмон кўраман; бундан нима фойда?.. Мен илк ёшлигимда хаёлпараст эдим; бесаранжом ва сра тўймайдиган хаёлларим яратган гоҳ мудҳиш, гоҳ ёрқин образларни ардоқлардим, суярдим. Аммо бундан менга нима қолди? Худди кечаси арвоқлар блан олишгандан кейин ҳис этиладиган ҳорғинлик,

афсус-надоматлар блан тўла хотираларгина қолди, холос. Бу беҳуда курашда бутун қалбим ўтини ва ҳақиқий ҳаёт учун керак бўлган иродам кучини сарфладим; бу ҳаётга фикран ҳамма нарсани бошимдан кечириб бўлибгина қадам қўйдим, шундан сўнг мен худди бемаза тақлид қилинган китобни ўқиб зериккан кишидай зерикиб, беҳузур бўлдим.

Бу кеча юз берган воқиа менга қаттиқ та'сир қилди, асабларимни кўзгатиб юборди. Тақдир деган нарсага ҳозир ишонаманми, йўқми, буни аниқ айтолмайман, аммо шу кеча қаттиқ ишонгандим: дадил ғоятда зўр эди, шунинг учун мен ўз ота-боболаримиз ва уларга хизмат қилиб келган вафодор астрология⁸¹ни масхара қилиб келган бўлсам-да, беихтиёр уларнинг йўлига тушдим, аммо бу хавф-хатарли йўлдан вақтиганиматда ўзимни тўхтатиб қолдим ва ҳечбир нарсага кўр-кўрона ишонмайдиган қоидага амал қилишим учун метафизикани бир четга йиғиштириб қўйдим-да, оёғимнинг тагига қараб юрдим. Бундай эҳтиёткорлик жуда ўринлик чиқди: йўғон ва юмшоқ, афтидан, жонсиз ётган бир нарсага қоқилиб кетиб, йиқилишимга сал қолди. Ой йўлни сутдай ёритиб турарди; нима экан деб энгашиб қарасам — қилич блан икки бўлиб ташланган чўчқа экан... Ҳали бошимни кўтарганим ҳам йўқ эдики, бирдан дукур-дукур товуш эшитилди: тор кўчадан икки казак югуриб чиқиб келмоқда эди; улардан бири ёнимга келди-да, чўчқа қувиб юрган маст казакни кўрмадингизми деб сўради. Мен кўрмадим дедим-да, мастнинг бема'ни мардлиги қурбони бўлмиш бечора чўчқани кўрсатдим.

— Вой каллакесарей, — деди иккинчи казак: — чихир⁸² ичиб олдим, бўлди, йўлида нима учраса чошиб ташлайверади. Юр, Еремеич, топиб қўл-оёғини боғлайлик, бўлмаса...

Улар кетишди, мен ҳам зўр эҳтиёткорлик блан ўз йўлимдан кетдим, ниҳоят квартирамга омон-эсон етиб олдим.

Мен бир кекса урядникникида турардим; уни яхши кўрардим, чунки жуда меҳрибон одам эди; аммо ундан ҳам Настя деган дилрабо қизини яхши кўрардим.

Одатдагидек, Настя пўстинга ўралиб, мени дарвоза олдида кутиб ўтирган экан; тун совуғидан кўкариб кетган лабларини ой ёритиб турарди. Мени кўриб, жилмайди, броқ бугун у кўнглимга сиғмасди. «Яхши қол, Настя!» дедим мен, ёнидан ўтиб кетаётди. У менга бир нима демоқчи бўлдию, броқ индамади, фақат хўрсиниб кўяқолди.

Уйимга кириб, эшикни ичдан беркитдим-да, шам ёқиб, ўзимни ўринга ташладим; аммо бу сафар уйқу ҳадеб келавермади. Осмоннинг шарқ томони қизарабошлагандагина кўзим уйқуга кетибди, броқ бугун уйқуга тўймаслик пешонамга битилган экан. Сахар соат тўртларда икки мушт деразамни қоқабошлади. Ирғиб ўрнимдан турдим: нима гап? деб сўрадим... «Тур, кийин!» деб қичқирди бирнеча киши. Апир-шапир кийиниб чиқдим. «Юз берган ҳодисадан хабаринг борми?» деди мени излаб келган уч офицер баравардан; уларнинг юзлари докадай оқариб кетганди.

— Нима бўлди?

— Вулични ўлдириб кетишипти.

Мен тошдай қотиб қолдим.

— Ҳа, рост!— деб давом этди улар.— Юр тезроқ.

— Қаёққа?

— Йўлда биласан.

Кетдик. Улар, бўлиб ўтган воқиага Вуличнинг ўлимидан ярим соатгина олдин тақдир уни бир ўлимдан сақлаб қолгани ҳақида ўз мулоҳазаларини қўшиб гапириб бердилар. Вулич қоронғу кўчадан ёлғиз ўзи кетаётган экан; бирдан чўчқани чопиб ташлаган маст казакка дуч келипти-да, тўхтаб, «Қимни излаб юрибсан, оғайни?» депти. Шуни демагандаку, балки казак ўз йўлидан кетавериши мумкин экан, броқ казак тўхтапти-да, «Сени!» депти-ю, қилич солиб елкасидан то юрагигача бўлиб ташлабди... Шу ерда менга йўлиққан ва қотил кетидан қувган икки казак келиб қолиб, ярадорни ердан кўтаришипти, у жон берай деб турган экан, фақат, «У ҳақли!» деган икки оғиз сўзни айтиптию, ўлипти. Бу сўзларнинг сирли маъносини ёлғиз мен билардим: у сўзларни менга қаратиб айтган эди; у бечорага қисматинг шунақа бўлади деб бехосдан айтиб

қўйган эдим; инстинктим⁸³ мени алдамади, унинг ўзгариб кетган юзидан ажали етиб турганини аниқ кўрган эдим.

Қотил станицанинг четидаги бир бўш уйга кириб беркиниб олган экан, биз ўша ерга қараб югурдик. Бир-талай хотин-халаж ҳам йиғлаб-сиқтаб ўша томонга қараб югурарди; ба'зан кеч қолган казаклар уйлари-дан югуриб чиқар, йўл-йўлакай ханжарларини тақиб, югуриб биздан ўтиб кетишарди. Даҳшатли гала-ғовур кўтарилди.

Ниҳоят, етиб бордик; қарасак, уй олдида бирталай одам тўпланиб турибди, уйнинг эшик ва деразалари ичидан берк. Офицерлар ва казаклар ўзаро қизгин баҳслашиб турардилар; хотинлар қий-чув қилиб йиғлашарди. Улар орасида кўзлари телба одамнинг кўзига ўхшаган бир кампир диққатимни жалб қилди. Кампир хода устида тирсагини тиззасига тираб, қўллари блан бошини ушлаб ўтирарди, у қотилнинг онаси экан. Лаблари бир нималар деб пичирларди... у лаблари дуо ўқирмиди ё ўғлига ла'нат?

Бирон қарорга келиб, жиноятчини ушлаш керак эди. Аммо уйга бостириб киришга ҳечкимнинг юраги дов бермасди.

Дераза ёнига бориб, тирқишдан қарадим: қотил ранглари оппоқ оқариб, ўнг қўлида тўппонча ушлаб ерда ётарди; қонга беланган қиличи ёнида ётарди. Ма'нодор кўзлари атрофга жовдираб қарарди; аҳ'ён-аҳ'ёнда сесканиб тушарди-да, худди кечаси бўлиб ўтган воқиани сал хотирлагандай, бошини ушларди. Унинг бу бесаранжом боқишларида мардлик аломатларини кўрмадим ва майорга қараб, бекорга эшикни буздирмаяпсиз, эшикни бузиб, казаклар ичкарига бостириб кириши керак, буни ҳозир қилмасангиз кейин қийин бўлади, чунки у ўзига келади, дедим.

Шу замон эшик олдида кекса бир ясовул келди-да, қотилнинг отини айтиб чақирди; у овоз берди.

— Гуноҳни қилишга қилдинг, Ефимич ука, энди таслим бўл, бошқа иложинг йўқ!— деди ясовул.

— Таслим бўлмайман!— деб жавоб берди казак.

— Худодан кўрқ! Ахир, сен бир кофир чечен эмас-

сан, христиансан-ку. Ҳа майли энди, гуноҳ қилиб қўйибсан, пешонангга тушганини кўрасан-да!

— Таслим бўлмайман!— деб бўқирди казак, даҳшатли бир овоз блан ва тепкини шарақлатиб тортиб қўйгани эшитилди.

— Ҳой хола,— деди ясовул, кампирга қараб:— ўғлинг блан гаплашиб кўр, балки сенинг гапингга кирар... Худонинг ғазабига учрайди, ахир. Ана, қара, жаноблар ҳам икки соатдан бери кутиб туришипти.

Кампир унга тикилиб, бош чайқади.

— Василий Петрович,— деди ясовул, майорнинг олдига келиб:— у гапга қулоқ солмайди, мен уни биламан; эшикни бузсак кўп одамларни нобуд қилади. Яхшиси, отиб ташлайқолайлик. Дарпарданинг катта тешиги бор.

Шу онда менинг миямга ғалати бир фикр келди:

Вулич сингари мен ҳам ўз тақдиримни синаб кўрмоқчи бўлдим.

— Шошмайтуринг,— дедим майорга:— мен уни тириклайин ушлайман.— Ясовулга қотилни гапга солиб тур деб буюрдим, эшикка учга казак қўйилсин, мен ишора қилишим бланоқ дарпардани бузиб менига ёрдам беришсин деб буюрдим-да, уйни айланиб маш'ум дераза олдига келдим. Юрагим гуп-гуп урарди.

— Ҳой, имонсиз кофир!— деб бақирарди ясовул,— сен бизни майна қилаяпсанми? Ё тутиб ололмайди деб ўйлайсанми?— Кейин кучининг борича эшикни қоқабошлади, мен дераза тирқишидан казакнинг нима қилишини кузатиб турардим, у, бу томондан ҳужум бўлишини кутмасди,— кейин бирдан деразани уриб туширдим-да, уй ичига шўнғиб тушдим. Нақ қулогим ёнидан визиллаб учиб ўтган ўқ эполетимни учириб кетди. Аммо уй ичини тутун босиб кетгани учун душманам ёнида ётган қиличини тополмади. Қўлидан маҳкам ушлаб олдим; казаклар бостириб кирди-да, уч минутда жиноятчининг қўл-оёғини боғлаб, конвой блан олиб кетишди. Халқ тарқалди, офицерлар мени табриклашди — бу иш ҳақиқатан ҳам табрикка сазовор эди.

Шундан кейин ҳам фаталист⁸⁴ бўлмайдими киши? Аммо, бир нарсанинг бўлиш-бўлмаслигига ким муқар-

рар ишонаолади?.. Кўпинча янглиш ҳис ёки э'тиқодимизнинг алданишини э'тиқод деб қабул қиламиз!.. Мен ҳар нарсага ҳам шубҳа блан қарайдиган одамман, бу нарса характеримнинг кескинлигига халал бермайди, аксинча, мени нима кутаётганини билмаганимда ҳаммаша дадилроқ олға босаман. Ахир, ўлимдан баттар ҳечнарсга йўқ, ўлимдан эса қутулиб бўлмайди!

Қал'ага қайтиб келгач, бошимдан ўтган ва ўз кўзим блан кўрган ҳамма воқиаларни Максим Максимичга батафсил гапириб бердим-да, тақдир ҳақида унинг фикрини билмоқчи бўлдим. У олдиниға бу гапнинг ма'носига тушунмади, аммо қўлимдан келганича тушунтириб берганимдан кейин, бошини ма'нодор чайқади-да, деди:

— Ҳа, албатта... Бу жуда нозик масала!.. Уёғини суриштирганингизда, агар Осиё тўппончаларининг тепкилари мойланмаган бўлса, ёки қаттиқроқ босмасанг, кўпинча отилмай ҳам қолади. Ростини айтсам, черкесларнинг милтиғини ҳам ёқтирмайман; бизларға негандир ярашмайди: кўндоғи калта, бурнингни куйдириб кўяди... Аммо, қиличларига келганда, қойил қолишдан бошқа чорам йўқ!

Сўнгра бироз жим қолди-да, деди:

— Бечора бекорға нобуд бўлиб кетишти-да... Кечаси маст блан гапиришишға шайтон ундаган-да! Ҳа, майли, пешонасига битилгани шу экан!..

Уни ортиқ ҳеч гапға солаолмадим: у умуман метафизик мулоҳазаларни ёмон кўради.

ИЗОҲЛАР

¹ *Духан* — дўкон сўзининг Кавказда айтилиши; одатда, духан қовоқхоналик вазифасини ҳам ўтайди.

² *Сюртук* — этаги тиззагача тушадиган эрлар кийими.

³ *Алексей Петрович Ермолов* — Кавказни забт этишда рус қўшинларига қўмондонлик қилган рус генерали.

⁴ *Линия* — бу ерда қатор қурилган ҳарбий истеҳкомлар маносида; чор қўшинлари шу истеҳкомлардан Кавказга ҳужум бошлаганлар.

⁵ *Почта бекати* — темир йўл қурилмасдан бурун Россияда кирага от-арава беручи станция; бундай бекатлар деярлик ҳар ерда бўлар эди.

⁶ *Сакля* — кавказлилар уйи.

⁷ *Вал* — қал'а теварагидаги тупроққўрғон, кўтарма.

⁸ *Итоатли князь* — Россия ҳокимлигини таниган, унга бўйсунган князь.

⁹ *Абреклар* — довьораклиги блан донг чиқарган тоғлилар.

¹⁰ *Гурда қилич* — Шарқ мамлакатларида ишланадиган асл пўлат қилич.

¹¹ *Гамба, Жан-Франсуа (1763—1833)* — француз сайёҳи, 1824 йилда „Жанубий Россия саёҳатномаси“ деган китоб чиқарган.

¹² *Le Mont St. Christophe* (франц.) Христофор авдиё тоғи.

¹³ *Соловей-Разбойник* — рус эртақларидан бирининг қаҳрамони.

- 14 *Бастсион* — беш бурчак шаклида қурилган истехком.
- 15 *Гренадёр* — махсус қўшин составида хизмат қилучи солдат.
- 16 *Термалама* — ипакли қалин мато.
- 17 *Шапсуғлар* — тоғлиларнинг жаҳонгашта қабилаларидан бири.
- 18 *Фигаро* — француз ёзучиси Бомаршенинг (1732—1790) „Севилья сартароши“ ва „Фигаронинг уйланиши“ деган комедиялари қаҳрамони. Ниҳоятда уддабурон, чаққон ва гапдон малай.
- 19 *Бальзак сатанги* — машҳур француз ёзучиси Оноре де Бальзак (1799—1850) нинг „Ўттиз ёшли жувон“ деган романи чиққандан кейин пайдо бўлган ибора.
- 20 *Руссочинг „Гавба“си* — машҳур француз ёзучиси ва философи Жан Жак Руссонинг (1712—1778) ўз таржимаи ҳоли тарзида ёзган асари.
- 21 *Образ* — христиан динидагилар ўз уйларининг бурчагига осиб қўядиган санам.
- 22 *Малороссия лаҳжаси* — Украина ва Жанубий Россия бир вақтлар Малороссия деб аталарди.
- 23 *Ундина* — (лотинча unda — тўлқин деган сўздан) ўрта аср ривоятларида — сув тангриси; шу ривоятларга кўра, ундина фарзанд кўрмоқ ва шу орқали одам руҳига эга бўлмоқ учун йўловчиларни сув тагига алдаб олиб кириб кетар экан.
- 24 *Гётенинг Миньонаси* — Гёте (1749—1832) нинг „Вильгельм Мейстер“ деган асари қаҳрамони.
- 25 *Контрабандист* — четёллардан яширинча мол келтириб ва четёлга мол олиб чиқиб сотучи киши.
- 26 „Тинган бўроннинг сўнгги булут парчаси...“ А. С. Пушкиннинг „Булут“ номли шеърининг биринчи сатри.
- 27 *Эола арфаси* — ҳаво ҳаракати натижасида овоз чиқарадиган қилли музика асбоби. Шамоллар тангриси Эола номидан чиққан.
- 28 *Эпиграмма* — мазах, ўткир сўз.
- 29 *Вист* — қарта ўйинларидан бири.
- 30 *Gris de perles* (франц.) гавҳарранг.
- 31 *Couleur rose* (франц.) тўқ жигарранг.
- 32 *A'la moujik* (франц.) мужикка ўхшаш, мужикнамо.
- 33 „*Mon cher, je hais...*“ (франц.) „Азизим, мен одамларни кўролмайман, акс ҳолда улардан нафратланишга мажбур

бўлардим, бу ҳолда эса, ҳаёт жирканч бир масхарабозликка айланур эди”.

³⁴ „Mon cher, je méprise les femmes...“ (франц.) Азизим, мен хотинларни севмаслик учун улардан нафрат этаман, акс ҳолда ҳаёт гоят кулгили бир мелодрамага ўхшаб қолган бўларди”.

³⁵ *Скептик* — ҳечнарсга ишонмайдиган киши.

³⁶ *Матерьялист* — материализм тарафдори.

³⁷ *Френология* — калла суягига қараб, одамнинг психологиясини билиш мумкин деган сохта илм.

³⁸ *Мефистофель* — Гётенинг „Фауст“ номли драматик поэма-сидаги ёвуз руҳ.

³⁹ *Метафизика* — бу жойда — мавҳум, қоронғи, равшан бўлмаган ма’нода.

⁴⁰ *Цицерон* — қадимги Римда машҳур нотик ва давлат арбоби (эрамиздан илгариги 106 — 43 йиллар).

⁴¹ *Рим авгурлари* — қадимги Римда қушларнинг учишига қараб каромат қилучи қоҳинлар. Цицероннинг айтишича, улар учрашиб қолганда, одамларнинг соддадиллигидан кулиб, бир-бирларига қараб қўяр эканлар.

⁴² *Архимед* — қадим замонда ўтган гениал физик ва математик (эрамиздан олдинги 287—212 йиллар); Архимед „Менга таянч нуқтасини топиб беринглар, ер шарини ағдариб юбораман“ деган экан.

⁴³ *Fievre lente* (франц.) одамни ҳолсизлантиручи ва узоқ давом этадиган безгак касали.

⁴⁴ *Минораларида зерикиб ўтирган казаклар* — Кавказ забт этилмасдан олдин ва забт этилиши даврида казаклар чега-радаги қал’а атрофига қурилган минораларда қўриқчиликда турар эдилар.

⁴⁵ *Ep ripuenique* (франц.) шаҳардан ташқарига, кўкаламзор жойларга чиқиб ўтказиладиган сайр, зиёфат.

⁴⁶ *Балка* — чуқур, ўр, жар.

⁴⁷ *Амазонка* — бу жойда суворий хотинлар кийими.

⁴⁸ „Mon dieu, un circassien!..“ (франц.) „Вой худо, черкас!“

⁴⁹ „Ne craignez rien, madame...“ (франц.) „қўрқманг, хоним, мен кавалерингиздан хавфлироқ эмасман“.

⁵⁰ *Ресторация* — ресторан.

⁵¹ *Полька* — рақслардан бирининг номи.

52 *Фажма* — XVIII аср ва XIX асрнинг бошларида хотинлар юбкаси; қоматни тўла қилиб кўрсатиш учун тагига кенг гардиш қўйиб тикиларди.

53 „C'est imprayable...“ (франц.) „Қизиқ экан!“

54 „merci, monsieur“ (франц.) „Раҳмат, афандим“

55 Пермете... (франц.) (permettre) рухсат этинг...

56 „...roug mazure“ — маст киши „мазурка“ сўзини бузиб „mazure“ дейди.

57 *Кадриль* — қадимги рақслардан бирининг номи.

58 „Charmant! délicieux“ (франц.) — „Ҳайратбахш Қойил!“

59 *Аноплексия* — фалаж.

60 *Эпитафия* — қабр тоши устига ёзилган лавҳа.

61 *Амур қанотлари* — ишқ-муҳаббат тангрисининг сиймоси; қанотли ёш гўдаклар шаклида тасвир этилар эди.

62 *Буюк Александр* — Искандар Зулқарнайн.

63 *Лорд Байрон* — Джорж Гордон (1788—1824) — буюк инглиз шоири.

64 *Титуляр советник* — чор Россиясида амаллар 14 даражага бўлинарди; титуляр советник энг паст даражали амаллардан бири эди.

65 vis-à-vis (франц.) рўпарама-рўпара.

66 *Диалектика* — бу жойда — баҳсда „мантиқ қондаларини“ ишлатиш.

67 *Логика* — билиш қонунлари ҳақида илм.

68 *Тасс* — Торквато Тассо (1544—1595) — итальян шоири, „Озод этилган Қуддус“ деган поэманинг автори: поэма қаҳрамони рицарь Танкред сирли ўрмонга кирганда момақалди-роқ гумбири, аланга, қоронғулик ва шу қабилар блан учрашади.

69 *Вампир* — 1819 йилда инглиз тилида шу ном блан чиққан повестънинг ёвуз қаҳрамони; повестънинг автори номаълум.

70 „Son coeur et sa fortune...“ (франц.) „Ўз қалби, бахти ва тақдири...“

71 *Секундант* — дуэльда шохидлик қилучи киши.

72 *Вальтер Скотт* (1771—1832) — инглиз ёзучиси, жуда кўп тарихий-романтик романлар автори.

73 *Физиологик тажриба* — бу жойда янги касал устидан тажриба ўтказиш маъносиди.

74 *Юлий Цезарь* (эрамыздан илгариги 102 — 44 йиллар) — машхур Рим лашкарбошиси ва давлат арбоби. Ўлдирилиш куни

Сенатга кетаётганида оstonага қоқилиб кетган эмиш, бу эса ёмон каромат бўлган эмиш.

⁷⁵ „Finita la comedia!“ (итальянча) — „Комедия тамом бўлди!“

⁷⁶ Наполеон Ватерлоодан кейин... — 1815 йилда Наполеон Ватерлоо деган жой яқинида бўлган жангда мағлубиятга учраган.

⁷⁷ *Бостон* — қарта ўйинларидан бирининг номи.

⁷⁸ *Яшил стол* — эски вақтларда қимор ўйналадиган стол.

⁷⁹ „*Ва-банк*“ — қимор ўйинида ўртадаги пул миқдорига ба-
равар пул тикучи ўйинчининг хитоби.

⁸⁰ *Штосс* — қимор ўйинларидан бири.

⁸¹ *Астралогия* — қадим замонда юлдузларнинг туришига қа-
раб одамларнинг тақдирини каромат қилучи сохта илм.

⁸² *Чихир* — Кавказ ичимлиги, бўза.

⁸³ *Инстинкт* — сезги, ҳис.

⁸⁴ *Фаталист* — тақдирга, ёзмишга кўр-кўрона ишонучи
киши.

МУНДАРИЖА

	Бег
Испанлар. <i>Асқад Мухтор</i> ва <i>Сами' Абдуқаҳҳор</i> таржимаси	7
Маскарад. <i>Ойбек</i> таржимаси	126
Вадим. <i>Ҳамид Фулом</i> таржимаси	247
Ошиқ Ғариб. <i>Учқун Раҳмон</i> таржимаси	383
Замонамиз қаҳрамони. <i>Одил Раҳимий</i> таржимаси	393